

ШАРОФ РАШИДОВ

ҒОЛИБЛАР

ШАРОФ РАШИДОВ

АСАРЛАР

БЕШ
ЖИЛДЛИК

ТОШКЕНТ
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
1981

ШАРОФ РАШИДОВ

АСАРЛАР

БИРИНЧИ ЖИЛД

Роман **ҒОЛИБЛАР**

ТОШКЕНТ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
1981

Ўз
Р 31

Сўзбёши муаллифи — *Вигалий Озеров*
Муҳаррир — *Ҳамид Ғилом*

Р 70303—190
М352(04)—81 ДОП. 81 4702570200

ХАЛҚ ҲАЁТИНИНГ ИЛҲОМБАХШ ҚУДРАТИ

Шароф Рашидович Рашидовнинг ҳар бир сатри халқ ҳаётига туғма яқинликдан туғилган. У Октябрнинг тенгдошидир. У социалистик ўзгаришларнинг қайноқ муҳитида вояга етди. Унинг болалик йилларида Ўзбекистонда эски дунёнинг сўнги қолдиқлари билан жанг бўлаётган, синфий кураш алаңлари баланд кўтарилганди. Унинг онги, иқтидори партия мамлакатни индустриллаштириш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришнинг катта йўлини тутган бир шароитда шаклланди. «Ҳаётимнинг энг муҳим дамларини хотирамда жонлантирар эканман,— деб ёзган эди Шароф Рашидов 1978 йилда бир журналнинг саволларига жавоб бераркан,— оғир ва ибратли ҳаёт мактабини ўтган бизнинг авлод тарихининг қаҳрамонлик билан тўла саҳифаларига назар ташлайман. Мен республика бутун бошдан қайта туғилаётганига гувоҳ бўлганман, гувоҳ бўлибгина қолмай, ўзим ҳам умумхалқ ишида қатнашганман». Ҳақиқатан ҳам, социалистик бунёдкорлик пафоси янгилик яратувчи фаол инсон характерини, ўзига хос санъаткор талантини тарбиялаб берди.

Совет ҳокимияти туфайли педагогика техникумини тугатиб, мактабда муаллимлик қила бошлаган, сўнг Самарқанд Давлат университетини битирган камбағал деҳқоннинг фарзанди мана шу зўр яратувчилик нафасини жонидан туйди. Унинг билимлари чуқурлашди, ҳаётини тажрибалари кун сайин орта борди. Унинг кўзлари ва туйғулари ўткирлашди, юрагига илҳом шабадалари оқди — Шароф Рашидов шеър ёза бошлади. Унинг шеърларида халқ қўшиқчилиги йўлларининг, Ҳамид Олимжон граждонлик лирикасининг таъсири билиниб туради. Шоир она-Ернинг гўзалликларини, совет кишини меҳнатининг самараларини шарафлади. Шароф Рашидовнинг бутун ижодиётига унинг қуйидаги сатрларини эпитафия қилиб қўйиш мумкин:

Аждодларнинг ҳаққи учун чўлни бўстон айлаймиз,
Канал қазиб, дашту чўлни биз гулистон айлаймиз.
Ленин номи тилга олиб, ургаймиз ишда жавлон,
Ташна чўлда ҳаёт кулар, бўлур ўлкам гулистон.

Шароф Рашидов ўз шеъриятида ҳаётни, ўзи севган ўлкани мана шундай бир бунёдкор каби ҳис қилади ва ўзини ўлка боғ-

лария яратувчилар сафида кўришни истаиди. Мана шундай орзулар билан у университетда ўқиркан, ўқишни область газетаси «Ленин йўли»да ишлаш билан бирга олиб боради.

Сўнг жанг кунлари бошланди, у оғир ярадор бўлди; Самарқандга 1943 йилнинг ўрталарида қайтди. Фронтидан қайтгач, қизғин жамоатчилик фаолиятига шўнғиди: «Ленин йўли»нинг муҳаррири (1943—1944 йиллар), Самарқанд область партия комитетининг секретари (1944—1947 йиллар), республика газетаси «Қизил Ўзбекистон»нинг муҳаррири (1947—1949 йиллар), Ўзбекистон Ёзувчилар союзи Правленисининг раиси (1949—1950 йиллар) бўлиб ишлади. Шароф Рашидов ўн йил мобайнида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси лавозимида хизмат қилди. У 1959 йилдан бери Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретаридир. Шароф Рашидов — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат. У икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган.

Даврнинг қаҳрамонлик руҳи билан тўлиқ воқеалари ва бу воқеаларга партиявий кўз билан қараш Шароф Рашидов ижодиётини самарага бой қилди. У доимо ҳаётнинг қайнаган жойида бўлади ва янгилик куртакларини тез пайқайди ҳамма қўллаб-қувватлайди. Унинг асарлари социал таҳлилнинг равшанлиги, партиявий нуқтан назарнинг тинчлиги, эҳтиросга тўлиқлиги билан ажралиб туради.

У ўттизинчи йилларда колхозчилар меҳнатининг доврўғини куйлаган бўлса, кейинги ўн йилликда, Улуғ Ватан уруши йилларида совет кишининг қаҳрамонлигини мадҳ этди, чуқур ватанпарварлик билан сугорилган шеърлар ёзди. Унинг «Жанг қил», «Лочинлар», «Қасос ол», «Она насихати», «Дўстимга мактуб», «Белград қизи» сингари шеърлари машҳурдир. Унинг уруш йиллари яратган жўшқин шеърлари 1945 йилда нашр этилган «Қаҳрм» китобига киритилгандир.

Шароф Рашидов ўзини насрда ҳам синаб кўра бошлади. Элликдан ортиқроқ ватанпарварлик шеърлари, ўнлаб адабий-танқидий, ҳаётий мақолалар, йигирмадан зиёдроқ очерк ва ҳикоялар унинг қаламига мансубдир. Бу асарларнинг бари замонавий руҳ билан тўлади. Уларнинг қаҳрамонлари эса ўлкани гуллаган, обод боққа айлантириш, фаровон ҳаёт қуриш учун курашга бел боғлаган замондошларимиздир. Еш носирнинг илк тажрибалари, эҳтимол, баъзи баёнчилик ҳолларидан холи эмасдир. Лекин инсон эҳтиросларининг рангин оламлари тобора унинг диққатини чуқурроқ торта бошлади. У инсон ҳиссий оламларини муайян ҳаётий образлар воситасида ёритади, республиканинг донгдор ва илғор қарашли кишилари пахта ва сув учун оlib бораётган курашнинг тарихий ўзига хосликларини бадий гавдалантиради. Унинг илк очерк ва ҳикояларидаёқ жанг нақадар қизғин бўлганлиги кўрилган эди («Қўриқда», «Халқиманин ўлими», «Меҳнатсевар қизлар»). Бу каби асарларнинг қаҳрамонлари далаларга сув чиқариш, мўл пахта ҳосили етиштириш ташвиши билан яшайдилар.

Мана шу олижаноб мақсад билан чамбарчас боғланган социал ва маънавий масалалар 1951 йилда яратилган «Голублар» деб аталган повестнинг асосини ташкил қилди.

Бу повесть, деб ёзган эди Шароф Рашидов кейинроқ, «мен

фронт кунларида ва урушдан кейинги биринчи йилларда ёзганим шеърлар ва очеркларнинг узвий давоми сифатида майдонга келди. Мен буларда халқ ва мамлакат нима билан яшаётган бўлса, шунга ўз муносабатимни билдиришга, тенгдошларимни ҳаяжонга солган, ватандошларимни жапғларда ва фронт орқасидаги меҳнат жабҳаларида жасоратга ундаган нарсаларни ифодалашга интилдим». Мана шу тариқа «Ҳаҳрим»га кирган шеърлар, «Тарих ҳукми»дан ўрин олган публицистик мақолалар, вақтли матбуот саҳифаларида эълон қилинган очерклар «Ғолиблар» повести билан бир ғоявий йўналиш касб этади.

Китобхонлар повестни идиқ кутиб олдилар. Бироқ адиб асарни иккинчи даражали воқеалар билан тўлдириб юборди, ҳаёт ҳодисаларини бадиий гавдалантириш ўрнига уларни қайд қилиб ўтиш билан чекланди, баъзи персонажлар тўлақонли чиқмай қолди. Лекин адибга қойил қолмиш керакки, у асарга сўнграқ яна қайтди, баъзи ҳаётий чизиқларни чуқурлаштирди, бир қанча бобларни бутунлай қайтадан яратди. Йигирма йилдан ортиқроқ вақт ўтгач, тамоман янги, тугал мустақил «Ғолиблар» романи пайдо бўлди, бу романнинг ҳар бир саҳифаси моҳир адибнинг қўлидан чиққанлиги яққол сезилиб туради.

Ўтқир замонавийлик руҳи билан сурғорилган бу асар ўзбек халқи ҳаётининг энг муҳим томонларини акс эттиради: унинг марказида зўр пахта хирмонлари учун кураш, сув таққислигини тугатиш, янги ерларни ўзлаштириш масалалари туради. Олтинсой қишлоғининг меҳнаткашлари олиб берган сув учун, юқори ҳосил учун кураш китобхонлар юрагида зўр хайрихоҳлик уйғотди, улар романнинг жонли, ҳаётий ўзига хос қаҳрамонларини севиб қолдилар. Романда социализм туфайли тарихий ижодкорлигининг юқори погоналарига кўтарилолган аёл образи ҳаққоний гавдаланди. Шунинг ҳам айтиш керакки, пиқилобнинг биринчи кунларидан бошлабқў Урта Осиё адиблари, шоирлари, зиёлилари аёл образини яратишга жиддий эътибор билан қарай бошлаган эдилар. Улар ўтмишда ҳуқуқсиз ва қашшоқ деҳқон аёлининг озодликка чиқишиш, эски турмуш сарқитлиги билан бўлган аёвсиз курашларни, қонли фожиаларни кўраётдилар. Шароф Рашидов мавзунини талқин қилишда муҳим қадам ташлади, у оқила ва жозибадор Ойқиз образини яратди. Ойқиз ҳам бизнинг замонадошимиздир, у жамиятнинг тўла ҳуқуқли аъзоси, шу билан бирга ҳормас-толмас ташаббускор, чексиз ғайрат соҳибасидир. Ҳамма гап мана шу ажойиб хусусиятларнинг тўғри издан боришидадир.

Шароф Рашидовнинг «Ғолиблар» ва «Бўрондан кучли» (1958) дилогияси уруш даври ва урушдан кейинги йилларнинг муҳим бадиий эпик солиномаси бўлиб қолди. Бу асарлар ана шу саноқли йилларда Ўзбекистон йигит-қизлари, ўзбек халқининг кўрсатган матонати ва қаҳрамонликлари ҳақида ҳикоя қилади. Урушда Ойқизнинг akalари ҳалок бўлдилар (романда повестдагидан кўра тўлароқ ҳикоя қилинган улар ҳақида). Уруш орқасида қолганлар эса фронт учун, жон олиб жон бераётган жангчиларимиз учун тун-кун демай тер тўкиб ишлайдилар. Ойқиз сипғари навқирон ёшлар фронтга кетганларнинг ўрнини билдирмаслик учун далаларга чиқдилар.

Шароф Рашидовнинг романлари бизнинг интернационалистик дўстлигимизни акс эттирувчи қаҳрамонларга бой асарлардир.

Райком секретари Жўрабоев қаторида одамнинг энг эсида қолдиган персонажлардан бири рус инженери Смирновдир. У Ўзбекистонни севади, ўзбек тилини билади, Олтинсойда унинг дўстлари кўп.

Колхозчилар фидокорона меҳнат қиладилар. Шундай бўлса ҳам, улар ҳали кўп нарсалардан қаноатланмайдилар. Ҳозирча қишлоқ деҳқонлари адирга дон сочиш билангина чекланадилар, сув таъқислигидан пахта етиштиришнинг имкони йўқ. Муаллиф табиат гўзалликларини, нур ва сояларнинг ажиб ўйинларини нафосат ҳиссиёти билан қилқалам устаси каби чизади. Қўз ўнгимизда баҳор ёмғирларидан сўнг чамандай яшнаб кетган чўл-адирларнинг манзаралари гавдаланади, лекин кўп ўтмай қуёшнинг ўтли нафаси гиёҳларни қовжиратиб, сарғайтириб кетади. Қишлоқ Совети раислигига сайланган Ойқиз мана шу чўлларга ҳаёт олиб киришни орзу қилади. Бир пайтлар бу ерларда сув бор эди, кўпни кўрган мўсафидлар ариқлар қазилиб, сувлар оққанлигини яхши эслайдилар. Лекин бу ариқларни бойлар бузиб ташлаганлар, босмачилар булоқларнинг кўзларини кўлиб йўқотганлар. Ойқиз бундан бохабар бўлгач, сув чиқариш, булоқларнинг кўзини очиш пайида бўлади, сув ҳавзалари қуриш, даладаларга сув чиқаришни кўзлайди.

Ғайратли ва навқирон қиз колхозчиларни ўз орзуларининг ҳаётлигига ишонтиради, Ойқиз жасорати, қатъияти, продасининг кучи билан одамларни ўзига эргаштиради.

Ёзувчи қиз образини лирик бўёқлар билан чизади. Роман доволанган манзараси билан очилади. Қудратли тоғлар ястаниб ётади. Чўққиларда бургутлар қуёшнинг илк нурларини қутлайдилар. Осмон олтин нурлар билан қопланади, бургутларнинг кумуш каби кўринган қанотлари нур ичида товланади. Борлиқ яшнаб кетади. Олтинсой тенгсиз бир чирой касб этади. Сеҳрсоз манзара Ойқиз юрагидаги сеҳрли туйғуларга нақадар уйғун ва буларнинг ҳар иккиси ҳам нақадар ҳаётбахш.

Ёзувчи Ойқизни бир ёқлама қаҳрамон каби тасвирламайди, қиз образи жуда бой, биз уни тинимсиз изланишларда кўрамиз. Ойқиз фикрчан қиз. У худди тоғда ўсадиган нарсалар каби мустаҳкам бўлиши келади. «Ун тўққиз ёшида жасорат кўрсатиши орзу қилмаган ким бор? Ойқиз ҳам худди шуни орзу қиларди. У ҳам жасорат кўрсатишга тайёр! Бироқ узоқдаги кичкина қишлоқда қандай жасорат кўрсатиш мумкин?» Шунда у Гастелло, Зоянинг тақдирини эслайди. Улар кўрсатган жасоратни онгли жасорат деб аниқлайди ва шундай жасорат кўрсатишга шайланади. Жасорат кўрсатишга одам доимо юракдан тайёр бўлмоғи, Ватани жон-дили билан севмоғи керак. Ойқиз ўзида чидам, прода, матонат хислатларини тарбиялашга аҳд қилади. Характер тарбияси — буни ёзувчи Ойқизнинг мана шу ҳолатида марказий ўринга олиб чиқади. Ойқиз ўзи интилган шу хислат ва фазилатларга сув чиқаришга, олға босишга қарши бўлган, дунёқарашни қотиб қолган кишиларга, дангасэ, тегса-тебранмас, юлғичларга қарши аёвсиз курашда эга бўлади. Шу билан бирга у тинимсиз суратда инсоний камолот касб этиш йўлидан боради. Ёзувчи мана шу мураккаб психологик жараёнларни маҳорат билан гавдалантиради ва ранг-баранг тасвирий воситалардан фойдаланади.

«Ғолиблар»нинг чўққисиди ҳам Ойқиз характерининг энг си-

поқли дамлари туради. Ойқиз жуда тез ўсди, ёш бўлишига қарамай агрономликдан тўғон ва сув омбори қурилишининг бошлиқ ўринбосари даражасига кўтарилди. Шунда у ўзидаги ишонч туйғуси аста ўзбилармончиликка айланиб кетаётганлигини билмай қолди. Қурилишни тезроқ тугатлаш мақсадида Ойқиз лойиҳадан чекинишга, қиргоқ тошларини ортиқча меҳнат сарф қилиб ўйиб ўтирмасликка буйруқ беради. Бу сал бўлмаса қурилишни оғир оқибатларга дучор қилади.

Социалистик жамиятимизнинг тенгсиз қудратли кучи бор, у ҳам бўлса коллективизм туйғуси, бир-бирига ўртоқларча ёрдам беришга тайёр туришдир. Шароф Рашидов романларида мана шу нарсани жуда чуқур таҳлил қилади. Жўрабоев ва Смирнов Ойқизнинг хатоларини юз-хотир қилмай рўйирост кўрсатдилар ва уларни тугатишда ёрдамларини аямдилар. Ойқиз учун бу сабоқ бўлди, уни олдинда ҳаётнинг ажиб шодликлари кутади, ҳали у кўп ғалабаларга эришади, пок ва мунаввар фронтвик йигит Олимжон билан уларнинг тўйлари бўлади. Лекин асарда драматик ҳолатлар таранглиги асло бўшашмайди. Шароф Рашидов ҳаётини конфликтлар ичига, писон кечинмалари ва тўқнашувлари ичига тобора тера: кириб боради.

«Бўрондан кучли» романида «Ғолиблар»га нисбатан қаҳрамонлар давраси уччалик қаттиқ ўзгариб кетгани йўқ, лекин қаҳрамонлар олиб борган кураш янада кескинлашди. Ойқиз ва унинг дўстлари яқдиллик билан кўриққа қарши ҳужум бошлайдилар. Уларнинг ташаббускорлиги Қодиров сингари қотиб қолган, олдинга силжишни истамайдиган, ўзини уринтиришни ёқтирмайдиган одамларнинг қаршиликларига учрайди. Колхоз раиси Қодировнинг қолоқлиги, ўжарлиги «Ғолиблар»да ҳам кўринади. «Бўрондан кучли»да шундай тараққиёт йўлини кўрмайдиган шахсларни танқид қилиш янада ўткирлашади. Қодиров эришган ютуқларидан кибрланиб кетган, у колхозда эришилган барча ютуқларни ўз номи билан боғлайди, тил учида иш битиришга, аслида қўлини совуқ сувга урмасликка жуда ўрганиб қолган. Унинг атрофини Алиқул ва Ғафурга ўхшаган қамоқдан қайтган лаганбардор юлғичлар ўраб олганлар. Ёзувчи романда ишни кам қилиб шуҳратни кўп «ўриш»га шошиладиган, кибр-ҳаво, манманликка берилиб кетган ажроком раиси Султонов образини ҳам гоёта маҳорат билан тасвирлайди. Янги шароитда янги кучларнинг ўсишига ғов бўлиб ётган Қодиров ва Султоновлар Ойқизга қарши фитна уюштирадилар, Юсуфий деган шахсга тухматдан иборат фельетон ёздирдилар. Уларнинг ғалампсликлари Ойқизни оғир изтиробларга солди, лекин коллектив, район партия комитети, республика партия ташкилоти Ойқизни билади, керак пайтда уни қўллаб-қувватлайди.

Шароф Рашидов ҳаётни, унинг теран оқимини тубдан, теран билади ва теран ёритади. Воқеликни яхши билиши туфайли тасвирида ҳаётийлик юксак. Унинг қалами тўқиб чиқарилган, сохта воқеаларни ёзмайди. Адибнинг кўзи ўткир, у ҳаётини ҳолатларини жуда аниқ ва равшан чизади. У фалсафий мазмундор умумлашмалар чиқаришга асос берадиган салмоқли картиналар яратади. Шунга яраша унинг сўзи рангин ва жозибадор. У қиёфалар чизганда уларнинг ифодавийлигига катта аҳамият беради. Худди «Ғолиблар»да бўлгани каби бу романда ҳам қаҳрамонларнинг руҳи ва феъли атворини очадиган антиқа деталлар топади.

Ойқизининг қол-қора чиройли кўзлари доимо чақнаб туради, Қодировнинг чеҳрасига ғазабдан қон тепәди, Жўрабоев чавандозлардай шахдам юради. Смирновнинг даҳанида холи бор, Султонов пашъа ва завқ, кибр билан чиройли кулади ва ҳ. к. Езувчининг маҳорати — тасвирланаётган қаҳрамонлар «руҳий диалектика»сини психологик жиҳатдан нозик кузатишларида, уларнинг онглирида рўй бераётган ўзгаришларни лўнда ифодаларда ёритиб ўтишларида яхши кузатилади. Езувчи қаҳрамонларининг портретларини чизаркан, уларнинг психологик томондан ёрқин чиқишига алоҳида эътибор беради, тасвирларида ўринли деталларни ишлатади, қаҳрамонларининг руҳий оламида рўй берган ўзгаришларни усталлик билан кўрсатади. Дадасининг тобути ортидан бораётган Ойқизини кўзлари ич-ичига кириб кетган, ранглири ўчган, дармондан кетган бемордай зўр-базўр юриб бораётган ҳолда кўрсак, сал ўтмай, тўғрироғи, эртасига тонг чоғида уни Олтинсой булоғи устида учратамиз, унинг ўзига ўзи айтган: «Қани айт-чи, нима учун хилват ахтариб келдинг? Нега керак? Ўйлаб кўр, Ойқиз. Тетик бўл. Халқ билан бўлсанг, меҳнат ва кураш тўлқинларида сузсанг, қайғу-аламингдан асар қолмайди. Ахир даданг ҳам «халқ билан бирга бўл», деб таълим берарди-ку. Тур, Ойқиз, элга бор, сенинг қайғунг — элнинг қайғуси, элнинг ғалабаси — сенинг ғалабанг!» — деган пидосини эшитамиз.

Шароф Рашидовнинг ижодий усулида лиризм холис тасвирнинг ичига сингиб кетади. Ҳаётга эҳтиросли муносабат, граждонлик масъулиятини қаттиқ ҳис қилиш туфайли санъаткор ўзи тасвирлаётган воқеаларнинг фаол иштирокчисга айланади, шунинг учун ҳам у қаҳрамонларининг ҳиссиётларини жиловлашни истамайди. Роман воқеаларининг лирик рағбининги, публицистик кўтаришқилиги ҳам мана шундан. Ойқизининг ота тақдирини, ўз ҳаёти ҳақидаги ўйлари партия ҳақидаги ўйлари га туташиб кетади, у партияни миллионларни бирлаштирган қудратли куч деб билади. Халққа бўлган садоқат — инсон фазилатларининг энг олий мезонидир. «Кимки янгилик тарафдори бўлса-ю, ана шу янгилик ғалабаси учун жонбозлик қилса, у халқ бахти учун курашган қаҳрамондир, — дейди Жўрабоев. — Кимки янгиликдан қўрқса, тиңчилик-осойишталиги бузилишидан қўрқса, янгилик йўлига ғов бўлади ва халқ манфаатидан воз кечиб, ўз манфаати учун, мансаби учун курашган бўлади».

Романнависининг ўзи ҳам кишиларга шу нуқтан назар билан қарайди. У ўзининг муҳаббати ва нафратини яшириб ўтирмайди. Деҳқонларнинг фидокорона меҳнатидан завқланади. Лапашанг раҳбарлар, манфаатпарастлар, ғаламисларни қаттиқ танқид қилади (Юсуфийнинг қиёфасини эсланг, ўзи ориқдан-ориқ, бўйи узундан-узун, катта кўзойнак таққан бу тухматчи мухобирнинг лабларига сира кулги қўнмаган, унинг кўзлари маъносиз боқади).

Езувчи ҳаётнинг, инсон тақдирларининг, характерларининг мураккаблигини яхши билади. У зиддиятчи феъл-атворга эга бўлган қаҳрамонларни ҳам усталик билан тасвирлайди. Ш. Рашидов бундай шахсларни гавдалантираркан, уларнинг образига рамзий тус беради. Улар орқали даврнинг қарама-қаршиликларини оцади. Муроталининг кўрган-билган дунёси — тоғ бағрига жойлашган ҳовли, супа устида шох ёйган ўрик дарахти. Бу

Ўрик Муротали умрининг ажралмас бир қисмига айтаниб қолган, у ҳаётини шу ўриксиз тасаввур қилолмайди. Муроталининг уйи Қатортолда ҳамма уйлардан чеккада туради. У яккахўжалик намояндасининг турмуши билан яқдил коллектив ҳўжалиқни чоғиштириб кўришга мажоз валифасини ҳам ўтайди. Муроталининг севган ўрик дарахтини баҳорда совуқ уриб кетади. Колхоз босидаги ўриклар эса қулф уриб ўсади, «чунки водийдаги ўриклар катта-кичик майдонларда бўлиб, бир-бирларини шамол-тўполондан, изгирин совуқлардан ҳам сақлаб қолдилар, яъни бир-бирларини иситиб, бир-бирларини ҳимоя қилдилар. Ойқиз «ёлғиз бўлгач, дарахт ҳам ўсолмайди», деб ҳақ сўзни айтган эди».

Рашидов — санъаткор оламни унинг бир бутунлигида кўради; қўриқ ерларни ўзлаштириш — унинг қаҳрамонларининг бош мақсадига айланган; романнавис табиатни унинг жонли ҳолатларида тасвирлашга моҳир, у табиатни одам билан гўзал деб билади, табиат Рашидов қаҳрамонларининг қалбларига яқин, уларнинг ўй-хаёлларига уйғун. Манзаралар саховат билан чизилган, улар рангларга тўлиқ. Биз адибнинг етагида поёнсиз чўллардан ўтиб борамиз, у офтоб нурларига ғарқ бўлиб чамандай очилиб ётибди, лекин ҳаво айнаши билан чўл худди тунд ва хавfli океаннинг ўзи бўлади-қўяди. Адиб чўлни беш қўлдай билади, чўлдаги ҳамма манзаралар унга таниш, ҳамма овозларни сергақлик билан илғайди. Бу деҳқон ўзлаштириб бораётган бугунги чўл. Бунда шамолларнинг увиллашларига, сойларнинг шалдирашларига тракторларнинг ўкиришлари, кетмонларнинг қуёш тигида ялтирашлари қўшилиб кетади. Ойнинг шуўлалари тунда ишлайтган машиналарнинг кучли чироқларидан хиралашгандай бўлиб кўринади. Булар соф ўзбек манзаралари. Олтинсой кузининг рангларига ғарқ бўлган. «Тепанинг ўнг томонида янгидан очилган қўриқлар кўзга яққол ташланиб турарди. Узоқ-узоқларда қўриқ очаётган тракторлар қоп-қора нуқтадай кўринадими-ю, доимо ҳаракат қиларди. Янги ерларда қад кўтарган чиройли ва оппоқ иморатлар қуёш нурида товланарди. Чап томонда эса, куз либосини кийган Олтинсой қишлоғи равшан кўринарди. Қадди-қомати келишган мирзатеракларнинг япроқлари тўқ сариққа бўялган эди, ғужам садалар ва ўриклар олтин сянғари ярқираб турарди. Катта-катта қайрағочларнинг қуюқ япроқлари эса эрталабни ўфиқдай равшан ва қип-қизил эди. Шундай қилиб, бутун Олтинсой сариқ ва қизил тусдаги япроқлар билан ясанган эди».

Ш. Рашидов насри серқиррадир: ерга зарб билан тушаётган кетмонлар саси, узоқлардан келаётган карвон садолари, сойларнинг бир маромда айтган қўшиқлари, одам овозлари — ҳаммаси бир-бирига уйғун.

Кўп вақтлар ёзувчининг овози персонажларнинг гап-сўзларига қўшилиб кетади. Адиб адабиётнинг тарбия қуроли эканлигини бир зум бўлсин унутмайди, у ўз қаҳрамонлари билан очиқчасига баҳслашади, уларни гоҳ қўллайди, гоҳ огоҳлантиради, уларнинг хатти-ҳаракатларига баҳо беради, тушунтиради.

Адиб ўз қаҳрамони Ойқизни севади, лекин унинг камчиликларини ҳам кўриб туради, бу камчиликлар ундаги фасилатларнинг давомидай англанади. Ойқиз қатъиятли ва жасур аёл, лекин у ташаббус кўрсатишга шошилади, одамларга ҳаддан ташқари ишонади. Ойқиз Қодировнинг тубанлигини дарҳол англаб улгур-

мади, маккор Алиқулини чиндан яхши одам деб билади. Лекин раҳбар атрофдаги кишиларни яхши билиши, уларнинг кўнглидаги ниятларини фаҳмлаши, ҳамфикрларни муҳолифлардан ажрата олиши керак. Езувчи мана шуларнинг бариини айтиб ўтишни ўз бурчи деб билади. Адибнинг кўпгина муурожаатлари ичида, айниқса, шу эсада қолади: «Сен Ойқиз, кураш нима эканлигини яхши биласан! Кураш турли-туман кишилар ва турли-туман фикрларнинг қарама-қарши учрашувигина эмас, балки шу билан бирга тақдирлар жангидирки, фронт линияси бизнинг қалбимиздан ўтади... Армия жанг қилади, бир-бирига қарама-қарши ғоялар лагери жанг қилади, оқибатда ҳалокат ҳам бўлади, азоб-уқубат ҳам бўлади, ўсиш-улгайиш ҳам бўлади. Демак, кишининг қалби темир эмас, атрофда юз бераётган курашга фарқсиз қараб тура олмайдми».

Кураш. Усиз олга силжиш мумкин эмас. Шароф Рашидов яратган асарлар шуни тасдиқлаб турадилар. Ҳа, кураш оғир, у қурбонлар бўлишнинг талаб қилади, лекин у инсон бахти учун олиб борилар экан, унда қийинчиликлар ва маҳрумгарчиликлар ўзини оқлайди. Адибнинг ижодиёти кишиларга инсоний меҳр-шафқат билан йўғрилгандир.

Меҳнаткаш инсонга ва унинг эркига бўлган муносабат тарихий шахсларнинг қимматини, шоирона яратилган қисса персонажларнинг моҳиятини белгилайди. «Қашмир қўшиғи» (1956) қиссасида ҳинд халқ ижоди сюжетлари қайтадан жонлангандай бўлади, бунда баҳодир Бамбурнинг гўзал Наргизга бўлган муҳаббати куйланади. Эрк учун курашувчилар бу йўлда халқни бирлаштиролсалар, улар ғалаба қозонадилар. «Икки дил достони» (1959) асари ҳам инсонларни бирлашмоққа даъват этади. Мирза Абдулқодир Бедилнинг «Ҳомде ва Муъдан» достони асосида яратилган бу асар Ҳиндистон ва Урта Осиё халқларининг асрий орзу-армонларини акс эттиради.

Ш. Рашидовнинг замонавий асарлари ҳаракатчан гуманизмнинг тобора ошиб бораётган қудратини намойиш қилиб кўрсатади. Партиянинг қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш ҳақида кўрсатаётган ғамхўрлиги бугунинг ва келажакнинг манфаатларини назарда тутати. Адибнинг «Қамолот» (1960) киноповести мапа шу олижаноб мавзуга бағишланди. «Қудратли тўлқин» (1964) романи эса кўп миллатли совет адабиётида катта воқеага айланди. Унда давримизнинг гуманистик ижодий мазмуни очилгандир.

Республиканинг ёш ишчилар синфи умумхалқ интилишларининг қудратини ўзида ифодалайди. Езувчи уларни алоҳида меҳр билан тасвирлайди.

Қурувчилар, бетон қорувчилар, моптажчилар билан ёнма-ён Ойқиз, Олимжон, Ҳўрабоев, Смирнов, Погодинларнинг ҳаммаслак биродарлари бўлмиш пахтакорлар ва сувчилар ўз хизмат вазифаларини ўтайдилар. Пўлат Содиқов гидроэлектростанция қурилишига ишга келаркан: «ГЭС ҳам одамлар учун-ку. Бизнинг мамлакатимизда ҳамма парса фақат одамлар учундир. Одам ҳамма нарсадан қimmatли ер қадридир... Модомики шундай экан, уларга ғамхўрлик қилиш лозим. Мамлакатимиз— ҳамма бири бири учун ишлайдиган, бири бирига суянган тоғ бўлган мамлакатдир», деб ўйлайди. Область партия комитетининг секретари бўлмиш эски большевик ҳам, ёш комсомол ходими Ан-

вар ҳам ўзларини халқ бахт-саодати учун бағишлайдилар. Улар райкомнинг учинчи секретари Тўрахонов сингари жамият мап-фаатларидан йироқ амалпарастлар билан келишиб яшашни ис-тамайдилар. Худди Қодировга ўхшаб Тўрахонов ҳам одамларни қўл пўқиб кўрсатади, халқнинг жилови бўшашиб кетди деб қай-гуради. «Одамларни эркалатиб кўр-чи... бирини ўрнига иккинчи талаб қила бошлайдилар», дейди. Унинг учун Ватан, Одамлар деган тушунчалар жуда содда, яъни: «Ватан нима деган сўз? Ва-тан — канал қазийдиган кишилардир», деб ваъзхонлик қилади. У партия, давлат сингари юсак сўзлардан ўз савдогарчилик мақсадларида фойдаланишга уринади, мана шунинг учун ҳам Тўрахонов каби кимсалар хатарлидир. Ёзувчи иккиюзламачи, шароитга қараб ўзгариб турувчи кимса типини усталлик билан гавдалантириб бера олган. Партия ва халқ унга ўхшаганларни ўз йўлидан сулуриб ташлайди.

Санъаткор «Қудратли тўлқин»да ҳам ўз ижодий услубига со-диқ. У чинакам инсон характери қийин шароитлар ичида, уларни енгиб ўтиш жараёнларида, ёмонликка қарши аёвсиз курашларда шаклланишини кўрсатади. Ш. Рашидов асарлари фаол ҳаётини по-зицияда туриш принципларини илгари суради, маънавий соғлом-лиқни узлуглайди, сохта одамлар билан кураш йўлини ёқлайди. Қалби шаффоф каби пок Пўлат мактабда бизни кўп нарсаларга ўргатишган экану лекин бунга ўргатишмаган экан, деб айтади онасига. Унинг комиссар отаси эса Фрондтан ёзган хатларида Даныконинг ловиллаб ёнган юраги ва Павел Корчагиннинг метин продаси ҳақида хаёл суриб ҳалок бўлган дўсти ҳақида ҳикоя қилади ва фарзандини иродали бўлишга, бевошлик, ўзбилармон-чиликка қарши муросасиз курашишга ундайди. Мана шу қақир-қўқир Пўлат қалбида чуқур из қолдиради. Пўлатнинг болаларча ўжарлиги ёзувчига қайси бир қирралари билан қадрли, лекин шундай бўлишига қарамасдан, ёлғиз ҳиссиётнинг ўзи билангина ҳеч нарса қилиб бўлмаслигини у яхши билади. «Қудратли тўл-қин»да қаҳрамоннинг матонатли инсонга айланиш жараёнлари, унинг гражданин, ватанпарвар бўлиб етилиши ишонарли тадқиқ қилинади. Қурилиш унинг учун мактаб бўлади. Бетон қуювчи Рустамнинг илгор бригадасида жон куйдириб ишларкан, Пўлат коллектив кучи нимада эканлигини англаб етди. У Анвар ва Никитин билан дўстлашди, ўзи билан ўзи овора бўлиб қолиш, хафагарчиликка берилиш зарарли эканлигини билди, камчилик-ларга қарши муросасиз бўлишни ўрганди. Пўлат қурилиш пар-тия-хўжалик активида электростанция қурилишидаги жиддий камчиликларни рўйирост очиб ташлади. Жўшқин, тез таъсир-лашадиган йигитча мана шу тарихи матонатли бўлишга, ўзига ишонч билан қарашга ўрғана боради. «Қудратли тўлқинлар уни ўз оқимига олдики, энди у елкама-елка мардонавор ишлаган ва таълим берган ишчилардан беҳад миннатдор эди». Оғир хасталиқдан аста тазаларкан, Пўлат ўз ўтган йўлини эслайди: «Гарчи бу йўл бир текис бўлмаёй қийинчиликлар устидан ўтган бўлса ҳам, унинг дилини тозалаб янгилади. Шу оғир йўлдан бориб у меҳнат бахтини, дўстлик қадрини, самимий севгини таниди... гарчи хасталик куч-қувватини сиқиб турса ҳамки, у ҳеч қачон дилида етилган бу қадар кучни сазмаган эди. Энди у оғир хасталиқдан қутулиб, жўшқин ҳаётга қайтди...»

Роман қаҳрамонлари социял фаоллик ҳолатида яшаганлари учун ҳам янада салмоқли бўлиб кўринадилар. Оққўнғил, меҳрибон Баҳор одамларга болаларча беғуборлик билан ишонади, шу ишонч туфайли у баъзан Ойқизга қараганда ҳам кўпроқ янглишади. Пўлатнинг онаси муаллима Хайри авваллари ҳам Тўрахонов билан очиқчасига гаплашишдан чўчимасди. Лекин Тўрахонов хотинини қандай хўрлаётганлигини кўрганда, бекор илдаммай келган эканман, бу сансалорчи раҳбарни аллақачон фош қилишим керак экан, деган хулосага келади. Баҳорнинг отаси мард темирчи Халил ота ҳам кўп нарсаларни ўйлайди. Ўз пайтида босмачиларни қийратган бу ўқтам одам шушчалар соддаки, баъзан оқни қорадан ажратолмай қолади.

Адиб сюжет чизиқлари ичида мана шундай ҳаётний ҳодисаларни таҳлил қиларкан, мурабий адиб позициясида туради, бутунги кунларнинг воқеаларини ўйчашилик билан кўздан кечиради. Нима учун олижаноб, кўнгиллари пок одамлар маънавий разил кимсаларнинг ҳақиқий башараларини дарров илғаб ола билмайдилар? Езувчи шу ҳақда ўйлашга ундайди. Разолат аҳлининг ўзларини усталлик билан яширишларини, турли ниқобларга ўралиб олишларини ва шу ниқоблар ичида баъзан уларни фош қилиш ғоятда қийинлигини уқтиради. Ҳаётда ҳам бундай ҳодисалар учраб туради, бинобарин, Ш. Рашидовнинг романлари разолатини ниқоб билан яширишга ўрганган кимсаларни кўриши, англаши, фош қилишини, ўз-ўзини англаши, ўз бурчини тушунишини талқин қилади.

Биз учун ҳаммадан қимматлиси — одамлардир, ўз ишига моҳир, онгли меҳнаткашлар, чипакам ватанпарварлар, вафодор дўстлар. Адиб мана шу фикрни қайта-қайта уқтиради. У Пўлатга қарата мурожаат қиларкан: «Сени, Пўлат, барибир севаман. Қандай бўлсанг, худди шундайлигинча севаман. Сен ҳали ўзгарасан, ҳис-туйғуларинг камол топади, баъзан ҳаддан ошиб кетсанг ҳам, дилга ёқамлисан, чунки бу характерингдаги яхшиликдан келиб чиқади ва ана шу асосда ҳақиқий характер тоблашади».

Бу кўр-кўрона муҳаббат эмас. Ш. Рашидов ўз қаҳрамонларининг ҳозирги ҳолати, аҳволи билан қизиқибгина қолмай, уларнинг келажагини ҳам ўйлайди. Ўз қаҳрамонларини муҳаббат билан чизаркан, уларни тайёр, ҳамма нарсага осонлик билан эришган қилиб кўрсатмайди. Езувчи устивор ютуқлар устивор ҳаракатлардан пайдо бўлишини яхши билади. Оддий баёотлар билан муваффақиятларга эришиш қийин. Ҳаёт ҳар кунини одам олдига катта-кичик масалаларни қўяди, уларни ҳал қилмоқдан ўзини олиб қочиб мумкин эмас. Кунларнинг масалаларини ечиш жараёнида Горький айтган бир умрлик қаҳрамонлик пайдо бўлади. Бу қаҳрамонлик бир умрга берилади. Бу Корчагиннинг қаҳрамонлиги, унинг юрагида ёнган сўнмас ўт, мапа шуни Ш. Рашидов ўз замондошининг характерли хусусияти, инқилобий анъаналарнинг поғли давоми деб билади. Авварда мана шундай хусусият бўртиб кўринади. У майини, назокатли, шоиртабиат йипит (Анвар ҳаммадан яшириқча шеърлар ёзиб юради), дўстларига меҳрибон ва талабчан, бу талабчанлик янада кўпроқ унинг ўзига ҳам қаратилган. У Пўлатнинг нима учун фронтга ошиқайтганини тушунади, лекин бетоблик фронтга боришга имкон бермас экан, Пўлат ўзига топширилган ишни партиявий

пнтизом билан адо этишнини истайдн, бунга «ақт билангина эмас. юрак билан ҳам» амал қилишнини талаб қилади.

Собиқ аскар Анвар кўп тажриба орттирган, комсомол ишида чиниққан йигит, у Ғалаба ГЭС қурилишининг плҳомчиларидан. Ш. Рашидов унга қарата шундай ҳаяжонли сўзларни айтади:

«...Нимаики ишни адо қилсанг, бунн мардлик ёки жасурлик деб билмайсан, бунинг учун мақтов ҳам, мукофот ҳам кутмайсан, партия айтганидек яшаш, эл кутганидек жанг қилишни ўзинг учун энг олий мукофот деб билдинг. Энди-чи, меҳнатингдан барча дўстларинг ва юртинг баҳраманд бўлишини ўзинг учун олий мукофот деб биласан. Кўкрагинини жанговар орденлар безатгани йўқ, сенинг тўғрингда газеталарда ҳам ёзилмаган, шоирлар ҳам илҳомбахш қўшиқлар яратмаган. Аслида-чи, сенинг оддий ҳаётигинг ўзи қўшиқдир, кўйдир. Ҳар кунги меҳнатинг жасоратдир, камтарлик жасоратидир, мардлик ва меҳрибонлик жасоратидир. Бу фазилатларинг ҳар бири кўзга яққол кўринмаса ҳам, кишилар дилини иситадиган фазилатдир...»

Зиёсн барчага баравар аланга; қаҳрамонлар улғу армиясининг аскарн; ўз ишнин камтарлик билан адо этувчи коммунист-ёзувчининг чинакам романтика ҳақидаги тасаввурлари маза шулар билан чамбарчас боғлангандир. Бу одми кунларнинг одми бўлмаган қаҳрамонлигидир, бунда оддий кишилар оддий бўлмаган ҳиссиётларни бошларидан кечирадилар, кундалик ишлар жаҳоншумул-тарихий мазмун қасб этади. Романтик кўтаринкилик ажиб жўшқин, тантанавор манзараларда, қаҳрамонлар юрагиде бораётган кучли эҳтирос билан тўлиқ кечинмалар тасвирида кўзга ташланади. Буларнинг бари «Қудратли тўлқин»да мужасам.

Қаҳрамонларнинг ўйлари, хаёллари, кечинмалари нақадар олижаноб, улар социализм дунёга келтирган кишиларга нақадар ярашади!

Ёшлик, дўстлик, севги ҳақидаги алангали сўзлар-чи! Баҳор ва Пўлатнинг болаларча маъсум муҳаббати-чи! Меҳрнинг тўлқинлари. Пўлат тобора кишилик балоғатининг нояларидан кўтарила боради. Оғир йилларнинг исканжаси унинг мурғак қалбидан аста тўкилади. Ёшлар қалбига чинакам ўтли эҳтирослар ошна бўлади: «Оҳ, Пўлат, агар олдимда бўлсанг эли, уятни ҳам йиғиштириб бағримга босардим, қучоқлаб юзларингдан ўнардим ва шу билан жаҳонда энг бахтиёр, бир умр бахтиёр бўлардим. Ахир, мени севишннгни биламан-ку, қадрдошим. Сен ҳаммадан кучлисан, ҳаммадан сезгир ва ҳаммадан адолатлисан, меннинг Пўлатим.— Қиз йигитнинг каттакон тошини дарёга ағдариб, унинг остидан чиққан чечакларни озод қилганини эслади...— Сенинг юрагинг қудратли, Пўлат!» Севишганларнинг қовушмоғи адиб назарида бу чексиз шодликдир, у офтоб каби порлоқдир. Яйраб ишлаётган чоғингда, тоғларни ҳам ағдармоққа қурбинг етганида, дарёларни тўхтатишга қодир бўлганинда, сендан қудратлироқ кимса жаҳонда йўқлигига ишонч ҳосил қилганинда, ёришғни гўзалларнинг гўзали деб билганинда, бу қалбнингда ғолиб муҳаббатдандир. Ойқиз ва Олимжон маза шундай ҳиссиёт билан яшайдилар, оғир синоқлардан сўнг Пўлат ва Баҳор маза шу туйғуни бошларидан кечирадилар. Шундай экан, Фарҳод ва Шпринни, Лайли ва Мажнуини эсламай бўладими бу ерда.

Адиб инсон меҳнати ва кечинмаларини юксак шоирона эҳтiros билан гавдалантирадики, беихтиёр қадим гўзал севги қиссалари қаторида замонавий қаҳрамонлик қиссалари ҳам ёдга тушади. Ш. Рашидовнинг «Қудратли тўлқин» асарини А. Фадеевнинг «Ёш гвардия» романи билан ёнма-ён қўйиш мумкин. Ш. Рашидовнинг ўзи ҳам таъкидлаб айтган эдики, мен учун устоз Горький билан бирга Александр Фадеев «чинаяк илҳомчи ва чинакам устоз бўлган эди».

Ш. Рашидов журнал саволларига жавоб бераркан, «Тор-мор» ва «Ёш гвардия»ни яратган санъаткор номини тасодифан эсламайди. Фадеев иқтидорли ўзбек носирини дарров пайқаган эди. 1949 йилда Москвада бўлиб ўтган тинчлик тарафдорларининг Умумийтифоқ Биринчи конференциясидан кейинги қабул маросимида Фадеев Ўзбекистон делегациясининг раҳбари шарафига қандаш кўтарди: «Мен талантли санъаткор, партия ходими, дўстим Рашидов билан фахрланаман». Кейин улар Александр Твардовский ва Константин Симонов билан биргаликда то.эрталабга қадар ўзбек адиби билан суҳбатлашдилар. Ушанда Фадеев худди башорат қилгандай деган эди: «Сени улкан партия ва давлат иши кутаётганлигини биламан, сенга туғишган биродарим каби шунини айтиб қўйишим керак — тинмай ижод қил». Фадеев бир йил кейин ўзининг шу сўзларини яна такрорлади, ушанда улар СССР Ёзувчилар союзи Правлениесининг пленумида сўзлаган ва сўнг тунги Москва кўчаларида узоқ пайт айлашиб юрган эдилар. Ушанда Фадеев ўзининг ёш сафдошига ижодий режалари, орзулари, ташвишлари, дунёнинг мураккаб чигалликлари ҳақида юракдан сўзлаган эди. Кейин улар охириги марта Фадеев бетоб ётганда учрашган эдилар. Шунда Фадеев яна ўша фикрига қайтган эди: «Азизим Шароф Рашидович, сенинг ажойиб истеъдодинг бор, қаламни сира ҳам қўлингдан қўйма. Сендан бирдан-бир илтимосим — ёз!»

Бу ҳаётлари бир-бирига ўхшаб кетадиган одамларнинг дўстлиги эди. Уларнинг ҳар икковлари ҳам йирик жамоат арбоби, адиб эдилар, уларнинг характерлари ҳам бир-бирларига ўхшарди, ҳатто ташқи кифоаларида ҳам аллақандай ўхшашлик кўзга ташланарди. Уларнинг учрашувлари ҳақида ўйларкансан, ўхшаш ҳаётий, ижодий йўлларини назардан кечираркансан, Ш. Рашидовнинг асарларига янгича кўз билан қарай бошлайсан, айниқса, Ш. Рашидовнинг ўз устози ҳақида айтганларини ўқиганда, бу янада равшан бўлади. Уларнинг ҳаётни бадий тадқиқ қилиш йўллари бир-бирига яқин, лекин бу яқинлик тақлиддан эмас, дупқарашларнинг бирлигидан келиб чиққандир. Мунаввар ранглар, лирик оҳанглар (Ш. Рашидов буни Тургеневдан ҳам ўрганган), бош қаҳрамонларнинг руҳий бойлиги, уларнинг онага, дўстга, совиқли кишига бўлган муносабатларидаги муҳаббат ва меҳрибонлик, табиатни нозик тушуниш ва идрок қилиш кабиларда уларнинг қарашлари яқинлиги аён. «Ёш гвардия»даги манзаралар кимнинг ёдида эмас дейсиз: қизларнинг дарёда чўмилганлари, нилуфар терганлари, бундан беҳад завқ олганлари. Рашидовнинг қаҳрамони Баҳор эса харсангтош остида эзилиб ётган майса гулларни кўрганда юраги ачиган эди, Пулат эса қизнинг илтижо билан боққан кўзларига қараб туриб, харсангни ағдариб ташлаган ва улар озод бўлган майсаларни кўриб чексиз қувонган эдилар. Ушанда Баҳор «тошнинг

остидан эзилган гулларни авайлаб кўтариб, остига тупроқ тортиб қўйганди» ва ўзи жондан севган йиғитга қарата: «Сен ҳақиқий паҳлавонсан!» деган ва Пулат ўзини янада кучли ва қудратли ҳис қилган, унда ўзига ишонч пайдо бўлганди. Ва у: «Баҳорини мафтун этган ана шу куч-қуввати билан бир эмас, юзта харсанг бўлса ҳам ағдаришга тайёр» бўлганди.

Санъаткор Ш. Рашидовнинг ўзига хослиги мана шунда: у ҳаётнинг қайноқ қучоғига шўнғиган, у ҳаётнинг социал-психологик таҳлилини маҳорат билан олиб боради, унинг ижодий йўлида жиддий реалистик ранглар устунлик қилади, у ҳаёт тараққиётининг асосий кучларини очаркан, одамларнинг ҳиссий, маънавий интилишларини бадний воситалар билан таъкидлаб тасвирлайди. Никитининг она ҳақидаги ҳаяжонли монологи ҳақида шундай дейиш мумкин: «...онанинг қадрига етишимиз, соғлигини сақлашимиз лозим! Бир вақтлар келарки, дўстим, ўзинг ҳам биларсан, она учун қанча яхшилик қилсанг ҳам, унинг олдида қарздорсан. Чунки у сен учун жонини аямай парварип қилиб ўстирган. Онанинг болага севгиси ва ғамхўрлиги — бу тубсиз океандир, дўстим...»

Таъкидлаб ўтганимиздек, санъаткор ўз романларининг бадний тўқимаси ичига публицистик кўтаринкилик олиб киради ва бу роман тўқимасига табиий сингиб кетади.

Ш. Рашидов адабий фаолиятининг бошида ноқ очерк ва мақолалар ёзади. Уларнинг баъзилари ёзувчи томонидан «Тарих ҳукми» (1950) китобига киритилган. Кейинроқ унинг «Дўстлик байроғи» (1967), «Дўстлик ва биродарлик тили» (1977), «Совет Ўзбекистони» (1978) сингари китоблари нашр этилди.

Ш. Рашидов публицистикасининг ўзига хослиги шундаки, у ҳаёт ҳодисаларига кенг назар ташлайди, ҳаёт ва жамият тараққиёти қонуниятларини теран англайди. У ўз мақолаларида ҳаётнинг долзарб ва йирик ғоявий-сиёсий, хўжалик, маънавий-маданий масалаларини кўтаради. Шуниси ажойибки, бу масалалар унинг романиларида қаҳрамонларни тўлқинлантиради ва тинимсиз ўйлатади.

Муаллиф КПСС XXIII, XXIV, XXV съездлари тарихий қарорларининг оташни тарғиботчиси каби сўз айтади, СССР янги конституциясининг улғувор тарихий аҳамиятини кўрсатади. Л. И. Брежнев асарларининг таъсирчанлик қувватини олади. Партия ҳужжатларининг ғоявий бойлигини очаркан, у КПСС йўлбошчилигида коммунизмга элтаётган ғолибона ҳаракатнинг манзараларини чизади. У социалистик қурлишимиз, совет турмуш тарзининг афзалликлари, илгари қолақ халқлар ва миллатларнинг совет даврида босиб ўтган шонли йўли, уларнинг гуллаган республикаларга айланишини гўзал далиллар асосида ёритади, ўз публицистик, сиёсий мавзулари ичига чуқур кириб боради. Ғоявий-назарий теранлик, сўзларнинг аниқлиги ва равшанлиги, шахсий таассуротлардан тортиб статистик маълумотларга қадар инҳоятда фактларга бойлиги, сўзнинг образли гўзаллиги, халқ мақолларидан, ибратли ибораларидан фойдаланиш — Ш. Рашидов публицистикасининг ўзига хос хусусиятларини белгилайди. Унинг илмий асосланган, бадний таъсирчан мақолаларига мисол қилиб, «Ленин байроғи остида», «Ягона онла», «Социалистик ҳаёт тарзи ва миллий онгининг ўсиши», «Улуғ Октябрнинг 60 йили ва СССРда пролетар интерна-

ционализмнинг ғалабаси» сингарии ижтимоий-сиёсий асарларини кўрсатиш мумкин. Бундай мисоллар оз эмас.

Ш. Рашидов публицистик ижодининг асосий мотиви — социалистик интернационализм кучидир. Санъаткорнинг рисолалари илҳомбахш сўзларга бой: «Доно халқ айтади: қуш қаноти билан, инсон дўстлиги билан қудратли». «Худди қуёш замин бағрини иситгандай дўстлик бизнинг юрагимизга ўт бағишлаб туради». Ш. Рашидов ўз мақолаларида ҳам шоир, ҳам инсон биродарлигини унинг тарихий ва замонавий мазмуни, табиатига кўра тадқиқ қилувчи марксист олим сифатида кўришади.

Тарихий хотиранинг маъноси теран. «Интернационализм байроғи остида», «Гуллаб-яшнаш ва яқинлашиш йўлидан» сингарии мақолаларда Россиянинг илғор фарзандлари томошидан ўтмишда Ўрта Осиё халқларига берилган ёрдам, мамлакатни асоратдан озод қилиш учун биргаликда олиб борилган курашлар, социалистик ўзгаришлар йўлидаги ҳаракатлар ҳақида ҳикоя қилинади. Ўз тақдирларини эрксевар ўзбек халқи тақдири билан боғлаган рус ва бошқа Совет Иттифоқи халқлари фарзандларининг қилган холис, дўстона хизматлари ўз қимматли баҳосини олади. 1966 йилги ер қимирлаш пайтида Тошкент яна бир қарра ўлмас дўстлигимизнинг қудратига амин бўлди. Ўзбекистон пойтахтининг бутун мамлакат қайта тиклади. Айниқса, сўнгги йиллар интернационализмнинг ажойиб кучини кўрсатувчи ишларга бой бўлди, дўстлигимизнинг метиндай мустақкам пойдевори узра коммунизм манзиллари барпо қилинмоқда.

Миллатларнинг ривожланиши ва яқинлашувини объектив жараёнларини ёритиш муҳим аҳамият касб этади. Ш. Рашидов ҳозирги замон шароитида интернационаллик билан миллийликнинг диалектик бирлигини, интернационалликнинг етакчи ролини очиб кўрсатади. СССР халқлари ўртасида амалда бўлган социал ва иқтисодий ҳамкорлик, ўзаро ёрдамнинг муҳим фактларини келтираркан, публицист эътиборин маданият ҳодисаларига тортади. Бунда ҳар бир миллат эришган ютуқлар умум-социалистик маданий хазинага қимматли ҳисса бўлиб қўшилади. Ўзбек адиби Ғафур Ғулум ҳақидаги адабий портрет ҳам, Ф. Панферов, В. Овечкин, Н. Бирюков сингарии рус ёзувчилари ҳақидаги рисолалар ҳам ҳарорат ва самимият билан ёзилгандир.

Ш. Рашидов интернационаллик ва миллийлик ҳақидаги марксча-ленинча таълимотнинг назарий масалалари билан мутасил суратда қизиқади ва шуғулланади. У, айниқса, маданий алоқаларнинг аҳамиятини таъкидлаб кўрсатади: социалистик жамиятимизда рўй бераётган бу ҳодисалар оддий нарса эмас. Адиб айтганидек, «социалистик реализм ягона ижодий методга айланган СССР халқлари адабиётлари бир-бирларидан ўрғаниб, ўзаро бойиб ривожланмоқдалар».

Миллатларнинг маънавий жиҳатдан ўзаро бойиб бориши усуллари ранг-барангдир. Маданиятнинг интернационаллашувини рус тили улкан роль ўйнайди, деб ёзади Ш. Рашидов, у совет халқларини бирлаштиради, уларни ватан ва жаҳон халқлари маданиятларининг энг яхши намуналари билан ошна қилади, ўзаро алоқаларни мустақкамлайди. «Дўстлик ва биродарлик тили» чинакам бадий публицистиканинг ёрқин намунасидир. Сиёсий мафҳумларнинг аниқлиги, интернационал тарбия бўйича олиб борилаётган ишларнинг таҳлили, педагог кадрлар тайёр-

лаш билан боғлиқ масалалар, миллатчилар ва бошқа идеологик бузғунчиларга қарши кескин раддия, мураккаб ва махсус тил-шунослик масалаларининг қўйилиши, хусусан, икки тиллик ҳодисасининг тушунтирилиши, тарихий-адабий муносабатларнинг очилиши ва шулар баробарида рус тили шарафига айтилган шопрона мадҳиялар китобнинг қимматиши белгилайди:

«Рус тили ўзининг қамровдорлиги ва ёрқин рангларга бойлиги билан ажралиб туради, унинг бадий таъсирчанлик доираси бепоён. Унда қудратли куч ва майинлик, ифодавийлик ва ўткирлик, мустақамлик ва мусиқийлик, қамровдорлик ва юмшоқлик, рағинлик ва ширадорлик, нафислик ва соддалик, лўндалик ва оммавийлик, сўзининг жозиб гўзаллиги ва ҳаммабон, халқчилиги бирлашиб, уйғуллашиб кетгандир».

Ш. Рашидов адабиётни оламчи билиш ва қайта қуришнинг, янги инсонни тарбиялашнинг таъсирчан қуроли деб билади. У ижодий методимиз, коммунистик партиявийлик принципининг, КПСС нинг адабиёт соҳасидаги сиёсатининг, ўртоқ Л. И. Брежневнинг талаитларни қўллаб-қувватлаш ва ўстириш ҳақидаги кўрсатмаларининг моҳиятини очиб беради. Унинг адабий-танқидий тадқиқотларидаги асосий йўналишларни мақолаларнинг сарлавҳаларидан ҳам яхши англамоқ мумкин: «Октябрнинг фарзанди», «Халқлар дўстлиги байроғи остида», «Замонавийлик — адабиёт ва санъатнинг қалби», «Адабиётнинг гоёвийлиги ва юксак бадийлиги учун», «Социалистик реализмнинг қудратли манбалари», «Давр нафаси».

Ш. Рашидов эстетик системасининг йўналиши равшан ва мақсадли аниқ: ҳаётнинг ўзи худди тўлгин дарё каби одамларга янгилик келтиради. ижодий руҳ бағишлайди. ёзувчи шу жараёнда тинимсиз ўрганмоғи керак; адабиёт — инсон кечинмалари ҳақидаги билимларни бойитган ва уларда янги ажойиб қирралар топган» улуғвор маънавий кучдир; у «халққа хизмат қилишнинг ва демак, тинчлик ишига хизмат қилишнинг» намунаси, «зотан, атом нафасидан жизгинак бўлган ер одамзод бахти сипгари поэтик, нафис гулнинг ўсмоғи учун яроқсиздир». Интернационализм — санъатнинг байроғи. Адабиётларимиз ўртасидаги «қон алмасуви» ижодий тараққиётни тасаввур қилиш мумкин эмас: «Мен Яқуб Колас, Вилс Лаңс, Андрей Упит, Мухтор Авезов, Гумер Баширов сипгари адибларнинг ижодини билмасдан туриб қандай қилиб ёзишим мумкинлигини сира тасаввур қилолмайман».

Кўп миллатли совет адабиёти ҳақида фикр билдирар экан, Ш. Рашидов айниқса, ўзбек адабиётини батафсил кўздан кечириди. Унга юксак гоёвийлик ва бадийлик нуқтаи назардан ёндашади. Проза, шеърят, драматургия, адабий танқиднинг ўсиб бораётганидан фахрланади. Ўзбек адибларининг марксча-ленинча гоёларга садоқати, буржуазия миллатчилиги, формализм сипгари ҳодисаларга нафрати, тинчлик ишига қўшаётган улкан ҳиссалари ҳақида ёзади. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Гафур Ғулум, Ҳамид Олимжон сипгари улкан маданият намояндларининг номларини тилга олади. Ойбек, К. Яшин, Уйғун, Н. Сафаров, Зулфия, Мирмуҳсин сипгари замондошларининг ижодлари ҳақида меҳр ва талабчанлик билан сўз юртади. Бадий излашларини, адиблар эришган ютуқларни қўллайди ва олқинтайди. Талантларнинг ўзига хос томонларини очади. Шу билан бир-

га Ш. Рашидов баъзи асарларда йўл қўйилган камчиликларини, образлар, тиллар, инсон характерларини яратишдаги нўноқликларни, юзакичилик ва баёнчиликни, бир қолишга тушиб қолган сюжетларни, тил ғализликларини рўйирост кўрсатади. Ш. Рашидовнинг мақолалари партиянинг адабий танқиддан қузатган катта мақсадларига жавоб беради; уларда талантга ғамхўрлик ғоявий-бадий талабчанлик билан қўшилиб, чамбарчас бўлиб кетгандир.

Ш. Рашидовнинг ўзи ҳам шу принцинга қаттиқ амал қилди, янги асарлар яратганда, олдинги асарларига ижодий қайтганда буни асло ёдидан чиқармайди. Унинг асарлари кўн миллатли совет маданиятининг жиддий ютуқларидир. Ш. Рашидовнинг ўзбек ва рус тилларида эълон қилинган китобларининг тиражлари миллион-миллиондир. Улар кўп мамлакатларда кўп тилларга — инглиз, француз, немис, испан, поляк, румин, монгол, араб, форс, бенгал, урду сингари тилларга таржима қилинган. Ш. Рашидовнинг асарлари меҳнаткаш инсоният учун жозиб бир оламни акс эттиради, ғарб матбуоти шунини тан олган. Шунлардан баъзи бирларига кўз ташлаб ўтиш кифоя: «Романда социалистик экономиканинг гуллаб-яшнаши кўрсатилган, келажакда ҳар бир мамлакат ва ҳар бир халқнинг экономикаси худди мана шундай бўлади. Бу асар инсоният келажagini худди кўзгу каби акс эттиради»; «Социалистик жамият янги одамни дунёга келтирди. Бу романи ўқир эканман («Ғолиблар» — В. О.), мен биринчи мартаба шу янги одам билан ганшидим», «Шароф Рашидов томонидан ёрқин тасвирлаб берилган ғолиб социализм жамияти ер кўррасининг барча қитъаларидаги оққўнғил кишилар учун маёқдир».

Ш. Рашидов коммунистик янги олам бунёдкорларининг шарафли меҳнати ва кураши мазмунини юксак бадий маҳорат билан яратиб берган йирик совет ёзувчиларидан биридир. Ойқиз ва Пўлат сингари образлар давримизнинг етакчи қаҳрамонлари сафида туради. Ленин партиясининг улуг ғояларидан илҳомланган, халқ ҳаётининг қудратли нафасига ошно бўлган санъаткоргина шундай образларни яратишга қодир.

ВИТАЛИЙ ОЗЕРОВ

ҒОЛИБЛАР

Р о м а н

Қуёш чиқди!

Тоғларда қуёш жилвалари...

Нур билан товланган чўққилар устида парвоз қилиб юрган бургутлар тонг қуёшининг заррин нурларини ҳаммадан олдин кўрадилар. Олтинсойда-чи? Йўқ, ҳали бу ерда қуёшдан дарак йўқ, у эндигина тоғлар ортида, ер юзининг нариги бурчагида уйғонди. Ҳали тоғ этаклари, водийларда ғира-шира қоронғилик кезиб юрган бўлса ҳам, майсалар ичидаги чечаклар саҳар салқинидан совқотиб, мудраётган бўлсалар ҳам кўм-кўк осмонда учиб юрган бургутлар уфқдан бош кўтараётган қуёшнинг қувонч тўла чехрасини, ҳаётбахш нурлари билан оламни чулғаб олаётганини кўриб туриштилар.

Зилол осмон аста-секин олтин нурга бурканарди. Узоқ-узоқларда, тоғлар устида бургутлар иккита, учта, гоҳо гала бўлишиб парвоз қиларди. Диққат билан узоқ тикилгандагина уларнинг ҳаракатларини кўз илғайди. Бургутларнинг кумуш қанотлари бир қарашда нурга товланиб кетар, гоҳ ёниб, гоҳ ўчарди. Баъзида эса бирикки дақиқа шундай ёниб турарди-да, бирдан баланд-баланд осмонда қоп-қора нуқтага айланиб қоларди. Баъзида эса бургут, гўё осмон ютиб юборгандай бир зумда кўздан ғойиб бўлиб, яна сой ичидан отилган тошдай кўк-

ка чиқиб олади, ёки шу тошдай пастга шўнғиб, сўнгра Кўктоғ чўққилари устида доира ясаб, осмонни фалакка парвоз қилади.

Мана, тоғ ортидан кўтарилган қуёш аτροφни пурга қоплади, борлиқ уйғонди.

Водий яшнаб кетди.

Эрталаб, қуёш чиққан пайт тоғлар нақадар гўзал, нақадар напъали, нақадар ажойиб ва улугвор! Олтинсой-чи! Қуёш чиқishi биланоқ Олтинсой пур билан ясашиб, тенги йўқ чирой касб этади. Майсалар юзини ўпиб ётган қировлар бир зумда кўм-кўк, қип-қизил, бинафша ранг бўлиб чақнайди. Саҳар салқинида мудраган чучмомалар, лолалар, турли-туман чечаклар ўзларига зеб бериб, табассум қиладилар. Эндигина гулга кирган наъматак эса шабнам сувларида ювиниб, келинчаклар мисоли ясениб, ўзига зеб беради.

Сойлар тубидаги ғира-шира қоронғилик аллақачон кўтарилиб, нуқраранг туман қуёш пурида чароғон тус олди.

Шундай қилиб, Ойқизнинг ватани — Олтинсойда қуёш чиқди.

БИРИНЧИ ҚИСМ

Биринчи боб

Кўктоғ чўққилари қуёш нури билан ярқираб кетган пайтда, тоғ қиёфаси бир зумдаёқ ўзгариб ажиб манзара касб этган, яшнаб кетган пайтда довон устида от минган қиз пайдо бўлди. От худди ўргатилгандек довонга чиқди-ю, таққа тўхтади ва шу заҳотиёқ сўлигини чайнаганча бўйинини чўзиб ўтга интилди. Бироқ қизга отининг бесабрлиги ёқмади, салгина асабийлашган ҳолда кучли қўли билан унинг юганидан тортиб тўхтатди.

— Бойчибар!—деди у зарда билан,—жим тур!

От нақадар эркатой бўлмасин, Ойқизнинг феълени яхши билар эди. Шунинг учун ҳам у жойидан қўзгалмай жимгина турарди. Гарчи, оёқ остидаги майсалар ўзининг ёқимли ҳиди билан Бойчибарнинг димоғини қитиқласа, оғзининг сувини келтириб сўлақларни оқизаётган бўлса, зўр иштаҳа билан маза қилиб егиси келаётган бўлса ҳам жим турарди. У Ойқизнинг қўлидаги қамчинини яхши биларди.

Ойқиз кўзни қамаштиргудек чақнаган Кўктоғ чўққиларига тикилганича ич-ичидан қувониб, табассум қилди. У эгардан тушмай, чўққиларга ҳавас билан узоқ термилди, елкасини ёзиб, тўйиб-тўйиб нафас олди.

— Эҳ, қандай чиройли, сўлим жойлар-а, Бойчибар! Нақадар чиройли манзара-а!—деди у ўзига-ўзи шивирлагандай.

Ҳизнинг сўзларини ўзича тушунган от яна секингина бошини чўзиб, майсага интилди.

Ўзи билан ўзи овора бўлган Ойқиз буни пайқамай қолди. У зўр ҳавас билан қояларга, қоялар устида парвоз қилиб, гоҳ кўриниб, гоҳ кўздан ғойиб бўлаётган бургутларга термиларди...

Бу манзарани Ойқиз энди кўраётгани йўқ. Бироқ у ҳар кўрганида ҳозиргидек ҳаяжонланар, тўлқинланар, руҳий ҳолати, кайфияти шунчалик ёришиб кетардики, буни ҳеч нарсага қиёс қилиб бўлмасди. Довон йўли тиз ва анчагина хатарли эди. Шунга қарамай, Ойқиз ёшлик чоғларидаёқ дугоналари билан бу довонга яланг оёқ чиқарди. Ана шу баланд довон устида туриб қадрдон қинлоғи Олтинсойга боқарди, унинг ҳусн-жамолига термиларди.

Ойқиз ўзининг жонажон дугонаси Қумрихон билан бу тоғлар, сўқмоқ йўллар ва ёнбағирларга жуда ўрганиб қолган, майсалар устида ағанаб ўйнашиш, бинафша ва чучмомалар териш учун бу ерга тез-тез келиб туришарди.

— Нима учун шундай хатарли жойларга югурасизлар-а?—деди ойиси бир сафар меҳрибонлик билан.— Ахир, осмон бўйи баланд-ку. Пастдан қараганда кўзинг тиниб, юрагинг орқанга тортиб кетади. Йиқилиб кетсаларинг нима бўлади, болам. Мана мен, умр бўйи Олтинсойда истиқомат қилсам-да, бир марта ҳам тоққа чиққанам йўқ. Ахир, бургутлардан қўрқмайсизларми?.. Бир ёқларга олиб кетиб қолса нима қиласизлар?

— Қаёққа ҳам олиб кетарди, уясигами?

— Балким...

— Вой, жуда қизиқ бўларди-да. Бургут болалари билан ўйнар эдим,—деди Ойқиз ёқимли ва ингичка овози билан шўх кулиб.

— Эҳ, тентак қизим, қўзичоғим. Ахир, бургут сени олиб кетса ё чўқиб-чўқиб ташлайди, ёки бўлмаса бирорта ёрғам, сойгами улоқтириб юборади,—деди онаси қизини огоҳлантириб,—энди бундай хавфли жойларга бора кўрма, қизим.

Бироқ онанинг сўзи қизнинг дилида йиртқич, қўрқмас ва мағрур қушларга, баланд тоғлар ва кўм-кўк водийларга бўлган қизиқишни сўндириш эмас, баттар кучайтириб юборди.

— Хавфли?.. Довонларга чиқиш хавфли эмиш,—деди у ҳовлининг ўртасига қўйилган каравот устида иссиқ

кўрпага ўралиб, юлдузларга термилган ҳолда, ўз-ўзига шивирлаб.

Энди уни, ана шу хавфли деб аталган ишни синаб кўриш истагидан ҳеч ким қайтара олмас эди!

— Довон устида турсанг ёмонми? Ҳеч хавфли жойи йўқ, ҳаммаёқ кўз олдинда, юрагинг қувончга тўлади,— деди у шивирлаб,— айтинг-чи, юлдузчалар, ойимнинг сўзлари тўғрими? Қани, менга имлаб қўйинглар-чи...

У ўзи билан ўзи ана шундай баҳслашиб ётди-да, ширин уйқуга кетди. Эрталаб, ойиси сигир соғаётганда Ойқиз ими-жимиди жойидан турди-да, тоғлар томон яланг оёқ чопиб кетди.

Довонга чиқиш жуда мушкул эди. Бироқ қиз гоҳ ҳавода капалак сингари учиб борар, гоҳ эчкимардек тошдан тошга ўрмалаб чиқарди.

Бирданига қизнинг устидан қандайдир соя ўтиб кетгандек бўлди. Бироқ у тешага ҳам, ён-верига ҳам қарамади. Шақир-шуқур этиб пастга юмалаган тошларга ҳам эътибор қилмай, чақир тошлар ичидан ўрмалаб ҳамон юқорига интилаверди.

Бояги соя яна Ойқизнинг боши устидан ўтди. Аммо у тезроқ довон устига чиқиб олишга, соя ниманики эканини билиб олишга шошилди. «Эҳтимол, бургутдир»,— деб кўнглидан ўтказди.

Борди-ю, бургут бўлса унинг бунчалик пастлаб, шундоқ бошгинасидан учиб ўтиши Ойқизга жуда қизиқ туюлди, ўзидан-ўзи кулиб қўйди. «Барибир мендан кўрқадди, учиб кетади, кўролмайд қоламан», дея ачинган бўлди.

Ойқиз бошини кўтариб юқорига қаради-ю, ўзини бир лаҳза йўқотиб қўйди, қўққисдан юрагида пайдо бўлган кўрқинч ва ваҳимадан ранги оқариб кетди. Унинг олдида баҳайбат қуш кўзини тикиб турарди. Қушнинг сапсариқ, катта кўзларининг қорачиғи бўртиб чиққандай кўринарди. Ваҳимали йиртқич узун-узун тирноқлари орасига чангаллаб олган суюкни кемираркан, қиздан кўзини узмасди.

— Ҳе-ҳе! Нима қияпсан-а? Шошмай тур ҳали!— деди бир лаҳзалик саросимадан кейин ўзини босиб олган Ойқиз овозининг борича қичқириб. У дарҳол чап ёнига ағдарилиб, йиртқич ҳужум қилгудай бўлса, даф этишга ҳозирлик кўрди. Қулайроқ ўрнашиб олмоқчи бўлганида, оёғи тагидаги тош тойдими ёки чапга ўгирилганда бир нима бўлдимми, билолмай қолди, орқаси билан сирга-

ниб, пастга тушиб кетди. Ушлаб олган топи ўрнидан кўчиб, пастга қиздан ҳам тез юмалади. Юлғуннинг новдасини ушласа, қўлидан чиқиб кетар, нимжонроғи эса пидизи билан суғурилиб чиқарди. Хуллас, қанча уринса ҳам, ҳамма ҳаракати беҳуда кетарди.

Пима қилинишни билмай гангиб қолган Ойқиз ҳамма нарсани унутиб, ҳозир содир бўлиши мумкин бўлган даҳшат, ваҳима ичида пастга юмалар экан, қўққисдан бир нимага илшиб қолди-да, қўрққанидан кўзларини чирт юмиб олди. Бирпасдан кейин эс-ҳушини йиғиб, атрофга қулоқ солди. Бундоқ қараса... Вой-бўй, тушимми ё ўнгимми? Ахир, ҳозир ўзини жаҳаннамга тайёрлаб қўйган эди-ку, энди бўлса арчанинг танасини қучоқлаб олиб, япроқлари соясида ястаниб ётибди.

Сал нарида, кўм-кўк ва қалин арчазорнинг нариги томонида жимжитлик ҳукм суларди. Фақат арча япроқларининг шитирлаши, қурт-қумурсқаларнинг, чигирткаларининг чирпллаши эшитиларди, холос.

Ойқизнинг бутун баданида қаттиқ оғриқ турди. Бунисига чидаса бўлади. Энг муҳими, баданидаги қавариб чиққан ва тилиниб кетган жойларини ойисидан ва акалари — Алишер билан Темурдан қандай қилиб яшириши мумкин?..

У арча остидан икки букчилик эмаклаб чиқди-да, ён-верига қараб олиб, кўйлагининг чангини қоқа бошлади. Кўйлак дабдала бўлган, парча-парча йиртиқлари осилиб ётарди. Буни ҳеч кимдан яшириб бўлмайди: на опаси ва на акаларидан...

Унинг хаёлот денгизига фарқ бўлгани отнинг жонига ора кирган эди. Жонивор барра майсанинг хушбўй ҳидига маст бўлиб иштаҳа билан ер, кўккат бамисоли қаймоқ маза берар, ора-сира мамнун бўлиб, оҳиста бошини кўтариб ён-верига қараб, тамшаниб қўярди.

Ҳали ҳам эгарда ўтирганини унутиб қўйган Ойқиз, кўкда парвоз қилаётган бургутларга термилиб туриб, бошидан кечган шу воқеани эслади. Бургутнинг биттаси вазмин учар, иккинчиси эса шунчалик баланд парвоз қилардики, баъзи-баъзида кўздан ҳам ғойиб бўларди.

— Менинг эски танишим сен эмасми?—сўради Ойқиз овозини чиқариб, пастлаб учаётган бургутга тикилиб.—Эҳтимол, сендирсан... Балки... Барибир... Мен хафа эмасман,—деди у ичида ўзига-ўзи.—Сизларни севаман, қушлар... Севаман. Сизларга ҳавасим келади. Чунки ҳар

кунн қуёш билан ҳаммадан олдин учрашасизлар. Эҳтимол, шунинг учун ҳам чиройли, кучли, мағрур ва довракспизлар?!

У бошини қуйи солди ва Олтинсойга назар ташлаб, оғир нафас олди:

— Эҳ, қушлар, қушлар! Сизлар ҳеч нарсани тушунмайсизлар!..

У сакраб пастга тушди. Отнинг айилни салгина бўшатди-да, оғзидан сўлиғини чиқариб, ўтга қўйди.

— Бор, ўтла. Боя мендан хафа бўлдинг шекилли?— Ойқиз Бойчибарнинг пешонаси ва ёлини силаб эркалади.— Бор, ўтла,— деди у яна.

Аммо Бойчибар анойи эмас, Ойқизнинг табиати, кайфиятига қараб иш тутарди. Унинг сағринига қамчи туширадиган авзойи билан нозик панжалари билан ёлини силайдиган авзойини фарқ қиларди. Мана шундай эриб турган пайтида ундирадиганни ундириб оларди. Ҳозир ҳам шундай қилиш пайида жойидан қимирламай тураверди ва қизнинг енгига оғзини юборди. Ўқиз эрка отнинг ҳаракатини зўр завқ ва қизиқиш билан жим туриб кузатди. От яна қўйлагининг енгини мулоимлик билан тишлаб тортди. Бойчибарнинг бурнидан чиққан нафас қизнинг қўлини иситди.

— Жудаям эрка бўлиб кетяпсан-да, порасиз юролмайдиган бўлиб қолдинг-а, Бойчибар,— деди у кулиб ва нимчасининг чўнтагидан бир чақмоқ қанд чиқариб Бойчибарнинг оғзига тутди,— мана, эркатой, қутулдимми?

Бойчибар қизнинг қафтидаги қандни оғзига соларкан, ташаккур изҳор этмоқчи бўлгандай бошини қимирлатди. Кейин қандни қусирлатиб чайнаб, юганларини жарағлатиб майсазор томон кетди.

Ойқиз ёлғизоёқ йўл ёқасида турган қип-қизил харсанг ёнига келди-да, унга елкасини қўйиб, кичкина ва сап-сариқ этикчасининг қўнжига қамчи билан бир-икки уриб, хаёлга чўмди.

Қуёш аллақачон Кўктоғ чўққилари устига келиб, ёнбағирларда қад кўтарган қалин ва кўм-кўк арчалар, ёнгоқ, бодом ва писта дарахтларига заррин нурларини сочарди.

Қушлар маст бўлишиб куйлашар, тоғлардаги майса ва чечаклар кун нурида яшнар, кўм-кўк булоқ сувлари тошлардан тошларга сакраб, бир-бирини қувлаб пастга— сойларга равона бўларди.

Ойқиз чуқур нафас олди, қўлларини икки томон ёзиб, бир сакраб харсанг устига чиқди.

— Озгина ўтирай,— деди у ўзига-ўзи овоз чиқариб,— ҳа, шундай паллада, шу харсанг устида ўтириб хаёл суриш қандай ширин.

Ойқизни бугун эрта саҳарданоқ турли-туман фикрлар безовта қиларди. Энди, мана шу ерда холи қолиб, барча фикрларини йиғиб, кўпдан-кўп саволларига жавоб қидиришни кўнглидан ўтказди. Аммо фикрлар баъзида аста-секин, тинч, саҳро йўлидек текис ва сокин кечса, баъзида тоғ дарёсидек тез ва тўлқин уриб оқарди.

У ҳаммаша ана шу довондан ошганида шу қип-қизил харсанг устида ўтириб хаёл суришни севарди. Бу гал ҳам шундай қилди. У ўтирди-ю, қўлидаги қамчи дастасига термилди. Бу дастанни Умурзоқ ота юлгундан ясаган эди.

«Бу юлгун — темирдек қаттиқ ва мустаҳкам тоғ юлгуни,— ўйлади Ойқиз,— бизнинг тоғларимизда нимаки маъжуд бўлса, ҳаммаси қаттиқ, мустаҳкам. Шундай эмасми?— деди у ўз-ўзига савол бериб ва фикран ўзи жавоб қайтарди,— ҳаммаси қаттиқ ва мустаҳкам: тоғ бургутлари ҳам, дарахтлар ҳам, қоялар ҳам... Одамлар-чи? Мен-чи? Мен ҳам қаттиқ, мустаҳкамманми?..»

У ёшлигини, ҳуда-беҳудага йиғлайвериб қанчадан-қанча кўз ёши тўкканларини эслади ва ўзининг бўшлиғи, заифлигидан ўзи хафа бўлиб, бош чайқади.

— Йўқ, мен қаттиқ-мустаҳкам эмасман,— деди у овоз чиқариб.

Олтинсой — ана шу Кўктоғлар этагида, ям-яшил боғлар ва дарахтзорлар қучоғида эди. Тоғ ёнбағирларининг мулойим шабадаси ҳаммаша Олтинсойни буркаган дарахтларнинг япроқларини ўпиб ўйнашарди. Бу эса Ойқизга боғ ҳам эмас, қишлоқ ҳам эмас, балки тўлқинланиб турган зангори денгиздек туюларди. Кўм-кўк дарахтзорлар ичидан кўринган оппоқ-оппоқ иморатлар баланд тоғ устидан денгизда сузиб юрган елканни эслатарди. Қишлоқнинг ўртасида эса, кенг майдоннинг нариги томонида, қадди-қомати келишган ёш теракларнинг ичидан қип-қизил тунука томли уй Ойқизнинг кўзига яққол кўришиб турарди. Оралиқ узоқ бўлмаганда, ўртадаги тераклар тўсмаганда, Ойқиз ҳозир қизининг келишига илҳақ бўлиб дастурхон ҳозирлаётган, ҳовлида самовар қўяётган Умурзоқ отани шундоққина кўриши мумкин эди.

Аммо у қизини бугун анча кутиб қоладиганга ўхшайди. Қишлоқ Советининг ёшгина раисаси муҳим ишлар билан банд. Мияси ҳам ўй-хаёлга тўла.

Ун тўққиз ёшида жасорат кўрсатишни орзу қилмаган ким бор? Ойқиз ҳам худди шуни орзу қиларди. У ҳам жасорат кўрсатишга тайёр! Бироқ узоқдаги кичкина бир қишлоқда қандай жасорат кўрсатиш мумкин?.. Олимжон маслаҳат берса эди... Ҳар ҳолда, у фронтда бўлган... Аммо қиз жасорат кўрсатиш орзуси билан яшаётганини очиқ-ойдин айта олармиди? Йўқ. Ҳеч қачон айта олмади. Ҳар қандай киши ҳам мана шу дақиқада қандай жасорат кўрсата олишини олдиндан билмайди-ку, хаёлига ҳам келтирмайди-ку, ахир. Бу ҳамиша фавқулодда, қўққисдан бўлади. Шундай эмасми? Йўқ, йўқ, Ойқиз, сен бу билан нима демоқчисан?.. Сенингча, одамлар ўйламай-нетмай жасорат кўрсатадиларми? Эсингга ол, Гастеллони эсла, Матросовни эсла... Ахир, бу азаматлар ўйламай-нетмай жасоратга қадам қўйдиларми? Албатта, улар ўйладилар ва ўйлаб, била туриб шундай жасоратга аҳд қилдилар. Буни улар жасорат эмас, балки бурч, деб билдилар. Чунки улар партия ва комсомол фарзандлари эди. Албатта, улар бу ишни жасорат деб атаганлари йўқ, бу ишни халқ жасорат деб атади ва қаҳрамонларнинг номини шон-шарафларга буркади. Муса Жалил ҳам, Зоя ҳам... улар жасорат учун деб эмас, балки Ватан олдидаги бурч дея жондан кечдилар.

Ойқиз ўз фикридан ўзи уялгандай бўлди. Қизариб кетган юзларини кафти билан беркитди. Қишлоқ Советининг раиси, давлат кпшиси, нималар ҳақида ўйлаясан?.. Ахир, тарихда халқ биринчи бор қандайдир донишманд кексани эмас, балки кечагина агрономлик дипломини олган ёшгина Ойқизни сайлаб, зўр ишонч билдирди. Бу, албатта, ота учун ҳам катта бахт. Шунинг учун у қизига ҳамиша насиҳат қиларди:

— Дарҳақиқат, сен жуда ёшсан, қизим. Ўйламай-нетмай қадам қўйма. Халқ иши, бошинг билан жавоб берсан!

Умурзоқ ота ўз қизига етмиш ёшга кирган доно чол кўзи билан қарайди. Аммо қиз-чи? Яқиндагина ўйинқароқлик қилиб тоғлар ва доvonларга чопарди. Яқиндагина шу қирдан тушиб кетганида қандайдир арча жонига ора кирган эди. Яқиндагина ёнбағирлардаги чўпонларга нон ва маккадан қилинган толқон, уруш хабарларидан

олиб борарди. Кекса Бобоқул қиз келтирган пон ва толқонларни чўпонларга завқ билан тақсимлаб берарди. Чунки бунинг мазаси — таъми оғзидан кетмас, ширин бўларди.

Бобоқул, Бобоқул! У Умурзоқ отадан тўрт ёш кичик, унинг қадрдон укаси. У ҳаминша тоғда бўлар, йил бўйи тоғдан тушмай, қўй боқарди. Эҳтимол, «Олтинсойда қиладиган ишим йўқ», деб ўйласа керак. Чунки хотини Қундузой ҳам, биттаю битта ўғли Юнус ҳам... Ахир, энди улар йўқ-ку... Фақат Бобоқул ёлғиз ўзи... Шунинг учун ҳам унинг барча меҳр-муҳаббати тоғларда. Ойқиз кичиклигида бобосининг олдига тез-тез келиб турар, ҳар келганида кекса чўпон ўзида йўқ шод бўларди.

Шу давр кўз очиб-юмгунча ўтиб кетди.

Булар бари кечагина бўлгандай. Ойқизнинг болалиги ҳамманинг кўз ўнгида. Бу Ойқиз ёшлигида қучоқ-қучоқ қилиб терган тоғ лоласига ўхшайди. Ёшлик, ёшлик, нақадар ноёб ёшлик!

Ойқиз, Ойқиз! Майли, сен харсангтош устида ўтириб, ширин-ширин ўй-хаёлларга ғарқ бўлганча ҳордиқ чиқаравер. Мен ҳам ишдан қолмай, муҳтарам китобхонларимга сенинг қиссангни бирма-бир ҳикоя қилай...

Иккинчи боб

Ёлғизоёқ йўл гоҳ ёнбағирлар бўйлаб плонизи бўлиб кетади, гоҳ текис ва равон бўлиб сойга тушади, гоҳ бўлиқ ўтлар ичида кўздан гойиб бўлади-ю, яна плонизи бўлиб юқорига ўрмалаб чиқади ва катта-катта харсанглар ичига кириб кетади. Қушдай енгил Ойқиз қўлида тугунчасини кўтариб ана шу ёлғизоёқ йўлдан борарди. Унинг қизғиш чит кўйлагини аллақачон эскириб, ранги ўчиб кетган. У қандайдир охири йўқ қўшиқни хиргойи қиларди. Қиздан ўн қадамча нарида унинг яхши кўрган ити — Пират чопиб борарди. Кичкина ва чиройли итининг сержун қоп-қора танашида, боши ва икки қоши устида ҳамда думининг учига қашқаси бўлиб, унда ҳеч қандай қароқчилик белгиси сезилмасди. Шунга қарамасдан, Темур унга Пират деб ном қўйган эди.

Пират ҳамон олдида борар ва тез-тез орқасига қайрилиб Ойқизга қараб қўярди. Унинг ҳам тез келаётганини кўргач, яна йўрғалаб юқорига чиқишда давом қиларди. Баъзи-баъзида тўхтаб, тумшуғи билан ўтларнинг

ичини титар, пимандир ахтарар, ҳеч нарса тополмай, яна оёғи билан ковлашда давом қиларди. Ойқиз эса Пират уршнаётган жойга бориб қизиқсиниб қарар, ҳеч нарса тополмай алам қилган Пират қизнинг қўлидаги тугунчани ҳидлаб-ҳидлаб қўярди.

— Йўқол!—деди Ойқиз итнинг қорнига тепиб,—сенга эмас бу!

Ойқиз орқада, Пират олдинда ёлғизоёқ йўлдан бо-ришарди.

Ойқиз қўлидаги тугунчани қўққисдан ерга қўйди-да, оҳистагина қадам ташлаб, қалин ўтлар ичидан чиқиб турган сариқ гулга яқинлашди. Гулга қўнган, қанотида қизил доғи бор қора капалакка жуда ҳаваси келиб, уни тутишга интилди. Ойқиз капалак тутишни жуда севарди. Аммо у бунақа катта капалакни ҳеч қачон кўрмаган эди. Шунинг учун ҳам эҳтиётлик билан капалакка қўл узатди. Аммо капалак тутқич бермади, қанотларини кенг очиб учиб кетди-ю, сал нарига бориб, яна наъматак гулга қўндп. Ойқиз унинг орқасидан оёқ учида пойлаб борди-да, қўл узатиб яна ушлай олмади ва ич-ичидан ачинди, хафа бўлиб кетди. Икки марта овора бўлди-я! Икковида ҳам энди қанотларидан ушлашга қўл юборганида учиб кетса бўладими! Барибир бу нарса унинг шахтини қайтара олмади, капалакнинг орқасидан қолмасликка, албатта тутиб олишга аҳд қилди.

— Шошмай тур ҳали!—деди у шивирлаб.—Барибир ушлаб оламан. Кейин нима қилар экансан?..

Шу аҳд билан капалак овига киришиб кетган Ойқиз катта қора капалакнигина эмас, бошқаларини ҳам—зангорисини ҳам, саригини ҳам ушлаб олди-да, бир нафас дўпписига қамаб туриб, яна учириб юборди.

— Учаверинглар, яйранглар-яшнанглар, мен сизларни тутиб қийнамоқчи эмасман. Чиройли қанотларингга ҳавасим келади. Боринглар, гулларга қўшинглар,—деди у дўпписини очиб, капалакларни қўйиб юборгач.

У ёлғизоёқ йўлга чиқиб, қўйган жойидан тугунчани олмоқчи бўлган эди, бироқ тугун ўрнида битта газетани кўриб ҳайрон қолди. Нималигига тушунолмамай атрофга тикилиб, итини чақирди:

— Пират!—Қиз итнинг ёрдами билан тугунчани топмоқчи эди, бироқ Пират ҳам кўринмади.

Ойқиз, нимадир хаёлига келиб, овозининг борича яна итини чақирди:

— Пират, Пират!

Сал наридан, ўтлар ичидан итнинг боши кўринди-да, яна ғойиб бўлди.

— Пират!— Ойқиз қичқириб ўтлар томон чопиб борди.

Пират Ойқизни кўриб сакраб ўрнидан турди-да, бурдалаб ташланган дастурхондан кўз узолмай лабларини ялади, кейин Ойқизга гуноҳкорона бир-икки қараб қўйди, лекин ундан қочмади ҳам, қўрқмади ҳам, аксинча, дастурхонда қолган-қутганини ҳам ўзи берар деб умидвор бўлди.

— Яхна қани? Қани дейман?!—Ойқиз алам ва жаҳл билан қичқирди, кўзларида ёш пайдо бўлди.—Энди нима дейман чўпонларга?—У қўли билан кўз ёшларини артиб-артиб йиғларди.

Бироқ Ойқизнинг ғазаби узоққа бормади. Итга раҳми келдими, ё «бўлар иш бўлипти, энди фойдаси йўқ», дея кўнглидан ўтказдими, ҳар қалай, жаҳлидан тушди. Аммо қизнинг кўз ёшини оқизишга сабабчи бўлган Пиратнинг бу қилиғи ҳолва бўлиб қолди. Шу куннинг ўзидаёқ у Ойқизни яна йиғлатди.

Ойқиз тепанинг устига чиқиб, ўтлаб юрган қўйларни кўриб дарҳол тўхтади. Қўйлар шунча кўп эдики, кўм-кўк ёнбағирлар қорақўл терилари билан қоплангандек эди. Ойқиз улардан кўз узолмай, ҳавас билан термиларди. Қарши томонда — ёнбағирда таёғига суяниб Бобоқул турарди.

— Ҳе, ҳе, Бобоқул бобо!—Ойқиз қўлидаги газетани кўтариб овози борича қичқирди. Бобоқул ҳам таёғини кўтариб қизга ишора қилди.

Ойқиз тепаликдан чопиб тушмоқчи бўлиб турганида Пират бирдан вовиллаб, баҳайбат кулранг итнинг орқасидан чопганча сойнинг тубига тушиб кетди. Итлар бир-бирини қувиб энди гулга кирган дўлананинг орқасига ўтиб кетди. Ойқиз нима бўлаётганига тушунолмай ҳайрон эди. Бир зумда қўйлар саросимага тушиб, тепалик томон югуришиб қолди. Шу он чўпонларнинг қий-қириқлари эшитилди. Баҳайбат бўрибосар ит тепалик устидан сой томон шамолдай елиб ўтиб кетди. Кўп ўтмай дўлана орқасидан Пиратнинг қаттиқ инграгани эшитилди.

— Нима бўлди, Бобоқул бобо?—сўради Ойқиз кекса чўпонга юзма-юз келиб.

Бобоқул ҳам, Ойқиз ҳам, ёш чўпон — Ҳасан ҳам, итлар чоған томонга, опоқ гуллаган дўланалар томонга чоғиб кетдилар.

— Уларга нима бўлди, бобо?—бетоқат бўлиб сўради Ойқиз учовлари бир-бирларига яқинлашгач.

— Кимга?—сўради Бобоқул.

— Итларга. Нега қутуриб кетишди?

— Бўрилар!—деди Бобоқул.

— Бўрилар? Қани?

Бобоқул жавоб беришга улгурмаган ҳам эдики, дўлананинг орқасида юз берган воқеани кўрган Ойқиз тошдек қотиб қолди. Харсанг ёнида, кўм-кўк ўт устида Пират ётарди. Унинг қорни ёриб ташланган, кўзлари шишадай қотиб қолган эди. Кўм-кўк ўт ва кулранг харсанг қип-қизил қонга белаган, у ер-бу ерда Пиратнинг узиллиб-юлқинган жунлари ётарди.

— Нима бўлди ўзи, бобо, ким чавоқлади буни?—сўради Ойқиз салгина ўзига келгач.

— Бўри!—деди у яна бир сўз билан жавоб бериб.

— Нима учун?..

— Қўйни ўғирлашга қўймаган. Биттамитиз ҳам бўрини кўрмабмиз, сенинг итнинг ҳаммадан олдин кўриб қолиб, орқасидан қувган.

— Кимнинг орқасидан?

— Бўрининг.

Ойқиз овозининг борича ҳўнграб юборди.

— Нимага йиғлайсан? Йиғлама!—деди ёш чўпон.

— Бечора Пират...

— Албатта, ачинарли. Бўридан қўрқмайдиган ит яхши ит бўлади. Қўй, йиғлама.

— Оти нима эди?—сўради Бобоқул.

— Пират деб чақирардик,—жавоб берди қиз кўз ёшларини артиб.

— Пират дегани нимаси?

— Денгиз қароқчилари. Ўшаларни Пират деб атайдилар.

— Сенинг итнинг уларга ўхшамайди-ку?

— Нега ўхшамайди дейсиз? Ўхшайди.

— Шунчаки айтдим-да. Қўрқмасликка қўрқмас-а, бироқ ўхшамайди. Итнинг бўрининг бўрилигини ҳам билмапти,—деди Бобоқул салмоқлаб.

— Нега билмапти дейсиз?—деди Ойқиз тажанг бўлиб.

— Билганда орқасидан қувмаган бўларди. Бўри— бўри-да. Қароқчи.

— Сизнинг Қувватингиз ҳам қувди-ку.

— Қувватнинг вазифаси шу.

— Вазифаси?.. Бўрининг орқасидан қувишми?

— Албатта. Қўйларни қўриydi. У кучли, ўз кучига ишонади. Шунинг учун ҳам бўрининг орқасидан қувган-да!

— Ке, Ойқиз, Пиратнинг ҳурматини бажо келтириб кўмайлик,—деди Ҳасан.

— Итни ҳам ҳурмат билан кўмадиларми?—сўради Ойқиз.

— Ҳа,—деди Ҳасан қисқа жавоб бериб.

Улар тепаликка чиқишганда, Ойқиз ич-ичидан хижолат бўлиб сўзлади:

— Мен бўлсам уни койиб юрибман.

— Нима учун?—сўради Ҳасан.

— Сизга ва бобомга тугунда олиб келаётган яхна гўшти ҳам, нонни ҳам еб қўювди. Роса уришиб берувдим!

— Майли, зарари йўқ,—деди Бобоқул.

У бир зум тўхтади-да, белбоғидан қадисини чиқариб, қафтига кўм-кўк носвой солди ва тилининг тагига ташлаб, деди:

— Биласанми, қизим. Энди бу томонларга ёлғиз ўзинг кела кўрма. Бу ернинг бўрилари ўзингни ҳам олиб кетади-я.

— Бўридан қўрқмайман, бобо. Мен ҳеч нимадан қўрқмайман.

— Бекор айтасан. Нима учун бўридан қўрқмас экансан? Ундан кейин, ойингдан ҳам сўрашинг лозим. Тушундингми? Сўрайсан-а?

— Ҳа.

— Мана бу гапинг маъқул, қизим.

Учинчи боб

Ойқиз кечга яқин уйига кириб келди. Иккала акаси унга калхатдай ёпирилишди. Савалаб уришларига сал қолди.

— Айт, қаерда эдинг? Кун бўйи қаёққа йўқолиб кетдинг? Яна тоққа чиқдингми?—жаҳл аралаш сўради Те-

мур. У қўлини мушт қилиб кўтарганча синглисининг бошига туширмоқчи бўлиб турарди.—Жавоб бер дейман. Нега нафасинг чиқмайди?!

— Бақирманг!—деди Ойқиз унга.

— Қаёққа борганингни билишимиз керак,—деди Алишер синглисининг кўзларига тикилиб.—Сендан сўрайман, жавоб бер!—Энди у овозининг борича бақирарди.

— Бақирманг деяпман,—деди Ойқиз,—бақирадиган бўлсангиз, айтмайман.

Ака-ука бир-бирларига тикилиб, бир зум жим қолишди.

— Мана шу ёнгоқни бошингда чақаман,—деди Темур жаҳл ўтида ёниб. У энди қўлини кўтарганда Алишер тирсагидан ушлаб қолди ва синглисининг ёнига ўтириб, ётғи билан гашира бошлади:

— Синглим, сен ёш бола эмассан,—у синглисининг елкасига қўлини ташлаб, сочларини силади,—ахир менинг Ленинградга кетишимни билардинг-ку. Наҳотки, шундай пайтда ҳам ёнимда бўлмасанг.

Ойқиз бошини оҳиста кўтарди-да, акасининг кўзларига маънодор тикилди. У ўзининг гуноҳкор эканлигини энди пайқади, акасининг кўкрагига бошини қўйди-да, икки қўли билан елкасидан қучоқлади.

— Кечиринг, ака, эсимдан чиқипти,—деди у шивирлаб.

Олтинсой ўрта мактабини тамом қилгач, Алишернинг Ленинградга бориб ўқиши ва инженер-электрик бўлиб қайтиши тўғрисида оилада анчадан бери гап борарди. Бу гап қиш кириши билан айниқса авжига чиққанди. Бунга сари онасининг эти увишиб, безовталанар, тез-тез ўғли тўғрисида ўйланарди. Айниқса, кечқурунлари оила аъзолари ҳовлига жам бўлганда Холбиби ҳамиша Алишерга термшлар; ўчоқ бошида овқат пишираётганида ҳам, хонтахта ёнига ўтирганида ҳам ўғлидан кўзини узолмасди, унинг дийдорига сира-сира тўёлмасди.

— Ойижон, кўзингизга тутун кирдимми?—сўрарди Ойқиз ўчоқдаги оловни ковлаб ўтириб хаёл олиб қочган ва кўзлари намланган онаси атрофида гирдикапалак бўлиб,—менинг кўзимга тутун киргани йўқ, мана, кўринг-а. Мен тутун ичида ҳам нафас олавераман.—Ойқиз юзини тутунга тутар ва шу йўсинда нафас олишга интиларди.

Кунларнинг бирида Ойқиз тандир олдида ноп ёпаётган ойисининг ўзи билан ўзи гаплашаётганини кўриб ажабланди. У ойисини ҳеч қачон бундай ҳолатда кўрмаган эди.

— Бундай айрилиққа қандай чидайман! Болагинам ёлғиз ўзи узоқ-узоқларда... айтишга осон, отда эмас, поезд билан олти кечаю кундуз йўл юрса-я. Касал бўлса, боши оғриси нима қилади, унга ким қарайди?

— Ойи, нонингиз куйиб кетади!—деди Ойқиз қичқириб.

— Вой болам, ойингни кўрқитмоқчи бўлдингми?—У қўлидаги рўмолчасини қизига отмоқчи бўлиб қўл кўтарди-ю, шаштидан тушди.

— Холбиби,—деди кунларнинг бирида ота,—оҳ-воҳингни қўй. Дарҳақиқат, Алишер ўқишга бораверсин. Узинг ўйла, Олтинсойдан инженер чиқса қандай яхши. Ахир, бу биз учун ҳам, бутун қишлоғимиз учун ҳам фахр эмасми!

Ҳозир Ойқиз дадасининг ана шу доно сўзларини эслади, акасининг бағрига яна бош қўйди.

Оз ўтмай ота даладан қайтиб келди. Оила аъзолари жам бўлганда, акасининг ёнида эркаланиб ўтирган Ойқиз кун бўйи нега «гойиб» бўлиб кетганини бирма-бир айтиб берди.

Ҳаммалари жим бўлиб унинг юзига термилишди.

Ойқиз тоғда юз берган воқеани ҳикоя қиларкан, хўрсиниб-хўрсиниб қўяр, Алишернинг кўкрагига бошини қўйганча маъюс сўзларди. Сўнгра у дик этиб ўрнидан туриб, чаққонлик билан қўлларини ҳаракатга келтириб, бўрининг қочшини кўрсатиб, гапириб берди. Ҳикоясининг охирида яна маъюслашиб, Алишернинг пинжиги кириб олди, томоғига тикилган кўз ёшларини ютиб деди:

— Пират... Бечора Пират. Ачинаман унга... Нега сизлар йиғламайсизлар?..

Орага жимлик чўқди. Жимликни Темур бузиб, бақрди:

— Қилгуликни қилиб қўйиб, нега кўз ёши тўкасан! Нима учун Пиратни олиб кетдинг? Уни оч бўрилар гажиб ташлашини билмаган эдингми?

— Билмабман...

— Бўрилар ўзингни гажиб ташласа шунчалик ачинмас эдим. Ҳеч ким ҳам ачинмас эди. Пиратга ачинаман,—деди Темур жаҳл аралаш.

— Худо сақласин, — деди Холбиби жонҳолатда, — болам, оғзингдан нима чиққанини билиясанми?

— Темур! — деди Алишер унга таъна билан ўқрайиб.

Ота қўлини астагина юбориб, Темурнинг қулоғидан чўзганини ҳеч ким сезмай қолди. Темур ҳаммадан ҳам кўп хафа бўлди. Ҳаммадан кўп синглисидан хафа бўлиб, қўлини силтаб туриб кетди.

Шу кетганича у кечки овқат вақтдагина, Ойқиз барча хафаликни унутиб, дадаси ёнида эркаланиб ўтириб, уни турли-туман саволларга кўмиб ташлаган пайтда ҳовлига кириб келди.

— Нима учун қуёш фақат кундуз кунни ёритади? Барибир кундуз кунни қуёшсиз ҳам ёруғ-ку. Нима учун қуёш кечаси ёритмайди? Ахир, кечаси қоронғи, кўчада ўйнаб бўлмайди-ку. Нима учун лайлак уясида фақат бир оёғи билан туради? Бошқа оёғи оғриганми, дадажон?

Умурзоқ ота, қовоқларини уйиб, энди жавоб бериш учун фикр тўнлаган пайтда қиз яна бошқа савол берди:

— Домла жуда хасисми, дада? Бўлмаса, нима учун у бошига шунча қатта салла ўрайди? Ахир, шу салланинг ўзидан ўнга қизга саккизта кўйлак тикса бўлади-ку?

Салгина нарида ўтирган Алишер гоҳ синглисининг гапларидан кулиб қўяр, гоҳ отасининг ёнига келиб, бирга-бирга жавоб қидирарди.

— Домла дейсанми, қизим? — деди салгина хўмрайиб ота. — Дарҳақиқат, жудаям хасис, турмушимиз учун зарарли одам. Ҳаммани дин билан заҳарлайди. Гапнинг қисқаси шуки, домла эскилик сарқити.

— Мана, буни кўр, — деди Алишер синглисининг диққатни стол устидаги гугурт чўпларига тортиб, — кўрдингми, ўнта чўп, ҳар биттаси биттадан қизча, дегин-а. Энди ҳар бирига биттадан ошқовоқ уруғи берамиз, яъни ҳар бир қизга бир кўйлак.

Шу пайт дарҳол Темур гапга аралашди ва чўнтагидан бир сиқим ошқовоқ уруғи чиқариб тўкди.

— Мана, яхшимми?

— Яхши!

— Мана кўрдингми, ҳамма қизларга кўйлак етмади.

— Нима учун етмади?

— Шунинг учунки, қизлар ўнта, кўйлак эса сак-

қизга. Мана бунга қара,— деди Темур қизга тушунтириб.

Ойқиз биринчи марта мактабга борганида саккизта кўйлакни ўнта қизга барабар тақсимлаш мумкин эмаслигини, дунёда арифметика деган илм — қўшув, олув, кўпайтирув борлигини биларди.

Ниҳоят, Ойқиз мактабга борадиган кун ҳам етиб келди. У мактабдан маъюс ҳолда қайтди.

— Ҳа, қизим, тобинг қочдими?— безовталаниб сўради Холбиби.

Иккинчи куни қиз мактабдан хафа бўлиб қайтди. Учинчи куни эса лабини тишлаб, ўқиш қийинлигини билдирди.

Ака-ука бир-бирларига қараб қўйишди:

— Нима учун қийин?

Ота эса жимгина, хафа ҳолда соқолини силаб қизининг ҳаракатларини кузатиб ўтирарди. Холбиби бўлса қизини юпатиш пайида:

— Майли, қизим, сира хафа бўлма. Аста-аста ўрганиб кетасан.

Ойқиз ўзини тутолмай, кўз ёшларини артиб жавоб берди:

— Ахир, бир жойда бир соат, икки соат, уч соат ўтириш осонми? Сира қимирлаб бўлмайди. Ҳадеб ўтириш, ҳадеб ўқитувчи айтган гапларни эшитиш қийин-да. У ўтган йили Алишер билан Темур ўргатган сўзларни ҳадеб қайтараверади. Ҳижжалаб ўқийвериш ҳам қийин. Ахир, бу китобни ҳам ўқиганман. Ўтган йили дадам олиб берган эдилар.

Онаси бўлса ҳақ эди. У тез орада ўрганиб ҳам кетди. Мактаб Ойқиз ҳаётига ўз уйи сингари қадрдон бўлиб кирди. Ойқиз ҳам аста-секин ўзгарди. Энди ўз дугоналарини ўткир зеҳни ва зўр меҳнати билан қойил қолдирарди. У Олтинсой кутубхонасидаги барча китобларни кунт билан ўқиб чиқди.

Ойлар ва йиллар бир-бирини қувиб ўтарди. Ойқизнинг бўйи ҳам ўсди, ақли ҳам тобора камолотга етди. Урта мактабни тамом қилгач, Темур ўқиган институтга боришни, Олтинсойга агроном бўлиб қайтишни ва ўз билими, кучини сафарбар этиб, жонажон колхозига хизмат қилишни орзу қиларди. Чунки у Олтинсой ишқи билан яшарди. Унинг бутун орзу-умиди ҳам ёшлиги сингари ана шу олтин қишлоқда камол топди.

Даҳшатли уруш бошланди. Қишлоқ Советининг деворида район ҳарбий комиссарининг буйруқлари пайдо бўлди. Ойқиз бу буйруқларни тез-тез, гоҳ пичирлаб, гоҳ овоз чиқариб ўқиб турарди. Буйруқ унга бевосита алоқадор бўлмаса ҳамки, у деярли ҳар куни ўқиб кетарди.

«...Ўзи билан қошиқ, кружка...» Ойқиз бу сўзларни нима учундир қайта-қайта ўқиди-ю, сўнгра лабини қатиқ тишлаб қолди.

Кунларнинг бирида эшик очилиб, Ойқизнинг қарши-сида қишлоқ Советининг секретари Олимжон пайдо бўлди. У қизга мазах қилгандай назар ташлади-да, сўнгра:

— Нима учун сен тез-тез келиб, буйруқларни ўқийдиган бўлиб қолдинг? Еки фронтга бормоқчимсан?— деди.

— Борсам мумкинми?— деди қиз қўққисдан. У Олимжонга ер остидан тикилиб турарди.

— Нима, жиддий сўраяпсанми?

— Ҳа.

— Агар жиддий сўраётган бўлсанг,— деди Олимжон қизга жавоб қилиб, у кутилмаганда қизнинг елкасига қўлини қўйиб, сўзида давом этди,— бундай фикрларни улоқтириб ташла. Ҳа, айтгандек, ёшнинг нечада? Ўн уч, ўн тўрт-а?..

— Ўн бешда.

— Ана, кўрдингми?— У қизнинг елкасидан қўлини олиб, сўзида давом этди.— Қап-қатта қизсану ёш боланинг гапини гапиряпсан-а.

— Сиз тушунмаяпсиз!— Ойқизнинг жаҳли чиқиб қизариб кетди. Ҳатто кўзларининг тўрида ёш қалқиди.

— Тушуниб турирман,— деди Олимжон салмоқлаб. У қўлини орқасига қилиб, қиздан кўзини олиб қочди.

— Йўқ, тушунмаяпсиз.

— Йўқ, тушуниб турирман. Кўнглингдагини тушуниб турирман. Истасанг, айтиб бераман.

— Айтинг бўлмаса.

— Сен Ватанимиз учун қайғурасан, шувъинг учун ҳам душман тезроқ тор-мор бўлишини, халқимиз олдида таслим бўлишини истайсан. Шундайми?

— Ҳа, худди шундай.

— Мана кўрдингми, билар эканманми, сен бўлсанг нуқул тушунмайсиз дейсан.

— Ахир сиз... тушунадиган одам бўлсангиз... Нима учун ариза бериб, урушга кетмадингиз? Ахир, фронтга боришингиз зарур-ку? Эрка: тишисиз-ку?

— Э, бундай дегин, нима учун ариза бермадинг деб, таъна қиляпман, дегин.

— Қандай тушунсангиз тушунаверинг. Агар истаганингизда, ариза берганингизда сизни ҳам юборишарди. Этигингиз ҳам, шимингиз ҳам, кўйлагингиз ҳам жуда ярашиғлиқ... Жуда келишган жангчи бўлардингиз-да,— деди Ойқиз унинг кўзларига жиддий қараб тураркан. Ўзининг юзлари эса қип-қизариб кетган эди.

Олимжон ҳам қовоғини уюб жиддийлашди, юзлари қизарди, қизнинг гаплари қанчалик оғир бўлмасин, аммо шунчалик ҳақ эди. Буни Олимжон яхши тушунарди. Шунинг учун ҳам ўзини босиб, оғир, насиҳат маъносида гап бошлади:

— Ойқиз, сен фронтда эмас, фронт орқасида, шу ернинг ўзида кўпроқ фойда келтирасан. Яхшиси, синфдош дугоналарингни йиғиб, тоққа чиқинглар, ғалла ўрими-йиғимида колхозчиларга ёрдам беринглар,—Олимжон бу сўзларни буйруқ маъносида жиддий айтди,—ҳозир дон ҳам ўқ-дори, ғалаба, тушундингми?.. Битта ҳам бошоқ побуд бўлмасин, сўнгра хирмонни тозаланглар, ундан сўнг...

— Бўпти, Олимжон ака,—деди Ойқиз дарҳол унга бўйсуниб.

Шундай деди-ю, шу заҳотиёқ орқасига ўгирилиб чошиб кетди, иморат ёқалаб бориб кўздан ғойиб бўлди.

Ойқиз дугоналарини хабардор қилишдан аввал биринчи бўлиб Лола ва Меҳри билан маслаҳатлашиб олди. Пастки синфда ўқийдиган бу қизчалар Ойқиздан сира ажралмас эдилар. Шунинг учун ҳам уларни Ойқизнинг сояси дейишарди. Ойқиз кўча-кўйда юрганда ҳам, мактаб ҳовлисида ўз тенгдошлари билан ўйнаганда ҳам, кутубхонага кирганда ҳам Лола билан Меҳри дарров унинг ёнида пайдо бўлишарди. Бундай қараганда икки дугонанинг бир-бирига ўхшайдиган томонлари деярли йўқ эди. Лола тўладан келган, сергак қиз, қишлоқ Советининг секретари — Олимжоннинг синглиси, Меҳри бўлса қотма ва қорачадан келган, уятчан қиз, колхозчи Муроталининг қизи.

Меҳри билан Лоланинг қандай қилиб ораларидан қил ўтмайдиган дугона бўлишганига, бунинг устига иккаласи ҳам ўзига баб-баравар қаттиқ ёпишиб олганига баъзан

Ойқизнинг ўзи ҳам ҳайрон қоларди. Қачон қарасангиз, Лола Ойқизнинг атрофида парвона эди. Меҳри бўлса катта-катта ва қоп-қора кўзларини унга тикиб, уялибгина термилиб турарди. Меҳри ҳам, Лола ҳам Ойқизни жондилдан, болаларга хос садоқат билан севишарди. Аслида икки дугонани бир-бирига иноқ дўст қилиб жинслаштирган нарса ҳам ана шу пок ва қудратли севги эди.

Энди Лола билан Меҳри ҳам еттинчи синф болаларига қўшилиб, ғалла ўрим-йиғимига борарди. Буғдойзорларга ёлғизоёқ йўлдан тоққа кўтарилиб, довондан ошиб борилар эди. «Қизил юлдуз» колхозининг лалмикор ерлари ана шу довоннинг нарёғида, Кўктоғнинг нариги томонида эди.

Қуёш тоғ устида турар, унинг жазирама иссиғи болаларнинг елкаларини қиздирса ҳам, онда-сонда эсан тоғ шабадаси уларнинг қувноқ юзларини сийпалаб ўтарди. Шунинг учун ҳам болалар жазирама иссиқни писанд қилмай, довонга чиқардилар.

— Меҳри, буни қара-я,—деди Лола қўнғироқдай овозини чўзиб,—айиқтовон билан қоқи очилипти. Колхозимизнинг боғида бўлса аллақачон гилос, жопазак, ҳатто парвардадек ошноқ олмалар пишган. Сен олманг яхши кўрасанми, Меҳри?—Лола дугонасининг оғзини очиргани қўймай сўзида давом этди,—оқ олманг яхши кўришингни биламан, у нордон бўлади. Мен ҳам жуда яхши кўраман. Қизил олма бўлса бунинг тескараси, шундай чиройли, шундай ширин, шундай мазалики, асти қўявер.

— Лола,—деди унинг сўзларини бўлиб Ойқиз,—сенинг кумушдан қилинган қўнғироғинг борми?

— Ойқиз опагон, кумуш қўнғироқ деганингиз нимаси? Йўқ, менда ҳеч қанақа қўнғироқ йўқ.

— Бор. Биламан,—деди Ойқиз ўз сўзида қатъий туриб,—яшириб қўйибсан, кўрсатмайсан.

— Қаёққа яшириб қўйибман?

— Мана, мана бу ерга,—Ойқиз икки бармоғи билан Лоланинг томоғини ушлаб, билинар-билимас чимчилаб олди,—қўнғироқ мана шу томоғинга яширинган.

Қизлар қаҳқаҳлаб кулиб юборишди.

— Ҳа, овозим шундай жарангли, ўзим ҳам биламан,—деди Лола уялиброқ.

— Кўп гапирганинг чакаги чарчайди, ўзи ҳам чарчайди. Чарчаган одам дарров жимиб қолади. Аммо сен сира-сира чарчамайсан. Ҳамиша қўнғироқ сингари жа-

ранглайсан. Қўнгироғинг бор дедим-ку,—деди Ойқиз ўз фикрини тасдиқлаб.

Лоланинг юзлари баттар қизариб, индамай қолди.

Болалар довои устига чиқиб, тарқалиб кетишди. Тўда-тўда бўлишиб кўм-кўк майсалар устига ястаниб олишди. Кенг майсазор бирпасда бир-бирини қувиб чопишиб юрган болаларнинг шўхликлари, кулги-ҳангомаларига тўлди.

Ойқиз завқ билан атрофга термиларди. Бу жойлар унга болалигидан таниш ва қадрдон. Ҳу анави пастликда қалин арчазор, ундан пастда чақир тошлари кўзга ташланиб турган чуқур сой, Ойқиз баъзида ана шу чақир тошлар устига чиқиб, жарликка қараб овози борича қичқирар ва узоқ-узоқлардан келган акс садони эшитиб завқланарди. Ҳу ана, дўланазор. Унинг олдида ўтлар ичидан текис катта харсанг кўриниб турарди. Ойқиз бу манзарага диққат билан тикилиб турди-да, нима учундир кўнгли бир нарсани сезгандай, биров қулоғига: «Шу тошда бир гап бор», деб шивирлагандай юрагига ғашлик чўкди. Бундай пайтларда тиниб-тинчиб тура олармиди, Ойқиз-а? Тагига етмагунча кўнгли жойига тушармиди. У дугоналарига ҳам бир оғиз сўз айтмай, ўрнидан турди-ю, аста ўша харсанг томон йўл олди. Бораркан, ўйларди: «Бу харсангтошни жойидан ким қўзғатган экан? Нима зарурлиги бор экан? Ахир, бундай тошни ағдариш учун озмунча куч керакми? Ҳатто тоғ қатлами ағдарилиб тушганда ҳам, бу харсангни жойидан қимирлата олмаган. Энди бўлса у дўлана дарахтлари устига ағдарилиб ётибди». Баъзида у, харсанг остига кимдир кўмитан, деб фараз қиларди. Эҳтимол, шундай ҳамдир, отаси ҳам шу доводда кўп-кўп воқеалар содир бўлган дер эди-ку.

У харсангтош олдига етиб келмасданоқ, кутилмаган ҳодисага кўзи тушди-ю, таққа тўхтади. Гала-гала чуғурчуқлар харсангтош остидан ваҳима солиб «гурр» этиб учиб кетди. «Бу нима? Нима учун бу ерга ёпирилиб олишган?..» Ойқиз ҳайрон бўлиб ўйлай бошлади. У юраги дов бермайгина бир-икки қадам ташлади-да, тошдай қотиб қолди. Ўтлар устига буғдой сочилган, харсангтош билан дўлана дарахтлари ўртасида икки қош буғдой ётарди.

Харсангтошнинг нима учун ағдарилганига энди ақли етгандай бўлди. Сесканиб тушди. «Ахир, бу ўғри-жино-

ятчининг иши-ку. У колхоз донини — уруғлик ғаллани ўғирлаган. Дон, дон!.. Ҳозир бу ўқ-дори сингари зарур, демабмиди Олимжон акам. Дон бу — ғалаба демақдир. Буни ким қилиши мумкин... Ким?..»

Хаёлидан шу фикрни ўтказиб турганида дугоналари чақириб қолишди. Аммо Ойқиз жавоб қилмади. У дўланазор панасида ҳеч кимга кўринмасликка ҳаракат қилди.

Қизларнинг кетма-кет хахолаб кулган овозлари келди. Эҳтимол, Лола нимадир гапириб шўхлик қилаётгандир. Қизларнинг кулгиси кўтарилганда, Қумрихоннинг овози ҳаммадан ҳам жаранглаб, ажралиб турарди.

«Айтсаммиким? — Ойқиз сўради ўзидан-ўзи. — Кимга? Фақат Қумрихоннинг қулоғига...» У қизларнинг кулгисига қулоқ солиб туриб, яна Қумрихоннинг завқ билан кулганини эшитди ва унга ҳам айтмасликка қарор берди.

Ойқиз пастга — ёнғоқзор томон жадал юриб кетди. Нафаси оғзига тиқилиб, ўтлар ичидан ҳовлиқиб борарди. «Ўғри ким бўлди? — дерди ўзига-ўзи. — Барибир, ким бўлса ҳам у — душман. Колхоз душмани. У халқимизнинг ҳам, совет давлатимизнинг ҳам душмани. Ким бўлиши мумкин-а? Ким?» «Ғалла бизнинг ғалабамиздир!» деган сўзлар Ойқизнинг қулоқлари тагида яна жаранлагандай бўлди.

Хаёл ичида одимини секинлатди, тизза бўйи ўтдан беихтиёр юлиб олиб, жаҳл билан тишлади, тахир ва аччиқ таъминни татиб кўргач, пешонасини тириштириб туфлаб ташлади. Қандайдир сирли жумбоқни ечолмай хуноби ошди. Яқиндагина унинг тоғаси, Холбибининг акаси — Ғафур дадаси билан гаплашиб ўтирганида: «Умурзоқ ака, энди доннинг баҳоси ўйнайдиган пайт келди», деганини эслади. Умурзоқ ота шунда: «Ҳа, дарҳақиқат, халқ ғамидан фойда ахтарадиган муттаҳамлар чиқиб қолади», деб жавоб берган эди. Ғафур тоға бу гапни эшитиб, ғалати бўлиб, соқолни силаб ер чизиб қолган эди.

«Ғафур, Ғафур тоға... тўхта! Ойқиз, ахир, хирмондан бугдойни омборга ташийдиган ким? Ғафур тоға эмасми? Шошма, шошма! Наҳотки, Ғафур тоғам душман бўлса? Ўғри бўлса? Ахир, у ойимнинг акаси, тоғам-ку. Тўғри. Бироқ колхоз донини ташувчи ҳам шу Ғафур тоға эмасми? Ўшанинг ўзи! Демак, ҳа, энди ўйлаб ўтиришнинг фойдаси йўқ. Тезроқ қишлоққа боришим керак. Эҳтимол,

олдин ойимга айтарман. Аммо ойим шўрлик бу хабарни эшитиши билан гам-алам ва шармандалиқдан юраги торс ёрилиб кетмайдими? Барибир жимиб кетолмайман. Олдин пионервожатийга ва сўнгра ўқитувчимиз — Зуҳра опага айтаман...»

Бир вақтлар Зуҳра она Ойқизнинг пионер отрядида қилган докладини жуда мақтаган эди. Шу-шу Ойқиз унга жуда суяниб қолганди. Маслаҳатли иши бўлса олдин ана шу ўқитувчининг ҳузурига борарди.

Майсалар устига ўтириб ўзи билан ўзи суҳбатлашаётган Ойқиз ўрнидан ирғиб турди-да, сочини қайтадан ўриб, боғ ичидан қишлоқ томонга қараб кетди. Тез юрганиданми, иссиқданми, ҳаяжонданми томоқлари қақради. Майса устида думалаб ётган оқ олмани олиб, карсиллатиб ея бошлади.

У хаёл гирдобидан чиқолмасди. «Наҳотки, шундай бўлса, Ғафур тоғам колхоз душмани бўлса? Бу шум хабарни ойим эшитса...»

Ойқиз тўғри Зуҳра опанинг уйига кириб борди. Айвонда гилам сузураётган, қотмадан келган, паст бўйли, ғайратли кампир набирасини телефон орқали райкомга чақиринганини ва у кечга томон келишини айтди.

— Кечқурун келгин, уйдан топасан, болам,—деди кампир унга.

— Бувижон, кечгача кутолмайман! Зарур ишим бор эди,—деди Ойқиз хуноб бўлиб ва шошиб чиқиб кетди. «Энди нима қиламан? Кеч кириб қоронғи тушса, Ғафур тоға қоплардаги бугдойни олиб кетса...»—деди у ўзига ўзи ва шошганича қишлоқ Совети томон йўл олди.

Ойқиз қишлоқ Советининг деразаси олдида ўтиб бораркан, Олимжоннинг идорада эканлигини пайқади. У ким биландир қучоқлашиб, ё саломлашар, ё хайрлашарди. Қизнинг юраги тез-тез ура бошлади. «Кирсаммикин? Е...» У дадил ичкарига кирди.

— Салом, Олимжон ака,—деди Ойқиз ва ундан жавоб олгунча эшик олдида тураверди.

Олимжон қизнинг овозини эшитдимия-йўқми, ҳар қалай, унга эътибор қилмай, олдида турган йигитни самимий қучоқлаб, сўкаларига уриб, тантана билан гапирарди:

— Эргаш, оғайним, аҳтимол ўша ерда учрашиб қолармиз. Мен ҳам бу ерда узоқ ўтира олмайман. Соғ бўл, оғайним. Ғалаба билан қайт.

Икки оғайни хайрлашиб бўлишгандан кейингитта Ойқиз бу йигитни таниди — у Қумрихоннинг акаси Эргаш эди. Ойқиз у билан саломлашиб учун энди ўзини ўнглаган эди, бироқ у қизга эътибор ҳам қилмай идорадан чиқиб кетди.

— Мана, кўрдингми, Ойқиз, ҳар куни кимдидир фронтга жўнатаяпмиз,—деди Олимжон Ойқизга қарамай очиқ турган дераза ёнига бораркан. Олимжон қишлоқнинг жимжит кўчасидан кетаётган Эргашнинг орқасидан қараб қолган эди.—Унга повесткани далада топшириштипти,—деди Олимжон ҳамон хаёли Эргашда экан.

— Танийман, дугонам Қумрихоннинг акаси бўладилар. Қумрихон бўлса, акам Москвада, Тимрязев академиясида ўқишни орзу қилади, дер эди ҳар доим.

— Ҳа, шундай дегин,—деди Олимжон ва бирдан орқасига ўгирилиб, Ойқиздан сўради:—Хўш, нима иш билан?..

— Сизга шошилишч ишим бор.

Олимжон кулиб қўйди ва унинг олдига келиб ёш боладай эркалади, қўлини елкасига қўйди.

— Қандай шошилишч иш экан, қани айт-чи?

Ойқиз қизариб кетди ва дарров елкасини тортди. Олимжоннинг қўли эса ҳавода осилиб қолди. «Нима учун мени ёш бола деб муомала қилади», деди Ойқиз ичда.

— Жойингизга ўтиринг,—деди Ойқиз шаддодлик билан ва ўзи ҳам шартта ўтирди.

Қиз гапини бошлаши билан Олимжоннинг авзойи ўзгарди, стулини суриб унга яқин ўтирди, кўзларига тикилган ҳолда сўзларини савол ҳам бермай, эътибор билан тинглади.

Энди унга ҳамма нарса равшан эди. Ҳаммасидан ҳам Ойқиз шошилмай, тутилмай тушунтириб беролганидан мамнун бўлди. Эҳтимол, Олимжонни ҳам ҳозир Ойқиздақа хаёллар чулғаб олгандир. Мана, Эргаш ҳам Ватан мудофааси учун фронтга кетди. Эҳтимол, қонг ҳам тўкилар, эҳтимол қурбон ҳам бўлар. Аммо Гафур тоға бўлса, йўқ, йўқ, қандай қилиб тоға бўлсин?.. Нима учун тоға экан?..

— Раҳмат, Ойқиз,—деди Олимжон бир оз ўй суриб олгач,—сен оқила қизсан, Ойқиз! Исминг ҳам жуда-жуда чиройли, ўзингга ярашган. Раҳмат сенга. Баракалла! У хайрлашмоқ учун қизга қўлини тутди.

— Хотиржам бўл, ўғри қочиб қутулолмайди.

Олимжон қизнинг кичик, аммо кучли қўлини олиб хайрлашди. Шу пайт Ойқиз ҳам унинг кўзига бир қаради-ю, дили шу йигитга чексиз ҳурмат-эҳтиром билан тўлганини ҳис этди. Энди у мулойим овоз билан уялибгина сўради:

— Сиздан бяр нарсани сўрамоқчи эдим, Олимжон ака. Билмадим... Қандай маслаҳат берасиз...

— Хўш, нимани? Қулоғим сенда, айтавер.

— Мен кузда ўқишимни давом эттирмоқчи эдим. Мактабни тамом қилгач, Қишлоқ хўжалик институтига кирмоқчи эдим. Энди...

— Нега энди...

— Энди ўқишни тўхтатсам дейман. Қандай маслаҳат берасиз...

— Нега, нега ўқишни тўхтатар экансан?— сўради у ҳайрон бўлиб мулойимлик билан.

— Мен .. биз юқори синфлардаги қизлар билан...— деди Ойқиз бошини қуйи солиб. У узун сочларининг учини гоҳ ўриб, гоҳ ёзиб, уялибгина ерга боқарди. Қиз илгарилари соғларини майда-майда қилиб ўрар ва бошига чамбарак қилиб боғлар, шу билан ойисининг пстагини бажо келтирарди. Энди бўлса иккита қилиб ўрилган сочи ўзига ярашиғлиқ эди,—колхозимиздан ер участкаси олиб, ўз қўлимиз билан буғдой экмoқчи эдик.

— Демак, ҳаммаларинг мактабни ташламоқчи бўлиб-сизлар-да?

— Йўқ, ҳали мактаб тўғрисида ўйлаганимизча йўқ. Фақат мен... Узим шундай ўйладим. Буни ҳали ҳеч ким билмайди.

— Майли, ҳеч ким билмагани яхши. Библи қўй: ўқишни ташлаш, институтга киришни кечиктириш ярамайди. Сендан яхши агроном чиқади. Библи турибман, Ватанга ёрдам қилмоқчисан. Шундайми?

— Ҳа,—деди қиз эшитилар-эшитилмас ва оҳиста бош кўтариб, Олимжоннинг юзига боқди.

— Яша, Ойқиз. Ўқувчилар бригадасига ер ажратиб берамиз. Албатта, ажратамиз, буғдой ўстиринглар.

— Чиндан-а?..

Қизнинг қоп-қора кўзларида қувонч чақнади.

— Чиндан,—деди Олимжон сўзини такрорлаб,—фақат бир шарт бор, ўқишни ташламайсизлар. Колхозда ишлаб, ўқишни ҳам давом қилдириш шарт билан. Қанча

гайрат билан ўқисанг, колхозга шунча кўп фойда келтирасан. Розимисан шунга?

— Ҳа.

— Демак, келишдик.

Ойқиз шу кеча ухлаёлмай чиқди. Барча режаларини пошмасдан чуқур ўйлашни истарди. Бироқ фикрлар қизга итоат қилмай, бири бирини қувиб ўтар, бошида қуюндай айланар ва ақли ҳушини йиғиб, бир фикрга келолмасди. Гоҳ Ғафур тоғасини, унинг тўрт томонга кўз ташлаб дўлана томон ўрмалаб кетаётганини кўз олдига келтирар, гоҳ Олимжонга айтган сўзларини эслар, гоҳ уруш ҳақида, аллақаёқларда жанг қилаётган акалари — Алишер ва Темур ҳақида ўйларди. Ойқиз акаларининг дала почтасини билар эди-ю, аммо қайси томонларда жанг қилаётганларини билмасди.

Ярим кечада, хаёл толдирган қиз мудраб, кўзлари энди уйқуга кетай деганда, ташқаридан Олимжоннинг овози эшитилгандай бўлди. У ҳайрон бўлиб оҳиста бошини кўтарди, оёқларини кўрпанинг ичига узатиб ўтирган ҳолда қулоқ солди. Овоз ҳовлининг тўридан, якка-ёлғиз ўрик дарахти қад кўтарган томондан эшитилгандай бўлди:

— Ҳа, ҳа... аини бугдойни олиб кетин пайида...— Олимжон ҳаяжонланиб тез гаширарди.

— Қандай қилиб олиб кетади?.. Дарҳақиқат, у аравада борган эканми?—дадасининг овози эшитилгандай бўлди.

— Йўқ, эшакда дедим-ку.

— Тўғри, тўғри. Мен... Эҳ, разил, эҳ, муттаҳам!

— Умурзоқ ота... Ўзингизни босинг...

Ойқиз бир зумда каравотдан тушиди-ю, қандай қилиб ҳовлининг ўртасига бориб қолганини ўзи ҳам сезмай қолди.

— Уни қамоққа олдиларми?—сўради у катталарнинг ўртасида пайдо бўлиб.

Умурзоқ ота ҳам, Олимжон ҳам таажжуб ичиде қизга тикилишди.

— Сенга нима? Бор, ухла!—жеркиб берди Умурзоқ ота. Ойқиз бир сўз айтмай, чопиб уйга кириб кетди.

Ғафур қаттиқ жазога тортилди. Колхозчилар суд ҳукмини маъқулладилар. Фақат колхоз раиси Қодиров суддан кейин Умурзоқ отанинг пинжиге кириб ёрилиб қолди:

— Унга ачинаман. Арзимаган буғдойни деб балога қолди. Икки қон буғдой дегани нима деган гап? Мана, урушда бўлса бутун-бутун шаҳарларни топширяпмиз. Ғафурни кечирсак ҳам бўларди.

— Кечирсак бўларди, дедингми?

— Кечирмасак ҳам ишни судгача олиб боришнинг ҳожати йўқ эди. Ўзимиз ҳал қилсак ҳам бўларди. Ҳар ҳолда яхши, меҳнаткаш одам эди. Ахир, нима бўлса ҳам қариндошингиз-ку, раҳмингиз келмайдими, Умурзоқ ота?

— Йўқ, раис, бундай одамга раҳм қилмоқ инсофдан эмас. Дарҳақиқат, яхши одамларга, фронтда сен билан биз учун жонини фидо қилаётган одамларга раҳм қилса арзийди. Улар мана шу Ғафур учун ҳам қон тўкмоқдалар, жондан жудо бўлмоқдалар. Дарҳақиқат, ўшаларга ачинайлик. Мамлакат бошидан шундай оғир кунларни кечираётган бир пайтда Ғафурга ўхшаш муттаҳамларга раҳм-шафқат қилиш жиноятга йўл очиб бўлади,—деди Ғазаб ўтида ёнган Умурзоқ ота.

Шу воқеа сабаб бўлди-ю, раис Ойқиздан ҳадикспрайдинган бўлиб қолди. Уни кўрганда эҳтиёткорлик билан муомала қилар, кези келса хушфезл бўлиб, ҳурматни ҳам ўрнига қўярди.

Раиснинг характерида юз берган бу ўзгаришларни Ойқиз авваллари ё пайқамас, ёки бунга эътибор бермасди. Бўйи ўсиб, ақли тўлғач, сеза бошлади. У вақтларда қаёқдан ҳам сезин? Раисни яхши билмаса, унга иши тушмаса. Бунинг устига унинг ўз ташвишлари ҳам ўзига етиб ортарди. Қўлақ ташвишлар дейсизми? Эҳ-а, шу ёшда қизлар қалбига гулгула соладиган ташвишларни бошдан кечирмаганмисиз? Янгидан-янги ҳис-туйғулар, янги фикрлар, ўйлар, орзу-хаёллар... Булар ҳаммаси бирварақайига бошига ёпирилиб, ёш қалбини тўлдириб, гангитиб қўяёзди-ку. Назарида ҳаммаси купна-кундуз кунни тоғлардан ўпирилиб тушган қордай устига ағдарилди-ю, кўзлари тиниб, боши айланиб қолди. «Бу нима-си?..—дея ўзидан-ўзи сўрарди у,—менга нима бўлди? Қуюн ичида қолганга ўхшайман-а?—узоқ ўйлади ва ўйлаб-ўйлаб сабабини топгандай бўлди,—эҳтимол, бу уруш оқибатидир. Ҳа, бошқа нима бўларди. Уруш ташвиши мени ҳам гангитиб қўйди»,—дерди ўзига-ўзи тасалли бериб.

Тасалли берарди-ю, яна бўлмасди. Ёш қалби ҳовли-

қиб кетаверарди. Назарида кимларнингдир ёрдами, мадади керакдай, бунинг учун эса тез ва жасорат билан ҳаракат қилиши керакдай, шундай қилгандагина ташвишлардан холи бўладигандай туюларди. Аммо қанақа ташвиш? Нима ёрдам? Бунисига ўзи ҳам тушунолмасди. «Ёрдам сўраш?—бирдан ўзига келиб, ўзидан-ўзи сўрай бошлади:—Кимдан? Қанақа ёрдам? Нима учун?»— дедида, шартта қўлини силтаб қовоғини солиб олди.

Ҳис-туйғулар қуюнидан чиқолмаётган Ойқиз бу қуюн ичида отаси, ойиси, акаларини, Фафур тоғасини, Қодировни ва албатта Олимжонни кўриб турарди. Булар орасида ҳаммасидан ҳам Олимжон кўзига равшанроқ кўринарди. У қуюн ичида азоб чекар, шунинг учун ҳам Ойқиз ўзини қуюнга ташлаб, унга ёрдам беришга ошиқарди. Аммо у қизга қайрилиб қарамасди. «Эҳтимол, ҳали ҳам у мени ёш ва жамалаксоч қиз деб ўйласа керак,— дерди ўзига-ўзи Ойқиз хуноб бўлиб,— ахир мен унга ҳаммадан кўпроқ ёрдам қилишим мумкин-ку... Ёрдам? Қандай ёрдам?— Сўради ўзидан-ўзи. Бир зум ўйланиб, бошини чайқаб жавоб берди:—Билмадим... Барибир... унга мард дўстлар керак, содиқ дўстлар керак... У ана шундай мард дўстни кўрмаяпти».

Тўғри, Ойқиз бир вақтлар ёш эди, Олимжонга ҳам эътибор қилмасди. Аммо орадан анча вақт ўтди, қанчадан-қанча воқеалар содир бўлди.

Ажабо, у комсомолга кирса ҳам, мактаб деворий газетасида муҳаррир бўлиб ишласа ҳам, мактаб участкасида звено бошлиғи бўлиб ўз қўли билан буғдой ўстирса ҳам, Олимжон ҳали ҳам унга назар-эътибор қилмайди. Йўқ, йўқ, қиз ўз мулоҳазасида жуда ҳам ҳақли эмас. Чунки ўша унутилмас кунда, дили зўр ва покиза, таптанали фикрлар билан тўлиб-тошган кунда, комсомолга қабул қилинган кунда мажлисга Олимжоннинг ўзи раислик қилиб, Ойқизни биринчи бўлиб табриклаган, сўнгра, худди акасидек меҳрибонлик билан тирсагидан ушлаб, насиҳат қилган эди:

— Қани, ўтир, бир гаплашиб олайлик.

Ойқиз у билан нима тўғрида гаплашишини билмай, уялибгина сўради:

— Нима ҳақда, Олимжон ака?..

— Юрагингда қандай ўйлар бўлса, шу ҳақда,— деди у самимийлик билан,— ўқини тўғрисида, мактаб тўғрисида.

— Уқишим яхши.

— Яхшими-а?..

— Ҳа.

Улар бир зум жим қолишди.

— Демак, суҳбат учун гапимиз йўқ экан-да.

Қиз ер остидан унга қараб қўйди.

— Билмадим.

— Эҳтимол... кўнглингда бирор гапинг бордир?..

— Кўнглида?..

— Ҳа.

— Қандай кўнглида?

— Юрагингда. Юрагингнинг ич-ичига тугиб қўйган, ҳеч кимга изҳор қилиб бўлмайдиган сирли орзуларинг бордир ахир?

— Сирли?

— Ҳа.

— Нима учун сизга... Ахир, сирли орзуларни сўраш мумкинми?

— Мумкин эмас, албатта. Бироқ менинг ёрдамим зарур бўлар дейман. Ахир, мен сендан каттаман-ку...

— Раҳмат, Олимжон ака... Менда ҳеч қандай сирли фикрлар йўқ...

Шу суҳбатдан кейин Ойқиз печа купгача ўз дилига қулоқ солиб, «алдадимми, йўқми», дея ўзига-ўзи бир неча бор савол бериб кўрди-ю, ё «ҳа», ё «йўқ» деб жавоб қилолмади. «Билмадим,—деди у ўзича шивирлаб,—эҳтимол, ёлғон айтгандирман. Юрагимда биттагина сирим бор...»

Олимжон от миниб тез-тез тоққа чиқиб турар, бугдойзорни бегона ўт-ўландан тозалаётган, лола, чучмома, шувоқ ва бошқа ўтларни юлиб юрган ўқувчилар олдига келиб самимий суҳбатлашар, ишларидан мамнун бўлиб ҳол-аҳвол сўрар, анчагача бригадада қолиб кетарди. У ўқувчиларга жуда меҳрибон эди. Биронтасининг саломини алиқсиз қолдирмас, қўл сиқийиб кўришмаса кўнгли тўлмасди. Звено бошлиғи Ойқизни ёнига чақириб яши ва ўқишини, акаларидан келаётган хатларни, уй ичларини сўрарди. Ойқизнинг ўзи ҳам тез-тез қишлоқ Советига келиб турар, фронтдаги ҳамқишлоқлари ёзган хатлар билан, урушнинг бориши тўғрисида газеталарда босилган ахборотлар билан танишарди. Бироқ, хатлар, газета хабарлари изтиробли эди. Барча фронтларда шиддатли

жанглр давом қилар, душман Москвага суқилиб киришга интиларди.

Бир куни Ойқиз одатдагидай қишлоқ Совети эшиги олдида пайдо бўлди-да, томдан тараша тушгандай савол берди:

— Олимжон ака, нега сизни фронтга олмайдилар?

— Мени тезроқ кузатишни истайсанми? Шундайми-а?—кулиб қаради Олимжон унга.

— Ҳа,—деди у ўзини тутолмай.

Ойқиз фақат Олимжон борсагина урушда катта бурилш бўлиб, немислар орқа-олдиларига қарамай тум-тарақай қочадилар, деб фараз қилар ва шунинг учун ҳам унинг тезроқ фронтга боришини истаганини айтмоқчи бўлар эди. Бироқ у ҳам ўз навбатида: «Нима учун шундай ўйлайсан?» деб сўраши ҳам мумкин эди, албатта. Унда Ойқиз, ўйламай-петмай: «Чунки сиз... шундай кучли!.. Шундай бахтли!..»—деб жавоб бериши мумкин эди. Бироқ бундай савол ҳам, жавоб ҳам берилмади, қиз ич-ида ўйланиб қолди.

Севинчи хабар ҳам етиб келди. Декабрь ойлари эди, ўқувчилар синфда алгебрадан масала ечиб ўтиришарди. Қўққисдан эшик очилиб, қўлида газета кўтарган ҳолда ҳовлиқиб Олимжон кириб келди.

— Ўртоқлар,—деди ҳаяжонини босолмай баланд овоз билан,—қувончи хабар олиб келдим. Мана!—У газетани баланд кўтариб силкиди,—мана, Совет Информбюросидан:

Совет қўшинларининг Москва остоналаридаги қарши ҳужуми декабрнинг охирига келиб, Қизил Армиянинг Ладога кўлидан то Азов денгизигача бўлган бутун фронт бўйлаб умумий ҳужумга айланди. Совет қўшинлари Ғарбий йўналишда немис-фашист галаларини тор-мор келтириб, Великие Луки, Велиж, Белев, Ржев, Гжатск, Вязьмага етиб қолдилар, Киров шаҳри ва Белевни озод қилдилар ҳамда Орёлга 50 километр яқинлашиб бордилар.

Москва йўналишидаги қарши ҳужумда 50 га яқин немис-фашист дивизиялари тор-мор келтирилди.

6 декабрдан 27 декабргача бўлган вақт ичида немис-фашистларнинг 120 мингдан зиёд солдат ва офицерлари қириб ташланди. Декабрь ойининг ўзидагина қўшинларимиз душмanning 3 миляга яқин тўпиши, бир милядан кўп минометини, 1300 дан кўп танкни, 18 миляга яқин автомашинасини ўлка олдилар.

— Ура-а!—Бутун синф ларзага келди. Ҳамма бор овози билан қичқирди. Шод-хуррамлик таптанаси бир неча минут давом этди.

Ҳамма қатори Ойқиз ҳам овозининг борича қичқирар, болалар дўппиларини шифтга отиб, чапак чалишарди. Кенг синфда фақат икки киши жим турарди. Бири Олимжон, иккинчиси сочлари оқариб кетган кекса ўқитувчи. Олимжон қувонч билан кулиб турар, ўқитувчи Сергей Николаевич эса кўзойнагини олиб, оппоқ рўмол-часи билан кўзларини артарди.

У ахборотни яна бир марта ўқиди.

Ниҳоят, Олимжон ҳаяжон ичида деди:

— Ўртоқлар! (Ахир, Олимжон бутун синф ўқувчиларига катталарга муомала қилгандай мурожаат қилипти-ку. Нима учун унга ёш боладек эътибор қилмайди?) Бутун Олтинсойга бир неча газета келди. Шунинг учун ҳам ҳар бир ўқувчи бу ахборотни кўчириб олиши ва ҳовлима-ҳовли юриб ҳаммага ўқиб бериши зарур, чунки бу қувончли хабар ҳар бир уйга, ҳар бир кишининг юрагига етиб борсин...

Уларни бир-бири билан учрашмади ёки гаплашмади, деб ҳам бўлмайди. Бу қизнинг чанг-тўзонлар сочиб айланаётган қуюн ичида қолганини фақат Олимжон сезмаган бўлиши мумкин. Қаёқдан ҳам сезсин? Қизнинг ўзи ҳам бу қуюнни сир тутиб, унга айтолмади. Айтиши ҳам мумкин эмас эди-да. Бу қуюннинг нималигини, қаёқдан келганини ўзи ҳам билмасди, қандай қилиб ҳам айтсин Олимжонга.

«Уруш даҳшатмикни?.. Уруш ҳам, йўқ, урушдан ҳам кучли нарса бор. Кучли?.. Нима экан у? Севги? Нима? Шундай эмасми? Бўлмаса нега Олимжонга кўзим тушганда юрагим ўйнаб кетади? Кўриш у ёқда турсин, ўйласам ҳам юрагим орзиқиб, ўйнаб кетади... Нима учун?..»

Ҳа, ҳаммаси равшан. Ҳозир Олимжон Алишер ўрнида оғаси. Ундан ёрдам сўраши, маслаҳат олиши мумкин. Аммо буларга қуюннинг нима алоқаси бор? Нима учун бу қуюн унга ором бермайди? Олимжон ҳам Алишер сингари ҳавас қилса арзийдиган йиғит. Демак, қиз ҳам унга ҳавас қилади, ишда ҳам, ирода, характерини тарбия қилишда ҳам Олимжондан ўрганади.

Шу тариқа Ойқиз ҳамиша тўрт атрофида шовиллаб

айланиб турган қуюн чангалидан озод бўлганини ҳам сезмай қолди.

Шундай қилиб, гирдобига тортган қуюн ғойиб бўлди-ю, шу қуюн ичида келган ширин-ширин ўйлар, ҳис-туйғулар дунёси қолди.

Ўйлаб-ўйлаб Ойқизнинг ўзи ҳам ҳайрон бўларди. Олтинсойдан минг-минг километр нарида, саҳролар ва денгизлар, ўрмонлар ва дарёларнинг париғи томонида кетаётган даҳшатли урушнинг нафаси шу ергача етиб келгани, совет кишиларининг жанг майдонида қон тўкаётганлари, фронтдан келаётган қайғули хабарлар — ҳаммаси қизнинг юрагини тимдалар, дарду дунёсини қоронғи қилиб юборарди. Энди-чи, энди унинг дилида қандайдир севинч яшар, яшарди-ю, ҳамиша булбул бўлиб куйлагиси келарди. Баъзида фронтдан келаётган нохуш хабарлар дилига ғам-алам солса ҳам, узоққа бормас, ўршини севинч-қувонч босиб кетарди. Унга ҳамроҳ бўлган сирли булбул доимо Ойқизни кузатиб юрар, ёнидан жилмас, қандай иш қилмасин, қандай жойга бормасин — ҳамма ерда булбулнинг ширин куйлари ҳамиша қулоғи остида жараңлаб турарди. Дарс тайёрлаш учун ўтирганда ҳам, ҳовлида ойисига қарашганда ҳам, самоварга олов ташлаб, сут келтириб ўчоққа ўт ёққанда ҳам, дастурхон ёзганда ҳам ўша булбулнинг оромбахш овози билан маст бўлиб юрарди. Айниқса, йигим-терим палласида, хирмонда молотилка олдида қош ва киприклари чангга боғиб ишлаётганида ҳам ана шу ширин куйдан кўзлари ўтдай чақнарди. Ойқиз тоққа чиққан кезларида, чўпонлар ёнига, Бобоқул амаки олдига бораётганида ён-теварагида бирор кишининг қораси кўринмаса барала қўшиқ айтишни севарди. У қўшиқ айтarkan, мусаффо тоғ осмониغا, ўт-ўланларга, дов-дахтларга завқ билан тикилиб, уларга қўлларини чўзар, гўё ҳаммасини бағрига босмоқчи, қалб тўла қувончини уларга улашмоқчи бўларди. Шу пайтда у айтаётган қўшиқ кимга аталган бўлса, ўша ерга етиб боргандай, олам-олам қувонч бахш этгандай бўларди

Бешинчи боб

Ғиш охирлаб, водийдаги қорлар аллақачон эриб кетган, ҳаммаёқдан эрта баҳор нафаси келиб турарди. Тоғ устидаги ва ёнбағирлардаги кўзги бугдойлар қуёш нурида зангори тусда товланарди.

Тоғ этакларида бодом гуллади.

Эшакка мишиб олган Ойқиз чўпонлар олдига бораркан, чамаандай гуллаган ва қуёш нурларида ажиб товланиб турган дарахтга кўзи тушиб яқинроқ борди. Чақир тошлар орасидан кўкариб чиққан ва пастдан қараганда осилиб турганга ўхшаб кўринган бу дарахтнинг барча новдалари шиғил-шиғил пуштиранг гул эди. Ойқизнинг жуда ҳаваси келди. Гулидан биттагина бўлса ҳам узиб олишдан ўзини тийиб туролмади. Эшагини тўхтатиб, қип-қизил чақир тошлар ичидан эмаклаб юқорига кўтарилди ва гулга тўла битта новдасини синдириб олмоқчи бўлди. Энди қўли новдага тегай деб турганида, оёғи харсангтош устидан сирпаниб кетиб, тиззасини тошга уриб олди. Жон аччиғида харсангга мушт туширишига сал қолди. Зирқираган тиззасини силар экан, ўз қилмишидан ўзининг кулгиси қистади. Бир оздан кейин оёғини қулайроқ қўйиб, қўлини чўзди. Пастроқдаги шиғил гуллаган новдани энди синдириб олаётганида сой ичидан кимнингдир овозини эшитди.

— Ҳой... Ойқиз!

У ялт этиб орқасига қаради-ю, Олимжонни кўриб, ўзини йўқотиб қўйди ва харсанг устидан сирганиб қапдай пастга тушиб кетганини билмай қолди. Шу дақиқадаёқ, от минган Олимжон унинг олдида пайдо бўлди. У сакраб ерга тушди-да, Ойқизнинг икки қўлидан ушлаб кўтарди:

— Майиб бўлганинг йўқми?— Қўрқиб кўзлари косасидан чиққудай бўлиб кетган Олимжон Ойқизга тикилди.

— Йўқ, Олимжон ака,— тиззаси оғриб турса ҳам, тетикланиб жавоб берди Ойқиз. Олимжон эса буниси сезиб турарди.

— Гул деб одам ўзини майиб қилиб қўйиши мумкин-ку,— деди қизга юраги ачиган Олимжон.

— Гулсиз яшаб бўладими, Олимжон ака...

— Ахир, бу бодом гули-ку.

Ойқизнинг юзлари қизариб кетди, уялганидан бошини қуйи солиб, индамай қолди.

Олимжондаги қўрқув ажиб бир ҳаяжонга айланган эди. Тилига гап келмас, бошини эгиб турган қизга тикилганча турарди.

— Ўзингиз мендан яхшироқ биласиз-ку,— дея қалин ва узун-узун киприкларини кўтариб, Олимжонга маънодор боқди Ойқиз.

— Йўғ-е, Ойқиз, унчалик эмас,—деди у ўзини соддаликка олиб,—билсам сендан сал кўпроқ биларман, аммо ҳамма нарсани билавермайман. Тўғри, лоладан бодомни ажрата олишга сал ақлим етади,—деди кулиб Олимжон оловдек ёниб турган Ойқизнинг кўзларидан кўз узолмай.—Нима қилай, яна бир-иккита новдасидан олиб берайми?

— Бўйингиз етмайди, қаранг, қанча баладда,—деди Ойқиз осилиб турган бодомга тикилиб.

— Бўйим етмасмикан-а?—Олимжон кулимсираб шундай деди-да, ирғиб отига минди, шохлари эгилиб турган бодомнинг тагидан бориб шиғил-шиғил гуллаган новдаларини бирин-кетин узиб, Ойқизга ташлайверди. Қувончи ичига сиғмаган, шошиб қолган Ойқиз новдаларни илиб олиб, дасталашга улгуролмасди.

— Ҳой, ҳой, Олимжон ака,—деди у қўнғироқдай овозини чўзиб,—бўлди, бўлди энди узманг, ҳосил қилади-ку.

— Бу бодомни ҳеч ким, ҳеч қачон териб олганини билмайман,—деди Олимжон отдан тушиб, харсангтош устига ўтираркан,—мана энди қўйнинг тўла гул, ҳар ҳолда, шу гулни эслаб, гул баҳона мени ҳам эслаб юрарсан.

— Эслаб юрарсан? Нима деганингиз бу?—деди табассум билан қиз.

— Ўзинг, қачон кетасиз, деб ҳоли-жонимга қўймас эдинг-ку, мана, гапингга кириб, кетадиган ҳам бўлиб қолдим,—деди у маънос ҳолда.

— Қаёққа?

— Фронтга.

— Фронтга?!

Ойқизнинг аъзойи бадани бўшашди, бармоқларида жон қолмагандек, икки қўлида ушлаб турган гуллари ерга тўкила бошлаганини ва ниҳоят, ер билан битта новда-бодом гули бўлиб, қўллари бўшаб қолганини ҳам сезмади. Анчагача нима дейишини билмай, Олимжонга тикилганча тошдай қотиб қолди.

— Ҳазил қиялпизми, Олимжон ака,—деди у ишонмай.

— Йўқ, Ойқиз, ҳазил эмас,—деди жавоб қилиб ва қизга кўк қоғозчани тутди.

— Повестка-ку,—деб юборди бирдан Ойқиз.

— Ҳа, эртага эрталаб, соат тўққизда буюмлар билан

боришим керак,—деди Олимжон унга тикилиб.—Мана, кўрдингми, менинг ҳам навбатим келди. Сен бўлсанг, навбатсиз боринг, деб қистардинг,—деди жўрттага ҳазилга айлангириб Олимжон.

Бироқ Ойқиз тошдай қотганича унга гап-сўзсиз тикилиб турарди.

— Хўш, энди хайрлашсак ҳам бўлади,— деди у ўрнидан туриб,—хайр, Ойқиз. Мен сени сира унутмайман. Доим эслайман, сен ажойиб қизсан.

— Хайр, Олимжон ака,—деди Ойқиз маъюслик билан шивирлагандек қилиб. Олимжон унинг қўлини бир нафас маҳкам қисиб турди-да, зўрга қўйиб юборди ва шиддат билан отига миниб, жўнаб кетди.

Шундан сўнг Ойқиз нима бўлганини, эшагига қандай минганини, чўпонлар олдига қандай борганини, Бобоқул амакиси билан қандай гаплашганини эслай олмасди. Фақат қишлоққа қайтишдагина бодом гули эсига тушиб, саросима ичида қўли қуруқ эканини пайқади.

Олгинчи боб

Орадан бир йил ўтиб, қоядан чиққан бодом яна гулга кирганида Ойқизнинг ҳафсаласи пир бўлиб, дилимдаги булбул сайраши батамом тўхтади, деб ўйлади. «Булбул учиб кетди, қайтиб келишни ҳам истамайман», деган қарорга келди у.

Бироқ қиз Олимжондан биринчи мактубни олгач, ғойиб бўлган булбул яна қайтиб келди-ю, аввалгидек, Ойқизнинг дилидан жой олди. Нима учундир Ойқиз: «Олимжон биринчи хатни менга ёзар», деб ўйлаган эди. Хато қилган экан. Олимжон биринчи хатни ойисига ёзди, отасига ёзди, ҳатто колхоз раиси Қодировга ҳам алоҳида хат ёзиб юборибди-ю, Ойқизни унутди.

Алишер билан Темурдан ҳам ҳар замон-бир замонда хат келарди. Акаларидан ҳар хат келиши ҳовлида тўйга айланарди. Хатлар дафтарнинг бир бетига қалам билан шошиб-пишиб ёзилган, иккинчи бети уч бурчак қилиб букланган ҳолда адрес учун қолдирилган бўларди.

Ойқиз хатни олиши билан район марказидаги почтанинг ўзида қувонч билан ўқирди-да, сўнгра уйга келиб отаси, ойиси, қўшнилари билан қайта-қайта ўқир, болалари эсига тушган айрим қўшнилари ўпкалари тўлган

ҳолда жимгина ўрниларидан туриб кетишар, бошқаларни аллавақтгача шу ерда қолиб, ҳамманинг юрагини тирнаган биргина масалани — уруш қачон тамом бўлишини муҳокама қилишарди.

Ойқиз ўз-ўзинча ўйланар, ҳар бир хат одамларнинг тақдири сизгари ўз тақдирига эга деган фикрни кўнглидан ўтказарди. Чунки баъзи хатлардан порох ҳиди, ўрмон ҳиди, ёмғир ҳиди, баъзи хатлардан эса касалхона, дори-дармонлар ҳиди ёки қотиб қолган қон, ҳатто маҳорка ҳиди анқиб турарди.

Хатлар... фронтдан жонажон қишлоқларига етиб келгунча неча-неча минг километрлаб йўл босар, олдинига окопларда, сўнгра фронт оловларида кезиб юрган почтальонлар сумкасида, ёмғир, пулемёт ўқлари ёғиб турганда, бомба ва снарядлар ёрилиб турган дамларда, қопчиқлар ичида, почта машинасида ўрмон ва даштларда, ниҳоят, тез-тез бомбардимонга учраб турадиган почта вагонларида, совуқ ва бўронлар ичида кезиб, сўнгра яна почта машинасида, почтальоннинг сумкасида қанчадан-қанча йўл босади!

Кеч куз кунларининг бирида, ёмғир ёғиб турган пайтда Ойқиз дугонаси Қумрихоннинг эшигини қоқди.

— Суюнчи бер, дарров суюнчини чўз!—деди Ойқиз қувонч тўла овоз билан. У икки қўлини орқасига қилиб, фронтдан келган хатни яшириб турарди.—Мана, хат!—деди ўзи ҳам сабр қилолмамай Ойқиз Қумрихонга юққагина кўк конвертни тутиб.—Бу хат аканг Эргашдан албатта,—деди у қўшимча қилиб.

Қумрихон акасида келган уч бурчак хатни ҳар қачон сабрсизлик билан очар, бир неча сатрини ўқиб чиқмаёқ қувонч билан ашула айтиб, ўйинга тушар ва сўнгра хатдан кўзини олмай ойисини, дадасини, укасини чақирарди.

Бу сафарги хат нима учундир бошқа хатларга асло ўхшамасди. Шунинг учун ҳам хатни дугонасининг қўлидан жимгина олди-ю, конвертни оҳисталик билан очди ва бир зумда кўкариб кетди-да, икки қўли билан сочини юлиб, ҳўнграб йиғлаб юборди. Шу тонда унинг кўзига Ойқиз ҳам, бошқалар ҳам кўринмасди, у икки қўли билан бошига уриб, у томондан-бу томонга чайқалиб, овзининг борича қичқириб йиғларди. Ойқиз ерга тушиб кетган қоракхатни кўтарди-ю, нима қилишни билмай, саросимага тушган ҳолда, ранги ўчиб, қотиб қолди. Қумрихонга ҳам нима дейишини билмасди.

Шу-шу Ойқиз хат ташишдан воз кечди. Ахир, у жонидан азиз дугонасига ўз қўли билан қорахат олиб келиб, унинг юрагини яралади. Шундан ёмони борми? Энди у Эргашнинг ҳалок бўлгани учун ўзини гуноҳкордек сезарди.

Энди Олтинсой почтасини Елена Никитична Горишева таширди. У давлат почта ходими сифатида уйма-уй хат-хабар, газета-журнал тарқатарди. Орадан оз ўтмай колхозчи Йўлдошевнинг оиласига ҳам, сўнгра Каримовга ҳам қорахат келди.

Ойқиз қанчадан-қанча қувонч ва қайғуларни бошидан кечирган, ҳамқишлоқларига ҳамдард бўлиб юрган кезларда — унутиб бўлмайдиган ажойиб бир кунда Умурзоқ ота оиласига ҳам...

Яна баҳор келди. Олимжон фронтга жўнаган вақтдагидек яна бодом гуллади. Ойқиз тоққа чиқиб, мактаб участкасида ўсган бугдойларни кўздан кечириб, қайтиб колхоз боғи ичидаги равон йўлга чиққанда, нариги томондан келаётган Горишевага кўзи тушди.

Қизнинг юраги уриб кетди ва қадамини секинлаштирди. Бироқ Елена Никитична чехраси очиқ ҳолда қўли билан имлаб қизни чақирди ва катта сумкасида оппоқ, уч бурчак хатни чиқариб, олдинига орқасига яширди, сўнгра баланд кўтариб, боши устида айлантириб кулиб тураверди. Қувончи ичига сиigmaган Ойқиз чопиб борди.

— Йўқ, йўқ, қизим, суюнчи берасан,—деди почтальон кули аралаш.

— Қўлимда ҳеч нарса йўқ-ку. Юринг, уйимизга, суюнчи бераман.

— Йўқ, қизим. Ишим кўп. Қара, сумкам тўла хат, ҳеч қандай суюнчи керак эмас, шунчаки ҳазил қилдим сенга. Аммо, ҳар ҳолда, ўйнаб беришинг шарт.

Ойқиз бу хат акалари — Алишер ёки Темурдан келганлигига шубҳа қилмас, хатни тезроқ олиш учун ҳамма нарсага тайёр эди. Шунинг учун Горишева атрофида айланиб, ўйинга туша кетди.

— Бўлди, бўлди, қизим,—деди Елена Никитична юмшоқлик билан,—ма, ол, бу сен учун оддий хат эмас, азиз ва муқаддас хат!

Бу уч бурчак хат ҳам фронтдан эди. Ойқиз унинг устидаги ёзувга тикилиб туриб, хатни ёзган кишининг фамилиясига диққат билан боқди-ю, кўзи тиниб ер ҳам,

дарахтлар ҳам, Елена Никитична ҳам туман ичида ер билан бирга айланаётгандай туюлди.

Бу бир дақиқа давом этди, холос. Ойқиз ўзига келганда Елена Никитична анча нарига кетиб қолган эди.

«Олимжон акам»,—деди у беихтиёр ва хатни кўрагига босди. Гарчи, бу муқаддас мактубни ҳозирнинг ўзидаёқ очгиси келса ҳам, соғинч ва қувонч билан ўқиб хумордан чиқишга интилса ҳам, катта йўлда бунга жазм қилолмади, хилват жой қидирди.

Ойқиз хаёлида хилват жой қидирар экан, гуллаб турган бодом эсига тушиб кетди. Аммо у тоғда, қоялар ичида, хатни эса ҳозир ўқиши, кўнглини тинчйтиши зарур. У бир зумда боғнинг ичига кириб кетди ва олма дарахтининг тагига ўтириб, хатни очди:

«Салом, Ойқиз! Олимжон деган ҳамқишлоғинг эсингда борми? Ёки унутиб юбордингми? Мен ҳозир Олтинсойдан жуда узоқдаман. Бироқ қанча узоқда бўлмай, сокин ва гўзал Олтинсой ҳамиша кўз олдимда. Баъзан оламда шундай Олтин қишлоқ борлигига ишонмайсан киши. Олтинсой, қояларда гуллаб турадиган бодомлар сира-сира кўз олдимдан кетмайди, ҳатто тушимга ҳам киради. Уртамизда неча-неча минг километр масофа—қалин-қалин қорлар, оппоқ-оппоқ даштлар, кенг дарёлар, поёнсиз ўрмонлар... Шу қадар узоқда бўлганим учун ҳам мени Олтин қишлоғим — Олтинсой ҳам унутгандир. Сен-чи, Ойқиз, эҳтимол сен ҳам унутгандирсан?

Мен бўлсам бомбалар ёрилиб, тўплар отилиб, пулемётлар тўхтовсиз сайраб турганда, одамлар ўтда ёниб оҳ-воҳ қилиб азоб чекканда, бутун фронт дўзах тусига кирганда дунёда Олтинсой сингари сеvimли, сокин қишлоқ борлигига ва шу қишлоқда шўх, чиройли қиз ҳаёт кечираётганига, қоядаги бодом пуштиранг гуллаганига ишонгим келмайди. Айни бодом гуллайдиган вақт. Бодом гулладими ёки йўқми? Менга ёзиб юборишингни сўрайман, Ойқиз. Шу билан бирга қандай қарорга келдинг, институтга кириб ўқийсанми ёки колхозга кириб ишлайсанми — шуни ҳам ёзиб юборгин. Эсимда бор, бу йил сен ўнинчи синфни тамом қиласан. Агар мендан қишлоқ Советининг собиқ секретари, колхоз комсомол комитетининг собиқ секретари сифатида маслаҳат сўрайдиган бўлсанг, мен яна институтга кириб сиртдан ўқишингни ва агроном бўлишингни маслаҳат бераман...» Сўнгра Олимжон бар-

ча ҳамқишлоқларига салом йўллаб, хатнинг охирини «хайр» деб тамом қилган эди.

Ойқиз хатнинг орқа-ўнгини бир неча бор кўздан кечириб, бирорта бошқа сўз тополмади. Бу уни оз бўлса-да кўнглини совутди ва хафа қилди. Шундай бўлса ҳам, хатнинг келиши унга севинч-қувонч бағишлади ва шунинг учун ҳам жавоб ёзишга ошиқди. Бироқ кундуз кунни бундай жавоб ёзиш қиз учун ўнғайсиздек туюлди. Шу туфайли оқшом чўкишини кутди ва кечки овқатдан сўнг, дастурхон йиғилгач, чироқни ёқди-да, дераза олдига ўтириб жавоб хати ёза бошлади.

Унинг юраги турли-туман ҳис-туйғулар, фикрлар билан тўлиб-тошиб тўлқинланади ва бу кечинмалар қоғоз бетига тушаркан, гоҳ қулоқларигача қизариб кетар, гоҳ яна совиб қоларди. У совқотганини сезиб, ўрнидан турди-да, қора бахмалдан тикилган нимчасини елкасига солди.

Кўзлари толиб, эндигина уйқуга кетган Ойқиз ярим кечада қичқирган хўрознинг бўғиқ овозидан уйғониб кетди. Товуқ ва хўрозлар қишда ҳам ҳовлидаги ўрик дарахтида тунарди. Даканг хўрознинг бўғиқ овози қишлоқдаги хўрозларни уйғотиб юборди, бир зумдаёқ ҳамма томондан хўрозларнинг овози кела бошлади. Улар гоҳ бир-бирига қўшилиб, гоҳ айрим-айрим қичқирарди. Хўрозлар-ку, майли-я, «сенлардан қолсак ҳайвон эмасмиз», деб аҳд қилгандек, эшаклар ишни бошлаб юборишди. Улар ҳам биттаси бошлаб бериши биланоқ ҳаммасининг жаза-васи тутиб, хўрозлар билан мусобақа қилгандай атроф-теварақда олдинма-кетин ҳанграй бошлади, ёқимсиз овоздан қулоқлар қоматга келди.

Оз ўтмай бутун қишлоққа жимлик чўкди. Бу жимлик қандайдир майин ва мулойим, сеҳрли ва гўзал эдики, ҳовлининг бир бурчагида, кўчада қад кўтарган теракларнинг қуртаклари шивирлаб ёрилганигача эшитилиб тургандай эди.

Ойқиз камзулчасини елкасига ташлаган ҳолда оҳиста юриб ҳовлига чиқди, мусаффо ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олди. Қимирламай атроф-тевараққа қулоқ солди. Мана, баланд-баланд дарахтлар, шохларида битта-яримта қуриб қолган ўтган йилги япроқлар новдадан новдага урилиб, шитир-шитир қилар, баъзилари чирт узилиб ерга тушарди. Мана, айвондаги эшак пишқириб, деворга суркапмоқда, мана, узоқлардан итларнинг эринчоқлик билан вовиллаган овози эшитилмоқда.

Ойқиз хонасига қайтиб кирди ва ёзган хатини қайта-қайта ўқиб, кўнгли тўлмади, ўздан-ўзи нолий бошлади. У оппоқ дафтарнинг варағини суғуриб олди-да, яна ўй-хаёлга чўмди: «Нима деб ёзганим яхши. Мана, Олтинсойда тун ҳам оғиб кетди, атрофда жимлик, разм солинса ҳамма нарсани илғаб олса бўлади. Хаттоки баҳорнинг кириб келаётганини сезса бўлади. Мана, куртаклар аста-секин ёрилиб япроқ чиқаришдан дарак бермоқда. Қоядаги бодом-чи? У шиғил-шиғил гулга кирган. Балки шу тўғрида ёзиш зарурдир!» Ҳа, фронтдан хат кутиб тоқати тоқ бўлгани ҳақида, Елена Никитична хат кўрсатганда қандай ўйнагани тўғрисида, шу муқаддас хатни кўкрагига босиб тоғ томон, қоялар орасидан ёриб чиққан бодом дарахти томон югурмоқ истагани тўғрисида ёзиш зарурдир!

Чироқнинг мойи тугади шекилли, ўча бошлади. Ойқиз даҳлиздаги идишни келтириб чироққа керосин қуймоқчи бўлди. Қизиб турган лампа шишасини олмоқчи бўлган эди, қўли куйиб, шишани ерга ташлаб юборганини билмай қолди.

Ойиси уйғониб кетди, шишанинг синганини кўриб юраги ачиди.

— Уруш вақти бўлса, шиша топиш амримаҳол, топилганда ҳам нархи баланд. Эпди пима қиламиз?—дея койиди қизини.

Ойқиз ойисига лом-мим демай, ерда синиб ётган шиша парчаларини тераверди. Ойиси ҳақ эди. Шиша топишнинг қийинлиги, сотиб олишнинг ундан ҳам қийинлигини Ойқиз биларди. Қаердандир, қорачироқ топиб келиб, стол ёнига ўтирди, жавоб хати ёзишда давом қилди.

Уфқ ёришиб, февраль тонгининг ёруғлари деразадан мўралаганда Ойқиз стол ёнидан турди. Ёзилган хат ҳавойи гаплардан узоқ бўлиб, самимий ва камтаргина эди. Олдинига у колхоз ишлари тўғрисида, ўтган йили бугдоддан мўл ҳосил етиштирилгани, фермалардаги қўйлардан кўндан-кўп бола олингани, узумзор ташкил этилгани, товуқ фермасига бино қурилгани тўғрисида ҳикоя қилди.

Ҳа, Олимжон ака ҳақ. Бу йил у ўрта мактабни тамом қилади ва албатта, институтда ўқишни ҳавас қилади. Бироқ Ойқиз ҳамон ўй-хаёл билан банд. Нима қилиш керак: Тошкентга жўнаш лозимми ёки сиртдан ўқиш маъқулми? Балки ўқишни қўйиб, колхозда ишламоқ зарурдир. Ҳозир уруш вақти, ўзи ҳақида ёки илм

олиш ҳақида ўйлаш вақtimi?.. Ҳозир энг муҳими — галабани яқинлаштириш, бутун куч-қувватни фронтга ёрдам учун сафарбар қилиш. Демак, меҳнат, меҳнат қилиш зарур. Ҳамма унга иш билан ўқишни бир-бирига боғлаб олиб бориш мушкул эканлиги тўғрисида гапирди. Бироқ фронтда осонми? Олимжонга осонми? Шунинг учун ҳам Ойқиз мактубининг охирида ундан маслаҳат беришини ўтиниб сўради: «Олимжон ака, сиз қандай маслаҳат берсангиз, шундай қиламан. Хайр».

Еттинчи боб

Бизга таниш ўша сўқмоқ йўл. Ойқиз бу ёлғизоёқ сўқмоқлардан озмунча юрганми, гоҳ пиёда, кўпинча оёқ яланг, гоҳ ўша эшагини миниб чиқарди бу томонларга. Эшак ҳам дунёда топилмайдиган яккаю-ягона эди-да! Узун қулоғининг учида бир тутам бўлиб ўсган кулранг жуни бор эди. Эринчоқ ва фаҳм-фаросатсизлиги оламга сирмасди, дунёга ўт тушиб кетса ҳам пинагини бузмас, бундан бошқа хира эшак сира топилмаса керак. Ойқизнинг ўзи ҳам эшагининг феъли ҳақида ўйлаб, ингичка ва нимжон оёқлари бунчалик танбаллик ва хираликни қандай кўтариб юганига ҳайрон қоларди. Шу билан бирга кўшдан-кўп юк билан сўқмоқ йўлдан тоғ устига ўрмалаб чиқишини кўриб, раҳми келарди. Бироқ шундай пайтлар ҳам бўлардики, эшак сўқмоқдан ўрмалаб юқори чиқар экан, ўрта йўлда тўхтаб қоларди-да, қулоқларини диққайтириб у ён-бу ёнга аланглар, худди бир нарсани тинглагандай жимгина турарди-да, сўнгра овози борича ҳанграб эди. Шундай пайтда уни жойидан қўзғатадиган куч тошилмасди. Ойқиз унинг сағрини сслаб, эркалаб орқасидан шунча итарса ҳам, жойидан жилмай ҳанграйверарди. Мана ҳозир ҳам ўз билганини қилиб, қизнинг хунобини ошириб юборди. Диққат бўлган Ойқиз тескари бурилиб, сўқмоққа тикилиб қолди. Ойқизга жуда таниш ва қадрдон бўлган шу сўқмоқдан ундан кўра кўпроқ юрган кимса топилмас. Ойқиз бу йўл ҳақида ўйлаганда ҳаммавақт миясига шундай фикр келарди. Сўқмоқнинг ўзигина эмас, унинг атрофларидаги ҳар бир тош, ҳар бир гиёҳ, ҳар бир дўлана дарахти ва янтоқ унга таниш бўлиб қолган эди.

Ойқиз шу сўқмоқдан қанчадан-қанча йўл босганини ўйлаб, агар ҳисоб қилгундай бўлса неча-неча километр бўлишини тасаввур қилиб, мийғида кулиб қўйди.

Ҳа, айтгандай, Олимжонга жавоб хати ёзиб юборганига қанча вақт бўлди? Бугун кечаси шуни ўйлаб, бармоқлари билан ҳисоблаган эди, йигирма икки кун бўпти. «Йигирма икки кун-а? Тўғри ҳисобладимми? Адашмадимми?» Ўз ҳисобига ўзи ишонмай, яна санамоқчи бўлди. Эгар устида ўтирганча, эшакнинг арқонини бўйнига ташлаб, икки қўлининг бармоқларини очиб-юмиб қайта-қайта ҳисоблаб чиқди. Йўқ, адашмабди, ўшанда буён йигирма икки кун ўтибди. «Ўша вақтда февраль эди, ўша азиз ва муқаддас бодомимиз шиғил-шиғил гулга кирган пайт эди. Бодомимиз?.. Бу нимаси?» У ширин хаёл ичида кафтини юзига қўйди ва юзидан аланга чиқиб турганини сезд.

Ойқиз ўзидан-ўзи уялгандай бўлди ва эшагини ниқтади.

— Қани, қадамингни тезлатсанг-чи. Хуржунда иссиқ нон, яхна гўшт, маккайн толқони бўлса-ю, сен имиллаб юрсанг-а. Ёки бугун етиб боришингни унутдингми, ҳайвон.

Кутилмаганда унинг буғдойранг қўлига бир томчи келиб тушди.

— Эҳе, ёмғир-ку,— деди Ойқиз. Аммо у бу сўзни ўзига айтдимми, эшагига айтдимми, ўзи ҳам пайқамай қолди. У осмонга назар ташлади, юзига қандайдир соя тушди. Ойқиз қошларини чимириб, пешонасини тириштирди.

Кўктоғ ҳам қулранг булутлар билан қопланган эди. Ана шу булутлар аста-секин ёнбағир бўйлаб, харсангтошлар ва юлғунларга тирмашиб пастга тушарди. Энди атрофдаги тоғлар ҳам, тепаликлар ҳам қуюқ булутлар оқимига кўмилиб кетган эди.

Қалин булутлар ичида қўйлар ҳам кўринмасди. Аммо қўйлар сойнинг икки томонида экаплигини Ойқиз яхши билар ва уларнинг маърашига диққат билан қулоқ соларди.

Ёмғир тез-тез тома бошлади ва томчилари қизнинг бошига, елкасига, қўлларига тушаверди. Оз ўтмай жала Ойқизнинг бошига челақлаб қуйгандай бўлди. Ойқиз эшагини қанча ниқтаса ҳамки, у пинагини бузмай қадам ташларди.

Жала тобора зўрайди. Сўқмоқ йўлдан лойқа сувлар оқди. Ёнбағирда илиниб турган майда тошлар жаланинг кучи билан шалдираб пастга қулади. Ойқиз ёмғирда

пвиди, юпқа кўк кўйлаги баданига ёпишиб, юзидан, елкалари ва тиззаларидан сув оқиб тушаверди.

Эшак нима учундир таққа тўхтади. Ойқиз жаҳл билан унга бақирди, ёмғирдан эмас, балки эшагидан асабийланиб кўзларига ёш олди. У эшакнинг арқонини силтаб, ҳўл новда билан сагринига урарди. Ивиган новда эшак баданига ботиб, из қолдирар, у бутун аламнини эшакдан оларди.

Ойқиз жуда совқотди, тиши тишига тегмай қалтирай бошлади. Эшак хиралик қилиб тўхтаса ҳам, у ҳамон олға ниқтарди. Шундай қилиб, азоб-уқубатда бир тепадан иккинчисига ўтди. Бироқ чўпонларнинг ҳам, кўйларнинг ҳам қораси кўринмасди.

— Боб-бо!.. Бобоқул бобо!— чақирди у аъзойи бадани титраган ҳолда чийиллаб. Тобора зўрайган ёмғир унинг нозик овозини ўчириб қўйгандек туюларди.

Ойқиз овози борича яна қичқирди. Ҳеч қандай жавоб бўлмагач, яна бир тепаликдан ўтди. У қаттиқ совқотганидан дағ-дағ титрар, рангида қон қолмаган эди. Кутилмаганда нариги тепа устида Бобоқул амакининг ташш гавдаси кўринди. У қўли билан у ён-бу ёнига уриб қўйди-да, бир зум ўтмай кўздан ғойиб бўлди.

«Йўқ, у эмас, кўзимга шундай кўринди шекилли», ўйлади Ойқиз парвосизгина. Бироқ сал ўтмаёқ Ойқизнинг кўзлари катта очилиб кетди. Бобоқул амаки сой ичидан Ойқиз томон чошиб келарди.

Кеч кириб, ғира-шира қоронғилик чўкканда у Ойқизни чакмонига ўраб, қишлоққа олиб келди ва Умурзоқ отага буйруқ тарзида деди:

— Дарҳол доктор чақиринг, вақт ўтмасин, ҳа. Қизимиз касал... Ойқизимиз...

Саккизинчи боб

— Кўзларингн оч... Менга қара, болагинам... даданга қара...— Шивирлар эди Холбиби қизининг тепасида парвона бўлиб. У бошидаги оч сариқ рўмоли билан кўз ёшларини тез-тез артиб қўярди. Умурзоқ ота унинг ёнида пешоналарини тириштирган ҳолда бақрайиб турарди.

— Қизгинам...— деди Холбиби рўмолининг учини ушлаб. У бақириб йиғлагиси келарди-ю, бироқ рўмоли билан оғзини зўрға тўсиб, ўзини тўхтатарди.

Кўзларини юмган Ойқиз аста-аста нафас оларди. Унинг қовоқлари бўртган, қоп-қора киприклари чирмашиб ётарди. Ярим очиқ оғзидан садафдай тишлари ярқираб кўринар, юзлари иситма алангасидан қип-қизариб кетган эди.

Мана, орадан икки ҳафта ўтди. Икки ҳафтадирки Ойқиз кўзини очгани йўқ. Врач: «Ўпкаси яллиғланган, тезда олди олинмаса...» деди-ю, нарёғини айтилмади.

Ёши анчага бориб қолган, бошига ўраган оппоқ рўмоли остидан битта-яримта оқ сочи чиқиб турган паст бўйли, камгап ўзбек аёли охирги икки сўзни атайин тилга олмади, Умурзоқ отанинг ҳам, Холбибининг ҳам юракларини увуштиришни истамасди, аксинча, уларни юпатиб, ёш организм бундай касални тез орада енгади, тузалиб кетади, деб ишонтирарди. Бироқ мудҳиш фикрлар юракни тирнаб турар, бир дақиқа ҳам тиним бермас, уйда ҳам, ҳовлига чиққанларида ҳам кўз олдиларида совуқ ва мудҳиш ваҳима пайдо бўлиб, қоп-қора қанотлари билан чол-камширни қиз ётган хонага яна ҳайдаб киритарди. Ойқизнинг дугоналари унинг хаёлига келармиди-йўқми, буни биллиб бўлмасди. Аммо улар деярли ҳар куни келиб, оёқ учида хонага киришарди, стулга ёки Ойқиз ётган каравот чеккасига бир зумгина ўтиришар ва сўнгра ғамгин ҳолда уйдан чиқиб кетишарди.

Холбиби бўлса икки ҳафтадан бери мижжа қоқмай, қизи бошида ўтириб чиқди. Унинг кўзлари қизариб, киртайиб қолди. Баъзи-баъзида Умурзоқ ота Холбибининг елкасига қўлини қўйиб, сукунат ичида бошқа хонага олиб чиқар ва мулоимлик билан насихат қиларди:

— Ёт, ухла. Бунча қуйиш ярамайди. Дарҳақиқат... Мен ўзим бошида ўтириб турарман.

Аммо Холбиби кар ва гунг кишидай эрига бир-икки қараб қўярди-да, яна ўз хаёли — қизи тўғрисида бошига кириб чиқаётган қўрқинчли фикрлар денгизига ғарқ бўларди. Ваҳима унинг дилига уя қўйгандай, қанча курашса ҳам барибир, ғам-алам, ваҳима ва қўрқинчдан қутула олмасди. Шунда ўпкаси тўлиб, йиғлагиси келарди-да, ўзини зўрға босиб олиб, Умурзоқ отанинг кўкрагига бошини иилқ этиб ташлар, шивирлаб илтижо қиларди:

— Қизимнинг олдидан ҳайдаманг, қўрқаман...

Умурзоқ ота меҳнатда қаварган катта қўллари билан Холбибининг елкаларини силаб, сўради:

— Нимадан қўрқасан?.. Нимадан?..

— Қўрқаман... ухлаб қолсам, қизим...

У ич-ичида йиғлади, елкалари титради. Шунда чолнинг ҳам хўрлиги келиб, йиглаб юборгудай бўлар, кўз ёшлари томоғига тикилиб, бирор сўз айтишдан ожиз қоларди. Бироқ, шундай бўлса ҳам, ўзини босишга уринар, йўталиб-йўталиб, бўғиқ овоз билан насихат қиларди:

— Бўлди, бундай бўлмагур фикрларни бошингдан чиқариб ташла.

Умурзоқ отанинг ҳам кўз ёшлари томоғига тикилиб турганидан овози ўзиникига ўхшамас даражада қўпол ва йўгон эди.

— Ухла, ухла дедим-ку, олдида ўзим ўтираман.

Холбиби ўжарлик қилиб, Ойқиз олдидан бир дақиқа ҳам қўзғалмас эди. У каравот олдида ёзилган кўрпачага ўтириб, бошини қизининг ёстиғига суяган ҳолда оз-моз мизғиб оларди.

Кўнларнинг бирида, кеч кирган пайт Умурзоқ ота эшикни шиддат билан очди-ю, остона олдида туриб, хотинини чақирди:

— Холбиби!

У жавоб бермай, ўтирган еридан қадини салгина кўтарган бўлди.

— Холбиби!—Умурзоқ ота такрор чақирди, овозини салгина чўзиб ва тўнини ҳам ечмай Ойқиз ётган хонага қадам ташлади. Бироқ сукунат ичида хонадан чиқиб келаётган Холбиби уни тўхтатди.

— Нега бақирасиз?—деди у чолга шивирлаб.

— Дарҳақиқат, эшитгин деб аста чақирдим-ку. Мана, қувонавер... Суюнчи бер, Алишерингдан хат келди.

— Ўғилгинамдан? Алишеримдан-а?

Холбибига уй Умурзоқ ота билан бирга айланаётгандай бўлди.

— Мана бунисини Олимжондан дейишди,—Умурзоқ ота уч бурчак хатни Холбибига тутди.

— Олимжондан! Қайсиниси Алишердан?..

— Мана буниси, каттароғи.

— Шунисими?

— Ҳа.

— Мунча кичкина? Олимжонниқидан каттароқ деб ўйловдим. Қаранг-а, мунчаям кичкина хат ёзмаса...

— Йўқ, хотин, Алишер ёзган хат катта,—деди Умурзоқ ота Холбибини юпатиб.

Икковлари ҳам хатни кўзларига суртгудек ардоқлардилар. Холбиби хатнинг бирини кўзига суркади ҳам, сўнгра лабини тегизиб ўпди ҳам. Кейин кўкрагига босди.

— Ўғилгинамдан... Алишеримдан...— деди қувонч билан ва оз ўтмай шубҳа қилгандай эрига қаради.

— Ўғлингдан, ўғлингдан, қўлингдаги хат Алишердан. Мана, мендагиси Олимжондан.

— Энди бу хатларни бизга ким ўқиб беради?

— Ойижон! Нима гап? Хат келдими?

Юз берган воқеадан чолу кампир саросимага тушиб қолдилар. Бир зумда юзларида ҳам севинч, ҳам қўрқинч, ҳам саросималик пайдо бўлди. Орқада, эшик олдида Ойқиз оёқ яланг турарди. У анча озиб қолган, орқаси тўла соч эди.

— Қизгинам... ўзинг турдингми? Нега турдинг, болам?— деди Холбиби ҳаяжон-ла. У ҳам қўрқарди, ҳам севинарди,— юр, қизим, юр! Ҳали туришингга бор, қизим, — Холбиби қизни худди ёш боладек алдаб яна жойига авайлаб ётқизди.

Умурзоқ ота ҳам севинчи пичига сиғмай довдираб, катта ва қўпол этикларининг учида юриб, Холбибининг орқасидан эргашди.

Итоаткорлик билан жойига ётган Ойқиз ойсига қўлини узатди:

— Хатларни беринг, ойи, ўқиб кўрай-чи.

— Ўқи, қизим, ўқи. Ма, Алишердан, буниси бўлса...

— Ўзим ўқийман, ойижон...

— Майли, ўқийвер.

Ойқиз акасидан келган хатни тўхтамасдан ўқиб чиқди. Чол билан кампир нафасларини ичига ютиб диққат билан тингладилар. Умурзоқ ота оёқлари увушиб қолган бўлса ҳам, энгашиб ўтирганича соқолини силарди. Холбиби бўлса бир қўли билан каравотга суяниб, бир қўлида рўмоли билан оғзини беркитиб, ҳар бир сўзни қунт билан тингларди. Хат ўқиб чиқилгандан сўнг Холбиби уйқудан турган қушдай сесканиб тушди, тагидаги стулини шошиб Умурзоқ отанинг олдига қўйди-да, ўзи кўрпачага ўтириб, қизига қаради:

— Қайтариб ўқи, қизим. Секин-секин, дона-дона қилиб ўқи-чи. Баъзи жойига тушунолмай қолдим.

Ойқиз энди ҳар бир жумлани тўхтаб-тўхтаб ўқиди. Алишернинг хати дадиллик, руҳий кўтаринкилик билан ёзилган эди. У ҳаммага бирма-бир салом айтгач, «тил»

тониб келиш учун уч марта разведкага боргани тўғрисида ёзган эди. «Биринчи марта муваффақиятсизликка учрадик, анча йигитларимиздан ажралиб, қуппа-қуруқ қайтиб келдик...»

— Йигитларимиздан ажралиб?..— Холбиби Ойқизни тўхтатди, — ажралдик дегани нимаси? Ўқ ептимми-а?..

— Одамлардан ажралган, — деди Умурзоқ ота унга жиддийлик билан. — Фашистлар совет разведкачиларини ўлдирган.

— Ўлдирган?

— Ҳа, ўлдирган. Охирини ўқи, қизим.

— Шошма, болам, Алишеримиз-чи, соғ-омонми ахир?

— Дарҳақиқат, хат ёзиптими — соғ-омон-да. Эшит, хотин, сабр қилиб охирини эшит.

Алишер иккинчи марта разведкага бориб, «тил» тутганлиги ва унинг устига брезент плашпалаткани ёлганда овозининг борича бўқирганлиги, натижада отишма бошланиб, шоши қолганидан оғзига рўмолча тикишни ҳам унутганлиги ва бир илож қилиб уни ўқ ёмғиридан олиб чиқиб, окопларимизга судраб келганлиги, унинг орқасидан осколка тегиб, ўлиб қолганлиги тўғрисида ҳикоя қиларди.

Холбиби олдин «тил»нинг нималигини сўради. Сўнгра, нима учун ўша «тил»ни олдига солиб ҳайдамай, судраб келганлигини сўради. Умуман, Алишер ёзган хатнинг кўп жойлари Холбиби учун қоронғу, тушушиб бўлмайдиган туюлди. Шундай бўлса-да, ўғлининг ботир эканлигини тушунди ва фахрланди.

Учинчи марта разведкага борганда, Алишернинг иши ўнгидан келади. У немис офицерини қўлга туширади. Албатта, бу осонликча бўлгани йўқ. Улар олдинига типпа-тик юрдилар, сўнгра оппоқ халат кийиб икки юз метр чамаси қалин қорда ўрмаладилар, мина даласидан ҳам, симдан тўқилган тўсиқлардан ҳам тинч ўтиб олдилар. Тун бўйи мижжа қоқмай ҳаракат қилиб, саҳар пайтида қўққисдан фашист блиндажига бостириб кирдилар: қийчув, тўполон бошланди. Ўқ-граната отилиб турган пайтда Алишер немис офицерини қўлга тушириб, эпчиллик билан нарига олиб чиқди. Бу разведкадан ҳамма йигитлар соғ-омон қайтдилар ва улардан уч киши — шу жумладан, Алишер ҳам давлат мукофотига тақдим этилди.

— Тавба, — деди Холбиби бошини чайқаб, ёқасини ушларкан, — ҳамма томонда отишма, тўполон, у бўлса немис босмачисини бўғиб, ўзи билан олиб келипти, тавба!..

— Бунисини эшит, хотин,— деди Умурзоқ ота уни тўхтатиб,— Алишеримиз ҳукумат мукофотига тақдим этилипти.

— Тавба! Мукофотга-я!..— Холбиби ҳайратланиб бош чайқарди.

— Ҳақ сўз шуки, Алишер — қаҳрамон,— деди Умурзоқ ота оғзини тўлдириб гурур билан.

Шу бир неча дақиқада чол бутунлай ўзгариб кетди. Унинг бўйи баландроқ, елкалари кенгроқ, кўзлари равшанроқ бўлиб қолди. Холбибининг қалби тўла севинч-қувонч юзларига қалқиди. У чолга мамнуният билан ўгирилиб, кулимсиради ва ичида: «Ахир, отаси бургутдай бўлса, ўғиллари ҳам шундай бўлади-да», деб қўйди.

— Шундай вақтда қанниди олдиларида бўлсам...— деб қўйди Холбиби астагина.

— Хўш, нима қилардинг?— сўради Умурзоқ ота.

— Ўзим ҳам билмайман,— бир дақиқа ўйлаб туриб, яна такрор қилди,— ўзим ҳам билмайман...

У бирданига бошини кўтариб Умурзоқ отага тикилди. Унинг юрагида шундай жасорат пайдо бўлдики, кўзлари ёшларникидай чақнаб кетди.

— Уша босмачини ушлаб келишга ўзим борардим... Ўзим судраб келардим...

Умурзоқ ота билан Ойқиз қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборишди. Айниқса, чол ичаклари узилгудай куларди, қўли билан кўз ёшларни артиб, мўйловини силаб кўярди. Оёгини узатиб ўтирган Ойқиз кучсиз ва заиф овози билан қиқирлаб куларди. Баъзида овози қўнғирокдай жаранглаб кетарди.

Ойқиз кулгидан тўхтаб, тиззаси устида турган яна бир уч бурчак хатни силаб-сийпалаб кўярди. Хат устидаги адрес қалам билан ёзилган бўлиб, сувми ёки ёмғир текканиданми кўп сўзлари ўчиб кетган эди. Ойқиз қадрдон мактубга умидвор кўзларини тиккан ҳолда очайми-очмайми дея қийналиб ўтирарди.

— Хатнинг бошқаси-чи? Нимага ўқимаяпсан уни, қизим?— сўради Умурзоқ ота.

Ойқиз ялт этиб дадасига қаради-ю, бир зумда қизариб, узун-узун ва қалин киприкларини қуйи солди. У уялиб, эшитилар-эшитилмас жавоб берди:

— Бу хат... кейинроқ ўқисам майлими?

— Ҳа, майли, боши айланиб кетди қизимнинг,— деди Холбиби безовта бўлиб,— ёт, қизим, ёнбошла.

— Йўқ, йўқ, бошим айлангани йўқ, яхшиман,— деди Ойқиз шошиб-пишиб,— фақат, бу хатш... Кейинроқ ўқирман... Майлими, а?

Чол-камшир тушунолмай, жим турардилар.

Сўнгра чол қўлини оёзига қўйиб йўталди ва мўйло-вини силаб, хотишининг елкасига туртиб қўйди:

— Юр, чиқайлик,— деди у мулойимлик билан,— дар-ҳақиқат, чарчаган. Дам олсин.

Тўғқизинчи боб

Мана, ёмғир ёғиб турганига икки кечаю-икки кундуз бўлди. Икки кечаю-икки кундуздирки, батальон немислар эгаллаб турган Глуховка қишлоғини озод қилиш учун жанг қилмоқда. Қандай бўлса ҳам, фашистларни қишлоқдан суриб чиқариш зарур эди: буйруқ шундай. Батальон атакага ташланар, бироқ шу заҳотиёқ қишлоқ олдидаги ўрмон оралиғига яширинган икки немис дзоти тўхтовсиз ўт очиб, ҳамма йўлни беркитиб қўярди. Батальон яна ёмғирда ивиб лойқа сув билан тўлган окоп ва траншеяларига қайтишга мажбур бўларди.

Ёмғир ва совуқ жондан ўтавергач, ер юзининг бирор ерида қуруқ, иссиқ ва тепадан қуёш нур сочиб турган жойнинг борлигига ҳам ишонмай қоласан киши.

«Наҳотки, ер юзида Олтинсой сивгари гўзал қишлоқ бор бўлса?— ўйлади Олимжон окопга оқиб тушаётган лойқа сувга термилиб ўзига-ўзи савол бераркан.— Ҳа, бор. Ойқиз ҳам шу қишлоқда яшайдими? Ҳа, шу қишлоқда. Ер юзида шундай қиз бормикин ўзи? Бор-ку... фақат узоқ-узоқларда... Ҳозир у пима қшлаётган экан?.. Эҳтимол, тандир қизитиб, песиқ-иссиқ нон ёшиб, менинг тўғримда ўйлаётгандир. Оҳ, иссиқ нон...» — деди у беихтиёр ва чуқур нафас олиб, муздек ҳавони сувдек шимирди. Унинг юзларидан ёмғир оқиб тушар, қўз очиргани қўймас, қошлари чимирилиб, киприклари пирпирарди.

— Олимжон, ҳу анавини қара,— деди қўшини окопдаги жангчи,— тўрттинчиси кетди.

Олимжон ялт этиб орқасига ўгирилди ва худди сақраб чиқиб кетмоқчидай ярим белигача окопдан кўтарилиб, ўша томонга қаради. Кейин окоп ичига тушди-да, қазиб чиқарилган тушроқ уюмига — шундоққина лойга энгагини қўйиб, олдинга тикилди.

Энди у ёмғирга ҳам, совуққа ҳам парво қилмай, тишини тишига қўйганча, тикилиб турарди. Аммо бутун вужуди безгак тутгандай қалтирарди. Оз ўтмай бадани қизишиб кетгандай бўлди, буни ҳам ё писанд қилмас, ё сезмасди. Фақат юрагининг дук-дук ураётганини эшитиб турарди, холос.

— Ким бўлди бу, Гриша? Тавийсанми сеп уни?— сўради у ёнидаги жангчидан, Олимжон бутун оламни унутиб, ўрмалаб кетаётган жангчининг ҳаракатини кузатарди.

— Танпйман, биринчи ротадан, кичик сержант Галчонков.

Улар бир нарсани сезишди шекилли, худди команда бўлгандай бир дақиқада бошларини баробар пасайтириб, яна кичик сержантни кузатишаверди. Ўрмон оралиғига яширинган бир жуфт пулемётдан бирданига бир неча бор ўқ ёғилди. Ўрмон оралиғи билан кичик сержант ер бағирлаб ётган жойдаги масофа қайта-қайта ўққа тутилди-ю, пулемётнинг ўтли ипи билан кўрпани қавигандай туюлди. Кичик сержант ана шу ўлим алангаси остида ер бағирлаб ётарди. Нима бўлса ҳамки дзот олдига ўтиб борса, уни портлатиб йўқ қилса. Буйруқ ҳам, сержантнинг аҳду паймони ҳам шундай. Энди батальоннинг ҳужумига йўл очишнинг бирдан-бир чораси — биттадан жангчи юбориш йўли билан фашистлар дзотини тору мор қилиш эди. Мана шу хавф-хатарли ишга тўртинчи жангчи жўнади, у ўлим билан яккама-якка олишмоқда. Дзот бўлса ажали етганлигини сезгандай тўхтовсиз ўт очарди. Оловга айланган ўқлар ёмғири жангчилар устига ажал уруги бўлиб ёғиларди.

Галчонков анчагача бошини ерга қўйиб жим ётди.

— Бирорта тепа, бирорта баландлик бўлса нима қиларди?— деди Григорий.

Олимжоннинг нафаси ҳам чиқмади.

Галчонков анчагача қимирламай жимиб қолди. Ҳа, тирик кишининг бунчалик узоқ жим ётиши Олимжонни ташвишга солди, уни кузатавериш чарчади.

— Гриша,— деди у қўшни окопга қараб,— агар Галчонков...

Бироқ пулемёт овози унинг сўзини бўлди. Шу пайт Галчонковнинг жон-жаҳди билан икки букилиб, қорини ушлаган ҳолда олдинга чопганини кўрди.

— Ярадорга ўхшайди... Қорнидан шекилли...—деди Олимжон Григорийга,—ярадор бўлса керак-а? Негга илмайсан?

— Балки ярадор эмасдир,—деб жавоб берди Григорий,—қўлида гранаталар борлигидан энгашиб олгандир... Танкка қарши гранаталар...

— Барибир... у етолмайди. Энди мен... Энди меннинг навбатим.

Олимжон жаҳл ўтида ёшиб, шинелини ечиб ташлади.

— Эҳ фашист... янглишасан... кимдир ахир олдинга етиб боради. Агар мен ҳам боролмасам... Сен борасан, Гриша, эшитдингми? Албатта етиб борасан.

Григорий унга жавоб берганда, Олимжон аллақачон окопдан чиқиб, анча нарида ўрмалаб борарди. У салгина ўрмалаб бекинар, яна ўрмалаб бориб, яна бекинар ва шу зайлда фашистнинг кўзини шамғалат қилиб, худди эчки-эмардек олға интиларди. Шу пайт Олимжон пулемёт сайраганини, ўқлар Галчонокв ётган ерларни илма-тешик қилиб юборганини кўрди.

Ёмғир тобора забтига олаётганини, жала қуяётганини ҳам сезмасди Олимжон. Ҳатто у ернинг лой ва сирпанчиқ эканлигини ҳам, қаердан ўрмалаб юрса ўша ерда тизаси ва тирсагининг изи қолиб, дарров лойқа сувга тўлишини ҳам, қаерга қўлини қўйса ўша ерга ботиб кетишини ҳам пайқамас эди. Ўрмалаш ҳам, эмаклаб юриш ҳам борган сайин қийинлашарди. Ҳансираб, нафас олиши оғирлаша бошлади. Нафаси оғзига тикилиб, чарчаганида бошини бир озгина тирсагига қўйиб, ўзига келиб оларди.

Бир вақт у орқасига қарагиси, окопларидан қапча узоқлашганини билгиси келди.

— Оҳо, анча йироқлаб кетиб қолибман,—деди Олимжон овозини чиқариб. У яна бошини тирсагига қўйиб, теварак-атрофни кузатди, юраги кучли ҳаяжон аралани қувончдан санчгандай бўлди. Ўзидан ўн беш метрча орқада Григорий келарди. У эпчиллик билан ҳаракат қилар, бурни билан лой ҳидлаб, жала остида билинар-билинимас эмаклар, олға интиларди.

— Гриша,—деди Олимжон астагина овоз чиқариб. У дўстига тикилиб, кулиб қўйди-да, сўнгра гимнастёркасининг ени билан юзларидан оқиб тушаётган ёмғирни артди. Шу дақиқада унинг кучига куч қўшилгандай тетикланиб кетди, барала овоз чиқариб деди:

— Эҳ!!—у орқасидаги автоматини тўғрилаб қўйди ва ўтдай ёниб, Галчонков ётган жойга эмаклади. Бирдан пулемётлардан ўқ узилди. Олов бўлиб ёнган ўқлар мудҳиш ҳуштак чалиб олдига келиб тушди, Олимжон ер бағирлаб, тошдай қотиб қолди.

— Эҳ, муттаҳамлар, пайқаб қолди!—ўйлади Олимжон афсус билан. У тишини тишига қўйиб, ер бағирлаб яна ўрмалаб кетди. Қанчадан-қанча ўқ боши устидан учиб ўтаётганини сезиб турган бўлса ҳам, ғазаб ўтида ёниб олға интиларди.

Қўли бирданига юмшоқ нарсага тегиб кетди. Салгина бош кўтариб, олдида Галчонков ётганини кўрди. Унинг қора обмотка ўралган оёқлари тиззасидан букилган, икки қўллаб сўнги марта она тушроғимизни қучоқлаб ётарди!

— Галчонков!—деди Олимжон унинг аллақачон ўлганлигини билса ҳам,—Галчонков, орқангдан келяпман... Барибир етаман... Уларни ўзим ўлдираман...

У Галчонковнинг брезент сумкасидаги танкка қаршии учта гранатани олди-да, аламига чидамай шимининг чўнтақларига солмоқчи бўлди. Бироқ гранаталар ёмғирда увиган шим чўнтағига сирмади. Олимжон дарров ёқасининг тугмаларини ечиб, гранаталарни қўйнига солди. Энди ана шу гранаталарни жой-жойига етказиш — ўзи учун ҳам, батальон учун ҳам, бутун дунё учун ҳам муқаддас ишлигини кўнглидан кечирди. У қорнидан бўртиб чиққан гранаталарни қўли билан авайлаб ушлаб кўрди-да, яна олдинга ўрмалаб кетди. Унинг миёсида фақат битта фикр — қандай бўлса ҳам дзотга етиб бориш фикри ҳукмрон эди.

«Эмаклаб бораёми ёки чопиб бораёми?.. Чопиш... Чопиш... Чопиш... ёки эмаклаб бораёми? Бу лаънати дзот портлаши керак! Ўлсам ҳам, чала ўлик бўлсам ҳам тормор қилишим шарт. Ўлим қўлимдан ушласа ҳам, юрагимга, бошимга чанг солса ҳам, барибир гранатани отишим керак!.. Бу ишнинг тақдирини дақиқалар ҳал қилади, дақиқалар... дақиқалар, ўлим кўрқинчли эмас, дзотга етмаслик кўрқинчли. Оҳ, ҳали қанча узоқ-а... олтмиш метр чамаси... балки етмиш метрдир... Шошма... сабр қил...—деди у ўз-ўзига шивирлаб ҳамон олға ўрмаларкан.—Сендан кўрқадиган аҳмоқ йўқ. Шошмай тур, газанда... мана, етай деб қолдим. Яна бир-икки дақиқа... портлатиб юбораман, ҳа, портлатиб...»

Олимжон ана шу мудҳиш дақиқаларда биринчи марта бошини салгина кўтариб, қулоқ солди.

— Ҳа, газандалар, нафасинг чиқмай қолди-а?..— деди у овозини чиқариб. У қандай қилиб ўрнидан турганини ҳам, жон-жаҳди билан олдинга чопганини ҳам, «Ура-а!» дея қичқирганини ҳам сезмай қолди. Нафаси ҳалқумига тикқилса ҳам, «ура» деб қичқирар ва ўтдай ёниб олдинга чопарди.

— Ура-а-а!— деган овозлар акс садо бергандай орқадан ҳам янгради. Шу пайт Олимжон қўлидаги гранаталарни олдинга отди. Отди-ю, одатдагидай ўзини ерга ташлаб, қўллари билан бошини тўсди. Бир зумда ер чайқалиб кетгандай, Олимжон ўзини қайиқда ётгандай ҳис қилди. Бирданга гумбурлаган овоз кўтарилди-ю, осмонда портлаб яна ерга тушди.

Олимжон аста бошини кўтариб атрофга қаради. Бир неча жангчи унинг ёнидан чошиб ўтди. Орқада акс садо бериб жаранглаган «ура» овозлари ҳам ана шу шунқор жангчиларники эди. Энди улар бўлак-бўлак бўлишиб, қишлоқни ўраб олишни мўлжаллаб, олга интилардилар. Улардан бири чошиб кета туриб таққа тўхтади-да, Олимжоннинг ёнига ўтириб, елкасидан кўтарди, меҳрибонлик билан сўради:

— Олимжон... оғам... яраланганинг йўқми?..

— Гриша...— деди Олимжон қувонч билан. У дўстининг гапини ҳам эшитмаган эди. — Гриша, ғалабами-а?..

Григорий жавоб ўрнига, овозининг борича «ура-а» деб бақирди ва тўхтовсиз отилаётган ўқ ва портлаш овозлари янграган томонга чошиб кетди.

Олимжон ҳам ўрнидан турмоқчи ва олдинга чопмоқчи эди, бироқ қўл ва оёқлари мадоридан кетганини сезди. Бир амаллаб қаддини кўтариб ўтириб олди, жангчиларимизнинг жасорат билан олдинга чопётганларини кўриб, қувонч билан илжайиб қўйди.

Олимжон бу дақиқаларни, ғалаба қилиб соғ-саломат қолган дақиқаларини бир умр хотирасидан чиқармайди. Ҳалада лой кечиб, шиддат билан чошиб бораётган жангчиларга мароқ билан термилиб, ўзидан-ўзи мамнун бўлиб ўтирарди.

Жанг тугади. Отишмалар тўхтади. Глуховка қишлоғи ишғол қилинди.

Олимжон қишлоқ кўчасида бораркан, четан ва ёғоч деворлардан ҳар бир ҳовлига мўралаб қўяр, дуч келган одамдан дўстини сўрарди.

— Григорийни кўрдингми?

— Гриша Петровни учратган борми?

— Ҳой, нулемётчи оғайнилар. Гриша Петров олдиларингиздан чиқмадимми?

Ҳаммадан «йўқ» деган жавобин олгач, Олимжон бир тор кўчага бурилди ва муқолишдан сал нарида, учинчи уйнинг зинапоясида ўтирган ўрта ёшли, мўйлови ўсиқ солдатга дуч келди. У бир оёғидаги обмоткасини ечиб, шимини туширган ҳолда тиззасига кириб қолган кичкина миша осколкасини суғуриб оларди.

— Фашистлардан совғамми?— деди Олимжон.— Қадалиб турибдими?

— Йўқ, мана шундоқ юлада турипти лаънати. Ҳеч чиқариб бўлмапти,— деди солдат Олимжоннинг юзига қарамай, — ўзи нўхатдан кичкина... терининг остида турипти-ю, ҳеч чиқай демайди.

— Қани, оғайним, бир кўрай-чи, — деди Олимжон.

— Йўғ-е... ўзим... ўзим аста...

Олимжон солдат олдида озгина туриб, унинг қип-қизил қавариб чиққан жойни икки қўллаб эзаётганини кўриб раҳми келиб кетди:

— Юр, оғайним, санчагга олиб борай. У ерда дарров суғуриб оладилар. Бунча азоб чекишининг нима кераги бор!

— Йўғ-е!— деди жангчи хитоб қилиб. У мўйловини қимирлатиб сўзида давом қилди:— Тикап кирса ҳам санчагга чопаверамизми? Ҳозир улар оғир ярадорлар билан банд.

— Оғир ярадорлар...— деди жангчининг сўзини такрорлаб у, — тўғри. Мен ҳам...

— Ярадормисан?

— Йўқ, дўстимни қидириб юрибман... Оғайнимми.

— Ким у?— Солдат Олимжонга тикилди.

— Ундай фамилия жуда кўп, ҳа, жуда кўп, тушундингми?.. Петров, Григорий Петров, — деди Олимжон нима учундир саросимага тушиб.

— Санчагга бор, улардан сўра... ёки ҳу анави шамол тегирмони ёнида қаттиқ жанглар бўлди... Уша ердан қидир,— деди солдат ишидан тўхтаб Олимжонга маънодор тикилган ҳолда.— Шошма-шошма, дўстим, сен бе-

шинчи бўлиб дзотга борган солдат эмасмисан?.. Отинг Олимжон эмасми? Ўзбекмисан?..

— Ўзбек. Олимжон,— деди кулимсираб.

— Сени қара-я,— деди солдат шартта шимини кийиб, қувонч билан.— Ахир, сени қидириб юриптилар-ку. Сен қаҳрамонсан.

— Ким қидиряпти?— сўради Олимжон совуққошлик билан.

— Комбат қидиряпти, ҳамма қидиряпти.

— Майли...— деди Олимжон ва ҳовлидан ўтиб, экинзорга кириб кетди.

— Шошма! Қаёққа борясан? Олимжон!— Солдат унинг орқасидан қичқириб қолди.— Комбат шу ерда, ёнимизда, шошма, ўзим олиб бораман.— У обмоткасини ўрагунча Олимжон аллақачон ғойиб бўлган эди.

Олимжон картошка экилган ернинг ўртасидан тўғри шамол тегирмонни томон юрди. Аллақачон ишдан чиққан тегирмоннинг сишиб кетган парраклари кучсиз шамолда ёринчоқлик билан айланарди. Шамол тегирмони экинзордан сал нарида, эллик қадам масофада, ўрмон оралиғида, икки толнинг ёпида эди.

Олимжон олдинига ўрмон оралиғидаги толни ҳам, унинг яқинидаги ёш-ёш оқ қайинларни ҳам бир ёқда қолдириб, тўғри шамол тегирмони томон йўл олди ва ўша томон бораётган санитарларга кўзи тушгач, дарҳол бурилди. Бироқ санитарлар ўрмон оралиғига етмай, йўлда тўхтадилар ва кимнидир носилкага солиб, орқаларига қайтдилар.

— Тўхтанглар!— деди Олимжон қичқириб,— тўхтанглар, оғайнилар!— У ёмғирда ивиган ерда сирпаниб, қоқиниб чопар ва санитарларга етиб олиш ичун интилар эди. Аммо санитарлар унга эътибор қилмай, орқаларига ҳам қарамай боришарди.

— Кимни олиб кетяпсизлар? Оғайинлар, тўхтанглар!— Олимжон тўхтовсиз қичқирар эди.

У бир зумда тошдай қотиб қолди. Не кўз билан кўрсинки, ёмғирда ивиган тол билан терак новдалари ичида, хас-хашак устида Петров ёнига ўгирилиб ётарди. Ёмғир бөшидан оққан қонни ювиб тушганидан қулоғи ҳам, бўйни ҳам қонга беланган эди. Икки еридан тешилган каскаси ўзидан анча орқада ётарди.

Олимжон нафаси оғзига тикилган ҳолда дарҳол унинг юзига термилди.

— Гриша! Дўстим. Мен Олимжонман, эшпятапамми, Гриша?

Григорий ёмғирда ювилган лаблари юмилган ҳолда нафаси чиқмай ётарди.

Олимжон унинг автоматини ўз елкасига осиб Григорийни азод кўтариб орқасига ўгирилди. У ўрмон оралиғидан юриб, яқиндаги уй томон бурилганда, тўғридан келаётган сапатарларга кўзи тушди.

Григорий санчақта анчадан кейин ҳушига келди. Олимжон у билан хайрлашар экан, Григорий деди:

— Олимжон... сендан сўроғим бор...

— Айт, Гриша! Айт, нима десанг адо қиламан... Фақат тузалиб кетсанг, бас.

Григорий индамади. Энди у юзлари ювилган, бошлари боғланган, исиниб ўзига келган бўлса ҳамки, Олимжон далада, окош ичида кўрган Григорий Петровга сира-сира ўхшамасди.

— Биласанми, гимнастёркамда хат бор... Валяга ёзилган... Ҳу, биласан-ку, ҳикоя қилиб берганим... Эсинг-дами?..

— Эсимда.

— Уша хатни ол.

— Олдим, бироқ хат тугамаган-ку...

— Охирини менинг учун ўзинг ёз, сўнгра жўнат.

— Яхши, Гриша.

— Ойқизингга ҳам ёз.

— Ҳали менинг Ойқизим эмас.

— Барибир сеники бўлади. Ойқизга албатта, ёз, эшпидингми, албатта, ёз.

Унингчи боб

— Ойижон! Ойи! — Ойқиз кўзини очди-ю, овози борича қичқирди. Кейин ташқарпга қулоқ солди.

Уйда жимлик ҳукмрон эди.

Ойқиз пардаси йўқ қоп-қора ойнага қаради, ёстиғига яқин қўйилган курсидаги чироққа тикилди-ю, ҳайрон бўлди: «Ҳовлига қоронғи тушибди. Ойим бу чироқни қачон ёқпитилар?» Бирданига бир неча бор ўқиб чиққан мактубга кўзи тушди, қўли беихтиёр хатга чўзилди. «Ёмғир... икки кеча-кундуз ёмғир... Иккита даҳшатли

дзот... Сўнгра жанг... Атака... Атака... У ўрмалаб кетди...» деди ўзига-ўзи Ойқиз хаёлчан кўзларини юқорига гикканча шивирлаб. Хатни қайта-қайта ўқиб чиққанидан, унинг ҳар бир сўзини ёддан биларди. У азиз ва энг мўътабар бу мактубни қўлига олди. Олимжон қандай қилиб уч бурчак қилиб тахлаган бўлса, худди шундай қилмоқчи бўлди. Тахларини ўз ҳолига келтиргунча анча уринди. Ниҳоят, хат аслидек бўлгач, кўнгли жойига тушиб, ўйлади: «Олимжон хатни ёзиб бўлиб, худди шундай қилиб буклаган эди». Энди у хатнинг адресига тикилиб қолди. Бинафшаранг печатини кўздан кечирди, Ватан буйруғидек жиддий ва қатъий ёзилган: «Қизил аскарники, бепул». «Ҳарбий цензура томонидан кўрилган» деган сўзларни такрор-такрор ўқиди. «Наҳотки, одам боласи шунча азоб чекса, — деди у овоз чиқариб, — наҳотки, шунча даҳшатлардан ўтса... Ҳампиша ўлимнинг ичиди бўлса... Наҳотки... Ойижон! Ойи!»

Холбиби нариги хонадан оҳиста чиқиб, парда орқасидан кўринди ва остонадан ҳатлаб, ичкарига кирди.

— Нима дейсан, қизим? Нима, қўрқиб кетдингми?.. — сўради у хавотирланиб.

— Ойижон! Қандай қилиб?.. Қанчалик қийин, қанчалик оғир-а? Қандай бардош беришади-а? — деди Ойқиз кўзларига ёш келиб. У ўтдек ёнган юзларига муздек кафтини қўйди.

— Жуда қийин, қизим. Лекин, начора, қўлингдан нима ҳам келарди? Чидам керак... Чидам, бардош... — деди Холбиби хўрсиниб.

— Ахир, уларга ҳеч ёрдам қилолмаимизми, қўлимиздан келмайдими? Нима билан ёрдам берсак бўлади. Ойижон, сиз кўнни кўргансиз, айтнинг... ҳаммасини биласиз-ку! — деди Ойқиз сабрсизлик билан.

— Меҳр билан, қизим, — деди Холбиби мулойимгина қилиб, — меҳр билан.

— Меҳр билан... қандай қилиб? Улар минг-минг километр узоқда-ку?..

— Хат ёз. Уйдан борган хат уларнинг қалбини иситди, юрагига далда беради, белига қувват бағишлайди, мушқулини осон қилади. Мен ўйлаб қўйдим. Совға-салом ҳозирлайман: ўрик, майиз, ёнгоқ, қаймоққа қориб хамир қиламан, нон ёпаман. Сен хат ёз, қизим, жуда яхши бўлади.

— Ойижон!— Севинчи пчпа сизмага Ойқиз кўрпани улоқтириб ташлади-да, ойисининг бўйнидан маҳкам қучоқлаб олди,— шунчалар доно, шунчалар меҳрибон бўласизми...

— Йўқ, йўқ,— деди Холбиби қизини тўхтатиб,— кейин, кейинроқ ёзасан... Тузалиб кетганингдан кейин ёзарсан. Ҳозир эмас, тушундингми, қизим? Сал дармонга киргин. Ҳозир мен сенга псих сутга асал қўшиб берман, ичиб дам оласан, ухлайсан, қизим.

Холбиби шундай деб чиқиб кетди-да, оз ўтмай қўлида пияла ва нон кўтариб кираркан, эшик олдида ҳайрон бўлиб қолди.

— Тавба! Ҳозир нима дедим-а. У бўлса дарров хат ёзишга ўтирибди. Қизим тушмагур-эй...

— Ойи, Олтинсойдан кимлар фронтда?— деб сўради-да, ойисининг жавобини ҳам кутмай, ўзи Алишер, Темур... деган эди, ойиси:

— Олимжон ҳам...— деб қўшиб қўйди.

— Яна ким?

— Яна, дугонанг Қумрихоннинг акаси — Эргаш-чи?..

— Ҳа, эсимда. У ҳалок бўлган.

— Ҳа-я, шўрлик, — деди Холбиби хўрсиниб, — соғ-саломат жанг қилаётганлари ҳам кўп. Ҳасан-чи, чўпов... уйланишга ҳам улгуролмади. Уша енгил-елли Қумрихонни деб қанчадан-қанча овора бўлди. Қумри бўлса... Ҳа, айтгандай, Тоҳир-чи, Умар-чи...

— Шошманг, шошманг, қайси Умар? Омбор мудирининг ўғлими?

— Мава, биринчи бригададан звено бошлиғининг икки боласи ҳам фронтда. Ҳайдар-чи, Қўзибой ҳам... Кеижачи. Ҳу анави ашулачи шўх йигит-чи? Эсимда бор, сигир соғаётган ёки ўчоқбошида овқат нишираётган пайтларимда кўча томонидан ишдан қайтаётган Кеижанинг овози келарди. Унинг ёқимли қўшиқларини эшитсам ўй-хаёлларим, орзу-армонларим узоқ-узоқларга, Кўкторнинг нариги томонларига учиб кетарди... Кеижанинг қўшиқлари ақли ҳушимни буткул оларди-ю, ишимда қолиб кетар, соққан сутимни сигир тепиб юбориб, ер билан битта бўлиб тўкилганини билиб қолардим... Кеҷқурун пиширмоқчи бўлган сутли ош ҳам қоларди.

Холбиби хаёлга чўмиб, бу хонага нима учун кирганини ҳам эсдан чиқарган эди. Қизининг олдида ўтириб

қўлидаги нон ва пиллани курсига қўйганча ҳамон ҳам-қашлоқларидан кимлар фронтда эканлигини ўйларди.

— Ҳа, айтгандай. Алидан хат келипти. Ҳу, шалпанг-қулоқ-чи. Чақимчи, маҳмадона, қаерда ҳам эмиш.

— Госпиталда.

— Ҳа, ўша ерда эмиш,— бир зум жим қолди-да, яна сўзида давом қилди:— Барибир ачинасан киши. Бир оёғи йўқ эмиш. Энди оёқсиз нима қилади?..

Ойқиз жавоб бермади. Энди у ойисининг гапларини гоҳ эшитиб, гоҳ эшитмасди. Орқасига ёстиқ суяб, икки тиззасига папкасини қўйиб, дафтарини олди, Алишерга хат ёза бошлади.

— Ҳамқишлоқларимизнинг ҳаммасига хат ёзаман,— деди у.

Холбиби қизининг юзларига термилди-ю, нима учун олдига киргани энди эсига тушди.

— Қизгинам,— деди у хатга берилиб кетган қизга ачиниб,— кўн урчима, узилиб қоласан, ёт, дам ол. Мен бўлсам гапга тушиб кетбман, сут ҳам совиб қолди. Ма, илиғида ич нон билан қўшиб.

— Сутни ичаману нонни кейинроқ ейман. Майлими, ойижон?

Холбиби майли дегандай бошини қимирлатди-да, оҳиста ўрнидан туриб, уйдан чиқиб кетди. Кечки овқатдан сўнг Умурзоқ ота ҳам, Холбиби ҳам бир неча бор оёқ учида эшик олдига келиб, тирқишидан ичкари қарашди. Ойқиз ҳамон жойида ўтирганча тиззаси устига папкасини қўйиб хат ёзарди. Орадан анча вақт ўтгач, Холбибининг сабри чидамади, шартта кириб қизининг қўлидан дафтар-қаламини тортиб олиб, ухлатишга қарор қилди-да, шиддат билан эшик олдига келганида шахтидан тушиб, оҳиста орқасига қайтди:

— Отаси, қизингиз уйқуга кетшти.

— Чироқ ёниб турипти-ку!

— Чироқни ўчирмай ухлаб қолшти. Бечора қиз чарчаган-да. Майлига, озгина мизғиб олсин, кейин тузатиб ётқизаман. Чироқни ҳам ўчирмадим, ўчирсам дарров уйғониб кетади. Қушдай сезгирлигини биласиз-ку.

Олтинсойда ҳаво тез-тез ўзгариб турарди: қуёш бутун оламни чароғон қилиб ёритган кезларда шарқдан эсиб турган тоғ шамоли баҳор нафасини, эриган қорлар, нам билан кўпчиган тупроқлар, эндигина очилган лолалар, гулга кирган бодомлар (албатта, бизга таниш бўл-

ган бодомнинг ҳам) ҳидини олиб келарди. Шундай пайт-да шамолга пешвоз чиқиб, қўлинг унинг қўлида эканлигини ҳис қилиш қандай пашъали! «Ғалати гап... қўлингги ҳис қиламан-ку, ўзинг кўрпимайсан. Қаердасан Олимжон?... Олимжон?!»

Ойқиз кўзини очди. Олдида ярим варақча ёзилган хат ётарди-ю, қалами кўрпимасди. Қиз ҳайрон бўлди ва кўзи уйқуга кетганини эслаб, қаламини ахтарди, кўрпа ва ёстиғининг остини ковлаштириб анча уннади, қўлига ҳеч нарса илинмади. Ниҳоят, ерга тушиб ётганини кўрди. Қаламини олиб, давомини ёзишга киришар экан, ҳайрон бўлди. Чунки хатда оламни чароғон қилган қуёш ҳам, тоғ шабадаси ҳам, қизнинг қўлини ушлаб турган Олимжон ҳам йўқ эди.

«Ажойиб туш, ана шу туш ҳақида ёзаман!» — ўйлади Ойқиз ич-ичидан севиниб. Қўлидаги қалами қоғоз устида пилдираб кетди...

Энди шамол ҳам тоғдан эмас, балки чўл томондап туриб, Ойқиз билан Олимжоннинг елкасидан итарарди. Шамол тобора кучайиб, ёш-ёш теракларни белигача қайирар, ҳовлидаги омборхонанинг пастгина эшиги тўхтовсиз очилиб ёпиларди. Ўтган йили дадаси ўтказган гипос дарахти бўлса қўрқув ичида қалтирар, ҳовлида юрган товуқлар ҳам орқа ва ён томонидан урган шамолдан қўрқиб, омборхонага шошилар эди. «Ҳозир қоп-қоронғи кеча-ку, товуқлар нима қилиб юрибди?» Ойқиз ҳайрон бўлди, бироқ тобора зўрайиб бораётган шамол унинг ўйлашига халақит берарди. Эҳтимол, шамол-тўполон чўлларда ҳам кезиб юргандир, ўтган йилги хас-хашакларни осмонгача учириб, қуюн ичида айлантираётгандир. Бу қуюнлар бир зумда Ойқизни ҳам ўз гирдобига тортди-ю, айлантириб-айлантириб узоқ-узоқларга учириб кетди. Ойқиз қўлларини Олимжоннинг қўлида кўргандай ҳис қилди-да, сўнгра шамол икқаласини ҳам бирга-бирга учириб кетди. Ойқиз Олимжонга нималарнидир айтмоқчи бўлса ҳам, оғзига қуюн тиқилиб, тили калимага келмасди.

«Мен-ку, песпқ жойдаман-а, қуюнлар ичида сен қандай умр кечиряпсан? — деди Ойқиз шамолнинг қаршичилигини енгиб. — Олимжон... жонгинам...» унинг шивирлаганини ҳам, ниграганини ҳам билиб бўлмасди. Энди у ҳаммаёқ жимжит эканлигини, эркин гапира олишини сезиб, ҳайрон қолди.

— Жон қизим, энди бўлди, ухла,— дер эди тешасида турган ойиси мулойимлик билан.

— Ойи, ухлайман-ку, ахир, — жавоб берди Ойқиз ўзини гуноҳкор сезиб, ойисининг қоғоз-қаламини, хатларини йиғиштириб олишига эътироз билдирмай. У оёғини узатиб, бошини кўрнага буркаб олди.

Ойиси чироқни ўчирди, қоронғилик ичида пайпаслаб қизининг кўрпаларини тузатаркан, Ойқизгами ёки ўз-ўзига нималарнидир шивирлади.

Кўнгли тинчиган Холбиби ўз хонасига чиқиб кетди. Ҳаммаёқ жимиб қолди. Ойқиз бир неча дақиқа қимирламай ётиб, кўрпа ичидан ташқарига қулоқ солди. Кейин кўрпадан бошини чиқариб, тинглади. «Ухлашдими, йўқми? — ўйлади Ойқиз, — ухлашди шекилли... Йўқ, яна озмоз сабр қялай... ажойиб туш... Ахир, уйқудан уйғониб, қўлимга қалам олдим, яна уйқуга кетдим, яна у тушимга кирди. Ҳаммасини бирма-бир ёзишим керак: ёш теракларининг қайрилганини ҳам, чўлнинг шов-шувини ичида биз билан учиб кетганини ҳам, кўрқмасин, деб қўлимдан ушлаб турганини ҳам... Нега кўрқай. Юрагим тинч, қалбим қувончга тўла. Сабабини биламан. Чунки у олдимда эди, қўлимдан ушлаб турарди».

Ойқиз жойидан оҳистагина туриб, чироқни ёқди ва меҳрибон ойиси иссиқ бўлсин, деб оёғига ёпиб қўйган дадасининг тўнини кийиб олди-да, ўзини-ўзи кўздан кечира бошлади. Тўн жуда узун ва кенг эди, енги ерга осплиб ётар, этаги оёқларини беркитиб, ер супурарди. «Бу тўнга менга ўхшаш беш-олти қиз сиғар,— деди у ўзинча ўйлаб.— Ҳа, шундай бўлса ҳам иссиқ-ку», деб юборди овоз чиқариб ва шу зумдаёқ ўз сўзидан ўзи кўрқиб кетди; эшикнинг пардасига тикилиб, қўли билан оғзини беркитди. Ана шу парда орқасида ойиси билан дадаси ухларди.

Ойқиз стулга ўтириб, озиб кетган қўлларига қаламини олди. «Мана шу тўн ҳақида ёзаман,— деди у,— нима бўпти? Кулгили. Майли, кулсин. Бироқ ҳаммадан ҳам муҳими... муҳими,— у яна қоп-қоронғи ойнага қараб қўйди-да, ўз-ўзидан:— Энг муҳими нима?.. Нима деб ёзаман? А?..»— деб сўради.

Ташқаридаги қоронғилик ҳамон сукупатда. Ойқиз яна ундан сўради:

— А?..

Эрталаб ҳарорати кўтарилиб кетди.

Ўн биринчи боб

Елена Никитична Горишева ғамгин ҳолда бошини қуйи солиб борарди. Гарчи, унинг сумкаси қуруқ бўлса ҳам, қандайдир оғирлик елкасини эзарди. Сумкасининг ичида қолган биттагина юпқа хат худди бомбадай, худди ўлимдай оғир ва мусибатли эди. Хат ҳаракатдаги армиядан бўлиб, Умурзоқ отанинг номига ёзилган эди. Елена Никитична кўм-кўк конвертдаги хатни бир неча бор сумкасидан чиқариб қуёшга тутиб кўрди, унинг устига ёзилган адресни қайта-қайта ўқиди. Энди бу хат Умурзоқ отанинг ҳовлисига шум хабар олиб киришига шубҳа йўқ эди. Шунинг учун Горишева бу ҳовлига киришдан ҳам, кўча-кўйда Умурзоқ отани ёки Холбибини учратишдан ҳам қўрқарди. У ўша таниш дарвоза олдидан икки марта ўтди, иккаласида ҳам уни ҳеч ким кўрмади. Дарвозани тақиллатиб кираверишга юраги дов бермади.

«Нега?.. Нега шундай ҳодиса юз беради?..— деди у ўзига-ўзи юраклари уриб, ғам-алам ичида, — ахир кечагина бу ҳовлига бир эмас, иккита хушхабар олиб келган эдим... Энди-чи... Йўқ, ҳовлига кирмайман, майли, бу хат сумканинг остида ётаверсин. Ҳозирча...»

У тўрт томонга аламли қаради ва шахдам қадам ташлаб Умурзоқ отанинг дарвозасидан узоқлашди.

Аммо одам боласи мусибатдан қанча қўрқиб қочса, мусибат шунча ваҳима солиб орқасидан қувади. Кутилмаганда Умурзоқ ота Горишеванинг қаршисидан чиқиб, йўлини тўсди.

— Салом, қизим! — деди у мулоимлик ва меҳрибонлик билан. — Хўш, қаёққа шошилясан? Нима учун эшигимиз олдидан ўтдингиз кирмадингиз.

Елена Никитичнанинг ранги қув ўчиб, сукунат ичида отанинг юзларига ғамгин назар ташлади.

— Хўш?.. Нега индамайсан? Ҳа, қўлга тушдингми?.. — Умурзоқ ота қувонч билан ҳазилда давом этди: — Қани, орқангга қайт. Иссиққина зогора нон билан чой ичамиз. Қани, юр, дарҳақиқат, дўстининг уйига кирмай ўтишинг инсофдан эмас. Сумканг ҳам қуш-қуруқ, ишинг ҳам қолмагандир, шундайми?

Умурзоқ ота брезент сумкани ушлаб кўрди, оғзини очиб қарамоқчи бўлганди, Елена Никитична қўрқиб кетди, жон ҳолатда сумканинг оғзини ёпиб, уни бағрига босиб олди.

— Сумкам қуш-қуруқ, отажон,— деди у ҳаяжонини сездирмасликка ҳаракат қилиб. Энди у сумкани икки қўли билан бағрига қаттиқроқ босарди.

Умурзоқ ота ҳайрон бўлиб унга тикилди ва шубҳа билан сўради:

— Сирли бир нарса борми дейман ичида ёки пулми-а? Мабодо қорахатмасми?

Шундай деб Умурзоқ ота унинг кўзларига тикилиб қаради.

— Кимга?..

— Йўқ, йўқ, отажон. Қорахат эмас, пул ҳам эмас...— У Умурзоқ отага қараб кулиб қўйди ва худди сумкасини чолга кўрсатмоқчи бўлгандай,— сизларникига кирмай кимникига кирардим, юринг,— деди-да, олдинда йўл бошлаб, эшик томон юрди.

Елена Никитичнапи ҳовлининг ўртасида кутиб олган Холбиби, хурсанд бўлиб ичкарига тақлиф қилди.

— Буни қара!— деди столнинг усти тўла хатларни кўрсатиб,— шу кечанинг ўзида ёзди-я, ҳаммасини. Энди аҳволига қара, таниб бўлмайдн. Булар қачон ота-онасининг айтганини қилар экан-а? Ахир касал ҳолича тун бўйи мижжа қоқмай хат ёзса-я! Тавба, тавба!..

— Нега ташвишланасиз, ойпжон? Менга ҳеч нарса бўлгани йўқ, хат ёзиб яхши қилдим. Ўзингиз ҳам айтувдингиз-ку,— деди Ойқиз ўрнидан туриб,— мен ёздим, энди Лена холам почтага топширадилар.

Ойқиз стол устидаги хатларни шоша-пиша йиғиштириб, Елена Никитичнанинг сумкасига соларкан, ундаги хатга кўзи тушди.

— Оҳо!.. Кимга бу? Менга эмасми?— деганича сумка ичидаги хатни ола солиб бағрига босди. Елена Никитичнанинг ранглари ўчиб, хатни қайтариб олмоқчи бўлди, бироқ Ойқиз иргиб каравотига чиқиб олди:

— Бермайман, нега қўрқиб кетдингиз?..— деди Ойқиз конверт ушлаган қўлини боши узра кўтариб.

Елена Никитичнанинг хатга узатган қўллари шалпайиб тушиб, ўзи тошдай қотиб қолди. Эскириб кетган рўмоли бошидан елкасига тушиб кетди-ю, оқарган сочлари кўзга ташланди. У бошқаларнинг мусибатига шерик эди, лаблари кўкариб, юзларидан қон қочди.

Умурзоқ ота ҳам, Холбиби ва Ойқиз ҳам сукупат ичида анграйиб унинг юзларига тикилиб қолдилар. Ҳозирги

ҳолатида Елена Никитичнаш таниб бўлмасди. Шу пайт Ойқиз конвертни унинг кўзига яқинроқ тутиб:

— Хўш, бу нима?.. Нега сиз?..— деди.

Умурзоқ ота қизи конвертни очганини билди, кейин нима бўлганини билмайди. Бу уйда нима содир бўлди ўзи? Атрофда нима бўлди? Ойқизнинг чийиллаган овози қулоғини тешиб юборди-ку! Нега Ойқиз қичқириб йиғлайди? Бирдашига у елкасининг ачишиб оғриганини сездим, кимдир тўнани ечиб, икки кураги ўртасига бир сиқим чўғ ташлагандай бўлди. Умурзоқ ота конвертни ҳам, майда-майда қилиб ёзилган оқ қоғозни ҳам, ундан кейин чети қора ҳошияли пуштиранг қоғозни ҳам кўрди. Бу қоғозлар ўзини каравотга отган Ойқизнинг қўлидан тушиб, кўрпа устида ётарди. Холбиби қизи ёнига югурди, кейин қоғозларни териб олди. Умурзоқ ота қоғозлардан бирини — қора ҳошияли пуштиранг қоғозни Холбибининг қўлидан юлқиб олди. Холбиби хатни эрига берди-ю, унинг юзларига тикилиб турди.

Нихоят, чол момақалдиरोқдай гулдураб қулоғини қар, вужудини муз қилган қўрқинч ва ваҳима эканлигини сездим.

Умурзоқ ота умрининг охиригача ана шу мудҳиш мотам кунини, қора ҳошияли пуштиранг қоғозни эсидан чиқармади.

Уш иккинчи боб

Холбиби тўрт кундан буён қимирламай шифтга терилиб, сукунат ичида ётарди. Энди Ойқиз ўрнида ойиси бемор эди. Қорахат унинг дилни ничоқдай тилиб юборди. Овозининг борича қичқириб йиғлади, минг тўлғаниб, оҳ-воҳ қилди, сочларини юлди, ҳовлига чиқиб овози борича дод солди, аза тутди. Яна уйга кириб олиб, тиз чўкиб ўтирган ҳолда бошларини ерга уриб дод солди. Уни зўрға овутиб, қизининг жойига ётқизишди. Шу-шу, Ойқиз ўрнидан туриб кетди. У аввалгидан анча тетик, худди касал кўрмагандай эди. Энди у ойисининг бошида парвона, дадаси келгунча ойисининг олдидан жилмасди. Рўзгорнинг барча ши Ойқизнинг елкасига тушганди.

Оғир мусибат кунлари Умурзоқ ота ҳам ғам-алам чекиб қарахт бўлиб ётди, бир-икки кун уйдан чиқмади. Кейинчалик, сал ўзига келгач, ташқарига чиқиб, одам-

ларга қўшилди. Шу билан ғам-ғуссадан бир оз қутулмоқчи бўлди.

— Аҳволи қандай? — сўради ҳовлига чиққан қизидан.

— Бирдай, дада.

— Гапирадими?

— Йўқ.

— Овқат едимми?

— Йўқ.

— Дарҳақиқат, бу нима деган гап?..

Умурзоқ ота тўғри уйга кириб, Холбибининг ёнидаги курсига ўтирди, юзидаги ғам-алам ва саросималикни билдирмасликка ҳаракат қилди. Мулојимлик ва меҳрибонлик билан сўради:

— Хўш, аҳволинг қалай, онаси? Бирор нарса есанг бўларди...

Умурзоқ ота уйга кирган дақиқадан бошлаб Холбибининг юзи ёришгандай, баданига пессиқ югургандай бўлди. Бироқ лом-мим демай, фақат чолга термиларди. Бу кўзлар ширин фарзандларидан — жигарбандидан ажралган онанинг битмас-туганмас ғам-алами, қайғу-ҳасрати билан тўла эди.

— Начора... Аммо ўғлинг қаҳрамон-а. У билан фахрлансанг арзғийди... Мана, командирни ҳам, ўғлингиз билан фахрланинг, деб ёзипти-ку. Ҳой, эшитяпсанми? Бунчалик қилишинг яхшимас. Ҳа, яхшимас.

Ҳамон чолга термилиб ётган Холбибининг настки лаби ва қовоғининг ости пирираб кетди, пешонаси тиришиб, кўзлари жиққа-жиққа ёшга тўлди, юзларидан оқиб тушди.

— Бу нимаси... Ахир, ўзингни ўйласанг-чи. Ахир бошқа ўғлимиз ҳам бор-ку... Алишер бўлса соғ-омон. Мана, Алишердан хат. Мана,— Умурзоқ ота тўнининг ичидан, белбоғидан уч бурчак хат чиқариб, Холбибига кўрсатди.— Қизимиз-чи? Ойқизимиз бор. Энди бас қил, қолган болалар учун кераксан. Дарҳақиқат, ўзингни сақла. Энди мана шу фарзандларимиз учун яшашимиз керак.

Умурзоқ ота бошини қуйи солиб, қўлларига тиккаганича ўйлашиб қолди.

— Ҳа, Темур ҳам... Балки у қайтиб келар... Балки соғ-омондир... Турмушда шундай воқеалар ҳам учрайди-ку. Қорахат келади-ю, бироқ одам тирик бўлади, уруш-да, уруш... урушда нималар бўлмайди дейсан?!

Холбиби лабларини қимирлатиб, нимадир деб шивирлагандай бўлди.

— Нима дединг?— сўради Умурзоқ ота севинганидан Холбибига энгашиб:— Хат дедингми?

— Хат... Қандай хат? Кимдан?

— Командирдан.

— Нима депти?..

Умурзоқ ота нима дейшини билмай қолди. Уша қорахат солинган конвертда рота командиридан ҳам мактуб бор эди. «Мен биламанки,— деб ёзган эди командир,— ўглингизнинг жангда ҳалок бўлганлиги тўғрисидаги хабарни эшитиш осон эмас. Бироқ, ўглингиз Темур қаҳрамонлик кўрсатиб ҳалок бўлди. Йўғламанг. Бундай ўғил билан фахрланинг. Бундай ўғлон билан Ватан ҳам фахрланади».

Умурзоқ ота бу сўзларни ҳар кунни бир неча бор эсларди, бир неча бор такрорларди, ўзига-ўзи бир неча бор шивирлаб қўярди. Мана энди шу сўзлар ёдига тушиб, Холбибига такрор қилмоқчи эди, бироқ унинг кўз ёши тўкшидан қўрқиб, қўлини оёзига тутиб йўталиб қўйди. Ҳа, ҳозир хатни ўқиш ҳам қийин, унинг раъйига қарамаслик ҳам қийин. Темурнинг ҳалок бўлганлиги тўғрисида командирнинг ўзи ҳам ёзган. Бу ҳақиқатни Умурзоқ ота яхши билиб турса-да, лекин бир дақиқа бўлса ҳам Холбибни овунтириб, ғам-аламдан халос қилишга уринарди.

Умурзоқ ота анчагача жимиб қолди, у гоҳ ўзининг меҳнатда қаварган узун-узун қўлларига, гоҳ Холбибининг ғамгин юзларига термиларди.

— Дарҳақиқат, бугун раис билан ҳам, партия котибимиз билан ҳам гаплашдим,— деди чол орадаги жимликни бузиб. У Холбибининг юзларига астагина қўлини юбориб, унинг бетигаги кўз ёшларини артиб туриб, гапини бошқа ёққа бурди:— Ҳозир бутун мамлакат фронтга ёрдам қиляпти, дедим. Фронтга гўшт-ёғ керак. Бас, шундай экан, биз нима учун қўлимизни қовуштириб ўтирибмиз? Дарҳақиқат, биз ҳам фронтга йигирма-ўттизта қўй юборсак яхши бўлар, дедим.

Холбиби диққат ва эътибор билан чолга боқди.

— Албатта. Ахир, фронтга гўшт-ёғдан бошқа нарса ҳам керак-ку. Майиз ҳам, ўрик ҳам, гуруч ва ун ҳам...

— Сиз-чи?.. Нима бермоқчисиз?

— Менми?..

— Ҳа.

— Қўй-да. Жангчиларимиз қўй гўштидан шурва ёки қовурма пишириб ҳузур қилиб есинлар.

Холбибининг бошини ёстиқдан кўтаришга қуввати етмаса ҳамки, юзига салгина илиқлик югурди. У ўзининг ингичка ва ориқ қўлларини чўзиб, чолининг томирлари бўртиб-бўртиб турган катта қўлларини меҳрибонлик билан силади ва ўрнидан туришга уринди.

Умурзоқ ота ҳам шошиб қолди, ҳам қувонди.

— Сен... Нима?.. Қаёққа?

— Ўзим...

— Ўзинг нима қилмоқчисан?

— Ўзим совға-салом ҳозирлайман, мана шу қўлларим билан...

— Ҳозир эмас-да, онаси.

— Бўлмаса қачон?

— Аввал бир фикрлашиб олайлик. Дарҳақиқат, маслаҳатли ош ачимас, деганлар. Ахир, фронтга ёрдам — бу зўр иш. Ҳеч ким бундай ёрдамдан четда қолмаслиги керак. Фақат... — чол икки қўлини тиззасига қўйиб, сўзида давом қилди: — Мана шундай, тушундингми?.. Дарҳақиқат, ҳамма биргаликда, ҳамжиҳатликда ҳал қилгани маъқул. Ҳеч ким четда қолмасин, эртага кечқурун мажлис қиламиз, ҳаммаси шунда ҳал бўлади.

Холбиби чолнинг сўзларини қунт билан тинглаб, яна ўрнидан туришга интилди. Каравотдан зўрға ерга тушиб, бир зум тик турган эди, кўзлари тиниб, гандирак-лаб кетди. Умурзоқ ота уни дарҳол суяб қолди.

— Нега уринасан? Нимага турдинг?..

— Совға-салом ҳозирлашга, отаси. Сабрим чидамайинти. Ун, майиз, ёнғоқ дегандай...

— Ёнғоқ эмиш... Ҳамма нарсанинг ҳам ўз вақт-соати бор, ахир. Мен бор, Ойқиз бор... Совға-саломни ўзимиз ҳам ҳозирлайверамиз. Сен ёт... ором ол. Озгина бўлса ҳам овқат есанг бўларди. Бу аҳволда куч бўладими, оёғингни кўтаришга ҳам мадоринг етмай қолади.

Умурзоқ ота ҳам, Ойқиз ҳам унинг ўрнидан турганига шод эдилар, бу тузалиш белгиси эди. Бироқ Холбиби иссиқ нонни эндигина қатиққа ботириб еган эди, бирдан боши айланиб, оёқ-қўллари қалтираб, зўрға каравотга етиб олди.

У шу кўйи икки кунгача овқат емай, жойидан қўзғалмай ётди. Бир куни кечқурун Умурзоқ ота Холби-

бининг ёнига кириб, курсига ўтирди ва мамнун бўлиб деди:

— Гап шундай, опаси. Менинг таклифим бир оғиздан қабул қилинди, қабул қилинганда ҳам дегин, чапақлар билан қабул қилинди.

Холбиби ранги ўчиб, ошпоқ ёстиқ устида бошини чайқади.

— Сенга нима бўлди?— сўради Умурзоқ ота хавотирланиб.

— Билмадим.

— А, нима?

— Нима деяпсиз?

— Ҳа, шундай, ўтган ҳафтада сенга тушунтириб айтгудим, биров гўшт билан, биров ун билан, яна биров бошқа нарса билан фронтга ёрдам қилади.

Холбиби чолнинг сўзларини маъқуллаб бошини қимирлатди.

— Фақат, фақат...— деди чол бўшашиб ва сўзининг охирини айтмай, жимиб қолди.

Холбиби савол маъносида эрига тикилди.

— Бу иш менга топширилди. Энди уйга ҳам кеч қайтаман. Энди сен тетик бўл, хотин.

— Ҳозир тузукман,— деди одатдагидан кучлироқ овоз чиқариб Холбиби.— Энди тузалиб қоларман. Мендан хавотир олманг, фронтга совга-салом йиғаверинг.

Янги топшириқ билан ишлари кўпайиб кетган кунларнинг бирида Умурзоқ ота пешинда уйига кириб келди. У одатдагидек Холбибининг олдидаги курсига ҳам ўтирмай, ҳовлиққан ва ҳаяжонга тушган ҳолда деди:

— Ўйлаб топганларини қара-я! Мени фронтга юборар эмишлар. Бунга нима дейсан?

— Фронтга? Сизни-я? Чол одамни-я? Ошпоқ соқоли-гиз билан-а? Ким юборар экан?

Холбибида қандайдир куч ва овоз пайдо бўлди.

— Шошма, шошма,— деди Умурзоқ ота Холбибини тўхтатиб,— нималар деганингни билипсанми? Ҳақ гапини айтсам, бу менга катта ишонч, катта мартаба. Дарҳақиқат, фронтга бориш... колхоз вакили бўлиб, ўзбек халқи номидан, республика номидан бориш, биласанми, бу...

— Сиз ўзингиз-чи?— сўрашди она-бола бирданига,— боришни истамайсизми?

— Умурзоқ чол фронтга боришни истамас эканми?

Нима, ақлдан оздиларингми? Биласизларми, фронтнинг ўзига эмас, жангчиларимиз ҳузурига меҳмон бўлиб борамиз. Уларга совға-салом олиб борамиз. Дарҳақиқат, бундай ишга энг муносиб кишилар юборилади.

— Сиз-чи? Муносиб эмасмисиз?— деди Ойқиз.

— Қандай қилиб сизларни ёлғиз ташлаб кетишимни ўйладим. Ойнинг бўлса касал...

— Майли, бораверинг. Бу муқаддас иш,— деди Холбиби жиддий тусда.

— Албатта, муқаддас иш. Тезроқ тузалиб олсанг эди...

— Тузалиб қоларман, отаси.

Холбиби ҳақиқатан ҳам тузалиб қолгандай дарҳол ўрнидан турди ва деворни, стулни ушлаб дастурхон ёзмоқ ниятида нариги хонага чиқди. Бироқ Ойқиз ойнисини хонтахта олдидаги кўрпачага авайлабгина ўтқазди.

Эртасига Умурзоқ ота яна янги хабар келтирди.

— Биласанми, қизим,— деди у Ойқизга,— жўнайди-ган бўлиб қолдик, ҳозирлик кўр. Йиғилган нарсаларни уч кун ичида вагонга ортишимиз лозим. Сўнгра вагонимиз эшелонга уланар экан. Эшелоннинг ва делегациянинг бошлиғи ўртоқ Охунбобоевнинг ўзлари. Энг севимли оқсоқолимиз, республикамизнинг президенти.

Ўн учинчи боб

Умурзоқ отанинг жўнаганига ҳам икки ҳафта бўлиб қолди. Ойқиз дадаси билан станцияга бормоқчи ва фронт учун йиғилган совға-саломлар ортилган эшелонни ўз кўзи билан кўрмоқчи эди. Дадаси айтган митингда бўлиш, Охунбобоевни кўриш (у ҳалигача Охунбобоевни кўрмаган эди), унинг сўзини эшитиш, кейин эшелоннинг жўнатилишини кузатиш — буларнинг ҳаммаси жуда тантанали ва ҳаяжонли эди. Дадаси ҳам рози эди. Бироқ Ойқиз станцияга боришнинг ҳеч иложини тополмади. Станция Олтинсойдан ўттиз чақирим масофада. Бунинг устига бирдан-бир транспорт — арава эди. Умурзоқ ота бўлса станцияга икки кун олдин жўнаб, йиғилган нарсаларни вагонга ортиш ишини шахсан ўзи кузатиб турарди.

Ойқиз касал ойнисини бир-икки кунга бўлса-да, ташлаб кетолмасди. Дадаси станцияга жўнани олдидан бирга

олиб бориш тўғрисида оғиз очди-ю, қизининг боролмаслигини тушуниб қолди.

— Дарҳақиқат, хайрлашгани келарман, — деди кета туриб дадаси.

Ойқизнинг кўнгли ўксиганини фаҳмлагач:

— Майли, отга мингаштириб оларман, — деди.

Ойқиз нафасини ҳам чиқармай бош қимирлатиб, розилик билдирди.

Дадаси хайрлашгани келолмади, унинг ўрнига ҳовлига колхоз раиси Қодиров кириб келди-да, отдан тушмай, ичкаридан чопиб чиққан Ойқизга деди:

— Дадангни кузатдик. Йўнаб кетганимни айтиб қўй, деган эди.

— Йўнаб кетдилар?!

— Ҳа, жўпатиб қўйдик.

— Йўнатиб... отдан тушинг, уйга киришг.

— Йўқ, уйга боришим керак, чарчадим. — У отнинг қорнига бир қамчи уриб, дарвоза томон йўл олди-да, икки қадам босган отнинг юганини тортиб, Ойқиздан сўради: — Ойнинг қандай? Соғайиб қолдимми?..

Ойқиз жавоб беришга улгуролмай, Қодиров кўчага чиқиб кетди.

Умурзоқ ота фронтга, жангчиларга совға-салом юборишни айтган кундан бошлаб Холбиби ҳам ўридан турадиган ва у-бу ишлари қиладиган бўлиб қолганди. Бироқ Ойқиз ойисини ортиқча уриштирмасликка ҳаракат қилар, бирон ишни қиლაётганини кўриб қолса, дарров қўлидан оларди. Чунки Холбиби ҳали камқувват, нимани олмақчи бўлса, қўли қалтираб кетарди: эшик олдини суғурмоқчи бўлганида қўлидаги супурги бир неча бор тушиб кетган эди. Бир сафар Ойқиз йиққан ўри унга ёқмай, қайтадан тахламоқчи бўлганида, кичкина атлас ёстиқ ҳам қўлидан тушиб кетганди. Ҳатто чой қуйилган пиёлани тушириб юбориб чилпарчани қилди.

— Вой, қизим, нима қилиб қўйдим? — деди у хафаланиб пиёла синиқларига тикилганича.

— Майли, ойижон, ачинманг, идиш синса — яхшиликка дейдилар. Қўлингиз куйгани йўқми?

— Йўғ-е... куйганим йўқ, — деди-да, тиз чўкиб, пиёла синиқларини тера бошлади.

— Ойижон! Қўйинг, ўзим териб оламан. Мана, бошқа пиёлада чой ичинг, дам олинг.

Қизининг елиб-югуриб иш қилишини, уздабуронлигини ва айниқса ўзига муттасил меҳрибонлик қилаётганини кўрган она ич-ичидан қувонарди. Ўзини совуқдан қалтираётгандек ҳис қилган кампир қизи берган чойдан қайноқ-қайноқ ичгач, танасига ёқимли иссиқлик югурди. У хонтахта атрофига тўшалган кўрпача устида, аллақачон эскириб кетган кўк кўйлаги ичда оёқларини чордана қуриб қизи ёнида ўтирарди. У нимжон қўллари билан дастурхон устидаги шиёлани олди, одатдагидек тиззасининг устига қўйиб, шиёлани икки қўллаб ушлаганича, унга тикилган ҳолда хаёлга чўмди.

Дақиқалар сувдек оқиб, шиёладаги чойнинг ҳам ранги ўзгариб, кўкимтир ҳолдан қуюқ сариқ тусга айланди. Ойқиз ташқарига чиқиб, яна қайтиб кирди. Бироқ Холбиби ҳамон шиёлага тикилганча хаёл дарёсига фарқ бўлган эди.

— Ойижон... ҳеч нарсани ўйламапг!..

Ойқиз онасининг елкасига оҳиста қўлини қўйди.

— А?

— Кўп ўйлайверманг, ойижон, хўшми?

— Ўйлаганим йўқ, қизим. Фақат... У кўз олдимда... кичкина болалигича...

У шиёладан кўзини олди-да, қизига тикилди. Лаблари товушсиз қимирларди.

Оҳ, оналаримизнинг лаблари... Болам, дея кўз ёшларининг қанчадан-қанча шўр таъминни татиётганлар. Уларнинг лаблари ғамдан сомондай сарғайиб, ўлимдан кўмирдек қорайиб кетарди.

Вақтинки келиб, болалари бахтли бўлса, оналарнинг лаби ёш қизларнинг лабидек нурли бўлиб кетади.

Ойқиз онасининг лабига тикилиб унинг ганини эшитишга ҳозирланди.

— Бешикка белардиму... ёз кунлари ўрик дарахтининг соясига олиб чиқардим. Кунларнинг бирида олдига чопиб чиқсам, уйқудан уйғониб, бошини кўтарди. Дарҳол ечиб олдиму ёнимга ўтқазиб, бешикни йиғиштириш билан овора бўлдим. У бўлса бешикни ушлаб ўрнидан турди. Биринчи марта-я, тавба... Қўрқиб кетганимдан қотиб қолибман. Юрагим дук-дук ургандек бўлди. Ҳам қўрқдим, ҳам қувондим. Оз ўтмай ўзимга келдим, қўрқув кетиб қувонч қолди. «Мана менинг Темурим,— дедим ичимда,— биринчи марта оёққа турди»

Холбиби жим бўлди. Кўзларидан мунчоқ-мунчоқ ёш оқиб, пиёлада совиб қолган чойга тушаверди. Кўз ёшини кафтининг орқаси билан артиб, шивирлагандек сўзида давом қилди:

— Болам кўз ўнгимда... Биринчи марта отга мингани кўз олдимда... Узи эмас, отаси отга миндирган эди. Қўрққанымдан: «Отдан туширинг», деб қичқирган эдим. Ахир у бола-ку, йиқилса нима бўлади? Отимиз асов эди...

Ойқиз ойисининг сўзини қошларини чимирган ҳолда қунт билан тингларди.

— Холанг кўринмайдими? — сўради Холбиби тўсатдан.

— Қайси холам?

— Битта холанг бор-да.

— Елена Никитичнами?

— Ҳа.

— Касал. Уша кундан буён касал.

— Нимадан касал бўлди экап?

Унинг овози жиддийлашди, юзида қўрқув пайдо бўлди:

— Бориб кўриш зарур.

— Ойижон, ўзим бораман. Сиз безовта бўлманг. Нима зарур бўлса, ҳаммасини ҳозирлаб қўйганман.

— Баракалла, қизим. Бечора...

— Албатта. Елена Никитична ёлғиз, мусофир, уни сира-сира унутмайман.

Елена Никитична Горишева Олтинсойга 1941 йил кузида келган эди. У Воронежга яқин жойдан бўлиб, саккиз яшар қизи Саша билан олдин Саратовга, сўнгра Ўзбекистонга кўчирилган эди. Она-бола узоқ вақт йўлда, нафас олиб бўлмайдиган даражада зич ва тикиқ вагонларда, оҳ-воҳ ичида кўз ёшлари тўкиб, ниҳоят, Олтинсойга етиб келдилар. Йўлда қиз терлама касалига дучор бўлади. Она ёлғиз боласини ўлим чапгалидан қутқазиб қолмоқ учун тивитдан тўқилган Оренбург рўмоллини, жундан тўқилган кўк кўйлагини, ҳатто никоҳида тақилган узугини ҳам сотишга мажбур бўлади. Бироқ Сашани сақлаб қололмади: онанинг рамхўрлиги ҳам, кўз ёшлари ҳам, станциялардаги савдогар хотинлардан сотиб олинган оппоқ-оппоқ қоқ нон ҳам, сузма ҳам. Шундай қилиб, Саша абадий кўз юмди. Елена Никитична йўлда, одамсиз чўлда, кўчма қумлар ичида уни ўз қўли билан

кумди-ю, орадан бир ҳафта ўтгач, сочлари пагадай оқарган ҳолда Олтинсойга кириб келди.

— Эртага эсимга солгин,— деди Холбиби қизига.

— Нимани?

— Ўзим бориб кўриб келай... Сомса пишир, қизим.

— Хўн бўлади.

— Нима учун дадангдан дарак йўқ-а? Хат келадиган вақт бўлди. Хатни олиб келадиган ҳам ҳеч ким йўқдир.

— Нега бўлмасин. Бор. Жиянигиз хат ташувчи бўлган. Ғафур тоғанинг ўгли-чи, Азамат.

— Азамат?!

Холбиби бошини кўтарди, қўрққаниданми ёки ҳаяжонланганиданми, кўзлари катта очилди.

— Ҳа, шундай. Нега қўрқиб кетдингиз?

— Йўқ, йўқ, болам. Мен... шундай...— деди она яна юмшоқ ва нимжон овоз чиқариб,— уни ёқтирмайман, қизим... Нима учунлигини ўзим ҳам билмайман. Раҳмим келиши ўрнига, ёқтирмайман... Отанг ҳам уни... акам Ғафур тоғанг... Қамоқда...

— Унинг жойи турмада!— деб юборди Ойқиз ўзини тўхтатолмай.

— Бунчалик бўлма, қизим. Ўчакишма. Ҳа, ўчакишсанг, сени яхши кўрган одам бўлмайди. Ҳа, қизим.

— Майли, Ғафур тоғам билан Азаматга ўхшаганлар яхши кўрмаса кўрмасин. Мен уларнинг яхши кўришига зор эмасман. Ҳали, сиз, яқинда Азамат менга нима деганини эшитганингиз йўқ.

— Нима деди?— сўради Холбиби дарҳол.

Бироқ Ойқиз жимиб, бошқа хонага чиқиб кетди ва идишлар тўла шкаф олдида нималар биландир банд бўлди. Ичкаридан идишларнинг бир-бирига теккан овози эшитиларди, холос. Холбиби икки тиззасига энгагини қўйиб, кўрпачада ўтирган ҳолда хаёл сурарди. Бир оздан сўнг астагина ўрнидан турди-да, қизининг ёнига кирди:

— Сенга нима деди у?— сўради япа.

— Ким тўғрисида сўраяпсиз, ойнажон?— сўради Ойқиз таажжублангандек.

— Жияним Азамат тўғрисида. Нима деди?

— Ҳа-а,— Ойқиз кулиб юборди.— Азамат денг, эсимда йўқ.

— Ҳозиргина айтдинг-ку, қизим. Сен билан учрашганида нима деди? Ё қўрқитдими?

— Кўрқитди? Олдин бурнини артиб олсин,— деди у нафрат билан.

Бироқ у Азамат билан бўлган учрашувни сира-сира хотиридан чиқара олмас эди. Кечалари уйқуси қочиб, опасининг нафас олишига қулоқ солар, мизгилмай Азаматнинг мудҳиш сўзларини эсларди. Бу сўзларни жирканч билан такрорлаб, Азаматга яна нафрат ўқирди.

— Ҳа, опамиз! Салом,— дебди Азамат сурбетлик билан уни кўчада учратиб.— Анчадан буён сенга айтадиган гапим бор эди...

У елкасидаги ичи бўш брезент сумкасини тузатиб бир зум жим қолибди.

— Кўрқмай гапиравер, нега нафасинг чиқмай қолди,— дебди Ойқиз.

— Кўрққаним йўқ. Ичидаги гапни айта олмайди, деб ўйлама. Елгизоёқ йўлда бир-биримизга юзма-юз келганимизни кўриб турибсан-ку?!— дебди.

У Ойқизнинг бошидан оёғигача нафрат ва заҳар билан тикилади.

Тонг отарга яқин момақалди роқ гумбурлаб, жала ёққан, шунинг учун ҳам йўллар лой эди. Фақат сал-сал қуриган шу ёлгизоёқ йўлда улар юзма-юз келадилар. Азамат Ойқиздан икки ёш кичик бўлса ҳам, ундан анча тикроқ, ўн тўрт ёшга тўлган, қошлари қалин, мўйловининг ўрни қорамтир бўлиб сезилиб турарди. Қўллари узун ва бақувват эди.

— Ойим билан сени кутган эдик. Келин ойинг билан укашдан хабар оларсан деб умид қилувдик. Ахир, дадамни қаматган сен-ку,— деди Азамат заҳар билан ер остидан унга тикилиб.

— Уйларингга бордим. Сен ҳам, келин ойим ҳам йўқ экансизлар,— деди Ойқиз унинг сўзларини эшитмай, ранги ўчган ҳолда.

— Бундан хабаримиз йўқ.

— Ўзинг-чи?

— Мен?

— Нима учун ўзинг келмайсан? Бошимизга катта кулфат тушди.

— Кулфат? Катта кулфат? Йўқ... Ҳали бу ҳам сизларга оз,— боланинг юзлари ўтдай ёнар, кўзлари ёш билан тўла эди,— дадамни қаматганинг учун жазонгни худо беради. Ҳали қараб тур. Худо ўзи кўрсатади.

— Ким кўрсатади? Худо кўрсатади?— Ойқиз қаҳ-қаҳ

уриб кулиб юборди,— ростини айтаман, сенга раҳмин келяпти.

— Раҳминг келмай қўя қолсин. Энди ўзингга раҳминг келсин. Эҳтиёт бўл. Тагин қорахат олсанг мендан кўриб юрма...

Ойқиз унга тикилганча қотиб қолди. Тили калимага келмади, лаблари музлаб қолгандек бўлди.

— Нима?— унинг оғзидан отилиб чиқди шу сўз.— Нима?

Азамат аллақачон ғойиб бўлган эди. Ким билсин қаёққа? Балки иморатларнинг орқасига ўтиб, тор кўчаларга кириб кетгандир.

Ойқиз нима қилишини билмай ғазаб ичида ёлғизоёқ йўлдан Азаматни қидириб тор кўчага бурилган, аммо унинг қораси ҳам кўринмаганди. Ойқиз уни қувиб етишни, бўғиб ташлашни истарди. «Бўғиб ташлаганимда ҳам, афт-башарасини дабдала қилишим шарт,— деб ўйларди у кечалари уйқуси қочганда,— майли, яна қўлимга тушиб қолар...»

Бироқ Азамат унинг қўлига тушмади. Орадан беш кун ўтгач, Олимжондан хат келди. Азамат бу хатни Лола орқали бердирди.

Ун тўртинчи боб

Холбиби кундан-кун дармонга кириб, кучига куч қўшилди. Энди у рўзғор ишларини яна ўз қўлига олди. Ойқиз бўлса колхознинг дала ишларига чиқадиغان бўлди. Онаси ғам-аламинини анчагина унутгандай бўлса ҳам, баъзи-баъзида кўзларидан оққан ёш юзларини ювиб, энгагининг остидан қўнғироқчадай осилиб қоларди. Холбиби булоқ сувидай оқиб тушадиган кўз ёшларининг сабабини билмас, уларни гоҳ кафти билан, гоҳ ениги учи билан артарди. Баъзи-баъзида кўзларидан шунчалик кўп ёш оқардики, у бошидаги чит рўмолини ечиб олишга, юзларини ва энгақларининг остини артишга мажбур бўларди. Гилам сунурганда, мис самовар ёки чўян қозонни тозалаганда, эрининг кўйлагига ямоқ солганда кўз ёши тинимсиз оқарди. Эрининг ёшлигида кийган бу кўйлагини сандиқда, эски-тускилар ичда, ранги ўчиб, эскириб кетган кийимлар орасида, Холбибининг паранжи-чачвони ёнида ётарди. Сандиқдаги кийим-кечаклар ичида энг янги-

си ҳам шу паранжи-чачвон эди. Холбиби шу чачвон билан юзини неча бор беркитганини ҳам эслайди. У келинчаклигида, аравада эрининг уйига келтирилганида, ундан сўнг меҳмонга борганида чачвон тутган эди, холос. Умурзоқ отанинг тили билан айтганда, у хотинини ҳеч қачон паранжи-чачвон ёпинишга зўрлаган эмас. Шунинг учун ҳам сандиқнинг остидаги бу лаънати чачвон ҳали-ҳали янгидай эди.

Устига қора ва тўқ сариқ тунука қоқилган бу сандиқда ҳеч қандай қимматбаҳо буюмлар йўқ: унинг ичида эски-янгилар белбоғлар, Умурзоқ отанинг яктаги, Ойқизнинг учта чит ва битта атлас кўйлагичи, бахмал камзулчаси, турли-туман дўппилар сақланарди, холос.

Илгарилари Холбиби сандиққа ортиқча қарамас эди. Сўнгги вақтларда эса сандиқ ичидаги кийим-кечакларни тез-тез титкилайдиган бўлиб қолди. Ҳар кунчи, ҳатто бир кунда неча бор сандиқнинг қопқоғини очадиган, унинг олдида соатлаб ўтирадиган, кийим-кечакларни олиб, қайтадан жой-жойига тахлаб қўядиган бўлди. Баъзи-баъзида сандиқ ичидаги кийим-кечаклар Холбибига ўтмишни эслатар ва унинг кўзларини жиққа-жиққа ёшга тўлғазарди. Холбиби турли-туман кийимлар, буюмлар ичидан Темурнинг бирор нарсасини, қизил бахмалдан ўзи тикиб берган дўппиними ёки унинг қўли билан ёзилган дафтарними топиб оларди-да, анчагача унга термилиб, кўз ёшларини тўкарди. Кунларнинг бирида у Темурнинг этикчасининг бир пойини топиб олди, бу этикчани Умурзоқ ота қандайдир улуг айём кунларида сотиб олганини эслади. Этикчанинг иккинчи пойини қидиришга киришди. Сандиқнинг ичидаги ҳамма нарсани титиб кўрди, лекин этикчанинг иккинчи пойи топилмади. Унинг ўрнига бир дона оппоқ пилла топиб олди. Темур ҳамма нарсага қизиқар, онаси яқинда унинг дафтарларини титганда ичидан кузда қуритилган ўрик дарахтининг япроғи чиққанди.

У сандиқ тагидан топилган пиллага узоқ тикилди ва колхозга ҳаммадан кўп пилла берган йилини хотирига келтирди. Пилладан мўл ҳосил олишда ёшлар ҳам унга бас кела олмас эди. Чунки Холбибининг қуртхонаси ҳаммаша тартибли, тоза эди: деворлар сутдай оқланган, барг сақлаш, барг кесиш, қуртга меҳр билан қараш унга одат бўлиб қолган эди. Шунинг учун ҳам Холбиби боққан қуртлар семиз-семиз, бўлиқ, соғлом, ҳаммадан олдин

етилиб, дастага кирарди. Холбиби тўнғич пиллани кўриб, ич-ичидап қувонар ва уни уйига олиб келиб эри ва болаларига ҳавас билан кўрсатар, «Мана, ўз қўлим билан етиштирилган пиллам, кўринглар», деб севинарди. Хўш... энди-чи?.. Нималар бўлмоқда? Қачонгача уйда, шу сандиқ олдида? Ахир, пилла ҳозир ҳам зарур-ку, айтишларига қараганда, пилла ҳатто уруш учун ҳам жуда зарур эмиш. Пилла зарур!

Холбиби сапчиб ўрнидан туриб, сандиқдан ниманики олган бўлса, ҳаммасини қайтадан жойлади, қаддини ростлаб, сандиқнинг қопқогини ёпди.

Шундай қилгани маъқул, шундай мусибатли вақтда уйда ўтириш уят эмасми? Ҳозир баҳор. Айни қурт боқиб пайти. Қуртлар даҳага кирган пайт, қуртхонага бориш керак.

Холбиби шуларни кўнглидан ўтказиб, қуртхона томон шамолдай учиб бораркан, кўчада Ойбуви деган камширга дуч келди. Ешлигида Олтинсойнинг энг гўзал аёли ҳисобланган Ойбуви энди ёши бир жойга бориб, букчайиб қолганди. Холбиби у билан узоқ сўрашиб туrolмади.

— Холажон, кечиринг, шошиб турибман,— деди-да, қаерга кетаётганини айтишга ҳам улгурмаган эди:

— Холбиби амма, Холбиби амма!— чақирди кимдир орқадан.

Бироқ у эшитмаган кишидек, қадамини яна тезлашгирди ва муюлишдан бурилиб, кўчага кириб кетди. Кўчанинг охирида узунасига тушган бино бўлиб, унинг томи қамиш билан ёпилганди. Бу урушдан олдин колхоз гомонидан қурилган янги қуртхона эди. Қуртхонанинг нариги томонида қуртларнинг озиқ-овқат кони — кенг тутзор кўзга ташланиб турарди.

Холбиби қуртхонага тезроқ кириб бориш, уни супуриб-сидириб, тозалаб, тартиб ўрнатишни (усиз гўё тартиб ўрнатилмагандек), тутзорни кўздан кечиритишни ўйларди, барг қандай кесилаётганини, баҳорда экилган йўнғичқа кўм-кўк униб чиққан-чиқмаганлигини кўришга ошиқарди. Албатта, тутзорни ҳам парвариш қилиш зарур, шундагина қуртларнинг озиқ-овқати мўл-кўл бўлади.

— Холбиби амма! Уҳ, сизга етай деб ҳолдан тойдим-а. Шунча чақирсам ҳам эшитмайсиз!

Унинг қаршисида икки оёғини кериб, икки қўли билан худди автомат ушлагандек, сумкасининг қайишини ушлаб Азамат турарди.

— Қаерга шоппиласиз? Сизни бетоб дейишган эди-ку.

Бу ўспириннинг нима учун келгаьга, нима учун чақирганига тушунолмаь Холбиби жим турарди. Унинг келиши яхшиликдан дарак берадиганга ўхшамасди. Холбиби кўрқинч ва ваҳима ичида Азаматнинг буйнига эсилган брезент сумкага тикилди. Бирдан ранги ўчиб, титроқ турди.

Азамат унинг қотиб қолган кўзларини, озиб кетган юзларида ранг қолмаганини кўргач, нима қилишини билмай қолди.

— Уҳ! Иссиқ! — деди дўншисини чаппа қилиб кийгач.

— Хўш. Нима ишинг бор? Гапир! — деди Холбиби жиддий тусда.

Азамат сумкасининг ичини титкилаб, бир хат олди.

— Мана шунинг учун. Кўринг. Бу хат сизга.

— А?.. Нима бу... Кимдан?

Холбибининг лаблари қорамтир тусга кирди. Ваҳмадан овози ҳам чиқмай қолди.

— Азамат, кўр-чи, кимдан.

— Номаълум хат.— У қўлидаги хатни айлантириб кўрди:— Кимданлиги ёзилмаган. Очиб ўқийми?

— Ўқи, болам, ўқи!

«Сизнинг ўғлингиз старший сержант Алишер Умурзоқов Совет Ватани учун олиб борилган жангларда, ўз қасамига содиқ бўлиб, қаҳрамонлик ва ботирлик кўрсатиб, жанг майдонида мардларча ҳалок бўлди. Ҳарбийча ҳурмати бажо келтирилиб, дафн этилди».

— Нима, сен? — деди Холбиби бошда гўё ҳеч нарса бўлмагандек, кейин бирдан овози борича қичқириб юборди,— йўқ... йўқ... ўғилчам... йўқ.— У ўзини пашавадап кўригандай, ёмон хабарни қўллари билан улоқтириб ташлашга ҳаракат қиларди. Бир зумда ҳолдан кетиб, пашша кўришга ҳам мадори қолмади. Нафас олалмай олдинга интилиб туриб, ёнбошига йиқилди. Лаблари қоп-қора бўлди-ю, кўзлари катта очилиб, ойнадай қотиб қолди.

Азамат хатни икки буклаб, конвертга солди.

— Уруш,— деди у,— чорамиз қанча.

Шундай деди-ю, Холбибининг гавдаси устига ўзини ташлаб, овози борича қичқирди:

— Амма, аммажон, сизга нима бўлди?

У аммасининг бошини икки қўли билан кўтариб, ваҳима ичида сўрай бошлади:

— Сизга нима бўлди, аммажон? Холбиби амма, дейман, бирор нима десангиз-чи, гапиринг, ахир!..

Холбиби ҳамон мурда эди. Азамат унинг бошини, гавдасини қимирлатиб кўрди. Ҳамон жонсиз эди.

— Холбиби амма! Шошманг.. Мен ҳозир... Ҳозир сув келтираман...

Азамат унинг бошини оҳистагина ерга қўйди-да, жонжаҳди билан ариққа югурди. Дўпписини тўлдириб сув келтиргач, аммасининг ёнига тиз чўкди ва қўл-оёқлари титраб, унинг оғзига сув қўйди.

Аммо Холбиби сув ҳам ичмас, гапирмасди ҳам. Унинг оғзига қуйилган сув юзларидан, энгаклари остидан оқиб тушарди.

Азамат сапчиб ўрнедан турди, қўрққанидан юраги гурс-гурс урарди, аммасининг юзига термилиб турди, кейин тўрт томонга кўз югуртирди-да, қуёш нурида чақнаб турган тор кўчадан жон-жаҳди билан чошиб кетди. Азамат ўн қадам чамаси югургач, таққа тўхтади ва сўнгра нима учундир оёқ учида орқасига қараб югурди.

Холбиби йўл бўйида, ариқ яқинида қандай йиқилган бўлса, худди шундай кўм-кўк ўтга бош қўйиб жонсиз ётарди.

— Ҳой, одамлар! Ҳой, эшитяпсизларми? Холбиби амма ўлиб қолди!— Овозининг борича қичқирди Азамат.

Ўн бешинчи боб

«Мана шу сумканинг ичида, унинг қўлида мен учун даҳшатли ва мудҳиш хабар бор... Мудҳиш ва даҳшатли? Йўқ, йўқ! Наҳотки, Олимжон ҳам ўлган! Йўқ, йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас... Борди-ю, бу мудҳиш ўй ҳақ бўлса, унда бу кўм-кўк осмоннинг не кераги бор, гуллар ва қушларнинг не кераги бор?.. А? Уларнинг не кераги бор?.. Ким учун?.. Агар у тирик эмас экан, осмон ҳам, гуллар ва қушлар ҳам керак эмас... Агар Азамат яна қоракхат келтирса-чи... Яна атрофга жар солиб хўрласа-чи... Қошлари чимирилган, кўзлари девнинг кўзидай алаанглаб... орқамдан ахтариб юрипти...»

Ойқиз қари тут дарахтининг танасини қаттиқ қучоқлаб ўзининг юрак уришига қулоқ солди. Қўрқинч ва ваҳимага тўлган юрак тобора қаттиқроқ урар, урганда ҳам тут дарахтининг танасига ураётгандай, тез-тез, тобора изтироб билан, тобора кучли овоз билан дук-дук урарди. У қўрқа-писа тут дарахти орқасидан бир кўзи билан Азаматга тикилди. У ҳамон брезент сумкаси ичидан ниманидир қидирарди.

«Мана шу сумканинг остида ранг тўкилиб доғ бўлган жойи бор,— деб ўйлади Ойқиз ичида,— бинафша ранг. Уни мен ўша куни... кўрган эдим. Ҳа, ҳа, ўша дақиқаларда, қувонч топаман деб, қорахат топган эдим. Ёхтимол, Азамат бу сумкада қорахатлар билан бирга ўзининг дафтар-қалами ва спёхдонини ҳам олиб юрса... Ана, у, мен томон келаётир...»

Ойқиз бир зумда тиз чўкди-ю, икки қўлини ерга қўйиб, Азаматдан яширинишга интилди. У билан учрашишдан, кўзи кўзига тушишидан, ҳатто дарахтнинг орқасидан бўлса ҳам қарашдан қўрқарди ва шунинг учун ҳам ерга, ўтларнинг ичига оёқларини узатиб, бошини ўтларнинг ичига тиқиб, нафас ҳам олмай яшириниб ётарди.

«Нима учун у билан учрашишдан шунча қўрқаман-а? Ҳа, қўрқаман! Ахир, ундан қўрқмай бўладими!.. Ахир, Олимжондан ҳам қорахат келтириши мумкин-ку. Ҳа, энди Олимжондан. Энди фақат Олимжон қолди. Йўғ-е! Ундан кўра унинг қорасини ўчириб, бўғиб ташлаган яхши эмасми? Шундагина қорахат келтирадиган одам йўқоларди. Йўқ, йўғ-е... Тўхта... Ахир, қорахат келтириш фақат Азаматнинг қўлидами? Ойқиз, Ойқиз, қанчалик бемаъни сўзларни айтаётганингни биласанми?.. Ҳар ҳолда, у лаънати бола. Ўлдирсанг ҳам ҳақинг кетади. Ўлдирмасанг ҳам нафратингга дучор бўлиши лозим! Йўқ, йўқ, бу ҳам унга оз, уни итни ўлдиргандай ўлдирш зарур. Қаранг, ўзи гўдак бўлса ҳам, итдан баттар».

— Ойқиз! Ойқиз! Нималар деб жавраяпсан?— У боши устидан чиққан овозни эшитди. «Ахир, овозимги чиқариб гаширганим йўқ-ку! Фақат ичимда айтдим-ку...» деб ўйлади Ойқиз ўтлар орасидан астагина бошини кўтариб.

— Вой, Олимжон ака!— дея қичқариб юборди у қувончи ичига сигмай. Энди дақиқалар сайин севиқ-қу-

вончи ошар, кўкрагига сиғмай тўлқин урар, ташқарига отларди.

— Нима учун ерда ётибман? Туришим керак. Сапчиб туришим керак...— У ўз сўзларидан ўзи уялиб кетди. Уялиш, пйманиш ва бахт тўла ҳис-туйғулар осмон гумбазидай кенг ва улугвор эдики, энди Ойқиз ўрнидан туриб, унинг чўққисига чиқди. «Олимжон ака... Олимжон ака... — дер эди ўзига-ўзи шивирлаб ва бошқача ифода қилишга сўз тополмасди.— Бу сизми, Олимжон ака? Ахир, бу ерда Азамат турувди-ку. У сизни ҳам ўлди деб қорахат келтирувди. Мен бўлсам ундан яшириндим. Мана, тирик экансиз...»

— Тез ўсибсан-а, Ойқиз... шунча ҳам чиройли бўпсанки... — деди Олимжон.

Унинг устида гимнастёрка, оёғида хром этик, бошида чиройли чуст дўпписи. Фақат кўкрагида Азаматнинг таънати сумкаси осилиб турипти, Ойқиз бу сумкада Олимжондан келган қорахат борлигини сезиб турипти.

— Эсингдами, мен фронтга кетганимда анча ёш эдинг.

— Эсимда.

— Гулга кирган бодом дарахти эсингдами? Мен от устида туриб сен учун гул тўла новдани синдириб олган эдим... Мени унутмаслигинг учун ҳамма гулни теришга рози эдим... Ҳамма гулни...

— Сизни унутганим йўқ... Бироқ урушдан тезроқ келишингизни сўрайман. Қўрқаман, бирор ўқ тегмасин деб, жуда-жуда қўрқаман... Тўхтаб, Олимжон ака... Қаёққа кетяпсиз?.. Мен сиз билан бўлишни истаyman! Эшитяпсизми? Сиз билан!..

У узоқда кетаётган Олимжонни кўриб тургандай бўлди-ю, орқасидан чопди. У етиш учун тўхтовсиз чопди, бироқ қўрқув пачида билса, турган жойида чопган экан. У яна тезроқ чопгиси келди. Чарчаб-ҳориганига, ҳолдан кетаётганига қарамай, ҳамон нафаси оғзига тикилиб, овозининг борича қичқириб олға интиларди, Олимжонга етиб олиш ниятида жон-жаҳди билан чопарди. Ниҳоят, у ётган жойида чопганини билди...

— Ойқиз... Сенга нима бўлди, қизим... Дарҳақиқат, бунча қичқирдинг? Уйғон, қизим...— у ётган жойида дадасининг бўғиқ ва меҳрибон овозини эшитди ва елкасига кўрна ёшиб қўяётганини сезди.

— Вой... дадажон... қичқириб юбордимми-а?..— деди у уйқу аралаш ва каравот олдида, қоронғиликда дадасининг гавдасини кўргандай бўлди-ю, тушими-ўнгими эканлигини билолмади, ҳамон кўрган туши таъсирида эди. Ойқизнинг қулоғи остида ҳамон дадасининг таниши ва ёқимли, тинч ва меҳрибон овози эшитилиб турарди. Ойқиз дадаси олдида ўтирганини сезиб турганидан кўрқув ва ваҳимадан узоқ эди.

Унинг уйқуси қочди. Қоронғида юзидаги совуқ терни кафти билан артди. Бети ва қулоқлари ҳали ҳам ўтдай ёнаётганини сизди.

— Ҳа, болам, нима туш кўрдинг? Дарҳақиқат, кўрқинчли бўлса керак-а?— Умурзоқ ота одатдагидек каравотнинг бир чеккасига ўтириб, меҳрибонларча сўради. Ўзига келган Ойқиз туш кўрганига иқроп бўлди.

Онаси ўлгандан буён анча вақт ўтди. Бу вақт ичида отаси ҳаминша уйда эди. Ойқиз дадаси фронтдан қайтганида уни бутун Олтинсой кутиб олганини эслади. Ўшанда каттаю кичик, Умурзоқ отанинг тенгдошлари бўлган оқсоқоллар ҳам, хотинлар ҳам, болалар ҳам — ҳамма кўчага чиққан эди.

Мартнинг ғира-шира қоронғилик чўккан ва шабада эсиб турган намозгар пайтида, ҳали кечки овқатлар қозонда, сипирлар соғилмаган, қўй ва эчкилар ҳовлиларда сандирақлаб юрганда — ҳамманинг кечки иши бошидан ошиб ётса ҳам, бир кишидай кўчага чиққанди. Ҳамманинг диққат-эътибори бўлажак учрашув билан банд эди.

Одамлар кўчанинг икки томонини тўлдириб турардилар. Оқсоқоллар ҳассаларига суяниб, кўчанинг тўрига, катта қайрағоч томонга, Умурзоқ ота келадиган томонга тез-тез назар ташлаб, ўзаро суҳбатлашар эдилар. Хотинқизлар бўлса бир-бирларига гап бермай кундалик ахборотни, Қизил Армия фашистларни қувлаб бораётганлигини қизгин муҳокама қилардилар. Еш болалар гоҳ кўчанинг ўртасига чиқиб бир-бирлари билан ўйин қилар, гоҳ бу ўйин жанжалга айланиб кетарди-ю, онасидан шипалоқ еб, сўнгра тинчир эдилар. Кўпинча калтакни ювош болалар еб, ҳаммага тегажаклик қилувчи шўх болалар бир чеккада қоларди.

Қўққисдан ҳамма жонланиб кетди, ҳамма тўлқинга келди. Болалар ҳаммадан олдин қайрағоч томон югурдилар.

— Келяпти, келяпти!— деган овозлар, болаларнинг қий-чуви оламни босди.

Узоқда, йўл бурилиб кетган жойда, от минган Умурзоқ ота пайдо бўлди. Умурзоқ отанинг келиши ва раис Қодировнинг севимли йўргасини миниб келиши ҳаммани тўлқинлантириб юборди ва завқ-шавқига сазовор бўлди. Қодировнинг ўзи эса аравадан чиққан ва жунлари ўсиб кетган кулранг отда келарди. Йўрғадан кейин қолмаслик учун Қодиров отини тез-тез қамчилар, от эса қамчи еганда бошини қимирлатиб, юганини жаранглатиб қўярди.

Умурзоқ ота жонажон қишлоғига етиб келгач, йўрғанинг юганини тортди. От битта-битта қадам ташлай бошлади. Унинг ёнида Қодиров минган от ҳам худди циркдаги отларга ўхшаб туёғини баланд кўтариб битта-битта қадам ташлаб борарди. Саман йўрға аста-аста юргани учун ҳам ҳамқишлоқлари Умурзоқ отани яқиндан кўриб, иссиқ саломлашар эдилар.

Умурзоқ отанинг хафалиги ҳаммага сезилиб турарди. У поезддан туниши биланоқ қандайдир кўнгли бўш киши Холбиби оламдан ўтганлиги тўғрисидаги шумхабарни етказган эди. Бу даҳшатли хабар кутилмаганда айтилганидан, Умурзоқ ота бошда сира ишонгиси келмади, юраги шубҳа билан тўлди. Аммо кўнгли бўш ва раҳмдил кишилар тобора кўпаяверганини кўргач, бу гапнинг ростлиги қалбини тирнарди. Уни район партия комитетининг секретари ва колхоз раиси кутиб олдилар ва Қодиров афсус билан бу даҳшатли хабарни айтиб, таъзия билдириб кўнгли сўраганидан кейин Умурзоқ отанинг боши қуйи солинди.

У станциядан Олтинсойгача бўлган узоқ йўлда бир сўз ҳам айтмай, жим ва маъюс келди. Қодиров бўлса сўрашини қўймади: «Қандай кутиб олдилар? Совға-саломларимиз ҳаммага ёқиб тушгандир-а?», «Уруш жуда қўрқинчлими?», «Айтишларига қараганда, фашистлар тумтарақай қочмоқда эмши...» Қодиров унинг фикрини чалғитмоқчи бўлар, бироқ Умурзоқ отанинг хаёли шум хабар ҳукмида банд эди. Шунинг учун ҳам раиснинг сўроқларига узиб-юлқиб, бир сўз билан истар-истамас жавоб қиларди. Мана, у Олтинсой кўчаларида худди қаҳрамондай, лашкарбошидай борарди. Ҳамқишлоқлари уни чин дилдан табрик қилардилар. У қўлини кўкрагига қўйган ҳолда, гоҳ ўнг томондаги, гоҳ чап томондаги халққа таъзим қиларди. Севинчи ичига сиғмаган айрим эркаклар

отга яқинлашиб, Умурзоқ ота билан қўл берипиб кўришардилар. Аммо чол ғамгин ва маъюс эди. Буни сезган ҳамқишлоқлари ҳам ортиқча гап гапирмай, ими-жимиди кўнгил сўраб қўя қолишарди. Умурзоқ ота уйига етиб келгунча кўча одамга лиқ тўла бўлиб, ҳамма ерда жимлик ҳукмрон эди.

Ойқиз улуг сафардан қайтган дадасини кўриши ҳамона юраги тўлиб келди-ю, йиғламасликка ҳаракат қилди, ўзини қаттиқ тутди. Бироқ саман йўрға ҳовлига кириш биланоқ дадасига ташланди-да, узангида турган этигга бошини қўйиб овозининг борича ҳўнграб йиғлаб юборди. Шунча узоқ йиғладики, уни ҳеч ким тўхтатолмади. Умурзоқ ота ҳам эгарда ўтириб, нима қиларини билмай қолди. У отдан тушиши билан қизи яна бағрига отилди ва ўзини тутолмай қон-қон йиғлади.

Ота сукунат ичида бўш хонага кирди, бир зум нима қиларини билмай, сўнгра хонтахта ёнидаги кўрпачага ўтирди-да, икки қўли билан юзини беркитди. Ойқиз дадасининг тугун-тугун бўлиб кетган ва меҳнатда қаварган панжалари орасидан оқиб тушаётган кўз ёшларини кўрди.

Орадан анча вақт ўтиб, Умурзоқ отанинг ғам-алам ўтлари бир оз совигач, у колхозчиларнинг умум йиғилишида фронтга қилган сафари тўғрисида ҳисоб берди:

— Дарҳақиқат, юртимиз душманга қарши муқаддас жанг қилмоқда,— деди у,— ҳеч қандай Темур ёки Искандар Зулқарнайн ҳам ўз куч-қудрати ва ёвузлиги жиҳатидан фашист босқинчиларига тенг келолмайди. Юртимизда оғир, мусибатли, қонли уруш бормоқда. Кўпгина фарзандларимиз...— Отанинг томоғига нимадир тиқилгандай бўлди ва қўлини оғзига қўйиб йўталди-да, бир зум тўхтаб сўзида давом қилди:— Кўпгина фарзандларимиз жонажон Олтинсойга — уйларига қайтиб келишга муяссар бўлолмадилар. Бироқ энди душман қочмоқда! Қадрдон оналар, опа-сингиллар, йиғлаш ярамайди. Йиғламанг,— деди овози оғзига тиқилиб. Бинонинг у-бу томонидан пиқ-пиқ йиғлаётган хотинлар кўринди,— дарҳақиқат, йиғламанг,— деди Умурзоқ ота такрорлаб,— душман қочмоқда!— Ота ғазаб билан кичқирди.— Ҳа, унинг уяси Берлин ҳали ишғол қилингани йўқ, бироқ душман қочмоқда. Ҳали бизнинг фарзандларимиз, ўртоқларимиз ва биродарларимизнинг фарзандлари ғалаба қозонмоқ учун қанчадан-қанча қон тўкишлари турган гап. Биз ҳам бир кучимизга ўн

куч қўшиб ишламоғимиз лозим. Қадрдон олтинсойликлар, эшитяпсизларми, янада кўпроқ дон етиштирайлик. Дарҳақиқат, дон керак. Фронтга яна кўпроқ ёрдам берайлик. Шунинг учун ҳам қўриқ ва бўз ерларни очайлик, асрлар бўйи одамзод қўли тегмаган ерларни ўзлаштириб, ҳосил конига айлантирайлик.

— Сув-чи? Сувни қаердан оламиз?

— Қизилқум қўшнимиз.

— Сахро билан ўйнашиб бўлмайди. Гармсел келса ҳамма экинларни барбод қилади,— халқ ичидан ташвишли овозлар эшитилди.

Умурзоқ ота салобат билан қўлни кўтарди:

— Дарҳақиқат, сув масаласи мушкул. Сувимиз йўқ, албатта. Келинлар, оғайнилар, энг олдин гармсел йўлини тўсадиган иш қилайлик!

— Қандай қилиб? Гармселнинг йўлини тўсиб бўладими?

— Гармсел йўлини тўсадиган куч дунёда йўқ!— деган овозлар эшитилди.

— Шундай куч мавжуд,— деди Умурзоқ ота қатъият билан,— ҳа, мавжуд... мана шу томонда,— деди у қўли билан ғарб томонни кўрсатиб,— ҳосилдор ерларимиз Қизилқумга туташиб кетадиган чегарагача дарахтзор бунёд қиламиз. Иҳота дарахтлари — қайрағоч ва жийда экимиз. Дарҳақиқат, қайрағоч билан жийда сувсиз ҳам ўсаверади.

— Иҳота дарахтлари қачон ўсади?— деди кимдир.

— Ҳақ гап. Қайрағоч тезда ўсмайди,— деди Умурзоқ ота.— Бироқ жийда учун уч-тўрт йил кифоя. У ўсаверади. Қизилқумнинг кўчма қумларини ўтказмайди. Оғайнилар, сўзнинг қисқаси шуки, келинлар, маслаҳат қилайлик. Ғалабага эришмоқ учун иймалар қилмоғимиз лозимлигини маслаҳат қилайлик. Ҳамқишлоқларим, оғайнилар, вазифа шуки, ўтган йилгидан ҳам кўпроқ ва баракалироқ меҳнат қилайлик, мўл ҳосил етиштириб, фронтга жўнатайлик. Нима дейсизлар, олтинсойликлар?

Катта зал Умурзоқ отанинг тақлифини маъқуллаган овозлар ва олқишларга тўлди.

Шундай қилиб, Умурзоқ ота зўр ғайрат ва жасорат билан меҳнатга шўнғиб кетди. Ойқиз дадасининг дилидаги нарса — биринчидан, фронтга кўпроқ ёрдам бериш бўлса, иккинчидан, меҳнат билан ғам-аламдан қутулиш эканлигини сездди. Баъзи-баъзида ана шу ғам-алам Умур-

воқ отапниг бутун вужудини қамраб оларди. Бундай пайтларда кенг ҳовлида, сукунат ичида қомати букилиб юрар, нима қилишини билмай, катта этиги билан айвопнинг устунини тепар, худди бирор ерга отланадигандай миҳга илиб қўйилган юганин қўлига олиб, нималарнидир кўнглидан ўтказар ва яна жойига илиб қўяр, сўнгра пкки қўлнинг орқасига қилиб, бошини қуйи солгани ҳолда ўғилларининг уйига кириб кетарди. Уларнинг бўш каравотлари олдида сукут сақлаб турар, орденлари қадалган бахмал ёстиқчани синчиклаб кўздан кечирар, силлаб-сийпалар, юз-кўзларига суркар, лабларини қўйиб ўпар, сўнгра ёстиқчаларни аваёлабгина жой-жойига қўярди. Кейин фарзандларининг китобларини кўздан кечирар, у-бу китобларга термилиб, ичини очмай яна этажеркага қўйиб қўярди.

Дадасини бундай ҳолда кўриш Ойқиз учун оғир ва мусибатли эди. Шундай бўлса ҳам у ўзини босишга, кўз ёшларини тийишга тиришар, дадасини уйдан олиб чиқиб кетиб, фикрларини нима биландир чалғитишга уринарди.

Шундай қилиб, бу уйдан мусибат жуда оғирлик билан кўтариларди. Ота ва боланинг дилидаги яралар аста-секинлик билан битарди.

Ойқиз дадаси ҳам чекиб ўтирган хонага ҳадеганда киравермади. «Балки тўйиб-тўйиб йиғламоқчидирлар... Халал бермай... Майли, йиглаб олсинлар...» деди ўзига ўзи ва дадасига кўк чой дамлашга туриб кетди.

Дадаси ўтирган хонадан бирдан овоз эшитилди. Ойқиз бу овоздан саросимага тушди. Чунки дадаси ким биландир гаплашарди. Наҳотки?..

Ойқиз қўрқиб кетди.

«Дадамга нима бўлди?— ўйлади у,— наҳотки, ўғиллари билан гаплашаётган бўлсалар ёки ўзлари билан ўзлари суҳбатлашаётганмикинлар?..»

У оёғининг учида юриб келиб остона олдида лабини тишлаб таққа тўхтади. Дадаси Азамат билан гаплашарди. Бола орқасини эшикка қилиб турарди. Ойқиз ўзини астагина эшик орқасига олиб, суҳбатга қулоқ солди.

— Нима учун милицияга бординг?— сўради ота.

Азамат жим турарди.

— Нега индамайсан?

— Айтмоқчи...

— Нима демоқчи эдинг?

— Мени қамасинлар... турмага...— деди Азамат аста

овоз чиқариб. Ойқиз унинг бу сўзини зўрға эшитди.— Мен гуноҳ қилдим...

Ойқиз бир зумда қотиб қолди. Сўнгра бир кўзи билан Азаматга аста тикилди. Азамат Умурзоқ ота олдида бошини қуйи солиб турарди.

— Бемаъни гапларни гапиряпсан, бола,— деди Умурзоқ ота анча жимликдан сўнг.

Ойқиз уйга отилиб кирмоқчи ва: «Отанг ўғрими, сен ҳам ўғрисан. Йўқол бу ердан!» демоқчи эди-ю, аммо ўзини зўрға тутиб қолди.

— Агар қувиб етмаганимда... Қорахатни аммамга бермаганимда...— деди Азамат сўзида давом қилди.

— Билардинг-ку!..— деди ота.

— Нимани?

— Қорахатлигини!.. Ҳа, ўша конверт ичида. Билардингми ёки йўқми?..

— Умурзоқ бобо, билмасдим... Ҳатто шу конверт ичида аммамга қувонч келтирдим, деб ўйлаган эдим...

— Бу болага ишонманг! Сира ишонманг! Ҳамма гапларни ёлғон!— деди Ойқиз хонага кириб,— нега сен ёлғон гапиряпсан! Мен билан учрашганимда нима деб эдинг? Қорахат келтираман деб дўқ урган ким? Сўнгра қорахат келтирдинг, ҳаммасини биласану, аммо чалғитмоқчи бўласан...

— Йўқ, Ойқиз онажон... Дўқ урганам тўғри... Бироқ билсам эдим, Холбиби аммамга бермас эдим, ўқимас ҳам эдим.

— Нега ўқидинг?!

— Бўлди, етар,— деди Умурзоқ ота.

— Йўқол кўзимдан,— деди Ойқиз ҳамон ҳовридан тушмай.— Нега келдинг? Йўқол!

Азамат жойидан жилмади. У сарсимага тушган ҳолда ўзини гуноҳкор сезиб турарди.

— Қулоғинг карми, гапни эшитмаяпсан?— Ойқиз жаҳл ўтида ёнарди.

— Тўхта, шовқин солма, қизим,— деди Умурзоқ ота.

— Мен уни кечирмайман, дада. Йўқолсин бу ердан.

— Мени кечиринг, Ойқиз опа...— деди Азамат.— Гуноҳим йўқ...

— Нима! Ҳозиргина дадамга гуноҳкорман дединг-ку, милицияга ҳам бординг-ку.

— Ҳа. Бордим. Ойқиз опа... тушунинг ахир, ўзимча шундай ўйладим. Бироқ... кечиринг мени...

— Майли, жиян, юр,— Умурзоқ ота унинг елкасыга қўлини ташлади,— энди опанг аччиқланмайди...

«Нега энди у тушимга киреди?.. Башараси бирам хунукки...» — ўйлади Ойқиз. Ёнида энг азиз кишиси, меҳрибони ўтирганини кўриб, кўнгли тинчигандай бўлди.

— Дадажон, шу ердамсиз?.. Сизни уйғотиб қўйганга ўхшайман-а. — У эркаланиб дадасининг қўлларини силади.

— Йўқ, қизим, уйғотганинг йўқ. Дарҳақиқат, ҳали ётганим йўқ эди. Менинг уйқум бедананинг уйқусига ўхшайди, озгина мудрасам ва сўнгра озгина ҳаракат қилсам бас, ухлаганим шу, қизим.

— Азамат тушимга кирипти,— деди Ойқиз каравот устида ўтириб.— Ғалати туш. Ундан жуда қўрқар эмишман. Қорахат олиб келишидан қўрқар эмишман. Шунинг учун ҳам ундан қочар эмишман. Яширинар эмишман, шундай қилсам, қорахат келмас эмиш. Мен қанчалик ундан яширинишга уринсам, у қасд қилгандай шунчалик изимдан келаверар эмиш. Юрагим ёрилгудай қўрқиб кетдим.

— Қичқириб юбординг, қизим. Кимнидир чақирдинг, англолмадим,— деди дадаси.

Ойқиз қоронғиликда икки қулоғининг ўтдай ёнганини сизди ва дадасига дарҳол жавоб беролмади.

— Тушимда доим шундай бўлади,— деди у уялиб кетганини яширмоқчи бўлиб,— кимнидир чақираману ким эканини ўзим ҳам билмайман.

Ота бу сўзларни жимгина эшитди-ю, қоронғиликда қизига қараб қўйди.

— Шунақа бўлади, қизим...— деди чол хўрсиниб,— ҳали тонг отишига бор, ухла, қизим.— У ўрнидан туриб, бир зум ўйланиб қолди:— Ухла, қизим. Ҳеч нимани ўйлама. Энг муҳими — ёмон нарсани ўйлама. Ахир, фронтдаги фарзандларимизнинг ҳаммаси қирлиб кетмас, соғомон қолганлари ҳам бўлар, уй-жойларига ҳам қайтиб келар. Мана, иккита ўғлимиз ҳалок бўлди. Энди етар... тинч ухла, қизим. Яхши фикрлар ўйлаб, бошингни ёстиққа қўй. Дарҳақиқат, шундай қилсанг ширин тушлар кўрасан. Азамат тўғрисида ҳам ўйлама. Уни бушча ёмон кўрасан? Агар қорахат эканлигини, онангининг ўлишини билганда орқасидан қувлармиди. Дарҳақиқат, у ўғри ёки

жиноятчи эмас-ку. Ундан аччиғланиш ярамайди. Отаси Гафур жиноят қилиб жазо олган бўлса, бунга ўғли гуноҳдор эмас. Хушфёъл бўлиб ўссин. Ухла, қизим.

Умурзоқ ота оҳиста ташқарига чиқиб кетди.

Ойқиз тиззасига энгагини қўйиб, оёқларини икки қўли билан қучоқлаган ҳолда хаёл суриб кетди. «Дадамлар ҳаммадан дилдор ва хушфёъл. Ҳамма нарсани билдилар. Билдилару, бироқ юракларини саросимага солувчи торларга қўл юбормайдилар»,— деди ўзига ўзи.

Ун олтинчи боб

Ойқизнинг қувончи ичига сизмай, қўнғироқдай овозини жаранглатиб самимий куларди. У дилига яқин ва қадрли жойда, гул билан қопланган бодом дарахти остида турарди. Олимжон бор кучи билан дарахтни силкитар, оппоқ-оппоқ бодом гуллари Ойқиз устига қордай ёғиларди.

— Бўлди, Олимжон ака, бўлди,— дерди у овозининг борича кулги аралаш.

Ойқиз қанотини ёзган қушдай, икки қўлини кенг ёйиб тепага қарарди. Бодом гуллари худди кун чиқиб турган пайтда ёққан ёмғирдек унинг кафтига, юзларига, кичрикларига тушарди. Шундай қилиб турган Ойқиз бирдан икки қўлини ёнига тушириб, жимгина туриб қоларди. Олимжон бағишлаган бир дунё бахт ва севинчга ўзининг муносиб эмаслигини кўнглидан ўтказарди.

— Нима бўлди, Ойқиз?!— сўради Олимжон чўққидан туриб оёғи билан бодом дарахтини силкитишда давом қиларкан,— Ойқиз, Ойқиз, қанисиз? Нега овозингизни эшитмай қолдим?— у оппоқ гулларга кўмпилган Ойқизни кўриб турса ҳам овозини, кулгисини эшитмаганидан уни қайта-қайта чақирарди.

Ойқиз яна қувонч билан кулар ва унга жавоб бериб кичқирарди:

— Дарахтга раҳмингиз келсин. Бўлар, Олимжон ака, шунча гулини тўқдик-а...

Олимжон қизнинг ҳам эркаланиб, ҳам раҳмдиллик қилиб айтган гапига тушунди ва тош устидан солдатчасига енгиллик ва чаққонлик билан сакраб тушди.

— Энди шу ерда ўтирайлик,— деди у Ойқизга жилмайиб.— Бундай жойдан сира кетгиси келмайди кишининг, шундай эмасми, Ойқиз?

— Тўғри, келинг, мана бу ерга ўтпрамиз.

Атрофга кўм-кўк майин майсалар гилами тўшалган. Ойқиз бодом дарахтидан тўкилган ошноқ гуллар қоплаб ётган тошга ўтирди. Олимжон ҳам Ойқиздан икки қаддамча нарида ўзига қулай жой топди. Бироқ иккови ҳам нимадан гап бошлашни билмай, бир зум жим қолишди. Орага тушган ноқулай аҳволдан иккиси ҳам ҳадеганда қутулишолмади.

— Мана, уруш ҳам тугади. Ниҳоят, энди сиз уйда-сиз,—деди Ойқиз хаёлчан кўзларини тикиб.—Оҳ, ана шу тинч ва бахтли кунларни қанчалик орзиқиб кутганимни билсангиз эди. Бу кунларни кўришга муяссар бўлмасман деб ўйлардим. Ўша вақтда назаримда уруш сира ҳам тамом бўлмайдигандек туюларди. Ўқшларимиз ҳам жуда қийин эди. Айниқса, сиртдан ўқиш. Сизнинг маслаҳатингиз билан сиртқиға кирган эдим. Мана энди ҳамма қийинчиликлар тугади: уруш, ўқиш, турли-туман ташвишлар... дадам фронтга жўнадилар, у йўқлигида қоррахат олдик... Алишер ҳалок бўлган... Ойим бу мусибатни кўтара олмадилар... Мен ёлғизман, бунинг устига баҳорги имтиҳонлар... даҳшат... даҳшат...—у икки қулоғини қўли билан беркитди,—мана энди ҳаммаси ўтиб кетди, ҳаммаси ўтиб кетди,—деди ўз сўзини такрорлаб. У ҳовучидаги бодом гулини у қўлидан бу қўлига сеппиб ўйнарди.—Олимжон ака, айтинг-чи, нима учун узоқ вақт қишлоққа қайтиб келмадингиз?—сўради у қўққисдан Олимжоннинг юзларига диққат билан тикилиб.

Олимжон қизнинг шубҳа ва хавотир тўла кўзларига боқди-ю, қулимсираб жавоб берди:

— Ахир урушда эдим-да.

— Уруш аллақачон тамом бўлган эди-ку. Сиз бўлсангиз кеча келдингиз?

— Аллақачон дейсизми?..

— Ун ой бурун, бир йилга яқинлашиб қоляпти.

— Ҳа, тўғри, бир йил бўляпти. Қаранг, худди кеча тамом бўлгандай. Бу вақт ичда сизга қанчадан-қанча хатлар ёздим.

— Мен-чи? Озмунча ёздимми? Эсингиздам, ҳар хатимда қачон келишингизни сўрардим?

— Эсимда, Ойқиз, ҳаммаси эсимда. Раҳмат сизга, ҳамма хатларингиз ёдимда.

— Нима, ҳозиргача госпиталда эдингизми?..

— Йўқ, Берлинда хизмат қилдим. Мана ҳозир ҳам

қанчадан-қанча солдатлар уйларига қайтиб келаётганини кўриб турибсиз-ку. Ҳаммани бир йўла жўнатиш қийин-да.

— Шуларни айтиб беринг.

— Қайсини?

— Берлинда хизмат қилганингизни.

— Албатта айтиб бераман. Бироқ бошқа вақтда.

Майлими?

Ойқиз жавоб ўрнига кафтидаги гул япроғидан биттасини лаблари орасида чайнаб туриб:

— Татиб кўринг, мазаси нордон экан,—деди.

Олимжон қизнинг сўзини қайтармай, бир сиқим гулни оғзига итоаткорона солиб, зўр бериб чайнай бошлади.

— Нима қилияпсиз?— Ойқиз овозининг борича кулиб юборди,—лабингиз билан битта япроқни олинг, биттасини. Шунда мазасини биласиз.

Олимжон термилганча жим турарди. Унинг тикилиб туришидан ҳаяжонга тушган Ойқиз бошини қуйи солиб, кафтидаги гул япроқларини тита бошлади, сўзида ўйчан давом қилди:

— Мана шу япроқларнигина чайнаш мумкин экан... Кафтингиздаги япроқларни мана шундай қилиб пуфласа бас, шунинг ўзи кифоя, учиб кетади, ҳа... фақат...

У жимиб қолди-ю, йигитга кўз қирини ташлади.

— Нима... «фақат?..»

У жавоб бермади.

— Мен жавоб берсам майлими?..

— Сиз?

— Ҳа.

— Марҳамат.

— Фақат иккимиз... фақат ёнимда спз бўлсангиз бас.

— Шу билан бирга ер юзида тинчлик ва осойишталик бўлса. Қизиқ-а,—Ойқиз сўзида давом қилди,—ҳозир вақт ўша кунлардагидан анча тез ўтяпти. У пайтларда вақт секин ўтарди. Энди-чи? Шунча тез ўтяптики, дарс тайёрлашга ҳам улгуролмайсан киши. Имтиҳонлар қийин, ҳал қилувчи, сўнгги имтиҳонлар. Кейин диплом иши бошланади. Бироқ ҳаммадан зўр бахт — бу тинчлик, бу—осойишталик... тўғрими, Олимжон ака?

— Фронтда жуда қийин бўлган пайтларда Олтинсойни яна қайтиб кўришимга ҳам ишонмас эдим,—деди Олимжон,—тирик қолишга ишониш қийин эди.

— Уйғониб кетишдан қўрқмайсизми?—сўради Ойқиз кутилмаганда.

Олимжон бу саволнинг маъносига тушунмади.

— Уйғониб кетиш? Қандай уйғониб кетиш?..

— Бунинг ҳаммаси туш эмасми? Тинчлик, осойишталик, гулга бурқанган бодом... Сиз билан менинг ёнма-ён ўтиришимиз... Буларнинг ҳаммаси фақат тушдир, асло қўрқманг...

— Билмадим,—Олимжон табассум билан иқрор бўлди.—Мен ишонаманки, ҳаммаси бахт...

— Менинг ҳам шунга жуда ишонгим келади,— деди Ойқиз унинг сўзларини бўлиб.— Бу бахт тушми ё ўнгми?

— Сиз қандай бўлишини истардингиз?

— Менми?

— Ҳа.

— Албатта,— деди тутилиб-тутилиб ва сўзини майингина қилиб тугатди.— Мен ўнгимда бўлишини истардим.

— Ҳа, худди шундай, ўнгимизда, энди ўнгимизда.

— Мен ҳар доим ўзимни-ўзим чимдиб олгим ва шундай қилиб тушимми ёки ўнгимми эканлигини текширгим келади,— деди Ойқиз,— мен уйғониб кетишдан қўрқаман, ҳамиша ажойиб туш кўраману бирданига уйғониб кетишдан, тушимдан асар ҳам қолмаслигидан қўрқаман.

— Аксинча, мен ухлаб қолишдан қўрқаман,— деди Олимжон қовоғини уйиб,— нимаки бўлган бўлса, қаттиқ уйқуда, тушда бўлишидан қўрқаман. Уруш... Ёнғин... Бомба портлаши... Атака, баъзан жон-жаҳднинг билан чоғиб кета туриб мурдаларга қоқилиб йиқиласан. Ёки ҳордиқ чиқармоқчи бўлиб ёш олча дарахти остига ўтирсанг, унинг кўм-кўк япроқларида қотиб қолган қонни кўрасан. Ўнгимда кўрган бу дарахтни баъзида тушимда ҳам кўраман. Ҳар қачон ётиш олдидан, ана шу даҳшат тушимга кирмасин, дейман.

— Ҳозир-чи?

— Ҳозир?..

— Мана, иккаламиз ўтирибмиз дарахт тагида, қоялар остида, майсалар, бодом гуллари афсонавий гиламдек тўшалган жойда,—қўли билан тўрт атрофни кўрсатаркан, атлас кўйлагининг енги елкасига сирғалиб тушди-ю, билаклари кўриниб кетди.— Буларнинг ҳаммаси бахт-саодат-ку, тўғрими?..

— Ҳа. Менга бундан бошқа ҳеч нарса керакмас,— Олимжон мулойимлик билан қизга термилди ва бир зум жим тургач сўради:— Сизга-чи, Ойқиз?..

Ойқиз ўзини эшитмасликка солиб осмонга, кеч салқини чўкаётган пайтдаги зилол осмонга қаради.

— Болалигимда осмонга термилиб шавқ билан бургутларнинг учшини кузатар эдим.

— Ҳозир-чи?..

— Ҳозир ҳам севаман. Фақат ўзим якка бўлганимда. Уша вақтларда бу мен учун жуда мароқли машғулот эди. Ҳозир бундай қилиш ғалати туюлар, бунга вақт ҳам каёқда!

— Имтиҳонларми?..

— Албатта, ҳам имтиҳон... ҳам иш...

У қоматини эгиб, атрофидаги гул баргларини йиға бошлади ва ёнига бир уюм қилиб олди-да, гул барги билан оёқларининг учигача кўмди.

Олимжон унинг ёқимли ҳаракатларини мароқ билан кузатиб турди-да, ўзи ҳам берилиб кетди, Ойқизга ёрдам бера бошлади. Чўккалаб юриб, қанчадан-қанча гул баргини йиғди, қизнинг оёқлари томон суриб қўйди.

— Вой, Олимжон ака, бўлди. Раҳмат, нима қилиясииз, ахир!— Қиз эркаланиб қаршилик кўрсатди ва салгина қовоғини уйди.

Олимжон қизнинг қаршилигига қарамай, оппоқ кўпикка ўхшаш юмшоқ ва енгил бодом гулларини зўр ҳафсала билан йиғар ва қизнинг оёқлари ёнига тўплар эди. Ойқиз Олимжоннинг ҳозирги ҳаракати, ғайрати ва берилиб кетганидан чўчигандай иргиб ўрнидан турди ва нарироққа бориб, бодом гулларидан ҳовучига сиққанча олиб, йигитнинг бошларига, елкаларига сочди. У худди болаларга ўхшаб шўхлик билан қаҳ-қаҳ уриб куларди. Бир неча қадам орқага чекиниб, яна ҳовучини гулга тўлдирди, яна Олимжонга сена бошлади. Олимжон қизнинг ҳаракатларидан завқланиб жимгина кулиб турар ва нима қилишини билмасди. Ўпиб олса-чи?! Балки икки кўлидан маҳкам ушлаб, турмуш қуришга розилигини сўраш пайтидир?

— Ҳозир сени қўлимга кўтариб оламам-да, дунёнинг у бошига олиб кетаман.— Олимжон қизни биринчи марта «сен» деб атади.

— Олиб кетинг!— дея қичқирди Ойқиз ва шўхлик қилиб, хандон урганича ундан анча нарига қочиб борди.

Бир оз туриб яна қочди, апча парига кетгач, узоқдан туриб қичқирди:— Олиб кетинг... Олимжон ака... Олиб кетинг...

Олимжон кийикдай сакраб бир зумда унинг олдига етиб борди ва қўлига азод кўтариб, юзларидан ўпди.

Ойқиз кўзларини чирт юмиб, бир зум жимиб қолди. Бу ҳол бир дақиқагина давом этди, холос. Сўнгра қиз ўзига келди-ю, нима қилиб қўйганини сезиб, ёввойи эчки сингари ирғиб йигитнинг қўлидан тушди.

— Энди сиз, шу қилганингизга,—деди Ойқиз қовоғини уйиб (унинг қаттиқ хафа бўлганлиги сезилиб турарди),—шу ерда турасиз, мен Олтинсойга етиб боргунимча шу ердан жилмай турасиз.

— Олтинсойга?—сўради таажжуб билан.

— Ҳа. Уйга етиб боргунимча.

Ойқиз бир зумда орқага бурилди-ю, шиддат билан ёлғизоёқ йўлдан юриб кетди. Нима қилишини билмай турган Олимжон қизнинг орқасидан термилиб қолди. Сўнгра у қўрқа-писа секин овоз чиқариб чақирди:

— Ойқиз!

Қиз жавоб ҳам бермади, орқасига қайрилиб ҳам қарамади.

Олимжон қайтадан, овозини чўзиброқ чақирди:

— Ойқиз!

У бу сафар ҳам орқасига қарамади. Олимжон қизнинг ҳамон узоқлашиб бораётган гавдасига узоқ тикилди-да, сўнгра майсалар устига ўтирди. Хаёлга чўмган ҳолда кўм-кўк ўтни юлиб, оғзига солди ва бир тишлаб тахирлигини сездди

Ун еттинчи боб

...Ойқиз доvon устида, харсангтош устида, энг севимли ва қадрдон жойида узоқ ўтирди. Барча кечирган воқеалари дилини тўлқинга солди. Энг қувончли дақиқалари тўғрисида, бир умр эсида қолган ўша баҳор тўғрисида, оппоқ-оппоқ гулга бурканган бодом дарахти тўғрисида, унинг ажойиб гуллари бошига қордай ёғилгани тўғрисида ўйлаш, ўша қувончли дамларни хотирлаш қандай нашъали! Бу — Олимжон урушдан қайтиб келганидан кейинги тўнғич учрашув, аниқроғи, севги изҳор қилиш эди. Ойқиз Олимжоннинг биринчи бор ўпганини,

кетидан саросимага тушиб, ўзини гувоҳкор сезиб хафа бўлганини, шу билан бирга ўзининг қўполлик ва дидлик кўрсатганини ҳам эслади ва кулиб қўйди. Ана шундан буён бир ярим йил ўтди, бу вақт ичида Олимжон биров марта ҳам ўпишга интилгани йўқ. Фақат қизнинг қўлларини бир неча бор қўрқа-писа ушлаб, охишта сўрарди:

— Ойқиз, жавобингизни кутама... Розимисиз?..

Қиз бўлса ҳалигача унга очиқ-ойдин жавоб бермай, ўзини ҳам, Олимжонни ҳам қийнади.

«Балки севганимни очиқ-ойдин айтишим зарурдир? Ахир, аллақачонлардан буён севаман-ку»,—ўйлади у қўлидаги қамчини билан этикчасининг қўнжига уриб қўйиб. Ойқиз харсанг устидан сакраб тушди-да, отини чақирди:

— Бойчибар!

Сувлиғи оғзидан чиқарилган от апчадан буён ўтлаб юрарди. Ойқиз отга яқинлашиши билан Бойчибар қизнинг этикларига кўм-кўк кўпиклар сачратиб ўтдан бошини кўтарди.

— Бойчибар, қанчалик фаросатсизсан-а?— Қиз ўт билан этигини тозаллади ва отнинг юганидан ушлаб йўлга чиқди. Унинг кўз олдида узоқ-узоқларга чўзилиб кетган ажойиб водий намоён бўлди.

Кўктоғ этаклари Олтинсойга туташиб кетгунча қипқизил лола билан бурканган. Пастдан қараганда лолозор тоғ ёнбағирларигача оловдай ёниб борарди-да, бирданга ўчиб, ўз ўрнини олдин ёввойи тоқларга, сўнгра писта ва ёнғоқларга берарди. Мана шу Кўктоғнинг нариги томони — «Қизил юлдуз» колхозининг экинзор ерлари.

Ҳа, олтинсойликларнинг ери мўл-кўл. Бироқ баҳор чиқиши биланоқ, ёмғирлар тўхтайдди. Қизилқумнинг жазирама ёзи бошлангач, ўтлар қовжираб қолади. Олтинсой далаларининг баҳорги ҳуснидан асар ҳам қолмайди.

Баҳор ойлари осмондаги ранг-баранг камалак тепаликлар ва ёнбағирларга тушгандек ҳаммаёқ қип-қизил, кўм-кўк ва зумрадранг билан товланиб кетади, лолалар, бинафшалар ва кўм-кўк ўтлар ифода қилиб бўлмайдиган даражада жилоланади. Бироқ оз ўтмай, қуёш майсалар ва чечакларнинг сувини сўриб олади-ю, ранго-ранг камалак ҳам ўчади, ерлар ҳам сомондай саргайиб қолади. Олтинсойликлар қуёш яллиғида куйган ерларига

узоқ-узоқ тикилиб ачинишар ва «Сув бўлса, бу ерларда дон ҳам, пахта ҳам ўсарди», деб орзу қилишарди.

Ҳамма ҳам Олтинсойда пахта ўстиришни орзу қиларди. Бироқ пахта сувсиз ўсмайди-ку. Пахта иссиқ қуёшни, кўм-кўк осмонни ва ариқ тўла сувни севадиган экин. Олтинсойда бўлса сувли ерлар йўқ. Кўктоғнинг нариги томонидаги буғдойлар паст бўйли, камҳосил бўларди. Баъзи-баъзи йиллари май ойларида мўл-кўл ёмғир ёққудай бўлса, буғдойлар бўлиқ ўсиб, тоғ шабадасида денгиздай чайқалиб ётарди. Аммо олтинсойликлар Қизилқумга термилар эканлар, жазирама қумларни эслар эканлар, дилларида зўр ташвиш ва нотинчлик уйғонарди. Ахир, ана шу қайноқ қумларнинг ўтли нафаси, гармсел қанчадан-қанча ҳосилни йўқотмади!

Ойқиз гулга бурканган ёлғизоёқ йўлдан пастга тушиб боради. Бу тошдан тошга эгилиб-бурилиб, пастга тушиб, булоқдан отилиб чиққан сувдан ўтиб, майсалар ва лолалар ичи билан Олтинсой қишлоғига кириб кетарди. Ойқиз бу йўлни ёшлигиданоқ севарди, шунинг учун ҳам унинг кўпдан-кўп хотиралари шу ёлғизоёқ йўл билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳа, бу йўлни олтинсойликлар қадим замонлардан буён билар ва чорвага ҳам, деҳқончиликка ҳам ана шу йўлдан қатнардилар. Бироқ тоққа чиқадиган бундан бошқа йўл ҳам бор эди. Бу йўл гарчи анча узоқ бўлса ҳам, ундан от-арава, машина ва тракторлар қатнардди. Айниқса, хашак ўриш пайтида бу йўл жуда серқатнов бўлиб, колхозчилар чорва моллари учун тўйимли ва мазали озуқа тайёрлар эдилар. Худди шунингдек, дон экишда, дон ўриш-йиғишда ҳам бу йўл жуда серқатнов бўларди.

Ойқиз ҳамон ёлғизоёқ йўлда отнинг юганидан етаклаб келар экан, таққа тўхтади ва ана шу баландликдан гуриб пастга, кенг чўлга термилди.

Ажойиб манзараларга қанча термилса ҳам, туғилиб ўсган қадрдон қишлоғи ва далаларга завқ-шавқ билан боқса ҳам, асло тўймасди. Оёғи остидан тенгсиз гўзал манзара бошланиб кетиб, ранг-баранг камалакни, мовий денгизни эслатарди. Ҳа, ранг-баранг камалак осмонда эмас, ерда гоҳ эгилиб, гоҳ бурилиб, гоҳ тепаларга осилиб, гоҳ қадрдон қишлоқнинг опшоқ гулга бурканган боғларини ўпиб, сўнгра текис ва ранг-баранг чўлларни кесиб ўтарди-ю, ниҳоят, қуёш чиқадиган уфққа қадаларди. Ҳа, мовий денгизни эслатарди, чунки қуёш нурида кўзларни

қамаштирадиган даражада ярқираб турли-туман рангда, кўк-яшил ва ошпоқ рангда ана шу гўзал манзаранинг қоқ ўртасида, шу мовий денгизнинг ичида Олтинсой ошпоқ гулга бурканган боғлари билан афсонавий оролни эслатарди.

Бироқ Ойқиз — қишлоқнинг ғарб ва пимолдаги чўллар Қизилқум саҳросига тутшиб кетишини яхши биларди. Нима учун уни Қизилқум деб атаганлар? Балки ўтдай иссиғи, жазирама қалби ранги оловдай бўлгани учундир!

Саҳро...

Жазирама ёз ойларида унинг нафаси гармсел бўлиб келиб экинларни куйдиради. Деҳқонлар бу кўчма қумлардан қанчадан-қанча озор чекадилар, ким билсин, бу кўчма қумлар халқ бошига қандай кулфатлар олиб келар?!

Бундан бир йил бурун, чўл саҳрога тутшиб кетган жойда олтинсойликлар ихота дарахтзорлари бунёд қилдилар, оз ўтмай сербарг қайрағоч ва ялтираб турган жийдалар деҳқонларнинг азалий душмани бўлган гармсел йўлини абадий тўсади. Қайрағоч ҳам, жийда ҳам чидамли, қаттиқ бўлиб, сувсизликни ҳам, жазирама иссиқни ҳам писанд қилмай ўсаверади. Қайрағоч ва жийдаларнинг бўйи ўсса мана шу ердан, тоғларнинг устидан яққол кўринади. Ҳозир диққат билан термилганда ҳам кўзга илинмайди.

— Албатта, ҳали бутазор...— деди Ойқиз оғир нафас олиб. — Салгина бурун, ҳеч бўлмаганда ўн йил бурун ўтқазилганда эди, ҳозир гармсел йўлида ўрмонзор пайдо бўларди.

Кимдир орқасидан келиб, секингина рўмолидан тортаганини сизди Ойқиз ва қайрилиб, бирданга кулиб юборди. Бойчибар нафис шоҳи рўмолининг бир учини тишлаб турарди. Бу билан у Ойқизнинг рўмолини гўё қандай авайлаш зарурлигини намойиш қиларди.

— Эҳ, эркатой-эркатой!— деди Ойқиз,— эсидан чиқарди деб ўйладингми? Хотиржам бўл, сени унутганим йўқ, ҳа, сочларимни ўргунимча рўмолимни оғзингда ушлаб тура тур. Нега энди ўзинг сочларимни ёзиб юбординг? Нега индамайсан?— Шундай деб Ойқиз энди сочларини ўрмоқчи бўлганди, Бойчибар рўмолини майсалар устига тушириб юборди. Ойқиз уни ердан олиб, елкасига ташлади-да, отнинг иссиқ ва юмшоқ лабига қўли билан астагина уриб қўйди.

— Мана, гуноҳингга яраша. Энди жим тур.

Қиз сочини ўриб бўлгач, уни бошига чамбарак қилиб боғлади ва устидан шоҳи рўмолини ўради.

— Мен ўзимга оро беришим керак, Бойчибар,— деди у Бойчибар билан суҳбатини давом қилдириб,— сен бўлсанг мени ҳамиша шошилтирасан. Одамларнинг юмушига сира-сира тушунмайсан. Менинг Олимжоним борлигини билмайсанми? Эҳтимол, уни севарман. Бироқ ҳали жавобини берганимча йўқ. Нима учун?.. Нима учунлигини ўзим ҳам билмайман. Шунинг учунки...

У сўзини тамом қилмай, нимчасининг чўнтагидан юмалоқ ойнани олди, катта-катта ва қоп-қора кўзлари билан чап томондан, ўнг томондан юзларига тикилди, олдинига қовоғини солди, сўнгра табассум қилдида, рўмолини тўғрилаб, ойнасини чўнтагига солиб қўйди.

— Нима учун оғзингдан кўпиклар сачратдинг?— деди у Бойчибарга,— тартибсизликка тоқат қилолмаслигимни биласан-ку. Мана, сени деб этигимни қайтадан тозаладим, кўрдингми?.. Сен ҳеч нарсани тушунмайсан, кўрмайсан!.. Ҳамиша одам ўзига талабчан бўлмоғи лозим. Ҳатто бир ўзи ёлғиз бўлганида, одамлар кўзидан йироқ бўлганида ҳам. Мана, Олимжонни олайлик, у ҳақда сен нима дея оласан, айт-чи. Ўзига талабчанми? Ҳа, талабчан. Агар ҳамма Олимжондай ўзига талабчан бўлганида кўпгина хато-камчиликлардан халос бўлардик. Тушундингми? Энг олдин Ғафур тоғам сингари жиноятчилардан, ўзимиз билиб-билмай йўл қўядиган жиноятлардан халос бўлардик. Бошқа майда камчиликларчи: бировга ёмонлик қилиш, ўч олиш, иғво ва ҳақорат қилишлар баъзи одамларда учраб туради. Шу яхшими ахир? Хурофий урф-одатлар-чи? Одамлар ана шу хурофий урф-одатлардан бутунлай соқит бўлсалар, кўп ўқийдиган, чуқур ўйлайдиган, яхши ишлайдиган бўлардилар. Бўлди, сенга фалсафа сотишдан не фойда. Кел, уйга кетдик.

Ёлғизоёқ йўл тик пастга тушиб, харсангтошлар ёнидан эгилиб ўтар ва сўнгра қалин ёнғоқзор ичига шўнғиб кетарди.

Дарахтзорларнинг пастидан тошлардан-тошларга урилиб, шовқин солиб Ёнғоқсой оқарди. Бироқ Ёнғоқсойнинг суви оз бўлиб, Олтинсойдаги боғлар ва полиз экинларига зўрга етарди. Қишлоқдан салгина чиқилгач,

Ёнғоқсой Олтинсой билан қўшилиб, гўё иккиси топингидан шод бўлгандай тошдан тошга сакраб, шовқин солиб қишлоққа кириб борарди. Шунинг учун ҳам қишлоқнинг номи унга ҳаёт суви берган сойнинг номи билан аталарди.

Ойқиз Ёнғоқсойга етгач, Бойчибарни суғорди ва айлини тортиб минди-да, йўлдан юрмай, ажойиб манзарали ёнбағирлар — текис чўлга туташиб кетган бўз ерларнинг қоқ ўртасидан кетди. У асрлар бўйи уйқуда ётган, афсонавий чиройга эга ва фақат сув билангина уйғотилиш мумкин бўлган чўлларни кўриш орзусида юрарди. Ҳали бу ерлар деҳқоннинг кетмонини ҳам, уругини ҳам кўрмаган эди.

«Сув, сув!..— ўйларди Ойқиз,— уйғотилса бу гўзал дашт бизга битмас-туганмас бойликлар келтириши аниқ. Кўзларини қамаштирадиган тоғ-тоғ пахта хирмонлари қад кўтаради. Бироқ бунча сувни қаердан топиш мумкин?»

Ойқиз тўрт томонда оловдек ёниб турган лозазорга гамгин боқди. Яна бир ва икки ҳафта ўтгач, бу оловнинг сўнишини биларди. Майсалар ва чечакларнинг қуриб қолишини ва бора-бора тўқ сариқ кулга айланишини кўз олдига келтирарди. «Ахир, Мирзачўл ҳам яқин-яқингача шундай эди-ку, ҳаётдан асар ҳам йўқ, жазирама иссиқда куйиб-ёниб, чанглари кўкларга соврилиб ётарди-ку,— кўнглидан ўтказди Ойқиз,— мана энди одамзод қўли унга жон киргизди. Сув келтирди, сувга қондирди, оқибатда чўл гулзорга айланди, мисли кўрилмаган пахта ҳосили билан одамларни қойил қилди. Пахтанинг ўзигина эмас. Боғлар-чи? Узумзорлар-чи? Айтишларича, тил ёрадиган ширин-ширин қовушлар ҳам Мирзачўл тупроғида битармиш».

Ойқиз атрофга назар ташлаб, отнинг жиловини тоғ ёнбағрида, тепалик остида, қуёш нурида нимадир ойнадай ялтираб турган томонга бурди. У қўлини пешонасига қўйиб, ўша томонга диққат билан тикилди-ю, ялтираган нима эканлигини билолмади. «Бу ерда қандай қилиб ойна бўлсин?»— ўйлади у ва отга қамчи босиб, ўша тепалик томон кетди.

Ойқизнинг кўзига ярқираб кўринган нарса ойна эмас, сув экан. Чуқурликда кичкинагина кўл пайдо бўлиши, Ойқизга кутилмаган ва тушуниб бўлмайдиган ҳодисадек туюлди.

Ҳар йил баҳорда момақалди роқ чақнаб, жала ёққан-да тоғлар ва сойлардан оқиб тушган сув қанча-қанча ерларни ювиб, гор қилиб кетар, буздай чуқур жойларда ёмғир сувлари узоқ-узоқ вақтларгача кўллаб қоларди.

«Ёмғир ёлмаганига ҳам анча бўлди-ку. Бу сув қаердан чиқди?— ўйлади Ойқиз кўм-кўк ва тиниқ сувга тикилиб,— шошма, булоқ-ку бу,— деди у ўзига-ўзи хитоб қилиб,— қаердан чиқар экан? Бу ерларда булоқ йўқ эди шекилли?»

Ойқиз отдан ирғиб тушди-да, нам ердан юриб кўл бўйига келди. Кўлнинг суви оз бўлиб, ундан чиққан тиниқ сув кўзга кўринар-кўринмас жимирлаб оқарди-да, сўнгра ер қаърига сингиб кетарди.

У кичкинагина кўлни ва булоқчани икки бор айланиб, диққат билан кўздан кечирди, кейин кўл қирғоғига ўтириб, унинг остига кўлини юборди, муздек сув тагидаги қум аралаш шағални ковлади. Булоқ қайнаб чиққандай бўлди ва сув лойқаланди. Ойқиз ўзини орқага ташлаб, булоқдан қайнаб чиқаётган сувдан кўз ололмай жонланиб кетди. Кейин яна кичкина кўл билан ўйнашгандай кўлини сув остига юборди-да, кафтини булоқ кўзларига қўйди. Булоқдан отилиб чиқаётган сув, гўё ернинг қони қизнинг кафтига урилаётгандай, қайнаб чиқарди. «Оҳ... кафтим остида худди юрак ураётганга ўхшайди-я»,— ўйлади у.

Анчагача булоқ кўзига кафтини қўйиб, сувнинг қайнаб чиқишидан завқланиб ўтирди. Кейин қаддини ростлаб, тиззасини қучоқлаган ҳолда ўй-хаёлга чўмди.

«Тепалик остида қандай қилиб булоқ пайдо бўлган?.. Эсимда бор, икки-уч йил бурун отда тепалик атрофидан ўтганимда кўл ҳам, булоқ ҳам йўқ эди. Энди бўлса... тушуниб бўлмайдиган сир...»

Қалин ва кўм-кўк чучмомалар билан қопланган бу тепа нима учундир хунук ном билан — Қултепа номи билан аталарди. Бунинг сирини ҳозиргача Ойқиз билмасди. Қултепа номи қачон ва қандай келиб чиққанини дадасидан сўраш ҳам хаёлига келмаган. «Балки бу тепанинг қандайдир тарихи, афсонаси бордир?..»—ўйларди қиз. Бирдан ўтган йили жазирама ёз вақтида, ерлар қовжираб қолган пайтда Қултепанинг усти кўм-кўк майсалар билан қопланиб турганини, узоқдан қараганда гужум сада гумбазига ўхшаганини эслади. Қовжираган ерларнинг ўртасида нима учундир кўм-кўк тепа туриши

ҳеч кимнинг хаёлига келмаган эди. Эҳтимол, ўтган йили ҳам, аввалги йили ҳам бу ерда сув бўлгандир.

Ойқиз Қултепага, унинг остидаги булоқ ва кўлга диққат ва ҳавас билан термилиб ўтирарди. Кўлнинг нариги қирғоғида, қачонлардир сув ювиб кетган чуқурлик ичида қандайдир тўнка кўринди ва Ойқиз ўрнидан туриб бориб, тўнкани этиги билан тешиб юмалатди. Лойга ботган тўнка кўлнинг ўртасига бориб тушди ва кўл лойқаланиб кетди. Сал ўтмай кўл бетида турган тўнка сувда ювилгач, қандайдир дарахт томири эканлиги билинди.

Ойқиз яна ҳайрон бўлди. Чунки у Қултепа атрофида дарахт ўсганлиги тўғрисида бирор кишидан эшитмаган эди.

Қиз тобора таажжубланар, Қултепа сирини очадиган кишидай, кўл ва тепа атрофида айланиб юрарди. Тепа яқинида, тупроқ остида яна бир дарахт томрига кўзи тушди, ундан салгина нарида яна битта томир худди харсангтош парчасига ўхшаб ётарди.

Ойқиз юзининг ўтдай ёнганни сизди. «Демак, қачонлардир бу ерлар чинорзор бўлган!— ўйлади қиз тобора ҳаяжонланиб.— Аммо қачон?.. Юз йил, икки юз йил бурун... Бу дарахтларни ким кесган, нима учун?.. Эҳтимол, бу дарахтлар катта булоқ бўйида ўсгандир. Чинор дарахти булоқ бўйида яхши ўсади. Аммо нега бу булоқ қуриб қолган? Суви қани?»

Тепалик устига кўтарилгач, Ойқизнинг бошига турли-туман ўйлар келди. «Наҳотки, бу манзарани ҳеч ким кўрмаган. Наҳотки, ҳеч ким тепалик устига чиқмаган?!» Аммо таажжубга ўрин йўқ. Қизнинг ўзи ҳам ёшлигида ҳеч иши бўлмаса-да, атрофни томоша қилиш ниятида фақат бир марта чиққан эди. Тепалик устидан оламга боқиш, оромбахш ва хушбўй ҳавоси билан нафас олиш, иккита, учта чечакни узиб, қулочини ёзган ҳолда пастга чопиб тушиш — ўйинқароқ болаларнинг орзуси эди. У вақтларда Ойқиз сув тўғрисида хаёлига ҳам келтирмасди.

Тепанинг орқасида, кўлнинг нариги томонида ёмғир сувлари салгина нарига оқиб борган-да, сўнгра жар қилиб ювиб кетган эди. Ана шу пастликда бир вақтлар катта ариқ бўлганлиги аниқ сезилиб турарди. Ўша ариқнинг излари, ўт босган қирғоқлари анча бузилган.

Қизиқ... ажойиб... афсона...

Уйга, тезроқ уйга борип керак.

У прғиб отига минди-да, қип-қизил лолазор пчидан қишлоқ томон йўрғалатиб кетди. Ойқиз отнинг тизгинини бўш қўйиб, ёлга энгашган ҳолда кўркам ерлар устидан учиб борарди. Шу гўзал ерлар завқиданми, отнинг чопишими ёки кутилмаганда топилган янгиликданми дили қувончга тўлиб, гўё от чоптириб эмас, балки қуш каби учиб борарди. Ойқиз куч-қувватга, ишонч ва гайратга тўлиб-тошган эдики, у йўлда учратган ҳар қандай қийинчиликни, ҳар қандай тўсиқни ҳам ғолибона енгиб, дил амрини адо қилар, хоҳишини рўёбга чиқарарди.

Ҳа, Ойқиз юрагининг хоҳиши жуда катта ва кўп, у ер ва сувни, кенг дунё ва кўм-кўк осмонни, барча коинотни истайди.

Йўқ, йўқ! Бундай бўлиши мумкин эмас, унга кенг дунё эмас, балки бахт керак, холос. Олимжон! Йўқ, йўқ! Ҳозир бундан ҳам зарур ва бундан ҳам муҳим масала турибди. Ҳа, энг муҳим. Тўхта! Қиз бу сўзни оти Бойчибарга эмас, ўзига айтди.

— Сув, сув, сув!— дер эди унинг қулоқлари остидан ҳуштак чалиб ўтган шамол.

— Сув, сув!— дер эди Бойчибарнинг туёқлари остида гувиллаган ер.

— Сув, сув!— дер эди уриб турган юрак.

— Йўқ, Бойчибар, сенга қамчи зарур. Сен сакраб-сакраб чополмайсан, имиллаб йўрғалайсан.

У Бойчибарнинг қорнига қаттиқ қамчи урди.

От қулоғини диккайтириб, бўйинини бўридай чўзиб, учиб борарди.

Ун саккизинчи боб

Умурзоқ ота ўз одатидек саҳар-саҳарда уйғонди. Кексаларнинг уйқуси чумчуқнинг уйқусидек қисқа бўлади. У кўйлаги устидан кўк белбоғини боғлаб, айвонга чиқди. Этаги тиззасигача тушиб турган оппоқ сурп кўйлагининг кенг ёқасидан оқариб кетган кўкрак жунлари кўриниб турарди.

Гарчи чол етмиш беш ёшга қадам қўйган, кейинги йилларнинг ғам-алами бошига тошдай ёғилиб, қадди-қоматини салгина буккан бўлса ҳамки, ҳали кучли ва тетик, кўзлари ҳамиша чақнаб турарди.

Ота айвонда турган калишини кийди-да, салобат билан ҳовлига чиқди ва қўлини пешонасига қўйиб, ташвиш билан шарққа, тоғ томонга, Кўктоғнинг чўққиларига қаради.

— Дарҳақиқат, хайрли кун. Ҳаво тоза,— деди чол мамнуи бўлиб.

Умурзоқ ота шу дақиқадаёқ ишга тушиб кетди. Олдин самоварга ўт қўйди (Холбиби тирик эканлигида сотиб олинган бу самовар ҳали ҳам янгидай ярқираб турарди. Илгарилари марҳуманинг ўзи самоварга ўт ташлаб, уни меҳр билан тозаларди, артарди). Кейин бостирмада боғлиқ турган қўйни суғориб, олдига беда ташлади, товукларга маккажўхори сенди. Ҳовлининг ўртасида бир зум хаёлга чўмган чол ниҳоят итнинг олдига келди. Икки оёғини олдига қўйиб ётган катта сариқ ит отанинг қўлига боқиб, думини қимирлатиб эркаланди.

— Дарҳақиқат, сени унутибман,— деди чол,— сабр қил, нонушта қилиб бўлиб, сенга қарайман.

Чол самоварга қуруқ тараша ташлаб, супургини қўлига олди. У ҳар кун эрталаб ва кечқурун ҳовлини супурарди. Шу туфайли кенг ҳовли ҳаминша ёғ томса ялагудек озода, сув сепилган бўларди, тозалиги билан қўшниларни ҳам ҳайратда қолдирарди.

Қуёш Кўктоғ чўққиларига кўтарилди, Умурзоқ отанинг ҳовлиси нурга тўлди ва янада ясанди. Айвоннинг пастига қатор-қатор экилган баҳор гуллари қуёшга бўйинни чўзиб, осмонга интилиб кулиб турарди. Чол гулзорга ва ерга тушган қуёш нурига қувонч билан термиларди.

Умурзоқ ота икки букилиб ҳовли супурар экан, тез-тез Кўктоғ томонга қараб қўярди. Ҳовлидан қараганда отдами-пиедами — тоққа чиқаётган ҳам, тоғдан тушаётган ҳам яққол кўринарди. Умурзоқ ота тоққа ҳам қараб қўяр, тош йўлдан йўрғалаб келаётган Бойчибаранинг ҳам туёқ товушларига қулоқ соларди.

Довон томонда одам кўринмасди. Уч кундирки, Ойқиз тоққа чиқиб кетган. Баҳори ерларга бугдой, арпа, нўхат экиларди. Нега уч кундан буён қизидан дарак йўқлигига тушунолмасди. Экиш-тикиш қандай бораётганиникин? «Эҳтимол, экиш ёмон кетаётгандир?— ўйлади чол нотинч бўлиб,— эҳтимол, у йўлдан фермага бурилгандир, узоқ-узоқлардаги чўпонларнинг олдига ёки бошқа колхозларга кетгандир? Ким билсин?.. Дарҳақиқат, бугун ҳам келмайдиганга ўхшайди».

Чол оғир нафас олди. Уч кун Умурзоқ отага уч йилдек туюлди. Чолнинг суянчиги ҳам, қувончи ҳам биттагина Ойқиз эди. У ҳам бўлса ҳамаша йўлда, далада.

Умурзоқ ота супургини ташлаб, самоварга югурди. У аллақачон қайнаб, қоңқоғи остидан сув сачратиб пишиллаб буғ чиқарарди. Ота этаги билан унинг қопқоғини очиб кўриб, бир зумда уйдан чинни чойнакка кўк чой солиб чиқди.

Биқиллаб қайнаб турган самовар олдида ўтириб чой дамлашнинг ўзига хос гашти бор. Дамланган чойнинг ёқимли ҳиди димоғларга урилади, жўмрагидан оқаётган қайноқ сув заррачалари чолнинг қўлларига сачрайди. Нақадар ширин дақиқа! Ана шу нашъали дақиқалар чўзилса-ю, чой дамлашнинг гаштини суриб, самовар олдида узоқ ўтирсанг. Афсуски, чойнак тўлиб қолди.

Ота самоварнинг жўмрагини бураб, энди ўрнидан турмоқчи бўлаётганда эшик тақиллади. Чол орқасига ўгирилди. Эшик олдида кулиб Олимжон турарди.

— Ҳо, Олимжон! Кел, келавер,— Умурзоқ ота ўзида йўқ қувониб кетди, қўлида чойнак билан унинг олдида борди.

— Ассалому алайкум, Умурзоқ ота!

— Ваалайкум ассалом, кел, болам, уйларинг тинч-омонми? Ҳамма сиҳат-саломатми? Лола ўйнаб юрибдими? Нечук эрта билан йўлга чиқибсан?

Олимжон эшик олдида Умурзоқ отага қараб турарди. Бир дақиқа ичида чол унинг камтарлигини ҳам, ўз иззатини сақлаётганини ҳам, (эшикни очди-ю, таклиф бўлмагунча бир зум тўхтаб турди) солдатлар сингари қадам ташлашини ҳам, этикларининг ярқираб турганини ҳам кўрди. Гимнастёркаси аллақачон эскириб, ранги ўчиб кетган бўлишига қарамай, ювилган, дазмолланган, қадди-қоматига жуда ёпишиб турарди. Камари ҳам, офтобда қорайган бўйинини сиқиб турган оппоқ ёқаси ҳам ўзига ярашиғлик эди. Умурзоқ ота уни диққат-эътибор билан кузатди. У Олимжонни жуда яхши кўрарди.

«Дарҳақиқат, ҳарбий кийимларини авайлаб сақлайди,— деди Умурзоқ ота ичида,— тоза ва покиза кияди, афтидан, бу кийимлар унга ёқса керак. Бошидаги чуст дўпписи ҳам ўзига ярашган. Эҳтимол, ҳозир ҳарбий шапкасини кийса ярашмас».

— Бардаммисиз, Умурзоқ ота!— деди Олимжон,—

уйлар тинч, ҳаммалари, Лола ҳам сиҳат-саломат. Сизни кўргани келдим. Ҳали ҳам Ойқиздан дарак йўқми?

— Йўқ, ўғлим. Тоғда нима бўлди экан, билмайман. Болам... Дарҳақиқат?..

— Сабр қилинг, ота, хавотир олманг. Бугун мен тоққа бормоқчиман, Ойқизни уйга қайтариб юбораман.

— Шундай қил, ўғлим,— деди чол Олимжонга меҳрибонлик билан термилиб. «Дарҳақиқат, чиройли йиғит, юзи ҳам, дили ҳам чиройли. Орзу қилса...» шуларни ҳаёлидан ўтказаркан, қўлидаги чойнак эсига тушиб, фикри бўлинди ва Олимжонга қараб деди:— Кел, болам, тоққа кетишинг олдидан бир чойлашиб олайлик. Дарҳақиқат, экиш-тикиш қочмайди,— чол унинг қаршилик кўрсатишига оғиз ўнглаганини сезиб, дарҳол қўшимча қилди:— Қаршилик қилмай қўя қол. Дарҳақиқат, билиб қўй, барибир нонуштасиз жавоб бермайман.

Умурзоқ ота қўлидаги чойнакни самовар устига қўйиб уйга кириб дастурхон олиб чиқа туриб, остона олдида таққа тўхтади. Олимжон ҳам қандайдир шарнага қулоқ солди. Узоқдан, тоғ томондан от туёғининг товуши эшитилгандай бўлди.

Чолнинг севинчи ичига сиғмай эшик томон чопди. От туёғининг товуши тобора яқинлашаверди. Умурзоқ ота эшикни очиши билан қизига кўзи тушди.

Ойқиз отни йўргалатиб келди-ю, икки букилиб эшикдан кирди ва ҳовлининг ўртасида тўхтаб, иргиб отдан тушди.

Умурзоқ ота ҳам, Олимжон ҳам дарҳол унга яқинлашдилар. Ойқиз қамчини эгарга қистириб қўйиш баҳонаси билан бир нафас отга ўгирилиб турди-да, тўзиган сочларини эпчиллик билан текислаб, ёқасини тўғрилади, кўксидagi тўғнағични ушлаб кўрди, у ёқ-бу ёғини саришталаб олгач, одоб билан қўли кўксиди, бошини сал эгиб аввал отасига, кейин Олимжонга салом берди. У кулиб турарди. Ота ҳам, Олимжон ҳам қизнинг чарчаганини, пешонасида тер доналари ялтираб турганини, лаблари шабадада қуриб қолганини пайқадилар.

Ойқиз кириб келиши билан ҳовли янада ёрпшиб кетиб, севинч ва қувончга тўлди. Олимжон қизнинг қўлидан отнинг тизгинини олди-да, бостирмага боғлаб, айилини бўшатди ва олдига беда ташлади.

Чол ҳовлининг ўртасида қизини бағрига босиб соч-

ларини, елкаларини сийпалаб эркалар, ич-ичидан қувонарди, қизи гўё бутун ёзни тоғда ўтказгандай соғиниб қолган эди.

Ойқизни болалигида шунақа эркалашар, мулойим муомала қилишарди, холос. Қиз аста-секин ўсиб, бўйи етавергач, отанинг унга муносабати ҳам жиддийлашиб борди. Ойқиз дадасидан бирор марта бўлса ҳам жазо олиш у ёқда турсин, ҳатто қаттиқ-қурум гап ҳам эшитмаган эди. Шундай бўлишига қарамай, ундан ҳайиқар, кўрқарди. Мана, йиллар йилларни қувиб ўтди. Олтинсойда қанчадан-қанча сувлар оқиб ўтди. Умурзоқ ота ҳам бу давр ичида қанчадан-қанча гам-гусса ва севинч-қувончни бошдан кечирди.

Ойқиз йилдан-йил ўсиб-улғайди. Отанинг муносабатлари ёшлигидаги каби янада мулойимлашди. Яна ич-ичидан қувониб эркалайдиган бўлди. Энди Ойқиз чолнинг бирдан-бир бахти, бирдан-бир овуноғи ва умиди бўлиб қолган эди. Шунинг учун ҳам қизи ҳар сафардан қайтганида ўзида йўқ қувонарди.

Ахир қувонмай бўладими? Чол ёлғиз, қиз бўлса гоҳ тоғда, гоҳ фермада, чўпонлар ичида, уни гоҳ районга, гоҳ областга чақиришарди. Гоҳ мажлисда, гоҳ янги қурилишларда (қишлоқда янги мактаб, клуб, колхозлараро электростанция қуриларди) бўлиб, кун бўйи иш билан банд эди. Ота ҳамиша қизи тўғрисида ўйларди, уйқусиз ва овқатсиз ишлаяпти, касал бўлиб қолмаса эди, деган хавотирга тушарди.

— Дарҳақиқат, ухламай, дам олмай ишлаб бўладими?!— дер эди у қизига ҳамиша таибеҳ бериб,— ҳатто қушлар ҳам дам олмаса учолмайди. Ахир, ўзинг ўйла. Не, понушта қиламиз, самовар ҳам биқирлаб сенга маҳтал, сени кутяпти,— чол шундай деб шошилган ҳолда уйга кириб келди.

Олимжон қизга оҳиста яқинлашди. Ойқиз этикчасининг чарми кўчиб, оқариб қолган жойини кўриш учун эгилган эди, шу пайт иккита қилиб ўрилган узун-узун сочлари сирғалиб ерга тушди.

Олимжон бежирим этикчанинг қўнжини ушлаб турган позик бармоқларга ҳам, ерга тушган сочларга ҳам шунчалик тикилдики, шу сочларни авайлаб қўлига кўтариб туришдан, ҳатто қизнинг этикчасини тозалашдан зўрға ўзини тийиб қолди.

— Олимжон ака. дадам понуштага чақиряптилар,—

деди қиз унга қараб,— мен йўлдан келдим, ювиниб олмоқчиман.

— Биринчидан, саломингиз қани, Ойқиз?— деди Олимжон ўпқалангандай бўлиб. Бу билан у алоҳида «салом»ни кўзда тутдими ё бошқа нарсаними, Ойқиз тушунолмади. У қоматини ростлади-да, иккита қилиб ўрилган сочларини орқасига олиб ташлади.

— Салом, Олимжон ака,— деди қиз табассум билан, салгина уялиб,— боя салом берувдим-ку, фаҳмламабсиз-да,— кўзлари эркаланиш, кесатиқ аралаш ҳазил ва айёрлик билан боқарди.

— Шунақами? Иккинчидан, кеча хат олдим, мана,— деди Олимжон гимнастёркасининг чўнтагини кўрсатиб,— марҳамат қилиб, бир ўқиб чиқасиз-да.

— Нега? Сизга ёзилган хатни-я?

— Иккаламизга алоқадор. Ўқиб чиқишингиз мумкин. У гимнастёркасининг чўнтагини очиб, икки букланган хатни олди.

— Мана, ўқинг,— деди учинчи бор.

Ойқиз хатга қўлини узатганда, айвондан отасининг:

— Қани, болаларим, марҳамат, нонуштага...— деган овози эшитилди.

Ун тўққизинчи боб

— Ҳозир, дадажон, ҳозир!— Ойқиз шундай деди-ю, чопганича хонасига кириб кетди.

Олимжон буғи чиқиб турган самоварни кўтариб, Умурзоқ отанинг орқасидан ўзига кўпдан таниш супага чиқди. Урушдан бурун Умурзоқ ота ўғилларини ёнига олиб, лой шиббалатиб супани ўз қўли билан ясаган эди. Айниқса, ёз ойларида, жазирама иссиқ тепадан уриб турганда усти ёпилган, атрофига қайрағоч ва пайванд тут ўтқазилган супада нонушта қилиш, овқатланиш ёки ғир-ғир шабада эсиб турганда ёнбошлаб ётиш, ухлаб ҳордиқ чиқариш кишига жуда роҳат бағишларди.

Олимжон самоварни патнисга қўйди-да, ўзига қулай жой топиб, гилам устига тўшалган кўрпачага чордана қуриб ўтирди.

Ахир, у шу супада, ҳадемай оппоқ-оппоқ бўлиб пинадиган пайванд тут тагида ўтиришни озмунча ҳавас қилганми? Тутхўрлик қилишни-чи? Ҳа, бир вақтлар бу супада, ана шу ҳовлида ҳозиргидай бемалол чой ичиб суҳбатлашиб ўтириш хомхаёлдай туюларди. Мана энди

комхаёл эмас, ҳақиқат бўлиб қолди, худди ўз уйидай ўтирибди. Унинг олдидаги пастаккина хонтахта устига ёзилган дастурхон турли-туман нози неъматларга тўла эди. Бу хотин кишининг қўли билан эмас, балки Умурзоқ отанинг меҳнатсевар қўли билан ясатилган дастурхон Олимжонни ҳайратда қолдирди. Тоғ бугдойи унидан ёпилган оппоқ нон, ичига ялпиз солинган сомса (кеча қўшниси чиқарган эди), яхна қўй гўшти, чинни коса тўла қаймоқ — ҳаммаси-ҳаммаси одамнинг иштаҳасини очарди.

Қорни оч Олимжон Ойқиз келгунча дастурхонга қўл урмай, жимгина ўтирди. Шу билан бирга у ўзини бошига ҳам ҳаракат қиларди. Ҳар ҳолда, хатни ноқулай пайтда, ҳориб-чарчаб, оч қолиб келган пайтда бергани яхши бўлмади. Шу топда хат ўқийдиган вақтмиди? Бу таъби хиралик Олимжонга тиним бермас, муқаддас орзусига эришиш йўлида оти қўққисдан туртишиб йиқилгандай бўлди.

Ойқиз ювиниб-тараниб кийиниб чиқди-да, хонтахтанинг нариги томониغا, Олимжоннинг қаршисига ўтириши биланоқ иккаласининг кўзи кўзига тушди. Ойқизнинг кўзлари «нега хафасиз, ахир, менинг гуноҳим йўқ-ку», деган маънода боқди-да, сўнгра дастурхонга тикилиб, чой қуйиш билан овора бўлди.

— Мана, қизим, сенинг келишингга мўсафид данданг тайёрлаган дастурхон,— деди Умурзоқ ота,— онанг ҳаёт бўлганда...— у қошларини силаб-сийпалаб, хўрсиниб, оғир нафас олди,— ҳаммаси бошқача бўларди.

Ойқиз ҳам бошини қуйи солиб, оғир нафас олди. Умурзоқ ота ҳар қачон дастурхон устида Холбибини эслар ва унинг сўзлари қизнинг юрагига ҳамиша ханжардек ботарди. Бироқ Ойқиз ўзи чеккан ғам-аламни дадасидан яширишга, дадасини юпатишга, фикрини бўлишга интиларди. Дадасига чой қуйилган пиёлани узатар экан, булоқ тўғрисида — Қултепа тўғрисида сўрашга ошиқарди:

— Дада, мен бугун ажойиб мўъжизани кўрдим.

— Мўъжиза? Тоғда-я? Дарҳақиқат, қизиқ... — деди ота салобат билан.

— Ҳа, ажойиб, жуда ажойиб,— деди Ойқиз такрорлаб,— мана, эшитинглар: эрталаб тоғдан қайтаётиб довондан пастга тушдим у йўлдан юрмай, тўғридан, Қултепа томондан от қўйдим. Тепа ёнида бир нарса ялтираб

кўринди. Нима экан, деб ўша томонга юрдим. Бориб қарасам — булоқ экан.

— Булоқ?

— Ҳа, булоқ, қайнаб чиқяпти.

— Йўғ-э, кўзингга шундай кўрингандир, қизим, кўллаб қолган ёмғир сувидир?

— Охирги марта ёққан ёмғир... қачон ёққани хотирингизда борми?

— Бир ярим ҳафта ўтди.

— Эҳтимол, ёмғир булоқнинг пайдо бўлишига кўмаклашгандир, булоқнинг кўзларига йўл очгандир. Бироқ мени таажжубга солган нарса булоқ эмас, албатта. Қултепа устига чиқиб, кутилмаган ҳодисага дуч келдим. Биринчидан, булоқ олдида иккита кунда учратдим. Демак, бу ерда қачонлардир чинор дарахлари ўсган! Бугина эмас, тепа устидан бир замонлар мавжуд бўлган канал изи сезилиб турибди. Демак, бир вақтлар ариқлар ҳам бўлган, ерларимизга сув оққан. Бу нима?.. Дадажон, эшитган-билганларингизни айтиб беринг, жон дадажон, айтиб беринг.

— Умурзоқ отам колхозимизнинг ташкилотчиларидан бири, — деди Олимжон кулимсираб, — Қултепа тўғрисида билишлари керак. Умурзоқ ота, илтимос, айтиб беринг, — у ёстиқни чол томон суриб қўйди.

Чол ёстиқни бир уриб, қўлтиғига қўйди-да, хаёлга чўмди.

— Дарҳақиқат, Қултепанинг мудҳиш тарихи бор, — деди у оппоқ оқарган қошларини чимириб, — бу ерда бўлиб ўтган даҳшатли воқеаларни ўз кўзим билан кўрганман. Бу воқеа ўттиз йиллар бурун содир бўлган. Ҳа, гапинг тўғри, қизим, бир вақтлар ўша жойларда ариқ тўла сув оққан. Кўп-кўп сув оққан. Бироқ ана шу сув бўйида, булоқ бўйида катта жиноят қилинган. Халқни сувдан маҳрум қилганлар. Дарҳақиқат, сувдан маҳрум қилсалар, ҳаётдан ҳам маҳрум қилганлари шу.

— Қандай қилиб?

— Ким қилган? — сўрашди Ойқиз билан Олимжон кетма-кет.

— Ҳа, маҳрум қилганлари ҳақ. Фақат ёвузлик, халққа ёвузлик қилиш учун. Шу йўл билан халқдан ўч олганлар.

— Халқдан ўч олиш қабиҳлик-ку, — деди Ойқиз ўзини тутолмай.

— Ҳа, золимнинг қўлидан келади. У газандадан ҳам, йиртқич ҳайвондан ҳам баттар. Йиртқич очиқ жангда ўлади ёки енгади. Бироқ у ўч олишни билмайди. Ёмон одам-чи? Унинг қўлидан ҳар қандай қабиҳлик келади. Золим халқ қонини сўриб ичган. Халқ зулмга қарши бош кўтарганда, золим ундан ўч олган. Олимжон тоққа жўнамоқчи эди, шошилаётганинг йўқми?

— Йўқ, ота, шошилаётганим йўқ,— деди Олимжон Ойқизга назар ташлаб, салгина қизарган ҳолда.

— Воқеа шундай бўлган... Хотирамда бўлса, инқилоб арафасида эди, ўша вақтларда Қултепани табаррук авлиё деб аталарди. Қултепа остида катта булоқ бўларди. Булоқнинг сувви қишлоққа ҳам, экинларга ҳам етарди. Бироқ сувли ерларнинг ҳаммаси Қобилхўжа эшон деганининг мулки эди. Эшон ҳам табаррук одам бўлиб, Муҳаммад пайғамбарнинг вакили ҳисобланарди. Шу туфайли булоқнинг сувлари ҳам эшоннинг хусусий мулки эди. Унинг авлиёга сажда қилувчи фуқаролари, бошқача айтганда, унинг қуллари эса тоғ ёнбағирларидаги пасқам уйларда, тошдан қилинган горларда яшарди. Ҳа, дарҳақиқат, уларнинг ҳаммаси қуллар бўлиб, ердан ҳам, сувдан ҳам маҳрум эди, оч-яланғоч, азоб-уқубатда кун кечирарди. Қуллар зулм ва ҳақоратга чидай олмай, Олтинсой қишлоғимизга кўчиб келдилар. Шунда ҳам эшоннинг зулмидан озод бўлмадилар. Илгаригидек, ҳамма эшоннинг ишини қилаверди. Ҳа, дарҳақиқат, булоқ бўйида иккита азамат чинор бўларди. Одамлар бу чинорлар уч юз ёшда дер эдилар. Чинорлар ҳам булоқ сингари табаррук саналарди. Уларни муқаддас қилган эшоннинг аждодлари эди. Булоқ ҳам, чинорлар ҳам Қобилхўжа эшоннинг бобокалони вақтиданоқ табаррук ҳисобланиб, эшонлар авлодидан авлодига ўтиб келган эди. Одамлар ниқлобдан бурун саводсиз, авом бўлиб, турли-туман афсоналарга ишонар эди. Эшон, ушбу табаррук жойлар туғмаган хотинларга фарзанд ато қилади, деб ҳам жар соларди. Бундан мақсад — биринчидан, кўпроқ хайр йиғиш бўлса, иккинчидан, тепа остидаги ҳужраларда билган номаъқулчиликни давом эттириш эди. Фарзандталаб кўшгина хотинлар ана шу афсоналарга ишониб узоқ-узоқ қишлоқлардан келар эди. Йиллар ўтиб бирон наф кўрмагач, яна эшоннинг ҳузурига илтижо билан келар эдилар. Эшон бундай хотинлардан несдан ҳазар қилгандай ҳазар қилиб, «худо бахтни раво кўрмади,

ҳаммаси гуноҳингга яраша», дея жаҳл билан уришиб-сўкиб ҳайдарди. Қобилхўжа соддадил хотинларни алдаб, мазах қилиб бойлик орттирарди. Бойлик йиғишни касб қилиб олган эшон биттаю-битта арзанда ўғли Азимбойдан жонини ҳам аямасди. Ўғли хасисликда ҳам, золимликда ҳам отасидан қолишмасди. У қанча улғайса, шунча бераҳм ва золимлашар, пшини қилган қашшоқларга арпа нонни ҳам раво кўрмасди. Шундай қилиб, соч-соқоли оқарган, ташидан қараганда диёнатли ва тақводор кўринган эшон ҳам, унинг семиз ўғли Азимбой ҳам халқ қонини зулук бўлиб сўрар эдилар. Азимбой оз вақт ичидан шунчалик бойиб кетдики, ўзини хон ва амир ҳис қилиб, деҳқонларни раҳмсизлик билан эзаверди, қозиққа ўтқазиб қийнаб, занжир билан дарахтга боғлаб жазолади, қоялардан жарликка ташлатди.

— Нима учун?— сўради Ойқиз ўзини тўхтатолмай.

— Нима учун бўларди, анчайин арзимас нарсаларни баҳона қилиб.

— Нима сабабдан одамларни қийнардирди?—сўради Ойқиз қаноат ҳосил қилмай.

— Дарҳақиқат, мана бир воқеа... Бир кун қашшоқларнинг энг қашшоғи, ҳамқишлоғимиз Жўра қоронғи кечада полизга сув очган.

— Кейин нима бўлган?..

— Азимбой ушлаб олиб арқон билан ҳовлисидаги тут дарахтига танғиб ташлаган.

— Бунга қандай чидардилар?— деди Ойқиз нафрат ичига сиғмай.

— Чидар эдилар. Қобилхўжа эшон ҳаммани худо номи билан қўрқитарди.

— Қўрқитса нима? Даҳшат-ку, бу,— Олимжон шунча асабийлашдики, юзлари қорайиб, кўзлари қисилиб кетди.

Ойқиз унга тикилди ва қизиққанили яширишга ҳаракат қилди. Чунки ҳаллгача, жаҳли чиққанда Олимжоннинг юзлари қорайиб, кўзлари қисилганини кўрмаган эди.

— Дарҳақиқат, ўшапдай кун кўришнинг ўзи даҳшат,— деди Умурзоқ ота,— Қобилхўжа ҳам, Азимбой ҳам халқни қанча таласа, шунча кўзи оч бўлган. Ҳатто зулук ҳам, кана ҳам қон сўриб тўйгач, тушиб кетади, бироқ Қобилхўжа билан Азимбойнинг қон сўриб тўйган вақти бўлмаган. Аксинча, улар ўз бойлигини неча бор кўпайтириш режасини тузиб, ёнбағирдаги ҳосилдор ер-

ларни суғоришга киришган. Эрта баҳорда Қобилхўжа ва Азимбой ўзларидан қарз олганларнинг ҳаммасини табаррук чинор остига йиғилишга буюрадилар. Улардан қарздор бўлмаган кишининг ўзи топилмасди. Ҳа, топилмасди! Дарҳақиқат, ҳамма деҳқонлар бошигача қарзга ботган эди. Биласизлар-ку, деҳқон кузда нимаики жамгарса, қиш бўйи еб чиқади, баҳор пайти қопчигини қоқиштиради. Дарҳақиқат, баҳор деҳқон учун илик узилди вақти. Худди ана шу вақтда Қобилхўжа билан Азимбой Олтинсойдаги ва қўшни қишлоқлардаги барча мусулмонларнинг қарзини кечиб юборганларини айтадилар. «Фуқаросига меҳрибон бўлган худои таоло, танишбилишларни ўзингни севгандай сев, деб уқтирган. Бу сўзларни табаррук чинор ҳам, табаррук булоқ ҳам эшитсин. Бунинг эвазига ҳамма фуқаро муқаддас ишга — сойларни қазिशга сафарбар этилади. Сув келтириш — муқаддас иш, худои таолога ёқадиган савоб иш. Сув — фаровонлик келтиради. Сув ҳар бир кишининг, ҳамманинг мулки, — дейди эшон, — кимки худо йўлида жонбозлик кўрсатиб ишлар экан, унга ота-боболари ва Муҳаммад пайгамбарнинг арвоқлари ёр ва жаннатга сазовор бўлғай». Азимбой бўлса бу савоб ишга, савоб ҳашарга чиққан кишиларга ҳар кун суюқ ош пишириб, буғдай нон бериш, ҳафтада бир кун — ҳар жума палов пиширишга ваъда қилган.

Ҳашар бошланган кунларда Азимбой ваъдасига вафо қилади. Инсофли мусулмон бўлмоқ учун ва қолаверса, кўпроқ кишини ишга тортмоқ учун халққа қўй гўшти эмас, эчки гўшти (қўй гўштини, эчки гўштини — ким фарқига борибди) солинган суюқ ош бериб турди. Бироқ оз ўтмай палов у ёқда турсин, қора арпа нонни юборишни ҳам унутади. Оч-яланғоч деҳқонлар муздек тоғ шамолида кўйлаклари йиртилиб кетганидан совуққа қотиб яланғоч ишлайдилар. Халқ бошда норозилик баён қилади ва сўнгра кетмон, чўкич ва мисронларини улоқтириб, иш ташлайди. Бу вақтда сой тозаланиб, канал қазилиб бўлган эди. Дарҳақиқат, тепа устидан диққат билан қаралса, ҳали ҳам одамзод қўли билан қурилган каналнинг излари кўринади.

— Ҳа-да, — деди Ойқиз маъқуллаб. — Мен ҳам шуни айтяпман-да сизга.

— Хўш, шундан кейин-чи? Сув келдими-йўқми? — сўради Олимжон.

— Одамлар иш ташлаганидан эшон даргазаб бўлди. Уйда бел оғриғи тутиб табиб кутиб ётгани учун сойга ўгли Азимбойни юборди. Қаҳр-газаби қайнаган ҳашарчилар Азимбой келганини эшитиб уни тошбўрон қилдилар ва ўлдириб, сойнинг чақир тошлар билан қопланган энг тор жойига, сув йўлбаре сингари пишқириб чиқадиган қоп-қоронғи жойига улоқтирдилар.

— Кўрганман бу жойни,— деди Ойқиз,— чуқур жарлик устидаги харсангтошда кўм-кўк арча ўсган. Ҳар қачон уни кўриб ҳайратда қоламам. Қандай қилиб тош устида арча кўкарган, томири қаёққа қараб ўсган, қаердан озиқ олади? Ахир, ҳамма жой — чақир тош-ку.

— Дарҳақиқат, ана шу ернинг ўзида,— деди Умурзоқ ота.— Бироқ шундан кейин Қобилхўжа эшон ўзгарди деб ўйлайсизми? Йўқ, у яна қутуриб кетди, ҳар вақтдагидек деҳқонларни қўрқитиш ниятида яна ёвузлик қилди, уларни ўлимга, очликка маҳкум этди. Аммо одамлар кўрқмадилар. Аксинча, жасорат билан унга қарши чиқа бошладилар. Шундан оз ўтмай, халқ бахтига инқилоб бўлди. Оқпошшо йўқ бўлди. Бойларимиз титраб-қалтиради, тагидан зил кетди. Халқ газабидан қочиб қутулолмаслигига кўзи етган эшон ўзининг ҳам қисмати ўғлиникидай бўлишини, тошбўрон қилиниб заҳарли илондай янчиб ташланишини билди. Бир кечанинг ўзидаёқ номнишонсиз йўқолди. Уни узоқ ахтарсалар ҳам тополмадилар. Дарҳақиқат, уни топиш зарур эди.

— Нега?..

— Нима учун?

— Шунинг учунки, у заҳарли илон. Улмаган илон ёмон чақади. Эшон халқни чақди, бир кечанинг ўзида Қултепа олдидаги булоқ қуриди қолди.

— Қуриди? Нима қилди эшон?

Умурзоқ ота чойдан бир хўшлаб, пиёлани оҳистагина ерга қўйди. Чол ўй-хаёл билан банд эди.

— Дарҳақиқат, нима қилганини ҳеч ким билмайди,— деди у,— қанча уринсалар ҳам, билолмадилар. Жаҳл ўтида ёнган халқ Қобилхўжа эшоннинг уларини худди шамол хас-хашакни учиргандек титиб, булоқ бўйидаги чинорларни кесиб ташлади. Чунки бу чинорларнинг шохларига бойланган алам унинг баргидан ҳам кўп эди. Чинорлар ва аламларнинг йўқ бўлганига ҳеч кимнинг юраги ачимайди. Фақат булоққа юраги ачиди, ҳозир

ҳам халқнинг юраги ачийди... Мана, Қултепаннинг тарихи, болаларим.

Умурзоқ ота кучли бармоқлари билан пиёлаги олиб, совиб қолган чойни шимирди.

— Дада... наҳотки, булоқни тозалаш мумкин бўлмади?— сўради Ойқиз ичи ачиб.

Ота қизига тикилди ва унинг пешоналари тиришганини, қалин қошлари чимирилганини кўрди-ю, мамнунлик билан илжайди.

— Дарҳақиқат, тозалаб кўрдилар, қизим,— деди Умурзоқ ота бошини чайқаб,— кўп марта тозалаб кўрдилар. Шундай кулфат содир бўлади-ю, халқ хотиржам бўла оладими? Ахир, бу булоқ... ҳаммамизнинг умид-орзумиз эди, шунинг учун ҳам уни қидирдик, тозаладик, бироқ сув чиқмади. Дарҳақиқат, ўзим ҳам холи пайтларда кўп марта булоқ бўйига бордим. Эшон булоқнинг бўғвидан боғлаган жойни қидирдим, наҳотки, ўша лаънати булоқни қуритади? Ахир, бу сув-ку, қаерга йўқолади? Уша вақтда Олтинсойда эшонни азиз-авлиё ёки сеҳргар эмасмикин, деган одамлар ҳам топилган эди. Эҳтимол, улар эшоннинг қудратига ишонгандирлар. Дарҳақиқат, ўша вақтда мен ҳам эшонга лаънат ўқиган эдим. Шундай қилиб, болаларим, булоқнинг кўзи очилмади. Дарҳақиқат, Кўкбулоқни ҳам худди шундай қуритганлар.

— Босмачилар қуритган дейишди,— деди Олимжон.— Айтишларига қараганда, Кўкбулоқ жуда серсув бўлган эмш.

— Ҳа, болаларим, суви жуда мўл бўлган,— деди Умурзоқ ота эслаб,— сув бўлганда ҳам шакардай ширин сув бўлган. Ҳали-ҳали мазаси оғзимизда. Дарҳақиқат, Кўкбулоқ яқинда қуриди, эсимда, сен туғилмасдан бурун, Ойқиз. Босмачилар қишлоғимизга кўп марта ҳужум қилган ва ҳар сафар талашга улгуролмай чекинган эди. Чунки мудофаамиз жуда кучли эди. Қизил аскарларни севинч-қувонч билан кутиб олган эдик. Улар босмачиларни тор-мор этишда бизга ёрдам қилдилар. Шунда бир қанча ҳамқишлоқларимиз қизил аскар отрядларига қўшилиб қетди. Ана шунинг учун ҳам рус оғаниларимиз билан қариндошлигимизни кўролмай, ғазабланган босмачилар биздан ўч олдилар, Кўкбулоқни қуритдилар, сув чиқадиган сойларни портлатдилар. Ҳозир бу жойларни фақат тахминан топиш мумкин. Илгари сув чиққан сойлар портлатиш оқибатида тош ва қум билан тўлди.

Ҳозир Ёнғоқсойнинг бурилиб кетган жойлари Кўкбулоқ деб аталади. Дарҳақиқат, бу жойни ўзларинг ҳам билсаларингиз керак, узунлиги ярим чақирим чамасида.

— Биламиз у жойларни,— деди Олимжон бошини қамирлатиб.

Ойқиз дастурхонни сийшалаб жим ўтирарди.

Ҳовлида жимлик ҳукмрон эди. Самовар ҳам қайнашдан тўхтаган. Ичилмаган чойлар пиёлаларда совиб қолган. Ёғлиқ қўй гўшти яхнаси ҳам, тоқ барги ва узум бошининг сурати солинган чинни косадаги қаймоқ, нон, қора майиз — ҳаммаси дастурхонда қўл тегизилмай турарди.

Ҳовлида учиб юрган сап-сарик катта капалак гоҳ гулзор устида, гоҳ пайванд тут остида пайдо бўларди. Ойқиз дастурхон устида учиб юрган капалакни кузатар экан, Олимжонга кўзи тушди.

— Ҳамма булоқларни қидириб топишимиз, кўзини очишимиз лозим. Ёнғоқсойни боғлаб, сувини қишлоғимизга, ҳосилдор ерларимизга буришимиз зарур,— деди Ойқиз қатъият билан.

Ойқизнинг овозида ва қарашида жиддийлик ва кескинлик бор эди. Олимжон қизнинг овози тобора жаранглаб, юзлари ёришиб, кўзлари ўтдай чақнаётганига ҳавас ва қувонч билан боқарди.

— Дада, Олимжон ака. Сўзларимни диққат билан эшитинглар,— деди қиз сўзида давом этиб ва ўз фикрига ўзи қизиқиб.— Агар биз Ёнғоқсойни боғласак, Олтинсойда янги ерлар очипимиз мумкин. Ахир, бу ерлар серҳосил, кучли, минг йиллардан бери сувсиз ва одамсиз ётибди. Бўз ерларни очиб суғорадиган бўлсак, ҳосил конига айланади. Пахта — бизнинг орзу-умидимиз. Ҳар бир ўзбекнинг ифтихори! Хўш, шундай экан, нима учун биз қўлимизни қовуштириб ўтираемиз. Нега сув қидирмаймиз? Нега пахта экмаймиз? Бу шармандалик эмасми? Энг олдин менга. Бу ишни бизга биров қилиб бермайди. Ўзимиз қилаемиз. Ёнғоқсойни бўғамиз, булоқларни тозалаб, кўзини очамиз. Ҳамма сувни далаларимизга бураемиз. Дада... Олимжон ака... Нега индамайсизлар?..

Умурзоқ ота бошини қуйи солиб, пастки лабини тинглаб, хаёл сурарди. Қизининг тезлиги ва қизиққонлиги уни ташвишга солди. У мураккаб масалада шошманшошарлик ва енгилтакликни ёқтирмасди. «Дон униб чиқишдан олдин ерда етпади,— ўйлади у.— Одамнинг фикри ҳам

худди шундай, олдин мияда етилади, пишади ва сўнгра тилга чиқади...»

Аmmo Олимжон Ойқизнинг сўзларини ҳаяжон ичда тинглаб, дарров қувватлади:

— Ажойиб фикр, Ойқиз. Ҳақлисиз,— деди у қизишиб кетиб.— Энди енг шимариб ишга тушмоқ зарур. Ёнғоқ-сойни бўғиб, Олтинсой ерларини суғорамиз. Ахир, биз ҳам экинзорларимиз табиатини ўзгартиришимиз зарур-да!

— Ҳа, ҳа, Олтинсой табиатини,— деди Ойқиз қизишиб, унинг сўзларини бўлиб.— Ахир, кимдир бу ишга киришмоғи лозим-да.

— Биз киришамиз, Ойқиз. Яқинда Мичуринни ўқидим. Анча фикрлари эсимда қолди... Худди шеърдай ёддан биламан. Мана у нима деб ёзган: «Стихияга қарши курашга ажойиб техника қуроли билан киришган, табиатга уни ўзгартириш нуқтаи назари билан қараб таъсир қилаётган колхозчидек тамомла янги хил деҳқонни барча давр ва барча халқларнинг деҳқончилик тарихи ҳеч қачон кўрган эмас». Эшитдингизми, Ойқиз? «Стихияга қарши... табиатни ўзгартириш нуқтаи назари билан қараб...» Тушундингизми, Ойқиз?

— Ҳа, ажойиб сўзлар.

— Бир сўз билан айтганда, Гришани қувонтирамиз. Рус халқи изидан борамиз,— деди Олимжон жиддийлик билан.

— Гриша? Гриша ким? Дарҳақиқат, Гриша тўғрисида бир сўз ҳам эшитганим йўқ,— деди ота сўзга аралашиб.

— Гриша фронтдаги дўстим бўлади, отажон,— жавоб берди Олимжон.— Ҳозир у Волга бўйида агроном бўлиб ишлайди. У билан хат ёзишиб турамиз. Кеча ундан хат олдим. Григорий гармсел ва қурғоқчиликнинг олдини олиш йўлида зўр ишлар қилаётганлари тўғрисида ёзибди. Экинзор ерларга ихота дарахтлари экиб, қурғоқчилик ва гармсел йўлини тўсмоқдалар. Бу тадбир қорларни ушлаб қолишга, ерларнинг намини кўпайтиришга ҳам хизмат қилади. Чўлларда сув ҳовузлари қурмоқдалар. Энди улар мисли кўрилмаган мўл ҳосил оладилар, шу мақсадда улар енг шимариб катта иш бошлаганлар.

— Биз-чи?!— деди Ойқиз.— Биз ҳам ана шундай катта иш бошлашимиз керак. Умумхалқ ишидан четда туриб бўладими? Гап шу тўғрида борапти.

— Тушундим, Ойқиз, тушундим,— деди Олимжон қўлини кўтариб. Бироқ, Ойқиз ажойиб фикрлар завқшавқига кўмилиб, Олимжоннинг ҳаракатини сезмай қолди. Ойқиз чақнаб турган кўзларини баланд-баланд тоғларга тикиб, мароқ билан деди:

— Бу ишга биз ўз ҳиссамизни қўшамиз. Сувни қидириб топамиз. Сув мўл-кўл бўлади. Бўз ерларни очиб, пахта экамиз, фақат жасорат, жасорат керак. Ахир, биз... ахир, сиз, Олимжон ака, жасоратли кишисиз-ку!— У олдинга Олимжонга, сўнгра дадасига боқди.— Сиз ҳам ёрдам берасизми, дада?— сўради у,— сув қидиришга ёрдам берасизми?

— Қидириш? Нима қидириш?..

Умурзоқ отанинг пинагини бузмай сўрагани қизини хафа қилди.

— Дарҳақиқат, фикримча,— деди чол салгина асабийлашиб,— шошган киши кўрга ўхшайди. Чунки кўр ҳам, шошган киши ҳам тўғри йўлда ҳам туртиниби-суртиниби юради. Дарҳақиқат, чуқурроқ ўйла, қизим. Муҳим ишда сира шошилма. Шунинг учун халқимиз «етти ўлчаб, бир кес», деган. Ўйлаб кўр, қизим, баҳор пайтида, экин-тикин вақтида булоқларни очаман деб, одамларни ишдан қолдириб бўладими? Қодиров рози бўлармикин? Сув чиқмаса нима бўлади? Оқибатини ўйлаб кўрдингми?..

— Сув чиқарамиз,— деди Ойқиз, дадасининг фикрига эътироз билдириб.— Албатта, сув чиқарамиз. Фақат сиз ёрдам беринг, дада. Қодиров бўлса...— у қўлини силтаб қўйди,— Қодиров бўлса, майли... Лекин халқ билан маслаҳат қиламиз. Агар халқ истаса, тоғни талқон қиладди.

— Ҳақ сўз. Халқнинг кучи беҳисоб. Бироқ сен Ёнғоқсой, Ёнғоқсой деб жаврайсан. Ахир, Ёнғоқсойни бўғиш билан сув кўпайса, халқ аллақачон бўғарди, халқ қанча урингану, қизим.

— Демак, бу иш фойдасиз деб ўйлайсизми?— сўради Олимжон.

Умурзоқ ота оппоқ соқолини гижимлади.

— Фойдасиз,— деди шартта жавоб бериб,— хатарли иш.

— Нега хатарли бўлади?— сўради Ойқиз ўтдай ёниб.

— Фақат одамларни ишдан қолдирасан, холос. Экин-тикинни барбод қиласан,— деди чол зарда билан. Унинг кўз олдилари қоронғилашиб кетди. Ў жаҳл ўтида ёниб, дарҳол ўрнидан турди-да, супадан ҳовлига тушди.

— Отага нима бўлди?— деди Олимжон мулойимгина қилиб.

— Мендан қўрқяптилар,— деди Ойқиз секин овоз чиқариб,— обрўйимни сақлаяптилар, охири бориб халқ олдида шарманда бўлишимдан қўрқяптилар.

— Ҳозир-чи?

— Ҳозир?..

— Нега туриб кетдилар? Жаҳллари чиқдим?

— Ҳа, бегона одам олдида мен билан тортишиб ўтиришни лозим кўрмадилар.

— Э, мен бегона эканман-да!

Ойқиз дастурхонни йиғди. У Олимжоннинг сўзига бирдан жавоб беролмади, юзига ҳам қарай олмади. Бир зумдан кейингина унга тикилиб, табассум қилди.

— Албатта... ҳали бегонаси-да.

Ойқиз идиш-товоқларни йиғиб, зинапойдан астагина ерга тушиб, уйга кириб кетди. Орадан бир дақиқа ўтгач, айвондан туриб хушовоз билан:

— Мен қишлоқ Советига кетдим,— деди.— Сиз тоққами?..

— Йўқ, олдин колхоз идорасига киришим керак.

— Йўлимиз бир экан.

Улар ҳовлида кетишга ҳозирлик кўраётган пайтда Умурзоқ ота гулзор ичида серғунча шохларни кўздан кечирар эди.

— Хайр, дада,— деди Ойқиз эшикдан чиқиб кетиш олдида.

— Саломат бўлинг, Умурзоқ ота,— деди Олимжон ҳам хайрлашиб.

Умурзоқ ота ўрнидан ҳам турмади, қайрилиб ҳам қарамади, эшитилар-эшитилмас қилиб алланима деб мингирлади.

Қиз билан йигит кўчага чиқишлари биланоқ Олимжон:

— Хатни бевақт бердим-а,— деди, «ўқидингизми?» дейиш ўрнига.

— А? Ҳа-я. Мана, хат, энди ўқийман.

Ойқиз қадамини салгина секинлатиб, хатни ўқиди.

«Олимжон, қадрдоним, салом!

Сен ёзган хатлар ҳар қачон мени хурсанд қилади. Бир вақтлар фронтда эканимизда дўстларимиз ва хотинларимиз ёзган хатлар ҳам мени худди шундай хурсанд қиларди. Сен ёзган хатларни ҳаяжон билан овоз чиқа-

риб, сўнгра яна ичимда ўқийман, хатларингни қанча ўқисам, жанговар кунлар шунча эсимга тушиб кетади. Ахир, шамол тегирмони олдидаги қишлоқда қаттиқ атакадан сўнг мени ярадор ҳолда топганингни, ажал уругини сочиб турган фашистлар дзотини якка ўзинг ишгол қилганингни, ўша вақтда ёққан муздек ёмғирни унутиб бўладими? Бир сўз билан айтганда, эсимизга олсак арзийдиган воқеалар хотирамизда. Дўстим, сени соғиндим. Қўргим келади-ю, бироқ ишим бошимдан ошиб ётибди. Қўл тегмайди. Иҳота дарахтзорлари бунёд қилмоқдамиз, сув ҳовузлари қурмоқдамиз. Қурғоқчиликка қарши жанг қилмоқдамиз. Шундай, дўстим, яқинда қурғоқчилик ҳам, гармсел ҳам қўрқинчли бўлмай қолади.

Ҳозир менинг уйимда тантана: ўғил билан қутлашинг мумкин. Ўғилча чинакам паҳлавон, биласанми, тўрт килограмм. Ўғил туғилиши бутун колхозимиз учун тантана бўлди. Хўш, оғайни, сени нима билан қутласам бўлади? Ойқиз билан тўйларинг бўлдими, йўқми?..»

Ойқиз беихтиёр тўхтади. Унинг юзлари қизариб, хат ушлаган қўллари қалтирарди.

«Сенга ва сенинг Ойқизингга мендан ва Валядан салом,— ўқишда давом қилди Ойқиз, хат ушлаган қўллари қаттиқроқ қалтираб.— Олимжон, Ойқиз билан бизнинг томонларга меҳмон бўлиб келсаларингиз қандай яхши бўларди. Ҳақиқатан ҳам икковларингиз кузда бир келинлар. Бу пайтда қизгин дала ишлари ҳам тамом бўлади. Келинлар, албатта. Сизларни кутамиз ва дўстона бағримизга босамиз.

Григорий ва Валя»

Ойқиз бир ерда тўхтаб турганини, кўчанинг ўртасида, қуёшнинг тиғида турганини энди пайқади. У хатни Олимжонга қайтариб бергач, сукунат ичида қадам ташлади ва чинорнинг соясига етгач, яна тўхтади.

Уларнинг йўли шу ерда бўлиниб кетарди. Ойқиз Олимжонга тикилди. Олимжон бўлса гимнастёркасининг кўкрак чўнтагини очишга уринарди. Кичкинагина, ўртасида юлдузнинг сурати бор мис тугма ҳам, икки букланган оппоқ қоғоз ҳам унинг кучли бармоқларига бўйсунмасди, олдинига тугманг ечиб бўлмади, сўнгра қоғознинг бурчаклари илиниб, чўнтагига сиғмасди.

— Ундай эмас,— деди Ойқиз салгина овоз чиқариб.

У гимнастёрка чўнтагининг лабини очиб, хатни солишга кўмаклашди.

— Ҳар хатида мендан тўй тўғрисида сўрайди,— деди Олимжон жиддий тусда,— дўстимга қандай жавоб ёзай?.. Уни қайси вақтга таклиф қилай?..

Ойқиз чинор танасида юқорига ва пастга қараб ўрмалаб юрган чумолиларга тикилгани ҳолда, индамай турарди.

— Ойқиз!..

Олимжоннинг овозида талаб ҳам, қатъият ҳам йўқ эди. Фақат ўтиниш сезилиб турарди.

— Ойқиз!.. Ойқиз!..

— Нима, Олимжон ака?.. Нима?..

— Тўйимиз қачон?..

Ойқиз чинорнинг нозик бир новдасини ушлаб турар экан, қоп-қора чумолилар унинг қўлида ўрмалай бошлади. У қўлини силтаб ташлади ва қошларини чимириб табассум билан деди:

— Бу тўғрида кўчанинг қоқ ўртасида гаплашини қандай бўларкин? Тагин келиб-келиб қишлоқ Совети олдида-я, қаранг, мени қанча кишилар кутиб ўтиришибди.

Иигирманчи боб

Партбюро мажлисининг очилишига ярим соат қолди. Колхоз идорасидан партия ташкилоти учун ажратилган ва деразаси шарқ томонга қараган кичкина хона ичида Олимжоннинг бир ўзи қўлига қалам олиб, тезисларни кўриб ўтирарди.

Масала жуда муҳим. Партбюро «Қизил юлду колхозининг тоғ этакларидаги ерларни очиб тўғрисида Ойқизнинг таклифини муҳокама қилиши зарур эди. Олимжон бу таклифнинг тўғрилигига энди ишонди, амалга ошириш йўлларини тушундигина эмас, балки бу жасоратли ғояга Ойқиздан ҳам кўпроқ мафтун бўлиб қолганди. Шунинг учун ҳам унинг қалбида зўр ғайрат, зўр ишонч жўш урар, аллақандай хаёлий орзу-умидлар тиним бермасди. Вақтики келиб, қапдайдир сайёраларда тириклик аломати борлиги аниқланса, унинг этнографиясини, тушроғини, ўсимликлари ва ҳайвонотини ўрганиш юзасидан комплекс экспедиция саёҳатида унинг ўзи ёки

Ойқиз иккаласи узоқ-узоқ сафарларга чиқишлари тўғрисидаги афсонавий орзуларга ғарқ бўлиб, гоҳо бунга ишониб ҳам қўярди.

Булоқларнинг кўзини очиш, ҳовуз қуриш, канал қазиб, минг-минг гектар ҳосилдор ерларни суғориш ва пахта экиш олтинсойликларнинг азалий орзуси эдики, энди Олимжон ҳам бунга ич-ичидан ишонарди. Шу билан бирга, Олимжон шу зўр тадбирларни амалга оширишда ҳали қанчадан-қанча кишилар тўсқин бўлиши, қаршилик қилиши, қийинчиликлар туғилиши, булар билан курашиш лозимлигини кўнглидан ўтказар ва енг шимариб шу курашларга киришни истарди. Истардигина эмас, курашга тайёр эди. Чунки, бу вақт ичида у сойлар-булоқларни ҳам, суғорилиши лозим бўлган бўз ерларни ҳам кезиб чиқди. Тунлари мизғимай қанчадан-қанча китоблар ўқиди, район кутубхонасидан тоғ этакларидаги ерларни суғоришга, ирригация-мелиорацияга доир нима топган бўлса, ҳаммасини қунт билан ўқиб чиқди.

Мана энди у кабинетда бир ўзи ўтирар экан, чап қўли билан сочларини гижимлар, ўнг қўлида қалам билан гоҳ ўчирар, гоҳ ёзарди, тезисларини қунт билан кўздан кечириб, одамларни ишонтириш мумкин бўлган муҳим фикрларни кўчириб ёзарди.

Партия бюросига ҳам, партия мажлисига ҳам ҳар қачон чуқур ва пухта тайёрланиш Олимжон учун қоида бўлиб қолган эди. Муҳокамага қўйиладиган масаланинг майда-чуйдасигача ўрганиш, чуқур билиш, фикрларни тарозида ўлчаш, мисқол-мисқолигача ҳисобга олиш, ҳатто муҳокамани хато йўлларга олиб кириши эҳтимол тутилган фикрларни олдиндан кўриш, рўзномадаги масалаларнинг муҳокамасини тўғри йўлга солиш чораларини аниқлаб қўярди. Олимжон бу қоидани комсомоллик вақтидан биларди. Гарчи, урушдан бурун турмуш тажрибаси, сабр-чидами, ақл-идроки етишмай, муҳим масалалар муҳокамасида қизиққонлик, шошмашошарлик қилган бўлса, энди фронтдан сўнг турмуш тажрибаси ошди, турли-туман шарт-шароитда ҳам саросимага тушмайдиган бўлди. Энди у (баъзи-баъзида хатолардан холи бўлмаса ҳамки) меҳнатсевар билан танбални, ҳалол билан қаллобни, яхши киши билан қабиҳ кишини, турли-туман найранг ҳисобига юқори лавозимларга интилган амалпарастларни, дили булоқ сувидай покизаларни, бошқаларнинг йўлини ёритиш учун юраги ўт бўлиб ёнувчиларни,

ҳаётининг гўзал ва олижаноб бўлиши учун жонини фидо қилувчиларни ажратадиган бўлди.

Колхоз коммунистлари ҳам секретарининг ростгўйлиги, принципиаллиги ва қатъийлигини, ўз фикрини жасорат билан исбот қилишини яхши билардилар.

— Баъзан сенга қараб туриб ўз ўғлимдан қувонгандай қувонаман,— деди райком секретари Жўрабоев қайси бир суҳбатда юрагини очиб,— фронтдан кейин жуда ўзгариб кетдинг, ўсиб-улғайдинг. Энди сенга ҳар қандай ишни ишониб топширса бўлади.

— Маслаҳатингиз эсимда. Ленинни кўпроқ ўқи деган эдингиз. Ҳамма ишда уни ўқийман, ундан қидираман ва ундан мадад оламан. Назаримда бу улур зот қишлоғимизнинг ҳаётини олдиндан кўриб, келажакда қайси йўлдан боришни башорат қилган. Ҳа, у катта шаҳарлардан узоқ-узоқларда бўлган ва тоғлар этагида жойлашган кичкина Олтинсой қишлоғининг ҳам истиқболини белгилаб кетган. Унинг донишмандлиги ва заковатидан ҳайратланаман. Қандай қилиб у шунча нарсани кўролган, қандай қилиб шунча олдиндан башорат қилолган-а?..

— Ишим ҳал бўлсин, ҳожатим чиқсин десанг, партия ташкилотимизнинг секретари Олимжоннинг олдига бор,— дейишарди ҳамқишлоқлари.

— Нима? Ҳа, ҳақ сўз. Ҳақиқат қидириб раис Қодировга борсанг, ҳақиқатни Олимжондан топасан,— дерди бири.

— Тўғри, тўғри. Ун керакми, шолими, уй солиш учун қарзми, барибир ҳаммасига Олимжон керак.

— Йўқ, хато қиласан,— эътироз билдирарди яна бири,— Олимжон қувватламайди. Бормай қўя қол.

— Ўзим ҳам биламан. Қувватламаса ҳамки, тўғри маслаҳат беради.

Эътироз билдирган одам ҳайрон бўларди.

— Ҳайрон қоладиган жойи йўқ. У маълумотли, газета ўқийди,— дерди суҳбатдошлардан бири мазах қилгандек кулиб.

— Ундан кулма, оғайни,— бир неча киши бирдап шундай деб юборишарди,— биламиз, газетани сен ҳам ўқийсан. Бироқ ҳеч ким сендан маслаҳат сўрагани келмайди. Нима учун? Нима деб ўйлайсан?

Бундай пайтда жавоб ўрнига бирданига кулги кўтариларди.

Олтинсойда Олимжондан камтарин кишини топиш қийин эди. У ўз характеридаги кучли ва кучсиз томонларни чуқур билар ва ким нима деса ҳам ўз чидами, бардоши, қатъийлиги, тиришқоқлиги ва ғайрати билан барибир ўз мақсадига эришарди.

Мана ҳозир у рўзномадаги масалаларни ва тезисларини кўздан кечириб чиққач, дафтарини ёпиб қўйди-да, қаламини синдириб юборгудай маҳкам ушлаб, бошини стулнинг орқасига ташлади, кўзларини юмди.

— Шундай!— деди овозини чўзиб. Кейин ўрнидан турди, қаламини стол устига ташлаб, қулочини кенг ёзиб керишди.— Энди далилларимиз ишонарли,— ўйлади у.— Энди тўғри йўлдан бораётганимизни исботлаш мумкин.

У бармоқларини камарнинг тагига суқиб, гимнастёркасини текислаб қўйди ва энгагини ушлаб туриб: «Яна соқол ўсибди,— деди ўзича,— ахир, куни кеча олдирувдим-ку. Одам қанча кам ухласа, соқоли шунча тез ўсар экан»,— деб қўйди у.

Қутилмаганда унинг орқасидаги эшик очилди-ю, юзларидан нур ёғилиб Ойқиз кириб келди. У севинч ва қувончга фарқ бўлиб, қандайдир фавқулодда хабар келтиргандек эди.

— Салом, Олимжон ака!— деди у қўлини узатиб.

— Салом, Ойқиз!

Олимжон Ойқизнинг ишонч билан, қувонч билан кириб келганидан таажжубланди. Чунки куни кеча Қодировнинг кабинетида раис билан жанжал бўлиб ўтган, бу шу ҳафта ичида бўлиб ўтган жанжалларнинг энг қизгини эди. Ойқизнинг таклифи бу гал ҳам раис томонидан қаттиқ қаршиликка учради. Бироқ Ойқиз бунга сира ажабланмади. Ажабланадиган ва хафа қиладиган томони шунда эдики, Умурзоқ ота ҳам раис томонида эди. У, таваккал билан бошланган бу иш қизининг обрўсини туширишидан хавотирланиб, ишнинг натижасидан шубҳаланарди.

Ойқизнинг таклифи бугун ҳам Қодиров томонидангина эмас, балки бошқалар томонидан ҳам қаршиликка учрашини элдиндан сезган Олимжон, Ойқизни юпатиш ва уни ҳар томонлама қувватлаб, ишончини оширишни кўнглидан ўтказиб қўйган эди. Бироқ унинг ҳозирги авзойини кўриб, юпатишга эҳтиёж йўқлигини сезди. Бўлиб ўтган тортишувлар унинг руҳини туширмабди, бал-

ки тоғ этакларидаги Олтинсой ерларини суғориш юзасидан тузган лойиҳасини қаттиқ туриб ҳимоя қила олишига ишончи комил эди.

— Ойқиз, қандай янгиликлар бор,— деди Олимжон стулни суриб ўтиришга жой кўрсатаркан,— таслим бўлмаслигингизни кўриб турибман.

— Таслим бўлиш хаёлимда ҳам йўқ,— жавоб берди қиз қулимсираб.

— Дадангиз-чи?... Ўжарлик қилаверадиларми?..

— Ҳамманинг фикри бир ердан чиққанда келишмовчилик ҳам, кураш ҳам бўлмасди. Аммо курашнинг зарур. Кураш бўлмаган жойда олға юриш ҳам бўлмайди. Бу ҳақиқатни ўзингиз ҳам биласиз-ку. Шунинг учун курапамиз. Ишонтирамыз, исботлаймыз.

Ойқиз сумкасидан сариқ муқовали катта дафтар чиқариб стол устига қўйди-да, мулоимлик билан деди:

— Дадам-ку ҳақ эканлигимизга ишонар. Ўжар бўлса ҳамки рози бўлар. Аммо бошқалар... Мен бюрога пухта тайёрландим. Мана, бутун бир роман ёздим. Ўқинг.

Олимжон стол устида турган дафтарни олиб эндигина очган ва ҳали икки қаторини ҳам ўқишга улгурмаган эди, эшик очилиб, раис Қодиров билан бригадир Бекбўта кириб келишди.

Қодиров оғир ишлардан сўнг қаттиқ чарчагандай елкасини букчайтириб кириб келди ва букчайиб тургани учун икки қўли одатдан ташқари узун кўринарди. У бошини қуйи солган ҳолда хўмрайиб, афтидан, йўлда бошлаган гапини тамом қилиш учун бригадирга деди:

— Фақат енгилтабиат ёки гўр ёшларгина шундай деб ўйлайди.

У жаҳл устида столнинг нарёғида турган стулни олди-да, тумшайиб ўтирди.

Бекбўта раиснинг фикрига қўшилмаган бўлса керак, гапларини чертиб-чертиб жавоб берди:

— Ўртоқ раис, мен сизга салкам тенгдошман. Демак, аллақачон болаликдан чиққанман. Сиз сингари гўр ҳам эмасман. Бироқ баъзи раҳбарларимиз олдинга ҳаракат қилишни истамайдилар. Ҳатто орқаларидан итарса ҳам, олдинга юрмайдилар. Бир жойда қандай турган бўлсалар, шундай тураверадилар. Нима учун? Бу масалани ҳам текшириб кўриш лозим, раис.

Бекбўта икки қўлини белбоғига қўйиб хонанинг у бошидан бу бошига бориб келарди. У одатдагидек чи-

ройли қавилган қора тўн устидан жигарранг белбоғ боғлаб олган. Оёғида эса ағдарма этик.

Қодиров бўлса одатдагидек, жузли малларанг кителлида, кўм-кўк шими устидан хром этик кийиб олган эди. Офицерлар киядиган чироили китель семириб, ёғ босиб кетган Қодировни ёш қилиб кўрсатмаганидек, деҳқонлар киядиган оддий тўн ҳам Бекбўтани қари қилиб кўрсатмасди.

Бригадирнинг пичинг аралаш тўғри жавоби раиснинг жиғига тегди ва баттар жаҳлши чиқарди. У бошини кўтариб, Бекбўтага тикилди, доимо беҳурмат қилиб, ўзини мустақил тутувчи ва раиснинг сўзига эътироз билдирувчи бригадирни қайириб ташламоқчи бўлган эди-ю, бироқ Олимжон қаламини столга уриб, бюро аъзоларини жим қилди ва мажлисни очди.

— Бугун биз бюрода,— деди у,— уч проблемани ўзичига олган муҳим масалани муҳокама қилмоғимиз лозим. Биринчидан: булоқларни тозалаш; иккинчидан: канал ва сув ҳовузи қуриш; учинчидан: пахта экадиган бўз ерларни очиш. Бу тадбирлар билан ҳамма бюро аъзолари таниш. Шундай бўлса ҳам, муҳокамани бошлашдан олдин ўртоқ Умурзоқованинг ахборотини эшитсак, марҳамат, Ойқиз, сўз сизга.

Ойқиз шошилмай ўрнидан турди, дафтарини очиб, столнинг бир чеккасига суриб қўйди-да, мажлисда ўтирганларга қараб чиқди. Кўзи Қодировнинг бақрайиб турган кўзларига тушиши билан салгина ранги ўчди.

Қодиров унга кўзини тиккан ҳолда хўмрайиб ўтирарди.

«Ҳаммаси равшан,— ўйлади Ойқиз.— Бу одам бутун кучи билан мен тузган планларга қарши курашади. Раис ишимизнинг ғалабасига ишонмайди». Ойқиз ўзини босиб олиш учун раисдан кўзини олиб қочди ва дафтарига тикилиб туриб сўзлай бошлади:

— Ҳаммангиз биласизки, колхозимиз ҳар йили тоғдаги ерларга бугдой экади. Нима учун?.. Шунинг учунки, сув йўқлигидан бўз ерларни очолмаймиз. Пахта экишимиз мумкин бўлган қанчаю қанча ҳосилдор ерлар фойдасиз ётибди. Бу ерларни кўриб юрагимиз ачийди. Бўзлар худди афсонадагидек «оқ олтин»га айланиши лозим. Ўзбекистон — «оқ олтин» юрти. Бу — бизнинг бойлигимиз, ифтихоримиз. Қачонгача биз тоққа эккан бугдойимиз билан хотиржам бўлиб юраверамиз, қўлпимизни

қовуштириб табиатдан раҳм-шафқат кутиб ўтираминиз. Бас энди, мудраб ётган бўз ерларни уйғотишимиз лозим. Бу ерларни фақат оқар сув билан уйғотиш мумкин, ҳа, оқар сув билан...

— Ахир, оқар сувни қаердан оласан? Қаердан?— деди Қодиров унинг сўзини бўлиб жаҳл аралаш.

— Сув бор!— жавоб берди Ойқиз қўнғироқдай овозини жаранглатиб.— Ҳа, бор!— деди у ўз сўзини такрорларкан, қўли билан очиқ дафтар саҳифаларига уриб,— ўзингиз ўйланг, қанчадан-қанча сув баҳорги сел билан сойларга оқиб кетади. Агар шу сел сувларини тўхтатсак-чи?.. Тўғон қуриб, ҳамма селни сув ҳовузига йиғсак-чи?.. Агар ҳамма булоқларни тозаласак-чи? Ўйланг, кўз олдингизга келтиринг.

— Қуруқ сўз,— деди Қодиров Ойқизга қарамай. У Ойқизга орқасини қилиб, бошини қуйи солиб ўтирарди. Оғир нафас олиб қанчалик асабийлашганини қиздан яширишга уринди.

— Уртоқ Қодиров, партия бюросини ҳурмат қилишингизни эслатиб ўтаман,— деди Олимжон салобат билан.

— Ҳурмат қил! Ҳурмат қил!— Унинг асаби қайнаб, юзлари ёнди.— Менинг фикримча, бу қуруқ сўзлар ҳам маъносиз, ҳам асоссиз.

— Сизга ҳам сўз бераман,— деди Олимжон жиддий тусда.— Тортишувингиз мумкин.

Ойқиз мажлисда ортиқча жанжал чиқмаслиги учун ўзини босиб, индамай қўя қолди.

— Умурзоқова, сўзингизда давом этинг,— деди Олимжон.

Ойқиз яна бир дақиқа сукунат сақлади-да, сўнгра сўзида давом қилди:

— Такрор айтаманки, шунча гафлатда қолганимиз, қўл қовуштириб ўтирганамиз етар энди. Ишга большевикчасига киришиш пайти келди.

У стол устига катта ва қалин қоғозни ёзиб, четларини кафти билан босиб турди.

— Мана, «Қизил юлдуз» колхозининг ерлари. Диққат билан кўришларингизни сўрайман.

Бюро аъзолари стол ёнига келиб, қоғоздаги планни кўздан кечира бошладилар.

Орага жимлик чўкди. Қоғознинг бир томонини Ойқиз, иккинчи томонини эса Олимжон ушлаб турарди. Ҳамма-

нинг эътибори қоғоздаги планда эди. Ойқиз одамларни нигоҳи билан кузатарди. У Қодиров қандай луқма ташла-
ламасин, барибир жавоб бермасликка қарор қилганди. Қодиров икки қўлини орқасига қилиб қоғоздаги кўк, са-
рик, пуштиранг белгиларга, йўғон ва ингичка чизиқлар-
га термилиб, хўмрайиб турарди.

— Бу ерда колхознинг умумий ерлари ва шундай суғориладиган қисми равшан кўрсатилган,— деди Ойқиз сўз бошлаб,— мана, кўк чизиқларга назар ташланг, мана бу Ёнғоқсой, буниси Узумсой. Мана бу ерга келиб икки сой қўшилиб, Олтинсой бўлади. Бу сойларда, айниқса Ёнғоқсойда кўпгина ташландиқ булоқлар мавжуд. Ана шу булоқларни тозалаш мумкин!— Ойқиз қизиқиб, зўр ҳавас ва ҳаяжон билан ҳикоя қиларди, юзлари қизариб, катта-катта кўзларида жасорат ўти чақнарди,— чўпонларимизнинг тажрибасини эслайлик. Сув қуриб қолди де-гунча эски булоқларни тозалайдилар. Дарҳол сув чиқади. Биз Ёнғоқсой ва Узумсойдаги булоқларни текшириб чиқдик. Агар катта булоқларнинг кўзини очсак, канал қазиб, ҳосилдор ерларимизни суғорсак, «Қизил юлдуз» колхозни галлакор бўлибгина қолмай, пахтакор ҳам бўлади. Шундай қилиб пахтачилик деҳқончилигимизнинг асосий тармоғига айланади-ю, галлачилик билан чорвачилик ҳам тез ўсади. Ахир, пахта эгасак — бунинг нима бўлишини биласизларми?

Ойқиз бир нафас тўхтаб, ҳаммага бир-бир назар ташлади, юрагида қандайдир енгиллик сизди. Бюро аъзолари қоғоздаги планга диққат ва қизиқиш билан тикилиб, Ойқиз келтирган далилларни синчиклаб хаёлларида ўтказар, фикр юритар эдилар. Ҳатто Қодировнинг ҳам кўзларида қандайдир қизиқиш учқунлари пайдо бўлгандай, юзи ёришгандай кўринди, зимдан кузатиб турган Ойқизга.

«Қошқийди мана шу учқунлар юрагида ёнса. Ўжарлик қилса-чи? Тўсқинлик қилса-чи?..» хаёлидан ўтказди.

— Хўш, Умурзоқова, нега индамай қолдингиз?— сўради Бекбўта унинг хаёлини бўлиб.— Гапправенинг, ажойиб фикрларни ўйлабсиз.

— Ҳа, чиндан ҳам ажойиб ишлар,— деди у Бекбўтанинг фикрини маъқуллаб.— Бирдан-бир тўғри ва амалга оширса бўладиган иш. Ахир, ўзларинг ўйланглар, ҳар йили баҳорда минг-минг кубометрлаб сув оқади сой-

лардан, биз эса қурғоқчиликдан озор чекамиз. Юз минг кубометрлаб сув-а?! Бу ерда ҳеч қандай фантазиянинг ҳожати йўқ!

— Фантазия! Фан-тазия! Баландпарвоз сўзлар,— деди Қодиров.

— Йўқ!— деди Ойқиз гапида давом қилиб,— шунча сувга эга бўлиш — зўр табиий бойликка эга бўлиш эканлиги яққол кўриниб турибди. Шундай катта бойликни қўлимиздан чиқариб, зигирча фойдаси тегмай оқиб кетишига термилб, хотиржам ўтираверамизми? Бунчалик сув билан колхозимиз ерларинигина эмас, қўшни колхозларнинг ҳам ерларини сугоришимиз мумкин. Фақат тежамкор хўжайин бўлмоғимиз лозим. Қимматбаҳо бойликни ўз қўлимизга олайлик. Енг шимариб, астойдил иш бошлаш пайти келди.

— Қандай қилиб?— сўради Қодиров тоқати тоқ бўлиб.— Бу ишга қайси томондан ёндашса бўларкин-а? Ахир, бу сув-ку, бойлик деймизу, бироқ қўл билан ушлаб бўлмайди-ку уни,— деди Қодиров мазах қилиб ва фикрини маъқуллаган кишини ахтариб, бюро аъзоларига назар ташлади.

Бироқ раисга қараган киши ҳам, унинг сўзларини маъқуллаган киши ҳам бўлмади.

— Бойликни қўл билан ушлаб бўлмайди, дедингиз-а?— сўради Ойқиз,— аввал унга қўл узатиш керак, астойдил узатиш керак. Бунинг учун фақат юрак бўлса— бас. Қўрқиб ярамайди.

— Қуруқ сафсата... Қани, бўлмаса маслаҳат бер, қандай қилиб?..

— Уртоқ Қодиров, ўзингиз ҳам ўйланг, бош қотиринг.

— Таваккал экан-да?..

— Нимаси таваккал. Фақат меҳнат талаб қилади, холос.

Ойқиз ёнига ўгирилиб, дивандаги қалин қоғозни олди-да, стол устига ёзиб қўйди.

— Мана буни кўринг,— деди.— Албатта, бу ўхшатиб чизилган бўлмаса ҳамки, қурилиш қандай бўлиши кўрсатилган,— Ойқиз бармоғи билан қип-қизил чизиқни кўрсатди,— канал трассаси мана шу ерлардан ўтади. Унинг боши мана бу Ёнғоқсой билан Узумсой қўшилган жойдан, сув ҳовузи қуриладиган чуқурликдан олинади. Кўрдингизми? Сувни шу жойдан оламиз. Пахта, беда,

сабзавот экиш учун қанча сув керак бўлса, шунча олишимиз мумкин бўлади. Колхозимизнинг иқтисоди бутунлай ўзгаради. Даромаднимиз йилдан-йил кўпайиб, хўжалигимиз тез суръатлар билан ўсади. Халқ бизни қувватлайди. Фурсат ўтмасин, тезроқ иш бошлайлик. Энди ҳаммаси ўзимизга боғлиқ, меҳнатимизга, гайратимизга боғлиқ. Агар улгура олсак, шу йилнинг ўзидаёқ оз-моз пахта экамиз. Пахта!

Ойқиз энги тагига қистириб қўйган дастрўмолчасини олди-да, хотин-қизларга хос ҳаракат билан пешонасида ялтираб турган терларини артди.

Бюро аъзолари жим ўтиришар, баъзилари қоғоздаги планни диққат билан кўздан кечирарди. Олимжон шошиб-шошиб ниманидир ёзарди.

Биринчи бўлиб Бекбўта сўз олди. У аввал Ойқизга, сўнгра қалин қоғозга назар ташлади-да, умид ва шубҳа ичида қизил чизиқларни кўздан кечирди.

— Булоқларда шунча сув борлиги ҳақ сўзми? Бу ерда хато йўқми, Умурзоқова?..

— Ҳа, шунча сув бор,— деди Ойқиз шартта жавоб бериб,— мен хато қилганим йўқ. Сизларга маълумки, бу тадбирларни тузиш ва сув запасини ҳисоб-китоб қилишни бир ўзим бажарганим йўқ. Дадам айтганларидек, дарҳақиқат, ҳамма ҳисоб-китобларни район сув хўжалик бўлими, тўғрироғи, Иван Никитич Смирнов бажарди. Шунинг учун ҳам шубҳа қилинмаса бўлади. Соилардаги булоқлар мўл-кўл сув беради, сел сувлари жуда кўп. Ҳисоблаб чиқилгани тўғри. Ҳали биз Кўкбулоқни бунга қўшганимиз йўқ. Агар уни тозалай олсак, сувимиз яна мўл бўлади.

— Қойил бўларди-я,— деди Бекбўта зўр қизиқиш билан қўлларини бир-бирига ишқалаб,— Кўкбулоқнинг суви ҳали-ҳам эсимда. Яқинига борсанг, суви кўплигидан оёқ остидаги тошлар қимирлаётганга ўхшарди. Ҳа-ҳа... қойилмақом бўларди-я? Рост, уни очсак, қойил қоладиган иш бўларди! Нега индамайсизлар?..

— Агар ҳаммамиз бир бўлиб киришсак очиш мумкин,— деди Ойқиз.

Бироқ Қодиров яна қизариб кетди, юзлари қаваргандай кўпчиб чиқди.

— Узун гапнинг маъноси ҳаминша калта бўлади. Мақтанчоқлик кимга керак, тушуволмадим. Қисқа қилиб, ҳақиқатни айтинг. Кўпларингиз билмассизлар, балки

эсларингиздан чиққандир, мен айтиб бераман. Кўкбулоқни қўрбоши Асфандиёрбек портлатган. Унинг маслаҳатчиси шумликда шайтонни алдайдиган тулки — Англия офицери. Ушанинг маслаҳати билан портлатилган. Кўкбулоқ кўмилган эмас, балки ич-ичидан портлатилган, харсантошлар тагига кўмиб юборилган. Унинг қаерда эканини ҳозир ҳеч ким билмайди. Тошларни у ердан бу ерга олиб ташлаш учун... бир йил, ярим йил керак. Барибир тошларни адо қилиб бўлмайди. Шунча тошни ташиб бўлармиди?.. Бунга озмунча одам керакми? Ҳозир шу ишнинг вақtimi? Бу тўғрида жиддий гап юритиш мумкинми, ахир?! Ишга бундоқ тажриба кўзи билан қараш лозим!

Олимжон Қодировнинг сўзларини диққат билан эшитди.

— Ўртоқ Қодиров, сўзингизни давом қилдиришингизни сўрайман,— деди Олимжон юмшоқлик билан.

— Узундан-узун гапиришни ёқтирмайман. Сўзим шу,— деди заҳарханда билан у.

— Майли, қисқа қилиб айтинг. Фикрларингизни охиригача айтинг. Умурзоқованинг таклифи тўғрисидаги фикрларингизни очиқ-ойдин эшитсак яхши бўларди.

Қодиров секин ўрнидан туриб, икки қўлини столга тиради. Ойқиз ер остидан унга тикилди-ю, кўзларида қизиқиш учқунларини топмади.

— Дўстлар, наҳотки, мен сувнинг қадрини билмасам, сувга қарши бўлсам,— деди қовоғини солиб,— агар сув бўлса яланғоч ва яланг оёқ бўлиб Қизилқумнинг қоқ ўртасидан кечиб ўтишга тайёрман. Умурзоқованинг таклифига ҳам кўзимни чирт юмиб туриб кўшилардим. Ҳа, ҳақ сўзим шу. Бир мисқол ҳам ёлғони йўқ гапимнинг, дўстлар. Бироқ...— у икки қўлини мушт қилиб кўкрагига қўйди,— буни қилолмайман. Нима учун? Умурзоқова бизга бошчи эмас, қарвонбоши бўлолмайди. Тузган плани хомхаёл, оз-моз ўйлаган бўлса ҳам, қизиққонлик устида тузилган план. Шундай муҳим ишда қизиққонлик қилиб бўладими, дўстлар? Ахир, қандай план тузганини ўйлаб кўринглар... Булоқларни тозалаш, сув ҳовузи қуриш, сойларнинг сувини колхоз ерларига буриш...

— Соиларни буриш эмас, канал қазиш,— деди Ойқиз унинг сўзини тўғрилаб.

— Фарқи йўқ. Сой билан каналнинг фарқи йўқ. Ундан ҳам, бундан ҳам сув оқади. Майли, сой бўлса сой

бўлсин, йўғ-ей, ҳалиги... канал бўлсин. Бироқ кўрпага қараб оёқ узатиш керак. Ёнғоқсойнинг суви битта туяга етади. Ёзда бўлса у ҳам қуриб, фақат юз ювишга етадиган сув қолади, холос. Хўш, шундай экан, ишни Умурзоқова айтгандай бошлаш мумкинми? Ахир, Олтинсойда ким булоқдан ер сугорган?.. Ҳеч ким. Шундай экан, нима учун таваккал қилишимиз керак?.. Агар булоқ суви билан ер сугориш мумкин бўлганда Умурзоқовага қадар яшаган аждодларимиз орасидан шунга ақли етадиган одамлар топилиб қоларди. Олимлар ҳам сугораверинглар деган бўлардилар. Давлатимиз ҳам пулни аямасди. Ахир, ҳеч ким бизга сугоринг дегани йўқ-ку, чунки бу арзимайдиган иш. Шошилишга ўрин йўқ. Сабр қилайлик. Халқимизда: «Шошган қиз эрга ёлчимас», деган мақол бор. Ҳа, сабр қилайлик. Бошқалар бошласин. Биз уларни кўрайлик.

Бекбўта нотинч бўлиб деди:

— Бошқалар атакага борсину, биз буталар остида ётиб томоша қилайликми? Таклифингиз шундайми раис?..

Қодиров қизариб кетди ва ўрнидан туриб, қўлларини силтаб қичқирди:

— Ҳа, дўстим, ҳа! Фойдасиз атакага фақат аҳмоқлар ва фаросатсизлар боради. Ҳар қандай атакага ҳам ҳозирлик кўрмоқ зарур. Бу оддий ҳақиқатни унутмасанг яхши бўларди. Биз бўлсак, ҳозирлик кўрмай жангга кирмоқчимиз. Борди-ю, булоқлардан бир томчи ҳам сув чиқмаса-чи? Одамларни ишдан қолдириб, бекорга овора қилган бўлмайми? Харсангтошларни ағдаришга, булоқларни тозалашга озмунча куч керакми? Одам қани? Ахир, бу ишлар хамирдан қил сугургандай бўлавермайдими-ку. Қўшнилари ҳашарга чақирами?.. Шармандан шармисор бўлиб қолсак-чи? Ким жавобгар? Раис Қодировми?.. Йўқ, дўстлар, мен бунга рози бўлмайман. Мен Умурзоқованинг таклифига қарши овоз бераман. Ҳа, қарши, ишга тажриба кўзи билан қараш лозим.

У жаҳл ўтида ёниб, оғир гавдасини стулга ташлади ва кўзини бошқа томонга тикиб, оғир нафас олди.

— Йўқ, оғайнилар, биз бу ерда қанча тортишмайлик, орамизда ҳар қанча гап қочмасин, бу меҳнат сарф қилса арзийдиган иш эканлиги равшан кўриниб турибди,— деди Бекбўта салмоқлаб,— қимирлаган қир ошар, дейдилар. Шунинг учун, оғайнилар, фурсатни ўтказмай,

тезроқ иш бошлаб юборишни таклиф қиламан. Қўшнилари кутмаймиз, иш бошлаганимизни билиб, ўзлари ҳашарга келадилар. Қийинчилик масаласига келганда...— деди у Қодировга тикилиб ва қўшимча қилди:— Ундан кўрқмаймиз. Кўз кўрқоқ, қўл ботир, дейдилар.

Ойқиз ҳамма иш ўзи кутганча бўлаётганидан хурсанд, бахтиёр ўтирарди.

Бекбўтанинг сўзларини ҳамма бюро аъзолари қувватладилар. Ҳамма дарҳол иш бошлаб юбориш тўғрисида сўзлади. Фақат Қодиров қаршилиқ қилди ва одатдагидек ўжарлигида туриб олди. Бошда у, шошмашошарлик ярамайди, ишдан-игнасиғача ҳисоб-китоб қилиш зарур, деган бўлса, сўнгида сув чиқаришга асло ишонмаслигини баён қилди.

— Қоғозга қизил чизиқлар тортиш билан иш битди деб ўйлайсизларми?— сўради у заҳархандалик билан,— йўқ, дўстлар, хато қиласизлар. Ҳа, катта хато!

Энди унинг норозилиги ҳеч кимни ташвишга ҳам солмади, ғазабини ҳам қўзғамади. Шундай қилиб, у ўз фикрида ёлғиз қолди. Муҳокама тамом бўлиб, қарор қабул қилинганда у оғиз очмади ва деразанинг олдига бориб, қўлини орқасига қилган ҳолда тураверди. Ҳамма қувонч билан қизғин суҳбат аралаш ўрнидан турганда, Қодиров уларга бир-бир қараб мулоимлик билан сўради:

— Хўш? Масала ҳал бўлдимиз? Баракалла, баракалла. Энди дўшани осмонга отса бўлар экан-да.

— Нима демоқчисиз?— ўзини тутолмай сўради Бекбўта.

— Бу ишларни қайси пулга қилмоқчисизлар, дўстлар, қаердан пул топасизлар-а? Мен билишни истайман, дўстлар!— деди у салмоқлаб бюро аъзоларини мазах қилгандай.

— Менимча, бу ўринсиз савол,— деди Бекбўта тажаң бўлиб.— Биз мардикор олмақчи эмасмиз. Ҳаммасини ўз қўлимиз билан бажарамиз.

— Албатта, биз колхозчилармиз,— деди Қодиров киноя билан,— меҳнат куни олиб ишлайверамиз... Бироқ бошқалар-чи?..

— Кимлар?

— Бундай масалаларни билмаганингдан кейин, билганларга қулоқ сол!— Қодиров яна асабийлашиб деди:— Биринчидан, мана бу қоғозлар эмас,— у карнай қилиб

Уралган қалин қоғозларни осмонга кўтариб шалдиратиб силкиди. Қалин қоғоз бир дақиқа ичида очилиб, ундаги кўк-пўшти ва қизил чизиқлар ярқираб кетди-ю, яна карнайга айланди. Қодиров уни стол устига отиб юборди-да, сўзида давом қилди:— Аввало, росмана плмий лойиҳа керак. Тушундингми? Бундай лойиҳа учун пул тўланади. Иккинчидан, портлатиш ишлари талаб қилинади. Машина-механизмлар керак бўлади. Ҳа, керак бўлади. Ховуз учун, канал учун тўғонлар қуриш ҳам зарурми? Цемент, темир ва бошқа материаллар керакми? Керак. Хўш, булар ҳаммаси текшига келмайдими-ку. Агар сизлар шунчалик ботир ва ғайратли экансизлар, айтинглари-чи, пулсиз бажариб бўладими шу ишларни? Қани, дўстларим, нега садо чиқмай қолди сизлардан?

Ҳамма жимиб қолди. Чиндан ҳам катта ҳаражат талаб қиладиган иш бу. Давлатимиз канал, тўғон, сув ҳовузи сингари муҳим ишлардан пул аямайди, албатта. Бироқ фурсат ўтиб кетяпти.

Ҳамон сукунат давом этарди. Қодиров гоҳ унга, гоҳ бунга ғолибона назар ташлаб, тантана қиларди.

— Қаердан пул олишни ўйлашиб кўрайлик,— деди Олимжон салмоқлаб.— Балки ҳукуматимизга мурожаат қилармиз.

Бекбўта қаршилиқ билдирди:

— Урушдан кейин ҳукуматимиз халқ хўжалигини тиклаш билан банд. Қийинчилик... Биздан бошқа ҳам пул сўрайдиганлар кўп. Ўзимиздан қидиришимиз лозим. Қолхозимиздан, шундай эмасми, раис?

Қодировнинг оғзи қийшайиб, мўйлови титраганга ўхшаб кетди.

— Пулимиз йўқлигини ўзинг ҳам биласан-ку. Ахир, пахта экмасак пул қаёқдан бўлсин. Пул бўлса, қаердан олишни сизлардан сўрармидим?

Бекбўта раисга тикилиб турди-да, белидаги белбоғини ечиб, эшик яқинида икки бор қоқиб, яна белига боғлаб олди. Ҳамма унинг ҳаракатини кузатиб жимгина турарди.

Энди ўтирганлар Олимжонга тикилдилар. Бюродагилар партия ташкилотининг секретаридан маслаҳат кутаётганини Олимжоннинг ўзи ҳам сезиб ўтирарди. У дадил ўрнидан турди, белини сиқиб турган камари тагидан бармоқларини ўтказди, гимнастёркасини текислаб туриб, гап бошлади:

— Ўртоқлар, Бекбўтанинг таклифи тўғри. Ҳозирча ҳукуматимиздан пул сўрамаганимиз маъқул. Раписимиз ҳам ҳақли, бекор турган ортиқча пулимиз ҳам йўқ. Бироқ бўлинмас фондимиз бор. Ўртоқ Қодиров, айтинг-чи, бўлинмас фонд қандай ишларга сарф қилинади?

— Бўлинмас фонд?— деди раис ҳаяжон ичида,— бўлинмас фонд колхознинг алоҳида эҳтиёжлари учун сарф қилинади.

— Жавобингиз қониқарсиз, алоҳида эҳтиёжлар деганингиз нимаси? Нима учун тилингизнинг учида турган сўзларни айтишдан қўрқасиз. Бўлинмас фонд колхоз жамоат хўжалигини тобора кенгайтиришга сарф қилинади, капитал қурилишга, қишлоқ хўжалик машиналари сотиб олишга, демак, суғориш ишларига ҳам сарф қилиниши лозим. Шундай эмасми?.. Ҳозир янги ер очиб зарурми, зарур эмасми, бу масалада мунозара юритадиган киши йўқ. Экин майдонларини кенгайтирсак, суғоришни жорий қилсак, ҳосилдорликни оширсак, шу билан колхозимиз ҳам бойийди. Бўлинмас фондимиз ҳам кўпаяди. Шунинг учун ҳам бўлинмас фонд ҳисобига булоқларни тозаласак, канал ва сув ҳовузи қурсак жуда оқилона ва қонуний иш қилган бўламиз.

— Тўғри,— деди Бекбўта енгил тортиб. У севинганидан қарсак чалиб юбормоқчи эди-ю, лекин бошқаларга қараб жим бўлди.

— Йўқ, дўстлар, нотўғри,— Қодиров ўрнидан туриб кетди.— Нотўғри!— деди у такроран овозини чўзиб.— Қонунсиз! Ахир, мен бўлинмас фондни узоқ йиллар ичида йиғдим. Буни деб кечаларни беуйқу ўтказдим. Нима, буни мен булоқ тозалаш учун йиғдимми? Йўқ, дўстлар, бўлмаган гап.

— Нима учун йиғувдингиз?— сўради Бекбўта асабийлашиб икки қўлини белбоғига қўйган ҳолда.

— Нима учун дейсанми?.. Менга қара, сен колхозимизда фавқулодда фалокат, ҳодисалар юз бермаслигига кафил тура оласанми? Дўл!.. Гармсел!.. Яна бошқа офатлар юз берса, нима қиламиз. Сизларни нима билан боқаман? Бўлинмас фондни ана шунинг учун ардоқлаб сақладим. Сақлаб келдимми? Ҳа. Хўш, дўстлар, бунга нима дейсизлар?.. Ҳақим йўқми? Нега индамайсизлар?.. Ахир, ишга тажриба кўзи билан қараш керак-да!..

Асаби қайнаб кетганидан нафаси оғзига тиқиларди. Яна юзлари қизариб, қавариб чиқди, узун ва оғир қўл-

лари билан кителининг тугмасини еча бошлади. Ечар экан, тобора жаҳл ўтида ёниб, қизариб-бўзариб, хира кўзлари билан гоҳ унга, гоҳ бунга назар ташларди. Ниҳоят, бақувват бармоқлари билан тугмаларини юлиб олди-да, хириллаган овози билан бақирди:

— Бермайман! Бўлинмас фондни талон-торож қилишга йўл қўймайман! Азоб-уқубат билан тийин-тийиндан йиққанман. Уни сизлар кўкка совурмоқчисизлар. Бермайман! Мени тилка-пора қилсаларинг ҳам бермайман!

— Ўртоқ Ҳодиров, ўзингизни босинг, оғирроқ бўлинг, — деди Олимжон салобат билан. — Бу масалани колхозчиларнинг умумий йиғилишига қўямиз. Маслаҳат қиламиз. Пул халқники. Халқ билан маслаҳат қиламиз. Халқ рухсат берса оламиз, рухсат бермаса, сиз айтганча бўлади.

Ҳодировнинг қовоғидан қор ёғилиб, Олимжонга бақрайиб қолди. У шу қадар асабийлашган эдики, ҳатто қирилган бошидан, ёғ босиб кетган дўпписи остидан, юзлари ва бўйнидан тер оқиб тушаётганини ҳам сезмасди.

Партия бюроси сой ва булоқларни тозалаш, канал ва сув ҳовузи қуриш, бўз ерларни очиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ҳодиров қандай қилиб кўчага чиққанини билмай қолди. Миясига қандайдир фикр келиб ёки нимадир эсига тушиб, таққа тўхтади. Нима бўлди ўзи?.. Ахир, у кўчада юрибди-ку? У ердан қачон чиқди? Мана, гўдаклар раисни қандай ҳолга солдилар.

У қўлларини мушт қилиб, шиддат билан қадам ташлади. Елкаси букчайиб, боши қуйи солиниб, кўз олди тобора хиралашиб бораркан, кўрган кишини таажжубга солиши мумкин эди. Ана шу икки-уч соат ичида унинг ташқи кўриниши ҳам ўзгариб қолди, ранглари ўчиб, жаҳл ичида кўзлари косасидан чиққудай кўринарди.

Унинг талтайишлари ва катта кетишидан асар ҳам қолмаган эди. Раиснинг юраги газаб ва нафратга тўлиб-тошгани учун ҳам ўз ёғида ўзи қовурилиб, партия бюросида нима бўлганини ҳам, сўнгги дақиқаларда қандай воқеа юз берганини ҳам билмасди, унга баҳо ҳам беролмасди. Фақат: «Бермайман!.. Бўлинмас фондни талон-торож қилишга йўл қўймайман... Мен уни тийин-тийинлардан йиққанман, ҳа... ҳеч кимга бермайман, мени тилка-пора қилиб ташласаларинг ҳам бермайман!..» деган

сўзларини эсларди. Шу билан бирга Олимжоннинг салобат билан берган жавобини ҳам: «Бу пул халқниги...» деган сўзларини эсларди. Жанжал ана шу воқеадан бошланди шекилли? Олимжон шиддат билан ўрнидан туриб ҳаммани тинчитиб, «ким қарши» деганида, фақат раиснинг ўзи қўл кўтаргани, ҳамма ҳайрон бўлиб унга тикилгани эсида қолган эди. Шунингдек, Ойқиз деразага, Бекбўта бўлса нима учундир раис кийган хром этикнинг узундан-узун қўнжига термилиб ўтирганини ҳам эсларди.

«Этигимда нима бор экан, тавба,— ўйлади Қодиров ва таққа тўхтаб, этигининг тумшугига, қўнжига, баланд пошнасига термилди,— бинойидек этик,— деди ўзича,— эскирмайдиган, пишиқ этик, сендан кўра кўпроқ умр кўради,— деди у Бекбўтани кўнглидан ўтказиб,— этикка тикиладиган вақтми?»

Шу пайт юрагида қайнаб турган ҳамма ғазаб ва нафрати бошига урди-ю, нафаси оғзига тикила бошлади. Худди ҳаво етмаётгандай, уйига тезроқ етиб борса босиладигандай одимини тезлатди.

«Майли, ўз қарорларидан ўзлари афсус қиларлар. Ҳа, бу гўдаклар ҳали афсус қиладилар... Ахир, инсоф қани? Раиснинг сўзини ҳам писанд қилмайдилар-а!.. Бўйсунмаслик?.. Унга қарши чиқиш?.. Хўш, уларнинг ўзлари ким? А?.. Тоғ этакларидаги ерларни суғорин! Ҳа, ҳа, нималарни ўйлаб чиқарадилар-а, жўжалар! Ахир, бундай оғир ишга ақл-фаросатларинг етадимми? Илмингиз етадимми? Тажрибангиз етадимми? Янгилик эмиш, бир таваккалдан бошқа гапмас. Пачава иш. Уни улугвор иш, зўр ташаббус деб шовқин-сурон кўтарганлари-чи? Уғил бола гапни айтсам, дўстлар, бу ишда янгиликчиликлар. Қолхозни сизлар чўққига кўтармоқчи бўласизлару, аслида чуқурликка ағдараётганларингизни билмайсизлар. Раҳбарингиз, карвонбошингиз чуқурликка йиқилишингизни айтса, ундан қочасизлар, пашшадан ҳазар қилгандай, раисингизнинг кўкрагидан итарасизлар. Жарликка, чуқурликка борадиган йўлни — янги йўл дейсизлар. Бойлик йўли!.. Бойлик йўли дейсизлар. Янгилик эмиш!.. Ҳар бир янгиликка тажриба кўзи билан қараш лозим. Ҳар бир янгилик олдин текширилган бўлсин, билимдон-тажрибакор кишилар томонидан ҳисоб-китоб қилинган, тарозида тортилган бўлсин. Виждон ҳақи, мен ҳам шундай янгиликка тарафдорман, қўл кўтараман. Ҳа, марҳамат, икки қўлимни ҳам кўтараман. Бироқ сизнинг такли-

фингизга... кечирасиз, ишга тажриба кўзи билан қаранглар, ҳа, жўжалар».

Бир зумда у ўзининг кўчада эканлигига таажжубланди, фикрлари бўрон учирган япроқ сингари гоҳ чирпирак бўлиб, гоҳ учиб, гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай ғазаб гирдобда айланарди ва шунинг учун ҳам раис қуюндай тўзиб турган фикрини тўхтатишга ҳам, тўғри йўлга солишга ҳам, унинг маъносини тушунишга ҳам қурби етмасди. Ҳар ҳолда, ўй-хаёл денгизига чўмиб, кўчада юриш унинг ўтдай ёнган асабини анча советди. Энди у бўлиб ўтган воқеаларни ўзи билан ўзи муҳокама қилиб ўйларди ва қалбида аланга олган ғазаб ўтипи ўчиrolмай, шу ғазаб-алами кўзларини кўр қилиб, ҳамиша ўзини оқлар ва бошқаларни қораларди. Дилига ана шундай ўй-хаёл ёқиб, уни юпатар ва шунинг учун ҳам ўзини оқлайдиган ўй-хаёл оқимида қаёқларга оқиб боришини билмасди.

«Ҳа, дўстлар, бу ҳийлаи найрангни бекорга ўйлаб топмагансизлар,— деди у овозини чиқариб,— раисни халқ олдида аҳмоқ қилмоқчисизлар. Олимжоннинг қилмишлари равшан. Ўрнимга чиқмоқчи, Ойқизни ҳам йўлдан урган... Майли... У ҳали ёш қиз. Унинг гуноҳи оз. Сизлардан-чи, дўстлар, ҳисобини сўрайдиган вақти келади. Нима учун Қодировга чоҳ қазидингиз? Мард бўлсангиз жавоб беринг-чи? Нима учун Қодировни колхозчиларга ёмон кўрсатмоқчисиз? Фитна юритишга ким ҳуқуқ берди? Колхоз партия ташкилотининг секретарлиги озлик қилдими?.. Нима?.. Ҳа, меннинг колхозим. Чунки ўзим тузганман, биринчи кундан бошлаб раисман. Колхозни бой қилган ким? Мен! Сизларни тўқ-фаровон турмушга эга қилган ким? Мен! Ҳа, биз пахта экмаймиз. Ҳақ сўзим шуки, экмаймиз. Бироқ пахтасиз ҳам колхознинг донги чиқди-ку! Энди тажрибакорман. Нима керак, нима керакмас эканлигини яхши биламан. Сен-чи? Фронтга бориб келган тажрибанг билан нимага ярайсан? Сенда тажриба борми ўзи? Йўқ, дўстим, виждон ҳақи йўқ. Шунини унутмагинки, сен раислик лавозимига чиқолмайсан. Ҳар ким ўз дўшиси тагида юради. Виждон ҳақи, мана кўрармиз... Сеннинг орзу-истагинг билангина палов пишириб бўлмайди, ёғ билан гуруч ҳам зарур. Ҳа, ишга тажриба кўзи билан қара, тирранча».

Қодиров эшиги олдида етиб келганини сезмай ҳайрон бўлди: «Уйга етдимми-а? Мунча тез?..»

У қўлини мушт қилиб эшикни қоқди. Бир дақиқа ўт-гач, этигига назар ташлаб, «ҳе, этигим уларга ёқмай қолибди», деди Бекбўтани эслаб. Эшикни яна қаттиқроқ қоқди, ҳадеганда жавоб бўлмади, жаҳли чиқди.

Бир зум жим туриб қулоқ солди. Ҳовлида ҳеч қандай шарпа сезилмади. Қодиров аламга чидамай, икки қўлини мушт қилиб, куч билан тақиллатди. Агар ўнг қўли қонаб кетмаганда яна қанча тақиллатарди, ўзи ҳам билмайди. Эшик тахтасидаги бироп-бир миҳ кирдими ё зирапча тилиб юбордими, ишқилиб, ўнг қўли — кафти, панжалари қонга беланган эди. Ҳовлидан овоз чиқавермагач, этиги билан тепа бошлади, жон-жаҳди билан учинчи марта тепганда эшикнинг бир тавақаси ошиқмошиғи билан кўчиб, қулаб тушди. Иккинчи тавақа очилиб, зарб билан деворга тегди-ю, сўнгра орқага қайтиб, ҳовлига киришга шошилган Қодировнинг елкасига келиб урилди.

Шу пайтдаёқ қаршисида хотини пайдо бўлди. Унинг қўллари хамир, кўрқиб-писиб саросимага тушган ҳолда ҳовлига чиққан эди.

— Йўқол! Кўзимдан йўқол!— Қодиров овози борича бақриб, уй томон югурди.

У айвондан уйга кириб, ичидан занжирлаб олди, устига атлас чойшаб тўшалган каравотга ўтириб этигини еча бошлади. У ўзидан-ўзи сўкиниб, қийналиб этигини ечди, каравот остига улоқтириб ташлади-да, қип-қизил гилам устида ялангоёқ юриб, нос кадисини олди. Энди ўзини салгина енгил сезгандай нос кадисининг тикинини очиб, чап қўлининг кафтига урди. Аммо ҳадеганда нос тушавермагач, яна жаҳли чиқди. Энди нос кадини ўнг қўлининг кафтига қоқиб кўрди. Бироқ нос кади бўш экан, қанча қоқса ҳам нос тушмади. Қодиров бир зумда ўт бўлиб ёнди, нос кадини алам билан эшикка улоқтирди. Эшикка қаттиқ тегиб чилпарчин бўлди ва унинг парчалари гиламга, каравотга ёзилган атлас чойшаб ва ёстиқ устига, сап-сарик чойшаб солинган сандал устига бориб тушди.

Қодиров нос кади парчаларини кўриб, бир оз енгиллашди. Эришчоқлик билан кителини ечди-ю, радиоприёмник устига улоқтирди, устига тўнини ёпиниб, уй ичидан бир-икки марта у бошдан бу бошга бориб келди-да, каравот устидаги ёстиқни сандал олдига ташлади, икки қўлини бошининг остига қўйиб ётди.

Умурзоқ отани эрталабданоқ ваҳима босди. Кеча Ойқиз партия бюроси булоқларни тозалаш, канал ва сув ҳовузи қуриш тўғрисида чиқарган қарорини айтиб берган эди. Кечқурун бўлса колхоз клуби тўла олтинсойликлар бу таклифни яқдиллик билан маъқуллаганларини ўзи кўрди. У залда ўтираркан, нотикнинг сўзини бўлиб ирғиб ўршидан турган ва овози борича қичқирган кишиларга қараб-қараб қўярди.

— Тўғри! Аллақачон ҳал қилиш зарур эди!

— Яша, Ойқиз!

— Бошлаш керак! Тезроқ бошлаш керак!

— Вақт ганимат!

Ота уларга термиллиб, ҳайрон бўларди: «Одамларга нима бўлди?! Ҳаммаси ақлдан озганга ўхшайди. Наҳотки, шу фойда чиқадиган иш бўлса?.. Дарҳақиқат, ўрнимдан туриб, одамларни тўхтатсаммикан? Эс-ҳушларининг йиғиб олинганлар, етти ўлчаб бир кес, дейдилар. Вазмин бўлинглар, ҳовурларингдан тушинглар...»

Бироқ ота жим ўтирарди. Унинг оғзидан бир сўз ҳам чиқмади. Қандай қилиб чиқсин?! Ҳамма янги планни севинч-қувонч, яқдиллик, зўр олқишлар билан маъқуллаб овоз бериб турса-ю, фақат битта одам унга қарши чиқса. Қарши чиқадиган бўлса қизини ҳам шармандаи шармисор қилган бўлар эди. «Бу нима деган гап? Мен тузган планга ҳамма ишонса-ю, битта киши — дадам ишонмаса, демайдами?» Ҳақ сўзини айтганда, умумий йиғилишдаги ҳолат, одамларнинг олқишлари ота учун ҳам ёқимли эди. Шу билан бирга юрагининг бир чеккасида шубҳа учқунлари ҳам йўқ эмасди. Бу ишга ишонмас экан, ўзи ҳақми ё ноҳақлигини ҳам билолмасди. Ҳамма канал қурилишига, Олтинсойга сув келишига ишонса-ю, фақат бир киши — ота ишонмаса, у ҳақ бўлармиди?

Умурзоқ ота мажлисдан қайтиб, қизига бир оғиз ҳам сўз айтмади, юрагида кечган ўй-хаёллари тўғрисида ҳам, клубдаги воқеалар тўғрисида ҳам таассуротларини айтмади. Қувончга кўмилган қизини хафа қилгиси келмади. Бироқ у тун бўйи мизғимамай чиқди. Кўрпа иссиқ, ёстиқ тошдай қаттиқ туюлди, у ёнидан бу ёнига ағдарлиб, тўхтовсиз уҳ тортиб, ҳуда-беҳудага ёстигини тузатиб, асаби ўтдай ёнди. Қоронғи кечада юраги турли-туман

шубҳалар билан тўлиб-тошди. «Дарҳақиқат, Ойқиз шундай хавфли ишни бошлаб тўғри қилдимми-а?— деб ўйлади у.— Нима учун Қодиров қарши? Ахир, Ойқиз ҳақ бўлса, нима учун раис қарши бўлади? Ахир, раис кўпни кўрган, тажрибаси бой одам-ку, ермизининг ҳар бир қаричини ҳам билади. Ҳар бир томчи сувнинг ҳам қадрига етади. Кимсан, раиснинг ўзи бу тўғри ишни қувватлаши керак-ку. Раис-а... Раис! Дарҳақиқат, бемаъни иш, ғанимат вақтимиз бекор ўтади. Ҳозир деҳқон учун фурсат ғанимат. Наҳотки, раиснинг гашига кирмасалар. Ахир, у ҳамманн жар ёқасидан сақламоқчи-ку. А?..»

Ота эрталаб ана шундай ўй-хаёлларга ғарқ бўлган ҳолда уйқусизликдан ланж бўлиб турди. Дадасининг ўз ёнига ўзи қовурилиб хуноб бўлаётганидан беҳабар Ойқиз, ўз таклифини ўтказолганидан қувониб, нонушта ҳам қилмай, қишлоқ Советига жўнади.

Умурзоқ ота яна ўз шубҳалари билан ёлғиз қолди. У нима қилишини, нима билан овунишини билмасди: ҳовли супурмоқчи бўлиб қўлига олган супургини ташлаб, ичкарига кириб кетди. Хоналардан бири — Алишер билан Темурнинг хонаси доимо ёпиқ турарди. Ким билади дейсиз, эски ярани янгиламаслик учунми ёки икки ўғилнинг ҳалок бўлганига сира ишонгиси келмайми, ҳеч бўлмаганда бирортаси кириб келишини умид қилибми, ҳар қалай, бу хонани ҳамиша ардоқлаб сақларди. Ҳозир у хона эшигини икки бор очди, худди ўғиллари ухлаб ётгандай, уларни уйғотиб юбормаслик учун кигиз устига оҳиста оёқ қўйиб, тўнғич ўғли Алишернинг сурати олдида тўхтади-ю, шивирлагандек ундан сўради: «Ойқизга сен нима дердинг-а?..» Алишер солдат гимнастёркаси ва пилоткасини салгина қийшайтириб кийган ҳолда, унинг кўзига ёқимли ва баҳодир кўриниб, рамка ичидан отасига илжайиб турарди. Бундай кулиб туриши синглиси қилаётган ишлардан мамнундай туюларди. Умурзоқ ота кичик ўғли Темурнинг суратига боқди. Суратда у ёш боладай кўринарди. У фронтдан бирорта ҳам сурат юборишга улгуролмади. Шунинг учун ҳам уйда, оқ кўйлак, чуст дўппи кийган, дўпписи остидан қоп-қора сочлари чиқиб турган ҳолда тушган сурати турарди. Умурзоқ ота унинг суратига термилиб: «Сен нима дейсан, ўғлим?..» деб сўради ва шу турганича туриб қолди. Орадан анча вақт ўтгач, хонанинг эшигини оҳиста бекитиб, ҳовлига

чиқди. Сув сениб супурилган ҳовлини яна тозалаш ниятида учинчи марта қўлига супурги олганини эслади-ю, жаҳл билан супургини айвонга отди. Ниҳоят, ўз ҳаракатлари ўзига қор қилди шекилли, сунага чиқиб, чордана қуриб ўтириб олди. Бироқ узоқ вақт беиш ўтиролмай, этик ямашга киришди. Гарчи, этик ямаш кўнгли истаганиш бўлса ҳам, сира-сира қўли келишмас, гоҳ бигизни йўқотиб қўйиб, анча вақт уни қидириш билан овора бўлар, лаънати бигизни сўкиб, супадан тушгач, бигиз қўлидаги этикда санчилиб турганини кўриб қоларди. Гоҳ мумланган пишиқ иш, гоҳ ямоқ чарм, гоҳ сўзан йўқолиб қоларди-да, Умурзоқ ота анчагача қидириб, уни кигиз остиданми, резгилар ичиданми топиб оларди.

«Дарҳақиқат, айб ўзимда,— деди ота овоз чиқариб яна йўқолиб қолган бигизни қидираркан.— Ахир, меҳ обаман-ку. Ойқизнинг бу ишлардан воз кечишини талаб қилсам бўлмасмиди! Таваккал билан қилинаётган бу ишлар пуч бўлиб чиқишини оталарча ётири билан тушунгурсам бўлмасмиди! Энди нима бўлади? Уят, шармандалик! Уят бўлганда ҳам ўлимдан ёмон. Дарҳақиқат, қизим ёш боладай ўйламай-нетмай иш қилса-ю, меҳ индамай тураверсам... Ахир, экин-тикин авжида бўлган долзарб пайтда бундай ишларга фурсат борми? Экин-тикин барбод бўлади. Экин тақдирини ҳал қиладиган эркакларни булоқ тозалашга, ҳовуз ва ариқ ковлашга сафарбар қилиб бўладими? Агар булоқлардан сув чиқмаса-чи? Ким шарманда бўлади? Қизим!.. Мен-чи? Мен ундан ҳам кўпроқ шарманда бўламан. Дарҳақиқат, унда қандай қилиб одамларнинг кўзига қараймиз?.. Нима деймиз? Вақтни ўтказмай, югуриб Қодировнинг олдига борганим маъқулмикин? Уфф... эй лаънати бигиз, яна кигизнинг остига кириб кетибди». Умурзоқ ота бигизни топиб олди-ю, нимадир эсига тушиб, шошганича уйига кириб кетди.

У калишини ечиб, этигини кийди, тўнини ҳам ечмай, белига белбоғини боғлаб кўчага чиқди-да, қишлоқ марказига — кўлхоз идораси томон йўл олди.

Кўчалар худди байрамдагидек одам билан лиқ тўла бўлиб, ҳамманинг чеҳраси очиқ. Ҳамманинг дилида севинч-қувонч ҳукмрон. Ота бу манзарани кўриб, қизгин иш пайтида одамлар ганимат фурсатни бекорга ўтказаетганларидан таажжубланди. «Бу қандай сайр-томоша? Қандай ўйин-кулги?» ўйлади у ичида порози бўлиб. Би-

роқ унинг одамлар билан учрашиш, суршитириб ўтиришга вақти йўқ, идорага шошиларди.

Бораркан, йўл-йўлакай учраган танш-билишлар кўкракларига қўлларини қўйиб, бошларини қимирлатиб, ҳурмат-эҳтиром билан салом беришар, бироқ Умурзоқ отанинг қовоғидан қор ёғар, паришон ҳолда, салом берганларга жавоб ҳам қилмай, ҳамқишлоқларини хижолатда қолдириб, ҳайрон қилиб ҳамон идорага шошарди.

У таққа тўхтади-ю, бошини кўтарди. Унинг тепасида кўчанинг у томонидан бу томонигача чўзилган қип-қизил алвон осилган эди.

«Қадрдон тупроғимиз табиатини ўзгартирамиз! Ҳамма сув учун курашга! Мўл ҳосил учун курашга!» деган сўзларга кўзи тушди. Тушди-ю, нималигига тушунолмади, яна ўқиди. Шпорнинг маъносини энди англай бошлаганида, бирдан момақалди роқ гулдураб, эс-хушини йўқотган отанинг қулоқлари битиб қолгандай бўлди. Довдираб қолган Умурзоқ ота катта-катта ҳарфларга, қизил алвонга тикилганича қотиб қолди. Энди унинг миясига ҳеч қандай фикр келмасди. Фақат қизил алвоннинг қанчалик баландга осилгани, нима билан боғланганигача кўздан кечирди. Алвон унчалик баландда бўлмаса ҳам, икки учи терак дарахтларининг шохига боғланган бўлиб, бўй етмасди. Дарахт шохлари шамолда қимирлагани сари алвон ҳам ажиб бир чайқалиб тўлқинланар, чиройли ва улғувор кўринарди, ўтган-кетганлар уни кўриб тўхтар, ўқимай ўтиб кетолмасди.

«Мана, Ойқиз, қилиб қўйган ишинг. Энди сенинг аҳмоқона планингдан ҳамма хабардор,— деди чол ичида.— Дарҳақиқат, уни Олимжон қувватлади. Олимжоннинг иши бу. Ақл-фаросатли йигит кўринарди-ю... Дарҳақиқат, ўғлимдай азиз бўлиб қолган эса-да, Ойқиз қалтис иш қилаётганини тушунмайди,— деди у йўлда кетар экан ўзи билан ўзи баҳслашиб,— наҳотки, у ҳам Ойқизни бу йўлдан қайтара олмаса?! Наҳотки!..»

Чол ҳозир Олимжонни кўз олдига келтирди. Эрталаб кириб келганини, самоварга ўт қўйиш билан овора бўлганини ва Ойқизнинг тоғдан келишини кутиб, бафуржа суҳбат қилганларини эслади.

«Олимжон тушунмаслиги мумкин эмас. Ахир, у парторг-ку. Раҳбаримиз-ку... Наҳотки!.. Тўғри идорага бориб Олимжон билан гаплашаман. Ойқизга насиҳат қилин, уни хато йўлдан қайтарсин».

Шу хаёл билан бораркан, Бекбўтанинг уйига яқинлашиши билан таққа тўхтади, уйнинг деворига ёзилган шиорга кўзи тушди:

«Олтинсойлик қадрдонлар! Ерларимизга тоғлардан сув келтирамиз! Ҳамма сув учун курашга! Бизни ғалаба кутади!»

Шиор катта-катта ҳарфлар билан ёзилганидан девор тўлиб турарди. Ота ҳайрон бўлиб қолди. Бекбўта колхознинг энг яхши, оқил, кўпни кўрган бригадирларидан бири. Нима учун у рухсат берди-я? Нималар бўляпти ўзи?.. Эҳтимол, битта Умурзоқ ота тушунмаётгандир?.. Ҳа, Қодиров ҳам. Эҳтимол, Олимжонга боришнинг ҳожати ҳам йўқдир?

«Ерларимизга тоғлардан сув келтирамиз!»— шиорни яна ўқиди чол йўл-йўлакай. Энди кўзи олдида янги қазилган кенг канал гавдаланди. Канал ичидан шариллаб сув оқарди. Сувнинг олдида қувончини ичига сиғдирилмаган Бекбўта ўйини тушиб борарди. Шариллаб келаётган сув эса унинг оёқларига уриларди.

«Оҳ, оҳ, оҳ...— дер эди Бекбўта, жазирамада муздек сувдан ичиб, ювиниб роҳатланган одамдай қувончи ичига сиғмай,— мана, сув келди, қадрдон сув, жонажон сув!» — Каналнинг икки қиргоғида гуж-гуж бўлиб турган эркаклар, аёллар ва болалар шод-хуррам, сувнинг орқасидан, Бекбўтанинг орқасидан чопиб борардилар. Оппоқ кўйлак кийган эркаклар кетмонларини қўлларига олиб, елкаларига кўтариб чопардилар. Ана шу севинч-қувонч ичида хурсандчилигини юрагига сиғдирилмай ашула айтаётганларни учратиш мумкин эди, бироқ бу ашула шовқин-сурон ичига сингиб кетарди.

— Ғалабамизга ишонмай, унга шубҳа қилган ким?! Ким?— Қичқирди канал ичидан Бекбўта.

Хижолат тортиб бир хил бўлиб кетган Умурзоқ ота кимнингдир орқасига яширинмоқчи бўлди. Кўз олдида гавдаланган бу манзара унинг бутун фикри хаёлини ўз комига тортган эди.

«Дарҳақиқат, шу иш тўғридир,— деди Умурзоқ ота эс-ҳушини йиғиб олгач,— эҳтимол, Бекбўта ҳақдир? Бундан чиқди, Ойқиз ҳам ҳақ экан-да? Хўш? Бунга нима дейсан? А? Ҳа. Ҳа... Дарҳақиқат, қанчадан-қанча бог-роғлар барпо бўлади, пахтазорлар бунёд этилади».

— Салом, отажон!— кутилмаганда Умурзоқ отанинг

ёнидан йўгон овоз эшитилди. Ўгирилиб, кетмонини елкасига қўйган қўшниси Суванқулни кўрди.

— Баалайкум ассалом,— жавоб берди Умурзоқ ота, фикр-хаёли бўлинганидан сал ранжиб,— дарҳақиқат, қандай янгилликлар бор?

— Қандай янгилликлар дейсизми? Катта ишлар бошляпмиз, отажон,— деди Суванқул дўриллаган овоз билан. Унинг қувонгани юз-кўзларидан кўриниб турарди.— Бутун колхоз сув учун курашга тайёрлик кўрмоқда.

— Дарҳақиқат, шундай дегин. Ҳозиргача ўша сув қаерда яшириниб ётган экан?— сўради ота мазах қилиб.

— Наҳотки, сиз ҳам билмасангиз?— Суванқул тааж-жуб ичида чолга тикилиб қолди,— мендан яхшироқ биларсиз деб ўйлабман.

— Йўқ, Суванқул, билмайман.

— Қизиқ, билмаслигингиз қизиқ. Райводхоздаги Смирновни биласизми?

— Хўш, билсам нима?

— Ўша Смирнов қизингиз тузган тадбирларни маъқуллабди-ку.

— Маъқуллабди?

— Ҳа, ҳа. У пухта текшириб ҳисоб-китобини қилиб, булоқлар тозаланса анча сув чиқади, дебди. Агар Кўкбулоқни ҳам тозалашнинг уддасидан чиқсак, сувимиз мўлкўл бўлади. Сув ҳовузи-чи? Биласизми, отажон, агар сув ҳовузи қуриладиган бўлса, боғлар ва узумзорлар барпо бўлади, пахта ўстирамиз. Ўртоқ Жўрабоев ҳам бизни қизгин қувватлайди, деган гаплар юрибди халқ оғзида. Улуғ ишни бошляпсизлар деган эмиш!

— Улуғ иш?

— Ҳа, шундай деб айтган эмиш, улуғ иш деган эмиш.— Суванқул бир зум жимиб қолди-да, кетмонини улкасидан бу елкасига қўйиб сўради:— Шундай эмасми?

Умурзоқ ота саволни эшитмади шекилли, индамай тураверди.

— Ўртоқ Жўрабоев бундай улуғ иш бошланса бас, ҳамма қўшнилари ҳашарга келади, дебди. Фақат қўрқмасдан дадил иш бошлаш керак деган эмиш,— деди Суванқул.

— Қўшнилари? Ҳашарга келадилар?— деб юборди Умурзоқ ота кутилмаганда. У Суванқулга шундай тикилдики, унинг юзидаги шубҳами, шодликми ёки ишоп-маслик аломатими, асло билиб бўлмасди.

Чол пкки қўлини орқасига қилиб, хайрлашишни ҳам эсидан чиқазиб, колхоз идораси төмен йўл олди. Сувап-қул таажжуб ичида орқасидан қичқирди:

— Умурзоқ ота, қаёққа кетяпсиз? Тўхтаг, бирга бо-рамиз, йўлимиз бирга ўхшайди.

Умурзоқ ота орқасига қайрилиб ҳам қарамади.

Пигурма иккинчи боб

«Хайронман... нималар бўляпти?.. Тушунолмаймаман,— дер эди чол ўзича муҳокама қилиб.— Дарҳақиқат, бит-та қизча дунёни ағдар-тўнтар қилса-я! Бутун қишлоқни бошига кўтарса-я! Ўша инженер Смирновнинг ўзиям биладими, йўқми?! Эҳ, Иван ака (Смирновни каттаю кичик Иван ака деб чақирарди), Иван ака. Мени ҳам таажжубга солдинг-ку. Сенга ҳам хайронман. Бунақа енгил-елли ишларга лаққа тушадиган одатинг йўқ эди-ку. Ахир мен биламан-ку. Ўхў, қачондан буён биламан-а сени... Дарҳақиқат, райводхозга келганингда ёш йигит эдинг. Сўнгра Москвага ўқишга кетдинг, фронтда ҳам бўлдинг шекилли. Сочларингга оқ тушиб қайтдинг. Ҳа. Ҳа, кўрдингми, Иван ака, умр қанчалик тез ўтяпти, ўз ишини қиляпти. Оқибатда, тажрибамиз ҳам ошди, дарҳақиқат, сенга нима бўлди? Оғзидан она сути анқиб турган қизимнинг сўзларига ишондингми? Эшитишимга қараганда, бир ўзинг эмас, Жўрабоев ҳам ишонган эмиш. У ҳам фронтда бўлган, ҳурматли киши. Дарҳақиқат, икковларингиз ҳам бу ишга ишонибсизлар-да, а!.. Хўш, мен нима қилай? Айтинглар, энди нима қилай? Наҳотки, мен билмаганини қизим билса? Мен кўрмаганини қизим кўрса? Нима? Нима деясанми? Тўхта-тўхта, Иван ака, кўк дафтаринг билан қизил қаламнинг сени чалғитгани йўқми? А... ўйлаб кўр, тузукроқ ўйла. Албатта, бу масалаларда сен кўп нарсани биласану, бироқ етти ўлчаб бир кес, деган мақол бор. Дарҳақиқат, қизимнинг таклифи тўғрими? Булоқларни тозалаб, ундан олиннадиган сув етармиди? Булоқлардан сув чиқариш илгари ҳеч кимнинг фикрига ҳам келмаган деб ўйлайсанми? Хўш, булоқларни тозалаш!..»

У бирданига яна тўхтаб қолди. У ўтиб бораётган Ленин кўчаси одамларга тўла эди. Чол ўнг қўлини қулоғига қўйиб у ён-бу ёнга аланглади, бир зум говурга, одамларнинг гапларига қулоқ солиб турди-да, яна шошиб

йўлда давом этди. У шунчалик шовгар эдики, гўё бутун гавдаси олдинда, катта оғир этик кийган оёқлари орқада қолаётгандай туюларди. Колхоз идораси йўллар туташган чорраҳада бўлиб, бу олтинсойликларнинг митинглар, катта-катта йиғилишлар ўтказадиган жойи эди. Ҳозир ҳам бу ерга жуда кўп одам тўпланганди. Умурзоқ ота хуноби ошиб, ҳеч кимга эътибор бермай, одамларни турткилаб ўтиб борарди. Идоранинг баланд зинапоясига турган Смирнов халққа қараб нутқ сўзлар, чол шовқин-сурон ичида унинг нима деяётганини яхши эшитолмай, зинапоя томон интиларди.

Одамлар орасида кучли кулги кўтарилди, унинг сандосидан сесканиб тушган чол қулоқлари том битиб қолгандай таққа тўхтади. Орадан бир дақиқа ўтмай яна кучли, қувончли ва давомли кулги кўтарилди. Кулгининг сабабини билолмаган Умурзоқ ота яна тажаниб бўлиб, одамлар ичидан олдинга қараб интилди.

Самарқандда туғилиб ўсган ва шу ерда таълим олган Иван Никитич Смирнов ўзбек тилини ҳам, халқнинг ҳаётини ҳам яхши биларди, йиғинларда одамлар билан суҳбатлашганида Афанди латифаларидан, халқ мақолларидан кўп фойдаланарди. Ҳозир ҳам шундай ичакузди мақол ёки латифани айтгандирки, одамлар ўзларини кулгидан тўхтатишолмаётгандир.

Умурзоқ ота фақат кулги аралаш айтилган баъзи гапларни эшитиб қолди:

— Ҳой, ҳой, нима бўлди? Туртган ким?

— Ҳазилни қўйинглар. Ҳозир ҳазиллашадиган пайтми?

— Ҳой, Нормат, нима бало, эрталабданоқ ичиб олдингми?

— Йўғ-е, оғзимга олмаганимга анча бўлди.

— Нима бўлди сенга, гавдангни тутолмайсан.

— Мен эмас, бир чол... қутурган туядай...

— Ҳой, бас қилинглар, йиғитлар. Кекса одамдан полёттибсанми? Баракалла сенга-е!..

— Кечиринг мен... мана, ўзингиз қаранг!..

— Ий-е, Умурзоқ ота-ку, оғайнилар.

— Умурзоқ?!

— Унга нима бўлди? Қаёққа шошяпти?

— Ҳой, оқсоқол, ассалому алайкум,— деди кимдир одамлар ичидан Умурзоқ ота зинапояга етай деганда.— Қаёққа шошиляпсан? Тўхтасанг-чи, ўзинг ҳам эшитмайсан, бошқаларнинг ҳам эшитишига халақит беряпсан.

Умурзоқ ота овоз чиққан томонга қаради-ю, Ҳалим-бобога кўзи тушиб, жойида тўхтади.

— Ассалому алайкум.

— Ваалайкум ассалом,— жавоб берди Ҳалимбобо қовоғини уйиб. Умурзоқ ота унинг бошидан оёғигача қараб чиқди-да, таъна қилди:

— Дарҳақиқат, сен ҳам шу ерда экансан-да? Ҳаммадан олдин етиб келганга ўхшайсан-а?..

— Бўлмаса-чи. Сен билан мен шошмоғимиз лозим. Ёшларга ибрат бўлсам дейман-да.

— Ҳа, ёшлар сен билан мenden ибрат оламиз деб кўзлари учиб турибди.

— Нима дединг, Умурзоқ? А?.. Гапларингга тушунмадим, нима-а?

— Билмадим.

— Нима?

— Билмайман, дедим.

— Ҳой оқсоқоллар, барака топкурлар, астароқ гап-лашинглар, эшитишга халақит беряпсизлар,— деди кимдир. Чоллар жимиб қолдилар.

— Афандининг қулоғи оғрибди,— деди Смирнов,— қизарган шиш найдо бўлибди. Эшон буни кўриб, Афандини чимчилаб олмоқчи бўлибди:

— «Афанди, эшакнинг қулоғини олибсанми?»

— Ҳа, эшон бува,— дебди Насриддин жавоб бериб,— пешонага битгани шу экан, начора, ақлини сиз олиб қўйган экансиз, бизга қулоғи қолибди...»

Кенг майдон кулгига тўлди. Акс садоси тоғлар этагидан эшитилди. Умурзоқ ота ҳам икки қўлини белбоғига қўйиб, ичаги узилгудай бўлиб куларди. Унинг ёнида турган Ҳалимбобо Умурзоқ отага эътибор қилмай, қоринини ушлаб кулишига мадори етмаса ҳам овозини чиқармай куларди.

Ниҳоят, чоллар бир-бирларига қараб олишди-да, яна ўзларини тутолмай қоринларини ушлаб кулиб юборишди ва бирдан тўхтаб қолишди.

Майдонга жимлик чўкди. Бу ерларнинг эрталабки ҳавоси ҳаддан ташқари мусаффо бўлганиданми ёки тоғ этаклари бўлгани учунми, ҳар ҳолда, Смирновнинг сўзлари яққол эшитиларди.

— Йўқ, дўстлар, ишимиз хамирдан қил суғургандай осон бўлди, дея олмайман. Осонлик билан галабага эришиб бўлмайди, жуда қийин бўлишига кўзимиз етиб

турибди. Ойқиз Умурзоқова зўр таклиф берди. Биз шу таклифни турмушга татбиқ қилмоғимиз лозим. Эҳтимол, илгарилари ҳам айрим кишиларнинг миясида ана шундай фикрлар бўлгандир. Бироқ ҳеч ким бундай фикрни айтишга ҳам, амалга оширишга ҳам журъат қилолмаган. Ахир, бу иш ҳеч кимнинг қўлидан келмасди-да. Нега дейсизларми? Меҳнат қилган деҳқон сув қаёққа оқишини биларди. Сув Қобилхўжа эшон билан унинг ўғли Азимбойнинг ерларига оққан бўларди. Умурзоқ отага, Ҳалимбобога ўхшаш камбағаллар барибир сувсиз қолаверарди. Энди-чи? Энди меҳнатимиздан ўзимиз баҳраманд бўламиз. Ер ҳам, сув ҳам ўз қўлимизда. Лойиҳа тайёр, модомики шундай экан, дўстлар, ҳамма аҳиллик билан ишга, сув мўл-кўллиги учун курашга!

— Қанча сув чиқади?

— Арзийдиган ишми ўзи?

— Саволлар тўғри. Жавоб кутамиз.

— Ўртоқ инженер, айтинг-чи, қанча сув чиқади?

— Агар, сизларга рақамларни айтсам, айтайлик, ёз бўйи уч миллион кубометр сув чиқади десам тушунарли бўладими?..

— Тушунарли.

— Йўқ, инженер, тушунарли эмас.

— Агар мана шу лақма тушунган бўлмаса, биз ҳеч нарса тушунганимиз йўқ.— Яна қий-чув овозлар эшитилди.

— Сизларга бундан ҳам содда қилиб айтсам, шу баҳорнинг ўзида пахта экиш мумкин. Сув етади.

— Боғларга-чи? Боғларга ҳам етадими?— сўради Ҳалимбобо қичқириб, чолларга хос нимжон овоз билан қаттиқ йўталиб.

— Ҳа, боғларга ҳам етади,— жавоб берди инженер.

— Шундай бўлса яхши-я, Умурзоқ? Нега индамайсан?— деди Ҳалимбобо йўталиб бўлиб мўйловини артаркап.

— Нима дейсан?— Умурзоқ ота Смирновга тикилиб қолганди. Инженер зинапоядан тушиб келарди. Майдондаги халқ ҳаракатга келиб инженер Смирнов, Ойқиз ва Олимжон томон оқди.

— Айтганим келди-ку!..— деди Ҳалимбобо яна Умурзоқ отага ўгирилиб.

— Нима бўпти?— деди Умурзоқ ота қайтадан.

— Олтинсой яшнаб кетади!

Умурзоқ ота дўстининг қувонч тўла юзларига тиклганича, бошини қимирлатиб жавоб берди:

— Яшнаб кетади!..

— Шундай дегин,— деди Ҳалимбобо.

Умурзоқ ота довдираб қолди.

«Нима, у қаёқдан билибди?.. А... Дарҳақиқат, розиман, тўғри иш бўлса, розиман. Тўхтаб тур...»

У ён-верига аланглаб Ҳалимбобони ахтарди, нима учун киноя қилганини сўрамоқчи эди-ю, бироқ уни тополмади. Ҳалимбобо аллақачон ғойиб бўлган эди. Умурзоқ ота қовоғини солганича, икки қўлини орқасига қилиб атрофга бир-бир қараб чиқди. Қизи ва Олимжоннинг олдига бориб инженер Смирновнинг айтганларини сўрамоқчи бўлди-ю, бир зумда бу фикридан қайтиб, ҳовлиси томон йўл олди. Одамлар ичидан юриб майдондан чиқиб кетганича, бирон таниш учраб чақириб қолишидан чўчиб, муюлишга етгунча юрак ҳовучлаб борди, тор кўчага бурилгандан кейин, сал кўнгли тинчиди. Кўнгли тинчигани шуки, ҳеч ким уни эслаб, ёнига чақирмагани нафсониятига теккан эди, шу Умурзоқ отага алам қилди.

Йигирма учинчи боб

Туш пайтида райком биноси олдига иккита енгил машина келиб тўхтади. Машиналардан бири яп-янги кулранг «Победа» бўлиб, ўн минутлардан сўнг келган иккинчи машина эса аллақачон эскириб кетган «Эмка» эди. «Эмка»нинг усти пачоқ, қанотларига ямоқ тушган, афтидан, умрининг охириги кунларини кечирар эди. Зинапояннинг ўнг томонида кимнингдир «Москвич»и турарди. Ушннг ёнида «Победа» нур сочиб турарди. «Победа»нинг қаторида «барибир бир уруғданмиз» дегандай «Эмка» турарди.

Зинапойда Қодиров билан Смирнов «Эмка»нинг келишини кутиб туришарди. Умурзоқ ота, Ойқиз ва Олимжон машинадан чиқиб, зинапояга кўтарилдилар.

Қодиров уларга қараб деди:

— Орқада қолиб кетдиларинг. Кечикдиларинг. Энди нима бўлади?

— Орқаларингиздан келяпмиз,— деди Олимжон жиддий тусда ва бошидаги дўпписини олиб чангини қоқаркан, сўзида давом қилди,— сиз осмон баробар чангитиб кетдингиз. Кўзларга чанг кириб, димоғларга тикилди.

— Ҳақ сўз,— деди Иван Никитич,— одамларнинг кўзига чанг сепиш ярамайди.

Қодиров хўмрайди ва ниманидир хаёлидан ўтказиб, қовоғидан қор ёғилган ҳолда «Москвич» томон имлади:

— «Октябрь» колхозидан Усмонов ҳам шу ерда.

— Мана, раис,— деди Олимжон кулги аралаш,— сиз бўлсангиз қўрққан эдингиз.

Қодиров эшикни очиш учун олдинда бора туриб, бирданига орқасига ўгирилди:

— Қимдан қўрқибман? Нимадан қўрқибман?!

— Ҳамиша,— Олимжон яна кулгига олди,— кучи-мизга қарамай юк кўтарамиз дейсиз-ку.

— Хўш?..

— Ахир, ҳозиргина Усмонов шу ерда дедингиз-ку.

— Хўш?..

— Демак, у ҳам енг шимариб юк кўтаргани келган да.

Қодиров индамай қолди. У энди эшикни очмоқчи бўлиб қўл юборган эди, ичкаридан қандайдир овозлар эшитилди ва бирданига эшик очилди.

— Қандай яхши, олтинсойликлар етиб келдилар,— деди райком секретари самимий севинч билан. У бир неча нотаниш кишилар билан чиқиб келарди.— Ҳозиргина бир группа ўқитувчилар билан суҳбат қилдим. Афсус, сизлар ҳам иштирок қилсаларинг яхши бўларди. Бу масала сизларга ҳам тааллуқли эди.

Жўрабоев келганларни гап аралаш кутиб олди ва кетаётганлар билан хайрлашди. Унинг эғнидаги кулранг гимнастёркаси ҳам, устига нуқра юритилган ингичка камари ҳам бўй-бастига, мош-гуруч бўлиб оқарган сочига, тиниқ ва равшан қўй кўзига, икки кўзи теграсига тушган ажинларига, бутун ташқи қиёфасига ярашиб турарди. Айниқса, кўзининг теварагига тушган ажинлар ҳам ўзига ярашиғлик эди. Бу ажинлар ёшлигидан бордай, бир умр ана шу ажин билан юргандай кўринарди. Одамлар райком секретари билан суҳбатлашар экан, энг олдин унинг кўзларига, ажинларига назар ташлардилар. Шунда баъзан ёришиб кетгандай, кулиб тургандай кўринса, баъзан жиддийлашиб, чуқурлашиб кетарди, сал ўтмай яна ёришиб, нуруний бўлиб кўринарди. Бундай пайтда чақнаб турган кўзлари кўринадими ёки ажинларими, билиб бўлмасди. Шу билан бирга ақли донолиги

ва турмуш тажрибаси кўзидами ёки ана шу ажинлар ичига яширинганлигини ҳам билиб бўлмасди.

Одамларнинг айтишича, Жўрабоевнинг ажинлари кейинги йилларда тобора кўпайиб, тобора кўполлашиб, тобора чуқурлашиб борарди.

Эҳтимол, бу сўзлар ҳақиқатдир.

Жўрабоев ўрта бўйли, елкалари кенг ва бадани ишқ одам эди, у бошини ҳамиша қуйи солиб юрар ва бу ҳолат уни худди от чоптириб, қиличбозлик атакасига отилгандек қилиб кўрсатарди. Шунинг учун ҳам унинг камарига назар ташлаган кишилар Жўрабоевнинг отлиқ аскарда хизмат қилганини ва жангларда бўлганини пайқаб олардилар.

Олтинсойликлар унинг кабинетига киришлари биланоқ ҳайрон бўлдилар. Чунки у ерда «Октябрь» колхозининг раиси Усмоновнинг ўзигина эмас, балки район ижроқўмининг раиси Султонов, «Победа» ва «Биринчи Май» колхозларининг вакиллари ҳам ўтирарди. Олимжон уларни кўриб, қувониб кетди, ҳуштак чалиб юборишига сал қолди. (Кутилмаганда пайдо бўлган севинч ёки хушxabарни ҳуштак чалиб ифода қилиш — унинг ёшлигидан қолган одати эди ва бу одатини ҳалигача ташлай олмасди.)

— Ўтиринглар,— деди Жўрабоев. У Ойқизга тикилиб, юраги ачишиб кетгандай бўлди, ажинлари кўпайгандай кўринди, жиддий тусда сўзида давом қилди:— Айниқса, сизга, Ойқиз, ўқитувчилар билан бўлган суҳбатни эшитиш зарур эди. Биз ҳамиша хўжалик ишлари билан банд бўлиб, мактаб ишларини эсдан чиқарамиз. Мана, оқибати: ўтган йили Олтинсой ўрта мактабида саккиз бола синфдан синфга ўтолмай қолган бўлса, бу йили уларнинг сони анча кўпаядиганга ўхшайди. Нима учун? Шунинг учунки, мактаб ишларини эсдан чиқарганмиз. Баъзи кишилар болалар тарбиясини арзимас иш деб биладилар. Ҳолбуки, бу бизнинг биринчи даражали муқаддас ишимиздир. Колхоз партия ташкилоти, колхоз раиси ва қишлоқ Совети мактаб иши учун ҳам жавобгардир.

Ойқиз Жўрабоевдан кўзини олиб қочиб ерга қаради. Танбеҳ тўғри, сабаб кўрсатишга асос йўқ. Сал ўтмай Ойқиз фикрини йиғиштириб жавоб беришга журъат қилди.

— Тўғри, ўртоқ Жўрабоев. Мактабни унутганман. Энди ҳеч қачон эсдан чиқармайман.

Жўрабоев Олимжонга қаради. Бу қарашда «сен бошқалардан кўпроқ гуноҳкорсан» деган маъно бор эди.

— Менинг гуноҳим,— деди Олимжон оғир хижолат тортиб,— бюрода дарсга даволат тўғрисида атрофлича гап юритдигу, аммо ўзлаштириш масаласини муҳокама қилганимиз йўқ... Шу ёғини эсдан чиқарибмиз.

— Ҳайронман,— деди Жўрабоев қулочини ёзиб,— даволатни муҳокама қиласизлару ўзлаштириш эсларингдан чиқади. Ахир, бу бир-бирига боғлиқ масала-ку! Энди аҳволни қандай тузатиш мумкин? Сизлар партиянинг барча аҳоли тўла ўрта маълумотли бўлсин, деган кўрсатмасини биласизлар-ку, ахир. Хўш, партияга қандай ёрдам қилдик? Мана, қилган ишимиз кўз олдимизда. Тўғри, сизлар катта хўжалик ишлари билан бандсизлар. Бироқ мактаб ишлари билан, болаларни ўқитиш ва тарбиялаш ишлари билан қим шуғулланиши керак? Сиз бунга нима дейсиз, ота?— деди у қўққисдан Умурзоқ отага мурожаат қилиб.

Чол савол кутмаган эди. У ҳайрон бўлиб қошини чимирди ва сўнгра соқолини силаб жавоб берди:

— Ўғлим, ўқиш иши — муҳим иш. Дарҳақиқат, оталар ишини қим давом қилдиради? Болаларимиз. Улар янги ҳаёт қурадилар. Коммунизм қурадилар. Дарҳақиқат, ўзим ҳам кўриб турибман, илмсиз коммунизм қуриб бўлмайди. Илм керак. Илмсиз бир қадам ташлаш мумкин эмас. Бизнинг деҳқончилик ишларимиз ҳам илмсиз бўлмайди. Экин, тикиш, ҳосил етиштириш... Сув бўлмаса ҳосил бўладими?— сўради у кутилмаганда ва дарҳол Иван Никитичга қаради.

Хонага жимлик чўкди. Жўрабоев гимнастёркасининг ёқа тугмаларини ечиб, рўмолча билан бўйинларини артди. Унинг ҳаракатини кузатиб турган Олимжон райком секретарининг бўйнида гимнастёрканинг пичига кириб кетган узун яранинг изига кўзи тушди. Олимжон ёшлик вақтида ана шу яра изларини кўриб қотиб қолганини, кўз олдига тирик қаҳрамон келганини эслади. Ўша вақтда у: «Амаки, сизни нима билан ярадор қилганлар?» деб сўрамоқчи ҳам бўлганди-ю, сўрай олмай қолган эди. Жўрабоев гимнастёркаси ва майкасини ечиб буғдой устига ташлаганча, белигача яланғоч бўлиб лобогрейкада ўтирар, паншаха билан бошоқларни лобогрейкага таш-

лаб турган ҳолда бугдой девори бўйлаб борар, Йўлчини койиб, лобогрейкада қандай ишлашни кўрсатарди. Йўлчи эса уялганидан нима қилишини билмас, лобогрейка орқасидан чопишни ҳам, Жўрабоев бир айланиб келгунча индамай туришни ҳам билмасди. Олимжон ҳам лобогрейка орқасидан чопмоқчи бўлиб турганида, Жўрабоевнинг елкаси остида, қовурғаси устида яна бир катта яра пзни кўриб, ҳаяжон ичида қолган эди.

«У яра осколкадан бўлса керак. Елкасидагиси қилишнинг изи...» — ўйлади Олимжон энди. У беихтиёр ўзининг тирсагидаги яра изларини сийпалаб, Жўрабоевга бўлган фарзандлик меҳр-муҳаббати ошиб кетди ва танасида солдатлик шавкатининг белгиси бўлган яра излари билан фахрланди. Ҳа, энди у Жўрабоевни устоз деб аташга ҳақли. Чунки ўша хотирада қолган кундан, унинг танасида яра изларини кўрган кундан бошлаб коммунист Жўрабоевнинг ҳаёт йўли Олимжон учун намуна бўлиб қолди. Уша болалик чоқларидаёқ Жўрабоевнинг яра изларини кўриб, Жўрабоев сингари қаҳрамон бўлишни орзу қиларди у. Олимжон урушдан олдинги йилларда Жўрабоевнинг таржимаи ҳоли ва фаолияти билан яхши танишиб чиққан эди. Олий Советга бўлган сайловларда Олтинсой сайлов округидан овозга қўйилган Жўрабоевни сайловчиларга таништиришда депутатликка номзоднинг ишончли вакили комсомол Олимжоннинг хизмати озмунча бўлмади. Ана шу вақтдан бошлаб у Жўрабоевга ўхшаган киши бўлиб етишишга интилди. Чиндан ҳам райком секретарининг ҳаёти Олимжон орзу қилгандек ҳавас қилса арзийдиган ҳаёт эди. Жўрабоев партия ишига ўтгунча отлиқ аскарликда хизмат қилди. У ёшлик чоғида, Тошкентдаги Ленин номли Ҳарбий билим юртида ўқиб юрган вақтидаёқ, биринчи марта жангга кирган эди. Билим юртининг курсантлари Михаил Васильевич Фрунзенинг буйруғи билан шарқий Бухорога — босмачиларни тор-мор қилишга сафарбар қилинадилар. Булар орасида Жўрабоев ҳам бор эди. Сал ўтмай курсант Жўрабоевнинг мардлиги тўғрисида қизил аскарлар ўртасидагина эмас, ҳатто босмачилар орасида ҳам шовшувлар тарқалиб, афсоналар тўқила бошланди, унинг қиличи Англия босқинчиларига сотилган қанчадан-қанча босмачиларнинг бошини танасидан жудо қилган. Босмачилар тор-мор қилинган, у беш йил Тошкентда ўқиди ва сўнгра партия ишига юборилди. Спналган фрунзечи

Улуғ Ватан урушининг бирипчи кунларидаёқ яна отга минди. Бу одам чекиниш азобларини ҳам, Москва ва Сталинград остоналаридаги шиддатли жангларни ҳам, совет шаҳарларини озод қилиш қувончларини ҳам кўрди. Фақат уруш охирига етай деб қолганда Кенигсберг остонасида қаттиқ ярадор бўлиб, бир неча ой госпиталда даволанди. Тузалиб чиққандан кейин Олтинсой районига партия ишига келди. Унинг мустахкам соғлиги ва темир иродаси оғир яранинг азоблари устидан голиб чиқди. Энди у сочлари оқариб мош-гуруч бўлган, юзларига ажин тушган бўлишига қарамай бақувват кўринарди. Ёши элликка бориб қолган бўлса ҳам, қирқларга яқинлашиб қолганга ўхшарди...

— Шундай қилиб, сиз усталик билан ҳамманинг диққат-эътиборини бугунги рўзномадаги масалага тортингиз! Шундайми, ота?— деди Жўрабоев қувонч билан.

Ўз хаёлларига ғарқ бўлиб ўтирган Олимжон кабинетга жимлик чўккан пайтдагина ўзига келди ва бу жимлик қанча давом қилганини билолмади. У худди уйқудан тургандек кўзларини уқалаб, диққат билан Жўрабоевнинг сўзларига қулоқ солди.

— Энди энг муҳим масалага ўтайлик,— деди Жўрабоев гапида давом этиб.— Сув масаласи! Сув — азалий орзумиз. Сув бор экан — қувонч бор, сув йўқ экан — ғамалам бор. Буни яхши биласизлар.

Ойқиз гоҳ бир ерга йиғилиб, гоҳ ёзилиб кетадиган ажинлардан кўз узолмасди. Энди бу ажинлар унга қандайдир ёқимли кўринар эдики, бунинг сирига тушуниб бўлмасди.

— Ҳеч кимда ҳеч қандай гинахонлик ҳам, тушунмовчилик ҳам бўлмаслиги керак,— деди Жўрабоев сўзида давом қилиб.— Эшитишимга қараганда, бу ишга қарши чиққанлар бўлган эмиш.

— Бор,— деди Ойқиз баланд овоз билан ва шу захотиёқ ўзининг сабрсизлигини сезиб қолиб, ёш болалардек тилини тишлади.

— Ҳали иш бошлаганларнинг йўғу устиларингиздан шикоят тушди.

— Кимдан?— сўради Ойқиз ўзини тутолмай.

— Қўшнилариингиздан. Мана, олдиларингда ўтиришибди. Эрталабдан буён шу ердалар.— Жўрабоев кўзларини қисиб, мулойимлик билан сўзларди.

Ойқиз, Олимжон, Умурзоқ ота, ҳаттоки Қодиров билан Смирновлар кабинетда ўтирганларга қараб қолишди. Ойқиз билан Олимжон қандайдир хавотир билан тез кўз ташлашди, Қодиров гердайиб, қандайдир ишончсизлик ва ичиқоралик билан, Смирнов бўлса хотиржамлик билан, ниҳоят Умурзоқ ота, Жўрабоев учун кутилмаган бир ҳолда, жаҳли чиқиб, безовталаниб, қўрқинч билан тикилиб турарди.

— Шикоят?..— деди Ойқиз мулоимлик билан.— Нима учун устимиздан шикоят қилар эканлар?

— Ўзларидан сўранг, ўзлари айтишсин,— Жўрабоевнинг кўзлари мамнулик билан чақнаб турарди.

— Буларни қийнамай, ўзларинг айтиб қўя қолинглар,— деди район ижроқўмининг раиси Султонов ва Ойқизга раҳмдиллик билан қараб қўйди. Унинг бу қарашини ёш боладан қандайдир қувончли сирни узоқ яшириб турганга ўхшарди.

— Йўғ-е, мана,— қўшни «Октябрь» колхозининг раиси ўрнидан турди ва гапиришдан олдин эгилиб, этигининг бир қўнжини, сўнгра иккинчи қўнжини тортиб қўйди-да, сўзида давом қилди,— мана, ўртоқ Жўрабоев, ўзингиз айтинг. Мен Қодировнинг одатини биламан. У фақат ўзим бўлсам, дейди. Фақат ўзини ўйлайди.

— Нима! Нима!— Қодиров асабийлашиб ўрнидан турди.— Сенга нима бўлди? Қандай далилларинг бор?

— Далилларни қўйсангиз-чи. Мен далиллар тўғрисида гапирганим йўқ.— Усмонов яна ўрнидан турди ва яна этигининг қўнжини тортиб қўйди.— Сизга нима бўлди? Нега бақирасиз?

— Сенга бақирмай бўладими? Нима, сен... Қачон мен ўзимни ўйлабман.

— Гап сизнинг тўғрингизда кетаётгани йўқ-ку,— деди Усмонов ўзини оқлаб.

— Айт, қандай далилинг бор? Айтавер, нега тулкилик қиласан? Айт!..

— Нима учун сиз бир сўзга ёпишиб олдингиз? Қандай далил бўлсин? Айтдим-ку. Сиз фақат ўзингизнинг колхозингиз тўғрисида қайғурасиз, бошқа колхозлар хаёлингизга ҳам келмайди. Бу тўғрида қўлимда далил бор! Ҳамма билади бунни.

— Колхозим тўғрисида қайғураманми?— сўради Қодиров.

— Ҳа, фақат ўз колхозингиз тўғрисида,— деди Усмонов ўз сўзини тасдиқлаб.

— Майли. Сен ҳам ўз колхозинг ҳақида қайғуравер,— деди Қодиров жойига ўтираркан, шахтидан тушиб.

— Ҳаммаси равшан,— деди Жўрабоев Усмоновга қараб, уни ўтиришга таклиф қилиб.— Ҳа, олтинсойликлар, булар сизларнинг устиларингдан шикоят қиляптилар. Чунки биринчидан: булоқлардан чиққан сувларни ўзларингизга олмоқчисизлар. Иккинчидан: ҳовузни фақат ўзларингиз учун қазимоқчисизлар. Учинчидан: фақат ўзларингиз учун канал қурмоқчисизлар. Ҳамма сув Олтинсойга оқсин, деб бошқа колхозларнинг иштирок этишидан воз кечгансизлар.

Ойқиз билан Олимжон бир-бирларига мамнунлик билан қараб қўйдилар.

— Хўш, олтинсойликлар, энди нима дейсизлар?— сўради Жўрабоев.

— Рухсат беринг, мен жавоб берай,— деди Ойқиз жасорат билан.

— Марҳамат...

— Қўшниларимиз ташвиш тортмасалар ҳам бўлади. Биз барча ишларни қўшниларимизнинг ёрдамида қилмоқчимиз. Сувни ҳам барабар тақсим қиламиз.

— Кучимизни аямаймиз, шубҳа қилманг,— деди Усмонов.— Ахир, бизда ҳам от-арава бор. Трактор бор. Икки киши бўлса харсангни қимирлатади, уч киши бўлса бошқа жойга қўяди. Бас, шундай экан, улуг иш бизларсиз ўтмасин деймиз...

— Сизларсиз ўтмайди!— гапни бўлди Олимжон шартта.— Бундай фикрлар қаердан чиқди ўзи?

— Агар чиндан ҳам бизни эсларингиздан чиқармаган бўлсанглар, раҳмат.

— «Агар» дейди-я,— деди Қодиров мазах қилиб,— ўзинг кўриб турибсан-ку...

— Раҳмат дедим-ку, ахир,— деди Усмонов мулоийлик билан, этигининг қўнжини яна тортиб қўйиб.

— Менимча, ўртоқ Жўрабоев, дастлаб тузган ҳисоб-китоб, планларимиз эскирди,— деди Ойқиз. У тиззасида турган сумкасини очди-ю, ундан дафтарчасини олиб бир қараб қўйди-да, сўзида давом қилди:— Бизга кўрсатган катта ёрдамлари учун Иван Никитичдан миннатдормиз. Ҳисоб-китоб ва лойиҳаларни ҳам Иван Никитич ўзи тузди. Балки бу тўғрида ўзлари айтиб берарлар.

Жўрабоев Смирновга қаради:

— Гапирасизми?

— Гапираман,— деб ўрндан турди Иван Никитич. У узун, хипча киши бўлиб, ҳамиша вазмин эди.

Колхозчилар уни «Иван ака» дердилар. Жўрабоев ҳам баъзида унга «Иван ака» деб мурожаат қиларди.

Ҳамиша кўйлакчаи, ёқаларини очиб, энгларини шимариб, отлиқ аскарлар киядиган шими устидан кўнжи тор, бежирим этик кийиб юрарди. Бу отлиқ дала кезишга ҳам, тоғ йўлларидан чиқишга ҳам қулай кийим эди.

Иван Никитич Жўрабоев тенги, эллик ёшларга бориб қолган бўлса ҳам, ёши тўғрисида, кексайиб бораётгани ҳақида асло ўйламасди. Аксинча, энди кучга тўлгандай ҳис қиларди ўзини.

У фронтдан олиб келган дала сумкасини шоммасдан очиб, ичидан кўзойнагини олди ва дастрўмолчаси билан артиб, бурнининг устига қўндирди-да, дафтарига тикилиб, салгина бўғиқ овоз билан гапирга бошлади:

— Албатта...— деди у салмоқлаб, худди анчадан буён гапирётган кишидек.— Олтинсойликлар жуда муҳим масалани кўтариб чиқдилар. Ҳозирча биз бу ташаббусни районимиз миқёсида амалга оширамиз. Бироқ, ишончим комилки, бу ташаббус областимизнинг бошқа жойларида ҳам қувватланади. Биз биринчи муваффақиятни қўлга киритсак, тоғ этакларидаги ва сойлардаги кўпгина колхозлар ҳам сув учун курашга отланадилар. Ишонч билан айтаманки, бундай кураш кўпгина жойларда ғалабага олиб келади. Худди шундай ишонч билан айтишим керакки, олтинсойликлар ҳам ҳали кўпгина имкониятларни ҳисобга олганлари йўқ. Биринчидан, улар фақат Ёнғоқсой билан Узумсой булоқларидан чиқаётган сувларни ҳисобга олганлар. Чиндан ҳам тоғ жинслари билан кўмилиб кетган булоқларда сув кўп. Сизлардан яшпрмайман, кеча Ёнғоқсойдаги саёзроқ бир булоқни белкурак билан тозалаб кўрдим. Бу ҳам юзлаб бошқа булоқлар сингари қаровсиз ётган эди. Кўзи очилгач, шунча кўп сув қайнаб чиқдики, бирпасда тош ва қумларни ювиб, ўзига йўл очди. Уни кўриб қувонганимдан юрагим дук-дук урганини эшитдим. Ростини айтсам, бунчалик юрак урганини сира эслай олмайман. Фақат ғалаба кунда ва уруш таомом бўлиб, уйимга кириб келганимда юрагим шундай ургани эсимда. Ишонч билан айтаманки, Ёнғоқсой ва Узум-

сой заминда зўр куч ва имкониятлар яширишиб ётибди. Албатта, ҳамма гап сойларнинг тубидаги булоқлардагина эмас, балки баҳор пайтида ёғадиган жала, ёмғирларда ва қорлар эриб оққан тошқин сувларда ҳам. Мана, сув манбаи, мана шу сувларни йиғиш зарур, бошқача айтганда, сув ҳовузи қурилмоғи лозим. Агар биз ҳамма сел сувларини ана шу улугвор ҳовузга йиғсак ва барча булоқларни тозалай олсак — сувимиз мўл-кўл бўлади. Демак, Ёнғоқсой ва Узумсойнинг сувлари ҳозир тўрт юз-беш юз гектар ерни суғораётган бўлса, сув ҳовузи қурилгач, ўн марта кўп ерни суғориш мумкин бўлади. Қўшни колхозларнинг ҳам ерлари сув ичадиган бўлади. Шунинг учун ҳам бу йиғилишга қўшни колхозлардан вакиллар келган деб ўйлайман. Бу сувдан ҳамма баҳраманд бўлмоғи лозим. Шунга асосланиб айтаманки, олтинсойликлар ўз вақтида ташаббус кўтарганлар ва бу жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Иван Никитич сўздан бир зум тўхтаб, дафтарини ва рақлай бошлади.

— Таклифингиз борми?— деб сўради Жўрабоев.

— Бор. Ёнғоқсой ва Узумсой сувларини бир ҳовузга йиғишни таклиф қиламан. Албатта, бу қийин ва мураккаб иш бўлса-да, бироқ қўлимиздан келади. Битта колхоз албатта урдасидан чиқа олмаслиги мумкин. Бироқ шунча ёрдамчилар мавжуд экан, сув ҳам сероб бўлади. Энди Олтинсойнинг ҳамма сувлари колхозларимизнинг ҳосилдор ерларини суғоради.

— Кўкбулоқ тўғрисида нима дейсиз, Иван ака?

— Ҳали Кўкбулоқ сувларини ҳисобга олганим йўқ. Бироқ Кўкбулоқнинг жуда қудратли ва серсув эканлиги тўғрисидаги ҳақиқат тилдан тилга кўчиб юрибди. У бир вақтлар портлатилган ва тоғ жинслари билан кўмиб ташланган. Энди уни тозалаш ва тирилтириш қўлимиздан келармикан?

— Партия бюроси Кўкбулоқни тозалайдиган бригадага мени бошлиқ этиб тайинлади, — деди Олимжон.

— Демак, ғалабага ишонсак бўлар экан. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Сиз фронтдан келган, чиниққан жангчисиз, — деди Жўрабоев ва Смирновга мурожаат қилди: — Иван Никитич, қандай қилиб Олтинсой сувларига янги йўл очасиз? Тоғ этакларига сув чиқармоқчи бўлганингизни билиб турибмизу, бироқ Олтинсой чуқур жарликдан оқадиди-да.

— Тўғри,— деди Иван Никитич жавоб бериб,— жарликнинг чуқурлиги тўғри. Бироқ колхозларимизнинг раҳбарлари бундан қўрқмасалар ҳам бўлади. Жар қанча чуқур бўлгани билан жуда тор ва қирғоқлари тошдан иборат.— Иван Никитич яна дала сумкасини очди-ю, ичидан лойиҳани олиб стол устига ёзиб қўйди. Лойиҳа кагта қоғозга чизилган бўлиб, унинг четларига сури ёпиштирилиб мағиз қилинган ва жуда бежирим букланганидан сумка ичида сезилмай турарди. У зангори рангда чизилган бўлиб, айрим жойлари қизил рангли нуқталар ва рақамлар билан белгиланган эди.— Мана,— деди Иван Никитич лойиҳани райком секретари олдига ёзиб қўяркан, зангори чизиқларни ва қизил нуқталарни бармоқлари билан кўрсатиб,— тўғонни мана шу ерга қурмоғимиз лозим. Ёнғоқсой ва Узумсойнинг сувлари қўшилади ва Олтн-сойга айланиб йигирма икки метр чамасида юқорига кўтарилди ҳамда янгидан қуриладиган канални сув билан мутгасил таъмин этиб туради.— Иван Никитичнинг бармоқлари чизиқлар устида у ёқдан-бу ёққа бориб келаркан, стол атрофига йиғилган одамларни сезмай, мароқ билан ҳикоя қиларди. Ҳамма унинг бармоғига тикилиб қолганди.— Шундай қилиб, биз тўғон қурамыз ва сойлардан келган сувларни йиғиб, катта сув ҳовузи бунёд этамиз. Мана шу ерда,— деди у кўм-кўк ранг билан бўялган белгини кўрсатиб,— сув ҳовузининг дарвозаси, яъни тўғон мана шу ерга қурилади. Биз қурадиган канал ана шу тўғон олдидан бошланади.

— Ажойиб оптимистсиз, Иван ака,— деди Жўрабоев унга аҳтиром билан қўлларини чўзиб. Иван Никитич бошини кўтарди-ю, ўзини ноқулай сезиб, нима дейишини билмай, ҳайрон бўлди.— Йўқ, йўқ,— деди Жўрабоев ўзини тузатишга шошилиб,— сизнинг бу одатингизни биринчи марта сезаётганим йўқ, албатта. Сиз ҳаммаша оптимистсиз. Оптимист эканлигингиз айти пайтда менга жуда ҳам ёқяпти. Яширмайман, яширолмайман ҳам, Иван Никитич, марҳамат, бир саволга жавоб берсангиз, тўғон қуриш учун зарур кучларни қаердан оламиз? Ахир, бу зўр иш-ку. Шундай эмасми? Тўғон — йигирма беш метр баландда? Ахир, бу ҳазил иш эмас-ку...— У худди шубҳа маъносига сўрагандай бўлди ва атрофда ўтирганларга тикилди. Жўрабоев ҳамманинг юзида зўр истак ва прода кўрди. Фақат Қодиров ишончсизлик ва мазах маъносига қараб турарди.— А? Иван Никитич?

Ойқиз ялт этиб район партия комитетининг секретарига қаради.

— Албатта, қурамыз,— деди Иван Никитич ва унинг бу сўзларини эшитган Ойқиз ўзини енгил сизди. «Эҳтимол, менгагина эмас,— деди Ойқиз пчида ўйлаб,— балки унга ҳам енгил туюлгандир».

— Тўғон тоғ жинсларидан қурилади,— деди сўзида давом этиб Смирнов.— Демак, бундай материаллар ўз қўлимизда. Шу ернинг ўзида портловчи моддаларни ҳам. портлатувчиларни ҳам топамиз... Меҳнатни бўлса колхозчиларнинг ўзлари адо этадилар. Демак, ишчимизнинг тақдири ана шу колхозчиларнинг меҳнатига боғлиқ.

— Меҳнатдан қўрқмаймиз.

— Ишчи кучимиз етади.

— Ҳа, кучимиз бор, ҳар ҳолда, тош ташингга қурбимиз етади,— дейишди қўшни қишлоқлардан келганлар бир-бирларининг гапларини бўлиб.

— Хўш, хулосага келайлик,— деди Жўрабоев,— Иван Никитич, хуллас, қурилишдан қандай фойда кўрамыз!

— Тўрт-беш минг гектар сўғориладиган ерга эга бўламиз. Кўрдингизми, давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим иш. Демак, бу ишни майдалаб ўтирмай, кенг миқёсда ҳал қилишимиз лозим.

Ўзининг ишчанлиги ва талабчанлиги билан танилган район ижроия комитетининг раиси Султонов Иван Никитичнинг орқасида туриб, унинг сўзларини диққат билан эшитди ва елкаси оша бўйинини чўзиб дафтарига кўз ташлади. Аммо ҳеч нарсани кўролмагач, докладчининг ёнига яқинроқ келди ва дафтарга тикилган ҳолда сўради:

— Иш ҳажми қанча?

— Мана, ҳамма ҳисоб-китоби,— деди Смирнов,— кўриб чиқинг, бироқ қўрқманг,— у дафтарини Султоновнинг қўлига тутқазди. Султонов диққат билан тикилар экан, Смирнов қўшимча қилди:— Иш ҳажмини оз деб бўлмайди, албатта.

Жўрабоев «Октябрь» колхозининг раиси Усмоновга қаради. У салгина энгашиб, одатдагидек, этигининг кўнжини тортиб қўйди-да, сўнгра қоматини ростлаб, ёнида ўтирган қўшнилари билан нималарнидир қизгин муҳокама қила бошлади.

— Айтинг-чи, Ойқиз, барча ишлар қўл кучи билан адо қилинадими?

— Ҳа,— деди Ойқиз майингина овоз чиқариб, у барча иш қўл кучи билан бажарилиши мўлжал қилингани учун ўзи жавобгардек уялибгина жавоб берди.

Жўрабоевнинг кўзлари атрофидаги ажишлар анча қуюқлашди. У Иван Никитичнинг ҳаракатларини кузатиб жимгина ўтирарди. Иван Никитич бўлса лойиҳаларини тахлаб, дафтарини ёпди, сумкасига солиб, зимдан Умурзоқ отага назар ташлади. Умурзоқ ота бошини қуйи солиб томирлари бўртиб чиққан қўлига термилганча ўтирарди. Смирнов унга мурожаат қилиб сўради:

— Нега индамай ўтирибсиз, ота? Ҳеч бўлмаса бирор сўз айтинг.

Умурзоқ ота шиддат билан ўрнидан турди ва икки қўлини кўксига қўйиб, Жўрабоев ўтирган столга яқинлашди.

— Дарҳақиқат, сўзламоқчиман, ўғлим. Колхозчиларимиз сув топишга аҳд қилдилар. Албатта, бу улуг иш. Бироқ менда бир сўз бор.— Ота ўйланиб қолди,— дарҳақиқат...

— Саволми?— сўради райком секретари унга луқма ташлаб.

— Йўқ.

— Маслаҳатми?

— Йўқ, ўғлим.

— Бўлмаса қанақа сўз, айтаверинг, отахон, ҳа, айтаверинг.

— Дарҳақиқат, сўзим шуки, нима десам экан?.. Шубҳами... Хавотирми...

— Шубҳа?.. Хавотир?..

— Ҳа, шубҳа, хавотир.

— Хўш, хўш?

— Дарҳақиқат, ушбу ҳисоб-китобнинг ҳаммасини менинг қизим Ойқиз қилган. Ёш. Ҳали бунақанги катта ишларга қўл урмаган. Хавотирим бор. Янглишгани йўқми-кан-а?..

Жўрабоев хайрихоҳлик билдириб, табассум қилди, бошини қимирлатиб, унинг сўзларини маъқуллади:

— Ойқизнинг режаларини Иван аканинг ўзи текшириб кўрди, ота,— деди у,— сиз унга ишонасизми?

— Дарҳақиқат, унга ишонмай бўладими! Иван ака олим киши. Текшириб кўрган бўлса — бас, бу бошқа гап. Энди анча енгил тортгандай бўлдим.

Ота бир зумда ўзгариб, юзлари ёришиб кетди. Худди

ёшаргандай бўлди-ю, ўтирган жойига борди, яна нимадир эсига тушиб таққа тўхтади, оғзини тўлгазиб гапирди:

— Дарҳақиқат, ўғлим, биздан кўнглингиз тўқ бўлсин, халқимиз иноқ ва сергайрат, юзларингизни шувут қилмайдиган халқ. Машина бермасаларингиз ҳам майли, ҳечқиси йўқ, қўлимиз билан қураверамиз. Дарҳақиқат, кетмонни энди кўряпмизми? Гўдаклингизданоқ кетмон билан ҳамроҳ бўлганмиз. Эсингиздами, Катта Фарғона каналини қандай қурганмиз? А?..

— Эсимда, эсимда. Мен ҳам у ерда бўлганман. Канални халқ қурди.

— Дарҳақиқат, халқ. Мана биз ҳам халқмиз. Ташаббусимизни маъқуллайсизми? Розилик беринг, ўғлим, бошлаймиз.

— Отажон, биз сиздан маслаҳат сўрамоқчимиз,— деди райком секретари.

— Бе, мецдан маслаҳат чиқармиди,— ота қўлини силтаб жавоб берди.— Дарҳақиқат, чолман. Маслаҳатни инженерлар берсин. Бу ерда Иван аканинг сўзи — сўз бўлиши керак.

— Сўзларингиз тўғри, ота. Албатта, олимларнинг маслаҳатини ҳам эшитамизу, бироқ сиз ҳам кўпини кўрган доносиз. Сизнинг ҳаётингиз бутун бир мактаб. Катта ва кичик ишларни халқ билан бамаслаҳат ҳал қилиш биз коммунистларнинг бузилмас қонунимиздир. Айтинг-чи, ота, сойларнинг туби чуқур, қазилган тупроқ-тошларни қандай қилиб юқорига чиқарамиз?..

— Елкамизда, ўғлим, елкамизда. Ёлғизоёқ йўлдан чиқиб-тушаверамиз. Дарҳақиқат, айтувдим-ку, Катта Фарғона каналини қандай қурган бўлсак, буни ҳам худди шундай усул билан қураверамиз.

— Биласизми,— деди Олимжон унинг сўзларини бўлиб,— тоғ шароитида эшаклардан фойдаланамиз. Бу ерда эшакка тенг келадиган куч йўқ. Қоп-қоп тупроқни тоғ бағрига тўхтамай олиб чиқаверади.

— Бундай суръат билан катта иш ҳажмни бир ойда эмас, бутун ёз бўйи ҳам уддалай олмаймиз,— деди Жўрабоев.— Вазифа нимадан иборат? Вазифа — бир ой, бир ярим ой ичида сой ва булоқларни тозалаш, ариқни кенгайтириб, шу йил экадиган пахталаримизни суғоришдан иборат. Келгуси йил баҳорида тўғон ҳам қурилган бўлиши, далаларимиз янги ва доимий каналдан сув ичиши лозим.

— Сўзларингиз тўғри-ю, бироқ механизмлар бўлса эди,— деди Ойқиз. Унинг юзлари лоладай қизил эди.

— Ўртоқ Жўрабоев,— Иван Никитич гапга аралашди.— Мен ўз режаларимда Катта Фаргона канали ва бошқа халқ қурилишларида тўпланган қимматли тажрибаларнинг ҳаммасини ҳисобга олганман. Менинг режаларим бўйича сойлар ва булоқларни тозалаш, эски ариқни кенгайтириб пахтазорларга сув келтириш қирқ кунда тўгон ва канал қурилиши бир йилда адо этилиши мўлжал қилинган. Албатта, механизмлар ҳам зарур...

— Талабингиз қонуний,— Жўрабоев инженернинг талабини қувватлади.— Механизмлар зарур. Бусиз қирқ кун тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас.

— Биттагина экскаватор тошилса эди-я,— деди Олимжон оғир нафас олиб. Усмонов унга бир қараб қўйиб, энгашиб этигининг қўнжини торта бошлади.

Жўрабоев уларга диққат билан қараб, кулиб қўйди:

— Ахир, ҳозиргина тупроқни елкада кўтариш ва эшакка ортиш тўғрисида келишиб олувдик, шекилли. Энди экскаватор сўраянсиз... Менимча, қишлоққа сув келадиган бўлса, ўртоқ Усмонов тоғни ағдаришга тайёр. Шундай эмасми, ўртоқ Усмонов?!

— Тайёрмиз,— жавоб берди Усмонов.— Ҳақ сўзни айтдингиз.

Район ижрония комитетининг раиси кабинетга тўшалган гилам устидан у ёқдан-бу ёққа юарди. У узун стол атрофида ўтирганларнинг орқасида таққа тўхтади-ю, шартта жавоб берди:

— Райондаги мавжуд техниканинг ҳаммасини қирқ кун муддат билан сизларнинг ихтиёрингизга берамиз.

Ўтирганлар унга ўгирилиб қараб ҳайрон бўлиб қолдилар. Ойқиз севинчи ичига сиғмай қарсак чалиб юборди. Султонов стол олдига келди-да, Ойқизнинг қаршисида туриб:

— Автомашиналар, бульдозерлар, тўртта транспортёр берамиз. Аммо экскаваторни... Сабр қилишга тўғри келди, ўн кунлар ичида юборамиз,— деди.

— Майли, розимиз,— деди Иван Никитич,— экскаватор канал қурилиши ва тўгоннинг котлованини қазиш учун зарур. Булоқларни бўлса қўл билан тозалаймиз. Битта кучли транспортёрни Кўкбулоққа қўямиз.

— Хўш, дўстларим, тайёрлик ишлари пухта қилингани, умумий ишларни бошлаб юбориш вақти келгани кў-

риниб турибди.— Жўрабоев салобат билан ўрнидан турди.— Назаримда, Иван Никитичнинг режалари пухта тузилган. Шунинг учун ҳам Олтинсой ерларини суғориш масаласини бугун кечқурун райком бюросида муҳокама қиламиз. Бюро бу ишда сизларга ҳар томонлама ёрдам беришни барча район ташкилотларига топширади. Фақат бир нарсани унутмаслигимиз лозим. Ҳар қандай ишнинг ғалабаси уни тўғри ташкил қилишга боғлиқ. Тўғон қурилиши — энг мураккаб ва қийин иш. Ҳозир ариқ ва булоқларни тозалаш ишларини қизгин бошлаб юборишимиз лозим. Тўғон қурилишига бир неча экскаватор бериб, асосий ишларни шу йил ичида тамом қилсак, уни баҳорда ишга туширмақ имкони туғилади. Шундай қилсак, розимисизлар?

— Тўғри, розимиз!— деган овозлар эшитилди. Усмонов бўлса яна эгилиб, этигининг қўнжини тортиб қўйди.

— Биринчи навбатда суғорилиши мўлжал қилинган ерлар тайёрми?— сўради Жўрабоев.

— Бизнинг колхозимиздаги ерлар тайёр. Бироқ энди бошқа колхозларнинг раҳбарлари ва Иван Никитич билан бамаслаҳат барча режаларни қайтадан кўриб чиқмоғимиз лозим,— деди Ойқиз.

Жўрабоев ялт этиб Ойқизга қаради-да, бошини қимирлатиб, унинг сўзларини маъқуллади:

— Дўстлар,— деди у ўрнидан туриб ва йиғилиш давомида биринчи марта папиросга қўл юборди. Бу мажлиснинг охирлаб бораётгани аломати эди. Жўрабоев одатда йиғилиш давомида сира чекмай, фақат танаффус вақтида ёки йиғилиш тамом бўлгач, чекишга одатланган эди.— Сизларга маълумки, тоғ этакларидаги кўпгина колхозларимиз сувсизликдан пахта экмайдилар. Оқибатда бу хўжаликлар аста-секинлик билан ўсмоқда. Тоғлардаги колхозлар-чи? Улар, асосан, чорвачилик билан шуғулланади. Улар ҳам бизнинг ёрдамимизга муҳтож, яъни водийга, сувли ерларга кўчириб тушишимизни тоқатсизлик билан кутмоқдалар. Сув — ҳаёт демакдир. Сизлар сув келтиришга аҳд қилдингизлар. Энди сув туфайли пахтакор бўласизлар. Сув бахт ва қувонч келтиради. Олтинсойликлар биринчи бўлиб тоғ этакларини суғориш ташаббусни кўтариб чиқдилар. Энди бу ташаббусни кўпгина хўжаликлар қувватлаб чиқишларига ишончимиз комил. Ишларингиз ўнгидан келсин, ўртоқлар! Экиш учун саноқли кунлар қолганлигини унутманг. Нима эксанг, шуни ўрасан, деган мақолни яхши биласизлар-ку!

Қолхозчиларнинг қурилишга оммавий чиқиш кунини ҳамма ҳаяжон билан кутарди. Иш бошланадиган кун арафасида Ойқиз қишлоқ Советида қоқ саҳаргача қолиб кетди. Ҳамма ишни адо қилишга интиларди: қишлоқ Советининг котиби қолдирган қоғозларга имзо чекиш, тун сокинлигида ўзи тузган режаларни қайта-қайта кўздан кечприб чиқиш, қолаверса, кейинги кунлар ичида юз берган шошилишч ишлар ва ташвишлар, қувонч ва ҳаяжон билан урган юрагига озгина бўлса ҳам ором бериш эди.

Йўқ, йўқ, у ҳаддан ташқари ҳаяжонга тушаётганидан нолмасди. Чунки бу ҳаяжон ёш юракнинг энг терап жойларида тўлқин урарди. Шунинг учун ҳам одамлар буни ортиқ пайқамасди. У одатдагидан кўра тинч ва хотиржам кўринарди. Ҳатто, дадаси ҳам, Олимжон ҳам унинг ишчанлиги ва сабр-тоқатига, эпчиллиги ва қобилиятига ҳайрон қолардилару, бироқ қизнинг юрагида нималар кечаётганини билмасдилар. Қурилиш миқёсини кўз олдига келтирар экан, қиз битмас-туганмас севинч-қувонч қанотида парвоз қиларди. Ўзини худди ёшлик чоғларида баланд-баланд тоғларнинг чўққиларига кўтаририлганда, биринчи марта Кўктоғ устидан қадрли Олтинсой жамолига тўйиб-тўйиб боққанда қувончи ичига сиғмай, ҳаяжон билан нафаслари оғзига тикилгандай ҳис қиларди. Мана шундай дақиқаларда у қандайдир фавқуллода афсонавий ишларни адо этгиси, жасорат кўрсатгиси келарди. Гоҳ Архимед сингари таянч нуқтасини топса ерни ағдаргиси келар, гоҳ бир ўзи Фарҳод сингари тошли тоғларни қазишип истарди. Ўзида ана шундай куч ва қудрат сезарди. Баъзи-баъзида шундай кучли ва енгилмас истак ва эҳтирос пайдо бўлардики, чопганича Олимжоннинг олдига боришни, унинг бўйиндан маҳкам қучоқлаб: «Мен сизни жуда севаман», дейишни ихтиёр қиларди.

Бирданига унинг дилида шубҳа пайдо бўлди. У ўз-ўзига: «Уддасидан чиқа оламанми? Кучим етармикан? Ҳамма режаларимиз тўғрмикан? Хато бўлса-чи?.. Агар Қодиров айтгандек, ўзимизни ўзимиз жарга ташлаётган бўлсак-чи...» деганга ўхшаш қатор саволларни берар ва ҳар бирига жавоб қидирарди. Жавоб тополмай хуноб бўладиган ана шундай пайтларда лоп этиб Олимжон эсига тушар ё кўз олдига пайдо бўларди-да, фақат ўша жавоб то-

ниб бериши мумкиндай туюларди. Кунларнинг бирда у тоқати тоқ бўлди-ю, қоронғи тунда Олимжоннинг ҳовли-сига келиб, деразасини қоқди. Қаршисига чиққан Олимжон ҳаяжонга тушди, шоша-пиша сўради:

— Нима бўлди, Ойқиз? Бирор ҳодиса юз бердими?

Ойқиз бошини қуйи солиб турарди. Олимжон эса ҳаяжонини босолмасди. Гимнастёркасининг тугмаларини қадашни ҳам унутиб, нима дейишини билмай турарди.

— Нега индамайсиз, Ойқиз, қандай воқеа юз берди?

— Ҳовлилларнингиздаги булбул бирам ёқпмили сайрай-днки...— деди у Олимжонга тикилиб,— эшитинг, ўзи кичик бўлса ҳам, қанча кучи ва завқи бор-а. Шундай эмасми, эшитинг-а?— У бошини кўтарди, шу пайтда унинг кўзлари қоронғи кечада чақнаб турган юлдузлар сингарини порлаб кетди.

— Келинг, шу ерда озгина ўтирайлик. Юринг, яхши-си, уйга кирайлик, Ойқиз,— деди Олимжон Ойқизни қис-таб, унинг рози бўлишига жудаям ишонқирамай.

— Йўқ, Олимжон ака, вақт алламаҳал бўлиб қолди, кетаман, хафа бўлмайсиз-а? Кечиринг, мени тушунинг...

— Тушунаман, Ойқиз. Ҳаммасига тушунаман, Ойқиз. Ахир, биз коммунистлар-ку, нима бўлганда ҳам чекинмаймиз...

— Раҳмат, жоним, хайр, мен кетдим,— у Олимжоннинг қўлларини маҳкам сиқиб бош чайқаб деди:— Қўйинг, кузатманг. Ёлғиз юришни истайман, тушундингизми? Ёлғиз ўзим, чақнаган юлдузлар жамолига тўйиб, ўй-хаёл сураман.

Олимжон қизнинг юрагида не-не ўй-хаёллар кечаётганини чуқур биларди.

Смирнов қурилиш бошлиғи, Ойқиз эса унинг муовини қилиб тайинланди. Иш бошлаб юбориш учун ҳамма нарса тахт эди. Бригадалар тузилиб, бригадирлар тайинланган, участкалар белгиланган, ҳар бир бригаданинг ишлай-диган жойи, иш ҳажми аниқланган эди. Султонов ваъда қилган тўрт транспортёрдан учтаси иш бошига келтирилган, қолган биттаси ва яна учта экскаватор яқин кунлар ичида Олтинсойда бўлиши кутилди. Ойқиз ҳар қачон оммавий чиқиш устида ўйланиб, режаларини кўздан кечирар экан, транспортёр ҳам, экскаватор ҳам ва бошқа ускуналар тўғрисидаги фикрлар ҳам неча бор унинг миёсига кириб чиқарди.

Ниҳоят, ортага оммавий чиқиш, ҳамма тоғ бағрига

хужум бошлайдиган кун. Эрта саҳарда ҳамма «Қизил юлдуз» колхози идорасининг қаршисидаги кенг майдонда тўпланмоғи лозим.

Ойқиз ярим кечада қишлоқ Совети биносидан ташқарига чиқди-ю, ҳайрон бўлди. Майдонда одамларнинг овози, темир-терсақларнинг жаранглагани, туяларнинг бўқиргани эшитиларди.

«Узоқ-узоқлардаги ҳашарчилар ҳозирданоқ кела бошлашибди»,— дея кўнглидан ўтказаркан, келган одамларни ва улар нима қилишаётганини ҳозир ўз кўзи билан кўргиси келди. Бироқ шу заҳотиёқ бу фикридан қайтди. Тезроқ уйга бориш ва улуг кун олдидан тўйиб-тўйиб ухлашга қарор берди.

У дадасини уйғотиб қўймаслик учун оёқ учида юриб ҳовлига кирди-ю, эшикнинг занжирини солиб, ўз хонасига ўтиб кетди. Бошини ёстиққа қўйиши биланоқ, ширин уйқу уни ўз бағрига тортди.

Ойқиз Кўктоғ чўққиларига тонг шафағи тушган пайтда уйғонди-да, дадасини қайта қайнаб турган самовар олдида кўрди.

— Ассалому алайкум, дадажон,— деди Ойқиз кайфи чоғ ҳолда.

— Ваалайкум ассалом, қизим,— чолнинг меҳри товганиб кетди.— Бунча эрта турмасанг, ҳа-я, дарҳақиқат, катта ташвишлар сенга уйқу берармиди? Қани, бўла қол, самовар қайнаб турипти, нонушта қиламиз. Бойчибарни суғориб, ем бердим. Тезроқ бўл, қизим, майдон аллақачон одамлар билан тўлган, ҳаммаёқда шовқин-сурон.

Ойқиз шоша-пиша нонушта қилиб, Бойчибарни миниб кўчага чиқди. Чиндан ҳам колхоз идораси олдидаги кенг майдон одамлар, машиналар, от-аравалар, туялар билан лиқ тўла эди.

«Қизил юлдуз» колхози идораси пештоқига осилган ва ўртасига олтин суви югуртирилган ўроқ ва болғали қизил байроқ улуг байрамларни эслатиб турарди.

Карнай-сурнай ва чилдирмаларнинг кучли овози одамларнинг шовқин-суронини босиб кетарди. Даврани ёшлар қизитарди. Узоқ-узоқ қишлоқлардан келган йигит ва қизлар музыка садолари остида, қурувчиларнинг қарсақлари ва қий-чувлари ичида бир-бирлари билан мусобақа ўйнар, чаққонлик ва гўзаллик, маҳоратли санъат ва жозибали муқом намуналарини кўрсатиб, ҳаммани қойил қолдирар эдилар.

Ойқиз ёшларнинг шўх ўйинларини бирпасгина томоша қилгиси, ундан завқ олгиси келди-ю, нима қилсинки, вақт тигиз эди. У ирғиб отдан тушиб, Бойчибарни йўл бўйидаги кекса теракка боғлади. Энди колхоз идорасининг айвонига кўтарилганида Олимжонга юзма-юз келди.

— Салом, Ойқиз!— деди у қувонч билан.— Ҳали кун чиқмай нималар бўлаётганини кўрдингизми? Соат ҳали етти ҳам бўлгани йўқ. Ҳатто Қодиров ҳам инсофга кириб бригадамга яна уч киши юборибди. Бу ердаги ишларни қолганлар билан амаллаб турармиз, денти.

Ойқиз уни хушчақчақ ва эпчиллиги бутун вужудида барқ уриб турган ҳолда кўриб, ич-ичидан қувонди.

— Демак, Кўкбулоқнинг кўзларини очар эканмиз-да?— деди у нозик овоз билан. Ойқиз шунча майин гапирдики, Олимжон буни эшитишдан кўра кўпроқ қалби билан ҳис қилди.

— Зарур экан... Сиз буюрсангиз, бутун Кўктоғни бир ўзим қазиб ташлашга тайёрман,— деди Олимжон ҳаяжон ичиди.

Улар бино ичига кирдилар. Қишлоқ Советининг секретари семиз йигит, ёш бўлса-да, стол ёнида ўтириб егини шимарган ҳолда колхозлардан келган ва бригадирлар тузган рўйхатларни қайд қиларди.

— Ҳамма келдимизми?— сўради Ойқиз.

— Ҳозир бир минг саксон киши келган!— жавоб берди котиб,— ҳали «Биринчи Май» колхозидан ҳеч ким келгани йўқ.

— Ҳой йигит, нега ёлғон гапирасан.— Одамлар орасидан йўғон овоз эшитилди. Чеккароқдаги стулдан елкалари кенг ва паҳлавон бир киши кўтарилди. Унинг бошидаги қирғиз телпаги дарров кўзга ташланарди. Бу «Биринчи Май» колхозининг раиси Норматов эди.— Ёз! «Биринчи Май» колхозидан уч юз етмиш олти киши келган,— унинг дўриллаган овози худди Ойқизнинг қулоғи остидан чиққандек бўлди.— Колхозимиз бу қурилишга энг яхши кишиларини юборди. Тушундингми?

Ойқиз Норматовнинг кенг елкасига бир қараб қўйиб, парторгнинг кабинетига кириб кетди. Бу хона одамларга лиқ тўла эди. Парторг хонасига салгина олдинроқ кирган Олимжон Иван Никитич олдига ўтириб, Усмонов бригадаси билан тузилган мусобақа шартномасига имзо че-

гарди. Усмонов, одатдағидек, шу ерда ҳам этигининг қўн-
жини тортишни эздан чиқармади.

— Бугун Кўкбулоқ учун мўлжал қилинган тўртинчи
транспортёр келади,— деди Иван Никитич, Ойқиз билан
саломлашиб,— экскаваторлар муддатидан олдин келади.

— Олимжон ака, демак, бугун бригадангиз тупроқ ва
тошларни елкада кўтариб чиқар экан-да,— деди Ойқиз
ҳазил аралаш.

— Майли, бир-икки кун елкада кўтарсак ҳечқиси
йўқ,— деди Олимжон шўхгина жавоб қайтариб,— транс-
портёр келса, тупроқ-тошни ўзи ташийверади.

Ҳамма майдонга чиқди. Қуёш аллақачон Кўктоғ усти-
га кўтарилиб, оламга заррин нурларини сочарди. Борлиқ
қуёш нури билан ясанган эди.

Энди жўнаш пайти келди. Смирнов, Ойқиз ва Олим-
жон отларига миниб, колоннанинг олдида борардилар.

Карнай овозлари янграрди. Сонсиз-сапоқсиз карнай-
ларнинг кучли садоси тоғларнинг ёнбағирларига тегиб,
ҳар томонга тарқалиб кетар, акс садо берарди. Сурнай-
ларнинг нозик ва ёқимли садолари, чилдирмаларнинг
гумбури карнайларнинг овозига қўшилиб кетарди.

Қип-қизил шоҳи байроқлар колонналар устида, қуёш
нурида товланиб турарди.

Шундай қилиб, колхозчиларнинг бир ярим мингли ар-
мияси «Ура» садолари остида музыка ва қўшиқларни ян-
ратиб, Кўктоғ этакларини штурм қилмоқ учун қўзғалди.

ИККИНЧИ ҚИСМ

Иигирма бешинчи боб

Тог чўққиларидан даҳшат солиб оқиб келаётган кучли шамол Кўктоғ этагидаги тепалик устида қад кўтарган катта чайлага ҳужум қилиб, уни бир зумда жарликка ағдариб ташлагудек бўларди. Гарчи, шамол бир неча кундан буён борган сайин кучайиб, ҳайқириб ҳамла қилсада, тепалик устидаги бу чайла ҳеч нимани назар-писанд қилмай, мустаҳкам қўргондай жойида турарди.

Қурилиш штаби ана шу ерга жойлашган эди.

Ойқиз ирғиб отдан тушди-ю, ичкарига кириб ҳеч кимни тополмади. Ажабо! У ҳамма участкаларни айланиб чиқди. Кўкбулоқ атрофларини кезди, бироқ ҳеч қаердан Олимжонни тополмади. Кеч кириб, сой ичига ғира-шира қоронғилик чўкиб келарди. Қурувчилар ишдан чиқиб, гулханлар ёқиб, овқатланиш тараддудини кўрардилар. Эҳтимол, Олимжон ҳам бирон гулхан атрофида ўтирган-дир.

Ойқиз ўй-хаёлга чўмиб, шу ерда туриб қолди. Бу тепаликдан ҳар қаер-ҳар қаерда чарсиллаб ёниб кўкка бўй чўзаётган гулханларни, алангада кетмонларнинг ярқираб кетишини томоша қилиш (қоронғилик чўкса ҳам зарбдор участкаларда иш қайнар эди), ишини тамом қилаётган машиналарнинг овози ва қурувчиларнинг гурунгини эшитиш, онда-сонда айтилаётган кўшиқларни тинглаш жуда нашъали эди.

«Олимжон акам ҳам эшитаётганмикан қўшиқни?» — кўнглидан ўтказди Ойқиз узоқдан келаётган ёқимли қўшиқ овозига маҳлиё бўлиб.

Олимжонга осон тутиб бўлмас, унинг хафалигида жон бор эди, албатта. Ун икки кундан буён фидокорона меҳнат қилишса-ю, Кўкбулоқдан ҳалигача бирор томчи сув чиқай демаса...

Ойқиз қўлидаги қамчиси билан этигининг қўнжига бир урди-ю, чопганича пастликка тушиб кетди. У ҳозир қўшиқ айтаётганлар олдига, қизлар даврасига бориб қўшилгиси, улар билан биргалашиб ашула айтгиси келар, мана шу кеч оқшомида овозини Олимжон эшитишини истарди. У тўғрига, ёшлигида неча бор юрган ёлғизоёқ йўлга чиқиб олишга интилар, чопишда давом этарди. Фақат олдида одам чиқиб қолгандагина юришини секинлатиб, қоронғиликда оқариб кўринган ёлғизоёқ йўлдан яна чопиб кетарди. У ўзи учун аллақачонлардан бери азиз бўлиб қолган бодом дарахтига яқинлашиб тўхтади, нафасини салгина ростлаб олди, кейин бодом дарахти томон ўрмалаб чиқа бошлади. Ниҳоят, қадрдон дарахтига яқинлашини ҳамано, қандайдир шаргани сезгандай, кимнингдир қорасини кўргандай бўлди. Разм солиб турса, кимдир ўрнидан қўзғалди-да, қиздан узоқлашиб, қоронғилик ичига кириб ғойиб бўлди.

— Олимжон ака! — чақирди у майингина овоз билан. Бироқ ҳеч қандай жавоб бўлмади. — Олимжон ака дейман, нега индамайсиз? Ахир, мен сизни кўриб турибман-ку. Нега мендан яширинасиз? Ёки ёлғиз эмасмисиз?

Ойқиз бир дақиқа жим қолиб, қулоқ солди. Кейин шартта орқасига бурилиб, ёлғизоёқ йўл томон чопиб кетди.

— Тўхтаг, Ойқиз!

Олимжон қизнинг йўлини тўсди. Улар бир неча дақиқа бир-бирларининг кўзларига тикилиб, жим қолдилар.

— Илтимос қиламан, ўзингизни босинг, тинчланинг, — деди Ойқиз унинг икки қўлидан ушлаган ҳолда меҳрибонларча боқиб, — сизга нима бўлди? Бир вақтлар менга, дунёнинг тўрт томони бор, уч томони ёпилганда ҳам бир томони албатта очиқ туради, деган эдингиз. Бу сўзларингиз умр бўйи эсимдан чиқмайди. Менимча, бу сўзлар доно ва мардонавор сўзлар. Шу сўзларга амал қилсангиз яхши бўларди. Эҳтимол, ҳозир сиз учун дунёнинг фақат бир томони ёпилгандир. Эсингизда борми? «Зарур экан... Сиз

буюрсангиз бутун Кўктоғни қазишга тайёрман», деган ким эди? Хўш? Энди нима дейсиз? Буюришим мумкин-а?

— Буюринг!

— Бу бошқа гап. Қани, айтинг-чи бўлмаса, нима учун ёлғиз ўзингиз бу ерларда қочиб юрибсиз? Ахир, бу азиз ва қадрли дарахт фақат сизники эмас-ку.

— Сиз бу дарахтни аллақачонлар унутгансиз, деб ўйлардим.

— Бу дарахтни унутиш...— ўйланиб қолди Ойқиз ва ёнига ўгирилиб, пастликка қулоқ солди,— эшитяпсизми?

— Ҳа...

Колхозимиз қизлари,
Олма-анор юзлари,
Иш-меҳнатдан чиқади
Доим айтган сўзлари.

— Айтаётганлар ким?

— Вой, ўзлари қўшиқлари билан жавоб беришди-ку. Колхозимиз қизлари-да!

Ҳаводаги уч ўрдак,
Учаласи бир ўрдак,
Бизнинг колхоз қизлари
Очилган қизил гулдак.

Олимжон Ойқизга тикилганча қолган эди. Бамисоли ҳозир туш кўраётинти-ю, уйғониб кетишдан чўчиётгандай ҳаяжонини босолмасди. Шундан бўлса керак, гаплари қовушмас, бунинг устига қўшиқ сўзларини яхши эшитолмай қолганидан баттар хижолат тортарди.

— Ойқиз...

— Эшитинг, эшитинг, Олимжон ака...

Ғижимдан рўмолинг бор,
Ой юзингда холинг бор,
Қизларнинг қўшиқчиси,
Сўзларингда болинг бор.

Қўшиқ шу ерга келганда штаб томондан Олимжонни чақирган овоз эшитилди. Буни ҳам Олимжон яхши англай олмади. Қўшиққа маҳлиё бўлган, Олимжон ёнида туриб бирга эшитаётганидан бир олам қувончга тўлган Ойқиз Олимжонга юзланди:

— Юринг, сизни чақириништи...

Қушлар тобора исиб борарди. Тоғ этаклари ҳали ҳам кўм-кўк бўлиб, сариқ ва қизғиш тусдаги бойчечаклар, чучмомалар, қошларига қоп-қора ўсма қўйган лолалар билан ясанган эди. Поёнсиз чўл Қизилқумга туташиб, уфқ-уфқларга боргунча кўм-кўк кўринарди. Чўл табиати турли-туман бўёқларда товланарди. Эрталаб олам зумраддан қуйилгандек ярқираб кўринса, тушга бориб сал-пал туман тушгандек, кечқурун эса ғира-шира бўлади-ю, уфққа қадар кўм-кўк камар таққандек туюлади.

Сой тубида мисранг ва бел, кетмон ва чўкичлар билан меҳнат қилувчи азаматлар жазирама психикни сезмас эдилар. Чунки тоғ шабадаси қизғин меҳнат билан банд бўлган азаматларнинг тер босган яланғоч елкалари ва юзларини силаб-сийпаб ўтарди. Соё бурилиб кетган шу жойда Олимжон бригадаси ишларди.

Шу ерга ўрнатилган қудратли транспортёрнинг кенг ва узун лентаси чарчаш нималигини билмас, гоҳ катта-катта тошларни, гоҳ шағалларни қирғоққа ташиб чиқарарди. Одамлар ҳам фидокорона ишлардилар. Уларнинг баъзилари бир меъёрда бориб келаётган транспортёр лентасига тош ва тупроқ ташласа, баъзилари эса чўкич ва мисранг билан тоғ тешар, қудратли булоқнинг кўзларини очишга уринар, қазиган жойларидан озгина бўлса-да, нам тупроқ ёки нам қум толишга интилардилар.

Шундай қилиб, одамлар ўн етти кеча-кундуздан буён сув қидирадилар, аммо афсонавий булоқ ҳалигача сир бергани йўқ. Ана шу вақт ичида портлатувчилар неча бор енг шимариб ишладилар, сойда уч марта кучли портлаш овозлари гумбурлади. Бироқ бирорта кўздан бирор томчи сув чиқиб кишиларнинг дилига бирор тасалли беролмади.

Ўн етти кеча-кундуз!..

Олимжоннинг юрагида нималар кечяпти?! Энди одамлар нима ўйлар эканлар? Қодиров-чи?.. У нима деб ўйлар экан?..

Учинчи марта портлатилгач, чақир тошлар жинси ичидан шағал чиқди. Қурувчилар жонлашиб кетдилар ва худди дастлабки кунлардаги сингари зўр ғайрат ва жасорат билан тоғ қазий бошладилар. Бироқ кулранг ва қуп-қуруқ шағал қуёш нурида ярқираб, кўзларни қамаштирарди. Ҳаво тобора исирди. Қурувчилар белидаги белбоғларини тез-тез ечадиган ва юзларидан оқиб тушаётган терларни артадиган бўлиб қолдилар.

Айниқса, шамол тўхтаган пайтларда ҳаво жуда димиқиб кетиб, сой тубида ишлаш анча оғирлашарди.

Аммо босмачилар портлатган, кўмиб ташланган Кўкбулоқ шу сой тубида эканлигига ҳамма ишонарди. Лекин бу тоғларни ўз ҳовлисидек яхши биладиган эски чўпонлар ҳам Кўкбулоқнинг ўрнини аниқ кўрсатиб беролмас эдилар. Олимжон Кўкбулоқни ўз кўзи билан кўрган чўпонлар, овчилар, чоллар билан кўп суҳбатлашди. Уларни бошлаб келиб, Кўкбулоқ ўрнини қидирди. Шу кунлар ичида у неча-неча афсоналар ва ҳикоялар эшитди, Кўкбулоқ тахмин қилинган жойларни текшириб кўрди.

Аммо ўн етти кун ичида Олимжон ҳам, унинг бригадаси ҳам қидирув ишининг охирини кўролмасди.

Ҳа, бу ерда ҳам худди фронтдагидек мардлик ва матонат зарур эди. Чунки душман биз эгаллаган истеҳкомларга жон-жаҳди билан ҳамла қилганда, етти ва саккиз марталаб атака қилганда ҳам барибир биз ғалаба қилдик.

Олимжон Ойқиз эсига солган сўзларни қайта-қайта такрор қиларди: оламнинг тўрт томони бор, уч томони ёпилганда ҳам, бир томони албатта очиқ бўлади. Шунинг учун ҳам Олимжон зўр матонат ва қатъият билан қидирув ишида давом қилди.

Шу вақт ичида ҳамма ҳунар ўрганди: бир хиллар транспортёрга юк ортиш ихтисосини эгаллади. Оқибатда, транспортёр ҳам бир меъёردа ишлаб, ортилган тош-тупроқ ҳам қирғоққа чиқарилиб ташланаверди. Яна бировлар эса мисранг ёки бел билан ишлашга мутахассис бўлди. Ишни пухта ташкил қилмоқ учун Олимжон звенолар тузди ва ҳамма қурувчиларни ана шу звеноларга бириктирди. Кунларнинг бирида у Иван Никитичга ҳасрат қилди:

— Мендан геолог чиқмаса керак. Чунки фаҳм-фаросатим етишмайроқ турибди.

Бунга жавобан Иван Никитич Насриддин Афанди латифаларидан ҳикоя қилди. Бир таниши Афанди ҳузурига келиб, депти: «Менга хат ёзиб берсангиз, Бағдоддаги дўстимга юбормоқчиман». Насриддин унга: «Худо ҳаққи, қўйсанг-чи, ҳозир Бағдодга бориб келишга вақтим йўқ», дебди. Шундай дебди-ю, уйдан чиқиб кетибди. Бу сўзлардан таажжубга тушган киши унинг орқасидан ташқари чиқиб, Афандига етиб олгач, дебди: «Афандим, хат ёзиб бериш Бағдодга бориш эмас». Насриддин унга жавоб берибди: «Мен шундай хат ёзаманки, уни ўзимгина ўқий

оламан. Шунинг учун ҳам ёзган хатимни ўзим ўқиб бермасам, унинг маъносига ҳеч ким тушунмайди».

Олимжон хахолаб кулди:

— Гапингизга энди тушундим, Иван Никитич.

— Киноя қилаётганим йўқ. Шунчаки кулдирмоқчи эдим-да.

— Раҳмат. Анча юрагимиз ёришди. Қаранг, Бекбўтанинг ҳам қовоғидан қор ёғяпти...

— Қовоғимдан қор ёғаётгани йўқку-я,— деди Бекбўта.— Ахир ўн етти кундан буён Кўкбулоққа ҳужум қилганимиз. Кўкбулоқ бўлса писанд ҳам қилмайди.— Бекбўта кетмонини бир чеккага қўйиб, устара билан қирилган бошига ўралган ва тер билан шалаббо бўлган қизил белбоғини ечиб, юзидан оқиб тушаётган терларни артиш ва бир зум нафас олиш учун соя жой қидирди. Унинг жангчилик ҳаётини акс эттирган ғайрат тўла чеҳраси энди асабийлашган ва чарчаганлигидан далолат бериб турарди.

Бекбўтанинг сўзлари жавобсиз қолди. У бирдан орқасига ўгирилди ва жимгина ишлаётган дўстларига қараб меҳрибонлик билан деди:

— Бу транспортёр дегани жуда азамат экан-а, дўстлар?! Чарчаш нималгини билмайди-я!.. Чой ҳам демайди, овқат ҳам сўрамайди. Юқорига қараб тортгани-тортган. Мана, ўттиз киши унинг хизматидамиз, шундайм зўрға-зўрға улгурамиз-а. Бир ўзи ҳаммамизни чарчатяпти. Бунга нима дейсан, Суванқул? Нега овозинг чиқмайди?

Суванқулнинг қовоғидан қор ёғилиб, Бекбўтага қайрилиб ҳам боқмади, сўзларини ҳам жавобсиз қолдирди. У кетмонини зарб ва эпчиллик билан ерга урар, тош аралаш тупроқни транспортёр лентасига ташларди.

— Ҳа, Суванқул, мадордан кетдинг шекилли-а?— деди Бекбўта ҳазилини қўймай.— Нафасинг чиқмай қолди.

Суванқулнинг ўнг томонида ғайрат билан ишлаётган ва катта-катта тошларни қўли билан кўтариб транспортёр лентасига авайлабгина қўяётган ёш йигит Бекбўтанинг ҳазилини қувватлаб, гапга аралашди:

— Фикримча, ишимиз қизиб кетган шу кунларда қўшим Суванқул ака оғзим бўш қолмасин деб, эрталабданоқ қатиқ увитганга ўхшайдилар.

Суванқул мазахга тоқат қилолмади.

— Тегирмон тошининг овозини эшитсам ҳам, ундан дарак йўқ,— деди у қовоғини уйиб.

Йигит Суванқулнинг юзига термилган ҳолда тааж-жубланди.

Урнига Бекбўта жавоб берди:

— Эй, Суванқул, бекор гапларни айтдинг, оғайним. Чунки бу йигитнинг тили ўткирлиги тўғри-ю, бироқ сидқидил билан ишлайпти. Меҳнат кунини тили билан эмас, қўл билан тояпти. Агар тинканг қуриган бўлса дам ол, оғайни, сенинг учун ҳам ўзим ишлайман, юкингни енгил қиламан. Ҳа, яъни иккаламиз учун ҳам ўзим ишлайвераман, оғайни. Аммо ҳазилсиз ҳаёт зерикарли бўлади.

— Оҳо, бунчалик паҳлавонсан,— деди Суванқул кетмонининг дастасига суянган ҳолда киноя қилиб,— сенга қолса Кўкбулоқни ҳам бир ўзим қазий дейсан-да, а? Ҳа, шундай, маҳмадоналар ҳаммаси паҳлавон бўлади. Сендай зўр паҳлавонимиз борлигидан-да, ярим ойдан бери тер тукамизу бир томчи ҳам сув чиқаролмаяпмиз.

Бу сўзлар Бекбўтанинг гашига тегдими ёки яхшироқ жавоб тополмадими, қовоғини солиб, кетмонини олиб, қизғин ишга киришиб кетди.

Суванқулнинг таънасини Олимжон ҳам эшитди. Шу пайтда у қўлида мисранг кўтарган ҳолда ҳазилкаш дўстларнинг олдидан ўтиб борарди.

«Мана энди бизнинг муваффақиятсизлигимиз элнинг оғзига тушипти,— деди у ўзича хафаланиб.— Ҳа. Дарҳақиқат, дарҳақиқат, бу сўзни кимдир қайта-қайта такрор қилишга ўрганиб қолган. Ким? Ҳа. Умурзоқ ота эди шекилли, ҳа, ўша, ўшанинг ўзгинаси. Ҳа, ҳа, бошқа участкаларда ҳар кетмон урилган жойдан сув чиқяпти, биз бўлсак тоғни ағдарсак ҳам, барибир фойда йўқ».

— Дўстлар, қулоқ беринг,— деди у қаттиқ овоз билан ўз фикрини бўлиб,— дунёнинг тўрт томони бор, унинг уч томони ёпиқ бўлса ҳам, бир томони албатта очиқ бўлади!

У қўлидаги мисрангни зарб билан ерга урган эди, тошларнинг ёригига шунчалик чуқур кириб кетдики, анча вақт уриниб мисрангни чиқаролмай овора бўлди.

«Бу ҳақиқат,— деди у яна ўзича, тошларни ағдариб,— дунёнинг бир томони албатта очиқ бўлади. Демак, ҳеч қачон умидсизланиш ярамайди. Сув шу ернинг ўзида, албатта чиқади. Фақат бригада ишонса бас, ишонса бўлади. Яна ва яна тиришмоқ зарур».

Олимжон ҳаминча ўзича такрор қилиб юрган биргина жумлани энди бригада аъзоларига ҳам очиқ-ойдин баён

қилди. Бу жумла ҳаммага зўр таъсир кўрсатди. Энди темир асбоб-ускуналарнинг жаранги, тош ва шағалнинг шақир-шуқури чиндан ҳам зўрайиб, одамлар тағин ҳам зўр ғайрат ва шижоат билан ишлай бошладилар, яқинлашиб келаётган ғалабага янада ишонч ҳосил қилдилар.

Бироқ Олимжон ҳамон хаёл сурарди: «Бошқа бригадалар ҳар куни янгидан-янги булоқлар очилганидан рапорт берсалар, мен ҳар куни қазилган тош ва тупроқнинг кубометри тўғрисида ахборот бераман. Уят! Одамларга қарашга юзим шувут. Иш шундай кетаверса нима бўлади? Шармандалик! Йўқ! Белни бундан ҳам маҳкамроқ боғлашимиз керак. Кучларимиз етарли, фақат зўр бериш... албатта, зўр бериш зарур...»

Шундай қилиб, у бор кучи билан ишга шўнғиб кетди. Шу кундан бошлаб бригадада янги тартиб-интизом ўрнатилди. Ҳеч ким уйига кетмайдиган бўлди. Оқибатда, бригадага хатлар кела бошлади. Бир вақтлар Ойқизнинг «сояси» бўлиб юрган Меҳри энди колхоз правлениясининг котиби бўлиб ишлар ва ҳар куни тоғда ишловчиларга хат-хабар, газета, журналлар олиб келарди.

Олимжон қурилиш бошланган биринчи кунлардавоқ Қодировдан узлуксиз хат олиб турарди. Раис экскаваторлар келганидан, қурилиш бошлиғи битта зарбдор бригадани тўғон қурилишига, иккинчи бригадани канал қурилишига қўйганидан ва тўғондан бошланган канал колхозларнинг экинзорларига қараб қурилишидан (гўё Олимжон бу ишлардан хабарсиздай) хабар қиларди. Қодиров хабарларни ёзиб, «хўш, бригаданга ишлар қалай, қидирган хазинангни топдингми?..» дея сўраётгандек бўларди. Сўнг Қодиров дарҳол шикоятга ўтарди: «Ишга тажриба кўзи билан қараганда, айти пайтда менга қийин бўлди. Қўлидан иш келадиган ҳамма азаматлар тоғда, сизларнинг олдингизда, менинг олдимда эса чоллар ва ёш болаларгина қолган, холос. Улар билан ҳам тил топиш қийин». Олимжон илжайиб қўйиб, бошқа хатни олди. Трактор бригадасининг бошлиғи Погонин севинч билан хабар қиларди: «Иккита янги трактор олдиқ, қудратидан қўриқлар титрайди! Энди бизга юлғун ҳам, ковул ҳам писанд эмас. Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириб, унга пахта экишимиз мумкин. Фақат Кўкбулоқни тезроқ тозаланг, канал қазинг, кўпроқ сув беринг, биз бўлсак, бу ерда қаттиқ ҳаракатдамыз».

Бундай хабарлар Олимжонни қанчалик хурсанд қилса, шунчалик хафа ҳам қиларди.

«Погодинга нима деб ёзсам экан?— деб сўради у ўз-ўзидан,— қанча шағал ва тупроқ қазилганини ёзайми?..»

У яна мисранг ёки чўкичга ёпишар, жон-жаҳди билан ерга урарди, чарчаш нималигини билмай, ғайрат билан ишлар: юзидан мунчоқ-мунчоқ бўлиб оқаётган ва кўзларига тушиб ачштираётган терларни ҳам артишга фурсат тополмасди. Ҳамма бригада бошлиғидан ибрат олар ва қизгин меҳнат билан банд эди.

— Қани, ўзларинг айтинглари-чи, ҳар бирингизнинг Фарҳоддан нима камлик жойингиз бор?— деган овоз эшитилди тепалик устидан,— ҳорманг, дўстлар, ишларингиз юришиб кетганини кўриб турибман.

Тепалик устида брезент шапка кийган қурилиш бошлиғи турарди. Унинг юзлари офтобда қорайиб кетган, ўзи жуда хурсанд эди. Хурсандчилигидан пастга сакраб тушишга ҳозирланаётгандек кўринарди.

— Бор бўлинг, Иван Никитич,— ҳаммадан олдин унга Бекбўта жавоб қилди.— Ишимиз кеча қандай бўлса, бугун ҳам шундай, ўзгариш йўқ. Қаерга чўкич урсанг, тош ва тупроқ чиқади. Сувдан дарак йўқ. Аммо ҳар бир қўшиқнинг охири бўлганидек, ишимизнинг ҳам натижаси бўлар. Кўкбулоқ қайнаб чиқади, албатта, қайнаб чиқади, ўзингиз ҳам кўрарсиз...

Олимжон пастдан юқорига, инженерга тикилган ҳолда жимгина турар ва нимадандир хавотир олиб, бошлиқнинг оғзини пойларди. Иван Никитич қўлидаги тошни сой тубига отди-ю, орқасидан қўлларини ёзиб, ўзи ҳам сакраб тушди.

— Хей-хей!..— инженернинг тошдай пастга отилганини кўриб, ич-ичидан кўрқиб кетди Суванқул ва овози борича қичқириб юборди. Суванқулнинг ёнида ишлаётган йигитча бўлса кўрққанидан томоғи қуриб қолди. У инженерни ушлаб қоламан дея югурган эди, бироқ улгура олмади. Инженер аллақачон эсон-омон ерга тушиб, брезент шапкаси билан эғни ва тиззасидаги чангларини қоқарди.

— Ҳой, Иван Никитич,— деди Суванқул бош чайқаб,— бирор фалокат юз бериши мумкин-а, тепаликка қаранг, тўрт метрча келар.

— Ўрганиб кетганман машқ қилавериб, Суванқул, ўрганиб кетганман,— деди у ҳамон чангларини қоқаркан, кулги аралаш.

— Ҳамма сенга ўхшаганми, Суванқул,— деди Бекбўта киноя билан,— Иван Никитич инженер, таниқли ирригатор, ўз умрида кўпни кўрган одам. Ахир, йигирма беш йилдан буён ер суғоради. Фронтни айтмайсанми! Бу тоғлар нима... Иван Никитич бу тоғлардан худди архардек сакрайди. Иван Никитич сенга ўхшаш танбалларга ўзи намуна кўрсатиб таълим беради. Эсингдан чиқмасин бу сўзлар, огайни!

Бекбўта ўз сўзларидан мамнун бўлиб кафтига туфлади-да, кетмонни қўлга олди.

Иван Никитич Олимжон билан участка атрофида юрардилар. Бу ерлар портлатишдан пайдо бўлган тош ва тупроқларга тўла эди. Бироқ шундан кейин ҳам сувдан нишона кўринмасди. У ер-бу ерида ёриқлари сезилиб турган балад тош девор тозаланган сой тубидан яққол кўриниб турарди.

Смирнов билан Олимжон одамлар ишлаётган жойда ўтириб, бир-бирига қарама-қарши чиқиб турган харсангни синчиклаб кўздан кечирдилар. Улар папирос тутатиб, маънос ўтирардилар.

— Тўғрисини айтсам, Кўкбулоқдан сув чиққанини сира кўрган эмасман. Қаердан сув чиққанини ҳам аниқ кўрсатиб беролмайман,— деди Смирнов қовоғини уйиб, харсангдан кўз узмай.— Булоқ кўзлари мана шу ерда бўлса ажаб эмас, кўрдингми?— Иван Никитич сойнинг ичига суқилиб кирган тоғ жинсларини кўрсатди қўли билан,— мен бу ердаги ҳамма хилватгоҳларни кезиб чиққанман, ҳар бир тош менга таниш. Чамамда, сув чиқадиган жой мана шу ер бўлса ажаб эмас. Биз тозалайдиган булоқларнинг ҳам боши шу ернинг ўзида бўлса керак. Менинг фикримча, шундай. Мана шу жойларда ер ости денгизни бўлиши аҳтимолдан узоқ эмас. Кўкбулоқнинг боши ҳам ана шу денгиздан бошланса ажабмас. Мана шу сув йўлини топиш — сенинг зиммангда.

— Вазифа равишанку-я, бироқ уни қандай қилиб ҳал қилса бўлади?— сўради Олимжон қуриб қолган лабларини сал-пал қимирлатиб. Иван Никитич унга қаради.

— Агар Кўкбулоқдан нишона кўринмаса, яна бир марта портлатамиз. Бироқ бу жуда қалтис иш. Мана шу харсанг деворни портлатиб сувга йўл очиш ҳам мумкин, шу билан бирга яқинлашиб қолган сув йўлини кўмиб ташлашимиз ҳам мумкин. Яхшиси, портлатмасдан сувга етишимиз керак.

— Мен бошқача деб ўйлаётиман, Иван Никитич, шундай ҳам бўлиши мумкин,— деди Олимжон ўй-хаёлга чўмиб, аллақачон ўчиб қолган папиросга тикилган ҳолда.

— Қандай?

— Босмачилар Кўкбулоқни портлатганда тоғ жинслари силжиб, барча сув йўлларини бутунлай барбод қилган бўлса керак.

Иван Никитич ўрнидан турди, кулранг тош деворларни диққат билан кўздан кечириб, кафти билан сийпалаб, жавоб берди:

— Йўқ, дўстим, бу ерда тоғ жинслари силжимаган. Бунинг учун босмачилар мана шу тош деворни, мана шу харсанглارни портлатишлари лозим эди. Кўриб турибсанки, тош девор, қатта харсанглар минг-минг йиллардан бери қандай турган бўлса, ҳозир ҳам шундай турипти. Демак, сув чиққан кўзлар шу ерга яқин. Сен тўппа-тўғри шу кўзлар томон боряпсан.

Иван Никитичнинг самимий сўзлари Олимжонга далда берди.

— Пастдаги участкаларда иш қандай борапти?— сўради у чиройи очилиб, қўллари билан водийни кўрсатаркан,— сўраб билмасак, ўзингиз айтмайсиз ҳам. Тўғон қурилиши қандай борапти? Анча кўтарилиб қолгандир?

— Яқинда кўтарилади. Котлован қазिश тугалланди. Тўғон қурилишида ҳам, канал қурилишида ҳам ишлар пухта, дўстим. Ойқизнинг айтишига қараганда, Умурзоқ ота бошлиқ чоллар бригадаси Қултепанинг ўнг томонидаги қўриқ ерларни очаётган эмиш. Албатта, сув келиши биланоқ биринчи навбатда ўша ерлар суғорилади.

— Эҳ, Иван Никитич, ажойиб ишлар!— Олимжон қувонч билан бир қўлини мушт қилиб иккинчи қўлининг кафтига урди,— сув бўлса эди...

— Сув бўлади!— деди Иван Никитич,— яхши ният ёрти мол, деганлар. Ишонч дегани ҳам ғалабанинг ярми дегани. Ўзинг фронтда бўлгансан, бу ҳақиқатни мендан кўра яхшироқ биласан.

— Раҳмат сизга, Иван Никитич.— Олимжон маъюс жавоб берди.— Яхши ниятларингиз ва самимий сўзларингиз учун раҳмат! Менда ҳам ишонч бору, аммо сувдан дарак бўлавермаганидан кейин...

Смирнов жавоб бериш ўрнига Суванқулга яқинлашди ва унинг елкасига қўлини қўйиб сўради:

— Суванқул, Кўкбулоқни очамизми, йўқми? Сен нима деб ўйлайсан?

— Очмасдан колхозга қайтмаймиз, Иван Никитич,— деди Суванқул баланд овоз билан. У яна нимадир демоқчи эди-ю, бироқ ҳозиргина у билан тортишган, тили ўткир, гапга чечан қўшниси унинг сўзларини оғзидан юлиб олди:

— Арслоннинг изига тушдикми, бас, орқага қайтиш йўқ. Ўғил бола гап шу!

— Ҳақиқатан ҳам арслоннинг изига тушдик. Энди сира ҳам орқага чекинолмаймиз. Ваъда бердикми, енг шимариб ишга киришдикми?.. Икки қўлимизни бурнимизга тикиб қишлоққа кириб боролмаймиз-ку,— деди Бекбўта шошиб-шошиб гапириб.

— Менимча, ишнинг қоқ киндигидан олгансизлар,— деди Иван Никитич.

— Ҳақ гап,— деди Бекбўта унинг сўзларини маъқуллаб,— ишнинг киндиги Кўкбулоқ. Оз ўтмай, унинг сувлари юзага чиқиб, далаларимизга оқади.

Одамларнинг юзларидаги табассум Бекбўтанинг сўзларини маъқуллаб турарди. Уларга қўшилиб Иван Никитич ҳам самимий кулди. Сўнгра у шамол учуриб кетмаслиги учун брезент шапкасини босиброқ кийди-да, одамларга мурожаат қилди:

— Дўстлар, хайр энди, борай. Сизларга муваффақият тилайман. Қишлоққа қайтганларингда бутун водий халқига: «Смирно, Кўкбулоқ баҳодирлари келяпти», деб команда бераман.

У олдидан худди ғолиблар ўтаётгандек қўлини чаккасига қўйиб салом берди-да, кулги аралаш шахдам одим ташлаб кетди.

Йигирма олтинчи боб

Ниҳоят, ўн еттинчи кун деганда умид ва ишонч пайдо бўлди. Қазилган жойдан анча нам сариқ тупроқ чиқди. У ариқларнинг тубидаги силлиқ шағалга аралаштириб қўйилгандек қаттиқ эди. Бу ер тоғ жинсларидан дарҳол тозаланди. Энди ерга урилган кетмон одатдагидек жаранглаб, пешонага сапчимас эди. Бироқ ҳали ҳам қум кўринмасди. Бундан чиқди, булоқнинг кўзлари бу ерда эмас, бошқа ерда экан. Эҳтимол, салгина наридадир, Кўкбулоқ ҳам наридадир, унинг юзлаб кўзларидан қайнаб чиққан зилол сув мана шу ерлардан оққандир.

Олимжон ўз фикрига ўзи қаттиқ ишонди-да, етти кишини транспортёр лентаси олдида қолдирди, бошқаларни звено-звенога ажратиб иш участкаларига бйр-китди.

Кеч кириб борарди. Кўёш чўққилар орқасига ўтиб кетиши билан сой ичига салқин ҳам тушди. Ҳаммаёқ жимиб қолгандек эди. Фақат ерга урилган кетмон ва чўкичларнинг овозигина эшитиларди, холос.

Шу пайт зўр иштиёқ билан кетмон ураётган Олимжоннинг юрагида нималар бўлаётганини ҳис қилиш қийин эмас эди. У ерни ковлаб, тупроғини қирғоққа иргитар, Бекбўта бўлса бу тупроқларни бир меъёрда транспортёр лентасига ташлаб турарди. Оз ўтмай, Олимжон ишлаётган жой анча чуқурлашди. Энди у белгача қудуқ ичида кетмон чопарди.

— Бригадир, жойимизни алмаштирак бўларди,— деди Бекбўта ниҳоят қадини ростлаб.

Олимжон унинг гапини жавобсиз қолдирди. Кўтарган кетмони шу пайт боши устида қотиб қолди. Ерга тикилган Олимжон бир зум турди-да, сўнгра кетмонни астагина қирғоққа қўйиб, қудуқ ичини қўли билан ковлай бошлади.

— Нима чиқди, бригадир?— сўради Бекбўта бетоқат бўлиб.

Олимжон унга ўгирилди-да, қўлидаги сарғиш ва қалин сопол синиғини кўрсатди.

Бекбўта ирғиб пахта тушди.

— Нима бу?..

— Кўза.

— Кўза?!

— Ҳа, кўрмаяпсанми? Кўза. Мана болдоғи, мана бўйни, таги...

— Тўғри, тўғри. Буни қара-я?!

— Биласанми, бу нима деган гап?

— Биладан,— деди Бекбўта шивирлагандай, сопол синиқларини тозалаб, бйр жойга ййғаркан,— эҳтимол...

— Нима?— деди Олимжон унинг сўзини оғзидан олиб,— ҳеч қанақа эҳтимоли йўқ. Кўзалиги равшан. Кимдир булоқ бўйида қолдиргану портлаш вақтида кўза синиб, тупроқлар остида қолиб кетган. Демак...— у хурсанд бўлиб, савол маъносида Бекбўтага тикилиб қолди.

— Демак, сув яқин... Демак, топилди деган гапми?..

Ҳаяжон билан айтилган бу сўзларни эшитган Суванкул чопиб келди.

— Топдиларингизми?— сўради у қудуқ ичига тикилиб.— Нега индамайсизлар?— У овозининг борича бақириб юборди, баланд овози бутун сойга тарқалди:— Ҳей-ҳей! Бу ёққа келинглар, бу ёққа! Тезроқ, тезроқ! Булоқни топдик!

Ҳамма қудуқ бўйига йиғилди. Ҳамон иш қизғин эди. Ун етти кун ичида ҳеч ким ҳеч вақт ҳозиргидай ғайрат ва жадаллик билан ишламаганди. Ана шу ҳаяжонли дамларда ўзида мисли кўрилмаган куч ва қувват сезмаган, қалби умид ва севинчларга тўлмаган ҳеч кимса йўқ эди.

— Ҳаммамиз ҳам Кўкбулоқ сувидан қониб-қониб ичганга ўхшаймиз-а,— деди тиниб-тинчиманган Бекбўта. Бироқ унга ҳеч ким жавоб бермади.

Ҳамма қизғин иш билан банд. Транспортёр лентаси тўхтовсиз бориб келар, қудуқдан олинган тупроқни юқорига олиб чиқар, тупроқнинг кўнлигидан транспортёр лентаси ғирчиллар эди.

Ер қазувчилар яна бир қават булоқ тошлари ва донадона қумларга дуч келдилар. Бу эса булоқнинг белгиси, топилганидан дарак берарди. Энди ғалаба яқин эканлигига ҳеч ким шубҳа қилмасди. Ҳамма фидокорона меҳнат қувончли натижалар беришига ва ниҳоят, шу ерда қавариб чиққан қўллар ҳамда қора терга ботган юзлар Кўкбулоқнинг зилол сувлари билан ювилишига қаттиқ ишонарди.

Ниҳоят, транспортёр сой тубидан қазилган тупроқнинг сўнгги кубометрларини чиқариб бўлди. Одамлар ўзларини мисли кўрилмаган даражада энгил сезардилар. Орага сукунат чўккан, ҳамма чуқурликка тикилганди. Қудуқнинг ичи шағал ва қумлардан аллақачон тозаланган бўлса ҳам, қуп-қуруқ эди.

— Бу нима? Нима бўлиши мумкин?

Олимжон одамларнинг безовта бўлаётганларини пайқаб, тушунтиришга ва юпатишга интилди:

— Кўкбулоқ тош ва қумлар остидан сизиб чиқмаган, балки мана шу харсанг ичидан қайнаб чиққан,— қўли билан кулранг тошларни кўрсатди,— бу харсангтошлар девори кўп жойидан ёрилиб ғалвир-ғалвир бўлиб кетган. Мана, диққат билан қаранглр-а, қуёшнинг тафти ҳам,

шамолнинг жаҳли ҳам, совуқнинг забти ҳам, ёмғирларнинг ҳужуми ҳам минг йиллар мобайнида ана шу тош деворларга ҳамла қилгану ғолиб келолмаган, шундай эмасми?

Колхозчилар бригадирнинг сўзларини жим туриб тинглардилар.

— Ҳатто портлатиш ҳам бу тош деворларни буза олмаган, — деди Олимжон сўзида давом қилиб. — Босмачилар сув чиқадиган кўзларини тош ва тупроқ билан беркитиб ташлаганлар. Ана шу тош ва тупроқлар узоқ вақт зичланиб ётиб тошга, харсангтошлар жинсига қўшилиб кетган. Қани, Бекбўта, чўкични бер-чи!

Олимжон чўкич билан кенг ёриқнинг ичинни теша бошлади. Ёриқ орасидан қандайдир тиканакли бута кўкитир бўлиб кўзга ташланарди.

— Шу ёриқнинг ўзи Кўкбулоқ бўлса-я!.. — деди Суванқул чўкичнинг тўқиллаган овозига қўшилиб.

Бутун бригада ишнинг боришини қувонч ва ҳаяжон билан кузатарди. Аллақачон чарчаган, терга ботган, чангтўзон қўнган юз-кўзлар диққат билан чуқур ичига тикилиб турарди. Чўкич урилган ҳар бир дақиқада узоқ вақтлардан буён кутилган сув қайнаб чиқаётгандай туюларди, ҳар бир урилган чўкич охиригидай бўлиб кўринарди. Яна бир зум... Яна бир чўкич... Яна бир марта... Эҳтимол, ана шуниси охириги бўлса... сўнгра булоқ сувлари қайнаб чиқади-ю, водийларга чопади, ҳосилдор ерларни суғоради...

Бироқ сувдан дарак йўқ эди!

Колхозчиларнинг юраклари ҳам қўнғироққа ўхшаб қолди, энди ҳар дақиқада бу юраклар тош деворларга уриларди. Дук... дук... дук... ҳозир урилган чўкич мақомида одамларнинг томир уришларини ҳам ўлчаш мумкин эди. Бир, икки, уч, тўрт...

Олимжон пастки лабини тишлаган ҳолда, ҳамон тош деворлар, харсангтошларнинг ёриғига чўкич билан урарди. Харсангтош ўртасидаги ёриқ жуда ғалати бўлиб, тошнинг юқорисига ҳам чиқмас, пастига ҳам тушмасди. Қулранг тош ўртасида қорайибгина кўриниб турарди. Бироқ ёриқ юқорига чиққан сари торайиб борар, пастга тушган сари кенгаяр, Суванқул сингари паҳлавоннинг елкаси сиғадиган даражада бўлиб, Олимжон худди шу ерни қазирди.

Олимжон чўкич билан қизғиш ва ялтироқ тошларни майдалаб, қўлига олди, диққат билан кўздан кечириб,

чўкич урилган жойларини кафти билан сийпалаб кўрди:

— Кўкбулоқ мана шу ерда!— деди у чарчаган гавдаси билан орқага ўгирилиб.

Бекбўтачинг тоқати тоқ бўлди. У Олимжоннинг қўлидан чўкични олиб, унинг ўрнига ўтди.

Олимжон тош устига ўтириб, юзларини силади. Энди у ўйинга гушиши, севинч-қувонч билан ўйинга тушиши ҳам мумкин эди. Ҳамма билсин, сув яқинлигини ҳамма билсин. Бу зўр бахт, бахт қувончи билан ирғиб-ирғиб, сакраб-сакраб ўйнаш мумкин-ку. Аммо чарчаш, мадордан кетиш... Фақат шугина имкон бермаяптимикин?.. Балки бошқа сабаб бордир. Юрагини ғаш қилаётган шубҳа халақит бераётгандир. Ке, иқрор бўл, Олимжон, иқрор бўл. Юрагинини ана шу шубҳа тимдаламаса, тош устида тинчгина ўтирармидинг?

У одамларга аланглаб қаради-ю, ҳайрон бўлиб, деди:

— Кеч бўлиб қолдимиз? Қоронги чўкаётганини ҳам сезмай қолибман. Демак, бу кун ҳам ўтди. Ҳамон сувдан дарак йўқ!..

— Олимжон ака! Ҳой Олимжон ака!— сойнинг нариги томонидан чақирган овоз эшитилди. У колхоз правлениесивинг котиби — Меҳрининг овози эканлигини дарҳол таниди ва ўтирган жойидан туриб, қўлини оғзига қўйиб жавоб берди.

— Ҳа!.. Нима ишинг бор?

Кичкина Меҳри сой ичида худди соядек кўринарди. Катта харсанг ёнидан ўтиб келаркан, жажжигина қизча пилдираб келаётганга ўхшарди.

— Хўш, Меҳри, нима гап?— сўради Олимжон қичқириб.

— Тезроқ мажлисга боринг. Фақат сизни кутишяптилар,— сой ичида Меҳрининг ингичка овози жаранглаб эшитилди-ю, бир зумда ғойиб бўлди.

Чиндан ҳам, ишни тамом қилиш вақти бўлди. Бошқа участкалардаги одамлар аллақачон дастурхон атрофида ўтиришгандир.

— Бўлди, тамом қилинглар, оғайнилар!— деди Олимжон.— Бугунги иш ўта қизгин бўлди. Энди дам олинглар.

У ғира-ширада сой бўйлаб, катта харсангтошлар ичидан ўтиб борарди. Эрталаб шу тошлардан бирига камари билан гимнастёркасини ечиб қолдирган эди.

Олимжон чайлага чиқаётганида кеч кириб қоронғилик чўккав, зилол осмонда катта ва ярқироқ юлдузлар чақнаб турарди. Бу тоғларнинг осмони жуда паст, одамнинг боши устида осилиб тургандек эди. Ҳамма ёнбағирлар ва сойларда гулхан ёниб, алангаси барала кўриниб турар, гулхан олдида юрган одамларнинг қораси кўзга ташланарди. У ёқдан-бу ёққа ўтиб юрганлар аланга ёруғида гоҳ кичкина, гоҳ ҳаддан ташқари катта, қўпол бўлиб кўринарди.

«Минг йиллардан бери бу тоғлар тошдай қаттиқ уйқуда эди. Уларни уйғотиш ҳеч кимнинг фикрига ҳам келмаган эди,— дея кўнглидан кечирди Олимжон чайлага яқинлашганда,— мана энди биз, совет кишилари сув чиқарамиз деб уни уйғотдик... Хўш, чайлада, стол атрофида ўтирганлар ким? Иван Никитич, Ойқиз... уларнинг ўртасида ўтирган ким бўлди? Ҳа, ҳа, райком секретари, эҳтимол, мени кутаётгандирлар».

Чайла олдида, стол ёнида кўм-кўк ўтлар устида мажлисга келганлар ўтирар эди. Олимжон кеч қолганидан ич-ичидан хижолат бўлиб, ўзини койий бошлади. У куттириб қўйган кишиларни сира-сира ёқтирмас, келганини сездирмаслик учун ҳамманинг орқасига, ўт устига ўтирмақчи эди, бироқ олдиндагилар дарров пайқаб қолиб, орқаларига ўгирилиб, қочприқ билан ҳазил қила бошлади:

— Хўш, бригадир, қани, айт-чи, Кўкбулоқда нималар бўляпти ўзи? Эшитишимизга қараганда, сен арслоннинг изига тушган эмишсан, шундайми? Эҳтимол, ҳашарчига муҳтождирсан?

— Ҳа, оғайнилар. Ҳеч вақт гўрани узум деб бўладими?

— У довярак йигит, довярақлар тошдан нон пиширади. Шошмай туринглар ҳали.

— Олимжон, яхшироқ эшитганинг маъқул, оғайним. Қулоғингни ерга қўйгин-да, қунт билан эшит. Қаерда сув қулқулласа, ўша ерни қазийвер. Албатта, сув чиқади.

— Олимжон сувнинг қулқуллашини қаердан билсин. Партия ташкилотимизнинг секретари ичмайдиган одам бўлса... Бобожон, асли Кўкбулоққа ўзинг борсанг яхши бўларди-да!.. Сувнинг қаерда ва қандай қулқуллашини билишга устаси фарангсан-ку!..

Қаттиқ ва беғараз кулги кўтарилди. Жўрабоев, Ойқиз, Иван Никитичлар бошларини кўтариб орқа томонга, қоронғиликка қараб қотиб-қотиб кулишдилар, кейин ўзаро алланималар дея шивирлашди. Стол устида ёниб турган чироқнинг нури атрофни жуда хира ёритарди. Шунинг учун ҳам мажлисга келганларнинг юзлари зўрға кўзга ташланарди.

Иван Никитич ўрнидан турди-ю, қаттиқ овоз билан гапирди:

— Ўртоқлар, мажлисни очамиз. Таклиф этилган ўртоқларнинг ҳаммаси келди. Ҳозир район партия комитетининг секретари ўртоқ Жўрабоевнинг ахборотини эшитамиз.

— Қадрли дўстлар!— деди Жўрабоев ўрнидан туриб.— Мен сизларга хушxabар келтирдим. Ҳа, қувончли хабар. Яқинда республика партия ва ҳукуматимизга Олтинсой ерларини ўзлаштираётганимиз, қандай қилиб сув топишимиз тўғрисида хабар қилиб, барча илтимосларимизни камтарингина қилиб ёзган, анча-мунча ёрдамлар сўраган эдик. Бироқ катта ташаббус бошлаганимизга ўзимиз ҳам етарли баҳо беролмаган эканмиз. Партия ва ҳукуматимиз бу ишнинг ниҳоятда муҳим эканлигини кўрсатиш билан бирга зўр ғамхўрлик қилдилар. Энди биз тоғ этакларини биринчи бўлиб очмоқдамиз, Қизилқумга ҳам биринчи бўлиб ҳужум бошлаймиз. Тушундиларингизми? Шундай қилиб, илтимосларимизда кўрсатилганидан ҳам анча кўп маблағ ва техника юборганлар.

Жўрабоев гимнастёркасининг кўкрак чўнтагидан тўрт букланган қоғоз олди-да, уни авайлабгина очди. Одамлар жим ўтирардилар. Ана шу жимликда қоғознинг шилдираши ҳам яққол эшитилиб турарди.

Бирданига тоғ чўққиларига қандайдир бир қизнинг янғроқ овози тарқалди.

— Вой, раҳмат! Одамлар, нега жим турибсизлар! Ўртоқ Жўрабоев, раҳмат!

Бу овоз ҳаммани оёққа турғизди. Одамлар қувончларини чига сиғмай бир-бирларини қучоқлар, қарсақ чалиб қичқирай эдилар.

— Жонажон партиямиз яшасин!

— Ҳукуматимизга шон ва шарафлар бўлсин!

Олимжон қандай қилиб президиум столи олдига бориб қолганини сезмай қолди, ҳаяжон ичида Жўрабоевга қўлини бериб, деди:

— Уртоқ Жўрабоев, сизга ҳам чин кўнгилдан раҳмат.

— Бу сўзлар сизга тааллуқли. Ахир, ташаббус кўтарган сизлар, сиз билан Ойқиз.

Ойқиз уларнинг сўзларини эшитмай, ўрнидан турди ва қўлини кўтариб одамларни тинчйтишга интилди. Одамлар аста-секин яна ўт устига ўтирдилар. Жўрабоев партия ва ҳукумат қарорини ўқий бошлади.

Қарорда ҳамма ишларнинг ҳажми ва бажарилиш муддатлари аниқ кўрсатилганди. Булоқларни тозалаш, канал ва тўғон қуриш, сув ҳовузининг ҳажми, янги ерлар очилиши билан алоқадор вазифалар тўла ҳал этилганди. Шу билан бирга, бу ерларда янги қишлоқлар қуриш ва бу қишлоқларга тоғларда истиқомат қилувчи деҳқонларни кўчириш мўлжалланган эди. Қарорнинг охирида эса, Олтинсой колхозлари яқин вақт ичида янги ерларнинг кўп қисмига пахта экишлари учун ишонч билдирилган эди.

Район партия комитетининг секретари қарорни ўқиб бўлгач, қоғозни қайтадан буклай бошлаганда унинг шитирлаши ҳаммага эшитилиб турарди. Колхозчилар қувончлари ичига сипмай жимгина ўтирар ва ҳамма шу жимликни бузмасликка интиларди. Ҳозиргача улар нималар тўғрисида ўйлаб, умид қилган бўлсалар, нималар тўғрисида сўз юритган бўлсалар, энди буларнинг ҳаммаси қарор шаклини олиб, қонун даражасига кўтарилган эди. Энди бу қонунни бажариш — асрий орзу-умидларни бажариш демакдир. Илгари шундай орзу-умидлар тўғрисида гапиришга журъат қилолмаган бўлсалар, энди бу орзу-умидларни рўёбга чиқариш ҳар бир олтинсойликнинг шон-шарафи ва бурчига айланди. Чиндан ҳам Умурзоқ ота айтгандек, оппоқ очилган пахталарни кўрар экан, ким қувонмайди дейсиз! Одамнинг қўли билан бунёд этилган тўғонни ва зилол суви чайқалиб турган денгизни кўрар экан, ким қувонмайди дейсиз! Янги каналда тўлиб оқаётган сув ҳосилдор ерларимизни асрий уйқудан уйғотса, ранг-баранг қилиб ясатса, ким қувонмайди дейсиз!

Бу қадар зўр ўзгаришларни ҳамма ўйлаган, ҳамма орзу-умид қилган эди.

— Дўстларим, — деди Жўрабоев, — бир замонлар халқимизда «хомхаёл» деган ибора мавжуд эди. Бу сўз қардан келиб чиққан? Турмушнинг ўзидан. Чунки бу ерларнинг эгаси Қобилхўжа эшон ва унинг ўғли Азимбойлар бўлганида, халқнинг битта ҳам орзу-умиди рўёбга чиқмаган, халқнинг истақ-армонига ҳеч ким қулоқ солма-

гап, энди биз «хомхаёл» деган иборани тамомила унутганмиз, чунки бизнинг давримизда халқ орзуси, халқ тилаги албатта амалга ошади, ҳақиқатга айланади. Партиямиз ва ҳукуватимиз халқнинг тилак-орзуларини албатта амалга оширади. Бизнинг мамлакатимизда халқ тилак-орзулари қонуни кучига эга бўлиб, албатта, турмушга татиқ этилади.

Кечагина бахт-саодат тўғрисида ўйлаган ўйларимиз бугун ҳақиқатга айланди: Олтинсой ерларига сув чиқариш, Қизилқумга ҳужум. Энди бу ҳаммамизнинг тилак-орзуларимиздир. Бу тилак-орзуларимизни ҳам ўз қўлимиз билан амалга оширамиз. Бунга шубҳа қиладиган бирор киши топилармикин ичимизда?

— Йўқ!— дея жавоб беришди ўтирганлар яқинлик билан.

— Энди бу ҳужжат,— деди сўзида давом қилиб Жўрабоев, буқлашган қоғозни боши устига кўтариб,— биз учун нисли кўрилмаган истиқбол йўлини очиб беради. Энди бу биз учун коммунизмга йўлланмадир. Вазифамиз — ана шу тарихий қарорни бажаришдан иборатдир. Бунинг учун нима қилмоғимиз лозим? Биринчи навбатга мўлжалланган ишларимизни ўз муддатида адо қилиш, агарда уддасидан чиқа олсак «Қизил юлдуз» колхозининг бирорта бригадасида пахта экиш. Белни маҳкам боғлаб фидокорона ишга киришайлик, дўстларим!

Район партия комитетининг секретари охириги сўзларини айтиб тугатмасданоқ, бригадирлар стол атрофини ўраб олдилар. Ҳамма қолган иш ҳажминини ҳисоблаб чиқиб, қанча вақт ичида адо қилиш режасини туза бошладилар ва кўпи билан ўн кун деганда булоқларни тозалашдан иборат биринчи навбат ишлар адо қилинишини айтдилар.

Фақат «Октябрь» колхозининг раиси Усмонов хаёл дарёсига чўмиб, лом-мин демай столга суянгани ҳолда ўтирарди. У бош бармоғини тишлаб, ичида ўз имкониятларини ҳисоблаб чиққач, этигининг қўнжини тортиб қўйди-да, нолиш қилди:

— Биз ишлаётган участкада ер қаттиқ: чўкич ўтмайди, мисранг ҳам. Ахир, қандай қилиб тўққиз-ўн кунда шундай оғир ишнинг уддасидан чиқамиз? Йўқ, эплотмаймиз. Ваъда беролмайман. Мана, Каримни олинг. Унга осон. Чунки канал қазибётган жойи ер эмас, сариғ ёғ. Албатта, бундай жойда...

Бироқ уни гапиришга қўймадилар. Теварак-атрофдан луқмалар ташланди:

— Жудаям оху зор қилманг, Усмонов. Тоғни ағда-риб қўйибсизу ўзингизни нимжон қилиб кўрсатасиз-а.

— Кўкбулоққа кўзинг тушмаганга ўхшайди-а? Олим-жон ҳар куни қанчадан-қанча тош қазиётганини билмас-сан-а? Уша ерга сени қўйганларида борми, ҳўнграб йи-лаганингни кўрардик.

— Бе, Усмоновнинг ганига ишониб бўладими? Нас-риддин Афандини ҳам алдаб кетадиган одам. Биламиз уни, ҳозир кўз ёши тўкади-ю, икки кундан кейин қараб-санки, биринчи бўлиб рапорт бериб турибди-да.

Усмонов ҳар ҳолда шубҳаси борлигини кўрсатиб, қу-лочини ёзди. У бир дақиқа ўйлаб тургач, бошқалардан орқада қолмаслигини билдирди.

— Иш мана бундай бўпти.

— Яшанг, Усмонов!— Уни қувватлаган овозлар эши-тилди.

— Хўш, комсомол бригадиримиз қани? Нима учун ин-дамайди?

— Билмайсизми? «Ичимдагини топ» дейдиганлар хавфли бўлади, дейишади.

Карим аста ўрнидан турди-да, стол олдига келишга журъат қилди.

— Биз ҳеч кимни алдашга одат қилганимиз йўқ. Ка-налда ҳам иш кўп. Райком секретарининг ахборотидан сўнг комсомоллар билан маслаҳатлашиб, кучларимизга зўр берамиз. Албатта, ўртоқ Усмоновдан орқада қолмас-миз, деб ўйлайман.

— Сифати қандай бўлади?— сўради Ойқиз.

— Сифати дейсизми? Ўз-ўзидан маълумки, сифати аъло бўлади!— Каримнинг овози ҳамиша бўғиқ ва юм-шоқ эди. Айниқса, бирор нарсадан таъсирланса унинг овози яна бўғиқ ва ўта юмшоқ чиқади.— Бундан таш-қари, комсомоллар менга,— деди у сўзига қўшимча қи-либ. Ҳамманинг диққат-эътибори Каримнинг охириги сўзларида эди.— Кўкбулоқда ишлаётган бригадани мусо-бақага чақиришни топширдилар. Олимжон акам рози бўл-салар, албатта.

— Розимиз,— деди Олимжон кутилмаганда ўрнидан туриб қувончли овоз билан.

Йиғилиш тамом бўлиб, ҳамма жой-жойига тарқалди. Пировардида Жўрабоев ҳам уйига кетди. Сойнинг ичида

ёниб турган гулханлар бирин-кетин ўча бошлади. Иван Никитич, Олимжон ва Ойқиз ҳамон тепалик устида, чайланинг олдида ягона чироқ ёруғида ўтиришардилар.

— Демак, бригадамизни Карим мусобақага чақирди. Майли, мусобақада ютқизсак ҳам майли. Бироқ чекинмаймиз,— деди Олимжон шижоат билан,— Каримдан орқада қолсак ҳам майли, фақат чекинмаймиз!

— Сизни чекинмасиз деяётганим йўқ,— деди эътироз билдириб Ойқиз,— фақат сўрадим, холос. Чигитни ким экади, шунни сўрамоқчийдим.

— Визсиз ҳам экаверишади. Қодиров экади.

— Қодиров?! Сизга нима бўлди, Олимжон ака? Худди Қодировни билмагандек гапирасиз-а! Агар тоғдан сел келса ҳам раиснинг тўшиғига чиқмайди-ку. Ҳийла-найранг ишлатиб, сувдан қуруқ чиқишга ўрганиб қолган. Очигини айтсам, раисга ишонмайдиган бўлиб қолдим, нима топширилса шунни барбод қилади.

— Қандай ишни?

— Чигит экиш-чи. Олимжон ака, паҳотки, чигит экишнинг қанчалик муҳимлигига сизни ҳам ишонтирмоғим лозим бўлса?.. Биттагина бригада бўлса ҳамки... Бу улуг ишнинг бошланиши-ку. Токи чигит экишга ўзингиз бошчилик қилмагунингизча, мен хотиржам бўлолмайман. Шунинг учун ҳам Кўкбулоқдан сув чиқадими-йўқми, барибир, сиз тезроқ колхозга етиб боришингиз зарур...

— Ҳали бригадамиз ҳақидаги гаплардан беҳабарсиз шекилли-а?— сўради Олимжон кулимсираб.— Биз арслоннинг изига тушган эмишмиз. Уни қўйиб юбориш... Қўйиб юборсак, ютқазган бўлар эмишмиз. Энди тушундингизми? Биз бўлсак, голиб чиқишни истаймиз. Шундан кейингина қишлоққа ёруғ юз билан кириб борамиз, деб олт ичдик. Бусиз, Кўкбулоқ сувсиз қишлоққа қайтиб борадиган одам йўқ. Бироқ қачон сув чиқади?..

— Тўхта, тўхта,— деди Иван Никитич гапга аралашиб.— Менга қара, ҳали Кўкбулоқдан сув чиқишига шубҳа қилисанми?

— Шубҳа қилаётганим йўқ, Иван Никитич. Кўкбулоқни албатта топамиз. Бироқ қачон? Мава шу савол мияни қотиряпти. Иннайкейин, мен ҳам бошқалар қатори мажбурият олганман... Бир ҳафта...

— Демак, сенинг ихтиёрингда ҳали бир ҳафта бор. Эсингдами, бир ҳафта ичида фронтда қанчадан-қанча воқеалар бўларди! Мустаҳкам қўрғонга айлантирилган қа-

гор-қатор шаҳарларни олардик. Бас, шундай экан, номусни қўлдан берма. Бошингни қуйи солма, ноумид бўлма. Эрталаб участкангда бўламан. Хайрли кеч.

Иван Никитич стол устида турган дала сумкасини олиб чайлага кириб кетди. Чайланинг брезент билан ўралган девори ёнида турган тахта каравотига бориб ўтирди.

Ойқиз билан Олимжон маъюслик билан ўринларидан туриб, тепаликдан пастга, арчазор ичидаги хотин-қизлар палаткаси томон йўл олдилар.

Ярим кеча... Ой аллақачон Кўктоғ чўққисига кўтарилиб, атрофни кучсиз ва аммо сеҳрлар нури билан ёритиб турарди. Ана шу сокин оқшомда ёқимли ва нордон ҳид таратган арчалар ҳам, эндигина куртак чиқариб кўм-кўк бўлиб қолган тоғ олчалари ҳам, қаддини кўтариб турган харсанглар ва ердаги майсалар ҳам мана шу сеҳрли нурга чўмиб нафас оларди.

Ойқиз Олимжоннинг қўлидан ушлади.

— Хафа бўлдингизми? Хато гапирдимми?

— Аксинча, қизишиб кетдим. Сиз-ку, ҳақсиз-а. Мен бўлсам...

Ойқиз таққа тўхтади ва унинг оғзини кафти билан беркитди:

— Келинг, бу тўғрида гапирмаймиз. Хўпми?

У қизга бўйсунди ва унга маънодор тикилиб қолди.

— Жоним, хўпми?— у чиройли қўлини йиғитнинг лабидан олсасди, — хўпми-а?..

Олимжон қотиб қолганча қизнинг юзига термилиб турарди. Сўнгра дарҳол ўзига келди-ю, икки қўли билан Ойқизнинг кичкина ва чиройли қўлини гижимлаб, лабига босди, тўйиб-тўйиб ўшди. Ойқиз эса оёғи чарчагандек бўлиб, бошини унинг кўкрагига қўйди.

Бахт қувончига кўмилган Олимжон нафаси оғзига тик қилган ҳолда қизнинг сочларидан, бўйинларидан, юзларидан ўпарди. Ойқиз тобора кучсизланиб, Олимжоннинг ўшишларига қаршилиқ қилолмасди.

Йиғит билан қизнинг боши устида қандайдир ғувиллаган кучли овоз эшитилди. Қўққисдан кўтарилган бу шарна гўё уларни ширин уйқудан уйғотиб юборгандек туюлди. Олимжон билан Ойқиз қаттиқ ҳаяжонланиб, бошларини кўтардилар. Қандайдир қудратли қуш қалин ёнғоқзор ичидан чиқиб, қанотлари билан шохларни савалагандек шовқин солиб узоқларга учиб кетди.

— Бойўғли, — деди Ойқиз, — ҳаммасини кўрди.

— Кўрса кўраверсин, — Олимжон яна ўпмоқчи эди-ю, бироқ Ойқиз бир қадам орқага чекинди.

— Бас, Олимжон ака... Бас. Кейинроқ.

— Қачон?

— Яқинда.

— Қачон ахир, айтсангиз-чи? Сизнинг «ҳа» деган сўзингизни эшитиш, Кўкбулоқдан сув чиқаришдан ҳам қийин бўлиб кетди, — у яна қизни бағрига босди: — Тўй қачонлигини айтмагунингизгача қўйиб юбормайман.

— Яқинда.

— Йўқ, анигини айттинг.

— Айтаман, қўйиб юборсангиз айтаман.

Ингит қизга бўйсунди.

— Мен сизни сув учун юборганман. Ана шу сувни олиб келганингиздан сўнг... Икки ҳафта ўтгач, бир оғиз жавоб сўзини эшитасиз.

Қиз чаққонлик билан энкайди ва бир қисм кўм-кўк майсани юлиб олиб, йигитнинг тугмаларини ечди-да, майсани унинг ичига ташлади.

— Мана сизга... уйқу келтирадиган ўтлар... Боринг энди, ухланг.

Қиз қанотини ёзган қушдай қўлларини ёзди ва бир зумда арчазор томон чолиб кетди. Арчазор ичида, ой нурида оқариб турган палаткалар кўзга ташланарди.

Иигирма саккизинчи боб

Кечқурун қурилиш бошлиғининг муовини Ойқиз Умурзоқова, эртага тўғон қурилиши бошлансин, деган буйруққа имзо чекди.

Олтинсой сувлари бу ерга оқиб келгач, чуқур ва тор жарликдан, тошлар ичидан шовқин-сурон солиб настга тушиб кетарди.

Тоғнинг тинчи бузилиб, асрий уйқусидан уйғонди. Уни довиюрак одамлар уйғотдилар, ўзларининг қўшиқлари, машиналарнинг овози билан, болға ва чўкичларнинг гурсиллаб урилиши, бел ва кетмонларнинг жаранглаши, тошларнинг шақир-шуқур синиши билан тоғ ораларини тўлдирдилар.

Олдин мутахассис-олимлар: геологлар, гидрогеологлар, геодезистлар келдилар. Улар ҳамма жойларни пухта кўриб чиқдилар, тошлардан намуна олдилар, Олтинсой сувларининг оқимини ва миқдорини ўлчадилар, сойлар-

нинг харита ва планларини чизиб, сўнгра лойиҳа тузди-лар.

Уларнинг орқасидан қурувчилар келдилар ва шу-шу сойларнинг ичи шовқин-суронга тўлди. Қурувчилар тўғон қуриладиган жойда сувни бошқа йўлдан оқизадиган вақтли канал қуриб, сўнгра котлован қазишга киришди-лар.

Олтинсой сувлари ана шу тўсиқларга дуч келиб, ҳаддан ташқари ғазабланиди ва кўшикланиб ўзига йўл қидира бошлади. Бундай йўлни қурувчилар кўрсатдилар. Улар тошлар ичидан йўл олдилар ва шундай қилиб, Олтинсой ана шу тошлар ичида ҳайқириб, тўлқин уриб, пастга тушиб кетаверди. Олтинсой пастга отилиб тушгандан сўнг анча жойгача ҳайқириб чопарди-да, сўнгра одамларнинг иродаси билан яратилган тақдирига тап бериб, тинчланиб, аста-секин сқарди.

Қатор-қатор машиналар ва аравалар портлатилган кулранг, қизитилган темирга ва ақиққа ўхшаш қорамтир тошларни ташиб келарди. Бу тошлар қуёш нурида ялтираб, сой қирғоқларида, қурилиш майдонида уйилиб ётарди. Оз ўтмай, котлован қазилиб, тўғон қурилгач, Олтинсой одамларнинг иродасига бўйсунадиган бўлади.

Ойқиз тўғон қурилиши бошланадиган куни саҳарда, Кўктоғ чўққиларига қуёш шуълалари тушмасданоқ уйғонди. У ҳаддан ташқари шошиларди. Чунки тоғлик жойларда қоронғилик қанчалик тез тушса, тонг ҳам шунчалик тез отарди. Шунинг учун ҳам қиз ишга ошиқарди. Бунинг устига бугунги кун кутилгандан ҳам тез киргандай туюлди. У отига эгар босаркан, дарров тонг ёришиб, ёғдуси қувноқ кўзларига тушганини ва кеч қолаётганини сезиб, ўзидан-ўзи ёзғира бошлади.

— Бизни қанчадан-қанча ишлар кутяпти, Бойчибар, — деди у отининг айилини тортиб, — бугун шундай кунки...

Ойқиз қишлоқ Советига кириб, район партия комитетига телефон қилди. Шу заҳоти Жўрабоевнинг таниш овози эшитилди. Ойқиз севинч-қувонч ичида ахборот берди: котлован тайёр, бугун туш вақтида тўғон қурилиши бошланади.

Жўрабоев Ойқизни чин дилдан табриклади ва уни сал равшитди ҳам: тўғон қурилиши бошланишида бўлолмаслигини, банд эканлигини билдириб, узр сўради.

— Балки эртага қолдирармиз?.. — деди Ойқиз сўник овоз билан.

— Нега?— район партия комитети секретарининг овози бўғиқ эшитилди.— Агар ҳамма иш ўз вақтида адо қилинган бўлса, эртага қолдиришнинг ҳожати йўқ. Ишни чўзиш — жиноят! Менсиз бошлайверинглар. Камроқ тантабозлик, кўпроқ жавобгарлик бўлсин. Тантагани вақти келганда қилармиз.

Ойқиз юзлари ўтдай ёниб, қиш-қизариб кетди, трубкани илиб қўйди. У муздай қўллари билан ўтдай ёнган юзларини силаб, хижолатини босишга уринди.

«Майли! Бошлаш лозим бўлса бошлайверамиз!»— деди у ўзига-ўзи дадиллик билан. У ирғиб Бойчибарга минди, уни қамчилаб тоғ томон шамолдай учиб кетди.

Ойқиз Бойчибарни йўргалатган ҳолда ўй суришни ёқтирарди. Ҳозир у тўғон қурилишини бошлаб юбормоқ учун ҳамма нарса тахт эканлиги тўғрисида хаёл сурарди. Уч кундан буён Смирнов тўғон қурилишида кўринмас, канал қурилиши ва булоқларни тозалаш ишларини жадаллаштириш билан банд эди.

Ойқиз тўғон қурилишини бошлаш тўғрисидаги буйруққа қўл қўйганда ҳамма иш Иван Никитичнинг лойиҳаси ва кўрсатмаси асосида олиб борилаётганига сира шубҳа қилмасди. Мана, ҳозир от устида бораркан, тўғон лойиҳаси кўз олдида шундоққина гавдаланиб турарди.

«Ҳа, ҳамма иш тахт. Бошласа бўлади.— Уйлади у изғирин шамолга юзини тутиб,— аҳтимол, бугун Иван Никитич ҳам келиб қолар...»— деди ўзига-ўзи тасалли бериб.

— Тўғоннинг икки томони — чап томони ҳам, ўнг томони ҳам қирғоқдан қазилган ўраларга кириб боради,— деган эди Иван Никитич бир ҳафта бурун, лойиҳани кўздан кечириб,— сўзларимга тушундингизми?.. Йўқ, бу ердаги арифметика жуда осон, яъни тўғоннинг икки қаноти қирғоқнинг ичидан ўйилган ўраларга қадалади, юқоридан то пастгача бир хилда ўраларга қадалади. Ана шу ўралардан чиққан тошлар ҳам биз учун керак бўлади, хўш, ажойибми, а?

— Ҳа, жуда ажойиб,— тасдиқлади Ойқиз.— Бу — ишимизни анча осонлаштиради. Узоқ-узоқ карьерлардан тош ташиш азобидан қутқазади,— деди у Иван Никитичга, унинг халқ ғамини еяётганидан, қурувчилар меҳнатини осонлаштиришни ўйлаётганидан хурсанд бўлиб.

Бироқ колхозчилар уни ҳайратда қолдирдилар. Бир ҳафта ичиде тўғон қуриладиган жойга шунча тош ва шағал йиғуларки, энди қирғоқдан тош ковлашга ҳам

эхтиёж қолмади. «Маили. Қирғоққа қўл урмай қўя қолайлик,— ўйлади Ойқиз.— Тўғон ана шу қирғоқларга тутшиб кетиб, тош-метиндек тураверади. Вақтни айтмайсизми, қирғоқдаги тошлар ичидан ўралар қазш қанча мушкул. Бунинг учун қанча вақтимиз беҳуда кетади. Бир томондан иш тизиз, баҳор келяпти, экин-тикин...»

Бойчибар чиройли бошини баланд кўтарган ҳолда, қулоқларини чимириб, бир меъёрда йўрғалаб, тизгинга қараб оёқ ташларди. Тизгин тортилганми, бўш қўйилганми, жадалига олинганми, равон қўйилганми — от шунга қараб юрар эди. Шу билан бирга ҳеч қачон Ойқизнинг измидан чиқмас ва жим туришни, қачон эркаланиб, шўхлик қилишни, қачон таққа тўхташ ёки бирор отни кўрганда бош кўтаришни, аччиқ қамчи ейишдан ҳам кўрқмай кишнаб юборишни — ҳаммасини биларди. Баъзи-баъзида Ойқиз билан ўйнашар, унинг узангида турган этикчасини юлқилаб тортар ва унинг шўх-шўх кулгисини эшитишга сазовор бўларди. Бойчибар жуда зийрак эди.

Ҳозир-чи? Ҳозир шўхлик вақти эмас, Ойқиз шошиларди. Агар шўхлик қиладиган бўлса, жазо олиши тайин эди. Шунинг учун ҳам тизгин қаттиқ ва талабчан қўлда эди.

Тоғ ёнбағирлари турли-туман чечаклар билан қопланган. Ойқиз яшил майсазорга тикилди: «Бу ерлар охириги йил ухламоқда, келгуси йил баҳорида абадий уйғонади, мана бу буталар, ковуллар ўрнида пахта гуллайди... Иван Никитич ажойиб одам-да, ташаббусимизни дарров қувватлади, дарров истиқболни кўрди... Унинг лойиҳаси мардонавор тузилган. Олтинсой сувларини ёнбағирларга қайириб юбориш, қўриқларни, Қултепа атрофларини суғориш... Бугина эмас, бошқа колхозларнинг ҳам ерларини, «Октябрь», «Биринчи Май»нинг ерларини ҳам суғориш... Бахтимиз борки, шундай инженерга эгамиз... Халқимиз-чи... Халқимиз ҳам мардонавор, бундай халқ билан тоғни ағдариш мумкин... Мана энди, оз вақт ўтар-ўтмас тўғон ҳам қирғоқлардаги тошлар бўйи кўтарилади...»

Бу фикр қизнинг қалбини янгидан-янги қувонч билан тўлгазди. «Менга таянч нуқтасини беринг, ерни ағдараман». Жуда тўғри айтилган. Чиндан ҳам... Ўзингда шунча куч-қувват сезсанг... мумкин-ку...

— Хўш, нега сен уйқу босгандай судраласан?— деди Ойқиз Бойчибарга. Бойчибар бўлса ҳамон бир меъёрда йўрғалиб борарди. Ойқиз отнинг қорнига қаттиқ қамчи босган эди, бадани ачиб, чопиб кетди. Ойқизнинг юзла-

рига шамол урилиб, бошдаги рўмолчасини тушириб юборди. Энди унинг бўйинга бойланган рўмолча орқа томонида кичкина елкан бўлиб кўринарди. Ойқиз ҳар қачон тоғ йўллари ва илонизи бўлиб кетган ёлғизоёқ йўлларда шамол билан ўйнашиб юришни, қулоқлари остида ҳуштак чалиб ўтган шамолга тегажаклик қилишни, тоғ шамолни сочларини ёзиб, кўйлақларини учуриб, ҳатто баданларига муздек тегинини жуда-жуда севарди.

Оз ўтмай, шамолнинг товуши тўғонда ишлаётган машиналарнинг товуши билан қўшилиб кетди. Ойқиз йўлдан бурилди-ю, тепалик устига чиқди.

Отнинг тизгинини бўшатиб, тепалик устидан пастга тикилди. Пастда нимаки мавжуд бўлса, ҳаммаси худди кафтдагидек яққол кўринарди. Тўғон қуриладиган котлован аллақачон тайёр бўлиб, у ерда одамлар ҳам, машиналар ҳам кўринмасди. Дунёга жар солиб сойдан чиқиб келаётган экскаватор тепалик устидан қараганда гугурт қутисидек бўлиб кўринарди. Шағал ва тош ортилган машиналар эса кўз илғамас даражада ўрмалаб юрарди. Ойқиз котловандаги ҳаракатларни диққат билан кузатар экан, унинг кўзи нариги қирғоқда уймалашиб, бир-бирлари билан гаплашиб турган колхозчиларга тушди. Айниқса, котлованнинг қоқ ўртасида туриб, қўлларини силташган ҳолда бир-бири билан жуда қизгин гаплашаётган икки киши унинг кўзига яққол кўринди. «Тортишяптими ёки уришяптими?..» — деб ўйлаган Ойқиз уларга тикилиб қолди. Турганларнинг бири Усмонов эди. У икки букилиб этигининг қўнжини тортарди. Иккинчиси эса, тўлагинадан келган прораб Жалолов бўлиб, кўк рангли пахталик нимчасининг тугмалари ечиқ эди. Жалолов ҳар қачон жаҳли чиқса ёки бирор масала устида ким биландир мунозара юритса ҳамиша дўпписи орқасига ўтиб кетарди-ю, кенг пешонаси силлиқ бошига туташиб, терлаб ва ярқираб турарди.

Усмонов тепалик устида от миниб турган Ойқизни кўрди-ю, ҳамроҳини туртиб қўйди. Жалолов шартта бош кўтариб, қўлини қимирлатиб ишора қилди. Сўнгра икки қўлини оғзига карнай қилиб овозининг борича қичқирди, яна қўл кўтариб ишора қилди. Бироқ Ойқиз унинг қичқирганини, нималарни деб бақирганини сезиб турса ҳам, овозини асло эшитмас эди.

— Эшитганим йўқ! — деди Ойқиз ўзича уларга эйтибор ҳам қиямай. «Майли, тортишаверинглар, — кўнглидан

Ўтказди у ва енгини тортиб, ссатига тикилди,— шагал карьеры шу бўлади. Хўш, тош карьеры-чи? Вақтим бор, кўриб келишга улгураман», дея кўнглидан ўтказди-да, шагал чиқадиган карьерга тушмади ҳам, уни кўрмади ҳам. Чунки бу ерда иш қайнарди. Шагал ортилган машина ва аравалар тез-тез ўтиб турар, бўшаганлари эса бир-бирини қувиб орқасига қайтарди. Аравакашлар ва шоферларнинг ҳуштак чалишиб ҳазил қилишганлари, шўх-шўх кулгилари — ҳаммаси ишнинг бир меъёردа қизгин кетаётганидан далолат берарди.

— Ҳорманг! Ҳорманглар! — Ойқиз ўзига рўбарў келатган азаматларни қутлашга зўрға-зўрға улгурарди. «Бу ерда ҳеч қандай топшириқ беришнинг зарурати йўқ. Одамлар ҳамма нарсга тушунадилар»,— деди у ич-ичидан мамнун бўлиб.

Тошлар қазиб олинган, машиналар, араваларга ортлаётган жойларни кўздан кечирар экан, бутун атроф таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганига қойил бўлди. «Кечагина бу ерлар қоп-қора харсангтошлар билан қонланган эди,— деди ўзича қалби қувончга тўлган ҳолда,— бугун-чи? Тошлардан ному нишон қолмапти. Бутунлай ўзгариб кетишти».

Ойқиз эрта азонда портлаш овозидан уйғониб кетганини, уйлар силкиниб, ойналар дириллаганини, нима бўлганини дабдурустдан билолмай, сўнгра эс-ҳушини йиғиб олгач, ўзидан-ўзи кулганини эслади. «Эртага кўрармиз, қаянча тошлар ағдарилганини биламиз. Демак, портлатувчилар тун бўйи мизғимай ишлаганлар».

Ҳозир у ана шу портлатувчиларни кўргиси ва мард қўлларини қисиб, табрик қилгиси келди. Ойқиз уларни сўнги ҳафтalarda бот-бот кўриб турарди. Шу кунларда бўлса тоғларда бир неча бор портлаш гумбуради. Портлатувчиларнинг ишлари кўп, аммо ўзлари камгап одамлар экан, Ойқиз бир неча бор юзма-юз келиб суҳбатлашди-ю, аммо кўп саволларига жавоб ололмади. Айниқса, портлатувчиларнинг бошлиғи, новчадан келган, ориқ, юзлари чўтир иши ҳамиша қовоғи солинган ҳолда юрар ва жуда камгап эди. Ойқиз унинг ёшини ҳар қанча билишга уринса ҳам, билолмаган эди.

— Уни йигирма ёшда деса ҳам бўлади, қирқ ёшда деса ҳам,— деди Иван Никитичга бир куни. У илжайибгина қўйди.

Ойқиз Николай исмли бу йигитнинг қайсибир қилиғи

Ёқиб қолганига ўзи ҳам тушунолмасди. Ҳар ҳолда, унинг юлдузи иссиқ кўринарди. Иван Никитич портлатувчилар билан бир неча бор йиғилиш ўтказганда Ойқиз ҳам сўзга аралашгиси келди. Топшириқ ёки маслаҳат бериш учун эмас, албатта. Агар шундай қилгудай бўлса борми, роса кулгили бўлар эди-да! Фақат портлатувчилар билан шунчаки суҳбатлашиб, танишиб олиш, уларнинг ким эканликларини билиб олишга қизиқарди, холос. Қизиқди-ю, мавриди келиб, улар билан бафуржа суҳбат қилишга муяссар бўлолмади. Чунки учала портлатувчи ҳам ўз ишлари билан ниҳоятда банд бўлиб, Ойқизга эътибор қилолмадилар. Улар Иван Никитич олдига йиғилганларида, Ойқиз нимадан гап очмасин, қандай савол бермасин, Николай ҳаммасига розидай, фақат бошини қимирлатиб қўярди, холос. Ойқиз ёшлигида тоққа чиққанда бургут ҳамла қилганини ҳикоя қилиб берса ҳам, Николай пинагини бузмади, ҳар галгидай бошини қимирлатиб ўтирарди. Ойқиз ўзига бефарқ қараган ҳар қандай кишидан қаттиқ хафаланиши мумкин эди. Бироқ нима учундир Николайдан хафа ҳам бўлмади. Эҳтимол, Ойқиз портлатувчиларни тенги йўқ довиюраклар деб билгани, афсонавий қаҳрамонлар деб ҳисоблагани учунми, ҳатто портлатувчилар жасоратини эски одамлар тасаввурда ҳар қандай мўъжизаларга қодир бўлган худолар ҳам бундай жасорат қилолмайди, деб фараз қилганлари учунми — ҳар ҳолда, Николайдан ҳам, унинг дўстларидан ҳам хафа бўлгани йўқ.

Ойқиз олдинга бир боладан, сўнгра шкинчи боладан портлатувчилар қаерда эканлигини сўради. Мақсади — бон кўнглидан ўтказгани — мушкул ва хавфли касб эгаларининг қўлларини сиқиб, ташаккур айтиш эди. Бироқ болалар портлатувчилар тун бўйи ишлаб чарчаганларини, ҳозир палаткаларда ухлаб ётганларини айтдилар.

Бу ердаги ишлар шағал олинадиган карьердагидан ҳам қизгин борарди. Одамлар катта-катта харсангтошларни кўтариб араваларга, машиналарга юклар эдилар. Бу ерда шағал карьердаги каби ҳуштак чалиш ҳам, ҳазил қилиш ҳам, одатдаги шўхлик, бир-бирини қувиб ўтиш ҳам йўқ эди. Аксинча, машина ва аравалар тартибли равишда, бир-бирига халақит бермай аста-секин бориб келарди.

Ойқиз бу ердан кетишга ҳозирланиб, эндигина отини бурган эди, қўққисдан Қодировга кўзи тушиб қолди. У

жуда катта харсанг орқасида бўлиб, елкаси ва бошигина кўриниб турарди. Қодиров портлаш вақтида ағдарилиб тушган катта тошга тикилган ҳолда, нимадандир қўрқиб хавотирланаётганга ўхшарди. Ойқиз унинг орқа томонидан келди-ю, бирданга қичқириб иргиб отдан тушди.

— Нега пинагингизни бузмай турибсиз? Ахир, харсанг болаларни мажақлаб юборади-ку!

У катта харсангтошни аравага ортиш учун жон-жаҳди билан уринаётган икки бола томон югурди. Болалар тошни арава бўйича кўтариб, нима қилишларини билмасдилар, чунки арава устига ағдарай десалар, кучлари етмас, ерга ташлай десалар, оёқлари мажақланар эди.

Ойқиз нафаси оғзига тикилган ҳолда етиб келди-ю, тошнинг тагига елкасини қўйиб, болаларга ёрдам қилди. Аммо, тош жуда оғир эди. Айвиқса, қиз боланинг нимжон елкаси ҳаддан ташқари оғирликни дарров сездди.

Шундагина Қодиров ҳам яқинлашиб тошнинг тагига қўл юборди-да, бор кучи билан кўтарди, тош аравага ағдарилиб тушди. Шундан сўнг Қодиров қўлидаги чанг-тупроқни қоқиб, бирор ерига доғ тегмадимикин, деб кийимларини кўздан кечирди.

— Ҳа. Энди билдим,— деди Ойқиз кулимсираб,— кителлингиз ҳам янги, этигингиз ҳам янги экан, чангга ботишидан қўрқибсиз-да. Бироқ сиз билан биз бегона кишидек кузатувчи бўлиб турсак, сира ярашмайди-да, ўртоқ раис.

— Она сутти оғздан кетмаган гўдакларни харсангтош кўтаришга ҳеч ким мажбур қилгани йўқ,— деди Қодиров жаҳли чиқиб.

— Улар ҳаминша жасорат кўрсатишни, қаҳрамон бўлишни истайдилар,— деб қўйди Ойқиз уни чимчилаб олгандек.

— Бўлсалар бўлаверсинлар, улар қаҳрамон бўлишни истасалар, менга нима? Тош кўтариш менинг ишим эмас. Сизнинг ҳам ишингиз эмас. Ишга тажриба кўзи билан қаранг, Умурзоқова, обрўйингизни сақланг, ҳа. Қурилиш бошлиғининг муовини эканлигингизни унутманг,— деди Қодиров пичинг аралаш. Аммо Ойқиз раиснинг «насиҳат»ларини эшитмай, болаларга танбеҳ берарди. Сўнгра ўзи ҳам болаларга қўшилиб, аравага тош ортиша бошлади.

Қодиров бир дақиқа уларга тикилиб турди-ю, пешоналарини тириштириб, жаҳл аралаш кулимсираб қўйди.

— Нима қилиб турибсиз? Ёрдам берсангиз бўлмайди-ми?— деди Ойқиз ердан тош ола туриб.

Раис истар-истамас уларга яқин келди-ю, икки букилиб, бир неча майда-чуйда тошларни аравага ташлади.

— Тезроқ бўлинг, тезроқ,— деди Ойқиз раисни ғайратлантирмақ ниятида,— уялмасдан...

Бироқ раис қоматини ростлади ва қўлларининг чангини қоқиб яна кителни кўздан кечирди. Сўнгра яна икки букилиб, қўли учуда майда тошларни аравага улоқтираверди.

— Ўҳ! Хайрият-э, сизни қидиравериб оёқларим чарчадди, ўртоқ Умурзоқова,— деди орқадан чиққан қандайдир товуш.

Ойқиз орқасига ўгирилиб, Жалоловни кўрди. У терга ботган юзини дўпписи билан елпиб турарди.

— Кеча кечқурун участкада йўқ эдим,— деди Жалолов.— Бугун тўғон қурилишини бошлаш тўғрисида буйруқ берибсиз деб эшитдим. Наҳотки, тўғри бўлса?..

— Ҳа. Тўғри. Нима бўлибди?

— Ўртоқ Умурзоқова, лойиҳа-чи? Лойиҳа нима бўлади? Ахир, лойиҳа бўйича...

— Нима?..— сўради Ойқиз тоқатсизлик билан.

— Лойиҳага асосан...

— Икки қирғоқдан ҳам ўралар ковлаш зарур. Шундай демоқчимсиз?

— Ҳа.

— Энди бунга зарурат йўқ.

— Нима учун зарурат йўқ экан?

— Шунинг учунки, ўралардан қазиб олинадиган тошлар энди карьердан келтирилди. Энди шағал ҳам, тош ҳам етарли. Модомики, шундай экан, беҳуда вақт сарфлашнинг нима кераги бор?

Жалолов таажжуб ичида елкасини қисиб қўйди.

— Нималар деяпсиз, ўртоқ Умурзоқова? Гап тош тўғрисида бораётгани йўқ-ку.

— Сиз нима деяпсиз ўзи, ўртоқ Жалолов?— деди Ойқиз жаҳли чиқиб.— Ахир, мен инженер Смирновнинг гопширини бажаряпман-ку. Наҳотки, сиз шубҳа қилсангиз? Еки сиз ўртоқ Смирновга ҳам ишонмайспизми?..

— Бемаъни гапларни гапиряпсиз.

— Нега бемаъни бўлсин, ўртоқ Жалолов?

Ойқизнинг юзлари қип-қизариб кетди. Ҳаммадан ҳам бу жанжал Қодировнинг иштирокида бўлаётганидан аф-

сусланарди. Шунинг учун ҳам Ойқиз Қодировнинг кўз олдида Жалоловнинг таъзирини бериб қўйишни, нима бўлса ҳамки, раҳсинг олдида иззат-обрўси юқори бўлишини истарди.

— Хўш, ўртоқ Жалолов, айтнинг-чи, нима учун менинг сўзларим бемаъни бўларкан?..

— Смирнов сизга бундай топшириқ бергани йўқ. Бундай топшириқни беролмайди ҳам.

— Нега шундай деб ўйлайсиз?— Ойқиз салгина илжайган бўлди.

— Лойиҳа бўйича... Гапни қисқа қилганда... Сиздан сўрар эдимки...

Жалолов сўздан шартта тўхтади ва тишларини тишларига қўйди. Офтобда қорайиб кетган юзларидан қандайдир ғуррачалар бўртиб чиқди.

— Хўш, хўш,— деди Ойқиз салгина кулимсираб унга далда берган ҳолда,— сўзингизда давом этаверинг.

— Сиздан сўрардимки,— деди у ўз сўзларини такрорлаб, томоғига тикилган нарсани ютиб,— бировнинг ишига аралашманг.

Ойқиз бир зум унга тикилиб қолди. Шу пайт унинг ранглари ўчиб, бир дақиқа ичида бўлиб ўтган шу тортишувда озиб қолгандай кўринарди.

— Гапингизга тушунолмадим,— деди у мулойимгина қилиб. Ойқизнинг лаблари кулранг тусда эди.

— Бу ишга аралашмаслигингизни сўрайман. Тушундингизми?— Жалолов жаҳл ўтида ёниб такрор қилди.

— Гапингизга яна ҳам тушунолмадим. Эҳтимол, қурилиш бошлигининг муовини эканлигимни ҳам унутгандирсиз?!

— Ҳа, муовинсиз. Бироқ тўғон ишига мен жавоб бераман.

— Сиз?

— Ҳа.

— Ўзингиз-а?..

— Йўқ, Смирнов билан мен. Иккаламиз жавоб берамиз.

Ойқиз унинг сўзларини бўлди.

— Мен-чи? Менда жавобгарлик йўқми?

— Тўғон учун... йўқ!

— Йўқ?

— Йўқ!

Ойқиз орқасига ўгирилди-ю, атрофга колхозчилар

йиғилаётганини кўрди. «Мана энди жанжалимизни одамлар ҳам эшитди», кўнглидан ўтказди у.

Ойқиз катта тегирмон тошидек япалоқ харсанг устига чиқиб, сўради:

— Ҳа, ўртоқлар, нима учун ишни тўхтатдинглар? Билиб қўйинглар,— у қўл соатига қараб олди,— яна қирқ минутдан кейин тўғон қурилишини бошлаймиз. Энди пайсалга солиб бўлмайди.

Ойқиз нима деяётганини жуда яхши тушунар ва бу сўзлар ҳамма жойда қувватланар, деб ўйларди. «Ойқизнинг сўзлари фикридан олдин юрмайди», дер эди одамлар орқаворатдан фахр билан. Ойқиз ҳозир ҳам ўзининг ҳақлигига ишонар ва бир оғиз сўз билан одамлар жой-жойларига тарқалар, деб ўйлаган эди. Бироқ у кутгандек бўлмади. Одамлар жойларидан жилмай, индамай, худди икки ўртадаги тортишув нима билан тамом бўлишини кутгандай турардилар. «Нима гап?— ўйлади саросимага тушиб у,— эҳтимол, одамлар...» Ҳа, одамларнинг авзидан кўриниб турибди. Улар ҳозир Ойқиз эмас, Жалолов томонида эканини пайқади.

Ойқиз қаттиқ ҳаяжон пчида ирғиб тошдан тушди ва шу пайтдаёқ кимнингдир терлаган оғир қўли елкасига қўйилди. У бир зумда орқасига ўгирилди, олдида турган Қодировга кўзи тушди.

— Гапга қулоқ солинг, Умурзоқова. Буйруқни бекор қилинг,— деди Қодиров жиддий тусда. Унинг овозида қандайдир самимийлик сезилиб турарди.— Сиз қурилиш бошлиғининг муовини эканлигингизни унутманг. Ҳамма жавобгарлик сизнинг гарданингизда.

— Ҳа, демак, мен ҳам жавобгар?...

— Сиз ҳам,— Қодиров қўлларини ёзди,— у ҳам... Шунинг учун айтаманки, маслаҳатга қулоқ солинг, шошманлар, қизишманлар, тўғри, мен ҳам сиз каби бу ишда унча ҳам биладиган мутахассис эмасман,— энди унинг кўзларида қандайдир киноя ва мазах кулгилари кўрингандек туюлади.— Менимча, Жалолов ҳақ. Сиз...— энди у Ойқизни очикдан-очиқ хўрлаб, мазах қилаётгани сезилиб турарди,— сиз оз-моз шошилдингиз, ўртоқ... Ҳа, ҳа,— у бир йўталиб олгач, сўзида давом қилди:— Дарвоқе, сиз нима ҳам қила олардингиз, ёшлик, тажрибасизлик дегандай... Сиз бўлсангиз, ҳаммани қойил қилишга уриндингиз. Бу тушунарли, албатта. Кимда хато бўлмайди? Ишга ҳаминша тажриба кўзи билан қаранг, ҳа!..

Бу сўзларни ҳамма эшитди. Ойқиз энди колхозчилар ичиди ўзини обрўсизлантирмоқчи ва таҳқирламоқчи эканларини чуқур пайқади. Изза бўлган Ойқиз эсанкираб қолмасликка, ўзини босишга, вазмин тутатилишга интиларди.

Ойқиз бир зум жим турди, айтадиган сўзларни асосли ва ишонарли бўлишини ўйлаб, салобат билан бошини кўтарди, Жалоловга қараб, деди:

— Ўртоқ Жалолов, буйруққа қўл қўйишдан олдин яхши ўйлаганман. Бу — бир. Иккинчидан, бугун эрталаб райком секретари билан гаплашганман. Ўртоқ Жўрабоев котлован тайёр бўлса...

— Гап шунда-да, ахир, котлован тайёр эмас! — Жалолов яна жаҳл ўтида ёниб, унинг сўзларини шартта кесди, — такрор-такрор сўрайманки, бу ишга аралашманг.

Ойқиз яна оғирлик қилди. Жалоловнинг тўхташини кутди ва сўзида давом қилди:

— Биз тўғон қурилишини бир соат бўлса-да, пайсалга солишга ҳаққимиз йўқ. Қурилиш бошлиғининг муовини сифатида сизга буюраман, ўртоқ Жалолов, — Ойқиз соатига қараб қўйди. — Йигирма беш минутдан сўнг қурилишни бошланг. Мана шу сўзларни сизга такрор айтмоқчи эдим. Марҳамат, бажаринг!

Жалолов бир неча дақиқа лом-мим демай, Ойқизга тикилиб қолди. Сўнгра нима қилишини билмай, елкасини қисиб қўйди-да, орқасига ўгирилиб, сой ичига тушиб кетди. Ун қадамлар чамаси боргач, орқасига қайрилди-да, Ойқизга яқинлашди. Унинг кўзларида афсус учқунлари чақнаб турарди.

— Майли, — деди у сал бўшаган бўлиб. — Сиз айтганча бўлсин. Йигирма минутдан сўнг тўғон танасига тупроқ ташлаймиз. Аммо ўртоқ Умурзоқова, бу ҳазилакам иш эмас. Инженер Смирновга одам юбораман. Бирор ҳодиса юз берадиган бўлса, ёрдам қилар.

— Ҳозир участкани ташлаб кета олмайсиз. Шундайми? Сира-сира мумкин эмас. Бу қиз нималарни ўйлаб чиқармайди дейсиз? — деди Қодиров. Унинг сўзлари жиддийми ёки мазах қилаётганими, билиб бўлмасди, — ёш каллада турли-туман фикрлар туғилаверади. Шунинг учун ҳам ишга тажриба кўзи билан қараб, шу ерда қолганингиз маъқул. Мана, машинам шу ерда, ўртоқ Смирновни олиб келишга ўзим бораман, ўзим тушунтираман... Қим ҳақлигини ўзи айтар.

Қодиров қўлларини орқасига қўйиб, портлатишда ағдарилиб тушган катта харсанг ёнидаги машинаси томон аста кетди.

Ойқиз атрофда турган одамларга назар ташлади. Улар қандайдир сукунат ичида жой-жойларига тарқалишиб кетардилар. «Улар берган буйруғимга рози эмас кўринадилар»,— деди ичида у. Ойқиз юраги санчаётганини сезиб бирданига Қодировга қараб қичқирди:

— Тўхтанг! Шошилмасангиз ҳам бўлади, ўртоқ Қодиров, машинангиз Ёнғоқсойга боролмайди. Онда юриш сизга ноқулай. Кителингиз чанг бўлади, рижимланади, Смирновни ўзим топаман.

Ойқиз бошини қимирлатиб, бамайлихотир юлғун новдаларини чайнаётган Бойчибар олдига келди-да, чаққонлик билан эгарга ўтиргач, Жалоловга деди:

— Йигирма минутдан сўнг тўғон танасига тупроқ ташлансин. Тантана камроқ бўлиб, жавобгарлик кўпроқ бўлсин. Вақти келганда баҳслашиб, сўнгра тантана қилармиз.

От ҳам унинг кайфиятини сизди шекилли, дарҳол югуриб кетди. Тақа тошларга тегиб ўт сачратарди. Оз ўтмай, у Ёнғоқсойга етиб келиб колхозчилардан Смирновнинг қаердалигини сўради. Ҳамма Смирнов ҳозиргина шу ерда бўлиб, Олимжоннинг бригадаси томон ўтиб кетганлигини айтди ва кимдир қўли билан Кўкбулоқ томонни кўрсатди. Қизил майкали, дўпписини чаккага кийган нотаниш бола, афтидан, бошқа колхоздан бўлса керак, қандай қилиб Кўкбулоққа бориш йўлларини ўзича тушунтира кетди.

— Бўлди, бўлди...— деди Ойқиз унинг гапини бўлиб,— бу йўлларни сендан яхшироқ биламан,— деди-ю, ўзича: «Энди ҳамма менга маслаҳат берадиган, йўл-йўриқ кўрсатадиган, тушунтирадиган бўлиб қолди шекилли,— деб ўйлади асабийлашган ҳолда,— ҳатто, мана шу зумраша ҳам... Худди Кўкбулоқ қаердалигини билмаганимдай».

Сой ичидан кетган ёлғизоёқ йўл тор ва харсангтошлар билан қопланган бўлса ҳам, Ойқиз ҳамон отни қамчиларди. Бойчибар бўлса бундай тор ва хавф-хатарли йўлда чопиш — қаттиқ қоқилиб кетишига, йиқилишига ва баҳайбат харсангларга урилиб қовурғаси синишига, чавандоз қиздан айрилиб қолишига сабабчи бўладигандай авайлаб аста қадам ташларди. Ойқизнинг раҳмсизлик билан қам-

чилашига ҳам, узанги билан қорчига пиқташига ҳам эътибор бермай, қулоғини чимириб аста-секин юрарди.

— Шошмай тур, Бойчибар, адабингни бермасам... ўшанда чолиб кетарсан,— деди Ойқиз ғазаб ичида отнинг қорчига қамчи босиб. Шу пайт бирданига оёғи тойиб кетиб, чўккалаб қолди.

Қаршида, харсанг остида турган Смирнов қиз билан юзма-юз тўқнаш келганди.

— Сой ичида гувиллаган товушни эшитдимۇ Ойқиз от чоптириб келаётган бўлса керак, деб ўйладим. Шу ерда тўхтаб, сизни кутиб турибман,— деди Смирнов оталарча меҳрибонлик билан.

Ойқиз дарҳол оддан тушди-ю, унга аста яқинлашиб, деди:

— Сизни учратганимдан шундай хурсандманки... Салом, Иван Никитич.

У Ойқизнинг юзига диққат билан тикилди. Унинг ҳам-миша хушчақчақ, қоп-қора кўзларида қўрқинч ва хавотир, қандайдир ўжарлик ва ғазаб сезиларди.

— Бирор воқеа бўлдимми?

— Ҳеч нима бўлгани йўқ, Иван Никитич. Гап шундаки, мен тўғон қурилишини бошлаш тўғрисида буйруқ бердим. Жалолов қаршилиқ қилди.

— Демак, котлован тайёр бўптида-а?

— Тайёр, Иван Никитич.

— Яхши. Яна нима?

— Жалолов қаршилиқ қилди,— деди у ўз сўзларини такрорлаб.

— Нега?

— Билолмадим. У котлован тайёр эмас, дейди. Икки қирғоқдан қазилиши лозим бўлган ўралар тайёр эмас, дейди. Иккаламиз анча қизишиб, баҳслашиб олдик... Энди ўзингиз бориб кўринг...

— Шошманг, шошманг.— У жиддий тусда қизни тўхтатди,— сиз, сиз...— унинг нафаси оғзига тикилиб, бир зум жим қолди ва аччиғи чиқиб Ойқизга тикилди. Ойқиз нималигига тушунолмаб юрагига яна гулгула тушди.— Сиз котлован тайёр, ўралар қазидан воз кечдик, дедингизми?

— Ҳа.

— Ўралардан-а?

— Ҳа.

Смирнов қизнинг жавобига ишонмагандай, унинг юзига бир-икки дақиқа тикилиб турди-да, сўнгра жаҳли чиқиб бақириб юборди:

— Тўғон қурилиши бошландими ёки...

— Бошланди.

— Бошландими, йўқми? Сиздан сўраяпман, сиздан! — Ойқиз унинг саволига очиқ-ойдин жавоб берган бўлса ҳамки, Смирнов бақирини давом қиларди. Ойқиз мулоҳимлик билан ўз жавобини такрор қилди.

— Бошланди, Иван Никитич.

— Шундай қилибсизми, энди билиб қўйинг, бир ой ўтмасданоқ тўғондан асар ҳам қолмайди, — Смирнов ингичка ва ўткир овози борича қичқирди. — Сув ағдариб ташлаб, ювиб кетади-да, парча-парча қилади. Билиб қўйинг, ҳа! Қаерда эдингиз? Қаерда эдингиз, деб сўраяпман? Нима учун менга айтмадингиз? Нима учун?

Ойқизнинг катта-катта кўзлари жикқа ёшга тўлиб, индамай турарди. Смирнов унинг қўлидан отнинг юганини ва қамчисини юлиб олди-да, узангига оёғини қўяр-қўймас, ирғиб отга минди.

От туёғининг товушлари, туёққа тегиб учган тошларнинг шақир-шуқури бир неча дақиқагача эшитилиб турди.

Йигирма тўққизинчи боб

Ойқиз турган жойида қотиб қолди. У от чопган гомонга, хиралашиб кўринаётган сойлар тубига тикилган ҳолда узоқ турди. Чопиб кетган от туёқларидан чиққан товушлар аста-секин сўниб қолди. Ниҳоят, у кўзларидан оққан ёшларни енгининг учи билан артди-ю (бир вақтлар болалигида ҳам шундай қиларди), юзини кафти билан сийпалаб қўйди. Унинг қўллари, елкалари, қаттоки боши ҳам худди кўрғошин қуйгандек зил-зил оғир эдики, кўкрагига тушган узун-узун сочларини йиғиб олишга мадори йўқ эди. У сочларини ҳам орқасига ташламай, харсангтош устига ўтириб, нимжон қўлларини тиззасига қўйди.

— Нима бўлди? Нима!..

Қиз ўзидап-ўзи сўраяптими ёки биров ундан сўраяптими — билолмас эди.

Ёнғоқсойнинг шўх ва зилол сувлари тошлардан тошларга сакраб, шовқин солиб оқарди. Ойқиз шўх-шўх оққан сувга термилар экан, эрталабки ҳолатини эслади. Нур билан қопланган, севинч-қувонч, бахт-саодат тўла эрта-

лаб, ҳамиша қиз ҳаётини қуршаб олган унутилмас дақиқалар, увутилмас эрталаб, мусаффо ҳаво, осмон қадар бахт!.. Энди-чи? Энди бу ширин дақиқалар худди болалиги сингари йироқ кўринарди. Болалиги қайтиб келмагандай, эрталабки бахт-саодат, севинч-қувонч ҳам қайтиб келмайдигандай туюларди. Мана, Енғоқсой. У ҳамиша қўнғироқдай жаранглаб оқар, ўз қўшиғи билан қизнинг севинчига севинч қўшарди. Энди-чи, у ҳам қизга бегона, эрталабки севинч-қувонч сингари йироқ... Оҳ, буларнинг ҳаммасига иқроор бўлиш, ҳаммасини ҳис этиш нақадар мушкул...

Хўш, нима бўлди?.. Нима юз берди ўзи?..

Ойқиз икки томондан қисиб келинган қирғоқларни кўз олдига келтирди: ҳозир шу ерда Ойқизнинг буйруғи билан тўғон қурилди: цемент қуйилмоқда, узлуксиз шағал тўкилмоқда, тош ташланмоқда. Бироқ бу ишларнинг беҳуда эканлигини ҳеч кимса билмайди. Чунки Иван Никитич ҳали етиб келгани йўқ. Жалолов бўлса қовоғидан қор ёғилиб, буйруқни бажарарди.

Иван Никитич тезроқ етиб бора қолсайди! Тезроқ, тезроқ!..

Ҳозир у боради-ю, Ойқиз қилган ишни ўз кўзи билан кўради. Ахир, Ойқизга қанчалик ишоншпар эдилар-а, у билан қанчалик фахрланар эдилар! Ойқиз бўлса ҳаммани алдади, чунки айни пайтда қилинаётган ишларнинг ҳаммаси фойдасиз, беҳуда. Йўқ, йўқ, фойдасизгина эмас, балки шу билан бирга зарарли ҳам. Энди у қандай қилиб халқ юзига қарай олади? Нима дейди? Нима?

У ўзини оқлай олмайди. Нима деб ҳам оқлайди. Борди-ю, шундай бўлишини сира кутмаган ва истамаган эдим деса-чи? Бу важ бўла олармикин? Ёки иш тез ва яхши бўлсин дея буйруқ берган эдим деса-чи? Бу ҳам важ бўла олармикин? Айтинг-чи, одамлар, юз-кўзига рўйирост айтинг-чи! Нима қилсин?

Ойқиз бирданига чўчиб тушиб, атрофига кўз югуртирди. Гўё олдига Қодиров тургандай туюлган эди.

Бироқ Қодиров йўқ эди. Ойқиз енгил нафас олди ва барибир ўша қўрғошнинг сингари оғирлик елкасидан босиб келаверди. Шу дақиқада елкаси кучсиз ва нимжон эканлигини ҳис қилгандай бўлди.

Йўқ, йўқ, Қодиров унинг ёнида турарди. Унинг муғамбирона юзлари ҳам, керилиб турган сергўшт қулоқлари ҳам Ойқизга қараб турарди. Энди нима қилмоқ за-

рур? Нима бўлса ҳамки, илгари қандай хатоларга йўл қўйган бўлса ҳамки, бугун у ҳақ! Бунга мардонатор туриб иқрор бўлиш лозим. Ажабо, аини пайтда, Қодиров ҳақ, чунки у адолат томонида турипти. Ойқиз бўлса гуноҳкор, бунга тан бериш қанчалик мушкул бўлмасин, Ойқиз гуноҳкор.

Қодиров-ку ҳеч гапмас, у якка ўзи бўлганда майлийди, у ҳозир ич-ичидан севиниши мумкин. Севинаверсин. Емони шу бўлдики, Ойқизнинг хатоси ҳам шуки, Қодиров билан ўчакишиб қолди. Шунинг оқибати бу. Эҳтимол, Қодиров бўлмаганда, Ойқиз бунчалик қизишмаган ва Жалоловни мажбур қилмаган бўлармиди? Қодиров олдида шарманда бўлишни истамади-да. Майли, майли, Қодиров ичиқоралик билан севинаверсин. Бу биринчи марта эмас, ичиқоралик унинг одати. Аммо Жалолов олдида уятли бўлди. Жуда уятли! Иван Никитич олдида-чи? «Оҳ, унинг назаридан қолдим. Ишончини йўқотдим, бир умр йўқотдим. Шунчалик жаҳлини чиқардимки... — Ойқиз икки чаккасига ёйилиб турган соч толаларини гижимлади, — у қанча мулойим бўлмасин, жаҳли чиққанда қўрқинчли ва шафқатсиз бўлар эди. Қандайдир катта хатога ёки бирор даҳшатли ёмонликка йўл қўйилсагина шу қадар жаҳли чиқарди. Унинг бақирганини эслаш нақадар даҳшат? Овози-чи? Овози баланд, ингичка, қулоқни тешар даражада кучли, тигдай ўткир...»

Ойқизнинг кўзларидан мунчоқ-мунчоқ ёш оқиб тушди. У енгининг учига қистириб қўйган дастрўмолчасини ҳам унутиб, кўз ёшларини енги билан артди.

Энди, қанчалик мудҳиш воқеа юз берганлиги тўғрисида ўйламасдан, йиғламасдан бўлармиди! Қолаверса, район партия комитетининг бюросида Ойқиз Иван Никитичнинг таклифи билан қурилиш бошлиғининг муовини қилиб тасдиқланган эди-ку. Энди бўлса ўз бошлиғининг юзини шувут қилиб ўтирибди. Лойиҳага қарама-қарши бўлган фикрни ўжарлик билан ўтказди! Ахир, лойиҳа Иван Никитичнинг қўли билан тузилган эди-ку! Лоақал шу томонини ҳам ўйлаб қўрмади?.. Мунозара қизиб кетган пайтда биргина Қодиров қизининг ёшлиги ва тажрибасизлиги тўғрисида гапиришга журъат қилган эди, унинг сўзларига ҳеч ким эътибор бермади. Демак, Қодиров ҳақ экан. Энди Ойқиз ҳаммани алдади, колхозчиларни ҳам, Иван Никитични ҳам, Жўрабоевни ҳам, Олимжонни ҳам алдади дейиш мумкин.

Олимжонни ҳам... Қодиров албатта унга етказди. Наҳотки, Олимжон унинг сўзларига ишонса?.. Йўқ, сира-сира ишонмайди! Ҳеч қачон ишонмайди!

Ҳамма гапни Ойқизнинг ўзи унга айтиб беради. Фақат унга. Ойқизнинг фикрларини ҳаммадан кўра у тўғри тушунади. Фақат ўзи, Олимжон, жонажон... қадрдон... севимли...

Майли, олдига солиб ҳайдаса ҳам, ундан юз ўгирса ҳам, таъна қилиб уришса ҳамки... барибир унинг ёнига бориши лозим. У томон чопиши лозим. Тезроқ, тезроқ, Ойқиз!..

У ўрнидан турди-ю, ёйилиб кетган сочларини қайтадан ўриб, орқасига ташлади ва олға қараб чопиб кетди. Баланд пошнали сариқ этикчаси тошлар устида сирпаниб, оёқлари қайрилиб кетса ҳамки, чопаверди.

Чопиб бораркан, қизнинг юраги қандайдир қувонч билан ура бошлади. Чунки у Кўкбулоқ томонга, Олимжоннинг ёнига чопарди. Булоқ кўзларини очишга, Кўкбулоқни қайтадан бунёд қилишга сўз берган Олимжон ёнига ошиқарди. У азамат йигит, у ҳамиша қизнинг ғурури, ҳозир у энг қалтис участкада, эрта азондан қоронғи кечгача чўкич ёки мисрангни қўлидан қўймайди, унга қийин, жуда қийин... Ойқиз қийинлигини билса нима учун у томон талпинади? Олимжонга нима олиб боради ҳозир?.. Кўз ёшлариними? Бахтсизлигиними? Ахир унга бусиз ҳам... унинг кучига куч қўшиш, ишончига ишонч қўшиш, унга мададкор бўлиш ўрнига, ўзи ундан мадад олиш учун борадими? Йўқ, йўқ, унинг олдига боролмайди. Бормагани маъқул...

Ойқиз қаёққа юришини билмай, таққа тўхтади. У чувалашиб кетган ўй-хаёллар ичида чарчади, ҳолдан тойди. Бошлари лўқиллаб оғрирди.

Ниҳоят, бир фикрга келди. Ҳозир у қишлоқ Советига бориб Жўрабоевга телефон қилади. Қилиб қўйган ишларини ўзи айтиб беради. Ҳаммасини айтиб беради. Рўйи-рост, ҳеч яширмасдан айтади. Ана ундан кейин, майли, коммунистлар суд қилишсин.

Ойқиз шовқин солиб оқаетган сой бўйидаги ёлғизоёқ йўлдан узоқ юриб, ниҳоят, катта йўлга чиқди. Унинг фикр-хаёлини яна кўнгилсиз воқеалар банд қилиб олди. Қаранг, шу бугун эрталаб, шу йўллардан отлиқ ўтганида ҳаммаёқ бошқача эди-ку. Тешалар лолалар билан қип-қизил ясанган эди. Ойқиз бу манзараларга термилар

экан, қип-қызарган қирлар ва тепалар лоладан эмас, балки эрталабки шафақдан бунёд бўлгандек туюларди. Ҳаво булоқ сувлари сингари салқин ва мусаффо, осмон дунё қадар кенг ва поёнсиз, қушлар шўх ва қайғусиз эди.

Энди-чи? Энди бутунлай бошқача: тепалар турли-туман чечаклар билан ясанган бўлса ҳам, ғамгин ястаниб ётарди. Зумрад осмон эса, қандайдир ранги ўчган ва хиралангандай... Ҳавонинг ҳам эрталабки мусаффолигидан асар йўқ, қушлар ҳам жимиб қолгандек...

Ойқизнинг дили қоронги эди. Орқа томондан от туёғининг товушлари эшитилганда Олтинсойга яқинлашиб қолганди. Аввалига орқасига қайрилиб қарамоқчи бўлди-ю, шу заҳотиёқ фикридан қайтди-да, йўлнинг четига чиқди.

От туёғининг товушлари тобора яқинлашарди.

Ниҳоят, Ойқиз қайрилиб қаради. Смирнов билан Жалолов отларини йўргалатиб келишарди. Жалолов Бойчибарни етаклаб олганди. Уларни кўриши билан Ойқизнинг кўнгли ёришгандай бўлди-ю, сал ўтмай, дарҳол сўнди-қолди. Смирнов ҳам, Жалолов ҳам чанга ботган, ниҳоятда чарчаган, қовоқлари солинган эди.

Улар қаерга шошилардилар?.. Нима учун? Ҳа, тушунарли, райкомга, бўлиб ўтган кўнгилсиз воқеаларни айтишга шошиладилар. Бечора Умурзоқ ота ана шундай шармандаи шармисор бўлишдан қанчалик қўрқар, ҳаммаша қизига аҳтиёт бўлиш тўғрисида насихат қиларди.

У отличларни ўтказиб юбориш ниятида бошини қуйи солиб тўхтади. Отлиқлар Ойқизнинг ёнига етиб келишлари биланоқ дарҳол ерга тушдилару йўл ёқасидаги дарахт остига, соя-салқин жойга ўтирдилар.

Ойқизнинг вужуди уят ва ташвиш ўтида ёнарди. У нима қилишини билмай қолди. Йўлига равона бўлишни ҳам ёки уларнинг олдига боришни ҳам билмай саросимага тушди. Ахир... Борса, нима ҳам дея оларди?.. Аммо улар олдида бошини кўтариб, нимадир дейиши ҳам керак-ку.

— Нега тикка турибсиз, Ойқиз?— деди Иван Никитич,— келинг, бу ерга ўтиринг.

У чўнтагидан ҳаммаша чекадиган «Беломор» папиросини олди, икковлари чекишдилар.

Ойқиз аста уларга яқинлашди-ю, дарахт танасини қучоқлаб, уларга тескари ўгирилиб, худди болалардек юзини дарахт танасига қўйди.

Смирнов ҳам, Жалолов ҳам парвосизлик билан папирос чекардилар.

— Ҳаволар ҳам жуда исиб кетди,— деди Иван Никитич.

Жалолов унинг сўзларини тасдиқлаб, жавоб берди:

— Ишлар ҳам қизғин, ҳаво ундан ҳам қизиди, одамлар ҳам ўтдай қизиб кетганлар. Эҳтимол, шунинг учун ҳам ҳаво тобора исиб бораётгандир.

Иван Никитич орқасига қаради-ю, Ойқизни кўролмаي, сўради:

— Қаерга яшириниб турибсиз, Ойқиз? Нима учун индамайсиз? Ҳали ҳам ўша воқеанинг кўнгил гашлиги-ми? Ёки унутдингизми?..

— Йўқ, Иван Никитич, унутганим йўқ,— деди Ойқиз маъюсгина овоз чиқариб.— Бунақа ишни унутиб бўладими? Ахир, менинг айбим билан...— у жимиб қолди ва бирданига баданлари титраб-қақшаб, талваса ичида дарахтнинг қуриб қолган пўстлоқларига юзини босди.

Қизнинг ҳолатини пайқаган Смирнов ўрнидан туриб, унга яқинлашди. Жалолов отлар ёнига бориб, эгарни ростлаш билан овора бўлди.

— Бўлди, бўлди,— деди Смирнов қизнинг дарахт танасини қучоқлаган қўлларига меҳрибонона қўлини қўйиб,— энди бу қилиғингиз болаларникига ўхшаб кетди, сизга ярашмаяпти. Ахир, сиз жуда бошқачасиз, ажойиб қизсиз. Ҳа, ҳа, ҳақиқатни айтдим. Мен бундай сўзларни айтишга ўрганмаган бўлсам ҳам, сизга айтишим шарт. Тўғри, сиз хато қилдингиз. Ҳа, катта хато қилдингиз десак, ҳақиқатга яқинроқ бўлади. Бу умрингизда биринчи марта йўл қўйган хатоингиз бўлгани учун ҳам, азоб беряпти. Шундай бўлиши табиий. Ахир инсон ҳаётда гоҳо қоқилади, гоҳо йиқилади. Хўш, нима учун сиз бунчалар азоб чекасиз? Эшитяпсизми, йўқми? Дарахтни қўйиб юборсангиз-чи, ахир.— У қизнинг елкасидан ушлаб, оҳиста қимирлатди.

Ойқиз кўз ёшлари билан ювилган юзини артди, бошнини кўтарди.

— Бироқ, менинг хатоим... Биламан, менинг хатоим кечирилмайдиган хато. Бундай хато учун суд қилиш лозим...

— Иқрор бўлганинг яхши,— деди инженер оталарча меҳрибонлик билан. У қизни биринчи марта сенсираши эди,— иқрор бўлиб, ўзинг тушундингми, энди тузатиш

мумкин. Мана, сен ҳам мени ақли расо одам деб билсан. Шундайми?

— Ҳа, шундай.

— Хўш, шундай экан, мени сира хато қилмайди, деб ўйларсан-а? Тўғрими?

— Билмасам...

— Мен сенга айтиб қўяй: агар ақли расоларнинг хатоларини ҳам бир ерга йиғса тоғдай бўлади. Модомики, шундай экан, сенинг хатоларинг ҳам, ютуқларинг ҳам олдинда, келажақда,— деди Иван Никитич ва кулиб юборди.— Ҳе, ноумид бўлма, умидсизланиш кучли одамга ёт хислат. Сен кучлисан, буни яхши биламан. Шунинг учун ҳам юзингга очиқ айтаманки, сенда озгина димоғ ҳам йўқ эмас. Кичкина гап ҳам иззат-нафсингга тегиб кетади. Асосий хатонг нимада эканлигини энди тушундингми? Димоғдорлик, ўжарлик, ўз кучига ортиқча ишониш... Шу одатинг бор экан, сен бир кун эмас бир кун, бундан ҳам каттароқ хато қилишинг мумкин. Бу хавfli ва қўрқинчлидир. Сен ҳамма вақт ўзингни эр билсанг, бошқаларни шер бил, уқтингми? Қотлован, тўғон масаласига келганда шуни айтишим лозимки, бу тузалиши мумкин бўлган хато. Сенга очиқ айтиб қўя қолай, Жалолов буйруғингга итоат қилмапти. Шу билан бирга, у тўғон қурилишини менсиз бошлашни ҳам лозим кўрмапти. Ахир, у пишиқ инженер, келажаги порлоқ. Уни ўз йўлидан адаштириш қийин. Сен бўлсанг... Жалолов тўғрисида хато ўйлагансан. Албатта, колхозчилар олдида, унинг олдида ўнғайсиз ҳолда қолганингдан сўнг шундай ўжарлик қилгансан. Мана энди қизиққонлигинг ва ўжарлигинг учун азоб чекмоқдасан. Менимча, бу ҳам фойдали. Энди бундай хатога йўл қўймайсан. Ахир, кўр ҳам ҳассасини бир марта йўқотади. Одамлар билан, дўстларинг билан қанча кўп маслаҳат қилсанг, хатоларинг ҳам шунча кам бўлади. Маслаҳатли ош ачимас деганлар.

— Наҳотки, яна хатолар содир бўлса...

— Улуғларнинг таъбири билан айтганда, тутунсиз ўтин йўқ, хатосиз одам. Аммо сен бундай хатога йўл қўймайсан. Ишончим комил. Албатта, тўғон қурилиши хусусида айтилман. Умуман олганда, ана шундай пайтларда... Ҳа, ана шундай мураккаб пайтларда ёнингга самимий дўстларинг борлигини унутма! Уларнинг ҳар бири қийин пайтда ёрдам қилади, кўз ёшларининг тўкилишига йўл қўймайди. Буни яхши билгин, Ойқиз.—

Иван Никитич меҳрибонларча унинг елкасига қўлини қўйди ва бошқача овоз билан сўзида давом қилди:— Ёзсқа қилиб айтганда, Жалолов билан бирга хатонинг олдини олдик. Энди мўлжал қилинган вақтда, яъни беш кундан кейин тўғон танасига шағал, бетон солинишини буюраман. Тушундингми?

Ойқизнинг жиққа ёш билан тўлган қоп-қора кўзлари ва қалин киприклари ҳеч қачон бу қадар гўзал ва чўғдек чақнамаган бўлса керак.

— Раҳмат, Иван Никитич!— деди у мулойимгина қилиб. Бу унинг ич-ичидан чиққан қалб сўзлари эди.

Смирнов унинг юзига термилди-ю, янгидан тўкиладиган кўз ёшларидан кўрқиб, совуққонлик билан деди:

— Учкагага жўнанг. Сизни кутяптилар. Отда дарров етиб боринг,— деди у бир дақиқа бурун сенсирётганини унутиб,— кўрдингизми, Жалолов Бойчибарнинг айилини тортиб боғлапти,— деб қўшиб қўйди.

Ўттизинчи боб

Олимжон чайласига кириб келганда аллақачон тун оған, ярим кечадан ошган эди. Соё ичи қоп-қоронги бўлиб, бирор ерда йилт этган чпроқ кўринмасди кўзга. Ўчиб қолган гулханлардан арча дарахтининг ҳиди анқирди.

Чайладаги қўшни каравотда Усмонов хуррак тортиб ухларди. Эҳтимол, у ҳам кун бўйи жон-жаҳди билан ишлаб, ҳаддан ташқари чарчагандир.

Олимжон тер босган оёқларидан этигини суғурди ва камарини бўшатиб, гимнастёркасининг мис тугмаларини ечди-да, уст кийимлари билан ўзини кўрна тўшалган ёғоч каравот устига ташлади, икки қўлини боши остига қўйиб, ҳузур қилиб нафас олди, чарчаган танасидаги барча мушак гўштларининг титраб, ҳордиқ чиқараётганини сизди.

Бироқ у мизғий олмади — уйқу келмади.

Унинг бригадаси неча кунлардан буён Кўкбулоқ билан олишади, аммо ҳали ҳам сувдан дарак йўқ. Олимжон халқ олдида уч кечаю уч кундузда булоқнинг кўзларини тозалаб сув чиқаришга ваъда қилган. Унинг сўзларини ҳамма эшитган, ваъдаси ҳаммага аён. Мана икки кун ҳам ўтди, оқибати эскича.

Аҳвол шундай бўлганидан кейин, уйқу келармиди? Қандай қилиб келсин!

У ирғиб ўрнидан турди-ю, қоронғида қўли билан пайпаслаб, этигини қидирди. Бир дақиқа ўтар-ўтмас чайладан чиқди-да, ёнғоқзор ичида брезентдан қилинган палатка томон йўл олди. Бу ерда қурилиш бошлиғи истиқомат қиларди.

Оз ўтмай, дарахтлар ичидан милтиллаган чироқ кўринди.

«Наҳотки, Иван Никитич уйғоқ бўлса?» — ўйлади Олимжон ич-ичидан шод бўлиб.

Бироқ инженер палатканинг тўрида, юмшоққина хас устида ширин ухлаб ётарди. Палатка эшиги олдидаги арча дарахтидан қилинган настгина стол устида чироқ ёниб турарди. Чироқ қоронғи кечада зарур иш билан қурилиш бошлиғини ахтарган одам уни қийналмай топиши учун атайин ёқиб қўйилгандир.

Тоғ ёнбағирларидан яқиндагина ўриб келтирилган, ҳали суви кетмаган турли-туман майсалар ва бойчечакларнинг ҳиди бир-бирига қўшилиб иссиққина асалнинг хидига ўхшаб, палатка ичини тўлдириб димоғларга уриларди. Олимжон палатка ичига кирди-ю, қурилиш бошлиғини уйғотишдан олдин, ана шу ёқимли ҳид билан тўйиб-тўйиб нафас олди.

— Иван Никитич, — чақирди у мулойимлик билан. — Иван ака, эшитяпсизми? Туринг. Сизсиз қийналиб қолдим, эшитяпсизми, Иван ака!..

Қурилиш бошлиғининг хурраги бирдан тўхтади. У худди қўрғошин қўйилгандек оғир қовоқларини зўрға очиб, уйқу аралаш ҳеч нарсага тушунмай, чироқнинг ёруғини тўсиб турган одамга тикилди. Ёстиғи остига қўл юбориб, ниманидир қидираркан, сўради:

— Ҳа, сенми?..

У қадди-қоматини ростлаб, оёқларини узатган ҳолда, тиниқ овоз билан гапирди:

— Нима бўлди? Қандай фалокат юз берди?

— Ҳеч қандай фалокат юз бергани йўқ, Иван Никитич. Бироқ шошилиш чора кўрилмаса фалокат содир бўлади.

— Бўлади?..

— Ҳа, Иван ака.

— Фалокат?

— Билмайман. Эҳтимол, фалокат юз берар.

— Бемаъни гаплар, — деди Иван Никитич бамайлихотир. У қўлларини ёзиб, сўнгра кафти билан юзларини уқалади, уйқусини қочиришга ҳаракат қилди.

— Очиқроқ айт, ўзи нима гап? Нима, Кўкбулоқ қочиб кетиптими? Ҳали кўзи очилмасдан қочиб кетиптими? Демак, арслоннинг изини йўқотиб қўйибсан-да?— Иван Никитич кулиб юборди.— Э, аттанг, изидан адашганинг чакки бўпти-да.

— Йўқ, Иван ака. Гап шундаки, у харсангтошлар ичига яширинган. Уни ковлаб чиқариш мумкин эмас. Ҳалигача сув йўқ, булоқ қуп-қуруқ. Уни сеҳрлаб қўйганларми дейман?

— Эҳтимол, сеҳрлагандирлар. Бироқ бош вазифа адо этилди. Кўкбулоқнинг кўзлари топилди. Энди сувга йўл очиш лозим. Кучимиз етмаса, портлатувчиларни чақирамиз, вассалом. Яна нима деб буйруқ қиласан?

— Иван ака! Сиз қадрдон дўстимсиз,— деди Олимжон ёлвориб.— Ҳозир мен билан юринг, ўз кўзингиз билан кўринг-а... Яна, портлатамиз деб, ишни мушкуллаштирмайлик. Яхшиси, булоқ кўзларини қўл билан, чўкич билан, мисранг билан тозалаганимиз маъқулдир, Иван Никитич! Юринг, ҳозирнинг ўзидаёқ юринг. Ахир бир кунгина қолди-я, қайси юз билан одамларнинг кўзига қарайман.

Смирнов уч кундан буён тўйиб ухломасди. Мана, ҳозир ҳам юмшоққина хасдан қилинган жой яна насиб бўлмади. У эринчоқлик билан ўрнидан турди. Энди у қоронғилик босган, совуқ ва нам сой бўйлаб Кўкбулоққа бориши лозим. Ахир, Олимжоннинг илтимосини рад этиб бўлармиди. Албатта, бориш ва кўриш зарур эди.

— Кетдик!

Сойнинг нариги томонидан, қоронғилик ичидан совуқ ва намгарчилик анқиб турган шабада эсарди. Олимжон қўлидаги чироқ билан йўлни ёритиб борарди.

Ўрталарида жимжитлик ҳукм суларди.

Орадан ўн беш минутлар чамаси ўтгач, улар атрофлари баланд тошлар билан қопланган ва совуқ шамолдан тўсилган яланг ерга чиқдилар. Бу ернинг ҳавоси илиққина эди. Иван Никитичдан яхшигина совуқ ўтган экан, илиқ ҳаводан танн яйраб кетди. Бу ялангликда кўм-кўк арчадан икки қатор қилиб қурилган чайлалар қорайиб кўринарди.

— Таажжуб, бу ер нақадар илиқ-а,— деди Иван Никитич паст овоз билан, одамларнинг уйқусига халал бермаслик учун.

— Кундузи салқин, кечаси илиқ,— деди Олимжон

шивирлагандек овоз билан унга жавоб қайтариб. У Бек-бўта билан Суванқулни чақириб, Кўкбулоқ бўйига олекб бормоқчи бўлди-ю, бироқ ўз фикридан қайтди: «Кун бўйи қаттиқ ишлаб роса чарчаган, ухлайверсин. Бугунги иш яна оғир».

Чайлаларда ҳукм сурган ғалати жимлик бир зумда Олимжон қалбида шубҳа уйғотди. Шу пайт Иван Никитич қоровуллар тўғрисида ниманидир айтган эди, Олимжон бу сўзларни ҳам эшитмай, осмонга тикилди ва тикилди-ю, юрагидаги шубҳани ҳам, чайлаларни ҳам унутди.

Улар ёлғизоёқ йўлдан бора туриб таққа тўхтадилар ва атрофга қулоқ солдилар. Олдинда, харсангтошлар орқасида сой бурилиб кетган жойда, Олимжоннинг бригадаси жанг олиб борган Кўкбулоқ бўйида темир-терсақларнинг жаранги, одамларнинг овози эшитилди. Соининг нариги томонида, булоқнинг қарши бетида гулхан ёнарди.

— Қандай мўъжиза бу?— деди Иван Никитич.— У ерда нималар бўляпти. Ақл бовар қилмайдиган ишлар-ку.

Улар қадамларини тезлаштириб, харсангтош томон бурилдилар. Ҳайрон қолиб, ҳаяжонга тушган Олимжон қўлидаги тошчироқни тушириб юборди. Чироқ лоп этиб аланга олди-ю, дарров ўчди. Олимжон чироқни ердан кўтарар экан, ҳаяжонини босолмай, инженерга деди:

— Қаранг, бутун бригада...

— Кўриб турибман,— деди Иван Никитич завқ билан кулиб,— кўриб турибманки, бундай кишилар бор жойда сенга портлатувчиларнинг ҳожати ҳам йўқ. Уларсиз ҳам уддасидан чиқасизлар, уларсиз ҳам тоғни толқон қиласизлар!

Кўкбулоқни ўз қаърига яширган харсангтошлар яқинида катта гулхан ловиллаб ёнарди. Гулхан атрофларида одамлар ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилар эдилар. Бир меъёрда ишлаб турган транспортёрнинг ги-чирлагани эшитиларди.

Олимжон уларнинг олдига келди-ю, тунги меҳнат сабабларини сўраб ўтирмади. Бунинг ҳожати ҳам йўқ эди. Одамлар уйқудан ва ҳордиқ чиқаришдан воз кечи-б, Кўкбулоқ ишини ёлибона тамомлашга аҳд қилганлар.

Чиндан ҳам гулхан алангаларининг ёруғи, ана шу

ёруғда бориб келаётган одамлар, уларнинг боши устида кетмонларнинг ярақлаб кетиши, одамларнинг харсангтошларда пайдо бўлаётган кўланкалари — ҳаммаси қандайдир ақлга сиғмайдиган, афсонавий манзара касб этарди.

Смирнов билан Олимжон шу дақиқанинг ўзидаёқ булоқ бўйига йўл олдилар. Булоқнинг ичида икки киши диққат ва эътибор билан жимгина ишлар эди. Булоқнинг сув чиқадиган кўзлари ёғ томса ялагундек тозаланган эди. Бироқ ҳали ҳам сувдан нишона кўринмасди.

Булоқнинг катта кўзи олдида турган Бекбўта қўлдаги оғир мисранг билан сув йўлини очарди. Суванқул чуқурнинг лабида ўтириб, ҳордиқ чиқарарди.

— Хўш, ишлар қалай? — сўради Олимжон.

— Жойида, — Бекбўта фронтдаги жангчиларга хос босиқлик ва тетиклик билан жавоб берди, — қаранг, қанча ер қазибмизу зиғирча натижаси йўқ. Кўзи юмшоқдай кўринади-ю, мисранг ўтмайди.

Иван Никитич чуқурнинг четига ўтириб, диққат билан қулоқ солди. Ерга урилган мисрангдан оғир ва юмшоқ овоз чиқарди. Иван Никитич Суванқул ва Бекбўта қазиб чиқарган тупроқдан бир сиқимини олди-да, қунт билан текшириб, чироқни яқинроқ тутишларини сўради.

— Қизиқ, — деди у ўйчан, кафтидаги тупроқни чироқ ёруғига тутиб, унга сирли термиларкан. Тупроқни бир-икки уқалаб кўрди-да, ўрнидан туриб гулхан ёнига борди, аланга ёруғида унга узоқ тикилди. — Биласизларми, оғайнилар, — деди у ниҳоят, булоқ бўйига қайтиб келгач, — бу тупроқ ҳам эмас, тош ҳам эмас.

— Нима бўлиши мумкин? — сўради Олимжон унинг ёнига ўтириб. Иван Никитич кафтидаги тупроқни рижимлаб, майдалаб, сўнгра диққат билан кўздан кечирди.

— Бўлди, ҳаммаси равшан, бундай найрангбозликни кўрганмиз, — деди.

— Найрангбозлик? Қанақа найрангбозлик?

— Босмачиларнинг найрангбозлиги, — деди Иван Никитич ва сўзида давом қилди. — Бу кигиз. Чириган кигиз. Бекбўта, мисрангни бер-чи.

Смирнов мисранг билан ўн дақиқа чамаси булоқнинг кўзига урди ва унинг овозига қулоқ солди, сўнгра мисрангни Бекбўтага топшириб, чеккага чиқди.

— Энди ҳаммаси равшан. Портлатиш зарур.

— Нима бўпти? Айтинг-чи!— сўради Олимжон.

Смирнов гулхан ёнига, тош устига бориб ўтириб, папирос тутатди. Оз ўтмай, гулхан атрофига колхозчилар йиғилишди.

— Биласизларми, ўртоқлар?— Иван Никитич уларга мурожаат қилди.— Кўкбулоқнинг кўзига кигиз ўралган қозиқ қоққанлар.

— Қандай қилиб?

— Нимадан?

— Қозиқ? Кигиз?..— гурли-туман саволлар ёғилди.

— Ҳа, кигизга ўралган қозиқ қоқилган. Кўкбулоқ қандай қилиб портлатилгани ўзларингизга маълум,— деди сўзида давом қилиб Иван Никитич.— Бу босмачиларнинг иши. Устозлари ким бўлган денг? Устозлари — ўша босмачиларни ташкил қилган ва фитнага бошлаганлар Англия империалистлари. Улар саҳролардаги қудуқларни заҳарлаганлар, тоғлик водийлардаги булоқларни портлатиб, бутунлай кўмиб ташлаганлар ва шу билан катта-катта қишлоқларни сувсиз қолдирганлар. Улар қайрағоч ёки ёнғоқдан қозиқ ясаб, уни ҳўл кигизга ўраб, булоқнинг кўзига қоққанлар. Сўнгра унинг устидан қалин кигиз ёзиб, кейин тоғ жинсларини портлатганлар, Кўкбулоқни ҳам ана шу усул билан йўқ қилганлар.

— Энди нима қиламиз?— сўради кекса колхозчи қаҳр-ғазаби ошиб. У босмачиларнинг қилмишларини ўз кўзи билан кўрган эди.

— Портлатиш зарур. Афсуски, портлатувчилар ҳам кетиб қолган. Энди уларни чақиришга тўғри келади. Улар келгунча яна икки кун қўлдан кетади.

— Йўқ, Иван Никитич, биз икки кун қўл қовуштириб ўтира олмаймиз,— деди Олимжон ва ерда ётган оғир мисрангни елкасига кўтариб, қовоғи солинган ҳолда сой тубига тушиб кетди.

Иван Никитич, Бекбўта ва Суванқул ҳам сукунат ичида унинг изидан сойга тушдилар ва оғир мисранг билан Кўкбулоқнинг босмачилар томонидан кўмилган кўзларини навбатма-навбат қазий бошладилар. Сув чиқади-ган жойда, харсанг остида энгашиб ишлаш жуда мушқул бўлганидан, улар дарҳол чарчаб қолар ва шунинг учун ҳам тез-тез алмашилиб ишлардилар. Қизгин иш саҳарга-ча давом қилди.

Тонг ёришарди.

Ишлаётганларнинг кексаси — Иван Никитич бошқалардан кўра вақтлироқ чарчади. У совуқ харсангга суяниб дам олиб ўтирганида миясига ажойиб бир фикр келди.

— Мана шу узун мисранглардан қанча бор?— сўради у Бекбўтадан. Бекбўта қўлидаги мисрангни Суванқулга бериб, дам олиш учун эндигина унинг ёнидан жой олган эди.

— Учта.

— Ҳуда соз. Мисрангларнинг учини гулханда қиздиринг. Оқариб кетгунча қиздиринг.

Суванқулнинг орқа томонида ишга шайланиб турган Олимжон анча нарида ўтирган Иван Никитичга назар ташлади-да, «тўғри айтяптилар, шундай қилсак ишларимиз юришиб кетар!» деган фикрни ўтказди миясидан.

Ишлар қизишиб кетди. Одамларнинг юзларида севинч аломатлари пайдо бўлди. Улар қизитилган мисранг билан навбатма-навбат ишлардилар. Битта мисранг ер қазиб, иккитаси эса оловда қизитиларди. Чўғдай қизитилган ва куч билан урилган мисранг булоқ кўзига қийинчилик билан ботарди. Баъзи-баъзида чириган кигизга тегиб, санчилиб кетарди. Иш тобора оғирлашарди.

Тонг ёриша бошлагач, Иван Никитич билан Олимжон гулхан олдида ўтириб, папирос чекишдилар.

— Буни куйдириш ва тешини узоққа чўзиларми-кан-а?— сўради Иван Никитич. Аммо кимдан, ўзиданми, Олимжонданми, кимдан сўраганини билиб бўлмасди.— Эҳ, шашка бўлса эди-я, ҳеч бўлмаганда битта топилсаям майлийдим, дўстим?..

— Ё бўлмаса битта тўп денг,— жавоб берди Олимжон.— Бронни тешадиган снарядни тўппа-тўғри... Қозиқ ҳам, кигиз ҳам осмонга совурилиб кетарди.

— Билмадим,— деди Иван Никитич. У соқол босган юзларини қашиб туриб, хаёл сурди:— Менимча, биз уни анчагина куйдириб қўйдик-а, Олимжон. Нима дейсан?..

Олимжон миқ этмади, унинг кўзи уйқуга кетган эди. Икки қўли тиззасидан осилиб турарди. Учиб қолган папироси ерга тушиб кетган эди.

— Олимжон чарчади,— ўйлади Иван Никитич.— Мен-чи? Ҳали тетикман, тетикман, папиросни чекиб бўлиб, яна, яна чекаман,— унинг боши шилқ этиб кўкрагига, папироси ерга тушди...

Олимжон туш кўрарди. Ойқиз қандайдир таниш китобни ўқирди. Олимжон бўлса нима учундир бошини чайқарди. У қизнинг ёқимли овозини эшитарди-ю, ўзини кўролмай, тўрт томонга боқарди ва қизнинг қаерга яшириганини билолмай, хуноб бўларди.

— Нега эшитмаяпсиз, Олимжон ака,— деди Ойқиз таъна қилиб,— ахир, мен сиз учун ўқияпман-ку.

— Қулоғим сизда,— жавоб берди Олимжон ўзини оқлаб. Бироқ у ҳамон қизни ахтарарди. Қиз бўлса тутқич бермас, ғойиб бўларди. Олимжон қизни кўролмаганига ва тополмаганига иқрор бўлишдан уяларди.

«Инсонга энг қимматли нарса — ҳаёт. Инсон дунёга фақат бир марта келади, шунинг учун шундай яшаш керакки, йиллар бефойда кетди, деб жон оғримасин... Улар чоғингда, бутун ҳаётимни ва бутун кучимни инсоният бахти учун курашга бағишладим, деб айта олгин!» Ойқиз ўқирди. Олимжон бўлса қизнинг юзлари китоб билан беркитилганини кўриб турарди. У қўлини узатиб, қизнинг юзларини очишни, унга ҳавас билан термилишни истарди. Худди шу пайт елкасидан кимдир ушлади.

— Ғалаба, Олимжон! Ғалаба!— деган овоз қулоқлари остида янгради. Елкасига қўйилган қўл зўр бериб уни силкитарди.— Уйғон! Кўзингни оч, эшитяпсанми?

Олимжон ирғиб ўрнидан турди ва ҳайратда қолган кўзларини катта очди. Бошидан оёғигача ҳўл, пешонаси қавариб чиққан Бекбўта Олимжоннинг олдига келиб кулар ва ўйинга тушарди.

— Нима бўлди сенга?— сўради Олимжон, қандай воқеа юз берганига яхши тушунолмай.

— Нима бўларди. Унинг ҳам аҳволига тушуниш керак,— деди Бекбўта ўйин-кулгидан тўхтаб, жиддий тусда.

— Кимнинг?

— Э... ўша булоқнинг нозини-да, кимнинг бўларди?— Бекбўта катта бармоғи билан орқа томонини кўрсатиб, яна қаҳ-қаҳ уриб кулди:— Уттиз йил қулфу калит бўлиб асирликда ётди. Энди озод бўлди-ю, озод қилганнинг бўйнига ташланди.

Олимжон ҳайрон бўлди, тушими-ўнгими, пайқамай қолди. Яна бояғи тушнинг давомими дея, кўрқиб кетди.

— Ким тўғрисида гапиряпсан?— сўради Олимжон

бўғиқ овоз билан. У гап нима ҳақида бораётганини сезса ҳам, элдан бурун қувонишдан чўчиб турарди.

— У энг олдин менга ташланди-ю, чалқанчасига қулатди,— деди Бекбўта сўзида давом қилиб, бошқа гапларга қулоқ солмай,— олдинига иккаламиз ҳам шошиб, типирчилаб қолдик, сўнгра иккаламиз ҳам баб-баравар шивирлашдик ва ҳайқириб юбордик. Мана, эшит, у ҳали ҳам ҳайқирмоқда.

Олимжон булоқ томон бурилди. Кун тигида харсанг остидан йилтираб, Кўкбулоқнинг озод қилинган сувлари қайнаб чиқарди. Шалдираб оққан сув тўпланиб турган одамлар олдидан сой тупроқларини юшиб, киши қалбини қувончларга тўлдириб, настга шошарди.

Сув билан бирга майда-майда тошлар ҳам, чириган дарахтларнинг қоп-қора бўлаклари, кигизнинг узилиб-юлқинган парчалари ҳам оқиб кетарди.

— Энди Кўкбулоқ ўз йўлини ўзи тозалайди,— деди Суванқул йўғон овоз билан қувончга тўлиб.

— Эҳ, тошларни тошларга уриб оқади-я.

— Кўкбулоқ баҳодир!— Бекбўта Суванқулни қувватлади,— майли, барча чириндиларни оқизиб кетсин. Булоқнинг сувлари кумушдай тоза бўлмоғи лозим.

Олимжон қайнаб чиқаётган мўъжизага мафтун бўлиб, анча вақт тикилиб қолди. Иван Никитич унга қараб-қараб қўя ва ичидан нималар кечаётганини ҳис қилар эди. У Олимжонга яқинлашди, уни оҳиста қучоқлаб, деди:

— Энди, Кўкбулоқ сувлари Олтинсойда, Олимжон, энди сувга етолмасаларнинг ҳам, Олтинсойга шошиллинглар.

Ўттиз биринчи боб

Олтинсой тоғлари, водийларида авжи баҳор. Бу ернинг баҳори худди афсоналардаги каби сеҳргар. Борлиқни ясатади, ҳуснига ҳусн қўшади, яшнатиб юборади-да, кишини ўзига ром қилиб қўяди. Қўриқлар очилиб, чигит экилаётган жойларда кундузи иссиқ, кечалари илиқ бўлса, сал юқоридаги адирларда, баҳори буғдой экилган жойларда тоғ шабадасининг оромбахш салқини эсади, ундан ҳам юқорида, ёнбағирлар тўла турли-туман чечаклар саҳар-саҳарларда шудринг билан чиройига чирой қўшади...

Кун пешинга яқинлашганда воҳа жазирама иссиқ билан нафас олади. Қуёшнинг ўтли алангаси билан чўлдаги ўтлар ҳам сўлиб, қовжираб қолади.

Иссиқ забтига олган бундай пайтларда даладаги қўй-қўзилар ҳам, чўпонлар ҳам, ёш қўйбоқар Жўра ва кенг чўл бўйлаб қўйлар орқасидан кўч-кўронларни ортиб юрадиган иккита эшак ҳам юз йиллик қайрағочнинг соясида жон сақлайди. Фақат кекса чўпон, Умурзоқ отанинг оғаси (бир вақтлар Ойқиз унинг олдига, тоғларга яланг оёқ чиқиб юрарди) Бобоқул ана шу юз йиллик қайрағоч сингари бақувват бўлиб, жазирама иссиқни ҳам писанд қилмай, таёғига суянган ҳолда узоқ-узоқларга, уфқларга тикиларди. Энди у томонларда олдидан шилдираб ариқлар оқиб турган дала шийпонлари қурилган эмиш. Шийпон бўлганда ҳам кенг ва ҳашаматли, ичига столлар, скамейкалар қўйилган дейишади. Буларни ҳали Бобоқул кўролгани йўқ, аммо кўрса бўларди. Чўпон бола Жўра эса аллақачон ўз кўзи билан кўриб келди. Чолнинг кўриб келишига сира вақт-соати бўлмаётипти. Йўл узоқ. Эшак миниб йўлга чиққанда ҳам бир кун керак бўлади. Отардаги қўйларни у ерларга ҳайдаб бориб бўлмас... У ерларда пахта ўсади. Пахта — олтинсойликларнинг азалий орзуси. Ўзбекистоннинг жамоли ва фахри.

Чол худди ҳайкалдек узоқ-узоқларга тикилиб анчагача жойида туриб қолди. У томондан ҳар замонда тракторнинг гувиллаган овози эшитиларди. Бу овоз Бобоқул учун тобора яқинлашиб келаётгандай бўлар, сўнгра трактор орқасига қайтаркан, овози ҳам узоқлашарди.

Қани энди шу тракторлар бу ерларга ҳам келса, келмайди-да. Нима учун ҳам келарди. У ерларда ариқлар бор, сув шилдираб оқиб ётибди. Бу ерда-чи? Сув ҳам, ариқ ҳам йўқ. Ҳа, ҳамма нарса ҳам бирдан бўлавермайди-да!

Чол хўрсиниб-хўрсиниб қўйди-да, уфқдан кўзларини олиб, осмонга тикилди, сўнгра теварак-атрофига қаради. Қараб туриб, баҳри-дили очилиб кетди.

Ҳа, чўпон ҳаёти ранг-баранг, қизиқ, ширин, нашъали, у ўз умрида қанчадан-қанча гўзал баҳорларни кўрган. Аммо бу қадар гўзал, бу қадар қувончли баҳор бўлмагандир. Тўрғайларнинг овозини айтинг, бирор вақт шундай шўх, шундай жарангли янграганми? Бирор вақт у

майсалар ичда шунчалар кўп сариқ, оқ ва қора капа-лаклар, ниначиларни кўрганми?

Эҳтимол, кўргандир, бунисини эслолмайди. Аммо ба-рибир кўрган бўлса ҳам ҳозирги гўзал манзарага сира ўхшамасди. Ҳозиргиси тамом ўзгача, унга ўзгача назар билан тикилиб, навосига ҳам ўзгача қулоқ солиш керак. Ана шунда нашъаси ҳам ўзгача бўлади. Ўзгача баҳра беради. Чўпон учун бундан бошқа ҳаётнинг кераги бор-ми? Асло!

* * *

Олимжон катта ва кенг йўлнинг ўртасида бир дақиқа гўхтаб, тўғри тўғон қуриладиган томонга, тоғларга тикил-ди. Сўнгра нафасини ростлаб, янги қурилган дала йўлига бурилди-да, колхоз дала шийпони томон шахдам қадам ташлаб кетди. Тоғлар ҳам, тош йўл ҳам орқада қолди. Олдинда эса уфқларга туташиб кетган, аллақачон ҳайдалган ерлар ястаниб ётар ва киши қалбига қувонч бағишларди. Ниҳоят, асрий кўриқлар очилди. Меҳнатсе-вар қўллар оппоқ-оппоқ чигитларни экдилар. Экканда ҳам меҳр-муҳаббат билан, қуёш нуридан ҳарорат олиб тезроқ кўкарадиган, кўзни қамаштирувчи кўм-кўк япроқлар ёзиб ер юзига чиқадиган қилиб экдилар. Мана, ишланган ерлар, йўлларнинг икки томонидаги ариқларда жилдираб оқаётган сув, ариқлар лабида қад кўтарган ёш тераклар — Олимжоннинг дилига севинч-қувонч бағишларди.

Бўлмасам-чи! Булоқларни тозалаш тугалланди. Яна икки кундан сўнг икки бригада экишни тамомлайди. Ка-рим бошлиқ комсомол-ёшлар бригадасининг ғайрати бил-лан канал қурилмаганда эди, пахта ҳам экилмаган бўлар-ди. Албатта, ҳали сув оз, шунинг учун ҳам фақат икки бригадагина пахта экади, холос... Бироқ келгуси баҳорда, сув ҳовузи битгач... Тўғон қурилиши ўз навбати билан борапти... Бироқ бугун Олимжон райкомда бўлганда, ўр-тоқ Жўрабоев табриклаш ўрнига, унга қаттиқ танбеҳ бер-ди. Шунчалик қаттиқ уришдики, ҳатто билагига боғланган қамчи тасмасини ечишни ҳам унутиб тураверди, колхозга қайтиб келиб, отни отхонага боғлаётганида, қамчин билан эшигининг қўнжига уриб қўйганида пайқади буни. Ший-пон томонга қараб кетди.

Қизиқ. Олимжон қаттиқ танбеҳ олиб, таъзирини еса ҳамки, қалбида енгиллик сезарди. Аммо райкомда,

аллақачонлардан буён орзиқиб қутилган табрик ва илиқ сўзлар ўрнига сўкиш эшитиб гангираб қолди. Бу гангираш, ўй-хаёл то очилган қўриқни, жилдираб оқаётган ариқларни кўрмагунча бошидан кетмади.

Албатта, Жўрабоев ҳақ эди. Райком секретари Олимжоннинг зўр иши ва катта муваффақиятларига қарамай, унинг ҳали ёшлигини ҳам аямай аччиқ-аччиқ қойиди:

— Кўкбулоқ сени кибрлантириб, бошингни айлантириб қўйибди. Сен тўнгич муваффақиятдан маст бўлиб қолибсан, одамларни унутиб қўйибсан. Ахир, одамларга ғамхўр бўлиш — коммунистнинг энг биринчи фазилати, бурчи эмасми? Ахир, Ойқиз тўғон қурилишида хато қилганида партия ташкилотининг секретари сифатида ҳаммадан олдин сен ёрдамга келишинг зарур эмасми?

Жўрабоевнинг сўзлари устига тоғ ағдарилгандек уни кар қилиб, бошини гангитиб қўйди. Бироқ бу узоққа бормади. У, миясида пайдо бўлган шовқин-суронни енгмоқ учун дарҳол ўзини қўлга олди, дадил бўлишга ҳаракат қилди, асабига ортиқча эрк бермади, диққат-эътиборини йиғиб, айтилган аччиқ сўзларни чидам билан эшитишга уринди. Гарчи, оғир бўлса ҳамки, бу сўзларни тинглар экан, нима учундир Жўрабоевнинг пешонасига тушган ажиндан кўз ололмади, кўз-қоши устидаги бу ажинлар бир зумда қорайиб, чуқурлашиб, ҳатто оқ сочларига улашиб кетгандай ҳайратда қолди.

— Ахир, бу қиз ҳаётида биринчи марта хатога йўл қўйди. Биласанми, биринчи хатоси-я! Мана шундай оғир пайтда унга сен қувват бўлмасанг, ким қувват бўлади? Уни сен суямасанг, ким суяйди? Билиб қўйгинки, бу — бизнинг партия тили билан айтганда, бепарволик дейилди. Бепарволик билан раҳмсизлик, шафқатсизлик ўртасида фарқ йўқ. Сен ана шу бепарволикдан қўрқишинг лозим. Чунки бу аста-секин одат тусига кириб қолиши мумкин. Ҳа, бундай ярамас одатдан қўрқишинг лозим. Одамларга Ильич қанчалик ғамхўр бўлган. Одамга меҳрибонликни Ильичдан ўрган.

Олимжон бу сўзларни эслар экан, дилида оғриқ ва азоб қолмаганидан шод эди.

Шод эди... Чунки яхшиям Жўрабоев Ойқизнинг унга бўлган муносабатини билмайди. Билса-чи... «Эҳтимол, билар. Агар билганда борми, янада қаттиқроқ уришган бўларди, агар сен сеvimли қизинг бошига мусибат туш-

ганида уни ёлғиз қолдирадиган бўлсанг, бу ёғидан хотиржам бўлсак бўларкан, бошқалар эсингга келармиди? Сендан нима ҳам кутиш мумкин», дерди ҳам. Олимжон ўз ишидан кулиб, хаёл сурарди ва худди Жўрабоев ёнида тургандек: «Яхши, энди бу такрор бўлмайди!» деб юборди бехосдан.

Орқа томондан кимнингдир оёқ товуши эшитилди. Олимжон орқасига ўгирилди-ю, тез-тез келаётган комсомол секретарига кўзи тушди. Карим Олимжонга яқинлашар-яқинлашмас:

— Мунча тез юрмасангиз, Олимжон ака, — деди нафаси оғзига тиқилиб, — шунча уринсам ҳам сира етолмайман-а!..

— Чақирсанг бўлмасмиди?

— Йўғ-е, уят эмасми. Соғман. Юра оламан. Аммо сизнинг юришингизга қойилман.

— Хўш, нима гап? Ишларинг қалай?

— Звеномиз эртага экишни тамомлайди. Бошқа комсомол-ёшлар звенолари ҳам чакки эмас, ҳеч кимдан қолишмайдиган.

— Қаерга борувдинг?

— Темирчилик устахонасига. Сеялка учун болт зарур эди. Айтгандай, эсимдан чиқай депти. Сизга хат бор эди, Олимжон ака, мана, қишлоқ Советининг котпби берди. Сводка учун кирувдим, ҳали тайёр бўлмапти, кейинроқ ўзи олиб келармиш.

Олимжон хатнинг конвертига разм солди-ю, шу дақиқадаёқ хижолат бўлди, хат фронтчи дўсти Гриша Петровдан эди. «У икки бор хат ёзди. Мен бўлсам биринчисига ҳам жавоб ёзганим йўқ. Мана дўстнинг иши!» У хатни бафуржа ўқиш ниятида чўнтагига солиб қўйди-да, Каримнинг сўзларига қулоқ солди. Карим ақлли, ғайратли, тез-тез гапирадиган одати бўлиб, ҳамиша қизиқ гапларни топиб гапирарди. Бироқ баъзи ҳамқишлоқлари тез гапиршини унинг камчилиги деб билардилар. Шундай бўлса ҳамки, баъзи-баъзида ундан чуқур маъволи аския ёки фикр эшитиш мумкин эди.

— Одамнинг ҳамма касофати — тилидан. Ўйлаб гапиргин, Карим, — дер эди унга баъзи кексалар.

— Оқсоқоллар, фикрларингиз хато. Тил — дил калитидир, — дер эди у бир зумда жавоб қайтариб.

Ёшлар унинг хушчақчақ аскиясини ҳам, ғайрати қайнаб турганини ҳам жуда ёқтирар эдилар. Кексалар

бўлса бу одатлар — ёшлик белгиси, улғайган сари аста-секин ўтиб кетади, дер эдилар.

— Қараб туриб, ишонгим келмайди, Олимжон ака,— деди Қарим майин тупроқ устидан ёнма-ён қадам ташлаб боришаркан.— Наҳотки, шу ишларнинг ҳаммасини ўзимиз қилдик-а? Қаранг, бир баҳорнинг ўзида қандай тоғларни ағдардик-а? Шунга ишониш мумкинми, ахир? Бу ерлар печа асрлар бўйи сув кутиб ётган? Энди-чи? Бу ишни адо этган мана шу бизнинг қўлларимиз-а! Отабоболарнинг гаплари тўғри... Жаҳондаги ҳамма нарса меҳнат ва мардликка боғлиқ экан.

— Яхши сўзларни айтдинг, Қарим. Яша!

— Бу менинг сўзларим эмас, қаердадир ўқиганман.

— Барибир, яхши. Бироқ шуни билки, ука, колхозимизда қилинган ишлар умумхалқ ишига қўшган кичик ҳиссамиз, холос. Билдингми?

— Билдим.

— Нимани билдинг?

— Бундан кейин ҳам ишламоқ зарур, янада яхшироқ ишлаш зарур.

— Тўғри.

— Барибир сизга ҳавасим келади. Сиз бахтлисиз.

— Нима учун?— сўради Олимжон.

— Сиз ватан учун қон тўккансиз. Мен сизга айтсам... бу эр киши учун олий мукофот. Мен... мен буни қатта бахт деб ҳисоблайман. Сиз фахрлансангиз арзийди. Ахир, қаерларда жанг қилмагансиз! Брестда ҳам бўлгансиз, Варшавани ҳам, Берлинни ҳам озод қилгансиз. Нима учун орден ва медалларингизни тақмайсиз. Орденларингизни тақиб юринг, Олимжон ака! Ахир, сизни Ватан тақдирлаган-ку. Сиз бўлсангиз уларни тақмайсиз.— Қарим нафасини ростлаб, афсус маъносида деди:— Мен бўлсам ҳеч қаерда бўлганим йўқ. Улгуролмадим, ёшим етмади, афсус, энди алам қилади.

Олимжон унинг тирсагидан ушлаб қўлини сиқди. Шу тонда у ёш болалигида Жўрабоевнинг яра изларига ҳавас билан термилганини эслади.

— Афсусланма, Қарим,— деди у дўстона меҳр билан,— ҳали сени жуда қизгин ва улуғ ишлар кутмоқда. Мана, сен билан суҳбатлашиб шийпонга етганимизни ҳам сезмай қолибмиз. Қара, бу ердаги тартиб, бу ердаги озодаликка қара!

— Ҳа, кўрувдим,— деди Қарим,— бугун чўпон бола-

миз Жўра ҳам томоша қилгани келган экан. Мен ҳам шу ерда эдим. Айтишига қараганда, Бобоқул ота ҳам кўришни ҳавас қилган эмиш. Бироқ бунча узоқ йўл босиб келиш қийин-да чолга.

— Унинг қўйлари қаерда?

— Ҳув учи кўриниб турган қайрағочни кўряпсизми?

— Кўриб турибман.

— Ўша томонда. Унча узоқ эмас. Беш-олти чақирим бор.

— Бу масофа сен билан мен учун узоқ эмасу, аммо чол учун бир кун деган сўз.

— Тўғри айтаёсиз.

Очилган кўриқ ўртасида қурилган бригада шийпони ялангликда ҳусн-жамолини намойиш қилиб, савлат тўкиб турарди. Ёғоч ва тахтадан пишиқ ва кўркам қилиб тикланган, усти шифер билан ёпилган, ичи зангори бўёққа бўялган шийпон баландликда қад кўтаргани учун ҳам узоқ-узоқлардан кўриниб турар ва ишдан чарчаган меҳнат аҳлини ҳам, кўчадан ўтиб бораётган йўловчиларни ҳам ўзига мафтун қиларди. Айниқса, кун тиккага келганда, жазирама иссиғи авжига олганда, ҳаммаёқ дим бўлиб нафас олиш оғирлашган пайтларда шийпон ичида тоғ шабадаси ғир-ғир ўйнаб юрар, соя-салқин жонга ором берарди. Шийпонга келиб, биров юмшоқ кўрпача устида ёнбошлаб ҳордиқ чиқарар, биров кўк чой ичиб ҳузур қилар, бошқа биров газета ёки журнал ўқиш, шахмат-шашка ўйнаш билан машғул бўларди.

Бугина эмас. Янги шийпоннинг бошқа шийпонлардан афзаллиги шунда эдики, бу ерда комсомол-ёшларнинг ўз қўллари билан бир кечада қазилган ҳовуз ва уни тўлдириб, қуёш нурида жилваланиб турган Кўкбулоқ суви шийпоннинг салобатига салобат, кўркига кўрк қўшиб турарди.

Ахир, бундан Олимжон фахрланмай ким фахрлансин, ахир, бу оғир меҳнат қилиб чарчаган кишиларимизнинг ўзлари роҳатланадиган оромгоҳ-ку!

Ҳовуз бўйларида қад кўтарган ёш-ёш ниҳоллар шабадада чайқалиб ўйнашар, зилол сувга бўй чўзиб ўз аксини намоен қиларди. Ҳовузнинг нариги томонида яқин орада янги боғ бунёд этилади. Ҳа, албатта, боғ бўлади. Сувки бор, энди ҳеч ким бунга шубҳа қилолмайди.

Карим ҳовуз бўйида озгина ўтириб, муздай сувни ҳовучидан ҳовучига тўкиб, унинг оқиши, жилдираган ово-

зига завқланиб қулоқ солар, ёш бола сув билан ўйнагандай ўйнардди. Ниҳоят, ўрнидан турди-ю, маъюс ҳолда деди:

— Энди мен борай, Олимжон ака, хайр.

— Хайр,— деди дўстидан келган хатни берилиб ўқиётган Олимжон қоғоздан кўзини олмай.

Олдин хат билан келган фотосуратга узоқ тикилди. Бу Гришанинг оила аъзолари билан тушган сурати бўлиб, стулда хотини Валя семиз ва чиройли боласини бағрига олиб ўтирарди. Солдат гимнастёркасига жанговар орден ва медалларини қадаб олган Гриша уларнинг орқасида бир қўлини хотинининг елкасига қўйиб тикка турарди. Олимжон хатни ўқир экан, худди Гриша олдида тургандек қизариб кетди. Чунки бир бетгина хат гинахонлик билан тўла эди. Димоғи кўтарилиб кетгани, хат ёзмагани учун ўртоғи дакки берарди. Аммо бу гапларнинг ҳаммаси ҳазил ва самимийлик ҳис-туйғулари билан тўла эди.

Энди Олимжон жавоб ёзишни пайсалга солмай, шу заҳотиёқ стол ёнига ўтирди. У катта блокнотнинг тўрт варағини жавоб хати билан тўлдирганини ўзи ҳам сезмай қолди. Олдинига хат чўзилиб кетгани ёқинқирамай турди-ю, бир оздан кейин «зарари йўқ, энди ҳамма қарзимдан қутулдим», дея ўзини юпатди. У дала сумкасининг ичини титкилаб, конверт ахтараётган пайтда ташқаридан, мана шу тахта деворнинг орқасидан Ойқизнинг овозини эшитди ва ҳамма нарсани унутиб, чопганича олдига чиқди.

— Янги шийпонни зиёрат қилгани келдим,— деди Ойқиз кимгадир,— ҳамма мақтайди, мен бўлсам ҳалигача кўрганим йўқ.

Олимжон ҳовлиқиб унинг олдидан чиқди-да, Ойқизни туртиб юборишига сал қолди:

— Вой, Олимжон ака, салом!— деди чўчиб тушган Ойқиз қувониб,— бунча шошиласиз, қоқилиб йиқилиб тушманг тағин, узундан-узун хатни кимга ёздингиз? Бундай хатни почта ҳам олмас дейман.

Дала шийпонига трактор бригадасининг бошлиғи Погонин кириб келди ва қўлини кўтариб Олимжон билан саломлашди-да, ҳовуз томон кетди.

— Ўқинг, Ойқиз, бир ўқиб чиқинг, ўтиниб сўрайман, ўзингиздан ҳам қўшимча қилинг,— деди Олимжон хатни узатаркан,— ҳеч бўлмаганда икки-уч сўз ёзинг.

— Дўстингизгами? Майли, жон-дил билан ёзаман.

У стол ёнига ўтириши биланоқ Олимжон қўлига ручка тутқазди. Ойқиз охирги варақнинг пастроғидан очиқ жой топиб, ўйлаб-нетиб ўтирмай ёза бошлади: «Қимматли Григорий ака! Ўзбекистонда «ака» деган сўзнинг қандай маънода эканлигини биласиз, албатта. Ижозат берсангиз, мен ҳам сизни ака деб аташни истардим. Гарчи, мен сизни танимасам ҳам, сиз ҳаммамизнинг оғамизсиз. Фурсатдан фойдаланиб сизга чин дилдан салом йўллайман. Валя опамга ҳам мендан худди ана шундай салом айтишингизни, мен учун ширин кичкинтойингизни ўниб қўйишингизни илтимос қиламан. Ҳурмат билан Ойқиз».

Олимжон бу сатрларни ўқигач, худди ёш боладай қувониб, қизариб кетди, сўнгра конверт ичидаги суратни олиб Ойқизга тутди.

— Мана, одамлар қандай яшаётганини кўринг,— деди у енгилгина таъна ва ҳавас билан.

Ойқиз ёнига ўгирилиб, суратга узоқ тикилди ва жимгина турган Олимжонга қаради.

— Мен... Хафа бўлманг, Олимжон ака... Майлими, хафа бўлмайсизми?— майин, ёқимтой овоз билан деди қиз ёлвориб. У, Погодин эшитмаслиги учун шивирлаб гапирарди,— қаранг, сувни кўриб хурсанд бўлишини қаранг.

Ҳовуз бўйида ўтирган бригадир икки ҳовучини тўлғазиб сув олар, завқ билан юзини, бўйинини, кўкракларини ювар эди.

Бироқ Олимжон Погодинга қайрилиб ҳам қарамади.

— Кутавериб чарчадим,— деди у шивирлаб,— ўша кунга қачон етишар эканмиз.

— Охирги марта жавоб берган эдим-ку.

— Қачон?

— Ҳо-о, дарров эсингиздан чиқибди-да.

— Кўкбулоқ сувлари Олтинсойга келгач... Икки ҳафтадан кейин... шуми?

— Ҳаммаси ёдингизда-ку, тагин билмасликка оласиз-а ўзингизни,— деди қиз чиройли қўлчалари билан унинг оғзини беркитиб ва зимдан Погодинга қараб қўйдди. Олимжон ипақдай майин ва илиқ қўлларнинг ҳидидан бир зумгина маст бўлди-ю, тотли бир ҳаяжон оғушида қолди. Қизнинг қўлларини маҳкам ушлаб ўпмоқчи бўлганида, Ойқиз қўлларини тортиб олди. Бўлмаса Олимжон ўзини тутиб туrolмаслиги турган гап эди.

— Бир ҳафта қолди, холос,— деди у ҳаяжон билан.
— Хўш?.. Нима бўпти?
— Ҳозирлик кўрайлик дейман-да.
— Қанақа ҳозирлик? Сиз мен учун энг ажойиб сов-
га қилдингиз.

— Кўкбулоқми?..

— Ҳа.

— Ахир, бу ҳамма учун-ку.

— Ҳамма қатори мен учун ҳам. Юринг ҳовуз бўйига. Улар ҳовуз бўйига, Погодиннинг олдига келдилар. У шапкасини ерга қўйиб, икки қўли билан тиззасини қучоқлаб, сувга термилиб ўтирарди.

— Ҳаво жуда дим бўляпти,— деди ўтирган жойидан қимирламай, — ёмғир ёғадиганга ўхшайдими дейман.

— Йўқ, ёмғир бўлмайди,— деди Олимжон,— эндиги ёмғир гўзага офат келтиради.

— Ҳа,— деди Ойқиз унинг сўзларини қувватлаб,— бу пайтларда ёққан ёмғир пахтага кони зарар.

Шогдин бирдан безовта бўлиб ўрнидан турди.

— Яна «ЧТЗ»га бир бало бўлди,— деди у жиддий тусда,— борай-чи.

Беш трактордан биттаси тўхтаб қолганини Олимжон ҳам, Ойқиз ҳам сезмаган эдилар. Сезиш ҳам қийин эди. Чунки тракторлар узоқ-узоқларда, уфққа яқин ерларда, якка қайрагонининг учи кўринган томонларда ишлар, фақат ҳар замонда, бригада шийпонига яқинлашгандагина овози эшитиларди. Бироқ тажрибали бригадирнинг ҳар шарпани эшитадиган қулоғи ва ўткир кўзи шийпонга яқинлашиб келаётган «ЧТЗ» тўхтаб қолганини дарҳол сезди.

Ўттиз иккинчи боб

— Хўш, нима бўлди?— деди Погодин тракторчи йигитга узоқдан қичқириб.— Нима гап?— яна сўради сабри чидамай плугнинг изидан катта-катта қадам ташлаб бораркан.

Погодин яқинлашиб келгач, плуг ўтган ариқчанинг четида ўтирган тракторчи билан уловчи бола ўринларидан туришди.

— Нима учун тўхтадинглар?— йўғон овозини чўзиб, жиддий сўради Погодин.

Тракторчи унга жавоб бериш ўрнига синган детални кўрсатди.

— Хўш, нима бўпти? Нима учун менга кўрсатяпсан?
Еки ўзинг ҳам энди кўраётганингми?

— Шунинг оқибатида лемех чиқиб кетди.

— Лемех чиқиб кетса қўл қовуштириб ўтиравериш керакми?

— Нима қилайлик, ахир?

— Чопиб бориб Суванқулдан янгисини олиш керак эди.

— Мана ўзи, лемех олиб келяпти.

— Сизлар қўл қовуштириб ўтираверинглар-да, Суванқул сизларга лемех олиб келсин.

— Мунча ҳам бизга ёпишиб олдинг,— деди тракторчи хафаланиб,— биз тўхтаганда Суванқул ёнимизда эди. Ўз ихтиёри билан лемех олиб келгани кетди. У бориб келгунча биз болтларни бўшатиб қўйдик. Сишиғини корпусдан бўшатиш керакми, ахир?

— Нима жанжал?— сўради Суванқул чарчаганидан нафаси оғзига тиқилиб,— мана, олинглар, жанжални бас қилинглар.

Янги ва оғир лемех ўт устига, тракторчининг оёғи остига жаранглаб тушди.

Погодин билан иккала тракторчи алланималар ҳақида сўзлашиб, бирпасда ремонт ишларига киришиб кетдилар. Суванқул трактор устидаги кетмонни олиб, ернинг қаърига кириб кетган йўғон томирни ковлашга киришди. Қўриқ ерларда ковул ва юлғун томирлари кўп бўлганидан лемех тез-тез синиб турарди. Шунинг учун ҳам қўриқ очаётган тракторчилар ҳар аҳтимолга қарши кетмон ёки бел олиб юрар, кўринган томирларни ковлаб олар, шундан кейингина тракторни ҳайдар эдилар.

Суванқул катта ва йўғон томирни қўпориб олди-да, юзидан оқиб тушаётган нўхатдай-нўхатдай терни енгининг учи билан энди артмоқчи бўлиб турганида, кўзи киши билмас келиб қолган ва жимгина турган Олимжон билан Ойқизга тушди. Суванқул уялиб, аҳтиром билан саломлашди, юзини артишни ҳам унутди ва сўнгра суғурилган томирларни оёғи билан кўрсатиб деди:

— Мана буни кўрдингларми? Агар ана шу томирлар халал бермаганда эди, ерни кечаёқ ҳайдаб қўйган бўлардик. Юлғун ва ковул ҳаммиша қўлни ушлайди.

— Бекбўтанинг участкаси ҳам юлғунзорми?— сўради Ойқиз.

Кўкбулоқ ишлари охирлагач, Бекбўта ҳам Суванқул

каби пахтачилик бригадасига бошлиқ қилиб тайинланган эди.

— Унинг ерларида юлғун оз. Бироқ шунақа томирлар учраб туради.

— Бекбўта мусобақада албатта биринчи ўринни эгаллайди,— деди Олимжон қаттиқ ишонч билан,— унда фронтдаги сингари гвардия эпчиллиги бор.

— Шошмай тур, кўрармиз ҳали,— деди Суванқул одатдагидек салмоқлаб кулги аралаш,— жўжани баҳорда эмас, кузда санайдилар.— У шундай деди-ю, ўнг томондаги тепаликка тикилиб тракторнинг овозига қулоқ солди. Қўққисдан кўзлари қисилиб, юзлари қорайди,— ҳой бригадир,— деди Погодинга ўгирилиб,— нима бўляпти-а?

Погодин плуг ёнида, ўт устида алланарсани тимир-килаб, ёнбошлаб ётарди.

— Нима бўляпти-а, сендан сўраяпман?— деди Суванқул яна хуноби ошиб,— энди билсам, мени алдаган экансизлар-да.— У Погодинга яқинлашди. Жаҳли чиққанидан ранглари қорайиб кетди.

Погодин ётган жойидан Суванқулнинг юзига савол маъносига тикилди.

— Нима учун унинг участкасида учта трактор ишляпти, менда бўлса фақат иккита? Нима, унинг ери ортиқми? Адолат борми ўзи ёки йўқми? Ахир, биз мусобақа ўйнаганмиз-ку.

Погодин ўрнидан турди, комбинезонини қоқиб жавоб берди:

— Ёш болага ўхшайсан-а, Суванқул,— унинг ранжигани сезилиб турарди.— Ахир, бригадамда ҳаммаси бўлиб бешта трактор бўлса, қандай қилиб икковларингга баб-баравар тақсимлай, ўзинг айт-чи?..

— Шундай бўлса, учтасини менга беришинг лозим эди. Нима учун шундай тақсим қилмадинг?

— Майли, шу бугуннинг ўзида, ҳозирнинг ўзида сен айтгандай қиламан,— Погодин зарда билан илжайди,— тушгача унинг ерларини ҳайдаб бўлади.

— Шошма... Ҳали кўрармиз, жўжани...— Суванқул гапини тамом қилмай, бирданига гувиллаб юриб кетган трактор орқасидан чопди. У плуг изидан кўм-кўк тутун ичида борар, онда-сонда ерга эгилиб, ҳайдовнинг чуқурлигини кўздан кечирарди.

— Халқ жуда қизиқиб кетди,— деди Погодин.— Бу

иккаласи бўлса ҳаммадан ҳам қизишиб кетган. Кеча Суванқул уйига ҳам бормаи чўлда тунаб қолди. Гоҳ ҳайдовнинг чуқурлигини текширса, гоҳ четлари қолмасин деб, безовта бўлади.

Ойқиз илжайиб, унинг сўзларини маъқуллади:

— Суванқул бесўнақай, пинагини бузмайдиган одам эди, энди бўлса уни таниб ҳам бўлмайди.

— Бу сизнинг хизматингиз, Ойқиз,— деди Олимжон,— сиз бутун халқни кўтардингиз, тўлқинлантириб юбордингиз.

— Хушомад қилиш сизга ярашмайди, Олимжон ака,— деди Ойқиз қизариб-бўзариб ва Олимжонга тикилиб, сўзида давом қилди,— сиз хушомаднинг уддасидан чиқа олмайсиз!

— Тўғри, уддасидан чиқа олмайман. Бироқ саммият билан айтаманки, бу сизнинг хизматингиз.

Ойқиз чақнаб турган қоп-қора кўзларини унга тикди:

— Сиз-чи? Жўрабобоев-чи? Смирнов-чи? Мана шу Суванқул билан Бекбута-чи? Нималар деяётганингизни ўйлаб кўринг, ахир?!

— Тортишиб ўтирманглар, дўстлар! Яхшиси, юринглар, Бекбўта бригадасининг ишларини кўрайлик,— деди Погодин ва ҳайдалган ернинг ўртасидан шахдам қадам ташлаб тўппа-тўғрига юриб кетди. Бир оздан кейин орқага ўгирилиб, кейинда қолган ҳамроҳларига қичқирди: — Ҳе, ҳе! Юринглар, тезроқ, кейинда қолманглар.

У Олимжоннинг ерга эгилганини, бир сиқим тупроқни олиб кафтида майдалаб диққат билан текширганини, ҳатто ҳидлаб, сўнгра ерга ташлаганини кузатиб турарди.

— Энди фақат оғизга солиб, таъмини татиб кўриш қолди, Олимжон,— Погодин кулиб юборди ва шу дақиқанинг ўзидаёқ жиддий қўшимча қилди:— Ажойиб тупроқ. Ҳатто ҳиди ҳам бошқа ерларникидан фарқ қилади. Шунча йил ишлаб, бунақанги бўлиқ ерни кўрмагандим.

— Бу ерларга асрлардан буён экин экилмаган. Кетмонни ҳам, омочни ҳам кўрмаган,— деди Ойқиз.— Бу азотга бой тупроқ. Бундай бўлиқ ерда пахта ҳам яхши ўсади. Астойдил меҳнат қилинса, юқори ҳосил олиш мумкин. Планин ҳам анча ошириб адо қилса бўлади. Энди сувимиз ҳам мўл. Бироқ пахтани суғоришда эҳтиёт бўлмоғимиз лозим. Агар сув талабдан зиёд қўйиладиган бўлса, кучли ерларнинг ғўзалари ғовлаб кетиши аниқ. Унда биз ҳосил ўрнига ғўзапой йиғиб оламиз.

Улар ҳали ҳайдалмаган, кўм-кўк ўтлар, юлғунлар, ковул ва лолалар билан қопланган бўз ерга чиқдилар. Уфқдан уфққа чўзилган бу поёнсиз чўлнинг у ер-бу ерида томирларни ковлаб юрган одамларгина кўринарди. Вақти келиб ана шу бўз ерлардан асар ҳам қолмас, чунки қудратли ЧТЗ нинг изчил қадами ҳамма кўриқ ва бўзларни очишга қодир. Ҳозир улар уфқнинг этагида ишлаётганидан овози ҳам эшитилмас, шарпаси ҳам кўринмасди. ЧТЗ ағдариб кетган поёнсиз ерларнинг ўртасида иккита унiversal оралиғи бир-бирдан анча узоқда сузиб юрар ва оппоқ чигитни қаторма-қатор қилиб экарди.

— Қаранглар, бериги сеялкада ким ўтирибди?— сўради Погодин,— танидиларингми?

— Бекбўта-ку,— жавоб берди Ойқиз қўлини пешонасига қўйиб, кенг далада сузиб юрган трактор орқасига уланган кўм-кўк сеялкага термилди.

— Ҳа, ўшанинг ўзи,— деди Погодин.

Бекбўта уларга қараб илжайди. Унинг чанг босган юзларида бахт қувончи сезилиб турарди. У қўлини баланд кўтарган ҳолда дўстларига нималарнидир қичқирди. Бироқ тракторнинг овози ва масофанинг узоқлигидан дўстлари унинг сўзларини эшитолмай, қўлларини баланд кўтариб уни табрикладилар.

— Яша, Бекбўта! Худди ёш боладек хурсанд-а,— деди Олимжон.

— Хурсанд бўлмай бўладими? Экишни тамомлаяпти,— деди мамнун бўлиб Погодин.

Наинки Бекбўта, Олимжон ҳам, Ойқиз ҳам, Погодин ҳам экишни тамомлашдек зўр воқеа муносабати билан Бекбўта сингари шод эдилар. Улар кенг далада сузиб юрган тракторлар ишга мафтун бўлиб, шийпон томондан, бўздан от миниб келган қишлоқ Совети секретарини ҳам пайқамай қолдилар. Отлиқ уларнинг ёнида пайдо бўлганда ҳаммалари таажжуб ичида унга қарадилар.

— Раҳмат ака? Қандай қилиб келиб қолдингиз?— деди Ойқиз ҳайрон бўлиб.

Қишлоқ Советининг секретари пинагини бузмай ўзини аста ардоқлаб отдан тушди-да, улар билан саломлашгач, шопилмасдан жавоб берди:

— Уртоқ Умурзоқова, сизни зўрға топдим. Тўғонда ҳам бўлдим, янги дала шийпонида ҳам бўлдим... Мана бу қоғозларга имзо чекишингиз лозим.

Ойқиз қоғозларни бир неча дақиқа кўздан кечирди

ва чап кафтига қўйиб уларга имзо чекди, кейин секретардан нималарнидир сўраб, қоғозларни қайтариб берди. Секретарь боягидек бамайлихотир отига минди-да, кўм-кўк бўз орқали жўнаб кетди.

Олимжон билан Погодин унинг орқасидан қараб қолдилар. Ниҳоят, ўртадаги жимликни Олимжон бузиб, сўради:

— Айтинг-чи, Ойқиз, Умурзоқ ота нима дер эканлар?..

— Нимага?

— Билиб билмасликка оласиз-а?

Ойқиз бошини қуйи солди. Анча вақт жим қолиб, этикчасининг пошнаси билан иккинчи пойининг пошна-сига ёпишган нам тупроқни қириб ташлай бошлади.

— Ойқиз...

— Нима...— эркаланиб, кўзларини сузди Ойқиз.

— Умурзоқ отам йўқ демаслар-а?

— Билмадим. Дадам бу урушда икки ўғилдан ажралдилар. Энди уларнинг ўрнига... дадамлар сизни яхши кўрадилар. Ҳадеганда кўравермасалар... соғинадилар...

Ўттиз учинчи боб

Чигит экишнинг охирги кунларида ҳамма зўр бериб ишлади. Тракторчиларнинг ишини кузатиб юрган Погодин, чарчаб қолганларга оз-моз бўлса-да, мизғиб олишга имкон бериш учун гоҳ унинг тракторини, гоҳ бунинг тракторини ҳайдар эди.

Бугун ҳам шундай бўлди. У ёш тракторчининг кўзи уйқуга кетиб боши рулга тушганини, қўли сирғаниб кетаётганини кўрди-ю, югуриб бориб уни қаттиқ уришди ва зўрлаб трактордан тушириб ўрнига ўзи ўтирди, беш соат чамаси, охирги гектарларни экиб чиқди.

Ниҳоят, трактор ва сеялкани ҳайдалмаган бўзга олиб чиқди. Моторни ўчириб, рулда ўтирган ҳолда атрофга чўккан жимликдан завқланди. У трактор устида ўтирар экан, ҳамон кенг далада сузиб юргандай, ҳамон трактор чайқалиб, мотори гувиллаб тургандай сезиларди. Гарчи, у узоқ ишлаб, қаттиқ чарчаган бўлса ҳамки, чигит экилган поёнсиз дала дилига битмас-туганмас қувонч бағишларди.

— Ҳар ҳолда, уддасидан чиқдик,— деди Погодин мамнун ҳолда овоз чиқариб. У ўтирган жойида икки

қўлини гарданига қўйиб, ҳузур қилиб керишди, — графикдан бир кун олдин бажардик.

Сеялкачи боланинг қалбида ҳам Погодиннинг юрагида кечган ҳис-туйғу тўлқин урарди. У ҳам иш аллақачон тамом бўлган бўлса ҳам Погодинга ўхшаб ерга тушмай сеялка устида завқланиб ўтирарди. У механик айтган сўзларга диққат билан қулоқ солди-ю, бироқ яхши эшитолмай қолди. Ҳар қалай, мамнун бўлиб бир нима деганини пайқади.

Мана энди уларнинг олдида умр бўйи биринчи марта ҳайдалган ва экилган қадимий ерлар, биринчи марта одамзод қўли билан парвариш қилинган ва ардоқланган ерлар ястаниб ётибди. Модомики, шундай экан, инсон ўзи билан, одам боласи билан фахрланмай бўладими? Инсон деган сўзнинг мағрур жаранглаши шундан эмасми? Ҳақиқат бу!

Ҳа, энди бу ерларни қадимий ерлар деб бўлмайди. Энди у инсон иродаси билан асрий уйқусидан уйғонган, биринчи бор ҳайдалиб танасига шабада теккан, бағрига уруғ ташланган, бутун вужуди, ҳусн-жамоли тубдан ўзгартирилган, қайтадан дунёга келган янги ер бу! Янгидан очилган ер бу! Навқирон ер бу!

Мўъжиза яратилди: ўтзор ва бутазор бўлиб ётган ёввойи ерлар бирданига ҳосилдор ерларга айлантирилди. Яшарди ва гўзал бўлди, энди у баҳорга ўхшайди, келинчакка ўхшайди.

Ахир, бу мўъжиза эмасми? Ахир, бу инсон фахри эмасми?

Ҳатто, ана шу янги ерларнинг нариги бошида қад кўтарган қорли тоғлар ҳам, устига ҳар куни қуёш ёғду сочиб турса ҳам ҳамиша мағрур, ҳамиша нурдан ярқираб ёшарган бўлса ҳам, барибир одамзод қўли билан очилган ва парвариш қилинган гўзал ва навқирон ерлар олдида худди эскириб қолгандек, ранги ўчгандек, зик бўлгандек кўринарди.

— Эҳ, ажойиб иш бўлди-да,— деди Погодин завқ билан ва трактор устидан ирғиб тушди.

— Нима?— сўради сеялкачи бир зумда унинг олдида пайдо бўлиб.

— Одамлар жуда ажойиб-ғаройиб иш қилдилар, дейман.

— Бизлар-чи?

— Ким?.. Бизларми?..

— Ҳа.

— Бизлар ҳам...

Погодин тракторни текширди, гайканинг калити билан у жойига, бу жойига уриб, овозига қулоқ солди, радиатор ва ғилдиракларни кўздан кечирди.

— Армияга чақирилган йигитларни текширгандек текширасиз-а,— деди бола кулимсираб.

— Бу сенга армияга чақирилган бола эмас, солдат. Чинакам солдат... Мана, кўрдингми, қандай жанглارни бошидан кечирди. Ё гапим чакими? А, лаббай!..

— Тўғри айтдингиз,— деди бола қизаринқираб, жун босган энсасини қашиб.

— Ҳа, ҳа, шундай дегин,— деди Погодин унга ҳазил аралаш пўписа қилиб,— менга қара, тракторчи бўлишни хоҳлайсанми?

— Оҳо, хоҳлаганда қандоқ.

— Ундай бўлса билиб қўй. Сенга биринчи пасиҳатим, болакай, шу. Тракторни, айтайлик, ҳақиқий танк сингари севиш лозим. Уқтингми? Ёки сен ҳали армия хизматида бўлганинг йўқми?..

— Йўқ. Армия хизматига энди бораман.

— Бўлмасам, сенга соддароқ қилиб айтай. Тракторничи, энг яхши отдай севиш лозим. Ҳамиша севиб парвариш қилиш зарур. Ахир, сен отни яхши сеvasан-ку?

— Севаман.

— Яхши. Тракторни ҳам ана шу отдай севиш лозим. Ўз вақтида артиш, ёғлаш, ёнилғи билан таъминлаш зарур. Машинаки меҳрибонлигини сездими, бас, сира измингдан чиқмайди, шарманда қилмайди. Ҳамиша олдинга тортаверади. Машинага ҳам меҳр қўйиб парвариш қилиш лозим. Бу сўзларни доим эсингда тутсанг, сендан ажойиб тракторчи чиқади. Тракторчигина эмас, балки чин қаҳрамон чиқади!— Погодин гайканинг калитини ушлаган катта ва кучли қўлларини боланинг елкасига қўйди.— Хўш, энди бор, сен ҳам дам олишинг керак.

— Сиз-чи, Иван ака?! Мендан кўра ҳам кўпроқ чарчадингиз-ку...

— Бор, Ҳасан, боравер.

Погодин гайканинг калитини асбоб-ускуналар солинган яшикка ташлади, трактор устидаги чарм камзулчасини елкасига солиб, ювиниш учун булоқ бўйига йўл олди.

Қуёш, шабада, оппоқ чўққилари осмон билан ўпиш-

ган баланд тоғлар, очилган қўриққа қадар кўм-кўк ўтлар ва ранг-баранг чечаклар билан қопланган чўл, бугазорлар ичида чийиллашган турли-туман қурт-қумурсқалар, ошпоқ мойчечак устига қўнган кўм-кўк капалаклар — ҳаммаси бу паҳлавон йигитнинг қувончига қувонч қўшар, дилида аке садо қиларди.

Бир ҳафта бурун, бир ҳафта эмас, балки кечанинг ўзида ҳам у атрофини ўраб олган бу гўзалликни кўрмаган, сезмаган эди. Бунинг ажабланидиган ери йўқ. Чунки у бутун вужуди, фикр-хаёли билан осмон ўпишган тоғларни, майсалар ичида сайр қилиб юрган қурт-қумурсқалар, капалакларни эмас, балки фақат ва фақат экинни ўйларди.

Мана энди экин-тикиндан ҳам қутулди, дам олиб ҳордиқ чиқариш ҳам мумкин.

Экин-тикин йил охиригача чўзиладиган ўзбек ёзининг бошланишидир. Бу ёз ҳаминша қизгин иш билан тўла бўлади. Экинзордан сеялка чиқиши биланоқ, культиватор, акучник ва бошқа машиналар кириб келади. Оз ўтмай йиғим-терим.. Пахта териш машиналари далага чиқади. Яна Иван Борисович учун ташвиш, яна кадрлар тайёрлаш... Ўй-хаёлларга ғарқ бўлган Погодин гоҳ пастлаб, гоҳ баландлаб учиб ўйинга тушаётган тўрғайларга, ойна кўзли пиначиларга маҳлиё бўлиб Қултепага етиб келганини ҳам сезмай қолди.

Мана, Ойқизининг булоғи! Ҳа, булоқнинг номини шундай аташ лозим. Фақат шундай. Ахир, булоқни очган ва унга қайта ҳаёт бахш этган Ойқиз-ку. Чиндан ҳам бундан уч ой бурун бу булоқни ким биларди? У ҳамманинг хотиридан кўтарилган, ташландиқ эди. Ундан ўлдим-ўлдим деганда чиқадиган кўз ёшидай сув бир печа қадам босмай қуриб қоларди. Мана энди у тошдан-тошга сапчиб, тўлқин уриб, шовқин солиб оқяпти. Булоқ катта зангори кўл ичидан шошиб-пишиб қайнаб чиқар эди-да, тез оқиб янги қурилган каналга шўнғиб кетар, сўнгра ариқ-ариқларга ва жўяк-жўякларга — колхоз далаларига равона бўларди. Зангори кўлнинг нариги томонида катта харсанг қад кўтарган бўлиб, кўлдаги тиниқ сувга соя солиб турарди. Айтишларига қараганда, Ойқиз ана шу харсангтошни ва тош остида чиқаётган сувни кўрганда, булоққа ҳам, ундан чиқаётган сувга ҳам раҳми келиб, дарҳол уни тозалаш ва тирилтиришни истаган. Шу ердаёқ унинг миясида тоғлардаги булоқларни тозалаш,

сувларини йиғиб, колхоз далаларини суғориш фикри пайдо бўлган.

Мана, Ойқиз! Кўряписизми, одамлар бир баҳорнинг ўзидаёқ қанчадан-қанча улуғ ишларни бажариб қўйдилар. Ахир, бу ишларнинг ташаббускори Ойқиз эмасми?!

Погодин харсанг олдиға яқинлашди. Қўлидаги чарм камзулини одати бўйича трактор устига ташлагандек тош устига иргитди.

— Ҳозир тўйиб-тўйиб шу сувдан ичман, ювинаманда, сўнгра анави майса устига чўзиламан,— деди у ўзига-ўзи овозини чиқариб,— шундай хуррак тортайки, еру кўк эшитсин, ҳа, шундай...

Унинг гапи бўлинди. Қандайдир шарни сезиб қулоқ солди. Қандай мўъжиза?! Назарида қиз бола кулиб юборгандай бўлди. Балки қулоғига шундай чалингандир.

Погодин чиройли ва тиниқ кўлга тикилди-ю, кўзларига ишонмай саросимаға тушиб қолди. Сувдаги тош сояси олдида яна бошқа, осмондаги булут сингари оппоқ соя ҳам намоён бўлди. Гўё у катта ва кулранг харсангтошға ёпишиб қолгандек тошдай қотиб турарди. Погодин кўзларини катта очиб, ана шу оппоқ сояға бир зум тикилди-да, беихтиёр:

— Лола?!— деб юборди.

Соя салгина бўлса ҳам қимирламади. Ўз жойида жимгина турарди. Погодин енгил ва оппоқ сояға диққат билан тикилиб турди-да, қувонч билан деди:

— Қўлга тушдингиз, Лола! Соянгиз фош қилиб қўйди. Марҳамат қилиб тошнинг панасидан чиқинг. Ҳатто қандай табассум қилаётганингизгача кўриб турибман.

Сув ичидаги соя салгина чайқалди ва тошдан ажралди. Бироқ ҳамон жимлик ҳукм суларди.

Энди Погодин зилол сувда қизнинг акс таъсирини яққол кўрди. Мана у иккита қилиб ўрилган узун ва оғир сочларини кўкрагига олиб, кафтига қўйиб турди-да, яна орқасига ташлади, ҳатто унинг пастки лабини ими-жиммида тишлаб туриши, бошидаги дўпписини тузатиб кийгани, яна тошдай қотиб жим тургани — ҳаммаси-ҳаммаси сув ичидан кўриниб турарди.

Погодин Олимжоннинг синглиси Лолани танирди. Онда-сонда кўчада, колхоз идорасида ёки далада учратганида бир-икки оғиз сўз айтганини истисно қилганда, у билан яқиндан гаплашишға муяссар бўлмаган эди. Бироқ у билан бир сафар учрашиб қолганида қизнинг юзи

лоладек қизариб кетганини, хайрлашиш учун қўл берганида эса ранги оқарганини сизди. Нима учундир йигит шу куни телбаларга ўхшаб юрди, миясига қандай фикр кириб чиқганини ҳам билмади. Шу-шу бўлди-ю, ҳаётида биринчи марта юрагининг уришига қулоқ солди. У кун бўйи оромини йўқотган юрагига, гоҳ қувонч билан, гоҳ кўрқинч билан урган юрагига қулоқ солди.

— Сувда кўринган соя нимага ўхшайди?— сўради кўққисдан тош орқасидан чиққан овоз.

Погодин кутилмаган саволдан саросимага тушиб, бир дақиқа ўйланиб қолди, сўнгра жавоб берди:

— Ошпоқ булутга.

Тош орқасидан жаранглаган кулги кўтарилди.

— Нега куласиз?

— Ахир, харсангтош... ошпоқ булутга ўхшайдими?..

— Харсанг?..

Жаранглаган кулги яна баландроқ кўтарилди.

— Йўқ, йўқ!.. Мен бу соя тўғрисида гапирганим йўқ!

— Бўлмасам қайси сояни айтяпсиз?

— Ҳув анави соя... ҳув... унинг ёнидаги бошқа сояни.

— Ўшанисини мен ошпоқ булутга ўхшатдим-да.

— Ахир, ўша... ўша менинг соям-ку...

— Мен ҳам ўшанисини айтдим.

Энди Погодиннинг юрагида тўла ишонч ҳосил бўлган эди. Қиз бошқа бирор сўз айтишга журъат қилолмай, жимгина турди-ю, сўнгра майин овоз билан деди:

— Йўқ, Иван Борисович. Менинг сўзимни тушунмадингиз.

— Тушунмадим?..

— Ҳа, тушунмадингиз. Мен сиздан ҳув анави тошнинг олдидаги катта соя нимага ўхшайди, деб сўрамоқчи эдим.

— А... Тошнинг олдидаги дейсизми?..— Погодин ўйланиб қолди,— туяга ҳам ўхшаб кетади.

— Туяга? Эҳтимол... Бу жавобингиз дуруст. Биласизми, мен бу сояни нимага ўхшатар эдим?

— Нимага, Лола?

— Менимча бу — Африкадаги каркидонга ўхшайди.

— Ҳо, ажойиб-а!..

— Чиндан ҳам ўхшайди-а?..

— Ҳа, жуда ўхшайди. Каркидоннинг худди ўзи.

— Бироқ мен тирик каркидонни кўрмаганман, фақат суратда кўрганман.

— Мен ҳам.

Икковлари ҳам узоқ жимиб қолдилар.

— Экишни тамом қилдингизми, Иван Борисович?..

— Ҳа, ҳозиргина.

— Сизни табриклаш лозим.

Погодин елкасини қисиб қўя қолди. Бироқ қиз тош орқасидан буни кўролмади.

— Нимага индамайсиз? Нима, табриклашга арзи-майдинми?

— Бир нима деёлмайман, фақат арзитган муродига етсин дея оламан, холос,— деди у жасорат билан жавоб бериб. Орага жимлик чўкди. Сўнгра қиз деди:

— Табриклайман!.. Чин дилдан.

— Йўқ, Лола, мен бундай табрикни қабул қилол-майман.

— Нима учун?.. Бўлмасам қандай табрикни қабул қиласиз?..

— Ҳеч бўлмаганда қўлимни сиқиб табрик этса-лар... Сиз ҳам, ниҳоят, тош панасидан бу ёққа чиқсан-гиз...

Қиз қийин аҳволда қолди. «Наҳотки?.. Унинг олдига бориш шартми? Йўқ, йўқ, Иван Борисович, хато қила-сиз, ҳеч қачон бўлиши мумкин эмас. Билиб қўйинг, ҳа...»

— Салом, Лола!

Қиз кутилмаган овоздан титраб кетди ва салгина са-росимага тушди. Погодин кўришмоқ ниятида қўлини узатиб, қизнинг қаршисида турарди.

— Салом!.. Иван Борисович, табриклайман!.. Чин дилдан.

— Раҳмат. Энди менинг ҳам табригимни қабул қи-линг, чунки бу ҳаммаинг иши.

— Булоқ сувида ювингани келувдингизми? Ё дам олмоқчимидингиз?

— Энди дам олсак ярашар дейман, тўғрими?..

— Албатта. Фақат мен сизни қўрқитиб юбордим. Хайр. Энди кетай.

— Йўқ, йўқ! Қаёққа кетасиз? Нима учун?— Погодин қўрқиб кетди, ранглари ўчди.

Қиз унинг юзига дадиллик билан тик қаради ва ито-аткорона бўйсуниб, деди:

— Яхши. Ювининг.

Бироқ Погодин турган жойида қотиб қолганди. Қиз-

нинг ҳусни жамоли шунчалик мафтун қилиб қўйган эдики, жойидан қимирлолмасди. Ҳалигача у қизларнинг бу қадар қора кўзларини, узун-узун киприклари ва қалин қилиб ўсма қўйилган қайрилма қошларини, айниқса, жуда гўзал ва покиза лабларини кўрмаган эди.

— Ювининг, — деди қиз ва унга тескари ўтириб олди.

Погодин бирданига уйғониб кетгандай бўлди ва энди худди ёш боладек, қиз нима деса ҳаммасини адо қилишга тайёр эди.

— Мен ювингунча кетиб қолмайсизми?..

Қиз салгина илжайди.

— Йўқ, кетмайман.

Погодин сув бўйига бафуржа ўтириб олиб, сап-сариқ қум билан кафти ва панжаларидаги мазутни ишқалаб юва бошлади. Ювинарқан, қизнинг кетиб қолишидан чўчир, юраги така-пука бўларди, шу билан бирга энди гапни нимадан бошлаш ташвиши босарди, яна нималарни сўрашни, қандай саволлар беришни кўнглидан ўтказарди. Албатта, Лолага бирор воқеани ҳикоя қилиб берса яхшироқ бўларди-ю, аммо қанча ўйласа ҳам миясига бирор фикр келмасди. Шошма, Лолага МТС ишлари ҳақида гапириб берса-чи? Масалан, мана, ҳозир трактор жорий ремонтга қўйилмоғи лозим. Бироқ МТСда запас қисмлар ҳам йўқ, бабит ҳам, кўргошин ҳам йўқ. Нима учун йўқ, бу нима деган гап? Беарволикми? Совуққонликми? Ёки жиноятми? Шуларни Лола қизиқиб эпитармикин?

— Хўш, Лола, Ҳалимбобонинг аҳволлари қалай? — сўради орқасига ўгирилмай, қўлини қум билан ишқалаб.

— Ҳалимбобо дейсизми? Ҳали жуда тетиклар. Шу бугун янги ниҳоллар ўтқазишни тамомладик.

— Қандай ниҳоллар ўтқаздиларинг?

— Олма, кашмир гилоси, ўрик, шафтоли. Ҳалимбобо ҳозиргина дам олишга кетдилар. Боғбонлар ҳам тушликка чиқишди. Мен ҳам уйга бормоқчи эдим, бироқ шу томонга... булоқ бўйига қайрилгим келди. Қачон шу булоқ бўйига келсам, биласизми, ким тўғрисида ўйлайман? Ойқиз опам тўғрисида ўйлайман. Виждон ҳақи айтсам, Ойқиз опага ўхшашни истардим.

— Олтинсойда Ойқиздан ҳам гўзал қизлар бор, — деди Погодин қўққисдан.

— Мен билан тортишманг, — Лола ялт этиб унга қаради. Ўсма қўйган қошлари чимирилди, — мен Ойқиз

опани яхши биламан. Ҳатто болалигимдаёқ унга ўхшасам деб ҳавас қилардим.

— Хўш, Олимжон тўғрисида нима дейсиз?..— Погодин булоқ бўйида типпа-тик туриб, сувга тикилган ҳолда сочини тарар, қизнинг туришини кўздан кечирарди.

— Сиз менга қийин савол бердингиз. Олимжон акам... Менимча, Олимжон билан Ойқиз — бир-бирларига муносиб.

— Албатта, тўғри...— энди Погодин тошнинг олдида, қизнинг ёнида турарди,— Лола, акангиз менга ҳамиша ёш ва мустаҳкам дуб дарахтини эслатади. Биласизми, дуб жуда қаттиқ дарахт, у бўрондан ҳам, довулдан ҳам қўрқмайди.

— Иван Борисович,— деди қиз бирданига хитоб қилиб. У йигитнинг юзига қандайдир тантанавор ва сирли боқарди,— сўзларингиз... яхшиси, шуки... ҳозир келаман.

Қиз ҳозиргача қўлида ушлаб турган ва вақт-вақти билан унинг баргларига ҳавас билан термилган лолаларни Погодиннинг қўлига тутқазди-ю, булоқ суви жилдираб оқаётган ариқ ёқалаб чопиб кетди. Погодин унинг орқасидан қараб қолди. Қизнинг чопгани асло сезилмас, енгил кўйлаги шабада билан ўйнашар ва гавдаси кўм-кўк ўтлар устидан учиб бораётгандай туюларди. Унинг қомати қанча узоқлашса шунчалик кичрайиб борди, сўнгра қандайдир пастликка тушиб кўздан ғойиб бўлди.

Погодин жойида қимир этмай, оппоқ кўйлак кўздан ғойиб бўлгунча термилиб турар ва яна қачон пайдо бўлишини орзиқиб кутарди.

Қиз дарҳол пайдо бўлди ва тезда шу томон яқинлашиб келаверди. Ширин табассум билан чопиб келаётган қизнинг юзларига Погодин қувонч ва ҳаяжон-ла боқарди. У булоқ бўйига етиб келгач, қўлида куртак отган иккита ниҳол ва бел борлигини фаҳмлади.

— Мана, Иван Борисович,— деди қиз нафаслари оғзига тикилиб,— мана бу дуб, буниси эса чинор. Мен бу ниҳолларни қаерга эксам экан, деб ўйлаб юрардим. Энди биз бу ниҳолларни шу ерга — Ойқизнинг булоғи бўйига ўтқазамиз. Майли, ёнма-ён ўссин. Марҳамат, Иван Борисович, белни олинг-да, мана шу ерни, сувга яқинроқ ерни қазинг,— деди қиз қувонч билан ва шу топдаёқ бехосдан сўраб қолди:— Яна ўқишни истайсизми?..

— Уқиш?..
— Ҳа.
— Билмадим. Эҳтимол...
— Мен бўлсам, албатта ўқийман. Қайси ўқишга киришимни айтайми?

— Айтинг, Лола,— у ер қазишдан тўхтаб, Лоланинг юзига термилиб турарди.

— Қишлоқ хўжалик институтининг боғдорчилик ва узумчилик факультетига. Мичурин бўлмоқчиман, Иван Борисович.

Погодин хаёлга чўмган ҳолда ҳавас билан қизнинг кўзларига қаради-ю, маъюсланиб ер қазишда давом қилди.

Ўттиз тўртинчи боб

Тун бўйи тоғларда чақмоқ чақиб, момақалдироқ гулдиради. Одамлар хавотир ичида мизғимай чиқдилар. Гўё тоғлар бир жойдан иккинчи жойга кўчгандай, баланд-баланд чўққилар қоп-қора жарликларга ағдарилиб тушгандай бўларди.

Умурзоқ ота дам-бадам жойидан туриб деразани очар, иссиқ қўлини совуқ ҳавога чиқариб, бирор офат бор-йўқлигини, дўл ёки жала ёққан-ёғмаганини текшириб кўрарди. Бироқ чолнинг совуқ ҳавога тутган қўлига бирор томчи ҳам тушмас эди.

Ниҳоят, Олтинсойда булутлар қоплаган, қовоғи солинган тонг отди. Шу билан бирга тоғ орқасидан қанчадан-қанча ҳазин ва ғамгин булутлар паға-паға бўлиб сузиб келарди.

Эрталаб булутлар ичидан қуёш икки бор йилт этиб чиқди-ю, сўнгра сал ўтмай ғойиб бўлди.

Шамол қутурарди. Кучли бўрон гувиллаб, ҳуштак чалиб олтин водий ичида кезиб юрар, теракларни ларзага келтирар, кўчаларни чанг-тўзон билан қоплар, боғларга ўтқазилган ёш ниҳолларни ерга теккудай қайириб юборарди.

Олимжон ҳам Умурзоқ ота сингари тун бўйи безовта бўлиб узоқ кечани мизғимай ўтказди, эрталаб боши оғирлашиб турди. У қаттиқ ёпилган дераза олдида туриб узоқ вақт папирос чекди.

Кечаги кун баҳорнинг ажойиб куни эди. Осмон му-

саффо, ҳатто шабада ҳам йўқ эди. Энди бу қадар кучли бўрон қаёқдан келди? Кеча кечқурун Олимжон раис Қодиров билан далаларни айланиб юрганда, энди-энди нишлаб чиққан ғўзаларни кўздан кечирганда, қип-қизил бўлиб ботаётган қуёшга, уфқларда узилиб-юлқинган ва оловдек ёниб турган булутларга эътибор қилган эдилар. Бутун ғарб кучли шамолда кўтарилган зўр ёнғинни эслатарди.

— Эҳтимол, эртага яганани бошлармиз,— деди Олимжон раисга қараб,— ғўзалар ҳали ёш бўлса ҳам зўр куч билан ўсяпти.

— Бошласак бўлади,— жавоб берди Қодиров.— Мен фол очишни ёқтирмайману, бироқ уфққа қара!..

— Шамол бўладими?..

— Шамол бўлса майли-я, бирор офат бўлмасин деб қўрқаман.

— Бундай пайтларда менинг фронтчи дўстим Гриша Петров, тилиннга тирсак чиқсин, дейишни яхши кўрарди,— деди Олимжон кулги аралаш Қодировни хафа қилмаслик учун. Бироқ ўзи ҳам хавотир ичида бир неча бор ғарб томонга қараб қўйди.

«Ҳақ бўлиб чиқди, фалокатдан хабар қилди,— деди ўзича ўйланиб Олимжон Қодиров тўғрисида,— ҳатто қушлар ҳам инига кириб кетган. Қалдирғоч ва чумчуқлар кўринмайди. Ҳаммаси яширинибди. Ҳаво бузилса, қалдирғочлар инига кириб ётади, чумчуқлар ўзини тошларнинг тешигига уради».

Олимжон нонушта ҳам қилмай, ишга отланди. Бироқ қайси ишга? Далагами? Балки олдин Ойқизнинг олдига киргани маъқулдир? Бироқ Ойқизнинг олдига қайси важ билан боради?

Важ бор. Бўлганда ҳам бир эмас, иккита.

Биринчиси: область газетасининг кечаги сониди Олтинсой колхозлари тўғрисида очерк босилган эди. Бу яхши ва мазмунли очерк эди. Унда «Қизил юлдуз» колхозининг коммунистлари қандай қилиб халқни сув танқислигини енгишга кўтарганлиги, қўшни колхозлар бу ташаббусга қизгин қўшилганлиги ҳикоя қилинганди. Энди катта ғалаба қўлга киритилди. Неча-неча юз гектарлаб қўриқлар очилди. Тўғон қуриляпти. Олимжон адабиётни ҳам, яхши адабий сўзларни ҳам жуда севарди. Чиройли сўз — киши қалбига ўт ёқади, энг яхши ҳис-туйғулар уйғотади, жасоратга чорлайди. Энди у Ойқиз билан фахр-

ланарди. Чунки газетада Ойқиз тўғрисида жуда кўп яхши сўзлар айтилганди. Олимжон Ойқиз билан қанчалик фахрланса, уни шунчалик кам билгандай бўлаверарди. Нега шундайлигига ўзи ҳам тушунолмасди. Ҳа, энди ҳамма ҳамқишлоқлар ҳам ўз раисларини янада яқиндан тўла ва равшан кўрдилар, билдилар. Аслида-ку, ҳамма, шу қаторида Олимжон ҳам Ойқиз характерининг ҳамма томонларини газетада тасвир қилингандек билар эди. Шу билан бирга улар Ойқизни газетада тасвир қилингандек бўлишини истардилар.

Ҳамқишлоқлардан ким Ойқизни халқ етакчиси, ташкилотчиси деб айта оларди? Ҳеч ким. Ҳатто Ойқизни жаҳондаги ҳамма қизлардан яхши, ақлли ва гўзал, ягона қиз деб билган Олимжон ҳам бу тўғрида фикр юритмаган эди. Эҳтимол, биргина Жўрабоевнинг ўзи қизнинг характерида етакчилик ва ташкилотчилик аломатларини билган ва бу ҳақда бирор кишига оғиз очмагандир.

Энди газета ҳаммадан олдин ана шу ноёб фазилатларни очиб берди. Чиндан ҳам булоқларни тозалаш, сувни кўпайтириш фикри энг олдин кимдан чиқди?— Ойқиздан. Бу ишга халқни кўтарган ким?— Ойқиз. Тоғ этакларидаги қўриқ ва бўз ерларни очиш ва бу ерларни суғориш таклифи кимдан чиқди?..

— Ҳа-а...

Колхоз почталёни Умурзоқ отанинг уйига аллақачон газетани элиб бергандир, аммо ота унга қайрилиб ҳам қарамагандир. Умурзоқ отадан газетхон чиқармиди? Майда-майда ҳарфларига кўзи ўтармиди? Бунинг устига чаласавод бўлса... Ойқизнинг ўзи уйда бўлганида ҳам бир нав эди. Барибир, шунда ҳам ўзини мақтаган газетани дадасига ўқиб бермаган бўларди. Модомики, шундай экан, колхоз партия ташкилотининг секретари Олимжон газета очеркини Умурзоқ отага ўзи ўқиб бермоғи лозим.

— Ҳа, шундай!..

Бу ёқда иккинчи важ ҳам турибди: Бир ҳафтадирки, Ойқиз «Қизил юлдуз» колхозига келгани йўқ, демак, бу вақт ичида уйда ҳам бўлмаган. Олимжон икки марта тўғон қурилишига борди-ю, Ойқизни тополмади. Гоҳ тоққа, чўпонлар олдига, гоҳ қўриқ ерларга кўчирилиши лозим бўлган колхозчилар олдига кетган, дер эдилар. Албатта, бу ишлари ҳам жуда муҳим, бироқ ўзи туғилиб ўсган колхоз ишлари билан ҳам қизиқмоғи лозим-да. Ҳар ҳолда, улар экин-тикинни биринчи бўлиб тамом қилдилар.

«Биринчи Май» колхозидан ҳам ўтиб кетдилар. Энди ҳамма ерларда ғўзалар текис униб чиққанга Ойқиз ҳам шубҳа қилмасди. Наҳотки, жонажон колхозидаги бу воқеалар уни қизиқтирмаса?.. Эҳтимол, бошқа сабаблар бордир? Эҳтимол, Ойқиз у билан учрашишни истамас?.. Ҳа, шундай, истамайди! Севмайди ҳам, севмаган ҳам. Шу ҳам севгими? Қани, у?.. Унинг севгани сира сезилмайди-ку... Демак, севгиси йўқ, ҳеч қачон бўлмаган ҳам. Ойқиз фақат уни овора қилган, холос. Ҳа, овора қилган, мазах қилган. Ахир, қанчадан-қанча муддатлар сувдай оқиб ўтди? Хўш?.. Ўзи ҳам бундоқ танасига ўйлаб кўрсин, эсига олсин. «Кўкбулоқ сувлари Олтинсойга келгач... икки ҳафта ўтгач...» Бу кимнинг сўзлари? Кимнинг ваъдаси?.. Бас, ўртадаги муносабатларни аниқлаб олиш пайти келди. Ахир, қачонгача кутиш мумкин?.. Бориш зарур. Бориш учун важ керак. Шунинг ўзи ҳам важ-да. Экин-тикин-чи? Униб чиқиши-чи? Ахир, бу важ эмасми? Ҳатто келгуси йили экиладиган бўзлар буталар ва томирлардан тозаланиб, ҳайдашга тахт қилиб қўйилган бўлса ҳам қишлоқ Советининг раиси келиб кўришга вақт тополмайди.

Албатта, бориш зарур.

Бироқ, бундай бўрон қаердан келди? Одамни довдира-тиб, йиқитади-я! Ҳу, ана, Бекбўтанинг эшиги олдидаги қудратли теракни қоқ белидан синдирган. Худди тўп ўқи кесганга ўхшайди. Ана кучу мана қудрат! Деярли ҳамма эшикларнинг олдида одамлар уймалашиб турардилар. Ҳамма ердан эндигина униб чиққан ғўзалар учун қайғурарди. Биринчи униб чиққан ғўзалар-а!.. Сен ҳам қизиқ одамсан, Олимжон. Келиб-келиб гинахонлик қиладиган пайтини топганингни қара-я. Ўзинг ўйлаб кўр. Шундай-ку-я, бироқ анча вақт дийдор кўришга муяссар бўлолмаганини ўйлашнинг ўзи ҳам оғир-да. Ахир, Бекбўта ва Суванқулнинг ҳайдалган ерларида Погодин билан бирга юрган пайдан буён кўришганлари йўқ-ку...

Олимжон эшикнинг ҳалқасига қўл юборди-ю, бирданига қотиб қолди. Юраги одатдагидек қувончга тўлди, саросимага тушди. Эшик очилса, уни кўрармикин ёки йўқми?..

Ҳалқа! Колхоз темирчиси Йўлдошнинг Умурзоқ отага ихлос билан ясаб берган ҳалқаси. Унинг танасида қанчадан-қанча болға излари-ю, чизиқлар бор. Олимжон бир сафар Ойқизни кутганида, ана шу излар ва чизиқларни ҳафсала билан эринмай санаб чиққан эди. Ўҳў, бу ҳалқа-

га неча марта унинг қўли теккан. Ана шу ҳалқа олдида юраги дук-дук уриб, ҳаяжон билан турган пайтлари-чи... Сон-санови йўқ. Таниш ва қадрдон эшик бу. Энди бу эшик ота-бобонинг уйи сингари муқаддасдир. У неча-неча бор ана шу ҳалқага қўлини қўйиб, ўзига-ўзи: «Бу ҳалқага Ойқизнинг қўли текканми ёки йўқми?» деган саволни берган.

Энди бу ҳовлининг эшиги ҳам, эшигига қоқилган ҳалқаси ҳам Олимжон учун муқаддас эди.

Ойқиз умрида муғамбирлик қилмаган ёки алдаш нималигини билмаган қиз. Олимжонни севмаслиги тўғрисидаги ўй ва хаёллар ҳаммаси бемаънилик, ҳаммаси бўлмаган гап. Ахир, фронтда эканлигида қиздан олган мактубларини нима деб аташ мумкин? Қизнинг дилида туғилган барча ҳис-туйғулар — севги, садоқат, бошидан ажал уруғи ёғиб турган йигитнинг ҳаёти учун қайғуриш ва қўрқув — ҳаммаси оппоқ қоғоз бетида мана ман деб турарди-ку. У қизнинг ҳар бир хатини ёддан билар ва худди фронтдагидек ҳаяжон билан қайта-қайта ўқирди.

Олимжон Олтинсойга қайтиб келгач, Ойқизнинг севгиси жиддий ва чуқур эканлигини сеза бошлади. Улар онда-сонда учрашишар ва бу учрашувларда қизгин ишлар тўғрисида фикр юритилса, гап борса ҳамки, замирида ўша дилни банд этган муқаддас ҳис-туйғуларнинг жиддийлиги ва чуқурлиги қайта-қайта таъкидланиб турар эди.

Барибир, юрак ҳамиша жиддийликни сақлай олмайди. Олимжон ана шу таниш эшик олдида ҳар қачон келганида гоҳ юраги сиқилар, гоҳ тўхтаб қолгандай бўлар, гоҳ тез-тез дукиллаб урарди.

У ҳалқани тортди ва эшикни аста очди.

Очди-ю, шу зумдаёқ қуёш чиққандай бўлди. Ойқиз ҳовлида эди. У Бойчибарнинг юганини ушлаганча дадасига нималарнидир гаширарди.

— Салом, Умурзоқ ота, Ойқиз,— деди Олимжон юзида сезилиб турган қувончни яширолмай.

— Вақтида келдингиз, Олимжон ака. Яхшимисиз? — Ойқиз тез ва ҳаяжон ичида жавоб берди. — Ҳозир олдингизга бормоқчи эдим. Буни қаранг, нималар бўляпти ўзи?

— Ҳеч тушунолмай қолдим,— деди Олимжон осмонга тикилиб, нима дейишини билмай.

— Дарҳақиқат, хафа бўлаверманглар, болаларим.—

деди Умурзоқ ота, — қани, дастурхонга марҳамат, нонушта қилгунимизча ўтиб кетар.

Ойқиз билан Олимжон Бойчибарнинг икки томонидан — юганидан ушлаб бостирмага етакладилар. От ҳам бу иззат-ҳурматни сезгандай бошини баланд кўтарган ҳолда гурур билан бостирмадаги охурга йўл олди.

— Ойқиз, сизга нима бўлди, уйингизни ҳам унутиб юбордингизми? — деди Олимжон.

— Наҳотки, менинг йўқлигим сезилган бўлса?..

— Сезилганда қандоқ.

— Вақт ўтганини билмай қолибман.

— Фақат бахтли одамлардагина шундай бўлади. Сиз ҳам жуда бахтлисиз... Шундай эмасми?..

— Албатта.

Ойқиз Бойчибарнинг сўлиғини оғзидан чиқариб, олдига кўм-кўк беда ташлади. Отнинг тўлқинланиб турган қоп-қора ёллари ни нозик бармоқлари билан авайлаб силаркан, Олимжон унинг юзларига термилиб турарди. Бироқ қиз ундан юзини атайин яширмоқчидай бошқа ишлар билан овора бўлди. Шу туфайли Олимжон унинг юзини ва энгагини, узун-узун кириқлар ичида кулиб турган кўзининг бир томонинигина кўролди, холос.

«Нима бўлди унга, қайрилиб ҳам қарамайди-я», деди Олимжон ўзича кўнгли ғаш бўлиб.

Энди унинг қалбидаги безовталиқка хўрлик ҳам қўшилди.

— Ҳар ҳолда, яхши эмас, Ойқиз, — деди у қовоғини солиб.

— Нима яхши эмас?..

— Ҳаммамизни унутиб юборишингиз... жонажон колхозингизни ҳам...

— Сиз фақат шунинг учун келдингизми?

— Нима учун?!

— Кейинги кунларда колхозга келмаганимни юзимга солиш учунми ёки сир олиш учунми?

— Фақат шунинг ўзи учунгина эмас, албатта. Лекин сабабини ҳам билишим лозим.

Ойқиз ялт этиб унга ўгирилди, кўзларига тикилиб туриб дилини очди.

— Ишларим бошимдан ошиб ётганини яхши биласизку, ахир, — деди у самимийлик билан. Ва бир зумда дилидаги ғашлик ва хавотирдан асар ҳам қолмади, — фақат битта сув ҳовузининг ўзини олиб кўринг... Шундаям

мен иш ёмон уюштирилган жойлардагина бўлишга зўра улгуряпман.

Энди Олимжоннинг унга раҳми келди:

— Ҳар ҳолда, бизнинг далаларимизни ҳам кўрсангиз зарар қилмасди. Ҳеч бўлмаса эндигина чиққан ғўзаларимизни кўрсангиз яхши бўларди. Қўрқманг, колхозимиз сизни қизартрмайди.

— Асло қўрқмайман. Сув танқислигидан қутулмоқ учун биринчи бўлиб отилиб чиққан азаматлар мени қизартирадиган иш қилармиди?

— Йўқ, албатта. Шунинг учун сизни таклиф қиляпман, ғўзаларимизни бир кўринг, Ойқиз.

— Яхши, айблиман. Хатомни тузатаман. Фақат хафа бўлманг, майлими?—у икки қўлини йигитнинг елкасига қўйиб, кўзларига тикилди, шу кўзлардан ниманидир ахтариб, яна сўради:— Майлими?..

— Майли.

Улар кенг ҳовлида аста юриб, айвонга кўтарилдилар.

— Суванқулнинг бригадасида аҳвол қалай? Ғўзалари яхши униб чиқдимиз?— сўради Ойқиз қизиқсиниб,— унинг ери юлғун ва ковул билан тўла эди... Ҳу... Погодин қанча азоб чеккан эди, эсингиздами?

— Эсимда. У ерда қанча плуглар синди-ю... Шундай бўлса ҳам ғўзалар чиройли униб чиқди. Танаси тегик, катта-катта япроқлари эса бўялгандек ярқираб турибди.— У бир зум жимиб қолиб, сўнгра сўради:— Кечаги газетани кўрдингизми?..

Ойқиз қизариб кетди. У шошиб қўли билан юзини яширди, шу заҳотиёқ қўли куйгандай дарҳол юзидан олди.

— Ҳа, кўрдим,— деди у,— очерк менга ёқмади. Ахир, шунчалар ҳам бўяб кўрсатадиларми? Ҳамма ишимиз ҳам газетада ёзилгандек яхши эмас-ку. Одамлар ҳам турлитуман. Албатта, илғорлар ҳам бор, уларнинг соясида иш-ёқмас, дангасалар ҳам йўқ эмас. Раҳбарларимиз-чи? Ахир, уларнинг камчилиги ёки нуқсони йўқ, деб айта оламизми? Асло. Узоққа бориб нима қиласиз. Мана мен, тўғон қурилишида катта хато қилдим. Нега бу тўғрида газетада бир сўз ҳам ёзилмаган? Ёки... тўхтанг, сиз буни нима учун сўрадингиз ўзи?.. Ҳа, мендан кулмоқчимисиз?..

Ойқиз яна кафтини юзларига қўйиб, бирпас шундай турди-да, кейин бармоғининг учи билан чаккаларини эзганича Олимжонга ғазаб билан совуқ боқди.

Олимжон нима дейшини билмай қолди.

Яхши ҳамки, қаердандир Умурзоқ ота пайдо бўлиб, гапга аралашди.

— Дарҳақиқат, колхозимиз тўғрисида нима деб ёзибди?— сўради чол.— Газетада нима ёзилганини билмайману, бироқ менинг айтадиган фикрим бор. Халқ яхши ишлади. Мақтаса арзийди. Одамни ўз вақтида рағбатлантириб, қувватласа бас, кучига куч қўшилаверади. Шундай эмасми? Нима учун индамайсизлар? Дарҳақиқат, биз ҳаммадан кўп ишладик. Энг оғир ишлар бизнинг бўйнимизга тушди. Ерлар ҳам бари юлгунзор, янтоқзор, ковул ва шувоқ билан қопланган эди. Дарҳақиқат, томирини айтмайсизми? Бай-бай, ернинг қаърига кириб кетган-а. Погодинга ҳам, қолаверса, унинг пўлат отига — ЧТЗларига офарин! Ҳа, халқимиз жуда яхши ишлади, болаларим. Қўшниларимизнинг ери ҳам яхши, иши ҳам анча енгиб бўлди. Дарҳақиқат, газетада бизни мақтаб ёзган бўлса жуда ўринли, бизда ёзса ёзадиган, мақтаса арзийдиган ишлар бор. Бундан чиқди, газетада ҳам дидли, қобилиятли одамлар ишлар экан-да, а? Дарҳақиқат, шундай эмасми?..

— Бироқ ҳали кўп ерларимиз шувоқ ва юлгунлар остида ётипти. Ҳали қанчадан-қанча ер очамиз,— деди Олимжон.

— Ҳеч воқиси йўқ, Олимжон ака, энди кўриқ ва бўз ерларни қўл билан ёки омов билан очмаймиз,— деди Ойқиз хафалигини унутиб, эътироз маъносидан,— Олтинсой ерларини ўзлаштириш тўғрисидаги ҳукумат қарорига мувофиқ қўшимча тракторлар оламиз. Ўйлайманки, шу йилнинг кузидаёқ Олтинсойнинг ўнг томонидаги ерларни ўзлаштирамиз. Бу ерлар пахта ва боғ учун зарур.

— Дарҳақиқат, жуда яхши бўлади,— деди Умурзоқ ота уларнинг сўзини бўлиб.— Энди газетани ўқи-чи, қани бизнинг ҳақимизда нималар деб ёзипти.

— Жон-дилим билан, ота,— деди Олимжон.— Бу ерда асосан сизнинг қизингиз тўғрисида ёзилган.

У энди газетани олиб очмоқчи бўлганда, девордан ошиб ўтган кучли шамол тортқилаб кетди, зўрға ушлаб қолди. Ойқиз Олимжоннинг ҳаракатини жимгина кузатиб турарди. Сўнгра у Олимжоннинг қўлидан газетани оҳиста олди-ю, бир неча буклаб, деди:

— Газета ўқишингизни ҳатто шамол ҳам истамайди. Юринг чойга. Кейин ўзим ўқиб бераман, дада.

Олимжон уйга кириб хонтахта ёнидаги юмшоқ кўрпача устига чордана қуриб ўтирди. Хонтахтанинг нариги томонидаги самовар аллақачон бақирлаб, буг чиқариб қайнар, азиз меҳмонни кутар эди. Ойқиз нозик қўллари билан нон синдириб, ҳовури чиқиб турган иссиқ шўрвали чинни косани Олимжоннинг олдига суриб қўйди.

Улар бир бурда нонни шўрвага тўғраб солишга улгурмаслариданоқ яна қаттиқ шамол кўтарилди-ю, деразани шарақлатиб очиб юборди, ойналари жаранглаб кетди. Умурзоқ ота салобат билан ўрнидан турди-да, деразадан бошини чиқариб ташқарига қаради. Баланг тоғлар устидан Олтинсой томон қуюқ ва қоп-қора булутлар сузиб келарди.

Чол деразани аста беркитиб, жойига келиб ўтирди.

Уй ичи қоронғилашди. Қўққисдан осмон гумбурлаб, худди замбарак ўқи ёрилгандай уйни ларзага келтирди. Ҳатто хонтахта устида турган чойнакнинг қопқоғи ҳам титраб кетди. Анчадан сўнг момақалдироқ тўхтагач, Ойқиз ранглари ўчган ҳолда Олимжонга қараб деди:

— Кўрдингизми? Тўғонда нима бўлаётган экан ҳозир. Мен кетдим, боришим зарур...

У шошганича ўрнидан тураётган эди, Олимжон қўлидан ушлади:

— Утиринг, Ойқиз, момақалдироқ тоғларда эмас, балки шу ўртада, яқинда гумбурлади.

— Дарҳақиқат, қачон илм бу офатнинг сирини очиб, уни жиловлаб оларкан?— дея сўради чол ташвишланиб.— Аттанг, аттанг!..

Чол сўзини тамом қилмасдан яна осмон гумбурлади ва томларнинг тунукасига, ҳовлининг қуш-қуруқ саҳнига йирик-йирик ёмғир ёға бошлади. Ёмғир тобора кучайиб, унинг томчилари ўқдай отилиб тушар, бир зумда ҳамма-ёққа доврўқ солиб жала қуйиб берди. Сал ўтмай ҳовли юзига оппоқ-оппоқ нўхат сепиб қўйгандай бўлди.

— Дўл!— деди чол кўрқинч билан ва яна дераза олдида борди.— Дўл! Дўл ёғяпти,— чол сўзларини такрорларкан, йиғлагудек оҳангда эди. У икки қўлини деразадан чиқариб дўлга тутди.

— Қаранглар, дўл-а,— дерди у кафтидаги муз доналарини уларга кўрсатиб ҳамон сўзлашдан тўхтамай. Чол ўз кўзи билан кўриб турган дўлга ҳам ишонгиси келмасди.— Хўш, нима учун жим турасизлар,— чол овозининг борича қичқариб, қўлидаги дўлни уй ичига сочиб юборди,— офат,

офат, офат бу, болаларим!— У уйнинг эшигини очди-да, оёқ яланг, кўйлакчан ҳолда югуриб ташқарига чиқди. Ҳовли юзида туриб осмонга қаради,— экиними пайҳон қилишга қўймайман! Асло! Дарҳақиқат, йўлини тўсаман!..— Чол овозининг борича бақириб, икки қўлини мушт қилган ҳолда осмонга ўқталарди.

Ойқиз билан Олимжон эс-ҳушларини йиғиб олгунларича чол кўча эшиги олдига етиб қолган эди.

Улар чолнинг орқасидан чопишди. Чол эса эшикдан чиқиши биланоқ кўздан ғойиб бўлди.

Орадан бир неча дақиқа ўтгач, ҳовлининг орқасидаги далага олиб борадиган ёлғизоёқ йўлда изиллаб чопаётган Умурзоқ ота кўринди.

Уқдай отилиб ёгаётган дўл Умурзоқ отанинг юзига, бўйнига ва елкасига қамчиндай тушарди. Бироқ чол оғриқни писанд қилмай, елдай учиб звеносига чопарди. Унинг бутун вужуди оловдек ёнар, шунинг учун ҳам йўлида яшин урган ва тутаб ётган катта қайрағочни ҳам кўрмай, гоҳ худога тавба қилиб, гоҳ лаънат ўқиб олган интиларди, дўл эса борган сари забтига оларди. Ерни қошлаган дўлда чолнинг оёқлари сирғаниб йиқилар ва дарҳол ўрнидан туриб, нафаси оғзига тиқилган ҳолда олдинга чопарди. Ранги қув ўчган, юзлари, соқоллари ёмғирда ювилган, кўйлаги ивиб, этакларига лой сачраган эди.

Узоқдаги дала шийпонида дўлнинг тўхташини кутиб турган колхозчилар ҳам чошиб келаётган одамга ҳайрон бўлиб қараб турар, ким эканлигини билолмасдилар.

— Ким бўлди экан-а?

— Кўйлакчанми?

— Чолга ўхшайди-ку, звено бошлиғимиз Умурзоқ ота бўлмасин?..

— Ушанинг ўзи, Умурзоқ ота.

— Оғайнилар, унга нима бўлди? Қаёққа чопяпти?

— Ғўзаларига ичи ачияпти.

— Қўлидан нима келарди. Далага соябон бўлармиди!

— Соябон бўлмаса ҳамки, ичи ачиганидан чопяпти.

— Ҳой, қаранглар, оёқ ялангга ўхшайди. Эҳ, қаттиқ йиқилди-я. Қандай зот! Унинг олдида биз киммиз-а?..

Бу сўзларни Суванқул айтди, айтдигина эмас, хитоб қилди ва ўзи чошиб кетди.

Суванқул Умурзоқ отанинг олдига борганида, ота

нимжон ғўзалар тепасида тиз чўкиб, совуқдан дийдираган япроқларини силаб-сийпалар, нималарнидир айтиб ардоқлар эди. Баъзи ғўзалар офатни писанд қилмагандай кўм-кўк бўйларини ва япроқларини чўзиб тик турарди. Баъзиларининг эса япроқлари тешилган, танаси яраланган ва қаттиқ жароҳатланган эди.

Умурзоқ ота тиз чўкиб ўтираркан, эгатлари дўл билан тўлган кенг далага, шикаст еган ғўзаларга қараб-қараб қўяр ва кечагина чиройли бўлиб яйнаб турган ва кишиларнинг ҳаётбахш қўли билан ишланган далаларни эсларди.

У ёлғизоёқ, сирғанчиқ йўлдан чошиб келган Суванқулни ҳам, қўлида чопон ва калиш кўтарган ҳолда ҳаммадан олдин етиб келган Олимжонни ҳам кўрмасди.

— Туринг, ота, шамоллаб қоласиз,— деди Олимжон чолнинг елкасидан туртиб.

Умурзоқ ота итоаткорона аста ўрнидан туриб, ўзига қаради, ачишиб турган тиззасини ушлаб қўйди, бошини кўтариб, олдида турган Суванқулга кўзи тушгач, ғазаб ва алам ичида деди:

— Эсиз ғўзалар! Дарҳақиқат, ер билан яксон бўлди. Икки ой кечани кеча, кундузни кундуз демай ҳузур-ҳаловатдан кечиб ишласангу ярим соат ичида ер билан яксон бўлса-я. Аттанг, аттанг!..

— Кўп куйинманг, отажон, ноумид ҳам бўлманг,— деди Олимжон Умурзоқ отани юпатиб унинг елкасига тўнни ташларкан.— Дўл мана шу томонга ёғиб ўтган, холос. Кўпгина ғўзаларингиз омон.— У осмонга тикилиб, севинч билан сўзида давом қилди.— Қаранг, ҳаво ёришиб келаяпти.

Олимжон билан Суванқул чолнинг икки қўлтиғига кириб суяб, дала шийпониغا олиб келдилар. Шу он етиб келган Ойқиз ҳам Бойчибардан ирғиб тушди-да, уни боғлаб, дадасига ташланди.

— Дадажон! Нега, ахир?.. Шунча ҳам чопадими одам. Мана, ҳаммаси ўтиб кетди, ҳеч қандай дўл ҳам қолмади.

— ...Қолмади, дейсанми?— деди чол жаҳл ичида соқолларини силкитиб.— Қара! Жўякларнинг ичи дўл билан тўлиб ётибди-ку.— У ерга энгашиб, йирик туз сингари муз доналарини ҳовучлаб олиб, қизига кўрсатди.— Хўш, бу нима?

— Барибир, дўл тўхтади. Ҳу, тоққа қаранг, дада, кун чиқаяпти.

— Бўлар иш бўлди, қизим. Дарҳақиқат, ғўзалар нобуд бўлди,—деди чол ғамгин ҳолда аста овоз чиқариб.

— Дунёнинг тўрт томони мавжуд, отажон, унинг уч томони ёпилганда ҳам бир томони ҳамиша очиқ бўлади,—деди Олимжон ва Ойқизга маънодор тикилди.

— Доно сўзлар...—деди Умурзоқ ота маъқуллаб.

— Модомики, шундай экан, ноумид бўлиш ярамайди,—деди Олимжон,—тажрибакор деҳқонлар ғўзани бир эмас, икки-уч бор дўл урганда ҳам, барибир юқори ҳосил етиштирганларини кўн эшитганман. Улар зарур ерларга қўшимча кўчат ўтқаздилар, баъзи ерларга қўшимча ўғит берадилар, жароҳатланган ғўзаларни алоҳида парвариш қилиб, соғлом кўчатлар билан текислаб оладилар.

— Энди биз ҳам қўл қовуштириб ўтирмаймиз. Биз ҳам парвариш қиламиз,—деди Суванқул.—Кимки «оқ олтин» ўстирмақчи бўлса, обдан тер тўкиши лозим.

— Ҳа, дангасалар «оқ олтин» олишга муяссар бўлолмайди,—деди Ойқиз уни қувватлаб.

— Ўзи олтин бўлса,—деди Суванқул,—олтин бўлганда ҳам оппоқ бўлса, оддий олтиндан қимматроқ бўлса керак.

— Дадажон, мен тўғонга боришим керак,—деди Ойқиз. Шундай деди-ю, нимадандир безовта бўлгандай жойидан жилгиси келмади. Дадасининг кўзларига меҳрибонларча тикилиб турди-да, ёшлик чоғларида дадасининг пинжига кириб, тўнининг енгини қўғирчоқдек қучоқлаб ўтирган пайтларини қумсади. Шу кўйи бир нафас хаёлга толди.—Билмадим, жаладан сўнг тўғонда аҳвол не кечди экан?.. Агар тўғонда бирор фалокат юз бермаган бўлса, қўшни колхозларга ҳам ўтишим керак. Ахир, дўл фақат бизнинг даламизга ёққани йўқ-ку. Бу офат фақат биздагина эмасдир.—У дадасининг енгини сийпалаб бир зум ўйланиб қолди, сўнгра маъюслик билан ўрнидан туриб Бойчибар томон кетди.

Ойқиз катта йўлга чиқиши биланоқ райкомнинг «газик»ига дуч келди. От ҳам, «газик» ҳам таққа тўхтади. Жўрабоев машинанинг очиқ ойнасидан қизга нимадир айтди. Ойқиз отнинг биқинига қамчин босиб шийпон томон йўрғалатиб кетди. «Газик» ҳам дала шийпони томонга бурилди.

Жўрабоев машинадан чиқиб улгурмасданоқ атрофни колхозчилар ўраб олишди. У машинадан аста чиқди-да, одамларга меҳрибон кўз билан боқиб, ҳамманинг орқаси-

да бир ўзи турган Умурзоқ отага яқинлашди. Жўрабоев чол билан қучоқлашиб кўришди, қулоғига нимадир деб шивирлади, сўнгра ҳаммага қўл бериб, бирма-бир саломлашиб чиқди.

— Энди, дўстларим,— деди у ҳамма билан кўришиб бўлгач, баланд овоз билан,— ҳеч ким ноумид бўлмасин, бошини қуйи солмасин. Бу офатга ҳам қарши турадиган кучли восита бор.

— Бор? Наҳотки?! Ростми?!— деган саволлар ёғилди.

— Ҳа, бор,— тасдиқлади Жўрабоев.

Одамлар аста-секин унга яқинлашдилар.

— Қандай восита экан?— сўради Умурзоқ ота.

— Бу восита ҳамманинг қўлида: ғайрат-жасорат!

— Дарҳақиқат, ғайратнинг ўзи етмас, ўғлим. Қандай ғайрат зарурлигини билишимиз лозим. Ахир, биз биринчи марта пахта экишимиз.

— Такрор айтаман, уддасидан чиқишнинг асоси ғайрат-жасоратдир.

Умурзоқ ота соқолларини силаб ўйланиб қолди ва сўнгра деди:

— Ҳа... Дарҳақиқат... тиришқоқлик тоғни ағдарар, темир арқонни ҳам узар дейдилар. Наҳот, ўлган далага жон киритиб бўлса?..

— Мумкин. Ҳаммадан олдин бир дақиқа ҳам фурсатни йўқотмай, ғўзага озиқ бериш, сўнгра суғориш ва чуқур чопиқ қилиш керак. Ахир, ниҳолнинг томири бутун-ку, демак, янгидан япроқ чиқаради. Ниҳоллар тамоман йўқ бўлган жойларга янгидан кўчат ўтқазамиз. Районимизнинг агрономи жуда тажрибакор одам. У сизларга ҳаммасини кўрсатади.

Жўрабоев кўм-кўк ғўза эгатлари ичидан юриб борар ва этигига ёпишган лойни силтаб ташларди. Унинг ўнг томонидаги эгат ичида Умурзоқ ота, чап томонидаги эгатда Суванқул ва бошқа колхозчилар борардилар.

Қуёш булутлар ичида хира нур сочиб далани иситарди. Дўл доналари аллақачон эриб, ердан буғ кўтариларди.

— Ҳар ҳолда, сизларга госстраждан одам юборишимиз лозим,— деди Жўрабоев қўққисдан. Унинг пешонасини одатдагидек ажин босди.

— Госстраждан? Нима учун?— Умурзоқ ота безовта бўлди.

— Дўлдан зарар кўрган участкаларни ўлчаб кўриб акт тузсин.

— Акт? Қандай акт? Нима учун?— Яна қаттиқроқ безовталанди чол.

— Ахир, пахтангиз суғурта қилинган-ку. Шунинг учун ҳам акт тузиш лозим.

— Дарҳақиқат, тушунмадим, актнинг нима кераги бор?— Умурзоқ ота қизишди.

— Акт тузилса, колхоз суғурта пули олади,— деди Жўрабоев мулойимлик билан тушунтириб.

— Нима учун? Кимдан пул олади?

— Дўлдан зарар кўрганларингиз учун. Давлат ана шу зарарни тўлайди.

Умурзоқ ота таққа тўхтади ва таъна қилгандек Жўрабоевга қаради. У икки қўлини белбоғига қўйиб, асаб ўтида ёнардди.

— Дарҳақиқат, нималар деянсиз, ўғлим?— деди чол тобора аччиғи чиқиб.

— Нима дебман?— сўради Жўрабоев тушуна олмай. Кўзининг чеккаларидаги ажинлари ёришиб кетгандай бўлди.

— Давлат мендан эмас, мен давлатимиздан қарздорман,— деди Умурзоқ ота салобат ва донолик билан,— ма-на, қирқ йилдан зиёдадирки, ана шу қарзимни қандай қилиб узсам деб ўйлайман. Давлатимиз мени қуллик ва очликдан қутқазса, менга бахт ва саодат берса-ю, мен ундай дўл ургани учун пул талаб қилсам... Дарҳақиқат, ўйлаб кўр, ўғлим!

— Бу сўзларингиз мен учун жуда ёқимли, отажон,— деди Жўрабоев ва бошини бирдан қуйи солиб олди.

Шу вақтгача ҳеч ким унинг бунчалик маъюсланганини кўрмаган эди.

— Бироқ ана шу бахт-саодат сиз учун жуда қимматга тушган, отажон. Ҳа, жуда қимматга. Сизга шон-шарафлар бўлсин,— Жўрабоев бошини кўтарди.— Ахир, сиз ана шу бахт дея қон тўқдингиз, болаларингиз қон тўқди — қурбон бўлди.

Умурзоқ отанинг авзойи жиддийлашиб, қадди-қоматини ростлади, соқоллари яна ҳам оқариб кетгандай бўлди. У бир дақиқа райком секретарига жим ва жиддий боқди-ю, сўнгра ғўза эгатларини ҳатлаб, унга яқинлашди ва икки қўлидан ушлади:

— Раҳмат сизга, ўғлим,— деди у пичирлагандай овоз чиқариб. Унинг овозини ҳеч ким эшитмади,— менинг звон-пом давлатдан пул олмайди, шундай деб айтинг!

Ҳамма гап-сўзсиз орқага ўгирилди ва дала шийпони томон йўл олди.

Ўттиз бешинчи боб

— Йўқ, йўқ, сўзимга тушунмадингиз,—деди райком секретари Қодировга.—Ахир, мен сизга нималар деяман-а?.. Фикрингиз ҳақиқатга яқинроқ бўлсин, ахир, тушунапсизми?.. Сиз тажрибакор одамсиз, ишга тажриба кўзи билан қараш керак, деб ҳамиша тажрибакорлигингиз билан фахрланасиз. Модомики, шундай экан, фикрларингиз ҳақиқатга яқин бўлсин, ахир... орзусиз яшаб бўлмайди-ку. Ҳа, Қодиров, орзу-ҳавассиз ҳаёт ҳам йўқ. Мана, мисол учун олайлик: сизларни ким булоқларни тозалашга, сув ҳовузи қуришга, сув қидиришга чорлади? Сизларни ким биринчи бўлиб тоғ этакларига пахта экишга ундади?

— Умурзоқова!—деди Қодиров қаттиқ овоз билан.

Райком секретари унга қайрилиб қарамай, бир зум жим турди-да, сўнгра аста жавоб берди:

— Орзу.— У стол устида зарҳал ёзувлари ялтираб турган қизил муқовали Ленин асарини қўлига олди, қаттиқроқ овоз билан сўзида давом қилди:

— Сизларни ана шундай улуғвор ишларга чорлаган улуғ орзулар, дўстларим, ажойиб орзулар... Келинлар, яна ҳам дадил, яна ҳам мардонавор орзу-умид қилайлик!

Жўрабоев дўлдан зарар кўрган колхозларни тўрт соатдан кўпроқ вақт ичида айланиб чиқди ва пешиндан кейин Олтинсойга қайтиб келди.

У Қодировнинг кабинетига «Қизил юлдуз» колхозининг айрим аъзоларини йиғди ва улар билан суҳбатлашиб, ҳордиқ чиқармоқчи бўлди.

Жўрабоев қўлидаги китобни баланд кўтариб, деди:

— Мана. Бу одам энг улуғ орзуларни амалга ошира олган зот. Унинг ҳамма орзулари бизда ҳақиқатга айланди.

У китобни жойига қўйди ва бир зум хаёлга чўмиб унга тикилиб турди, сўнгра бошини кўтариб ўтирганларга назар ташлади:

— Ленин улуғвор амалиётчи эди ва шу билан бирга дадил ўйловчи зот эди. Демак, ундан дадил ўйлаш ва орзу қилишни ўрганиш лозим, ўртоқ Қодиров. Унинг асарларини тез-тез ўқишингизни маслаҳат бераман. Сизлардан шунга талаб қиламан. Ҳа, ана шунга. Шундагина сиз

эртанги кунни кўра оласиз ва бугунги кунга тўғри баҳо берасиз. Шундагина сиз колхозингиз бугун нима қилишга қодир эртанги кунда нима қилишга қудрати етишини чуқур тушунаси. Сиз буни билишингиз лозим, ҳа, чунки сиз колхоз раҳбарисиз... Эҳтимол, сиз колхозимизда электр қуввати борлигидан хурсанддирсиз, деб сўрарсиз?..

— Бўлмасам-чи,— Қодиров бирданига қувониб кетди,— менинг хизматим бу, албатта. Ҳамма билади. Ҳамма ҳам иқрор.

Қодировни бу қадар севинч-қувончга кўмпилган ҳолда, ҳатто илҳомга тўлган ҳолда кўриш ҳаммага ҳам анча ажабланарли туюлди. Халқ уни ҳамиша қовоғи солинган, нимадандир хавотирланган, ҳадиксираган ҳолда кўрарди. У ҳамиша ҳамма нарсага — одамларга ҳам, табиатга ҳам, ҳатто деҳқон экин экадиган ерга ҳам гумонсираб қарарди.

Ҳозир эса қувончи ичига сиғмай, ўрнидан сапчиб туришга тайёр эди-ю, бироқ нимадир уни тўхтатиб турарди. У кенг ва кучли елкасини ростлади. Узун қўлларини тиззасининг устига қўйиб гердайди. Унинг ҳамиша газаб ва жаҳл ўти билан чақнаб турадиган кичкина кўзлари бирданига меҳр ва қувонч билан тўлди, юзларидаги ажинлардан асар ҳам қолмади, ҳамиша қип-қизил бўлиб кўпчиб турадиган юзлари ўзгариб, қарашлари яшаргандек туюлди.

«Ажабо!.. Бу нимаси, унга нима бўлди? Жинни-пинни бўлдимми? Ё ўзини овсарликка соляптими,— ўйлади Жўрабоев Қодировга тикилган ҳолда ажабланиб,— наҳотки, бир неча дақиқа ичида одамнинг юзларида шунчалик кўи ўзгариш содир бўлса! Демак, унинг дилида ҳам хушфезллик ўти мавжуд экан-да. Демак, умидни узишга ҳали кўи борга ўхшайди, тамомила сафдан чиқиб кетганича йўқ. Бироқ... Овсар, ҳа, овсарнинг ўзи. Ҳар ҳолда, сенга раҳм қилиш керак, ҳа, шундай, сўлоқмон!..»

Жўрабоев ниманидир кутиб ҳайрон қолиб Қодировга термилиб турарди. Раиснинг дилида ҳамиша мавжуд бўлган шубҳа қуртлари гимирлаб кетди шекилли, бир зумда сўздан тўхтади ва қотиб қолди. Райком секретарининг меҳрибонлик билан кулиб турган кўзларига бир қаради-ю, шу меҳрибонлик учқунларини дарҳол пайқади. Бироқ унинг дилида кечаётган фикрларини тушунмади, атрофларига ажин тушган кўзларининг нури билан чақнаб турган доноликни пайқамасди. Қодиров айни пайтда бу ажин-

ларга эътибор ҳам қилмади, кўрмади ҳам. Аммо райком секретарининг ажинлари тобора қуюқлашиб, чизиқлари сезилиб турарди. Ҳар ҳолда, Қодировнинг сабр-тоқати туғади ва ғурур билан шифтни кўрсатиб, деди:

— Мана, Ильич чироғи! Беш юз шамчироқнинг нурини беради. Ҳозир ҳам ёқиш мумкин,— у стол ёнидан турмоқчи эди, Жўрабоев қўлини кўтариб тўхтатди:

— Кераги йўқ, кераги йўқ, ўртоқ Қодиров, куппа-кундуз куни...

— Нима бўпти? Қуёшдан ҳам ёруғ.

Олимжон билан Бекбўта мийиғида кулиб қўйдилар. Қодиров эпчиллик билан уларга ўғирилди ва сўнгра Жўрабоевга тикилди. Жўрабоевнинг икки қўли билан папирос эзаётганини кўргач, секин жойига ўтирди ва ўзини ноқулай сезиб, ундан кўзини ололмади.

— Йўқ, йўқ, ўртоқ Қодиров, ҳали ҳам сиз ҳеч бир нарсага тушунганингиз йўқ,— деди Жўрабоев хафа бўлиб. У иккинчи папиросни ҳам эзиб ўтирарди.

Ҳар нарсага қизиқсинувчи ва райком секретари билан тез-тез учрашиб турувчи киши, албатта, унда янги одат пайдо бўлганини сезади. Жўрабоев ҳамаша даладами, МТСдами ёки бирон идорадами ишёқмас-ялқовни кўрса ёки бирор йиғилишда тутуриқсиз сўзни эшитса, албатта чўнтагидан папиросини чиқариб, икки қўли билан эзишга тушарди. Папироснинг қоғозлари йиртилиб, тамакиси тўкилиб кетарди-да, яна иккинчиси ва сўнгра учинчисини олиб эзарди. Эзиб ўтирарди-да, бирдан нима иш қилаётганини пайқаб қоларди, шундан кейин дарҳол папирос қутисини ёпиб, чекишни ҳам унутиб, чўнтагига солиб қўярди. Бундай пайтларда кўзларининг атрофидаги ажинлар қалинлашиб кетар, кўзлари хиралашар, қошларининг ўртаси қат-қат бўларди.

— Ҳа, Қодиров, тушунмайсиз,— такрорлади у қовоғи солиниб,— ҳозир сиз билан нима ҳақда гаплашдик? Хўш? Эртанги кунни кўра билиш лозим, дедик. Тўғрими? Сиз бўлсангиз, билганингиздан қолмайсиз. «Беш юз шамчироқ» деб талтаясиз. Бу исрофгарчилик-ку!— Жўрабоев расининг кўзларига тикилиб турарди.— Ўртоқ Қодиров, сиз кўз бўяшга одатланиб қолгансиз. Ўзингизга бино қўясиз.

Жўрабоев беихтиёр яна папирос эзишга ҳозирлик кўрди-ю, бироқ дарҳол фикрини йиғиб олди, кўм-кўк папирос қутисини ёпиб, нарига итариб қўйди.

— Ўртоқ секретарь, бизнинг кичкинагина электро-

станциямиз бир меъёрда ишлаб турипти,—деди Қодиров.

— Бир меъёрда...— такрорлади Жўрабоев.— Сиз ўжар одамсиз, Қодиров, ҳа, ўжарлик қиласиз. Ўжарликдан қутулш вақти келган. Энди ўжарлик билан узоққа боролмайсиз. Ҳозир тез ўйлайдиган, чаққонлик билан ҳал қиладиган вақт. Ақлингиз расо, қўлингиздан иш келади. Аммо ақл, идрок ўрнига ўжарликни намоён қиласиз.

— Раисимиз ҳар доим ўйлашайлик, маслаҳатлашайлик дейишни яхши кўради-ю...— сўзга аралашди Бекбўта,— аммо сира ҳам маслаҳатлашмайди. Ваъда берин, ишни чўзиш одат бўлиб қолган унга.

— Менимча, мана шу ерда ўйлашиб ва маслаҳатлашиб олиш талаб қилинади,— деди Олимжон одатдагидек ўрнидан туриб. У узоқ маъруза қилишга ҳозирлангандек гимнастёркасини тортиб текислаб қўйди.— Ахир, баъзи масалаларни ўзингиз билмасангиз бошқалардан сўранг, ўртоқ раис. Сиз уйларимизда электр чироқлари ёниб турганининг ўзини колхозимиз тўла электрлашган деб ҳисоблайсиз. Йўқ, раис, ҳали тўла электрлашишга анча вақт бор. Тўғри, марказий кўчамиз электрлаштирилган. Қўртхонамиз ҳам. Колхозимизнинг ҳовлисида ҳам битта лампочка хира ёниб турибди. Раисимизнинг кабинетида беш юз шамчироқнинг нури-ю, аммо сигирлар ҳалигача қўлда соғилади. Темирчилик устахонасидаги босқон ҳам боболаримизнинг усули билан ишлайди, хас-хашакни майдалайдиган машина ҳам қўлда айлантирилади. Ҳали сиз район партия комитетининг секретарига олдимизда турган бош вазифа — ҳукумат қарорида кўрсатилган қудратли гидроэлектростанция қурилиши тўғрисида айтмадингиз. Мана, кўрдингизми, олдимизда қандай улуғвор вазифа турипти.

Одатдагидек, Қодировнинг қовоғидан қор ёғилиб, руҳи тушган, қадини букиб, қўллари икки тиззасига қўйган ҳолда энкайиб ўтирар ва онда-сонда ер остидан Олимжонга қараб қўярди.

— Ҳозирнинг ўзидаёқ шу масала билан шуғуланмоғимиз лозим,— деди Олимжон сўзида давом қилиб,— Олтинсой тўғонида қуриладиган янги ва қудратли гидроэлектростанция ҳамма колхозларни электрлаштириш имконини беради.

— Олдин ўзимизни ўйлайлик, кейин боболаримиз ва

жиянларимиз тўғрисида ўйлармиз,— деди Қодиров қовоғини солиб, ғазаб билан,— улар сув берганимизга ҳам шукур қилсинлар.

— Ҳа, одатларингизни биламиз,— жавоб берди Олимжон,— энг олдин ўзингизни ўйлайсиз, ўзгалар билан ишингиз бўлмайди.

— Ўзим эмас, колхозим тўғрисида қайғураман,— деди Қодиров унинг сўзларини бўлиб,— йигирма беш йилдан буён қайғураман. Эҳтимол, шу хизматимни ҳам бўйнимга гуноҳ қилиб қўярсиз-а?.. Эҳтимол, колхоз тўғрисида бунчалик қайғуриш ҳам керак эмасдир?.. Олдинига қўшниларни ўйлаш зарур эмиш... Шундайми?..

— Колхоз олдидаги хизматларингизни ҳеч ким инкор қилмайди,— деди Олимжон оғирлик билан,— бироқ давр ўзгарган, раис. Сиз бўлсангиз, йигирма йил бурун қандай бўлган бўлсангиз, ҳозир ҳам шундай, қотиб қолгансиз. Айтмоқчиманки, раис, янги ГЭС қурмоқ учун кучларимизни бирлаштирмоғимиз, бир ёқадан бош чиқариб, баҳамжиҳат, коммунистларча ишламоғимиз лозим.

«Бормисан, ука,— кўнглидан ўтказди Жўрабоев Олимжонга тикилиб туриб.— Ажойиб коммунист-да».

— Мен ҳозиргача коммунистларча ишлай олмаган эканман-да?!— деди Қодиров қизариб-бўзариб.— Агар мен ўша йилларда... биринчи йилларда колхозим тўғрисида қайғурмай, бошқалар тўғрисида ғамхўрлик қилганимда ҳамманг илғорлик у ёқда турсин, қашшоқлигингча қолаверардинг... Мана сен, ҳамиша менинг обрўйимга чанг соласан, бироқ колхозни ташкил этган ким?

— Сиз, ўртоқ Қодиров,— деди Олимжон,— такрор айтаманки, ҳеч ким сизнинг хизматларингизни инкор қилаётгани йўқ. Лекин давр ўзгариб кетганлигини эсингизга солиб қўймоқчиман.

— Бунча вайсадинг, ўзгарган, ўзгарган дейсан. Қани сен аввал менга айт-чи, колхозни оёққа турғазган ким? Илғор қилган ким?..

Олимжон ўзини оғирликка солди ва савол маъносида Жўрабоевга қаради. Жўрабоев унинг бу қарашини сезмагандай, кўзларини қисиб суҳбатни тингларди.

— Дўстларим, сизларни бой-бадавлат қилган ким? Қоринларингни нонга тўйғазган ким?— Қодиров тобора ҳаддидан ошарди.

— Булоқларни тозалашга қарши чиққан ким? Тўғон қуришимизга тўсқинлик қилган ким? Сув ҳовузи, канал

қазишимизга қаршилиқ қилган ким? Пул беришдан бұйин товлаган...— деди Бекбұта ўзини тутолмай овозининг борича бақириб.

Қодировнинг нафаси ичига тушиб кетди, нима воқеа юз берганини тушунолмагандек, ҳаммага бирма-бир кўз югуртирди.

— Кимсан ўзинг? Сенга тўсқин бўлган ким?— сўради у стулдан кўтарилиб, қаҳр-ғазаб билан.

— Тўсқин бўлгансиз!— жавоб берди Бекбұта жасорат билан,— эсингиздан чиқдими, пул, бўлинмас фонд... Хўш, бир эсланг-чи, қандай бақирганингизни ҳам эсланг-чи.

— Сизлар нима... Ҳамма гуноҳни менга тўнкамоқчимисизлар? Майли, тўнкайверинглар! Мақсадларингиз намалигини биламан, ҳа, биламан.

— Ўтиринг, Қодиров, ўзингизни босинг,— деди Жўрабоев.

Бироқ Қодиров унинг овозини эшитмас, жиғибийроп эди.

— Эҳ дўстларим! Мақсад мени ишдан бўшатишми, майли, бўшатаверинглар. Ҳамма тайёр ошга баковул...

У қалтираб турган қўллари билан кителининг ёқа илмоғини қидириб тополмасди.

Жўрабоев унинг ёнига келди-да, елкасига қўлини қўйиб:

— Нима бўлди сизга, Қодиров?! Қани сиздаги чидам, бардош, раис!— деди.

— Ўртоқ секретарь...

— Фикримизча, кенгашимиз жуда чўзилиб кетди... Ер ҳам дўлдан сўнг селгиб қолди. Шабада қуритиб, қуёш иситди. Энди ишга чиқсак ҳам бўлади.

Ҳамма ўрнидан туриб, ташқарига чиқди.

* * *

Қодиров шу куни ҳамма жойни кўриб чиқишга улгурди. Ҳамма ерда ҳам — Суванқул ва Бекбўтанинг далаларида ҳам иш қизгин борарди.

Аммо бу ҳаммаси Қодировнинг измидан ташқари давом этарди. Раис умумхалқ ишини ўз кўзи билан кўргач, ич-ичидан ажабланди: дўлдан зарарланган кўм-кўк ниҳолларнинг ости қандай қилиб бунчалик тез юмшати-

ди?.. Қисқа муддат ичида қандай қилиб шунча ўғит келтирилди?..

Қандайдир номаълум кишилар дўлдан зарар кўрган участкаларни ўлчаб юрарди. Бу ўрнида ҳам раис ўнғайсизлик сезди. Чунки у ер ўлчаб юрган икки кишини узоқдан кўриб, эътибор бермаганди. Сўнгра у ўзининг кулранг ўйноқи тойчоғида Қултепа орқасидаги ёлғизоёқ йўлга чиққанда, ер ўлчовчилар билан қўққисдан юзма-юз келди.

— Ким бўласизлар? Қаёқдан келдиларинг?— сўради у балад овоз билан. Ўзи отдан ҳам тушмади, қаршида турган кишилар билан саломлашмади ҳам.

Ер ўлчовчилар бир зум ишдан тўхтаб, ҳайрон бўлдилар. Улардан бири, қотмадан келган, оёғида эски брезент этик, шапкаси ҳам, қийиқ ёқали кўйлаги ҳам коломенкадан тикилган, сочлари қирилган, эскириб кетган портфелини қўлигига қистириб олган новча киши суяклари чиқиб турган ориқ ва ингичка елкасини қисиб деди.

— Мен госстрахданман. Бу ўртоқ — МТС дан,— деди у ҳамроҳини боши билан кўрсатиб. Ҳамроҳи эса тўладан келган бўлиб, қоп-қора кўзлари кулиб турарди. У яқинда фронтдан келган бўлса керак, эғнида гимнастёркаси, шими, оёғида кирза этиги бўлиб, бошига оҳори тўкилмаган чуст дўппи кийиб олган эди. У ҳамроҳининг сўзига қўшимча қилди:

— Биз дўлдан зарар кўрган ерларингизни ўлчаб, акт тузишга келдик.

Қовоғидан қор ёғилиб турган Қодиров, хаёли бошқа ўйлар билан чувалашиб турган ҳолда уларнинг сўзларини эшитди-ю, йўрғасининг қорнига бир қамчи босиб жўнаб кетди.

Орадан икки соатча ўтгач, у бошқа ерни ўлчаб юрган кишиларни учратиб, яна бояги саволни берди. Улар жавоб бериш ўрнига бир-бирларига қараб қўйдилар-да, бошда ҳайрон бўлиб, сўнгра қаттиқ кулиб юбордилар.

Қодиров уларга хўмрайиб қараб турди-да, яқинда учрашганини эслаб, заҳар билан сўради:

— Нега куласанлар? Эҳтимол, бу далада ер ўлчаш учун келган бошқа одамлар бордир. Дўстларим, ахир ҳамма ер ўлчовчиларни эсда сақлаб бўладими? Сизлар кўпсизлар, мен битта.

Шу куни у Ҳалимбобо бунёд этган янги боғда ҳам бўлди. Тўғон қуриладиган жойда ҳам, сув ҳовузи ўрнида

ҳам бўлиб, Жалолов билан суҳбатлашди. Ойқиз қурилишда кўринмас, Жалоловнинг айтишича, колхозга кетган эди. Тўғон қурилишида Ойқиз томонидан йўл қўйилган хатони Жалоловнинг хотирасига туширомоққа уринди. Бироқ Жалолов раиснинг сўзларини шартта кесди ва уни ёлғиз қолдириб, тўғоннинг чеккасида шағал ташийдиган машина томон кетди.

Қодиров унинг орқасидан қараганича қолаверди ва сўнгра қўлидаги қамчиси билан анчагача этигининг қўнжига уриб, чангини қоқди.

Бугун учрашган одамлари ичида фақат Ҳалимбобо раис билан узоқ суҳбатлашди. У келгуси баҳорда қишда сақланадиган ва номи чиққан қандил, размарин олмаларининг кўчатларидан, кашмир гилоси, луччак шафтоли ниҳолларидан қандай бўлмасин топиб келажагини айтиб, охирида зўр фойда келтирадиган боғдорчилик ишига совуққонлик билан қараётгани учун раисни койимоқчи эди, бироқ раис кекса боғбоннинг сўзларига қулоқ солмай, деди:

— Бўпти, ота. Яна бир келганимизда боғингиз тўғрисида гапириб берарсиз. Ҳозир бундан кўра муҳимроқ ишлар бор.

Аммо уни кутиб турган муҳим иш йўқ эди. Тўғриси, муҳим ишлар бор эди-ю, бироқ раис бу ишлар тўғрисида ўйламас ҳам эди, уни пайқамас ҳам эди. Албатта, дилининг тўрида муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган ишлар мавжудлигини, бундан кейин ҳам бўлишини билар ва тушунар эди. Бироқ у колхоз ҳаётида ва ўз ҳаётида қандай воқеалар юз бераётганига тушуна олмасди. Чунки, бировлар унга ҳужум қилсалар, бошқалар ундан юз ўгирардилар, унга чап берардилар ёки очиқдан-очиқ мазах қилиб кулардилар. Олимжон ёки Ойқиз у ёқда турсин, ҳаттоки Суванқул билан Бекбўта ҳам ҳамisha раис билан тортишадилар ва пировардида, ўз билганларини қиладилар. Нима учун? Ахир, у раис-ку! Раис бўлса-ю, одамлар гапига кирмаса... Бу нима деган гап! Ёки ишдан кетиш лозимми? Наҳотки?.. Улар фақат ишдан кетишини кутмоқдалар. Бироқ... шошмай туринг, дўстларим. Ҳа, шошмай туринг. Ҳали Қодиров ўз кучини кўрсатиб қўяр. Унинг қандай раис эканлигини ҳам кўрарсизлар. Фақат... Фақат ўйлаш ва тушуниш лозим... Нималар содир бўлаётганини тушунишга фурсат керак, фурсат беринглар, дўстларим, талабингиз нима? Хўш?.. Мана мисол: бугунги во-

қеа. Бугун қандай воқеа юз берди? Ҳаммалари ҳужум қилдилар, ҳа, ҳамма... Ҳатто Бекбўта ҳам чўқилаб ўтди. Нима учун ахир? Тушуниб бўлмайдди. Хўш... Қуриб кетсин кабинетдаги лампочкаям! Ўша ҳам баҳона... Ахир, ўзлари ҳам, ҳатто райком секретари ҳам тўла электрлаштириш тўғрисида орзу қилмаган-ку. Энди бўлса кабинетдаги лампочкага ёпишадилар! Нима учун лампочканинг бу хили осиб қўйилган?.. Нима учун темирчилик, сизирхонада йўқ, хас-хашакни майдалаш электрлашмаган?.. Тўғри, тўғри. Аммо, дўстларим, ҳаммаси бирдан эмас-да, ахир. Албатта, ҳамма аҳтиёж учун электр етишмайди. Ким билмайди етишмаганини? Қодиров билмайдами? Сизлардан кўра яхшироқ билади. Нима учун кабинетга лампочка осиб қўйилган? Ахир, сизлар учун-да!.. Сизларга эртаги кун зарур. Нима учун? Энг муҳими, ҳозир керак, ҳозир... у йнгит бўлса «замон ўзгариб кетган», дейди. Райком секретари бўлса «ақл-идрок керак, чуқур ўйлаш керак», дейди. Ахир, ўйлаш учун... Эҳ, оти қурсин... вақт керак, вақт. Райкомга чақирмасалар эди. Энди албатта чақиради, ё эртага, ёки кечаси чақиради. Биламан, ҳа, биламан, ҳаммаси нима учун қилинаётганини билиб турибман! Ишга тажриба кўзи билан қараш керак!

Бироқ у райкомга чақирилмади.

Қодиров бир неча кун райкомнинг бюросига чақирлишини кутиб, саросимада турли-туман ўй-хаёлга чўмиб юрди. Бироқ кунлар кунларни қувиб ўтаверди, лекин уни ҳеч ким, ҳеч қаерга чақирмади.

Ўттиз олтинчи боб

Райкомга етиб келинсин... Йўқ, етиб келинсин эмас, балки кундуз соат ўн иккилардами ёки ундан кейинроқми, ҳар қалай қулай вақт топилганда Олимжон келиб, учрашиб кетишини сўрабди Жўрабоев.

Олимжон, ўзича ўйлаб кўрди-да, эртароқ жўнаб, ўн иккиларгача Олтинсойга қайтишни кўнглидан ўтказди. Бироқ райком ходимлари унга Жўрабоев узоқ колхозга кетганини ва тушгача етиб келишини айтишди.

Олимжон буни эшитгач, бир оз ўйлашиб қолди. Нима қилиши, қаерга боришини билмаганидан эмас, албатта, (бўлмаса парткабинетда, қишлоқ хўжалик бошқармасида, район кутубхонасида қиладиган ишлари бор, бўш соатларда ўшаларни битирса ҳам бўлади) балки район партия

комитетининг секретари ишни нақадар пухта уюштирганидан, вақтдан унумли фойдаланаётганидан ҳайратда қолди. «Агар у чиндан ҳам соат ўн иккида ишда бўлса,— ўйлади Олимжон,— ажойиб бўларди. Ўрганиш лозим».

Олимжон ҳамма ишларини ҳал этиб, райком секретарининг қабулхонасига кирди-ю, ёшгина, сочлари белидан пастга тушган ва бошига ранг-баранг гулли дўппи кийган қизнинг сўзларини эшитиб, хижолат бўлди.

— Мен ҳамма ерга телефон қилиб, сизни ахтаряпман. Марҳамат, киринг, ўртоқ Жўрабоев сизни кутяптилар. Ҳозиргача икки марта сўрадилар.

Олимжон эшикни аста очди.

— Кечикдинг, кечикдинг,— деди Жўрабоев Олимжонни эшик олдида учратиб,— Иван Никитич билан икковимиз сенга Олтинсой ГЭСининг лойиҳасини кўрсатмоқчи эдик,— у стол олдида инженернинг ёнида туриб, оппоқ қоғозни карнай қилиб ўрашга кўмаклашарди.

Олимжон столга яқинлашиб, улар билан қўл бериб кўришди-да, Смирновга маънодор тикилди. Иван Никитич деди:

— Вақт йўқ, жуда шошяпман, Олимжон. Олдимга кир, ўша ерда кўрарсан.—У шошилич хайрлашди-да, кабинетдан чиқиб кетди.

— Хўш, ука, колхозда нима гаплар, гапириб бер-чи. Ғўзалар қандай? Дўлдан кейин тузалиб қолгандир?— Жўрабоев шошилмай жойинга бориб ўтирди ва Олимжонга жой кўрсатди.

— Ғўзалар паҳлавонларча ўсяпти. Аллақачон тузалиб, куч-қувватга кирди.

— Демак, озиқлантириш ёрдам қилипти-да.

— Озиқлантириш ғўзаларни сақлаб қолди, дейиш мумкин. Одамлар ҳам чакана ишлашмади-да. Ҳатто Қодиров ҳам кечани кеча, кундузни кундуз демай даламадала югурди.

— Хабарим бор, ҳаммасидан хабарим бор. Тер тўкиб ишладинглар. Энди кузда, пахта хирмони кўтарилганда юзларинг шувут бўлмайди.

— Далаларимизни энди бир бориб кўринг. Тўрт кундан кейин янги канални тантана билан очамиз.

— Албатта, бораман.

— Боринг албатта,— деди Олимжон такроран,— дўл ёққан кундан буён борганингиз йўқ.

У жим қолди ва фикран асосий гапга ҳозирлик кўрди. Жўрабоев шунинг учун чақиртирган бўлса ажаб эмас.

— Хўш, мени бошқа маросимга таклиф этмайсанми?— сўради Жўрабоев орага чўккан жимликни бузиб, кўм-кўк портсенгарига қўл узатаркан.

Олимжон унинг кўзлари атрофидаги ажинларига тикилди ва хотиржам эканлигидан қаноат ҳосил қилди.

— Фақат гўзаларни ва канални кўрсатмоқчимисан? Бошқа маросим йўқми?— такроран сўради Жўрабоев.

— Бошқа?!— Олимжон елкасини кўтариб қўйди.— Сиз биз учун ҳамisha қадрли меҳмонсиз. Борсангиз, бошимиз осмонга етади.

Орага бир зум жимлик чўкди ва улар папирос чекишди. Сўнгра Жўрабоев қўққисдан сўради:

— Олимжон, нечага кирдинг?

— Йигирма олтига,— жавоб берди Олимжон ич-ичидан хавотир олиб. «Тошкентга, партия мактабига юбормоқчига ўхшайдилар. Бўлмаса, ёшимни сўрармидилар?— ўйлади у,— гўзаларимиз нима бўлади? Ахир, биринчи йил экишимиз бўлса...»

— Йигирма олти,— салмоқланиб такрорлади Жўрабоев,— ҳалигача бўйдоқсан, оиласиз яшаяпсан. Халқ ҳикматидан хабаринг йўқми дейман-а?

— Қандай?..

— Оила бахт йўли демакдир.

Олимжон бошини қуйи солди. Жўрабоев аввалига унинг ранги қув ўчганини, сўнгра бирданига қизариб кетганини сезиб турарди.

Жўрабоев диққат билан тикилиб турганидан Олимжон болалар сингари уялиб, бошини қуйи солган ҳолда мулоимлик билан жавоб берди:

— Уртоқ Жўрабоев, ҳеч вақт-соати бўлмапти... Уруш, ундан кейин иш дегандай... Бу тўғрида ўйлашга ҳам қўл тегмапти.

— Мен ҳам сабабчиман.

— Сиз?!

— Ҳа.

— Қайси масалада?

— Сенинг шахсий тақдиринг масаласида. Ҳалигача уйланмаганинг масаласида.

Олимжон ич-ичидан кулиб юборди.

— Сиз нега ўзингизга оляпсиз. Бу ишда кимдир сабабчи бўладиган бўлса, фақат ўзим, айб ўзимда!

— Сенга кулгили бўлса ҳам, менга қайғули. Мен бунга бефарқ қаролмайман.

— Сизга қайғули?! Ахир...

— Ҳа, ҳа, ҳаётинг, бахтинг тўғрисида ўйлаш учун вақтинг йўқ эканми, демак, бунга мен, райком секретари ҳам айбли. Чунки сенга, ҳаммамизга ўйлаш учун вақт бўлиши тўғрисида мен қайғуришим лозим.

— Йўғ-е, гап вақтда ҳам эмас, сабабини ҳам билолмайман,— деди Олимжон уялинқираб.

Жўрабоев бир зум жим қолди.

— Эҳтимол, шахсий ишингга аралашганимдан, юрагингга қўл солганимдан норозидирсан? Балки хато деб ўйларсан.

— Йўқ, аксинча...

— Билиб қўй, мен ҳаққим борлиги учун эмас, балки сени ўғлимдек севганим учун аралашяпман. Модомики, шундай экан, сенинг бахтли бўлишинг учун ҳамма чорани кўришим шарт. Энди розимисан?

— Рози бўлмай-чи...

— Ҳа, баракалла, шундай экан, эпит. Бўйдоқ юраверишинг ярашмайди. Билиб қўй, бўйдоқнинг кўзи хира бўлади, ўз тажрибамдан биламан буни. Ҳа, ука, мен билан тортишаман деб овора бўлма.

— Йўғ-е, оталик қиламан дейсизу мен тортишаманми,— Олимжон папирос тутунидан кўзларини қисиб, илжайиб қўйди.

— Коммунизм қуряпмиз. Ишларимиз албатта қийин.— Сўзида давом этди Жўрабоев,— бироқ ўзимиз тўғримизда ҳам ўйламоғимиз лозим-да. Агар шахсий ҳаётинг бўлмаса — бахтли бўлолмайсан, тўғрими?.. Бахт деган нарса жуда инжиқ бўлади. Қани, ўзинг айт-чи, бахт бирон марта эшигингни қоқиб келганми?

— Ким? Бахтми?— Олимжон яна илжайди,— билмадим, келгани йўқ шекилли.

— Ҳа, муғамбир, менимча, эшигингни кетма-кет қоқиб келяпти-ю, сен бўлсанг эшикни тақа-тақ беркитиб ўтирибсан. Эҳтиёт бўл, ука, бахтингни қўлдан бериб қўйма.

Олимжон қизариб-бўзариб Жўрабоевга қараб олди-да, бошини қуйи солди.

— Ҳамиша эшигим очиқ...— деди у маъюслик билан бошини эгиб.

— Хўш, шундай экан, сабаби нима?

— Билмадим.

— Эҳтимол, жасоратинг етишмас. Ҳар ишда ҳам жасорат керак. Ахир, йигитсан-ку?..

— Билмадим...— деди яна Олимжон,— охирги марта, Кўкбулоқ суви Олтинсойга келгандан кейин икки ҳафта ўтгач «ҳа» деган жавобни оласиз деган эди.

— Хўш, жавоб бўлдими?

— Йўқ.

— Эсига солдингми?

— Ҳа.

Бирдан икковлари жимиб қолдилар.

— Жасорат — йигитнинг йўлдоши, дейдилар. Кўриб турибман, Олимжон, бу масалада сендан ўтибди,— деди Жўрабоев,— урушда найзабозлик жангига кирдинг, ўқдан қўрқмадинг. Бу ерда бўлса... Қиз олдида... Ё ёрдам керак бўлдими?.. Қаршилигинг йўқми?

Олимжон беихтиёр ўрнидан туриб қувонч билан кулиб юборди.

— Ундай бўлса бирга-бирга ҳужумга ўтамиз,— у хайрлашар экан, Олимжоннинг кафтига шапатилади-да, қўлини маҳкам сиқди.— Ишончинг комил бўлсин, ғалаба қозонамиз.

Ўттиз еттинчи боб

Ойқиз қишлоқ Советидаги колхозларга тез-тез келиб турарди. Ҳар келганида бригада шийпони олдида тўхтаб, Бойчибарни боғлаб олдига ўт ташларди-да, далага чиқиб кетарди, бир ўзи экинзор айланишни севарди. Бу — Ойқиз учун одат тусига кириб қолганди. Чунки пахта ўстириш тоғ этакларидаги колхозлар учун бутунлай янги иш бўлиб, алоҳида маҳорат, уддабуронлик ва муҳаббат талаб қиларди. Шу билан бирга пахта ўта сермеҳнат экин ҳисобланарди. Ялқовлар «биринчи йил экишимиз», деб баҳона топар, «тажрибамиз йўқ, ўрганиб кетармиз», дер эдилар. Эҳтимол, баъзи раҳбарлар бу сўзларга ишониши, иш-ёқмас кишиларни аяши, кечирishi мумкиндир. Бироқ Ойқиз бундай бригадирлар ёки раисларни кечирмас ва аямас эди.

Кўм-кўк ғўзалар ичида эгатлар бўйлаб бораркан, ипакдай майин ғўза япроқларини сийпалаб, шивирлагандай деди:

— Оҳо, нақадар тез ўсибсизлар-а, яқинда гулга кирасизлар-а...

У бирданига тўхтади ва бир туп нимжон ғўзанинг яп-

роқларини сийпалаб, шира тушган ёки тушмаганлигини кўздан кечираркан, ниҳол билан суҳбат қурди:

— Хўш, нега сен ўсишдан қолдинг? Нима бўлди-а? Ёки касалга чалиндингми? Хўш, касалинг нима? Қани, спичклаб текширайлик-чи. Япроқларинг тозами ўзи? Тоза. Нега бўлмаса бунча нимжонсан? Тўхта, тўхта, сабр қил... қара-я, япроқларинг шалвиллаб, сўлиб қолипти-ку. Тўхта, тўхта. Ҳа, худди шундай, сувсираб, сув танқислигидан озор чекибсан. Хўш, қўшнинг-чи? Вой, қўшнинг ҳам чанқаган-ку. Нега сизларга қарамай қўйдилар?— У аста ўрнидан турди-да, қўлини соябон қилиб, гўзаларга термилди—анча ер сувсиз қолдирилган. Баланглик бўлгани учун сув чиқмаган. Звено бошлиғи хабарсиз қолган. Ёки хабари бўлса ҳам, ичи ачимаган. Ана, ернинг этаги бўлса кўллаб кетган! Гўзалар қулоғигача сув остида қолган.— Шошмай туринглар, олтинларим,— деди у сўлиб қолган гўзаларга раҳми келиб япроқларни силаб-сийпалаб ардоқларкан,— шошмай туринглар, салгина сабр қилинглар, сизларни нима учун чанқатиб қўйганини звено бошлиқларингиздан сўрайман. Агар бригадирни кўриб қолсам, бригадирни ҳам сўроқ қиламан. Агар бахтларингизга раисни кўриб қолсам, уни ҳам сўроқ қиламан.

Ойқиз гўзаларни диққат ва эътибор билан кўздан кечираркан, қайси участкани озиқлантириб, дарҳол суғориш зарурлигини, қайси участкага нормадан кўп ўғит ва сув берилганлигини бехато аниқлади.

У дала айланиб бригадирнинг олдига борди. Гўза парваришидаги ютуқлари учун ташаккур айтиб, йўл қўйилган камчиликлар учун танбеҳ берди. Бригадирларгина эмас, балки раислар ҳам Ойқизнинг қўққисдан келиб қолишидан ҳайшқиб турардилар.

Июнь кунларининг бирида, эрталаб Ойқиз янги қурилган бригада шийпонига — бир вақтлар Олимжон билан ҳовуз бўйида суҳбат қилган ерга етиб келди. Агар шу ҳовуз бўлмаганда ўша учрашувни ҳам фақат фараз қилиши мумкин бўларди, холос. Сокин ҳовуз тилсиз гувоҳ бўлиб турибди. Ойқиз қачон бу ерга келмасин, ҳовуздаги кўм-кўк ва тоза булоқ сувлари, атрофига қип-қизил қум сепилган покиза қирғоқлар уни бир зум тўхташга ва ана шу гўзал қирғоқлардаги ширин суҳбатларни эшлашга яндарди.

Ойқиз прғиб отдан тушди, Бойчибарнинг арқонини ушлаб бирпасгина ҳовуз бўйида туриш, ширин-ширин:

хаёлларга чўмиш ниятида эди-ю, бироқ Бекбўта халақит бериб қолди. Ҳамиша шошиб юрадиган бригадир бир зумда қизнинг ёнида пайдо бўлди, отни қозиққа боғлаб, олдига ўт ташлади-да, илиқ саломлашди. Саломлаша туриб меҳмоннинг авзойига разм солди, ўзи қўққисдан пайдо бўлиб қолганидан Ойқиз норози эканлигини қовоғидан пайқаб, ётиғи билан сўради:

— Уртоқ Умурзоқова, йўл бўлсин? Қимнинг звеносини кўрмоқчисиз?..

— Ҳамма звеноларни кўраман, ҳамма далани айланаман,— деди Ойқиз ёқинқирамай,— менга тушунтириш ҳам, кузатиб юришингиз ҳам шарт эмас. Ўзим айланаман. Ишингиздан қолманг.

Ойқиз худди денгизга ўхшаш кўм-кўк далага кириб кетди. Тиззадан юқори гўзалар бепоён эди. Бекбўта узоқ вақтгача ҳайрон бўлиб, изтироб ичида унинг орқасидан қараб қолди: «Нима учун олдига келишим билан қовоғи солинди? Нимадан норози? Нимани кўрипти экан?»

У ўйлаб ўйига етолмай, Бойчибарнинг олдига келди ва елкасига қўлини қўйиб деди:

— Ақли расо отсан. Бироқ, хўжайиннинг нимадан норози эканлигини айта олмайсан. Ҳа, айтиб беролмайсан. Эҳ, сен-ей. Майли, ўтни ейвер, гачирлатиб чайнайвер.

Қун пешинга борганда Ойқиз дала шийпонига кириб келди. Унинг юзлари чанг, ўзи ниҳоятда чарчаган, пешонасида, лабининг устида тер доналари кўринарди. Энциси, пешона ва чаккасидаги соч толалари тагида ҳам пешонаси ва лабидаги сингари тер маржонлари марвариддек ярқираб турар, ҳуснига ҳусн қўшарди. Бундай ҳол бахтиёр кишилардагина бўлиши мумкин.

Дала шийпониди бригадир кўринмасди. Ойқиз унинг йўқлигидан, яхши ўсган гўзаларни кўриб мамнун бўлганини унга айта олмаганидан афсусланди. Мана, Бекбўта қилган ҳалол меҳнат натижаси!

Ҳаво исиб кетганига, овқатга чиқини вақти бўлганига қарамай, дала шийпониди ҳеч ким кўринмасди. Ойқиз яна афсусланди, чунки бригаданинг гўзалари намунали парвариш қилингани тўғрисида бирор киши билан гаплашиб, юрагидаги қувончини тўкиб сололмади.

Ойқиз сап-сариқ этикчасининг пошналари билан ер тепиб, санаб қадам ташлаб, яна ҳовуз бўйига борди:

— Вой... ўртоқ Жўрабоев!— Беихтиёр қичқириб юборди у.

Жўрабоев ҳовузнинг париги томонида, гимнастёркасининг ёқаларини ечиб, чордава қурганича икки қўлини тиззасига қўйиб дам олиб ўтирарди. У жойидан қимирламади, кулинқираб Ойқизга қаради.

— Қайси томондан келдингиз? Машинангиз қани? — сўради Ойқиз ҳовуз бўйини айланиб ўтиб, райком секретари томон юраркан.

Жўрабоев ўрнидан турди, чап қўли билан тугмаларини сола туриб ўнг қўлини Ойқизга узатди.

— Мен сизни кутяпман, — деди Жўрабоев у билан кўришиб. — Машина ана, салқинда турипти.

— Вой, кўрмабман-да, — деди Ойқиз шошилб салқинда турган «Газик»ка қараб, — ростдан мени кутяпсизми? Бирон зарур иш... қўлимдан келадиган бўлса...

— Келинг, Ойқиз, ўтирайлик, — деди Жўрабоев қизнинг саволига жавоб бериб. — Бу ерда, сув бўйида дам олиш нақадар нашъали, чарчаганлик ғубори ҳам дарров кўтарилиб кетади.

— Чарчаганим йўқ, ўртоқ Жўрабоев.

— Тонг саҳардан буён далама-дала юрасану яна чарчаганим йўқ эмиш.

— Йўқ, йўқ, сира чарчаганим йўқ. Даладаги иш ранжитгандагина чарчаш мумкин. Аммо мана бунақаси кишига куч ва қувонч беради.

— Хўш, Бекбўтанинг ғўзалари яхшими?

— Бунақа ғўза бошқа жойда йўқ, ўртоқ Жўрабоев. Агар пстасангиз, кўрсатишим мумкин, — деди, — ўзингиз кўрасиз.

— Кўрдим. Сени ҳам узоқдан кўрдим.

— Кўрдингизми? Чиндан-а? Бўлмаса нега чақирмадингиз?

— Нега чақирай? Бир ўзинг юрсанг, чала чопилган жойларни яхшироқ кўрасан.

— Ҳар ҳолда... Ахир, ўзингиз ҳам кўргандирсиз?

Жўрабоев бир зум индамай, сўнгра жавоб берди:

— Фикрингга қўшиламан. Ҳавасни келтирадиган ғўзалар.

Ойқиз райком секретарининг гоҳ «сен»лаб, гоҳ «сиз»лаб гапиришига эътибор қилди, ҳар ҳолда, «сен»и кўпроқ бўлганидан мамнун бўлиб, «хайрли иш белгиси», дея кўнглидан ўтказди.

— Ҳали, сени кутяпман, девдингиз, — деди у эсига солиб, — бирор муҳим иш борми?

— Жуда муҳим иш,— тасдиқлади Жўрабоев ва яна жимиб қолди.

Ҷиз унинг қум устида, тиззаларини қучоқлаб ўтиришига разм солиб ўйланиб қолди. «Муҳим иш? Йўғ-ей, ундай бўлмаса керак, сиз ҳам қувлик қила оласизми?» деган фикр келди миясига, бироқ бир дақиқа ичида пайдо бўлган хавотир ўз-ўзидан йўқолиб кетгач, дилида яна қувонч пайдо бўлди.

— Албатта, муҳим гапларни гаплашиш учун бошқача шароит, расмий шароит зарур,— деди Жўрабоев худди Ҷизнинг фикрларини билгандай,— бироқ бизнинг суҳбатимиз учун ҳозир жуда қулай пайт, такрор айтаманки, суҳбатимиз жуда муҳим.

Ойқиз ёп томондан унинг юзларига тикилди-ю, суҳбатнинг муҳимлигига ишонмади ва «мени қўрқитмоқчисиз шекилли, йўқ, қўрқмайман,— ўйлади у,— ажибларингиз сизни фош қилиб қўяди, асабийлашган кўринасиз, бироқ ўз кўзим билан кўриб турибман; асабингиз жойида», кўнглидан ўтказди Ойқиз. Шу хаёл билан Жўрабоевга тикилиб турди-да, бирдан чўчиб кетди ва бир зумда ўзини ундан четга торгандек бўлди. Ҷиз унинг бўйнига диққат ва ҳаяжон билан термилиб турарди. Чунки у Жўрабоевнинг бўйнидан бошланиб, ўмровига чўзилиб кетган узун ва оғир яра изини биринчи марта кўриши эди. Аслида Жўрабоев билан биринчи марта ёнма-ён ўтириши-да!..

Қўрқинч ва саросималик йўқолди-ю, биргина ҳис-туйғу, асл ишонга ҳурмат ва эҳтиром туйғуси қолди. «Мен бу кишини сира ҳам билмаган эканман. Сира ҳам. Болалигимдан буён танисам ҳам, билмаган эканман», ўйлади у. Ойқиз ундан бу яра изининг сабабларини, қайси жангда ярадор бўлганлигини сўраб олмоқчи бўлди-ю, бироқ бу ҳурматсизлик бўлади деб сўрашга журъат қилмади. «Менинг Олимжоним-чи!— деган фикр келди бирдан миясига,— у ҳам ярадор бўлган-ку. Мен ҳали бирор марта ҳам бу тўғрида сўраганим йўқ... У ҳам менга бирор марта бу тўғрида айтиб бергани йўқ».

Унинг юзлари ўтдай ёнар, қўллари совқотгандек эди.

— Олимжонни кўпдан буён биласизми, Ойқиз?

Ойқиз кутилмаган саволданми ёки қўққисдан чиққан овозданми, ҳар ҳолда, қаттиқ чўчиди ва ялт этиб Жўрабоевга қаради:

— Нима? Олимжонними? Болалигидан!..

- Унга ишонасизми?
- Ишонаман? Унга?
- Ҳа. Унга ишонасизми?..

— Сизга, гапингизга тушунмадим. Нима учун сиз бундай деб сўраясиз? Олимжон ҳалол одам. Покиза... Эҳтимол, ўша... Йўғ-е, ўхшатиб бўлмайди... Айтмоқчиманки... унинг юраги тоғлардаги булоқларга ўхшайди — покиза. Ахир, Кўкбулоқда қандай ишлаганини ўзингиз ҳам биласиз-ку! Партия ташкилотидачи? У партком бўлиб сайлангандан буён партия ташкилотимиз жонланди, мустаҳкамланди. Фронт-чи, фронт, ўртоқ Жўрабоев!..

— Тушунолмай қолдим, ким кимни нимага ишонтирмоқчи ўзи. Сиз меними ё мен сизними?—деди Жўрабоев унга қарамай.—Сизни ишонтирсам керак, деб ўйловдим.

— Нимага? Нега сиз ишончдан гап очдингиз? Ё бирон гумонингиз борми? Унга бирор нарса бўлдими?

— Унга ҳеч нарса бўлгани йўқ, Ойқиз, ҳеч нарса...—деди у қизга оталарча тикилиб,—фақат уни севиш-севмаслигингизни билишим зарур эди. Энди билдим.

Жўрабоев шу қадар очиқ-ойдин, содда ва қатъият билан гапирдики, Ойқиз бундай сўзларни отасидан ҳам эшитмаган эди. Шунинг учун ҳам таажжуб билан унга қаради-ю, кўзлари жиққа ёшга тўлди. Ойқиз отасидан ҳам яширган сирини ҳозир фақат шу кишига айтиши мумкинлигини тушунди.

— Севасиз!— такрорлади Жўрабоев.— Тўғри айтяманми? Сиз жасоратли қизсиз. Қани, севгига иқрорингизни ўз қулогим билан эшитай-чи.

— Севаман!

— Баркалла. Модомики, шундай экан, нима учун мен ҳозиргача тўйга таклиф қоғози олмадим.

— Билмадим.

— Балки, Олимжон пайсалга солаётгандир?

— Йўқ... У ҳам севади. Бир-биримизни кўпдан бери севамиз.

— Шундай экан, бахтингизга тўсиқ бўлаётган ким? Ё Умурзоқ ота қаршими?

— Билмадим...

— Нега билмайсиз? Қаршими?

— Билмадим... йўқ... Ҳали дадамга айтганимча йўқ. Жўрабоев кулиб юборди.

— Ахир, Кўкбулоқ сувлари Олтинсойга етиб келга-

нидан буён қанча вақт ўтди-ку,— деди у кўзларини қисиб,— эҳтиёт бўл, қиз, бахтингни қўлдан бериб қўйма. Халқимизда, вақт ўтди — бахт кетди, деган ҳикмат бор.

— Кўкбулоқ?.. Бу тўғрида фақат унинг ўзи биларди, холос,— деди у аста-секинлик билан.— Демак, севгимиз тўғрисида ўзи айтдимми? Шундайми?

— Хўш, нима демоқчисан, энди уни айбламоқчимисан? Билиб қўй: ўзи айтгани йўқ. Мен уни райкомга чақирдим. Бу томонларининг ҳаммасини ўзим ўйлаб топдим. Гумоним тўғри чиқди. Агар сизларни билмаганимда эди, гумон ҳам қилмасдим, сирларингни ҳам билмасдим.

— Бўлмаса ёрдам қилинг...

Қиз бошини эгиб, бармоғи билан қумга нималарнидир ёзарди. Жўрабоев қизнинг юзларига термилди ва қандайдир саросималик сезиб, чўчигандек бўлди:

— Йиддий гапирясизми?..

— Билмадим... Ўзим ҳам билмайман... Нима учун шундай бўлаётганига тушуна олмайман,— деди қиз изтироб ичида.

— Айт, ҳаммасини бирма-бир айт,— деди Жўрабоев қатъият билан ва портсигарини олиш учун чўнтагига қўл юборди.

— У фронтдалигида хат ёзишардик. Бир-биримиздан узоқ бўлсак ҳам, хат орқали севишдик,— ҳикоя қила бошлади у тиззасига тушган сочларини қўли билан тараб,— уруш тамом бўлгач Олимжон қайтиб келди-да, таклифини айтди... Мен бўлсам турмуш қуриш тўғрисида ўйлаб ҳам кўрганим йўқ эди. Таҳликага тушиб ўйлашиб қолдим ва сабр қилишни сўрадим. Миямга турлитуман фикрлар кириб чиқарди. Ахир, у кўп-кўп қийинчиликларни кечирди, кўрди. Энди, колхозда қолармиди, деб ўйладим. Сира ҳам қолмайди. Албатта, Тошкентга кетади. Мен-чи? Мен учун колхоз туғилган уйим, ҳеч қачон ташлаб бошқа ёққа кетмайман. Шундай экан, мен унинг тенги эмас, иккиладим, қийналдим. Оқибатда унга йўқ ҳам, хўп ҳам дея олмадим. «Йўқ» дейиш оғир бўлди, чунки ундан ажралишдан кўрқдим. Натижада чўзиб келавердим, вақт ўтаверди. Юрагимдаги ҳис-туйғуларимни яна бир карра текшириб кўрмоқчи, бирор ишда синаб кўрмоқчи бўлдим. Шу пайтда Кўкбулоқ воқеаси келиб чиқди... Уртоқ Жўрабоев, виждонан айтаманки, бу иш ҳақиқий жасорат. Олимжон ўзининг тиришқоқлиги ва қаҳрамонлиги билан мени қойил қилди.

— Унга шунчалар куч берган ким эканлигини биласизми?— сўради Жўрабоев.

У ўйланиб қолди.

— Сизсиз, Ойқиз! Шунинг билангики, Олимжон сиз учун бундан ҳам катта жасоратга қодир!

— Қанийди, шундай бўлса, дунёда энг бахтли қиз бўлардим.

— Худди шундай,— тасдиқлади Жўрабоев,— сизга тўсқин бўлган нарса нима?

— Ҳозир айтаман: мана Кўкбулоқ... Бу булоқ бизларни не азобларга солганини биласиз. Ўн етти кун деганда Олимжон умидини уза бошлаган эди. Мен уш қувватладим. Унга далда ва ишонч бердим. Яширмайман. Шундай қилолганимдан бахтиёр эдим. Шу пайтда унга сўз бердим... Бироқ, ҳаётимда бахтсизлик юз берди... Тўғон қурилишида хато қилинган ўша лаънати кун...

— Нима, Олимжон сизга таъна қилдимми?

— Йўқ, йўқ, ҳеч қачон! Бирор марта ҳам тилга олгани йўқ. Ана шу мусибатли пайтларда ўзимдан-ўзим: «севармикан?» деб сўрардим. Севадиган бўлса нега индамайди... йўл қўйган хатом тўғрисида нега сўрамайди? Еки менга бўлган ҳурматини йўқотдимми? Менга, бир коммунистга бўлган ишончини йўқотдимми? Эҳтимол, йўқотгандир, эҳтимол, меҳр-оқибатимга гумонспраётгандир. Эҳтимол, бошқа бирор сир бордир?

— У сизнинг иззат-нафсингизни аяган, юрагингизни яралашдан қўрққан. Аммо сизга ҳам тушунолмай қолдим. Олимжон тўғрисида шундай ўйлашга уялмайсизми? Қани, хўш, майли, сўнгра нима бўлди?— сўради Жўрабоев.

— Сўнгра? Билмайман, ҳаммасини айтдим.

— Ҳаммасини?— сўради Жўрабоев баланд овоз билан.— Хўш, сизларга тўсқин бўлган нарса нима ўзи?

— Билмадим.

У Ойқизга қувонч блани тикилди-ю, ўрнидан туриб кетди. Қиз ҳам турди.

— Агар шундай бўладиган бўлса,— деди қатъият билан,— ўзингга ўзинг қийинчилик туғдирибсан. Бу зарарли одат, ҳа, васваса касалига дучор бўлишинг мумкин. Энди Кўкбулоқ суви аллақачон Олтинсойга етиб келган экан, сўзларингизнинг устидан чиқишингиз лозим. Яхшимми?..

— Яхши.

— Яна, совчини қизартириб қўйманг. Ҳалигача совчи бўлмаган эдим. Биринчи марта, сиз ва Олимжон учун бир уриниб кўрай-чи, уддасидан чиқармиканман. Шу бугуноқ уйлариңизга бораман, дадангизни кўргани... Қаршилик йўқми?

Ойқиз жавоб ўрнига бошини чайқади. Томоғига қандайдир нарса тиқилганини сизди. Жўрабоев хайрлашиб, машинаси томон кетгач, қаттиқ ютинди ва ўзига келди.

Ўттиз саккизинчи боб

Қирдаги катта чайладан енгилгина кўтарилаётган тутун гоҳ буралиб-буралиб баландга чиқар, гоҳ ўз-ўзида ғойиб бўларди. Ерўчоққа қозон осилиб, ёғ доғларди. Олов яллиғидан қизариб кетган Бекбўта гимнастёркасининг бир егини шимариб олиб ўчоқбошида капгир ушлаган ҳолда тутунни тобора қуюқлашиб бораётган ёққа тикилиб турарди. Ниҳоят, у қозонга битта суякчани ташлади. Суякча обдан қовурилиб, қорамтир тусга киргач, уни капгир билан олиб ташлади-да, шу пайтнинг ўзида ёқ қозонга озгина туз солди. Туз доғ бўлган ёққа тушиб, қасир-қусур овоз чиқариб сачради.

Бекбўта ўз ишидан кўнгли тўқ. Энди Суванқул тўғраган пиёзни бостирса бўлади.

Суванқул чайланинг соясида, майса устида чордала қуриб олиб сабзи тўғрарди. Унинг олдида, майсага ёзилган белбоғи устида чинни коса, ош сузиладиган сопол ланган турарди. Ёнидаги катта тоғора тўла гуруч, икки боғ кўк пиёз, қоғозда зира, қип-қизил қалампир, қуритилган зирк ва яна нималардир бор эди. Суванқул сабзини таомлаб, қўй гўштини тўғрашга ўтди.

Буларнинг ҳаммаси ўз вақтида қозонга тушади. Қозонга солиш учун унинг миқдорини аниқ билиш, шу билан бирга тобига қараб доғлаш, қовуриш ва қайнатиш зарур. Ёғи керагидан камроқ ё кўпроқ доғ бўлдим, ёки суви миқдоридан салгина кўп тушдим — палов бузилди деяверинг. Албатта, бундай ошни пиширган ошпаз кўп вақтларгача юзи шувут бўлиб юради, ўзини ўнғайсиз сезади. Шунинг учун бундай нозик ишга ҳар ким ҳам журъат қилавермайди.

Ҳақиқий ошпазлар палов пиширишнинг ҳамма жараёнларидан завқ олиб, роҳат қиладилар: масаллиқ тап-

лаш—қўй гўштими, қўйругими, сабзи ёки пиёзми, гуруч, икки-уч дона саримсоқ пиёз, қалампир ва зираворлар олишдан тортиб бу маҳсулотларнинг ҳар бирини маҳорат билан тўғраш ва тўғралган нарсаларни вақтида қозонга солишгача — ҳаммаси нақадар нашъали!

Ош пишириш Бекбўтага ҳам, Суванқулга ҳам роҳат бағишларди. Шунинг учун ҳам улар дам олиб, ҳордиқ чиқаришнинг ана шу пайтини беҳад севар, аммо севганларини бир-бирларидан ҳам, бошқалардан ҳам сир сақлар эдилар. Улар чинакам пазанда бўлганлари учун ҳам ош пиширишдан қувонар ва лаззатланар эдилар. Бугунги ош одатдагидек қишлоқ чойхонасида эмас, балки тоғлар ичидаги тепаликда, очиқ ҳавода бўлаётгани икки дўст учун ҳам ҳузур, ҳам сурур эди.

Тепалик устидан ҳаммаёқ кўриниб турар: улуғвор ва баҳайбат Кўктоғ ҳам, унинг ёнбағирларини қоплаб олган арчазор, пистазорлар ҳам, ўтлаб юрган колхоз қўй-қўзилари, сигирлари ҳам, пахтазорлар ва мевазор боғлар ичидаги қадрдон Олтинсой ҳам, ниҳоят, чапда, икки томони чақир тошлар билан қопланган сойда қад кўтарган тўғон ҳам яққол кўриниб турарди. Ҳозир тўғон атрофларида ғалати жимжитлик ҳукм сурарди: экскаваторларнинг гулдурагани, юқоридан сойга тушадиган тошларнинг шақир-шуқури, самосвалларнинг шағиллагани, одамларнинг қий-чуви эшитилмасди.

— Идора устида ҳилпираб турган қизил байроқдан бошқа нарса кўринмайди, қара, оғайни,— деди жимликни бузиб Суванқул.

— Худди бир ўзинг қараб турганга ўхшайсан-а,— жавоб берди Бекбўта,— менинг ҳам икки кўзим ўша томонда, қарайвериб, сабзим қуйиб кетаёзди. Тўғон очилиши муносабати билан районимизнинг ҳамма колхозларидан одамлар келган эмиш, қани, улар, кўринмайди-ку, тўғон устида икки-уч киши кўринади-ю, яна ғойиб бўлади. Ҳа, оғайним, сен фронтда бўлмагансан, шунинг учун ҳам бундай ишларга фаҳминг етмайди,— деди Бекбўта насихатомуз,— тўғон дегани — муҳим объект ҳисобланади, энди у ерга рухсатсиз ҳаммани қўявермайди. Ҳатто сен билан мени ҳам.

— Йўғ-е, тўғон бўйида митинг бўлади-ку.

— Ҳа. Бўлади. Тайёр қилинган минбарни ҳам кўрганман. Беш тоннали машинанинг устига ўрнатилган. Ҳозирча одамлар сой ичида соя-салқинда дам олмоқдалар.

Бекбўта капирни қозондан кўтарди-да, чап қўлининг кафтига сап-сариқ томчини оқизиб, тили билан татиб кўрди...

— Ҳе, оғайним, қиёмат ош бўлади, ҳа... Бундай ширин ошни умрингда емагансан, Суванқул,— деди Бекбўта.

— Оғайним, мақтанчоқлигинг сира қолмади-да,— деди Суванқул,— мақтанчоқнинг омади юришмас дейдилар.

— Каромат қилишни қўйсанг-чи,— деди Бекбўта берамлик билан,— яхшиси, уни сабзи билан қўшиб тўрра-санг, ошга бостирган бўлардим.

— Ҳа, ажойиб қайла бўларди,— деди Суванқул. У бир боғ пиёзни олиб силкиди-да, унга ҳавас билан термилди.

— Ўз номи билан аччиқ-чучук дейилади. Пиёз аччиқ. Энди чучугини ҳам топгин-да. Помидорми, бодрингми...

— Оғайним, азалдан маълумки, ширин-шакар ёлгондан аччиқ ҳақиқат афзал,— деди ҳазилга ҳазил билан жавоб берган Суванқул,— помидор ҳам, бодринг ҳам тилингда, уни тушингда кўрасан. Ҳамма яхши кўрадиган пиёз бўлса — мана қўлимда. Энди уқтингми, менинг аскиям ширин-шакар, қозонга солса ҳам арзийди, бироқ сенинг аскиянгни ўчоққа қаласа бўлади. Яна сен аския-бозмисан...

— Сен-чи, оғайним? Сендан бир сўз эшитиш оғир карвонни кўтариш билан баробар.

— Ҳақ сўзни айтдинг, оғайни. Албатта, одам жуда ҳам оғиркарвон бўлиши ярамайди, бироқ бўлар-бўлмасга вайсайвериш ҳам инсофдан эмас.

Бекбўтанинг бардоши тугади. У қўлидаги капирни косанинг устига қўйди-да, тахлаб қўйилган чопони олди-да ўтирди ва Суванқулга қараб-қараб қўяркан, чопони ичидан қандайдир тугунчани олиб, дўстининг олдига келди, чордана қуриб тугунни еча бошлади.

Суванқул унинг имиллаган ҳаракатини чидам билан кузатиб турарди.

— Хўш, бунга нима дейдилар, энди ҳам қуруқдан-қуруқ вайсадинг дейсанми-а?..— деди Бекбўта тугунни очиб.

Суванқул ҳайрон қолди. Оппоқ белбоғда иккита қип-қизил помидор ва тўртта бодринг турарди.

— Нега индамайсан?— сўради Бекбўта яна тегажаклик қилиб.

— Сўзларимни қайтиб олдим, оғайни,— деди Суван-

қул қўлидаги помидорни салмоқлаб, — қаердан олдинг, оғайни? Тушимми ёки ўнгимми? Кўзларимга ишонмайман-а. Мана энди, фронтда эпчил интендант бўлганинга ишондим, — деди Суванқул жиддий тусда.

— Авваламбор қулогинга исирға қилиб тақиб олгинки, интендант жанг бораётган олдинги қаторда юрмайди. Мен бўлсам ҳамиша олдинги қаторда, жангда бўлганман. Иккиламчиси шуки, ҳарбий билетимга милтиқ, автомат ва қўл пулемёти отувчи деб ёзилган. Мана, ихтисосим шундай, оғайним, ақлинг етдими? — деди Бекбўта мулоимлик билан. — Ана энди, оғайним, помидор билан бодрингни ҳу анави чинни косага яхшилаб тўғрагин-да, устига пиёз сепиб қўйгин.

Бекбўта шундай деб, ўчоқбошига кетди.

Суванқул суякдан қилинган сопига садаф қадалган пичоғини қинидан суғурди, уни чинни пиёланинг гардишида чархлаб, ҳафсала билан ишга киришди.

Шу пайтда қозон бошида турган Бекбўта:

Колхозимиз қизлари,
Олма-анор юзлари.
Иш-меҳнатдан чиқади
Доим айтган сўзлари.

Ҳаводаги уч ўрдак.
Учаласи бир ўрдак.
Бизнинг колхоз қизлари
Очилган қизил гулдак,—

дея хиргойи қилди. Унинг овозини эшитиб Суванқул орқасига ўгирилди.

Ойқиз билан Олимжон тепаликка чиқиб келишарди. Суванқул эпчиллик билан помидор, бодринг тўғрарди. Бекбўта йигит билан қизни кўрмасликка олиб, ашуласини айтаверди:

Ғижимдан рўмонинг бор,
Ой юзингда холинг бор.
Қизларнинг қўшиқчиси,
Сўзларингда болинг бор.

— Ассалому алайкум!

Ош дамлаётган Бекбўта шошиб-пишиб, икки қўлини кўксига қўйиб самимий кўришди.

— Марҳамат қилсинлар, марҳамат, хуш келибсизлар!
У чопганича чайлага кириб кетди-да, гиламни олиб чиқиб соя-салқин майса устига тўшади.

— Бу тансиқ неъматни қаердан олдиларинг?— сўради Ойқиз Суванқул билан сўраша туриб, косага тўғралган помидор ва бодрингга тикилган ҳолда,— ҳали сабзавот пишишига эрта-ку.

— Колхоз еридан,— деди Суванқул Бекбўтадан олдин,— марҳамат, дастурхонга, ҳозир ошкни ҳам сузаман.

Ойқиз косадаги паррак-паррак қилиб тўғралган қипқизил помидорнинг бир япроғини олиб, оғзига солишдан бурун Олимжоннинг қулоғига шивирлади:

— Бир йил ичида нимаки биринчи марта қўлга тушса, энг яхши орзу-истакларни кўнглидан ўтказиш зарур,— деди-да, помидорни оғзига солди.

— Сиз кўнглингиздан ўтказдингизми?

Қиз жавоб маъносида табассум қилди.

Суванқул ва Бекбўта қозон бошида ўз ишлари билан банд эканлигидан фойдаланган Ойқиз косадаги помидордан яна бир япроғини олди-ю, Олимжоннинг оғзига солди ва қулоғига шивирлаб деди:

— Сиз ҳам кўнглидан ўтказинг!

— Кўнглимдан ўтказдим.

— Ундай бўлса тезроқ энг.

Бекбўта келиб, уларни дастурхонга таклиф этди.

— Айтинг-чи, бу совға қаердан?— сўради Ойқиз такроран.

— Қаерданлигини билиб қолдим,— деди Олимжон кулги аралаш.

Ойқиз дарҳол унга тикилди:

— Қаердан?..

— Ҳалимбобонинг парнигидан.

— Тўғри,— деди Бекбўта уни тасдиқлаб.— Ҳалимбобо совға қилди. Ошга қўшиб сизларни меҳмон қилишни айтди ва йўллари тушганда ўзлари кириб ўтсинлар, деди.

— Ажойиб чол,— деди Ойқиз унга қойил бўлиб.— Бизнинг Мичуринимиз, ҳали у киши лимон ва апельсинлар ҳам ўстиради.

— Ўстиради,— деди уни қувватлаб Бекбўта,— ўша сеҳргар боғбон билан беҳудага учрашмаган-да.

— Ҳа, Ҳалимбобо Мичурин билан учрашганда мен ёш бола эдим. Дадам қойил қолиб, ҳикоя қиларди.

— Одамларнинг сўзларига қараганда, Ҳалимбобони Мичуринга олиб борган Ризамат ота дейишди.

— Ҳалимбобонинг ўзи шундай дейди,— деди Олимжон.

— Биринчи марта ихота дарахтлари ўтқазилган тақдирда қилган ким, эсларингиздами? Қайрағоч ва жийдалар ўтқазилганини эслайсизларми?..

— Умурзоқ ота билан Ҳалимбобо,— жавоб берди Суванқул шошиб-пишиб.

— Ҳа, кексаларимизнинг хизмати катта,— деди Ойқиз, ҳаммадан олдин гилам устига ёзилган дастурхон атрофига ўтирар экан.

Бекбўта дастурхон устидаги нақшдор сопол лаганни олиб Суванқулга узатди, икки дўст ош сузгани ўчоқбошига кетишди.

Уларнинг орқаларидан кузатиб турган Ойқиз Олимжонга астагина яқинлашди-да, унинг қулоғига тез-тез шивирлади. Қиз оғзини йигитнинг қулоғи остига олиб борганда, унинг иссиқ нафаси сезилиб турарди.

— Жўрабоев менга нима деганини биласизми? Сиз томондан совчи бўлиб келармиш.

Олимжон қип-қизариб кетди, дилидаги фикр айтилганидан хурсанд бўлиб, қаҳқаҳлаб кулиб юборди.

Бекбўта билан Суванқул ошни сузиб келишди.

— Кулгининг боиси нима? Кулгилар тўхтатилсин!— деди Бекбўта ҳазиллашиб, у қўлидаги оғир лаганни дастурхонга қўяр экан, тантанали равишда деди:— Ошга марҳамат, чаққонлик билан. Буйруқни бажаринглар!

Ҳаммалари бир зум жим қолиб, кейин кулиб юборишди. Иштаҳа билан ош ейишга киришдилар. Ош пунчалик мазали эдики, дўстлар қойил қолиб, Бекбўтага тез-тез қараб қўярдилар.

— Фронгда ҳаммадан зўр жанг қилган дивизияларга фахрий ном берилар эди,— деди Бекбўта,— мана мисол: Таман гвардия танк дивизияси! Ажойибми? Олимжон, нима учун бизнинг бригадамизга ҳам ана шундай ном бериш мумкин эмас-а? Масалан: иккинчи Кўкбулоқ пахтачилик бригадаси! Ажойиб жараңлайди-я.

— Ҳа, жараңлайди,— деди Олимжон табассум билан,— бироқ сиз уста ошназлигингиз учун ҳам мақтовга сазоворсиз.

Бекбўта ташаккур маъносида ўнг қўлини кўкрагига қўйди ва пимадир айтмоқчи эди-ю, бироқ улгуролмади.

Тўғон томондан, сой ичидан машиналар ва одамларнинг овози эшитилди.

Тўртовлари ҳам диққат билан қулоқ солдилар.

— Келишди,— деди Ойқиз,— тезроқ борайлик,— ўрнидан тура бошлади.

— Шошманг, ахир, ош нима бўлади, ким ейди?— хуноб бўларди Бекбўта.— Ҳой, жиддий сўраяман. Энди нима бўлди? Наҳотки, шундай ошни ташлаб кетсаларинг.

— Ошни эндиги сафар еймиз, кечир, огайин,— деди аллақачон ўрнидан турган Олимжон. У қоматини ростлади, ихчам гимнастёркаси устидан камарини тортиб, ёқасининг тугмаларини солиб деди:— Қани, кетдик, ўртоқлар!

— Ҳой, сузилган ошни... ахир бир дақиқа-я, хўп десаилар-чи, бир дақиқа-я.

Бекбўта икки қўли кўкрагида ёлворишини қўймасди.

— Бир дақиқа ўтиринглар, барака топкурлар. Бунча ҳам шошмасанглар?! Ахир, бирпас кутсалар ҳечқиси йўқ-ку! Ош-а, ош бўлганда ҳам қандай ош! Алоҳида гуручдан, жийда гулида экилган девзира гуручдан қилганман-а. Буни қаранглар, ахир, ҳар бир гуруч чигитдай-чигитдай, устидан ёғ қуйилиб турса-ю, сизлар фурсат йўқ десаларинг. Наҳотки, озгина кутишмаса. Шу ҳам инсофданми, ахир!

Учала ҳамроҳ тепалик устидан сойга тушиб кетишди. Бекбўта бўлса уларнинг орқасидан ҳадеб қўлидаги гуручни кўрсатар, ҳамон ўз сўзини такрорларди:

— Қаранглар... устидан ёғ қуйилиб турипти.

— Ҳазилингни қўй, — деди Сувапқул жиддий тусда. — Бор, ўзинг е!

Бекбўта бир нарсани эслагандек таққа тўхтади ва хаёлга чўмди. Сўнгра у ҳам қўлини силтаб, тўғон томон йўл олди. У ҳаммадан орқада сукунат ичида қадам ташларди.

Уттиз тўққизинчи боб

Ниҳоят, олтинсойликлар ва водийдаги барча деҳқонлар орзиқиб кутган тантанали кун етиб келди.

Тўғон қурилиб битган эди. Қудратли иншоотнинг кучли танаси қирғоқлардаги тошларга қадалиб, сел сувларининг ҳужумини тўсиб турарди. Ҳовуз аста-секин тў-

либ борар, тўпланган сув эса сой қирғоқларига тегиб, чайқаларди.

Кулранг бетонга қопланган ва каналга сув берадиган тўғон ҳам аллақачон битган. Оз ўтмай темир тўсиқлар остидан отилиб чиққан сув ҳайқириб солиб каналга, водийга равона бўлади. Ҳозирча канал қуруқ, темир тўсиқлар қулф, гўё ҳовузнинг тўлишини кутгандай жимгина турарди.

Сув очиладиган тўғон устига қип-қизил ипак лента тортилган эди.

Сув билан тўлган сой ва канал ўртасидаги кўкаламзор таптана муносабати билан узоқ ва яқиндан келган қурувчилар, меҳмонлар билан лиқ тўла эди. Қуёш ва тер билан қорайган юзлар, хотин-қизларнинг ранг-баранг кийимлари, эркакларнинг энгил-елпи яктаклари, оқ-қораси кўзга ташланиб турган дўппилар, ипак рўмоллар — ҳамма-ҳаммаси кўкаламзорни тўлғазиб, ўйин-кулги аралаш турли-туман рангда товланарди.

Карнай-сурнай, чилдирмаларнинг ўзига хос оҳанглари бир-бирига қўшилиб, умумхалқ ғалабасини тараппум қиларди. Бу қудратли куйлар атрофдаги овозларни тўсиб, тоғларнинг чўққиларидан акс садо берарди. Музиканинг қудратли овози тўхтаганда одамларнинг қий-чувлари, қизларнинг қўшиқлари ва кулгилар эшитиларди.

Мана, карнай-сурнай ва чилдирма овозлари ҳам тинди. Кулги ва қўшиқлар ҳам тўхтади. Одамлар денгизи жим бўлди.

Тўғон олдига қўйилган юк машинаси — минбарга Жўрабоев, Султонов, Смирнов, Ойқиз ва Олимжонлар чиқшди.

Шу пайтнинг ўзида кўкаламзор, ранг-баранг одамлар денгизи ҳаракатга келди. Ҳамма тўғонга яқинлашди, минбарни ўраб олди. Жўрабоев қўлини кўтарди. Халқнинг ғовур-ғувури, ҳаракати ва олқиши дарров тўхтади.

— Уртоқлар! Жасорат билан бошланган, ғайрат билан қурилган ва ғолибона тамом қилинган ишларингиз учун район партия комитети, ижроия комитети, бутун районимиз меҳнаткашлари номидан сизларни табрик қилишга рухсат бергайсиз. Сизларнинг ташаббусларингиз тоғ этакларида жойлашган ва сувли ерлари бўлмаган барча колхозларга сув йўлини, мўл-кўлчилик йўлини кўрсатди. Энди кўпгина колхозлар сиз кўрсатган йўлдан бордилар, энди уларнинг ҳам сувли ерлари бўлади. Ана

шу ерларга тоғликлар ҳам кўчиб тушадилар. Энди биз учун қурғоқчилик ҳам, гармсел ҳам қўрқинчли эмас. Тоғ қишлоқларидан водийга — сувли ерларга кўчиб келадиган деҳқонлар менадан сизларга раҳмат айтиб қўйишимни илтимос қилдилар. Уларга нима дейсизлар? Уларни қандай кутиб оласизлар, дўстларим?..

— Бош устига, марҳамат қилсинлар! — деган дўстона овозлар янгради.

— Марҳамат қилинлар! Бу чин дилдан айтилган сўзларни ҳамма тоғликларга етказамиз. Энди, ўртоқлар, район партия ташкилоти номидан, водийдаги ҳамма меҳнаткашлар номидан бу улугвор ишнинг ташаббускорлари — қишлоқ Советининг раиси Ойқиз Умурзоқовага, қурилиш бошлиғи инженер Иван Никитич Смирновга ташаккур изҳор қиламан.

Жўрабоев чап ёнида турган Ойқиз ва ўнгда турган Смирновнинг қўлларини сиқиб, самимий қутлади.

Умумхалқ олқиши Кўктоғ чўққиларидан шалола отилиб тушгандай водийга тарқалди. Турли-туман дўппилар, телпақлар, шапка, қалпоқлар ва гуллар осмонга отилиб, кишиларнинг қувончини ифодаларди.

Одамлар ичидан овозлар эшитилди:

— Иван Никитичга! Иван Никитичга сўз беринг!

— Смирновга! Смирновга!

— Ойқиз, Ойқиз гапирсин!

— Кўряписизларми, сўзламасаларинг қўйишмайди бу ўртоқлар! — Жўрабоевнинг юзларида севинч тантана қиларди.

— Бошланг, Ойқиз, дадил бўлинг, дадил!

— Ойқиз, сизни кутяпмиз, гапиринг! — деган далда берувчи овоз эшитилди одамлар орасидан.

Ойқиз халққа тикилди, таниш ва таниш бўлмаган одамларни кўздан кечириб чиққач, ўзига келгандай, бутун вужудида пайдо бўлган уялиш ва чўчинқираш босилгандай бўлди. Олдинига у ўзини қандайдир хатарли тоғ йўлидан муқаддас мақсад сари кўтарилаётгандек ва етай-етай деганда чарчаб, дармондан кетса ҳамки оёқлари олдинга интилгандек ва шундай қилиб мақсадига эришгандек ҳис қилди.

Бахт уни ўз тўлқинлари бағрига олди ва бутун вужудини тотли ҳаяжон қоплади.

— Дўстларим! Сизлар шу қадар фидокорона меҳнат қилдингизки, бундай меҳнат фақат ғалаба келтиради.

Энди сизлар зарур бўлса Кўктоғни ҳам бошқа ерга кўчиришга қодирсизлар. Халқ ҳикматида: «Дўстлар билан меҳнат қилсанг, дилинг шердек кучга тўлар», дейдилар. Бу мақол бежиз айтилмаган. Энди сувимиз, сувли еримиз бор. Деҳқон учун бундан ҳам зўр бахт ва севинч борми? Энди биз осмондан нажот кутмаймиз, ёмғир кутиб сомондай саргаймаймиз. Энди биз табиатдан меҳршафқат кутмаймиз. Энди табиат ҳам бизнинг продамизга бўйсунишга мажбур. Олга, дўстларим! Партиямиз раҳбарлигида, олга!

Кучли олқишлар тоғ чўққиларига кўтарилди. Бироқ Ойқиз бошини қуйи солиб, узун сочларининг учини қайтадан ўра бошлади. Орага жимлик чўкди. Ҳаммага аён бўлдики, қиз яна сўзида давом қилмоқ учун фикр йиғарди.

— Сизларга маълумки,— деди у бутунлай бошқача овоз билан, у шунчалик оҳиста гапирар эдики, ҳатто яқинда турганлар ҳам зўрға эшитарди:— Сизларга маълумки, мен учун қийин... Оғир пайтлар бўлиб ўтди. Ҳақиқатан ҳам, қандай қилиб мен буйруқ бердим? Қандай қилиб-а? Унинг устига қурилиш бошлиғи билан маслаҳат ҳам қилмай буйруқ берганман. Қурилиш бошлиғисиз буйруқ берганим етмагандай, уни менсимаслик даражасига етганман. Бу эса ҳаммадан оғир, ҳаммадан қўрқинчли. Агар мен қирғоқдан ўйилган жойининг зарурлигини тушунсам эди... Мен буни билмаганман, тушунмаганман... Билмаган эканманми, Ҳалоловнинг сўзларига, қолаверса, раисимиз Қодировнинг сўзларига қулоқ солишим лозим эди. Улар менга яхши маслаҳат берган эдилар. Мен бўлсам... ўжарлик қилдим. Ҳа, ўжарлик! Агар Иван Никитич ўз вақтида билиб қолмаганда, бу ўжарлик оғир оқибатларга олиб келарди. Мен ўз хатоларимни тушундим, тушундим у сизларнинг ишончингизни йўқотишдан қўрқдим. Коммунист учун халқ ишончидан маҳрум бўлишдан катта фожиа йўқ. Бироқ менга катта ёрдам қилган сизлар бўлдиларингиз. Ўз ишончларингизни билдирдиларингиз. Ҳаммаларингиз — ўртоқ Ҳалолов ҳам, Бекбўта ҳам, Қодировимиз ҳам... Ҳаммадан кўп Иван Никитич ёрдам қилди. Сизларга катта раҳмат, ўртоқлар!

Ойқиз ўнг қўлини кўксига қўйиб, халққа таъзим қилди.

Ундан сўнг Смирнов сўзлади. Бироқ Ойқиз ҳаяжон

ичида тўлқинланарди, чунки ўз айбига иқрор бўлиш ис- таги кутилмаганда юрагининг тўридан отилиб чиқди, шунинг учун ҳозир Иван Никитичнинг сўзларига қулоқ солиб турган бўлса ҳамки, юрагида ҳукмрон бўлган ҳаяжон билан маст бўлиб қолгандай туюларди. Шундан кейинги воқеалар — ким билан суҳбатлашса, ким билан кулишса ҳам — ҳаммаси гўё тушида кечаётгандай сезиларди. Фақат кечаси, кўзи очиқ ҳолда ётганидагина Смирнов айтган айрим жумлалар қулоғига эшитилгандай бўлди. Эшитилганда ҳам, худди олдида туриб айтгандай равшан ва аниқ эшитилди:

— Бу канал — биринчи қадам. Энг муҳими олдинда. Келгуси йил баҳорда сув ҳовузини қуриб тамомлаймиз.

Смирновнинг сўзидан сўнг юзлаб кетмон, бел ва чўкичлар қуёш тиғида ялтираб, осмонга кўтарилгани эси- га тушиб кўз олдида гавдаланди. Демак, бу — халқнинг Смирнов айтган сўзларни ич-ичидан қизгин маъқулла- гани ва ўзларининг меҳнат қуроолларини кўтариб таб- риклаганлари эди.

Ойқиз бу воқеаларнинг ҳар бирини эслаб, фикридан ўтказарди. Қип-қизил шоҳи лентани Жўрабоев қайчи билан қирққанини ҳам, шлюзининг темири аста-секин кў- тарилиб, шариллаб оққан сув кенг каналга равона бўл- ганини ҳам эсларди...

Сўнгра у, Жўрабоев, Иван Никитич, Олимжон ва Қодировлар билан бирга Ҳалимбобонинг янгидан бунёд қилинган боғини ва парнигини кўришга борди. Ич-ичи- дан севинган боғбон меҳмонларни қип-қизил пишган помидор, кўм-кўк бодринлар билан меҳмон қилди. Ҳам- ма шод-хуррам суҳбатлашиб, самимий куларди. Фақат Қодиров хафа кўршнар, қовоғидан қор ёғиб, хўмрайгапча суҳбатга аралашмай, елкалари одатдан кўра букчайган- дай ўтирарди. Ойқиз унга кўз қирини ташлади-ю, раҳми келди. «Ўша қун сира-сира эсимдан чиқмайди,— деди қиз ўз-ўзинга кўзлари уйқуга кетаркан,— ҳеч қачон... фа- қат Олимжон, қаёққа гойиб бўлди? У билан бирга бўлишни истардим...»

У ёстигини қучоқлаб, уйқуга кетди...

Қирқинчи боб

Бу йилгидай иссиқ ёз Олтинсойда бу яқин йиллар мобайнида бўлмаган эди. Ҳамиша иссиқни ёқтирадиган

чоллар ҳам бунчалигини кўрмаганлари тўғрисида гапирардилар. Улар бирор жойга йиғилишдимиз, бўлди, фақат тандирдек қиздираётган жазирама иссиқ, саҳродан келаётган гармсел, Қизилқум тўғрисида сўзлашар эдилар. Бу суҳбатлар иссиқ пахта экинининг жони, инсон ҳар қанча иссиққа бардош беради, деган фикр билан яқунланарди.

Ўтган йилларда ҳаво қанча иссиқ келса ҳам, эрталаблари салқин бўларди, тоғлардан муздек шабада эсарди. Бу йил эса бутунлай бошқача. Эрталаблари дим бўлиб туради-да, қуёш қирлар орқасидан чиқиши биланоқ тандирдек қиздиради, далалар, экинлар жазирама иссиқ билан нафас оларди. Шунинг учун ҳам икки ҳафта ичида Қизилқумдан сурункасига гармсел эганига таажжубланмаса ҳам бўларди.

— Яхшиямки сув бор, бўлмаса нима қилардик бу иссиқда,— дейишарди колхозчилар,— ақл бовар қилмайди.

Дарҳақиқат, илгарилари гармсел келса экинларни қовжиратиб, одамларни очлик-яланғочликка дучор қиларди. Энди-чи? Қизилқумга чегара бўлган Олтинсой водийси ихота дарахтзорлари орқали гармселдан сақланарди. Ихота дарахтлари йилда-йил қалинлашиб, кўмкўк шохлар, япроқлар чиқариб ўсар ва Қизилқумдан келадиган ўтли шамол-гармселга чегарачи жангчилар сингари мардонаворлик билан кўкракларини қалқоп қилардилар. Бироқ, гармсел ҳар куни кўтариладиган бўлса, унинг ўтли тили ерларнинг намини сўриб оларди. Экинларни қуритарди, сув етмасди ва шундай қилиб у деҳқон бошига қанчадан-қанча бахтсизлик келтирарди.

Ҳозир ҳам, сув мўл-кўл бўлса ҳамки, гармсел кўтарилса деҳқонлар ташвиш тортардилар. Бундай пайтларда боғларни, экинларни, йўнғичқа, ўтларни тоғлардан келган сув билан ўз вақтида суғорар ва шу йўл билан гармсел устидан ғолиб келардилар.

Ана шу кунларда кекса боғбон Ҳалимбобонинг ҳам тиними йўқ, куни беҳаловат ўтса, туни уйқусиз ўтади. Еш-ёш ниҳолларни, полизни ўз вақтида суғориш зарур. Бироқ мироб пайсалга соларди. Боғбон бўлса тобора ташвиш тортар, асабийлашар, «шу мироб ҳам одамларнинг меҳнатига ачинса нима қилади», дея хуноб бўларди. Мироб бўлса, чолнинг ташвишини индамаслик билан енгар ва ҳар замонда бир жумла билан жавоб бериб кўярди:

— Мен учун пахта қонун. Пахтадан ортсагина бошқа экинларга бераман.

Кекса боғбон миробдан тасалли тополмай, елкасида кетмони билан яна боғ кезарди.

— Оҳо... Қаттиқ экансизлар, ниҳолларим, чидамли экансизлар,— дерди чол мамнун бўлиб гоҳ олма, гоҳ гилос, гоҳ ўрик ниҳолларини кўздан кечираркан,— ўтган сафар қондириб суғорганим яхши бўлган экан. Энди сабр қилинглар. Озгина сабр қилинглар, яқинда бизларга ҳам навбат келади.

— Бобожон,— деган овоз эшитилди. Кекса боғбон пайванддан сўнг касалланган ниҳолни кўздан кечириб ўтирарди.— Бобо!

Ҳалимбобо орқасига ўгирилди, қаршисида турган қизнинг бошидан оёғигача назар ташлади. Нафаслари оғзига тиқилган, қип-қизариб кетган қиз Ҳалимбобонинг севимли шогирди Лола эди.

— Мироб, бугун кечаси сув оласизлар, деди. Навбати-миз келибди.

Чол ўрнидан турди, қадди-қоматини ростлади, кўзлари чақнаб, худди яшаргандай қизга тикилди:

— Хушхабар олиб келганинг учун сенга суюнчи бериш лозим.

— Майли... кейин,— Лола шундай деди-да, қўлини силтаб бир зумда қаёққадир чошиб кетди.

Ҳалимбобо орқасидан тикилиб қолди ва кўнглидан ниманидир ўтказиб, қуёшга қаради.

— Тушликка чиқадиган пайт ҳам бўлибди,— деди у ўзига-ўзи.

Ариқнинг чеккасида қад кўтарган катта кўктерак остида Ҳалимбобонинг кичкина ва ўзига ярашиғлик чайласи бўларди. Чайласининг нимаси қулай, нимаси яхши ёки нимаси ёмонлигини ҳам билиб бўлмасди. Унинг тўрт томонига тўртта устун ўрнатилгану тепасига битта, тагига битта бўйра солинган, холос. Чайланинг тўрт томони лоақал бўйра ё бўлмаса тол-тераklarнинг шох-шаббалари билан ҳам ёпиб қўйилмаган, деворсиз эди. Кекса боғбон шуни маъқул кўрарди. Сабабики: биринчидан, чайланинг тўрт томонидан шабада эсиб турса, иккинчидан, бутун боғ қафтдек кўз олдида: боғда ҳам, қовун-тарвуз ичида ҳам ким нима билан банд эканлиги яққол кўриниб турарди.

У, чайласининг ичига кириб, (чайлага тўрт томондан

ҳам кириб чиқиш мумкину боғбон фақат олдинги томондан кириб чиқишни ёқтирар эди) шошилмасдан бўйрага ўтирди, тугунчани еча бошлади.

— Нима, кечаси дедими? Майли, шунисига ҳам шукур. Асли ўзи бундай иссиқ купларда кечаси сув бериш айти муддао,— деди у ўз-ўзига,— мироб боғимиздаги тартиб-қоида биладиган одам. Ҳа, биладиган одам, офарин, мироб!

Чол косани тўлдириб пиёз, помидор, бодринг тўғради, уни тузлаб, устига қип-қизил, ўтдай ёндирадиган майда қалампир сепди-ю, нонни синдириб, энди овқатланмоқчи бўлганда, орқа томондан от туёғининг шарпаси эшитилди. Ҳалимбобо ўтирган жойидан салгина кўтарилиб орқасига қаради. Колхоз комсомол ташкилотининг секретари Карим чайла томон келарди.

— Ассалому алайкум, бобо,— деди Карим қувонч билан отдан туша туриб.

У отни теракка боғлаб, чайланинг орқа томонидан кириб келди ва икки қўлини бериб чол билан самимий кўришди.

— Ҳалимбобо, мен бир қизни қидириб келдим...

— Меҳриними?— деди чол Каримга кўзининг қирини ташлаб,— бу ерда йўқ.

— Йўқ, Лолани,— Каримнинг юзлари қизариб кетди,— у бюро аъзоси. Бир масалада маслаҳатлашмоқчи эдим.

— Лола бамисоли капалак. Эртадан-кечгача чарчаш нималигини билмай учгани-учган. Эҳтимол, ҳозир келиб қолар,— деди чол,— ўтир, тушлик қиламиз, овқат пайти, қайнананг севар экан.

— Ҳалимбобо, менда қайнана қаёқдан бўлсин!— Карим кулиб юборди. Унинг юзларидаги қизаринқираш яна қуюқлашди,— ҳали уйланиш хаёлимга ҳам келмагану қайнана нима қилсин?

— Қайнана топилаверади. Бугун йўқми, эртага бўлади,— деди чол ҳазиллашиб шилдираб оқаётган ариқ томон кета туриб. Бир дақиқа ўтмай чол оғзи беркитилган сопол кўзани кўтариб, йўл-йўлакай чайқатиб келди. Сўнгра у кўзани ерга қўйиб, оппоқ дока ўраб оғзига тик қилган ёғоч пробкани очди, оппоқ чинни косани тўлдириб жувори гўжа солди.

— Уғлим, ҳаво жуда иссиқ,— деди чол жувори гўжани косага қуя туриб,— ана шундай жазирама иссиқ-

да жувори гўжа энг фойдали овқат. Мана, бир косани ич, ҳам тўқ тутади, ҳам салқин қилади.

Ҳақиқатан ҳам жазирама ёз ойларида жувори гўжа жуда мазали ва фойдали эди. Ҳарорат забтига олган пайтларда одамлар иштаҳадан қолиб, фақат сув ёки кўк чой ичадилар. Жувори гўжа бўлса ҳам тўқ тутади, ҳам чанқоқни босади, ҳам дармон бўлади.

Карим икки қўли билан чинни косани кўтариб, жонга даво жувори гўжани зўр иштаҳа билан шимирди, лабларини артиб, қойил бўлди:

— Нақадар мазали-я! Аччиққина, ширингина, совуққина. Бобожон, сизга катта раҳмат. Худди янгидап тунгилгандай бўлдим.

Чол ич-ичидан шодланиб, сампмий қулди.

— Эллик йил мобайнида, қачон ҳаво исиб кетса жувори гўжа ичаман. Шукур, тирикман,— чол ғурур билан сўзларди,— хўш, энди айт-чи, севимли қизим нима учун сенга керак бўлди?

— Лолами?— сўради Карим ва бир зум жим қолди, сўнгра гапира бошлади:— МТС қошида тракторчилар курси очилмоқчи. Колхозимиздан уч комсомолни юборишимиз лозим. Шу тўғрида Лола билан маслаҳатлашмоқчи эдим. Ахир, у бюро аъзоси-ку.

Карим чолга тикилиб турарди.

— Ҳалимбобо! Бобо! Бобо!— узоқдан қизнинг овози эшитилгандек бўлди.

Чол ҳам, Карим ҳам ирғиб ўринларидан турдилар, овоз қай томондан чиқаётганига тушунолмаб ҳайрон бўлдилар. Орадан бир дақиқа ўтди. Аммо шу бир дақиқа шундай чўзилдики... Икковлари қўлларини пешоналарига соя қилиб дала томонга тикилар, қанча тикилсалар ҳам бирор одамнинг қораси кўринмасди.

— Эҳтимол, бизга шундай эшитилгандир,— деди Карим.

— Йўғ-е,— чол шошиб-пишиб эътироз билдирди:— Унинг овози, мен аниқ эшитдим.

— Эҳе... эҳе... одамлар!— деган қандайдир нимжон овоз эшитилди. Улар бир зумда орқага ўгирилиб, узоқда тепалик устида турган қизнинг гавдасига кўзлари тушди:— Ҳалимбобо!.. Тезроқ келинг, бу ёққа! Бу ёққа!..

Улар боғнинг ичидан тўша-тўғри овоз чиққан томонга чопиб кетишди. Орадан анча ўтгач, Карим отда бориш афзаллигини кўнглидан ўтказди-ю, бироқ энди орқага қайтиш беҳуда эди. У ёнида чопиб бораётган чолга деди:

— Тезроқ чопсам майлими? Сиз аста-секин борарсиз.

Чол, майли, деган маънода қўлини силтади.

Бироқ Карим ўзидан бир қадам ҳам орқада қолмай чопиб келаётган кекса боғбонни кўриб ҳайрон бўларди.

Тўқ сариқ кўйлак кийган Лола гоҳ кўзга ташланар, гоҳ кўздан ғойиб бўларди.

— Канал бўйида бирор ҳодиса бўлганга ўхшайди,— деди чол. Карим бошини қимирлатиб жавоб қилар экан, шу пайт канал бўйида яна Лола кўринди.

— Ҳалимбобо! Карим! Тезроқ келинглар! Тезроқ! Сув ювиб кетган гор — мана шу ерда. Қандай офат!— деди у овозининг борича қичқириб ва бир зумда яна ғойиб бўлди.

Ҳалимбобо билан Карим каналнинг янгида қурилган дамбасини кўриб ранглари ўчиб кетди, қўрқув босди, сув юмшоққина дамбанинг (яхшилаб шиббаламагани кўринади) тагидан ювиб, пахтазорни босарди. Каналга яқин ердаги бир неча қатор ёш ва нимжон ғўзалар сув остида қолиб, сув бетида қалқиб юрган япроқлар офатдан қутқазилишини илтижо қилаётгандай кўринарди.

Сув дамбанинг тагини гор қилиб, борган сари кучайиб, пишқириб оқарди.

— Ўнқонга тош ташладим... тупроқ, хас-хашак, ўт ташладим... сув тошқинни кўрдим ҳам демайди,— Лола кўзларининг ёшини артиб, ўзини гуноҳкор ҳис этиб сўзларди,— Ҳалимбобо! Карим! Энди нима бўлади? Нега индамайсизлар, ахир?

— Чим керак, чим, хас-хашак керак,— деди Ҳалимбобо ранглари ўчиб, саросимага тушиб.

Карим билан Лола қирғоқ бўйлаб ҳар томонга чопиб кетишди, Ҳалимбобо бўлса каналга тушди, тиз чўкиб икки қўли билан ўнқонни қидира бошлади, каттами, кичикми?..

— Мана, бобо,— деди Карим унинг олдига катта палахса чимни қўйиб.

— Қани, бу ёққа бер-чи, ўнқоннинг оғзига қўямиз. Қани, кўрайлик-чи...— у тиззалаб юриб, қирғоққа яқинлашди ва Каримнинг қўлидаги оғир чимни қийналиб олиб, (чол чимнинг оғирлигидан сувга йиқилмаслик учун тиришарди) ўнқоннинг оғзига яқин борганида, кутилмаган ҳодиса юз берди. Қандайдир ваҳимали куч чолнинг қўлидан чимни юлиб олди-ю, сув ичига тортиб кетди. Ваҳимага тушган чол шилқ этиб сувга ўтирди ва

чим билан қўшилиб сув остига кириб кетмаганлигига шукур қилди.

— Ҳо... ҳой, ҳой...— қўрқиб кетган чол тўрт томонга аланглаб, Лолани ҳам, Каримни ҳам кўрмади. Қирғоқда бўлса икки бўлак чим ва бир боғ шувоқ ётарди. Чол икки қўлини ерга қадаб, бир дақиқа фикрга чўмди ва нимадир эсига тушиб, дарҳол орқасига ўгирилди, пахта далаларига қаради. Лойқа сув ҳамон қайнаб чиқар, гўза эгатларини босиб борарди.

— Ҳой, Лола! Карим! Ахир, қаёқдасизлар? Одамларни ёрдамга чақиринглар!— қаттиқ саросимага тушган чол хириллаган овози борича бақирарди.

Улар чолнинг нимжон овозини эшитмай, ўз ишлари билан банд эдилар: Карим йиғирма қадам нарида чим қазирди. Лола бўлса ундан ҳам нарида хас-хашак йиғарди.

— Уддасидан чиқа олмаймиз, болаларим. Ўн беш йиғирма киши бўлганда эди,— деди чол ўзига-ўзи овозини чиқариб, ўпқондан кўз узмай. Ўпқон ўйилиб, сув айлана-айлана асабийлашган ҳолда ғорга кириб кетар ва дамбанинг ортидан қайнаб чиқарди,— йўқ, йўқ!.. Гўзаларни бостириб қўймайман, қўймайман!..— чол икки қўлини қирғоққа тираб, тез ва шиддат билан сувга шўнгиди. Ниҳоят, оёқлари канал остидаги сирпанчиқ лойга теғди ва гавдаси билан ўпқонни беркитди.

Чол нариги томонга қулоқ солди-ю, ўпқондан чиқаётган сув тўхтаганини сездди.

— Ҳа, ҳа, мен билан ўйнашолмайсан,— деди чол аччиғи келиб,— назар-писанд қилмаслигингни билувдим. Аммо билиб қўй, ҳали ҳам бақувват чолман. Мени йиқита олмайсан,— қирғоқда турган чимни астагина сувга тушириб оёғи тагига олди. Сўнгра иккинчи чимни ва бир боғ шувоқни олиб оёғининг остига — ўпқонга босди...

Шу пайтда етиб келган Карим билан Лола қўрқиб кетишди, чолга ёлвориб, сувдан чиқишини илтимос қилишди, қани энди чол кўнса. Ёшларнинг илтимосини қатъиян рад қилди.

— Болаларим-эй, сувдан чиқиб бўладими ҳозир,— деди кўкрагигача сувда турган чол,— ахир, мен ўпқонни гавдам билан беркитиб турибман-ку. Жойимдан қимирласам борми, тошқин яна қутуради. Энди қутурса ҳам катта офат бўлади, болаларим. Қани, чимни, хас-хашакни узатаверинглар. Карим ташиб турсин, сен қизим, менга узатиб тур.

Сув бўйидаги жанг бир ярим соат давом қилди, ўпқон беркитилди, ниҳоят, улар чайлага етиб келдилар. Карим Лола билан ишини битиргач, чойга ҳам турмай, отига миниб қишлоқ томонга кетди.

Лола бўйра устида тўнига ўралиб, одатдан ташқари қовоғини солиб ўтирган Ҳалимбобога ҳадеб чой қуйиб берарди.

— Бобожон, совқотгансиз,— дерди Лола қайта-қайта,— бир оз чой ичиб олинг, исиганингиздан сўнг уйга кетасиз. Касалланиб қолманг, деб қўрқаман.

— Хавотир қилма, қизим. Ҳали суякларим қаттиқ, касални тан олмайман,— жавоб берди чол сўник овоз билан.

Шундай деди-ю, ўтирган жойида кўзи илинди. Унинг бошида парвона бўлган Лола чолнинг қониб ухлаши учун уни дурустроқ ётқизиб қўйишни ўйлади-ю, тагин уйғотиб юборишдан қўрқди.

Бирданига у дала томонга қулоқ солди. Безовтала-ниб қулоқ солди-ю, шу заҳотиёқ юрагида севинч пайдо бўлди. Каналнинг нариги томондан бир меъёрда ишлаётган трактор овози келиб турарди.

Қиз оёқ яланг ҳолда чолнинг атрофида парвона бўлар, нима бўлса ҳамки, уйқусини бузмаслик, бир ўзини ёлғиз қолдирмасликни ўйларди.

Нима қилсин? Бу ёқда Ҳалимбобо, у ёқда... Ҳа, у Иван аканинг ўзи. Фақат унинг тракторигина бир меъёрда, бир текис, хотиржамгина ишларди. Нима қилсин? Унинг олдига чошиб бориб, бўлиб ўтган воқеанинг ҳаммасини айтиб беришни кўнглидан ўтказди. Аммо чол касал-ку, уни ташлаб кетиш... Касаллиги шундоққина кўриниб турибди-ку...

У Ҳалимбобога узоқ тикилиб турди-да, беихтиёр ниҳоллар ёнидан чошиб кетди ва сал ўтмай яланг оёқ эканлигини сезиб, таққа тўхтади. Оёқларига бир қараб ўзи уялиб кетди. Қандай қилиб шу ҳолда йигитнинг олдига бора олади?

У дарҳол орқага қайтди, чайлага келиб, теракнинг бутоғига илиб қўйган тугунчасини олди, ухлаб ётган Ҳалимбобога билдирмай, ўзига оро берди: оёғига бежирим этикчасини, эғнига оқ шоҳидан тикилган калта камзулчасини, бошига ироқи дўпписини кийиб, канал томон кетди.

Канал бўйига етиб келгач, у яна трактор овозига қу-

лоқ солди. Бу пайт трактор ишдан тўхтаган, кенг далада жимжитлик ҳукмрон эди. Ҳаттоки жазирама иссиқ ҳам, кўз илгамас сароб ҳам занг чалгандек туюларди, йигирма метр наридаги канал сувининг шилдираб оқиши ҳам яққол эшитиларди.

Лола диққат ва эътибор билан атрофга аланглаб, жимликка қулоқ солди. Аммо трактордан ҳам, унинг овозидан ҳам асар йўқ эди.

Унинг оёқлари қолдан кетиб титрар, юраги гупиллаб урарди. Демак, даладан келган овоз бошқа. Унинг трактори далада бузилиб қолмайди. Ёки у шу ердан ўтиб кетганмикин?..

Энди у тўрт атрофга бефарқ қараб, маъюслик билан қадам ташларди. Ҳа, айтгандай, ҳалиги ўпқонни кўздан кечириб зарур, қандай, сув тўлқинига бардош бериштими ёки йўқми? Ўпқоннинг оғзи мустаҳкам беркитилганми?..

— Лола!

У ҳеч қачон бунчалик чўчимаган ва ҳаяжон ҳамда қувонч оқибатида бунчалик қарахт бўлмаган эди.

— Чўчиб кетдингизми? Нимага? Унчалик қаттиқ чақирганим йўқ-ку.

Унинг ёнида турган Иван Борисович хижолат бўлиб, зўр бериб ўзини оқларди. Қиз бўлса шунчалик қарахт эдики, оғзини ҳам очолмасди.

— Кечиринг мени, Лола! Аччиғингиз чиқмасин. Бунчалик чўчишиб юборишимни билсам... Кечиринг...— Иван Борисович азбаройи хижолат тортаётганидан устки лабида мунчоқдай-мунчоқдай тер доналари пайдо бўлди. Қиз бўлса ана шу шишадай тиниқ тер доналарига тикилар экан, қўлида рўмолчаеи борлигини эслади. Жасоратли қиз бўлганда эди, рўмолчасини чиқариб ана шу тер доналарини артиб қўйишга журъат қилган бўларди.

— Мана, олинг, исиб кетибсиз,— деди у момикдай оппоқ рўмолчасини унга тутиб.

У баттар хижолат тортиб, уялиб кетди, уялганидан офтобда қорайган юзларидан тер қуйиларди.

— Йўғ-эй, нима қилибсиз, Лолахон. Ўзимнинг ҳам рўмолчам бор,— у шошиб-пишиб чўнтақларини ковлди, рўмолчасини қидирди. Ниҳоят, ҳаммаёғини титкилаб рўмолчани тополмай яна уялди ва саросимага тушиб:— Уша ерда, тракторда, чўнтагимда қолибди,— деди қизнинг кўзларига қарашга ботина олмай.

— Мана буни олинг, Иван Борисович.

— Йўғ-эй, сизнинг рўмолчангизни... фақат лабимга тегизишим мумкин.

— Майли, тегизинг... тегизинг... Эҳ сизни қаранг-а!— деди қиз шиддат билан ва унинг юзларидан оқиб тушаётган терни рўмолчаси билан ўзи артиб қўйди.— Тракторингиз қани?..

— Нариги томонда. Бекбўтанинг бригадасида. Культивация қилиб улгура олмаяпмиз,— жавоб берди у енгилгина нафас олиб.

— Бу ерда нима бўлганидан хабарингиз йўқми?

— Нега хабарим бўлмасин. Трактор билан келаётганимда йўлда Каримни учратдим. Ҳозир бориб ўша ўпқон чиққан жойни кўздан кечирдим. Сизни, Ҳалимбобони кўриб келай, деб энди йўлга чиққан эдим. Чолнинг аҳволи қалай?..

— Кўрқаман, касал бўлиб қолмаса яхши эди. Чайлага келиб ўтирдилару дарров ухлаб қолдилар. Бундай аҳволга тушганларини сира кўрмаган эдим.

— Қани, олдиларига борайлик-чи,— деди Погодни жиддий тусда қовоғини уйиб.

У олдинга тушиб, гўза эгатлари ичидан катта-катта қадам ташлаб жадал юриб кетди. Лола бўлса унинг орқасидан майда-майда қадам ташлаб югурарди.

Улар чайлага етиб бордилару ҳайрон бўлдилар. Ҳалимбобо қаёққадир ғойиб бўлган эди. Йигит ва қиз бир-бирларига тикилганча сукунатга чўмдилар. Хийладан кейин Лола қаддини ростлаб, жимликни бузди:

— Тавба! Қаёққа кетишлари мумкин?

— Ҳалимбобо жонсарақ одам, ўтиролмаган, — жавоб берди Погодни илжайиб.

— Жонсарақлиги тўғри-я,— деди Лола,— снҳат-садомат бўлиб боққа кетган бўлсалар жон дердим-а. Оғриб қолган бўлсалару бир ўзлари уйга кетган бўлсалар-чи,— у чайлага соллинган бўйрани кўздан кечирди. Бўйра устидаги ўроғлиқ дастурхонни, чойнак-пелани, гиштдан қилинган ўчоқ, унинг устига осиб қўйилган қумғонни (Лола ҳамиша ана шу ўчоққа ўт ёқиб, Ҳалимбобога чой қайнатарди) кўздан кечиргач, кўнгли очилиб, сўзида давом қилди:— Ҳаммаси ўз жойида турибди. Дастурхон ҳам, чойнак ҳам, ҳаттоки қумғон ҳам. Ҳалимбобо ҳозир келиб қолсалар ажаб эмас. Чунки узоқ вақтга кетадиган бўлсалар ҳамма нарсани йиғиш-

тириб кетардилар. Гартибсизликка тоқат қилмайдиган одам. Юринг, боққа борамиз, боғбон боғда.

У боғ томонга ўгирилди-ю, қаршида келаётган Ҳалимбобо билан юзма-юз бўлди.

— Вой! Бобожон! Қаерда эдингиз? Этагингиздаги нима?— сўради Лола қувонч билан.

Оғир нарса солинган этагини икки қўли билан кўтариб келаётган Ҳалимбобо ариқдан ҳатлаб ўтди-да, чайлага келди, жавоб ўрнига этагини очди. Лола қувонч ичига сиғмай чапак чалиб юборди.

— Вой, пишибдим?

Жим турган Ҳалимбобо Погодинга ўгирилди-да, унга қараб этагини каттароқ очди:

— Оҳо!.. Буни қаранг-а!— деди Погодин йўгон овозини чўзиб.

— Бу янги полиздан нишона, ўзинг очган янги ердан, ол, ўғлим. Ол, сен биринчи бўлиб татиб кўришга ҳақлисан.

— Ҳурмат ва эътиборингиз учун раҳмат, ота!— деди Погодин хижолатомиз.

Погодин қорамтир тарвузни қўлига кўтариб, унинг қорнига чертиб кўрди-да, сўнгра оҳистагина бўйра устига юмалатди.

— Буниси-чи? Наҳотки, ўзимизнинг токимиздан бўлса-а, бобо?— сўради Лола чиллаки узумнинг бир бошини чолнинг этагидан олиб. Қиз узумни ҳавас ва қувонч билан салмоқлаб кўрди, қуёшнинг тиғига тутиб, ранг-баранг тобланганидан завқланди:— Сеҳргар одамсиз, бобожон! Буларнинг ҳаммасини қачон етиштира олдингиз. Ҳатто мен ҳам кўрганам йўқ-а!

— Ҳар куни шуларнинг олдидан ўн маротабалаб ўтсан, қизим. Наҳотки, кўзинг тушмаган бўлса,— деди чол.

— Нима учун кўзи тушмаганлигини мен биламан,— деди Иван Борисович қизнинг ёнини олиб,— Лола бунчалик тез етилишини кутмаган, шунинг учун ҳам қарамасдан ёнидан ўтиб кетаверган.

— Тўғри, Иван Борисович,— деди Лола чолнинг этагидаги узум, помидор, шафтолини олиб бўйра устидаги тарвуз ёнига тераркан.

— Кароматли одамсиз-да, бобо,— деди у Ҳалимбобога мамнун боқиб,— худди меҳмон келишини билгандай иш қилдингиз-а!

— Билардим-да, қизим,— маъқуллади Ҳалимбобо,— хатто меҳмон келаётганини ҳам кўрувдим. Боғбон бўл-

ганимиздан кейин меҳмонни ўз меҳнатимизнинг ҳосили билан кутиб олмоғимиз лозим-да.

— Кайфингиз қалай, бобо? Салгина бўлса ҳам исиндингизми? Оғриқ сезмаяпсизми?— сўради Лола чолга диққат-эътибор билан термилиб, безовта бўлган ҳолда.

— Танамга иссиқ югурди-ю, бироқ кўз олдимда қопқора пашша милт-милт учиб юргандай бўляпти. Кўлим билан қанча қўрисам ҳам кетмайди. Ҳадеб айланаверади. Кейин билсам, менга шундай кўринаётган экан...

Лола Иван Борисовичга ими-жимидида кўз қирини ташлаб олди, сўнгра чолга мурожаат қилди:

— Энди уйингизга боришингиз керак, бобо. Мен кузатиб қўяман.

— Ке, қизим, олдин Иван Борисовични меҳмон қилайлик, сўнгра бир чораси бўлар...

Ҳалимбобо танасида қандайдир оғирлик сезиб, дастурхон атрофига ўтирди. Айни пайтда, кекса боғбондаги ғайрат ва чаққонлик сезилмасди. У пичоқни олиб тарвузни сўймоқчи бўлди-ю, аммо тинка-дармони қуриб, уқуви келишмади ва пичоқни Погодинга узатди.

— Тарвузни ўзинг сўй, ўғлим, тарвуз сўйиш эркакларнинг иши.

Пичоқ тегиши билан тарвуз карсиллаб иккига бўлинди. Уни кўриб учалалари ҳам ҳайратда қолдилар. Унинг қип-қизил ва семиз мағзи қировда тургандек эди.

— Иван Борисович, бир палласи сизники, истаганингизни олинг,— деди Лола қувонч билан.

— Йўқ, йўқ, Лолахон. Ҳаммамиз тенг бўлиб сямиз,— жавоб берди Погодин уялибгина.— Бу ширин тарвуз меҳнатларингиз маҳсули. Бунда боғбон қизлар, ми-чурунчи оқсоқоллар — ҳамманинг ҳақи бор. Шунинг учун тарвузни учга бўламан.— У тарвузнинг бир палласини кесмоқ учун қулай жой қидирган эди, кўзи яна Лолага тушди.

Лола нимадандир аччиғи чиққандай қошларини чимирди ва унинг ҳаракатини ёқтирмай, бошини чайқади. Қиз ўз фикрини тушунтира олмаганидан хуноб бўлиб, яна йигитга ўқрайди ва лаби билан ниманидир уқтирди.

— Ўғлим, ўз бахтингни ўртада тақсим қилма. Ҳаммасини олавер,— деди Ҳалимбобо донишмандлар сингари салобат билан.

Қиз Иван Борисовичдан кўз узмаган ҳолда беихтиёр кулди ва бошини чайқади.

— Одам жуда бахтли бўлганда ҳам,— деди йиғит,— ҳеч бўлмаса кичкина бўлагини бошқага бермоғи лозим.— Погодин шундай деди-да, тарвуз мағзидан бир бўлагини пичоқ учида Ҳалимбобога берди. Кейин Лолага тутди.

Тарвуз шакардек ширин эди. Бироқ Ҳалимбобонинг оғзига аччиқ туюлди, бир тишлаб юзларини буриштирди ва бунни йиғит билан қиз сезиб қолишидан қўрқиб, дарҳол ютиб юборди:

— Болаларим, тарвуз жуда яхши чиқди. Яхши-я?..

Қирқ биринчи боб

Ҳалимбобо икки ҳафтадан буён дард билан олишадди. Биринчи кунларда суяклари, бўғинлари, айниқса, елкаси ва тиззалари жуда ҳам қаттиқ зирқираб оғриди. У оғриқ азобида кечаю-кундуз кўзларини юмиб ётаркан, худди биров қўли билан унинг кўзларини эзгандек туюларди. Бироқ кўзларини очгудек бўлса оғриқ босиларди қоларди. Лекин қовоқлари кўрғошин қуйилгандай оғир бўлганидан чол оғриқ азобига чидаб, кўзларини юмиб ётарди ва «кўзларимни энди ўлим беркитмоқда», дея кўнглидан ўтказарди.

Чол бир кун эрталаб баданида енгиллик сезиб уйғонди ва ич-ичидан севинди. Бўғинларидаги оғриқ ҳам, қовоқларидаги оғирлик ҳам, безгак тутгандек совқотиш ёки зўр ҳарорат ҳам сезилмасди. У ўрнидан туриб ҳовлига чиқмоқчи бўлди-ю, бироқ дармони етмади, шу ернинг ўзидаёқ қулаб тушди. Ўрнидан зўрға турди-ю, кавотига етиб борди.

Чолдаги бу дармонсизлик касалдан ҳам кўпроқ давом этди. Бу ҳолдан асабийлашган ва афсус қилган чол нима бўлса ҳамки боғда, полизда, узумзорлар ичида бўлишни истарди-ю, аммо бу лаънатли дармонсизлик яна жойига ётқизиб, икки қадам ҳам юришга имкон бермасди.

Бироқ чол ўзига ишонарди. Хушчақчақ табиатли бўлганидан ётган жойида ҳам кириб-чиққанлар билан ҳазиллашиб турарди:

— Касални ўпқондан олдимۇ қулоғимнинг тешигидан чиқариб юбораман.

Умурзоқ ота билан Лола уни кўргани тез-тез келиб туришар, боғда нималар қилнаётганидан, гўзалар шоналаб, гулга кираётганидан батафсил гапириб беришарди. Чол уларнинг сўзларини қунт билан эшитиб, сөнсиз-саноқсиз саволлар берарди: гипос ниҳолига боғ-

ланган латта ечиб олинганми, йўқми? Чол гилос устида тажриба олиб бораётган эди, ўша гилосни суриштиряпти. Оқ олма пишдимми? Баъзи-баъзи дарахтларни енгиллатиш вақти, сабабикки, ниҳоллар ёш, ҳосили мўл, шундай қоладиган бўлса дарахтларга ҳам зарар, олмалар ҳам майда бўлади. Чиллакини узадиган вақт келди. Ўз вақтида узиб олинмайдиган бўлса, қушларга ем бўлади. Суҳбат орасида чол қанчадан-қанча маслаҳатлар ҳам берарди.

Шуниг учун ҳам Ҳалимбобо уларнинг келишини, айниқса, Умурзоқ отанинг келишини тоқатсизлик билан кутарди. Чунки у Умурзоқ ота билан суҳбатлашиш ва маслаҳатлашиш билан бирга, ёшлик даврларини эслашиб, ҳордиқ чиқарар, кўнгли ёришарди.

— У замонларда қийин эди, Умурзоқ, оҳо... Азоб эди, азоб,— дер эди Ҳалимбобо,— Қобилхўжа эшон эсингда бордир? Ўғли Азимбой-чи? Қанчадан-қанча азоб чекиб, ўшалар учун сув олиб келганимиз эсингдами? Ҳу қоп-қоронғи кечада сув ўғирланиб, бодрингга қуйилганини айтмайсанми. Эшон, ориқдан келган, бўйи баланд, соқоллари оппоқ эди. Ўғли-чи? Майиб-майриқ, хунук, боши пақирдай, катта юзига яра тошиб кетган эди. Қизиқ-а, нима учун юзига яра тошган экан? Ахир, ҳар куни оқ нон еса, қуйруқ ёғига қилинган, бедана гўшти бостирилган ош еса, қимиз ичса, хонларнинг овқатини еса-ю, юзига яра тошиб кетса... Ким билади дейсан, юзига тошган яра тилини заҳар қилиб юборгандирки, ҳаммага заҳрини сочарди... Сен билан биз арпа унидан нон есак ҳам, ҳеч қандай касалга йўлиққанимиз йўқ. Еш эдик-да, а? Нимага индамайсан?

Умурзоқ ота салобат билан бошини қимирлатиб унинг сўзларини тасдиқлади.

— Ёшлигингда жуда абжир, қўрқмас чавандоз эдинг-а, Умурзоқ? Босмачиларга қарши курашганимиз хотирингдадир? Шундай қилиб, Қобилхўжа қўлимиздан чиқиб кетди-я. Ҳа, чиқиб кетди. Жазосини бериш лозим эди... Нима дейсан-а, адолат юзасидан дейман-да!..

Умурзоқ ота борган сари қовоғи осилиб, индамай ўтирарди. Яна бошини чайқаб жавоб берди:

— Албатта.

Ана шу икки ҳафта ичида чоллар нималарни эслашмади, нималар тўғрисида гаплашмади дейсиз, улар бир вақтлар бўлиб ўтган воқеаларни, ёшлиklarини, ҳозирги колхоз ҳаётини, ҳар бир уйга бахт ва тўқчилик кириб

келганини — ҳаммасини-ҳаммасини эшлашди. Колхоз ишларини эслар эканлар, албатта Қодиров ҳам четда қолмади. Чиндан ҳам уни эсламай бўладими? Бир вақтлар у ҳисоб-китобини пухта билган ташкилотчи эди-ку. Қани энди у фазилатлар? Нима учун кибрланиб кетди?.. Нега осмон чертар бўлиб талтайиб кетди-а? Нега у бузилди?..

Одамлар, Хизрни йўқласак бўлар экан, дейишади. Ҳозиргина чоллар Қодиров тўғрисида гапирган эдилар, бирданига ўзи ҳам кириб келди. У Ҳалимбобони кўриш учун кутилмаганда ёлғиз ўзи кириб келди. Чоллар бир оз саросимага тушдилар. Раисга нима бўлди?..

Ҳар ҳолда, у меҳмон. Меҳмон уйнинг кўрки дейдилар. Қодиров оёқ учида, оҳистагина кириб келди-да, беморнинг каравоти ёнига катта шишада қимиз келтириб қўйди:

— Ҳозиргина қилинган. Тоғдан олиб келдим,— деди у.

— Қамчинни қўлингдан қўйишни унутмабсан-да.

Чоллар бир-бирларига кўз югуртириб, анча ўнғайсизликда қолдилар, раис билан бўлган суҳбат жуда совуқ бўлиб, сўзлар сўзларга қовушмади. Сўнгра у ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, оғзига келганини айтиб юборди.

— Оқсоқоллар, бу ердан кетадиган бўлиб қолдик.

— Қаёққа?

— Узоққа. Мирзачўлга кетсам дейман.

— Нима хусусдан? Бирон ғалати иш чиқибдими?

— У ерда одамнинг қадрига етадилар. Мирзачўлда одам дегани олтинга ҳам топилмайди.

— Узимизда-чи?.. Олтинсойда одамларнинг қадрига етмайдиларми?

— Етадилару, бироқ ҳамманинг ҳам қадрига етавермайдилар.

— Албатта, ҳаммани бир хилда қадрлаб бўлмайди-да. Молнинг оласи устида, одамнинг оласи ичида, дейдилар. У ерда қандай юмуш қилмоқчисан? Раис бўлмоқчимисан?..

— Ажабмас. Улар тажрибакор раисларга зор.

Орага жимлик чўқди.

— Ичинг ачимайдими?— сўради Умурзоғ ота.

— Нимага?..

— Олтинсойни ташлаб кетишга.

— Олтинсойгина эмас... Мен учун шу боғдаги ҳар

бир дарахт ҳам азиз ва қадрли. Ҳар бир тош... — у кўз ёшини артди.

— Боғ қилишга қарши эдинг-ку, раис,— деди Ҳалимбобо,— озмунча илтижо қилдимми, қарши чиқдинг. Эсингга ол-чи?..

— Қаршилиқ қилганим рост. Эсимда бор, ўша баҳорда кўчат топиш қийин эди. Шунақа ишлар билан овора бўлишни ҳам хоҳламаган эдим. Ўша вақтда, Ҳалимбобо, боғдан кўра муҳимроқ ишлар бошимиздан ошиб ётибди, боғ бўлса кейинроқ ҳам бўлар, қўлимиз ҳам тегар... деган эдим. Бироқ, Ҳалимбобо, шу билан тиниб-тинчимадингиз, райкомга югурдингиз. Сизнинг илтимосингиз билан шахсан Жўрабоев шуғулланди. Ҳамма ишга улгурганига ҳайронман.

Чоллар яна бир-бирларига кўз югуртирдилар ва ниҳоят, Умурзоқ ота деди:

— Дарҳақиқат, раис, бундай сўзларни сендан энди эшитялман. Ҳайронман. Сенга нима бўлди, ахир? Одам ўз хатосига иқроор бўлса яхши бўларди. Халқ таъбири билан айтганда, туяни миниб узоқни кўзлаганингда, ҳамма ишинг бошқача бўларди. Сен бўлсанг узоқни кўрмайсан, калта ўйлайсан, дарҳақиқат, энди хатоларингга тушунаётгандирсан... Сира ҳам кеч эмас. Маслаҳат қилсанг фойдали бўларди. Ахир, Олтинсойда истиқомат қилсан, ҳатто, чўпон ҳам ўз таёғи билан маслаҳат қилишини биласан-ку.

— Гапларингиз ҳақ, оқсоқоллар,— деди Қодиров жавоб бериб.

Ниҳоят, у қўлидаги қамчинини орқа томонига, белбоғига қистириб қўйди.

— Эҳтимол, бирор ёққа кетиш учун эҳтиёж ҳам йўқдир, ҳамқишлоқ. Дарҳақиқат, яхшигина ўйлаб кўра...

— Узил-кесил иш қиладиган ўжар одамман, оқсоқоллар... Лекин шундай бўлса ҳам райком билан маслаҳат қиларман. Ҳар қандай ишга тажриба кўзи билан қараш керак.

У эшикка чиқиб кетгач, чоллар анчагача жимиб қолдилар. Сўнгра яна суҳбатни давом қилдириб, ҳаммага маълум, баҳор пайтида юз берган бўрон, момақалдиروқ, чақмоқ уриб йиқитган юз йиллик қайрағоч (шу қайрағоч ҳали ҳам кўм-кўк экинзорлар ичида чўзилиб ётарди) воқеасини эсга олдилар.

Ниҳоят, Умурзоқ ота уйига жўнади. Ҳалимбобо узоқ вақт бир ўзи ётиб хаёл сурди ва кўзи уйқуга кетди.

Эртаси кунн у одатдагидек Умурзоқ отани кутди. Ҳар кунн келишни канда қилмайдиган чол бугун қандайдир сабабга кўра келмади. Фақат эртасига кечқурун янги яктак кийиб, белини қўш белбоғ билан боғлаган ҳолда худди яшаргандай кириб келди. Ҳалимбобо гинагудур билан ҳужумга ўтмоқчи бўлди-ю, бироқ янги яктаги, мойланган этиги ва янги бахмал дўпписини кўргач, шахтидан тушди ва таажжуб ичида нафаси оғзига тикилиб унга тикилди. Меҳмон бўлса остонанинг нариги томонидан туриб гап бошлади:

— Кеча олдинга келолмадим. Дарҳақиқат, район марказига борувдим. Қизим Олимжон билан бирга универмага кирдилар, мен бўлсам болалар магазинга, ўйинчоқлар олишга кирдим. Яқин икки соат магазинда бўлиб, роса овора бўлдим. Сотувчи билан уришиб олдим. Ахир, психоф керак-да. Анчайин қўлинг тегса сочилиб кетадиган нарсани отча деб сотяптилар. Айт-чи, бундай отчани қаердан олар эканлар?! Дарҳақиқат, ўйлаб кўр, дедим: Чапаев билан Будёний қандай отларда жанг қилганлар?! Сен нимани сотяпсан? Шу ҳам отми? Тўғриси айтсам, бундай отчаларга болаларни ҳам ўтқазиш уят. Уша отчаларни сен ҳам кўрсанг эди... Бу нимаси, ахир? Уч гилдиракли велосипед олишга тўғри келди. Яна ранг-баранг бўялган болалар ўйинчоқлари, тўп сотиб олдим. Дарҳақиқат, нима дейсан... Турмуш гап, ҳадемай невара кўраман.

— Ййе, ййе, тўй бўлдими?

— Тўй эртага бўлади. Дарҳақиқат, шундай тантана муносабати билан турарсан, тўйга борарсан, деб ўйлайман...

— Раҳмат, албатта бораман. Ахир, Олтинсойда ҳар кунн тўй бўлаётгани йўқ-ку.

Эрталаб, Олтинсой тоза ҳаво билан нафас олиб турганда, одамлар ҳам, яқин-яқиндаги тоғлар ҳам карнай овозига уйғондилар, Ҳалимбобо бўлса куч-қуввати йўқлигидан тиззалари титраганига қарамай шошиб-пишиб кийинна бошлаганда доктор кириб келди.

Чол бу аёлни Тошкентдан келиб район касалхонасида ишлай бошлагандан буён, ўттиз йиллар чамаси биларди. Уша вақтларда доктор ёш, қадди-қомати келишган бўлиб, оппоқ шапкачасининг остилан коп-қора соч-

лари кўриниб турарди. Энди бўлса ана шу оппоқ шапка остидан пагадек оппоқ сочлари кўзга ташланар, қоп-қора кўзларида эса жиддий сукунат ва кўнгилчанлик сезилар эди.

— Тўйга бормоқчисиз шекилли, Ҳалимбобо? — сўради у.

Чол нима деб жавоб беришини билмай, хавотир ва саросима ичида унга тикилди. У сурпдан тикилган узундан-узун кўйлак ва иштон кийиб, каравот устида ўтирарди. Ҳалимбобо бу ҳол докторга ёқмаслигини кўнглидан ўтказиб, ота-онаси олдида гуноҳ қилган боладай жимгина турарди.

— Қани, келинг, юрагингизни эшитиб, қон томирингиз ҳаракатини кўрайлик-чи. Ҳароратингизни ҳам ўлчаб кўраман.

Ҳалимбобо унинг сўзларини итоаткорлик билан эшитди ва доктор нима деса ҳаммасини умид билан адо қилди.

— Қадрдон отахоним, зинҳор ўриндан туриш ҳам, эшикка чиқиш ҳам бўлмайди. Зинҳор ва зинҳор. Албатта, Олтинсойда Олимжон билан Ойқизнинг тўйи бўлса-ю, қатнашмай уйда ётиш яхшимас. Бироқ, иложимиз қанча. Жойингизда ётиб, карнай-сурнай овозини деразадан эшитишингизга тўғри келади.

Ҳалимбобо қаршилик ҳам қилолмади, докторнинг кўзларига умид ва ҳасрат маъносида, ўтинч маъносида тикилди.

Доктор ҳам чолнинг қарашларига тушунди ва дўстларча деди:

— Ҳалимбобо, хўп денг, гапимга киринг. Узилиб қоласиз, ҳали касалингиз аригани йўқ, — унинг қошлари учиб, яна сўзида давом қилди: — Гапимга кирмайдиган бўлсангиз устингиздан эримга арз қиламан.

— Эрингизга?!

— Ҳа, ўртоқ Жўрабоевга. У киши ҳам тўйга келади-лар. Сизни ҳам кўриб чиқаман, дедилар.

Доктор уйдан чиқиб кетганидан кейингина Ҳалимбобо қандайдир қувончли ўйга чўмган ҳолда ўз-ўзига деди:

— Бунисини билмаган эканман. Ҳа, Олтинсойда ҳам ҳеч ким билмаса керак.

*Тошкент — Соч
1965—1969 йиллар*

МУНДАРИЖА

<i>В. Озеров. Халқ ҳаётининг илҳомбахш қудрати</i>	5
<i>Ғолиблар. Роман</i>	32

На узбекском языке

РАШИДОВ ШАРАФ РАШИДОВИЧ

Собрание сочинений

в 5-ти томах

ТОМ I

ПОБЕДИТЕЛИ

Р о м а н

Нашриёт редактори Т. Алимов

Рассом И. Қириакиди

Расмлар редактори А. Бобров

Техн. редактор В. Барсукова

Корректор М. Қудратова

ИБ № 2005

Босмахонага берилди 16.03.81. Босишга рухсат этилди 07.07.81. Формати 84×108^{1/32}. Босмахона қоғози № 1. Оддий янги гарнитураси. Юқори босма. Шартли босма л. 17,22+0,73 вкл. Нашр. л. 18,63+0,6 вкл. Тиражи 50000. (1000 нусхаси мелований қоғозда. Нашр. л. 18,66+0,57 вкл. Баҳоси 2с. 60т.) Заказ № 1384. Баҳоси 1с. 50 т. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат Комитетининг Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариши бирлашмаси. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Рашидов Шароф Рашидович.

Асарлар: 5 жилдлик / сўзбоши муаллифи В. Озеров; муҳаррир Ҳ. Ғулом — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981.—

1-жилд. Ғолиблар: Роман. 328 б.

Замонамизнинг улкан адиби Шароф Рашидовнинг социалистик воқелигимиз ҳақиқатларини гўзал ва ёрқин бадиий бўёқлар билан акс эттирган йирик роман ҳамда қиссалари, коммунистик эътиқод, коммунистча дунёқарашнинг баркамол намунаси бўлган жўшқин мақолалари, сиёсий публицистикаси — бугунги совет адабиётининг ажойиб ҳодисаларидандир.

Адибнинг ўзбек тилида беш жилдлик «Асарлар»и нашр қилинмоқда. «Асарлар»га Шароф Рашидовнинг «Ғолиблар», «Бўрондан кучли», «Қудратли тўлқин» каби романлари, «Қашмир қўшиғи», «Икки дил достони», «Қамолот» сингари қиссалари, адабий-танқидий, публицистик мақолалари киради.

Биринчи жилдда Сиз адибнинг машҳур «Ғолиблар» романини ўқийсиз.

Рашидов Ш. Р. Собрание сочинений. В 5-ти т. Т. I. Победители. Роман.

Ў32